84
З-94

НОСИР ЗОҲИД

Дарди бедаво

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori_____	

НОСИР ЗОҲИД

ДАРДИ БЕДАВО

(қиссалар)

TOSHKENT SHAHAR
1020/11-3

Тошкент – 2018

УЎК: 811.202
КБК: 84.34
З – 94

Носир Зоҳид. Дарди бедаво (қиссалар). / "Adabiyot uchqunlari". – Тошкент, 2018. 544 бет.

УЎК: 811.202
КБК: 84.34

Ёзувчи Носир Зоҳиднинг ушбу тўпламидан унинг турли йилларда ёзган қиссалари ўрин олган. Адиб ўз асарларида беҳуда ҳою ҳавасларга берилиш, нафсни жиловлай олмаслик алал оқибат инсонни тубанлик сари етаклаб жаҳолат ботқоғига ботиришини ўқувчи кўз ўнгида намоён қилади.

Содда, равон тилда ёзилган бу ҳиссалар китобхонни бефарқ қолдирмайди, ҳушёрликка ундайди.

ISBN 978-9943-5256-9-6

© Носир Зоҳид
© "Adabiyot uchqunlari" нашриёти, 2018

ҚАСОС

БИРИНЧИ ФАСЛ

Баҳор ҳавосига ишониб бўлмайди. Эрталабдан илиқ нур сочиб турган қуёш булутлар орасига кириб ғойиб бўлади-ю, кўп ўтмай шаррос ёмғир қуйиб юборади. Ёки бирдан шамол кўтарилиб, ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплайди.

Паришонхотирлик билан уйдан чиққан Лобар автобус бекати томон яқинлашаркан, осмонга қараб кўнгли ғашланди. «Ўла, ишқилиб ёмғир ёғвормаса гўргайди, бир кўнглим чарм курткамни кийволай девдим-а», ўйлади у.

Шу пайт юк машинасини қувиб ўтмоқчи бўлган «Жигули» кўзига таниш туюлиб, қўл кўтарди. Машина бирдан секинлаб, бекатдан ўн метрча нарида «ғийқ» этиб тўхтади. Лобар томон беш-олти қадам юрди-ю, янглишганини сезди. «Ие, рақами бошқа-ю, ким бўлдийкин?» У шун-дай хаёлда «Жигули»га яқинлашиши билан орқа эшиги очилди.

– Кечирасиз, мен бировга ўхшатибман, узр, – деди Лобар хиёл энгашиб.

– Йўқ, бехижолат, ўтиринг обориб қўяман. Рулдаги йигит уни яхшироқ кўрмоқчи бўлгандек бошини орқага ташлаб жилмайди. Ана шундагина юмалоқ юзли, қора қошлари бир-бирига туташган, пешонасида анор суви сачрагандек қизғиш доғи бор бу йигитни Лобар таниди. Таниди-ю, юраги «шувв» этиб кетди.

– Ўтиринг, – дея такрорлади у тилла тишларини кўрсатиб кулиб қўйгач.

– Нима, мен одам ўғрисига ўхшайманми?

– Йўғ-е, – Лобар ўриндиқдан жой оларкан, ўзини тутиб олди. – Ўғирлаб кетадиган ёшдан ўтганмиз.

Йигит унга жавобан «бало-ку» дегандек бошини қимирлатиб қўйди. Машина чорраҳага яқинлашиб,

светофорнинг қизил чироғи рўбарасида тўхтагач, «ҳайдовчи» ўгирилди.

– Қайси томонга?

– Навоий массивига, шундоқ бозорчанинг олдига ташлаб қўйинг. Холамнинг тоблари йўқ, хабар олгани кетяпман.

«Худди ўзи» – хаёлидан ўтқазди Лобар унга кўз қирини ташларкан. Оиласини барбод қилган, ҳалолу пок эрининг ёшгина умрига зомин бўлган ноинсоф, тошбағир, ифлос одам мана шу. Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим, деганлари рост экан. Қўлида тўққиз ойлик чақалоғи билан қон йиғлаб қолганда юрагида меҳр-шафқатдан асар ҳам бўлмаган мана шу диёнатсиз махлуққа худодан қайта-қайта ўлим тилаганди. Йўқ, кечалари ухламай, ёлвориб қилган илтижолари яратганга етиб бормабди. Тавба, тасодифми бу? Роппа-роса ўн беш йилдан кейин яна ўша одам билан рўбара бўлиб ўтирибди».

«Силлиққина жувон экан». Нормуҳаммад орқа ўриндиқни кўрсатадиган ойнага кўз қирини ташлади. Тўғри, бошқа пайт бўлганда балки тўхтамай ўтиб кетган бўларди. Ҳозир кайфияти бошқача. Таътили тугаяпти, душанбадан ишга чиқиши керак. Бугун бир дам олиб, маишат қилгиси бор эди ўзи. Эрталаб эски жазмани – Матлубага телефон қилган эди, «жоним билан, ўзим ҳам сизни соғинганман, лекин иложим йўқ», деди. «Нимага, тинчликми?» деб сўрайвергач, «тинчлик, мазам йўқ, тушунмаяпсизми?» дегач гўшакдан қўнғироқдек кулги овози эшитилди.

– Холангизникида кўп ўтирасизми?

– Хаёлини бир жойга тўплаган Нормуҳаммад секин жувоннинг қўйнига қўл солиб кўрди.

– Йўқ, бирор соат ўтириб қайтаман.

– Мениям бир жойда ишим бор, – деди Нормуҳаммад ёлғондан. – Битириб қайтишда бозорчанинг олдида кутаман. Ҳавони қаранг,

ёмғир қуйворса шалаббо бўласиз.

Лобар ўйланиб қолди. «Дарров хўп дейдиган бўлса енгилтак жувонлардан экан, деб ўйлаши аниқ. Йўқ, деса худо билади, қайтиб яна бундай имконият бўлади-ми–йўқми?» Машина Навоий мавзеси томонга бурилиб, бозорча ёнида тўхтади.

– Демак, келишдик-а? – Нормуҳаммад Лобарга ўгирилиб қаради.

– Раҳмат, кечга қолсам кутиб қоласиз, овора бўлманг...

– Лобар машина эшигини оҳиста очиб, пастга тушаркан ноз билан жилмайди.

– Овораси йўқ, албатта кутаман. – Нормуҳаммад шундай деди-ю, машинага газ берди.

Дарҳақиқат, бозорчадан у-бу нарса олиб, холасини йўқлаб кирган Лобар бирор соат гаплашиб ўтирган ҳам эдики, бир икки чақмоқ чақиб майдалаб ёмғир ёға бошлади.

– Бўпти, хола яхши бўлиб қолинг, мен турай энди.– Лобар соатига қараб қўйгач, фотиҳага қўл очди.

– Эсинг жойидами ўзи, келишингдан кетишинг осон. – Хола жиянининг билагидан ушлади. – Бирпас ўтир, ёмғир тинсин, боргунча ивиб кетасан.

– Йўқ, мен кета қолай, худо билади, бу ёмғир қачон тинади. Азаматнинг мактабдан келадиган вақти ҳам бўлиб қолди.

Лобар холаси билан хайрлашиб, кўчага чиққач, қадамини тезлаштирди. У катта йўлдан ўтиб бозорча томон буриларкан, автобус бекати яқинида турган таниш «Жигули»га кўзи тушди.

– Куттириб қўяман, девдим-ку. – Лобар машинага ўтираркан ўзини сипо, хижолат тортган қилиб кўрсатди.

– Йўқ, ўзим ҳозир келиб турибман, қалай, холангиз тузук эканларми?

– Тузук, анча яхши бўлиб қолибдилар.

«Қўлга олса бўлади», – Нормуҳаммад машинани ўртача тезликда бошқариб бораркан, хаёлидан ўтказди. «Лекин бир оғиз гапга хўп деб эргашиб кетадиган аёллар тоифасиданмас».

– Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш дейишади. У ўгирилиб қараб қўйгач, секин «ҳужум»га ўтди. – Исмингиз...

– Лобар.

– Меники Нормуҳаммад, мана танишиб ҳам олдик. Учинчи марта кўришсак ажабмас қариндош бўлиб қолсак.

– Менга ўхшаган қариндошларингиз кўпми? – Лобар муғамбирона жилмайди. «Точкасига урдику». Жувоннинг нимага шама қилаётганлигини сезган Нормуҳаммад бир зум нима дейишини билмай қолди.

– Кўпмас-у бор, лекин сизга ўхшагани йўқ, – деди хушомад оҳангида.

Чорраҳадан ўтиб, тўққиз қаватли бино рўбарасига келганда Лобар машинани тўхтатди. Ўзининг назарида домига илинай деб турган қушчани қўлдан чиқаргиси келмаган Нормуҳаммад очиқчасига гапирди:

– Лобархон, бир гап айтсам тўғри тушунасизми, – деди у машинадан тушмоқчи бўлиб турган аёлнинг кўзларига тикилиб.

– Нотўғри тушунадиган гап гапирмассиз.

– Биласизми, бугун юрагим сиқилган, унинг устига ҳавони қаранг, агар икки соатгина мен билан гаплашиб ўтиришга вақтингизни аямасангиз бошим осмонга етарди.

Лобар ичида кулиб қўйди. Кейинги икки-уч йил ичида жуда кўп давраларда бўлди. Шоҳона базмларда ўтирди. Пулдор, мансабдор эркаклар билан танишди. Уларнинг ҳаммаси бир гўр. Нафсини қондириб, мақсадига етгунча пойи патак бўлади, оёғингни ялашга тайёр туради. Мақсадига етиб кўнглига урганингдан кейин

янгисини ахтариб қолади. Ялтоқланиб, шаҳвоний ҳирсга тўла кўзларини унга тикиб турган мана бу одам ҳам худди ўшалар тоифасидан.

– Нормуҳаммад ака, мен учраган одам етакласа кетаверадиган аёлларга ўхшайманми? – Лобар бу гапни унга оғир ботмаслиги учун бир оз шўхлик билан эркаланиброқ айтди.

– Йўғ-е, агар сизни хафа қилиб қўйган бўлсам узр. Мен тўғри кўнгилда гапиряпман. – Нормуҳаммад сохта табассум қиларкан, ичида ғижинди. «Бунча ноз қилмаса, агар кимлигини, қаерда ишлашини билганида кўпам ўзини бозорга солмаган бўларди. Майли, ҳозирча эгилиб турайлик».

– Бўпти, майли, бироқ битта шартим бор, – Лобар жоду кўзларини сузди.

– Бажонидил, бош устига, фақат осмондаги ойни олиб берасиз, демасангиз бўлди. Нормуҳаммаднинг чеҳраси ёришди.

– Шартим шуки, аввало кўп ўтирмаймиз, ундан кейин айтиб қўяй, чегарадан чиқиш йўқ, келишдикми?

– Шартингиз ойни олиб беришдан ҳам оғир-у. Енгилроғи йўқми? – Нормуҳаммад кулди.

– Бўпти, ҳозирча хайр, – Лобар соатига қаради. Тўртда шу ерга чиқаман.

Машина биринчи қавати озиқ-овқат билан савдо қиладиган «Гастроном» бўлган тўрт қаватли бино рўбарасида тўхтади.

– Нормуҳаммад ака, «Гастроном»да танишларим ишлайди, сиз кираверинг, мен кейин...

– Майли, бўлмаса тушуниб олинг, шундоқ магазиннинг орқасидаги олтинчи дом, биринчи, подъезд иккинчи қават, бешинчи хона, эшик очиқ бўлади, кираверасиз.

Лобар эшикни оҳиста очиб, ичкарига қадам қўйиши билан димламанинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди «гуп» этиб димоғига урилди. У туфлисини

ечаркан, рўбарадаги хонадан «келаверинг, тортинманг» деган қувноқ овоз эшитилди. Меҳмонхона вазифасини ҳам ўтовчи зал дид билан жиҳозланган. Хона тўридаги деворни чет элда ишлаб чиқарилган мебель мажмуи эгаллаган. Оёқ остида чўғдек Хива гилами, хонадаги видеомагнитофонли телевизор, унинг ёнидаги магнитофон, диван, юмшоқ ўриндиқ – ҳаммаси чет элники.

– Тортинмай бемалол ўтиринг. Эгнини алмаштириб, спорт формаси кийиб олган Нормуҳаммад уни диванга таклиф қилди.

– Раҳмат. – Лобар диванга яқинроқ суриб қўйилган мўъжазгина столга тўшалган гулли дастурхон устидаги ноз-неъматларга бирров кўз югуртирди.

– Роса овора бўбсиз-ку.

– Овораси борми, бир дам роҳат тахти Сулаймон, деганлар. – Ўзини эркин тутаётган Нормуҳаммад Лобарнинг қаршисидаги креслога ўтирди. – Сизгаям иш қолдирганман, мана бу бодринг, помидорлардан «закуска» тайёрлайсиз. Мен овқатга бир қараб қўяй.

«Кимларнинг қадами текканикин бу хонадонга». Лобар тарелкани олдига яқинроқ суриб, пичоқни оларкан, бир зум ўйга толди. «Шўрлик аёллар, кўпчилиги чорасизликдан, иложсизликдан келган бўлса керак бу ерга. Нормуҳаммад ҳозир қаерда ишлаётганикин? Беш-олти йил бўлди, ўтиришлардан бирида кимдир унинг номини тилга олиб, кўтарилиб кетганлигини, бошқармада ишлаётганлигини айтган эди. Ҳозир ҳам ўша ердамикин?»

– Тасанно, мана бу бошқа гап. Аёл кишининг қўли тегмагунча барибир ўхшамайди, – Лобарнинг хаёлини Нормуҳаммаднинг хушчақчақ овози бўлди. – Бу ёғи ҳам беш минутда «гатоп». Лекин айбга буюрмайсиз, бизники қўлдан келганича.

– Йўғ-е, нимага, эркакларнинг қўли ширин бўла-ди. – Артистлик ролини маромига етказиб ўйнашга ҳаракат қилаётган Лобар ишва билан боқди.

– Хўп, энди кўришганимиз, танишганимиз шарафига қиттак-қиттак олмасак бўлмайди. Нормуҳаммад сервантдан коньяк, шампан, арақ, фанта ва икки дона плитка шоколади олиб стол устига қўйди. – Сизга қайсинисидан?

– Фақат арақ эмас. – Энди ўзини бозорга солиши бефойдалигини сезган Лобар ноз қилиб ўтирмади.

– Яхши, бўлмаса сизга коньяк қуяй, менга арақ маъқул, коньяк қон босимимни кўтариб юборади.

Улар икки рюмкадан ичишгач, Нормуҳаммад димламани сузди, «Пазанда экансиз» – Лобар мақтади. Рюмкаларни тўлдираётган Нормуҳаммад мамнун жилмайди. Овқатланиб бўлишгач, Лобар кўк чой дамлади.

– Квартирангиз яхши жойда экан.

– Сизга ёқдими? Нормуҳаммад ўрнидан туриб диванга – Лобарнинг ёнига ўтирди. – Қўқонда ишлаб юрганимда олганман.

– Қаерда ишлагансиз, агар сир бўлмаса, – жувон сузилиб қаради.

– Жудаям қизиқяпсизми?

– Йўқ, шунчаки сўраяпман, майли, мабодо айтиш мумкин бўлмаса...

– Нимага энди, айтиш мумкин... Ишонасизми, хотинларнинг ҳаммомида кассир бўлиб ишлаганман. Нормуҳаммад яйраб кулди.

– Ишонаман, шунинг учун қўл кўтарган аёллар кўзингизга иссиқ кўриниб, дарров тўхтаркансиз-да. Лобар ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди.

– Қўйинг, ишдан гапирмайлик. Нормуҳаммад аёлнинг белидан қучди.

– Бугун дунёнинг ташвишларини унутиб бир маза қилайлик. Видео қўйиб берайми?

– Йўқ, магнитофонни қўя қолинг, яхши кассеталарингиздан борми?

– Қанақасидан қўйиб берай? Шўхиданми? Ё «Қаро кўзим»ни эшитасизми?

– Ўзингизга ёққанини қўйинг. Лобар Нормуҳаммаднинг қўлини секингина белидан олди.

Магнитофондан юрак торларини қитиқловчи шўх қўшиқ таралди:

«Қаро қоши қундузгинам кел энди,
Сочи райҳон сунбулгинам кел энди...»

Лобарнинг энг яхши кўрган қўшиғи эди бу. Уйда ёлғиз қолганда магнитофонни қўйиб, чарчагунча ўйнарди. Нормуҳаммад унинг кўнглидагини сезган-дек ўйинга тортди. Лобар рақсга уста эди. Ўйнаганда келишган қадди-қомати янада латофатли кўринар, майин табассуми, ишваю ғамзаси мана ман деган эркакнинг юрагига чўғ соларди. Нормуҳаммад мастона кўзларини сузиб, товусдек хиром этаётган жувоннинг «сиз ҳам тушинг» дея қилган имосига жавобан бир-икки қўл кўтарган бўлди-ю, белидан маҳкам қучиб, ёноқларидан, томоғининг тагларидан эҳтирос билан ўпди.

– Ие, ана холос, шартимиз қаерда қолди? Аёл Нормуҳаммаднинг кўкрагига қўлларини қўйиб беозоргина итарди.

– Шартимизми, шартлашган жойимизда қолди. У Лобарнинг белидан маҳкамроқ қучди. – Мен сизга бир нима кўрсатаман, бу ёққа юринг: «Ҳамманг бир гўрсан». Ваъдалашгандаёқ бу учрашувнинг нима билан тугаши унга ойнадек равшан эди. У нафратини сездирмай зўрма-зўраки жилмайди.

Лобарни ётоқхонага – хонаи хосга бошлаб кирган Нормуҳаммад рўбарадаги кўзгу тагидаги ғаладондан унга аталган совғани олди.

– Мана бу сизга, арзимас бўлса ҳам...

– Француз атирларининг зўридан-ку, бунақаси кам учрайди.

– Аёл ширин табассум ҳадя қилди.

– Сизни ўзингиздан келаётган муаттар бўй ҳаммасидан ширин.

– Нормуҳаммад Лобарни қучиб ўпаркан сийналарини беркитиб турган кўйлагининг тугмаларига қўлини олиб борди.

– Қўлингизни олинг, илтимос.

– Аёл чуқур нафас олди.

– Қўйвориб туринг, хўп, ўзим...

...Лобар ювиниб чиққач, сочларини тартибга келтириб бир оз пардоз қилган бўлди-да, диванга ўтирди. «Вақт ғанимат». У Нормуҳаммаднинг ваннага кириб кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, сумкачасини очиб, пенициллин шишасига қуйиб келган суюқлик – «уйқу доридан» фантага бир неча томчи аралаштирди. Сўнгра ҳаяжонини босиш мақсадида коньякдан рюмкага тўлдириб қуйиб ичди. Бир оздан кейин вужудини қамраб олган қўрқув ҳисси чекингандек бўлди-ю, бошини хиёл орқага ташлаб кўзларини юмди.

– Ювиниб чиққан Нормуҳаммад диванга ўтириб аёлнинг елкасидан қучди.

– Лобар ўзини тутиб нозланди.

– Нормуҳаммад рюмкаларни тўлдираркан, мамнун жилмайди.

– Келинг, тез-тез кўришиб туришимиз учун олайлик.

Лобар рюмкани оларкан, яримлаб қолган арақ шишасига бирров кўз югуртирди.

– Бўпти, лекин бу охиргиси, хўпми, рулдасиз, яна...

– Нима демоқчисиз? Бирдан, тўсатдан, ДАН тўхтатиб қолса демоқчимисиз? ГАИлар мени кўрса честь беради, жоним.

– Шунақа катта одаммисиз? – Лобар муғамбиро-

на жилмайди. Нормуҳаммад сирли кулиб қўйида, қўлидаги рюмкани бир кўтаришда бўшатиб пиёладаги фантани охиригача ичди.

...Орадан ярим соатча вақт ўтгач Нормуҳаммад мудрай бошлади.

– Уйқингиз келяптими? – Уни зимдан кузатиб турган Лобар меҳрибонлик билан сўраган бўлди.

– Чарчабман шекилли. Нормуҳаммад фантадан пиёлага қуйиб ичди.

– Бўлмаса сиз ёнбошлаб бир оз дамингизни олинг. Мен стол устини йиғиштириб қозонни ювиб қўяй. – У шундай дея ёстиқ олиб чиқди.

– Майли, мен ярим соатгина дам олай, агар ухлаб қолсам уйғотинг, бир жойда ишим бор.

Ярим соатга қолмай ҳаммаёқни саранжом-саришта этиб улгурган Лобар енгил хуррак отиб ухлаётган Нормуҳаммаднинг рўбарасига – креслога ўтириб унга диққат билан тикилди. «Сочлари бир оз сийраклашиб оқ оралаганини айтмаса, унчалик ўзгармабди. Қайтага тўлишиб, салобатли бўлиб кетибди. Ҳозир қаршисида тош қотиб ухлаб ётган мана шу инсон ўзи зор қақшатган ўн тўққиз ёшли аёл билан орадан йиллар ўтиб шундай ҳолатда учрашишини хаёлига келтирганмикин? Йўқ, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўлса керак. У ўшанда қотмадан келган, ёши ўттизлар атрофида бўлиб қамчиндеккина йигит эди».

* * *

1985 йил сентябрь ойининг ўрталари эди ўшанда. Лобар одатдагидан барвақт уйғонди. У кечаси билан безовталаниб тонгга яқин ухлаб қолган бешикдаги ўғилчасига бир дақиқа меҳр билан термилиб тургач, ташқарига чиқди. Қўл-бетини ювиб, ҳовлини супурди, кўча эшик тагига сув сепди. «Ҳозир поезддан тушган бўлсалар

керак», хаёлидан ўтказди у ошхонага кириб газга чой қўяркан. Сўнгра эрининг одатдагидек «ассалому алайкум» деб очиқ чеҳра билан кириб келишини, онасидан ҳол-аҳвол сўрагач, уйга киришини, онасидан ҳол-аҳвол сўрагач, уйга киришини, онасидан ҳол-аҳвол сўрагач, уйга киришини, онасидан ҳол-аҳвол сўрагач, уйга киришини, онасидан ҳол-аҳвол сўрагач, уйга кирибоқ уни маҳкам қучоқлаб «бир кун кўрмасам соғинчдан юрагим қинидан чиқиб кетай дейди», дея эҳтирос билан ўпиб эркалашларини кўз ўнгига келтираркан, эти жимирлаб кетди. Қизиқ, кимдандир «ҳақиқий муҳаббат бир ёстиққа бош қўйгандан кейин бошланади», деб эшитган эди.

Рост экан. Бўлмаса Аваз акаси билан танишиб, севишиб турмуш қуришгани йўқ. Ўрта мактабни битириб, чевар бўлиш орзусида «Маиший хизмат уйи»га ишга кирган пайтлари эди. Бўйи ўртадан хиёл баландроқ, юзлари худди сутга чайиб олингандек тиниқ. Кўзларида маъсума қизалоқларга хос беғуборлик билан бирга ажиб бир ҳайрат акс этиб тургувчи бу қизни кўп ўтмай ишхонадагилар-нинг барчаси ёқтириб қолди. Парвардигор исми жисмига монанд бўлган бу Лобар қизга покиза қалб ҳам ато этган эди. У ғийбатни ёқтирмасди.

Баъзи дугоналари ҳозиргина ўпишиб кўришган ўртоқлари кўздан узоқлашиши билан уни ёмонлашга тушганини кўриб ҳайрон бўларди, аччиғи келарди. Лобар хаёли қиз эди. Ўрта мактабни битириш арафасида баъзи синфдошлари оила, қандай йигитга турмушга чиқиш ҳақида ўзаро баҳслашиб қолишарди.

Лобар бундай мунозараларга қўшилмасди. Кечқурунлари ёстиққа бош қўяркан, гоҳида беихтиёр келажак ҳақида хаёл суриб, «мени кимга беришаркин», деб ўйларди, ўйларди-ю, худди уят иш қилиб қўйгандек вужуди қизиб, юзлари ловуллаб ёнар, кўзларини юмиб, бошини кўрпага буркаб оларди.

Қиш ўтиб, баҳор келиши билан хонадонларидан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Якшанба

куни эди. Нонуштадан кейин она-бола ёлғиз қолишди.

– Қизим, бирпас ўтир, ишларингни кейин қиласан. Мастура хола ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турган қизига меҳрибонлик билан тикилди. – Ўзинг ақлли қизсан, ҳаммасини кўриб, сезиб юргандирсан...

Лобар аввалига ҳайрон бўлди, кейин гап нима ҳақида бораётганлигига бирдан тушуниб етди-ю, дув қизариб бошини эгди.

– Эскилар қиз болани палахмон тоши дейишган.– Қизидаги ўзгаришни сезган она мулойимлик билан гапини давом эттирди. – Ҳаёт шунақа, қиз бола вояга етгандан кейин эртами-кечми муносиб жой чиқса барибир узатиш керак.

Муносиб жой, кимга муносиб кўришаётган экан уни. Тўғри, совчилар кўп келяпти, лекин, шу пайтгача бу ҳақда унга оғиз очишгани йўғиди. Демак, бир қарорга келишибди-да. Ким экан у. Лобарнинг боши янада эгилди.

– Бу гапларнинг ҳеч қандай уяти йўқ, қизим. Шу сўзларни айтган она худди эртага бағри ҳувиллаб қолаётгандек кўзига ёш келди. – Дадангни феъл-атворларини ўзинг ҳам яхши биласан, ҳашамни ёқтирмайдилар. Дабдабали хонадонлардан келган совчиларга рўйихушлик бермадилар. «Қизим қисиниб-қимтинмай, эмин-эркин юрсин, десанг ўзимизга ўхшаган ўртамиёна, оддий оилага узатганимиз маъқул» дедилар. Исфара гузарлик совчилар кеча учинчи маротаба келишди. Ўғил-лари ўқитувчи экан. Институтни битириб, икки йилдан бери техникумда ишларкан. Мана шу оила бизга маъқул бўлиб турибди. Йигитни даданг кўрибди, бамаънига ўхшайди, дедилар. Эртага ишдан чиқишингга опанг бориб туради. У ҳам келаркан. Опанг танийди у йигитни, кўр, бир-икки оғиз гаплаш, бунинг уяти йўқ, қизим.

Лобардан садо чиқмади. У баъзи қизларга

ўхшаб тил учида «йўқ, менга ҳозир бунақанги гапларни гапирманглар, керакмас», деёлмади. Онаизори «агар у йигит сенга ёқмаса ҳеч қачон мажбурламаймиз, даданг ҳам шунақа дедилар», дегандан кейин бошини секин кўтариб, ёшли кўзлари билан бир қараб қўйди. Бу нигоҳда «ўзларинг биласизлар, ахир менга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмагансизлар-ку», деган маъно бор эди.

«Маиший хизмат уйи»дан опа-сингил бирга чиқишди. «Ҳув ана, китоб магазини олдида турган йигитни кўряпсанми? Ана ўзи ҳам биз томонга келяпти, мунча довдирайсан? Бўпти, мен кетдим, яхшилаб қара, гаплаш». Опаси шундай дея йўлнинг нариги юзига ўтиб кетди.

– Лобархон, яхшимисиз, ҳорманг. – У билан саломлашган йигит ўзини эркин тутди, – чевар бўлиб қолгандирсиз?

Улар автобус бекати томон аста йўл олишди. Уятдан, ҳаяжондан бошини эгиб бораётган Лобарнинг юраги гурсиллаб урар, йигитнинг юзига қаролмасди. Лекин «овози ёқимли экан» деган фикр бир лаҳза хаёлидан ўтди.

– Мен сизни бекатда кўп кўрганман. – Ўртадаги сукунатни яна йигитнинг ўзи бузди. – Кўпинча ишдан иккаламиз бир пайтда чиқар эканмиз.

«Кузатиб юрган экан-да». Хаёлига келган лаҳзалик фикрдан сўнг у беихтиёр «ялт» этиб йигитга бир қараб, қўйди. Йўқ, танимади. Лобар ишдан чиқиб, ҳар куни автобус кутаркан, гоҳида баъзи шилқим йигитлар унга гап отишарди. Лекин у бир сўз деб жавоб қайтармас, индамай беш-олти қадам улардан нари кетарди. Гап оҳангларидан қандайдир меҳрибонлик, самимийлик сезилиб турган бу йигит эса бутунлай бошқа, унақаларга сира ўхшамайди. Улар автобус бекатида беш-олти дақиқа туришгач, Лобар йигитга уялибгина қараб қўйди-да, «ана, автобусимиз, бўпти, хайр»,

– деди жилмайиб.

– Бунча тез, кетиб қолманг. Йигит шошиб қолди.– Лобархон, ўзим таксида кузатиб қўяман.

– Йўқ, раҳмат, овора бўлманг, маҳалламиздагилар кўриб қолишса менга ноқулай. Лобар шундай дея бекатга келиб тўхтаган автобус томон қадамини тезлатди.

* * *

... Тўй ниҳоятда файзли, ширин ўтди. Гўшангада келин-қуёв ёлғиз қолишганда Авазхон акасининг ҳаяжон билан айтган дил сўзлари Лобарнинг юрагига бир умр муҳрланиб қолди.

– Сизни бекатда биринчи марта учратганимда кечаси билан ухламай чиққанман, – деган эди у, Лобарнинг қўлларини кафтлари орасига оларкан. Чунки хаёлимда тасаввур қилиб юрган қизни, сизни учратиб қолдим. Ўша кундан бошлаб йўлингизни пойлайдиган бўлганман. Сиз автобусга чиқиб кетганингиздан кейин уйга кетардим. Лекин бирор марта ҳам менга қиё боқиб қарамагансиз. Бир куни ортингиздан автобусга чиқиб, то уйларингга-ча кузатиб борганман, сезмагансиз.

Лобар бир ёстиққа бош қўяётган умр йўлдошининг сўзларини унсиз, лекин жон қулоғи билан тинглар, хилватда, учрашувда эмас, гўшангада айтилаётган изҳори дил негадир унга хушёқар, йигит вужудидаги ҳаяжон, қалбидаги оташ Лобарнинг вужудини ҳам қиздира борар, мана шу инсон йиллар ўтиб, дунёдаги энг яқин кишиси, сирдошига айланиши ҳақида ўйлар, лекин бош кўтариб бир қараб қўйишга ўзида журъат тополмасди.

– Лобархон, менга қаранг, ишқилиб сизни мажбурлаб узатишаётгани йўқми? – Авазхон акаси ўшанда бу саволни жиддий оҳангда беришга ҳаракат қилаётган бўлса-да, Лобар бунинг

ҳазиллигини, ундан гап олмоқчи эканлигини сезганди. Шунда биринчи марта эрининг кўзларига бир зум термилиб «йўқ» деганди титроқ товушда. Шунда Авазхон акаси елкаларидан тутиб, авайлаб эҳтирос билан бағрига босганди...

...– Қизим, Авазхон сизга ҳеч нима дегани йўқмиди? – Хонага кириб келган қайнонасининг ташвишли саволи Лобарнинг хаёлини бўлди. – Дадангиз-ку бир-йўла акамнинг маъракасини ўтказиб келаман девдилар. Аваз амакимнинг таъзияларидан кейин кечқурун поездга чиқаман, – деб кетувди.

– Менгаям «эрталаб етиб келаман, биринчи пара дарсим бор», дегандек бўлувдилар.

Соат тўққизга яқинлашганда ҳам Авазхондан дарак бўлмагач, «поездга чипта ололмаган бўлса эрталаб автобусга чиққандир» деган ўй билан қайнона-келин нонуштага ўтиришди. Шу пайт кўча эшик «ғийқ» этиб очилди. – Ана келдилар, – дея Лобар дик этиб ўрнидан турди. У эрига пешвоз чиқишга ошиқаркан, ҳовлига Авазхон акаси билан орқама-орқа иккита бегона йигитнинг ҳам кириб келганига кўзи тушиб, бир зум ҳайрон бўлди. Сўнгра салом-аликни ҳам унутган эрининг ташвишли чеҳрасига тикилиб, юрагига ғулғула тушди.

– Ҳой болам, тинчликми, бунча ҳаяллаб қолдинг? – Ошхонадан чиқиб ўғлини койи бошлаган Меҳринисо хола жиддий қиёфада турган бегона йигитларга қараб тилини тишлади. Сўнгра ўзини қўлга олиб, «келинглар ўғилларим. Лобархон, ичкари уйга жой қилинг, дастурхон ёзинг», деди нима воқеа содир бўлаётганлигига ақли етмай.

– Хола, дастурхонга овора бўлманг, биз зарур бир иш билан келдик. Йигитлардан бири шундай дея чўнтагидан қизил гувоҳномани олиб кўрсатди. – Органдан ОБХССданмиз, мана рухсатнома

№ 58
AXBOROT.RU

холис гувоҳликка иккита қўшнини чақирсангиз, уйларни бирров кўздан кечириб чиқишимиз керак.

– Вой ўлмасам, тинчликми, нима бўляпти ўзи? – Онаизор ўғлига қўрқув билан қаради.

– Тинчлик ая, тинчлик. – Авазхон ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб, зўрма-зўраки жилмайди. – Озгина англашилмовчилик, кейин ҳаммасини ўзим тушунтириб бераман.

Йигитлар ярим соатча уйда тинтув ўтказишгач, қоғозга нималарнидир ёзиб, хонадон эгаларига, холис гувоҳларга қўл қўйдиришди.

– Хола узр, хизматчилик, хафа бўлмайсиз, – деди гувоҳнома кўрсатган йигит расмий оҳангда. Сўнгра Авазга ўгирилди. – Сиз шаҳардан узоққа кетиб қолманг, зарур бўлиб қолсангиз чақиртирамиз.

– Нима иш қилиб қўйдинг, гапирсанг-чи? – Тоқати тоқ бўлган Меҳринисо хола ўғлининг ёнига ўтирди.

– Ҳеч нима қилганим йўқ. – Аваз хотини қуйиб берган чойдан бир ҳўпларкан, бошини сарак-сарак қилди. – Эрталаб поезддан тушмоқчи бўлиб турсам, элликларга кирган бир одам «ўғлим мана шу сумкани олиб тушириб беринг, юким оғир» деб қолди. Қўлидан олиб вагондан тушдим. Ўзиям орқамдан келаёт эди. Шу пайт ҳалиги йигитлар олдимга келиб «ОБХССданмиз, сумкангиздаги нима», – деб сўраб қолди. Меникимас, билмайман, эгаси ҳозир тушади, дедим. Бирпас кутдик, лекин ҳалиги одам тушмади. Кейин йигитлардан биттаси мен билан вагонга чиқди. Ҳамма купеларни биттама-битта қарадик, эгаси йўқ. Ундан кейин мени милиция хонасига обкириб, гувоҳларнинг иштирокида сумкани очишди. Лиқ тўла аёллар рўмоли, санашди, 150 та экан. Меникимас булар, таъзиядан келяпман, – деб худони ўртага қўйиб қасам ичсам ҳам ишонишмайди. «Чайқовчисан,

қочиб кетган шеригинг, сумкани эгасини топ, кейин ишонамиз гапингга», – дейишди.

– Вой ўлмасам, энди нима бўлади? – Чайқовчилик билан қамалиб чиққан тоғаси ёдига тушиб, Лобарнинг ранги ўчди.

– Ваҳима қилавермангглар, ҳеч нима бўлмайди. – Авазхоннинг ҳам юрагига ғулғула тушган бўлсада, сирни бой бермади. – Мана, уйимизни титиб кўрди, ҳеч вақо йўқ. Бўлди, мен ишга боришим керак, биринчи пара дарсим ҳам расво бўлди. – У шундай дея уйдан портфелини олиб чиқди.

– Ҳой шошма, бир пиёла чой ичвол.

– Кечга қоляпман, буфетда бирор нима еб оларман.

– Аваз онасининг қисташига қарамай пиёладаги совиб қолган чойини тик турганича ичди-да, ишига кетди.

Дадаси амакисининг маъракасини ўтказиб, Қўқонга қайтган куни шаҳар ички ишлар бўлимидан Авазнинг номига чақирув қоғози келди.

– Э, ҳеч нима бўлмайди. Ўн биринчи синфда ўқийдиган Сарвар бепарво қўл силкиди. – Нима, акам чайқовчимилар. Қоидаси бир-икки марта чақириб суриштиради-да.

Оиланинг тўнғич фарзанди – автобазада ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Анвар «сен гўдак нимани ҳам тушунардинг» дегандек укасига беписанд қараб қўйгач, деди:

– Улар билан ҳазиллашиб бўлмайди, органдагиларни яхши биламан. Бир илинтириб олса чақираверіб қонингга ташна қилиб юборади. Бирор йўлини топиш керак.

Неъматжон ака бир оз ўйланиб тургач, Авазга қаради.

– Ҳозир подадан олдин чанг чиқармайлик. Эртага учраб келгин-чи. Шунга қараб бирор чорасини топармиз.

Эртаси куни тергов бўлимида уч соат

сўроқ берган Аваз уйга кириб келиши билан «падарингга лаънат, одаммаскан-ку булар», деди фиғони фалакка чиқиб. – Еттинчи хонага кирдим, терговчи Мирғиёсов деган йигит экан. Тушунишни ҳам хоҳламайди. «Уч кун ўтқизиб қўйсам, эсинг жойига тушади», – деб дўқ уради...

– Хўп, охири нима бўлди, нима қарорга келди ўша терговчинг? – Тоқати тоқ бўлган дадаси ўғлининг гапини бўлди.

– Нима бўларди, «тушунтириш хати ёз» деди. «Сумканинг эгасини кўрсам танийман, учратиб қолсам ёнингизга олиб келаман» деб ёзиб бердим.

– Дада, кеча ман нима деган эдим, – деди Анвар. Акасининг ташвишли оҳангда айтган гапларидан кейин Аваз ҳам силлиққина қутулиш қийинлигини тушунди.

– Хўп, нима қилиш керак бўлмаса? – Ўғилларига қараб Неъматжон аканинг ҳам боши қотди.

– Одамини топиб гаплашиш керак. Узатмасанг ишни расво қилиши мумкин.

– Нима деяпсиз?! – Акасининг гапини эшитиб Авазнинг жиғибийрони чиқди. Емаган сомсага пул тўлайманми? Бир тийин ҳам бермаймиз.

– Хўп, обориб тиқиб қўйса нима қиласан? Яхши бўладими? – деди юраги сиқилган акаси ҳам зарда билан.

– Бўлди, бас қилинглар, бу гаплардан барибир фойда йўқ, – Неъматжон ака бирпас ўйланиб тургач, ўрнидан турди. – Эрта-индин бошлиқнинг олдига ўзим бир кирай-чи, бошлиқ ҳам одам, тушунар ахир.

Орадан бир ой ўтди. Терговчи ҳар сафар чақиртирганда бир хил сўроқ дўқ-пўписа: «Чайқовчисан, бўйнингга ол ёки мол эгасининг кимлигини айт?» Бу орада ички ишлар бўлими бошлиғи қабулига кириб чиққан Неъматжон аканинг ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Бошлиқ унинг гапларини бепарво

тинглагач, «ака, терговчи шуғулланяпти, гуноҳи йўқ бўлса жавобгар қилмаймиз», – деди совуқ оҳангда.

– Ишимни янаги ҳафта судга ошираркан, – деди Аваз навбатдаги сўроққа чақирган терговчининг олдидан қайтгач.

– Тезроқ бир ёқлик бўлгани яхши. – Башарасини кўргани тоқатим қолмовди ўзи ўша ҳайвонни.

– Судда ҳақиқат қилишар. – Неъматжон ака чуқур тин олди. – Маҳалладан, техникумингдан олиб бориб берган характеристикаларни инобатга олар суд.

– Илойим ўша терговчининг уйи куйсин. – Меҳринисо хола кўз ёш қилди. – Аҳволингни қара, бир бурда бўлиб қолибсан, болам. Худонинг унга ҳам айтгани бордир.

...Тун. Октябрь ойининг охирлари бўлишига қарамай осмон тиниқ, бир парча булут йўқ. Кўкда худди ёздагидек юлдузлар чарақлайди. Боласига кўкрак тутганича ташвишли ўй-хаёлларга берилган Лобар гўдагининг ухлаб қолганини сезгач, қаддини ростлаб, бешикни бир-икки тебратди, сўнгра эрининг ёнига секин чўзиларкан, чуқур хўрсинди. Бундан бир ойгина олдин осуда, беташвиш ҳаётига бирданига балойи қазодек қора булут бостириб келиши етти ухлаб тушига кирмаганди. «Нима бўларкин охири, эрини қамаворишса-я». Хаёлига келган бу мудҳиш фикрдан Лобарнинг ўзи ҳам қўрқиб кетди. «Йўғ-е, худо сақласин. Қайнотаси судда яхши бўлади», деяпти-ку.

– Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган аёл худди бағри ҳувиллаб қолаётгандек эрининг пинжига тиқилди.

– Кўп ташвиш тортаверманг, – деди Аваз хотинининг ўй-хаёлларини сезгандек унга далда бериб. Сўнгра Лобарнинг елкасидан қучиб, чуқур тин олди.

– Аслида акамнинг гапига кириб одамини топсак бўларкан, энди кеч.

– Дадам судда оқлаворади, деяптилар-ку.

– Суд ҳам терговчи ёзган айблов хулосасига қараб иш кўради-да.

Бир ой терговга қатнаб, баъзи нарсаларга ақли етиб қолган Аваз хотинининг юрагига яна ғулғула солмаслик учун ортиқча гапирмади. «Ҳаммаси терговчига боғлиқ эди. Чайқовчимаслигимни ўзиям яхши билиб турибди, аблаҳ йигит экан ўзиям». Эр-хотиннинг кўзига алламаҳалгача уйқу келмади.

Эрталабки нонуштадан кейин қайнона-келин яна ёлғиз қолишди.

– Ая, беш-олти кундан бери бир нарсани ўйлаб юрибман. – Лобар гапни бошлашга бошлаб қўйди-ю, давом эттиролмай тараддудланиб қолди.

– Айтаверинг, қизим, тинчликми? – Меҳринисо хола келинига мулойим тикилди.

– Ўша терговчининг олдига Азаматжонни кўтариб бир борсам. Униям болалари бордир, зора инсофга келса.

– Қайдам, – онаизор бундан бирор наф чиқишига кўзи етмаётган бўлса-да, келинининг руҳини туширгиси келмади.

– Фойдаси бўлармикин, қизим.

– Аяжон, хўп денг, зора енгиллик берса, Аваз акам айтдилар, суд ҳам терговчининг ёзганига қараб ҳукм чиқараркан.

– Майли қизим, лекин кўп ҳаяллаб қолманг, мен ҳам хавотир бўлиб ўтирмай.

Лобарнинг чеҳраси ёришди. У бир зумда дастурхонни йиғиштириб, ўғилчасини кийинтирди.

– Ая, – деди у боласини қўлига оларкан ялинчоқ оҳангда. – Дадам, Аваз акамлар билмай қўяқолишсин, яна жаҳллари чиқиб...

– Хўп, болам, хўп, тезда қайтинг.

– Келинининг кўнглидан нималар кечаётганлигини сезиб юрган Меҳринисо холанинг юраги эзилди.

Лобар ички ишлар бўлими идораси дарвозахонаси олдига яқинлашганда негадир юраги беҳаловат бўлаётгандек туюлди. У ўзини қўлга олиш учун бир муддат тўхтади. Сўнгра дарвозахонага туташ бир табақали эшикни оҳиста очиб ичкарига кирди.

– Ким керак сизга? – навбатчи ходим Лобарга бошдан-оёқ тикилиб қаради.

– Мирғиёсовнинг олдиларига келувдим.

– Чақиртирганмиди?

– Ҳа, – деди Лобар беихтиёр ёлғондан.

– Ҳовлига чиқиб, чап томонга юрасиз, еттинчи хона.

Лобар терговчининг хонасини қийналмай топди. У эшик тепасига «терговчи Н. Мирғиёсов» деган ёзувга кўз югиртирди-ю, қўрқув ва ҳаяжондан бир дақиқа тўхтаб қолди. Сўнгра ўзига-ўзи далда берди. «Бунча қўрқмасам, бунақада бир оғиз ҳам гапиролмасдан шарманда бўламанку». Лобар ўғилчасининг бўйнига маҳкам қилиб ўралган шарфни бир оз бўшатиб, эшикни бир икки тақиллатгач, қия очди.

– Киринг. – Ичкаридан эркак кишининг буйруқ оҳангидаги овози эшитилди. У эшикни каттароқ очиши билан чоғроқ хонанинг тўридаги стулда ўтириб, машинкада нимадир ёзаётган ёшгина йигит «ялт» этиб қаради.

– Келинг, келаверинг, – деди у бу сафар мулойим оҳангда. Сўнгра хонадаги стуллардан бирини олиб рўбарасига қўйди. – Марҳамат, ўтиринг. Терговчининг илиқ муомаласини кўриб Лобар енгил тортди. «Аваз акам айтганча унақанги ёмон одамга ўхшамайди. Гапни нимадан бошласаммикин».

– Хўш, хизмат, синглим? – Ўртадаги сукунатни

терговчи йигитнинг ўзи бузди. – Мени олдимга келдингизми?

– Ҳа, мен Қобиловнинг, Авазхон аканинг оиласи бўламан.

– Қобилов? – Терговчи бир муддат пешонасини тириштириб тургач, бирдан чеҳраси тундлашди. – Э, ҳа, ҳалиги чайқовчи йигитни айтяпсизми? Ёмон қайсар одам экан-ку хўжайинингиз. Сиз ўшанинг хотинимисиз? Эсиз.

– У киши умриларида унақанги иш қилмаганлар, бировга холис хизмат қиламан деб...

– Ўғилчангизми? – Терговчи худди унинг сўзларини эшитмагандек гапни бурди.

– Ҳа.

– Агар қўлингизда болангиз бўлмаганда эрингиз борлигига умуман ишонмасдим.

Лобарнинг хушомад оҳангида айтилган бу гапдан ғаши келса-да, дув қизарди.

– Ўғилчамиз дадасини энди таниди. Ўзингизни ҳам болаларингиз бордир, жон ака, ёрдам қилинг, умрбод эсдан чиқармаймиз.

– Синглим, мени бугун ишим бошимдан ошиб ётибди.

– Терговчи шундай дея Лобарнинг кўзларига қаттиқ тикилди. – Эртага соат ўнда келинг. Мен ўйлаб кўрай. Балки бирор чораси топилиб қолар. Ҳа, айтган-ча, ўзингиз келинг. Бола билан қийналиб юрманг, бўптими? У шундай дея «гап тамом» дегандек иш столи устидаги қоғозлар ичидан ниманидир ахтара бошлади.

«Ўзи ёмон йигитга ўхшамайди-ю, кўзлари ўйнаб тураркан» хаёлидан ўтказди Лобар ташқарига чиқаркан. «Қайнонамга эртага ўзингиз келинг деб айтди, десам кўнгилларига гап келиши мумкин. Йўқ бўлмайди, бирор баҳона топиш керак. Яхшиси кутиб ўтирдим, келмади, эртага бўларкан, дейман. Эрталаб Азаматжонни уйимизга, аямга ташлаб, ишхонамга ўтиб келаман, деб бирров

бориб келаман».

Лобар хонадан чиқиб кетгандан кейин Нормуҳаммад ўйланиб қолди. «Ажойиб нарса экан-да ўзиям. Қизлигида қанақа бўлганикин? Бунақаси камдан-кам учрайди». У ширин хаёлларга бериларкан, тоғдек суянчиғи – тоғасини яна миннатдорчилик билан эслади. Ҳозиргача нимаики муваффақиятга эришиб келаётган бўлса аввало тоғаси туфайли. Тўғри, ўзиям оғзидагини олдириб қўядиган ландовурларданмас. Мактабда ҳам яхши ўқирди. Саккизинчи синфни битиргандан кейин автойўл техникумига ўқишга кирди. У ерни тугатиб, армияга кетди. Ҳарбий хизматни адо этиб келгач, роппа-расо икки ой маза қилиб дам олди. Бир куни кўчадан келса вилоят ички ишлар бошқармасида ишловчи Султонали тоғаси онаси билан гаплашиб ўтирибди. «Жиян, бекорчилик жонингга тегмадими?» деди тоғаси бир оз суҳбатлашиб ўтирганларидан кейин кулиб.

Нормуҳаммад индамади. «Хўш, гап бундай» тоғаси юзига жиддий тус бериб, гапни қисқа қилди. «Ҳужжатларингни тезда тайёрла, мен гаплашиб қўйдим, ГАИда ишлайсан. Бу ёғи ўзингга боғлиқ, ёш бола эмассан энди».

Ҳарбий хизматдан анча чиниқиб қайтган уддабурон йигит беш-олти ой ичида бошлиқлари билан тил топишиб кетди. «ГАИ» ходимлари ўртасида ўз «ўрнини» топди. Касбининг «нозик» томонларини пухта ўрганди. Бу орада тоғаси туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди.

Май ойининг ўрталари эди. Бир куни тоғаси кабинетга чақиртирди.

– Ишларинг қалай, жиян? – тоғаси Нормуҳаммаднинг форма ярашган қамчиндек қоматига разм соларкан, меҳри товланди.

– Ёмонмас, ишлаяпмиз...

– Яхши, менам суриштирдим, командирларинг ҳам хурсанд сендан. Боқса одам бўласан. – Тоғаси шундай дея унинг елкасига қўлини қўяркан, сўзида давом этди. – Хўш, келгусидаги режаларинг қандай? Ё, пенсиягача кўчада таёқ кўтариб юрмоқчимисан? Генерал бўлишни орзу қилмаган солдат солдат эмас. Биласанми буни ким айтган?

– Суворов.

– Баракалла, калланг жойида. – Тоғаси мамнун жилмайди. – Тунов куни уйга опам келувди. Бу, менга қара, машина олмоқчимишсан, ростми? «Аям дарров сотибдилар-да» – Нормуҳаммаднинг ичида ғаши келди.

– Ҳа, сал бундайроқ бўлсаям бозордан олиб, миниб турсам девдим, иш пайтидаям керак бўляпти.

– Машина олишга ҳали улгурасан, худо хоҳласа эскисинимас, яп-янгисини оласан. – Султонали жиянига синчковлик билан тикилди. – Гап бундай, биринчидан, ишингдан отпуска ол. Тошкентга, университетга, юрфакка ҳужжатларингни тайёрла. Сиртдан ўқийсан, тушундингми?

Нормуҳаммад нима дейишини билмай қолди. «Тўғри, юридическийда ўқиса-ку, жон-жон дейди. Лекин у ерга киришнинг ўзи бўлмайди. Ўзининг калласи билан ўтишига ақли етмайди».

– Университетда танишлар бор, – деди тоғаси унинг хаёлидан нималар кечаётганлигини уққандек далда бериб.

– Машинага йиққан пулингни ўртага ташлайсан, етмаса мана, биз қўшамиз, нима дединг? – Тоғаси яйраб кулди.

– Сиз нима десангиз шуда. – Нормуҳаммад машинанинг пули қулоғини ушлаб кетишини ўйлаб, кўнгли хижил бўлса-да, сирни бой бермади.

Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганлари рост экан. Нормуҳаммад пулнинг кучи билан

ўқишга силлиққина жойлашиб олди. Ҳаш-паш дегунча беш йил ҳам ўтди. Бу орада тоғасининг дўсти – вилоят ички ишлар бошқармасида бўлим бошлиғи бўлиб ишловчи Хурсаналиевнинг қизига уйланди.

Диплом қўлга теккан куни Нормуҳаммадларнинг хонадони тўйхонага айланиб кетди. Катталар учун кенг равонга чиройли қилиб стол тузашди. Асосий қисми орган ходимларидан иборат бўлган меҳмонлар тоғага тортган жияннинг шаънига мақтовлар ёғдиришди. Нормуҳаммаднинг келажаги порлоқ эканлигидан башорат қилишди.

Дарҳақиқат, орадан бир йил ўтмай, уни шаҳар ички ишлар бўлимининг тергов бўлимига ишга чақиришди. Нормуҳаммад янги вазифада бир ой ишлагандаёқ, терговчилик кўчада таёқ кўтариб юришга ўхшаган осон эмаслигини тушунди.

Шу боис ишдан кейин алламаҳалгача жиноят кодексларини қайта-қайта ўқир, сўнгги йилларда чиқарилган қонун ва фармонларни кутубхоналардан топиб, керакли, жойларни алоҳида дафтарга кўчирарди. Тиришқоқлиги туфайли орадан бир йил ўтгач, анча нарсага ақли етадиган бўлиб қолди. Энг муҳими, бу ерда ишлайдиган ҳамкасбларининг аксарияти билим, савия жиҳатидан ундан устун эмасликларини сезиб, кўнгли хотиржам бўлди.

Кейинги беш-олти ой ичида тоғаси ёки қайнотасининг таъсири бўлса керак, Нормуҳаммаднинг тергов бўлими бошлиғи Жамолхон ака Хидиров билан муносабати янада яхшиланди. Бўлим бошлиғи иш чиқадиган «ёғли» делоларни кўпроқ унга чиқарадиган бўлди. Албатта, Нормуҳаммад буни яхши тушунар, юқоридан келган нозик меҳмонларнинг кўнглини олиб, совға-салом билан кузатиб қўйишни ўрнига келтирарди.

Нормуҳаммад Қобиловнинг делосини қўлга оларкан, аввалига «учар чайқовчилардан бўлса

яхшилаб патини юламан», – деган ширин хаёлга борди. Лекин биринчи сўроқдаёқ бу йигитнинг олди-соттига алоқаси йўқлиги, шунчаки айбсиз айбдор бўлиб қолаётганлигига ақли етди. Тўғри, бошида савобгарчиликда унга ёрдам бермоқчи ҳам бўлди. Лекин сўроқда Авазнинг ўзини эркин тутиши, қандайдир мағрур қиёфаси унинг ғашини келтирди. Айниқса, савол-жавобларнинг бирида «нима қиласиз ҳадеб гапни айлантириб, айбдор эмаслигимни ўзингиз ҳам жуда яхши билиб турибсиз-ку», – деган гапидан кейин тўнини бутунлай тескари кийди. Нормуҳаммад шуларни хаёлидан кечираркан, қўлидаги охирлаб қолган сигаретини кулдонга эзғилаб машинкага ўтирди. Лекин негадир қўли ишга бормади. Бундан ярим соатгина илгари рўбарасида ўтирган Лобарнинг оппоқ тиниқ юзи, ғунчадек ним пушти, чиройли лаблари, жоду кўзлари хаёлида гавдаланди.

Нормуҳаммаднинг аёллар билан маишат қилишга суяги йўқ эди. Айниқса, асли бешариқлик бўлган ҳамкасби – катта терговчи Баҳромжон ака бошқармага кўтарилаётиб, «сиз шу ерликсиз, хабар олиб турарсиз», дея домдаги бир хоналик уйининг калитини унга бериб кетганлиги айни муддао бўлди. Лекин бу масалада ўта эҳтиёткор эди. Хуфиёна ишларини энг яқин дўстларига ҳам айтмас, тоғасининг қулоғига етиб қолиши мумкинлигидан ниҳоятда қўрқарди.

«Агар мана бу қушчани қўлдан чиқариб юборсам ғирт аҳмоқлик бўлади». У хаёлини бир жойга тўплаб, машинкага қоғоз қўяркан, тамшаниб қўйди.

Эрталаб прокуратурада бир оз ушланиб қолган Нормуҳаммад машинасини идора олдидаги «стоянка»га қўйгач, соатига қаради. «Ярим соат кечикибман, кетиб қолган бўлса-я». Бироқ беш-олти қадам юргач, Лобарнинг дарвоза яқинида турганлигига кўзи тушиб кўнгли ёришиб кетди.

– Сизни ҳам куттириб қўйдимми? – У аёл билан эски қадрдонлардек илиқ сўрашди. – Юраверинг мен билан.

Нормуҳаммад хонага киргач, рўбарасида ўтирган Лобарга бир зум тикилди. Сўнгра гапни синалган усули – аёлнинг юрагига ваҳима солишдан бошлади.

– Делони қайтадан кўздан кечириб чиқдим. Бирор чора топиш қийинга ўхшайди.

– Энди нима бўлади?

– Лобарни ваҳима босди.

– Бу ёғини суд ҳал қилади, синглим. – Нормуҳаммад пешонасини тириштирди...

– Судда оқланиб кетар...

Терговчи ичида кулиб қўйди. Сўнгра сигарета олиб тутатаркан, секин ҳужумга ўтди.

– Биласизми, келинг, мен сизга очиғини айтиб қўя қолай. Гапнинг рости эрингиз камида уч йилга кетади.

– Нима?! – Лобар карахт бўлиб қолди. Бегуноҳдан-бегуноҳ-а? – У ёшли кўзлари билан терговчига қаради.

– Ўзингизни босинг. – Нормуҳаммад графиндан стаканга сув қуйиб, Лобарга узатди. – Лекин сиз учун битта йўлини ўйлаб қўйганман.

– Жон ака, бирор иложини қилинг.

– Лобар унга умидвор тикилди.

– Кеча мен судья билан ҳам учрашувдим, – деди Нормуҳаммад ёлғондан. Сўнгра тузоқнинг ипини секин торта бошлади.

– Каттароқ жарима солиш ёки ойлигидан маълум фоизини бир-икки йилгача давлат фойдасига ундириш билан жазолаш ҳам мумкинга ўхшаб турибди.

– Майли, минг марта розимиз, ишқилиб уйда ўтирсалар бўлди. – Лобарнинг вайрона қалби ёришиб кетди.

– Хўп, эрингизни қамоқдан олиб қолсак,

мукофо-тига нима берасиз? – Нормуҳаммад муғамбирона жилмайди.

– Нима десангиз шу.

Лобар бу гапни «терговчи пул ёки бирор совға тама қиляпти», деган хаёлга бориб айтди. Бироқ Нормуҳаммад аёлнинг бу сўзларини розилик аломати, деб тушунди.

– Лобархон, менга ҳеч нарса керакмас, фақат қўлингиздан битта ош есак бўлди.

– Жоним билан. Уйимизга қачон бораман десангиз ош тайёр.

Нормуҳаммад кулди. «Бу аёл чинданам шунақанги соддами ёки ўзини овсарликка соляптими». У бир дақиқа ўйланиб тургач, дангалига ўтди.

– Ошни уйда эмас, ҳоли жойда, фақат иккаламиз ўтирганимизда қилиб берасиз, масаллиғи мендан.

Лобарнинг тили калимага келмай қолди. Инсонларга фақат яхшилик тилаб, улардан ҳам меҳру мурувват кутгувчи гулдек бу покиза аёл терговчи гапни айлантириб нимага шама қилаётганлигини тушуниб қолди-ю, бирдан юраги қаҳр-ғазабга, нафратга тўлди.

– Мени сиз ким деб ўйлаяпсиз? – У йиғлаб юбормаслик учун ўзини зўрға тутди.

– Имонсиз, уятсиз одам экансиз! Ҳозир бошлиғингизни олдига кириб шармандангизни чиқарсам, нима деган одам бўласиз?

Лобардан бундай жавобни кутмаган Нормуҳаммад бир зум довдираб қолди. Сўнг беўхшов кулди.

– Биринчидан, шунчаки ҳазиллашдим, сизни синамоқчийдим, тушундингизми? Иккинчидан, ҳозирги вазиятда гапингизга ким ишонади? Гувоҳингиз борми? Менга қаранг, туҳматга статья борлигини биласизми ўзи?

Лобар шундагина терговчининг инсон эмас,

одам қиёфасидаги пасткаш, диёнатсиз бир махлуқ эканлигини тушунди. У эшикни ёпиб чиқиб кетаркан, секин, лекин алам ва нафрат билан «башаранг қурсин» деди. Қўйган қопқони тарақлаб пешонасига тегишини кутмаган Нормуҳаммад қаттиқ тепки еган хўроздек гангиб қолди.

...Орадан ўн беш кун ўтгач, душанба куни эрталаб соат 10 да суд бошланди. Судья «айбланувчи»нинг адвокатнинг, маҳалла қўмитаси раиси, техникум директорининг гапларини ҳам тинглагач, танаффус эълон қилди. Танаффусдан сўнг ҳукм ўқиётган судьянинг «уч йил озодликдан маҳрум қилинсин»... деган сўзидан кейин зални онаизорнинг аламли нидоси зир титратди. «Ҳой мусулмонлар, адолат борми ўзи?! Шундоқ болагинам бегуноҳдан-бегуноҳ қамалиб кетаверадими?» Неъматжон ака «ноинсофлар» деди қўлларини мушт қилиб. Лобар ўғилчасини бағрига босганича тош қотди. Залдан олиб чиқиб кетилаётган Аваз «Азаматни эҳтиёт қилинг», дегандан кейингина ўзига келиб бор вужуди билан эрига талпинди. Авазхон ака!!!

Донишмандлардан кимдир «қалб ярасига бирдан бир даво вақтдир» деб жуда тўғри айтган экан. Эри қамалгандан кейин кўп ўтмай шохидан узилган гулдек сўлиб қолган Лобар яна ўзига кела бошлади. Айниқса, онасининг «бунақада ўзингни еб адо қиласанку қизим. Худо кўрсатмасин, бирор дардга чалиниб қолсанг ўғилчангни ҳоли нима кечади. Уч-тўртта боласи билан эри ўлиб бева қолганлар камми? Сабр қилсанг уч йил ўтиб кетади. Ҳали ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасан», деб қилган насиҳатлари унга далда бўлди.

Эрининг олдига – зонага биринчи марта борганда Лобарнинг юрак-бағри яна қонга тўлиб қайтган эди. Май ойининг бошлари эди ўшанда. Қўлида боласи, қайнотаси билан Қаршида

поезддан тушиб таксида яна бирор соат йўл босишди.

– Амаки, бундан бу ёғига рухсат йўқ, – ҳайдовчи тепаси тиканли симлар билан ўралган баланд девор яқинига келиб машинани тўхтатаркан, ўн беш метр наридаги шлагбаумга ишора қилди.

Каттагина сумкани кўтариб олган қайнотасидан бир-икки қадам орқада бораётган Лобар эри билан учрашувини ўйлаб қувонаётган бўлса-да, юрагининг бир чеккаси ғаш эди. Улар девор ёқалаб икки юз метрча юришгач, катта темир дарвоза олдида тўхташди.

– Қизим, сизлар шу ерда кутиб туринглар. Мен ҳозир рухсатнома олиб чиқаман.

– Неъматжон ака шундай дея дарвозага туташ чоғроқ зонага кириб кетди. Орадан ярим соатча ўтгач, остонада пайдо бўлган қайнотаси «келаверинглар» дея ишора қилди. Қамоқхона ҳовлисига ўтишгач, «сизлар анави хонага кириб ўтириб туринглар, мен чақириб юбораман», деди уларни бошлаб юрган кузатувчи.

Битта стол ва тўртта стулдан иборат файзсиз, рутубатли хона. Неъматжон ака сумкани бир четга қўяркан, чуқур нафас олди. Ўртага оғир сукунат чўкди.

– Азаматжон, ҳозир даданг келади, чопқиллаб бориб ачомлавогин, бўптими? – Лобар вужудини қамраб келаётган ҳаяжонини босиш, ўзини чалғитиш учун ўғлининг бошини силаб юзларини ўзига қаратди.

– Эсингдан чиқарганинг йўғ-а, ҳар куни альбомдаги расмларини ўпасан-ку...

Шу пайт хона эшиги оғир очилди. Рўбарада кулранг, дағал матодан тикилган қамоқхона кийимидаги бир одам – Аваз пайдо бўлди.

– Омонмисан ўғлим, – Неъматжон ака фарзанди-ни бағрига босди.

Лобар нима қилишини, қандоқ кўришишини

билмай гангиб қолди. У «эсон-омонмисиз» деди-ю, жавдираб турган ўғилчасига энгашди:

– Вой Азаматжон, дадангни ачом қилмайсанми? Йўлда нима девдинг? У шундай дея ўғлининг елкасидан беозор итарди.

Азамат ғалати кийимдаги озғин одамга бир зум термилди. Йўқ, бу бошқа одам. Болакай альбомдаги суратни – кулиб турган дадасини кўз ўнгига келтирди-ю, қайрилиб онасининг оёғини маҳкам қучоқлаб олди. Бу ҳолатни кўриб Лобар дод деб юборай деди.

Улар стулга ўтирдилар.

– Сизлар нимага келдиларинг? – Авазнинг Лобарга қарата айтган биринчи гапи шу бўлди. Неъматжон ака ўғлидан кўзларини олиб қочди. Чунки ўтган сафар Анвар билан келишганида «Ҳозирча хотинимни, ўғлимни бирга олиб келманглар», деб Аваз қаттиқ тайинлаганди. Сабаби у бундай аянчли аҳволда оиласига кўринишни сира истамаганди. Йўлга чиқишдан бир-икки кун олдин қайнота ўғлининг гапини келинига айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди-ю, Лобарнинг кўнгли оғришини ўйлаб индамаганди.

Эрининг чуқур ботган кўзларига, сўлғин чеҳрасига боқиб Лобарнинг юраги эзилиб кетган бўлса-да, бу сўз унга оғир ботди.

– Нимага унақа дейсиз? Биз ҳам соғинамиз... – У титроқ товушда шундай деди-ю, кўзларидан дув ёш тўкилди.

...Кейинги сафар – орадан бир йил ўтгач, эрининг олдига борган Лобар уйга хуш кайфиятда, қушдек енгил бўлиб қайтди. Боиси Авазнинг руҳи тетик, уларни хурсандлик билан кутиб олди, Азамат ҳам ёввойисирамади.

Бугун Лобар уйдаги юмушларни гўёки учиб юриб бажарди. Боиси кечқурун қайноғаси – Анвар ака билан поездга ўтиришади. Бу сафар охирги марта боради. Қайнотасининг айтишича,

зона бошлиғи «ўғлингиз интизомли, яхши йигит экан, олти ой олдин жавоб берамиз», дебди. Қандай яхши, қиш ўтиб баҳор келса Аваз акаси уйда бўлади. Онаси айтгандек, ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади.

* * *

– Анча, катта йигит бўлиб қолибсан. – Аваз чопқиллаб бағрига отилган ўғлининг юзларидан, пешонасидан қайта-қайта ўпди. Рутубатли, совуқ хона бир зумда нурга тўлгандек бўлди.

– Дада, бу жой мактабми? – Яқинда уч ёшга тўлган, бир кунда минг битта савол берадиган Азамат онасининг гапини эслаб дадасига термилди. Аваз «ялт» этиб Лобарга қаради. Сўнгра синиқ жилмайиб ўғлининг пешонасини силади.

– Ҳа, мактаб ўғлим, жуда катта «мактаб»...

– Қўшнимиз Ойбек-чи, сани даданг қамоқда, дейди. Тийра, вайрона кўнгилларни ёритиб турган қуёш юзини бирдан қора булут қоплагандек бўлди. Ўртага ноқулай жимлик чўкди.

– Бекорчи гапни айтибди, ўша Ойбек. – Лобар болада гуноҳ йўқлигини билса-да қўшнисининг ўғлини ёмон кўриб кетди.

– Ҳали уйга борайлик, ўзим адабини бериб қўяман уни.

– Қани, жиян, юрингчи мен билан. Бир нарса кўрсатаман. Уларнинг суҳбатини кузатиб турган Анвар Азаматни етаклаб, ташқарига олиб чиқиб кетди.

– Ёлғиз қолишгач, Лобар эрининг елкасига бошини қўйди. – Аям ҳар куни бошлиғингизни дуо қиладилар.

– Ўзлари тузукмилар?

– Ҳа, ҳар сафар мени ҳам олиб боринглар деб йиғлайдилар. Дадам «юрагингни мазаси йўқ, узоқ

йўлга ярамайсан» деб кўнишмайди. Тезроқ баҳор келсайди...

– Мени ҳалиям яхши кўрасизми?

– Ғалатисиз-а? – Лобар бошини кўтарди. Хафа бўладиям демайсиз.

– Шунчаки сўраб қўйдим-да.

– Авазнинг томоғига нимадир тиқилди.

– Уйга борганингизда айтаман.

– Лобар эрининг кўкрагига бошини қўйиб эркаланди.

– Ёзга чиқиб Азаматжонни тўй қиламиз. Ҳали ҳаммаси эсдан чиқиб кетади.

Шу пайт эшик «ғийқ» этиб очилди. Бемаврид кирганлигидан ўзини ноқулай сезган Анвар хижолатомуз жилмайди.

– Вақт бўлди. Яна поездга улгурмай қолмайлик. Аваз ўрнидан тураркан, кўкрагини ушлаб, кўзларини бир муддат юмди.

– Нима бўлди? – Лобар хавотирлик билан эрига қаради.

– Ҳеч нима. Аваз жилмайишга уринди. – Кейинги пайтда ошқозоним баъзан оғриб қоляпти.

– Дўхтирга айтинг. Шу ердаям врачлар бор экан-ку.

– Уйга борганда бирйўла даволанарман. Лобарнинг юрагига ғашлик чўкди.

* * *

Қиш ўтиб баҳор келди. Шаҳарликлар одатда кўкламнинг ташриф буюрганлигини кечроқ – тол ва теракларнинг навдаларидаги куртаклар бўртиб, яшил тусга кира бошлаганда пайқашади.

Эрининг йўлига кўз тикиб, кун санаётган Лобар ҳар кунгидан барвақт уйғонди. У деразадан ҳовлига қараши билан икки куннинг ичида қийғос гулга кирган бир туп ўрикка яна кўзи тушиб кўнгли ёришди. Бутун вужудига ажиб бир илиқлик

югургандек бўлди, деразани қия очиб хонанинг ҳавосини янгилади. Сўнгра ширингина бўлиб ухлаётган ўғилчасига бир муддат меҳр билан термилиб турди-да, кийиниб кундалик биринчи юмуши – ҳовлини супуриш учун ташқарига чиқди.

...Тушга яқин баҳор қуёши бутун борлиқ узра ўзининг илиқ нурларини соча бошлади. Хона ичида туриб дераза ойналарини артаётган келин ҳовлида куймаланиб юрган қайнонасига кўзи тушиб қувонди. «Хайрият, кейинги икки ҳафтанинг ичида анча яхшилар». Шу пайт кўча эшиги қия очилиб кимдир чақирди. Ташқарига чиқмоқчи бўлган Лобар қайнонасининг «ҳозир» деган товушини эшитиб, яна ишини давом эттирди. Орадан бир муддат ўтгач, юракни зирқиратиб юборувчи «вой болам» деган бўғиқ товуш Лобарнинг вужудини музлатиб юборди.

У қўлида бир парча латта билан ташқарига отилди-ю, ҳовли ўртасида бехуш ётган қайнонасига кўзи тушиб тош қотди. Сўнгра тиз чўкиб, Меҳринисо холанинг бошини бағрига олди.

«Аяжон, кўзингизни очинг, нима бўлди, вой шўрим». Лобар атрофга алангларкан, тепасида жавдираб турган ўғлига кўзи тушди.

Азамат, чоп, қўшнимизни, холангни чақириб чиқ!!!»

Ҳаял ўтмай ҳовлига кирган қўни-қўшнилар Меҳринисо холани кўтариб, уйга олиб кириб ётқизишди. Кимдир «тез ёрдам» чақириш учун шошди.

Ҳамширанинг уколидан кейин беш-олти дақиқа ўтгач, онаизор секин кўзини очди. У атрофидагиларга бир-бир қарагач, кўзлардан дув ёш тўкилди.

«Онанг ўлса бўлмасмиди, болам». Қайнонасининг шивирлаб айтган гапи Лобарнинг юрагига тиғ бўлиб санчилди.

– Аяжон, нимага ундай деяпсиз, нима бўлди

ўзи, – деди юрагини ваҳима босиб.

– Қани ҳалиги қоғоз... телеграмм...

– Меҳринисо хола яна кўзини юмди. Лобар отилиб ҳовлига чиқди. Қайнонаси беҳуш йиқилган жойда ётган бир парча қоғозни олиб бирров ўқиди-ю, кўз олди қоронғулашди.

– Вой ўлмасам, ўзингизни босинг, – у билан орқама-орқа чиққан ён қўшни Фаридахон воқеага тушуниб, Лобарни бағрига босди.

– Ҳой, бу ёққа қаранглар, бир пиёла сув обкесаларинг-чи!

* * *

Тун. Деразадан мўралаб турган яримта ой аста-секин бир парча қора булут бағрига сингиб, ғойиб бўлди. Лобар ҳозиргина ухлаб қолган ўғлининг қўлчаларини бўйнидан оҳиста олиб лабларига босди. «Ўшанда анча тоблари йўғ экан-да. Кўнглим сезгандек бўлувди». У чуқур хўрсинаркан, қайнотасининг гаплари яна ёдига тушди. «Ошқозонида яраси бор экан, ёрилиб кетибди.

Касалхонага олиб боришаётганда йўлда ҳушидан кетган экан. Операциядан чиқмабди». «Мени ҳалиям яхши кўрасизми?» Шу лаҳза эрининг қамоқхонада айтган сўнгги сўзлари шундоқ қулоғи остида жаранглагандек бўлди-ю, сесканиб кетди.

Нимага ўшанда «ҳа, ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам яхши кўраман», демади. Айтмоқчи эди. Уйга келишганда ҳаммасини айтарди. Уч кеча-ю, уч кундузда ҳам адо бўлмас эди унинг гаплари. Ўйлаб кўрса, бир ярим йил бирга яшаган хуш дамлари худди ширин тушдек бир лаҳзада ўтиб кетган экан.

Лобар Аваз акаси билан кечирган саодатли кунларини бир-бир хаёлидан ўтказаркан, бирдан

чақир тиканакдек терговчи Мирғиёсовнинг мунофиқона нигоҳи, тунд башараси гавдаланди. «Қўлингиздан битта ош есак бўлди...» Хўп, деб шартига кўнганда эри ҳозир ёнида бўлармиди? Унда Аваз акасининг кўзига қандоқ қарарди. Ҳар куни ич-этини еб адо бўларди-ку. Янги келин-чаклик пайтлари эди. Нимадандир гап чиқди. Ўшанда эри «хотин кишининг ҳамма гуноҳларини кечириш мумкин, фақат хиёнатдан бошқасини» деган эди. Йўқ терговчининг шартига ўлса ҳам рози бўлмасди. Агар бошига мана шундай қора кунлар тушишини олдиндан билганда-чи? Кўнармиди. «Мени ҳалиям яхши кўрасизми?» Лобарни эрининг алам ва изтиробга тўла нигоҳи таъқиб қилаётгандек туюлди. «Жинни бўлиб қоляпман шекилли. Эртага маърака, азонда туришим керак».

У ўғилчасини бағрига босиб, кўзларини чирт юмди-да, яқинда ўрганган дуоларини такрорлай бошлади.

* * *

Эрининг учинчи ҳайитидан кейин орадан бир ой ўтгач, Лобар ота-онасининг уйига кўчиб келди.

– Мени жоним мунча ҳам қаттиқ экан. Куним битмаган бўлса қандоқ қилай, қизим. – Меҳринисо хола келинини кузатаркан, бағрига босиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. – Менгина ўлиб Авазим билан ҳовлини тўлдириб юрсаларинг бўлмасмиди-я, болам.

Лобар ўзига қолса, ҳаётининг ширин ва аччиқ дамлари ўтган мана шу хонадондан бир умр кетмасди. Лекин қайнотасининг «сиздан мингдан-минг розиман, қизим, тақдир, қисмат шу экан. Ҳали жуда ёшсиз, ихтиёр ўзингизда», деган гапидан кейин ўйланиб қолди. «Биз турган уй Сарварга қолади, деган эди эри бир куни Лобарга.

– Укамни уйлашга яқин «дом» олиб чиқиб кетамиз. Кейинчалик ер олиб участка қурамиз». Шуларни хаёлидан ўтказаркан қайнона-қайнотасига ҳам осон эмаслигини тушуниб индамади.

Орадан бир-икки ой ўтгач, Лобар ўзи туғилиб ўсган қадрдон хонадонида энди илгаригидек яйраб, эмин-эркин юролмаслигини сезди. Айниқса, биринчи куниёқ уни ёвқараш билан кутиб олган укасининг хотини – мактабда буфетчи бўлиб ишлайдиган Набияхоннинг совуқ муомалалари унинг юрагини сиқди.

– Ая, – деди Лобар бир куни эрталаб.

– Ишга кирмоқчиман.

– Ўзингни ишинггами?

– Йўқ, тикув фабрикасига, ойлигиям яхши экан, суриштирдим.

– Майли, болам. – Онаизорнинг қизига қараб юраги эзилди. – Кўпчиликнинг ичида бўлсанг кўнглинг ёзилади. Дадангга ўзим тушунтираман.

«Маиший хизмат кўрсатиш уйи»да икки йил иш-лаб, анча кўзи пишиб қолган Лобар янги жойга тез ўрганди. «Зеҳнингиз ўткир экан». Унинг чаққон ҳаракатларини кузатиб юрган цех бошлиғи бир куни мақтади.

У ишлаган цехдагиларнинг ярмини рус ва татар миллатига мансуб қиз-жувонлар ташкил қиларди. Лобар шўх ва шаддод бу тикувчилар даврасида бўлганда ғам-ташвишларини унутар, иш вақти қандай тугаганлигини сезмай қоларди. Орадан беш-олти ой ўтгач, унинг сўлғин юзларига яна қизиллик югурди. Шўх давраларда яйраб куладиган, ҳазил-мутойиба юрагига сиғадиган бўлди.

– Лобар, кейинги пайтларда бирам очилиб кетяпсан, эҳтиёт бўл, битта-яримтаси яна йўлдан урмасин.– Ишдан қайтишаркан, Раиса шарақлаб кулди.

Миллати татар, бир гапириб ўн куладиган,

ўзбекчани сув қилиб ичиб юборган, ўрта бўй, оқ-сариқдан келган, ўзидан беш-олти ёш катта бу дўмбоққина аёлни Лобар ўзига устоз деб биларди. Чунки иш бошлаган дастлабки кунлариданоқ уни ўзига яқин олиб, ҳол-аҳвол сўраган, билмаганларини оғринмай ўргатган мана шу Раиса эди. Ҳеч нарсадан нолимайдиган, «синглим-дек яқин бўлиб қолдинг, хафа бўлмайсан», деб уни сенсирай бошлаган қувноқ бу аёлни Лобар ниҳоятда бахтли бўлса керак, деб ўйларди.

– Сизга жудаям ҳавасим келади, хўжайинингиз қаерда ишлайдилар? – Тушликдан кейин икковлари холи ўтириб, чой ичишаётганда Лобар унинг оилавий ҳаёти билан қизиқиб қолди.

– Мени яқиндан билмаганларнинг ҳаммаси шу гапни айтади. Раиса унга маъюс жилмайиб қаради. Сўнгра анчадан буён эсламаган ҳасрат дафтарини очди.

– Мана, сен ҳаётинг, турмушинг ҳақида менга гапириб бергансан. Агар менинг эрим ҳам сеникига ўхшаб қамоқда ёки бирор бедаво дардга чалиниб ўлиб кетганда умримнинг охиригача ҳурмат билан ёдга олиб юрардим.

Раиса ўзига ҳайрат ва таажжуб билан тикилиб қолган Лобарга бир зум қараб турди-да, сўзини давом эттирди.

– Эрим билан севишиб турмуш қурган эдик. Заводда ишларди, яхши яшардик. Иккинчи қизим туғилгандан кейин ичкиликка берилиб қолди. Кўп гапирдим, қулоққа олмади. Охири арақни орқасидан ишдан ҳайдашди.

Қаттиқ маст бўлганда бир-икки марта менга қўл ҳам кўтарди. Инсофга келиб қолар, болаларимни тирик етим қилмай, деб чидадим. Бир куни ишдан келсам, ғирт маст. Пули йўқ эди, қаердан топдийкин, деб ҳайрон бўлдим. Эрталаб кўйлагимни дазмол қилай десам, дазмол йўқ.

Кимгадир сотиб, пулига ўлгудек ичган экан.

Шундан кейин тоқатим тоқ бўлди, уйдан ҳайдаб чиқардим. Уч-тўрт марта ялиниб келди, киритмадим. Кейинчалик йўқ бўлиб қолди. Эшитсам, Уфага, акасининг олдига кетибди. Мен ҳам аввалига роса сиқилиб юрдим. Кейин бор-е, нима, дунёга икки марта келаманми, деб ўйладим.

Мана очдан ўлганим йўқ, туппа-тузук яшаяпман. Роса беш йил бўлди, қайтиб қорасини кўрсатгани йўқ. Бунақанги эрнинг боридан йўғи яхши.

Раиса «мана шунақа, тушундингми» дегандек ингичка қошларини чимириб қўйди-да, гапни бошқа ёққа бурди.

– Менга қара, уйга ариза бериб қўйдингми?

– Йўқ.

– Ие, мен сенга нима дегандим? Эртагаёқ ёзиб бериб қўй. Ўғлинг катта бўлгунча навбатинг келиб қолади. Раиса шундай дея соатига қараркан, «вақт бўлди» дегандек ўрнидан турди.

* * *

...Август ойининг бошлари эди. Шомга яқин кутилмаганда қайнотаси билан катта қайноғаси Анвар ака кириб келишди. Дарров дастурхон ёзишди. Лобар елиб-югуриб палов дамлади.

– Қуда, биз бир маслаҳат билан келдик, – деди Неъматжон ака бир пиёладан чой ичишгач. – Азаматжоннинг мактабга борадиган пайтигаям озгина қолди. Бир кунлик бўлсаям кичкина тўй қилиб ўтказиб юборсак.

Қодирали ака ўйланиб қолди. Бундан икки ойча олдин қудаси билан бозорда тасодифан учрашиб қолиб, гап орасида «август ойининг ўрталарида ўн-ўн бешта одам чақириб, Азаматжоннинг қўлини ҳам ҳалоллаб қўя қоламиз», деган эди. Шу боис қудасининг дабдурустдан билдирган бу

таклифига нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди.

– Мана, тоғалари, амакиси бор. – Неъматжон ака қудасининг сукут сақлашини ўзича тушуниб, далда берди. – Кўпчилик бўлиб ўтказиб юорамиз, нима, бир кунлик тўй.

– Тўй бўлса тўй-да, – деди Қодирали ака қудасининг охирги гапи бир оз нафсониятига теккан бўлса ҳам кулиб. – Набира иккаламизники. Бўпти, маъқул.

Лобар дадасининг «ўн-ўн бешта одам чақириб» деганига эътироз билдирмаган бўлса-да, ичида ўксиган эди. Шу боис қайнотасининг гапларини тинглаб, ич-ичидан қувонаркан, кўзлари ёшланиб миннатдорчилик билан қараб қўйди.

Ўша куннинг эртасигаёқ кичик қайноғаси Сарвар Лобарларникига новвос етаклаб келди. Тўй ширин ўтди.

...Жума куни ойлик маошини олиб, ўғлига туфли ахтарган Лобар уйга кечроқ қайтди. У кўча эшикни ҳали очиб улгурмасдан ҳовлидан Набияхоннинг қарғиши эшитилди. «Яна нима бало бўлдийкин?» Лобар эшикни очиши билан ҳовли ўртасида йиғлаб турган Азаматга кўзи тушди. «Туппа-тузук машиначасини лахтипак қилибсан». Уч яшар ўғилчасининг қўлидан ушлаб олган Набияхон унинг кириб келганига парво ҳам қилмай яна ўдағайлади. «Иккинчи яна шуни нарсасига теккин, мен нима қиларкинман». «Ўзи бузуқ экан, мен тузатиб бермоқчийдим». Азамат онасига қараб мўлтиради.

– Сен катта, у кичкина, укангни хафа қилмагинда ўғлим.

– Лобар паст келди.

– Юр, сенга бир нима олиб келдим.

У боласини етаклаб уйга кираркан, ташқаридан Набияхоннинг «шумқадамлар» деганини эшитиб, титраб кетди. «Нима қилсин, чиқиб юзига тарсаки

тортиб юборсинми? Нимага шама қиляпти у бетамиз? Қадаминг ёқмай, эринг ўлиб кетди, демоқчими? Шу бефаросат, шаллақининг дастидан ҳовлига қадам босгани безиллаб қолибди ўзи».

Лобар ўша куни «тоби қочаётганлигини» баҳона қилиб кечки овқатга чиқмади. Бошини ёстиққа босганича ўксиб-ўксиб йиғлади. «Уйдан бош олиб чиқиб кетиб бўлмаса, чиқиб қаёққа ҳам борарди. Балки ўшанда онасининг гапига кирганда ҳозир қон йиғлаб ўтирмаган бўлармиди? Энди кечми?

– Қизим, кўз очиб кўрганинг, Авазхонга ўхшагани энди дунёга қайтиб келмайди, – деди бир куни онаси яна куюниб.

– Рўзғоридан ажрашганлар чиқса кўнмасанг, хотини ўлиб, уч-тўртта боласи билан қолгандан келса «ўғлимга ўгайлик қилади», – деб қўрқсанг, бунақада гулдек умринг хазон бўлади-ку. Кеча мен айтган йигитни бир кўр, уч-тўрт оғиз гаплаш. Дадангга ҳам маъқул. Душанба куни ишдан чиқишингга бораркан ўша йигит. Козимжон экан оти, бухгалтер бўлиб ишларкан.

– Э, ая, ман танимасам, билмасам у йигитни, қандай қилиб...

– У сени жуда яхши таниркан, болам, – онаизор шоша-пиша қизининг гапини бўлди. – Анчадан бери кузатиб юраркан. У йигитга «қизимни бераман» деганлар ҳам бормиш, лекин хоҳламаётганмиш. Онаси «келиним худди қизингизга ўхшаган ойдеккина эди, иккинчи боласини туғаётганда бўлмади, дўхтирлар юрагида пароги бор экан», дейишди, деб йиғлади. Йўқ дема, кейин яна пушаймон бўлмагин, жон қизим.

Душанба. Лобар ишдан атайлаб сал кечроқ чиқди.

У атрофга зимдан назар ташлаб, автобус бекати томон буриларкан, «келмабди ё бир оз кутиб кетибди» деган фикр хаёлидан ўтди. Шу

пайт «Лобархон» деган товуш қулоғига чалинди-ю, беихтиёр тўхтаб, овоз келган томонга ўгирилди. Шунда йўл бўйидаги дорихона эшиги олдида унга қараб кулиб турган ўттиз ёшлар чамасидаги ўрта бўй, истараликкина йигитга, сўнгра унинг қўлларини ушлаб олган уч ёшлар чамасидаги дўмбоққина болага кўзи тушди.

– Ҳорманг, яхшимисиз? – Йигит беш-олти қадам юриб Лобарга яқин келди. Учовлари автобус бекати томон оҳиста юришди.

– Ҳамма гапдан хабарингиз бордир. – Биринчи бўлиб Козимжон гап бошлади. Лобар индамай тасдиқ ишорасини қилди. – Бошингизга тушган ташвишларни мен ҳам эшитдим, аям ҳаммасини айтдилар. Яхшилаб ўйлаб кўринг...

Улар бекатга беш-олти қадам қолганда тўхташди. Шу пайт унга жавдираб-жавдираб қараб қўяётган болакай бирдан «сиз мани аяммисиз?», деб сўраб қолди. Лобарнинг вужуди жимирлаб кетди. У ўзини зўрға тутиб, боланинг бошини силади. «Отингиз нима?» «Отабек, биз билан уйимизга кетасизми?», Козимжон ҳангу манг бўлиб қолди. Нима дейишини билмай ноқулай аҳволга тушиб қолган Лобарнинг бахтига автобус келиб тўхтади...

Қизининг йўлига кўзи тўрт бўлиб ўтирган онаизор эшикдан кириб келган Лобарга тикилиб юрагига ғул-ғула тушди.

– Ҳа, нима бўлди, тинчликми? Йиғладингми?

– Тинчлик, ҳеч нима бўлгани йўқ. – У бошқа бир сўз демай ичкари уйга кириб кетди. Мастура хола қизининг орқасидан эргашди.

– Ҳой, менга қара, бундоқ тушунтириб гапирсангчи. Козимжон келдими ўзи? Гаплашдиларингми? Ё сени хафа қиладиган бирор гап гапирдими?

– Жон ая, бугун мандан ҳеч нарса сўраманг, эртага айтаман.

Ўша куни Лобарнинг кўзига алламаҳалгача

уйқу келмади. Нима десин? Тўғри, Козимжон бинойидек йигит, камситадиган жойи йўқ. Хоҳласа қиз болага ҳам уйланиши мумкин. Агар Азамат бўлмаганда ўғилчасининг шу бугунги икки оғиз гапи учун жонини ҳам берарди.

Лекин дадасининг суратини папкасига – китобининг орасига солиб юрадиган ўғли кўникармикан? Бола барибир бола-да. Талашади, тортишади. Ўғилчасига қаттиқ тегсам дадасига оғир ботса, Азаматжонни тергаса «ўгайлик қиляпти» деб ўйлаб сиқилсам. Бунақада турмуш бўладими? Йўқ тўғри келмайди.

Эрталаб нонуштадан кейин она-бола ҳоли қолишди.

– Сени гапларинг ҳам бир ҳисобга тўғри, – деди Лобарнинг мулоҳазаларини тинглаган Мастура хола. – Лекин анчадан буён бир гапни айтаман, деб юрувдим, кўнглингга олма, невараям фарзанд. Азаматжонни бизга қолдирсанг-чи?

– Ая, нималар деяпсиз?! Илтимос, бу гапни бошқа гапирманг. Лобарнинг бир зумда ранги ўзгарди. – Азамат бир кун ёнимда бўлмаса ўлиб қоламан.

Қизининг қарори қатъийлигини сезган онаизор бошқа гапирмади.

Набиянинг ўйламай айтган бир оғиз сўзидан кўнгли вайрон бўлган Лобар алламаҳалгача тўлғониб чиқди.

Эрталаб ишга келиши билан Раиса унга синчиклаб тикилди.

– Тинчликми, бунча хафа кўринасан, ўғлинг яхшими?

Тўлиб турган Лобар дардини тўкиб солди.

– Ғирт аҳмоқ экан укангни хотини. Қайси мактабда ишлайди ўзи? Бориб бир таъзирини бериб келайми?

– Йўғ-е, нималар деяпсиз? У билан тенг келиб бўлмайди. Балога яна мен қоламан.

Раиса бир муддат ўйланиб тургач, деди:

– Менга қара, Жаҳонгир Аҳмедовичнинг олдига бир кириб кўрмайсанми?

– Ким у?

– Ие, танимайсанми, бош инженеримиз-чи? – Раиса муғамбирона жилмайди.

– Э, ҳа, биламан. – Лобар қизарди. Ниҳоятда чертиб кийинадиган, салобатли, ўткир нигоҳи, унча-мунча аёлни довдиратиб қўядиган ўттиз беш-қирқ ёшлар чамасидаги келишган йигит – Жаҳонгир Аҳмедович негадир Лобар билан илиқ сўрашар, унга гоҳида ғалати, маъноли қараб қўярди. Бу, ернинг тагида илон қимирласа биладиган Раисанинг назаридан четда қолмасди.

– Нима қиламан у ерда?

– Лобар ҳайрон бўлди.

– Оилавий шароитингни тушунтирасан, уйга аризам бор, ёрдам беринг, – деб илтимос қиласан.

– Йўғ-е, бошлиқларнинг олдига ҳеч кирмаганман.

– Хўп де, мана кўрасан, ёрдами тегади, тушунадиган, тилло одам дейишади.

Қабулхона эшигини оҳиста очган Лобар рўбарасида ўтирган котиба қизнинг унга савол назари билан қараганлигини кўриб:

– Инженернинг олдиларига келган эдим, – деди.

– Шу ерда ишлайсизми?

– Ҳа.

– Чақиртиришганмиди?

– Йўқ, ўзларида ишим бориди.

– Бўлмаса кутиб туринг, кириб сўраб чиқайчи. Қайси цехдансиз? Фамилиянгиз нима?

Лобар айтди.

Бир дақиқадан кейин хонадан чиққан котиба унга жилмайиб қаради:

– Кираверар экансиз.

Жаҳонгир Аҳмедович Лобарга кўзи тушиши билан аввалига бир оз ҳайрон бўлди. Кейин бирдан чеҳраси ёришди.

– Келинг, келаверинг, йўқ, мана бу ерга. – Бош инженер пойгакроқдаги стулга ўтирмоқчи бўлган Лобарга ёнидан жой кўрсатди.

– Уй-жой масаласи қийин, – деди Лобарнинг гапларини диққат билан эшитган Жаҳонгир Аҳмедович чеҳрасига жиддий тус бериб.

– Бу масала раҳбарият, касаба уюшмаси билан биргаликда ҳал қилинади. Фабрикамизда саккиз-ўн йилдан буён навбатда турганлар бор.

Лобарнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Ўтиришини ҳам, туриб кетишини ҳам билмай тараддудланди.

– Лекин сизга ҳам қийин экан, – бош инженер шундай дегач, қувноқ оҳангда: – Сир сақлашни биласизми? – деб сўраб қолди.

– Билсам керак. Жаҳонгир Аҳмедовичнинг чеҳраси ёришганлигини кўриб Лобар ўзини эркин тутди.

– Келинг, бўлмаса сизга бир яхшилик қилай. Мен директорга шароитингизни тушунтираман. Касаба уюшмаси бошлиғини ҳам кўндираман. Хуллас, икки ойнинг ичида сизга навбатдан ташқари ҳозирча бир хонали бўлса ҳам битта уй тўғрилаймиз.

– Раҳмат... – Лобарнинг қувончи ичига сиғмай кетди.

– Лекин айтиб қўяй, ўртамиздаги бу гап шу ерда қолсин. Фабрикада оғзига кучи етмаганлар кўп, келишдикми? – Жаҳонгир Аҳмедович ўрнидан туриб қўлини узатди.

– Хўп бўлади. – Лобар қўлини бир лаҳза ушлаб турган бош инженерга уялибгина қараб қўяркан, юзлари ловуллаб кетди.

«Ҳақиқатан ажойиб аёл экан». Жаҳонгир Аҳмедович у чиқиб кетгунча орқасидан қараб қолди.

Сўнгра сигарет олиб тутатди. Нима қилиш керак? Катта кетвормадимми? Агар бизга узоқроқ қариндош бўлади, деб ўртага тушса балки йўли топилар. Ўшандаям икки ойдамас, камида бир йил кутишига тўғри келади.

Бундан бир ой олдин, роппа-роса ўттиз беш ёшга тўлган Жаҳонгир Аҳмедович гўзал, келишган аёлларга ўч, лекин ниҳоятда эҳтиёткор йигит эди. У фабрикага бош инженер бўлиб келган куниёқ қўл остидаги аёллар билан дон олишмасликка қатъий аҳд қилиб қўйганди. Мана, уч йил бўлди, худога шукур обрўйи жойида, бирор марта у ҳақда миш-миш гап чиққани йўқ. Бўлмаса, битта имосига жон-жон деб ўзини бағишлайдиган аёллар фабрикада камми?

У Лобарни бундан олти ойча олдин тасодифан кўриб қолди. Ўшанда ишдан чиқиб келаётган бир гуруҳ қиз-жувонлар ичида юлдузлар орасидаги ойдек балқиб турган бу аёлга кўзи тушиб, юраги «жиғ» этганди. Кейин зимдан суриштирди. Эри қамоқда ўлганлигини, боши очиқлигини билгач, бирор баҳона билан хонасига чақиртириб, қўйнига қўл солиб қўрмоқчи бўлди.

У Лекин ўз-ўзига берган сўзини, Лобарнинг енгилтак аёллардан эмаслигини ўйлаб гапиришга юраги бетла-мади. Бироқ тасодифан рўбара келганда яна юраги «жиғ» этар, қуюқ саломлашиб, зимдан суқ билан тикилиб қўярди. Агар бугун Лобар ўз оёғи билан унинг ҳузурига кирмаганда ҳеч қачон ўзи чақирмас, балки эсидан чиқариб ҳам юборарди.

Жаҳонгир Аҳмедович охирлаб қолган сигаретини кулдонга эзиб ўчирди. «Тавба, Лобарнинг кириб келиши ҳафтада бир-икки марта учрашиб турадиган ёш, қўғирчоқдеккина рус аёли Галянинг турмушга чиқиб кетган кунларига тўғри келди. Энди шундай имкониятни қўлдан бой берадими?» У бир оз пешонасини тириштириб турди-да,

қатъий бир қарорга келди. «Бошқа илож йўқ, ҳар нима қилса арзийдиган аёл».

Жаҳонгир Аҳмедович ширин хаёлларга берилган шу лаҳзаларда Лобар ҳам терисига сиғмай ўтирарди. У бу сирни ҳеч кимга билдирмасликка аҳд қилган бўлса-да, бирор кишига лоақал Раиса опага айтмаса худди юраги ёрилиб кетаётгандек туюлди.

– "Вот это да", – деди Лобардан бу хушхабарни эшитган Раиса кўзлари чақнаб... – Мен сенга айтдим-ку зўр одам деб.

– Раиса опа, сиздан бошқа ҳеч ким билмасин, яна...

– "Ну что", ўзинг ҳам бировга индама. Ҳозирча уйдагиларинг ҳам билмай қўя қолишсин, – Раиса шундай деди-ю, ўйланиб қолди. Чунки у Лобарнинг иши бунчалик тез битишини хаёлига ҳам келтирмаганди. «Икки ойда қандоқ қилиб тўғрилаб бераркин? Навбатда турганлардан бирортаси билиб қолса тўполон бўлиб кетади-ку. Бир балоси бор». Раисанинг боши қотди.

* * *

Орадан бир ой ўтди. Жума куни эди. Эрталаб ишга шошиб кетаётган Лобар оқ «Жигули» ўзидан ўн метрча ўтиб тўхтаганлигини кўриб ҳайрон бўлди. «Ким келдикин?». У уёқ-бу ёққа алангларкан машинанинг олди эшигини очиб унга қараб кулиб турган Жаҳонгир Аҳмедовичга кўзи тушди.

– Ўтиринг. – Бош инженер жилмайиб «Жигули»-нинг орқа эшигини очди. Лобар машина томон беш-олти қадам юрди.

– Ассалому алайкум, раҳмат... Ҳозир автобусимиз келади.

– Мен ҳам ишга боряпман ўтиринг, гапим бор. Лобар бир зум нима қилишни билмай тараддуд-

ланиб турди-да, йўловчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилмаслик учун машинага ўтирди.

– Сиримизни сақлаяпсизми? – Бир оз юришгач Жаҳонгир Аҳмедович ҳазил қилди. Лобар жил-майди.

– Душанба куни иш билан Фарғонага кетяпман,– деди бош инженер Лобарга қараб қўйгач. Бирга бориб келамиз.

– Йўғ-е, мен нима қиламан? – Лобар ҳайрон бўлди.

– Уй-жой масаласи бўйичаям бир-иккита идораларга кираман, – деди Жаҳонгир Аҳмедович жиддий оҳангда. – Балки юқори ташкилотларга ҳам ариза-париза ёзиб беришингизга тўғри келар.

– Душанба иш куни-ю.

– Келгуси ҳафта иккинчи сменасиз-ку. Иш соати тўртдан, кечи билан учга етиб келамиз.

– Уйдагиларга нима дейман? – Лобар бўшашди.

– Бирор баҳона топарсиз.

Машина фабрика томонга буриларкан, Лобар илтижоли оҳангда деди:

– Илтимос, ишхонага етмай олдинроқда тушиб қолай.

Жаҳонгир Аҳмедович машинани эллик метрча берида тўхтатаркан, орқасига ўгирилди.

– Душанба куни эрталаб соат саккизда Чорсудаги бекатда кутаман, хўпми?

Раиса Жаҳонгир Аҳмедовичнинг таклифини эшитиб, ичида ҳайрон бўлди. «Унингча фабрикага бериладиган уйлар Қўқоннинг ўзида ҳал бўлади. Фарғонанинг нима алоқаси борикин?». Шу лаҳза хаёлига «ярқ» этиб фикр келди-ю, ҳаммасига тушунгандек бўлди. Лекин сир бой бермади.

– Яхши, нима бўпти, бориб келавер, – деди ўзини гўлликка солиб.

– Узоқ йўл, бегона одам билан...

– Нима, сен ўн олти яшар қизмидинг, гаплашиб

бориб келасизлар. Қайтанга яхши, баҳонада яқинроқ бўлволасан. Ишинг тушиб турганда гапини қайтарма уни.

Раиса унга далда бергач, бир муддат тикилиб турди-да, шўхлик билан деди:

– Эҳ Лобар, сендаги ҳусн, қомат менда бўлсайди, ўзим билардим нима қилиш кераклигини.

– Нима қилардингиз?

– Унга бу гап ёқди.

– Мана-ман деганини дарёга олиб бориб, суғормай обкелардим.

– Раиса шарақлаб кулди.

– Қизиқсиз-а қаёқдаги гапларни гапирасиз, – деди ғаши келиб.

... Келишилган жойга кечикиброқ етиб келган Лобар бекатдан ўн метрча нарида турган таниш «Жигули»га кўзи тушди. У ёқ-бу ёққа қараб олгач, оҳиста юриб машинага яқинлашди.

Шаҳардан чиқишгач Жаҳонгир Аҳмедович ўзини ниҳоятда эркин тутди.

– Ҳаяллаб қолганингизга келмасмикансиз, деб хавотирдайдим.

– Мен кеч қолганимга, кетиб қолган бўлсангиз керак, деб ўйловдим.

Жаҳонгир Аҳмедович магнитофоннинг қулоғини буради. Ундан таралаётган шўх қўшиқни тинглаб, машина ойнасидан атрофни томоша қилиб бораётган Лобар енгил нафас олди.

– Сиз ўтириб туринг, – деди Жаҳонгир Аҳмедович машинани тўрт қаватли муҳташам бино олдида тўхтатгач.

– Мен қоғозларга қўл қўйдириб, ярим соатда чиқаман. Дарҳақиқат, бош инженер кўп ҳаялламади.

– Мана, бизнинг ишимиз беш бўлди, энди сизнинг ишингизни битирамиз, – деди у хушчақчақ кайфиятда.

Улар ўн минутча шаҳар ичида юриб, бетондан

кўтарилган икки қаватли бино олдига етиб келишгач, машинадан тушаётиб «Сиз кутиб туринг, – деди Лобарга. «Агар керак бўлсангиз, чақираман».

Орадан йигирма дақиқа ўтгач, хаёлга берилиб ўтирган Лобар машина эшигининг «ширқ» этиб очилганидан чўчиб тушди.

– Омадингиз боракан. – Жаҳонгир Аҳмедович машинани ўт олдираркан Лобарга қараб мамнун жилмайди. – Сизни ишингиз ҳам битди. Худо хоҳласа бир ойдан кейин калит қўлингизда бўлади.

– Раҳмат. – Лобар миннатдорчилик билан қараб қўйди.

Катта йўлга чиқишгач, бош инженер соатига қаради.

– Ў-ҳў, ўн бирдан ўтибди-ю, энди озгина тамадди қилиб оламиз. Эрталаб дурустроқ чой ҳам ичганим йўқ.

«Кетаверайлик» демоқчи бўлган Лобар унинг охирги гапидан кейин тилини тишлади.

Колхоз бозори дарвозахонаси олдидаги «стоянка»да тўхтаган Жаҳонгир Аҳмедович машинадан чаққон тушди.

– Мен ҳозир, бир минут.

– У ҳаял ўтмай каттароқ бир пакетни тўлдириб чиқди. Улар катта йўлдан бир оз юришгач, гастрономнинг рўбарасидан чапга бурилиб пишиқ ғиштдан қатор қилиб қурилган тўрт қаватли уйлардан бирининг ёнида тўхташди. Жаҳонгир Аҳмедович пакетни чап қўлига олиб машина эшигини қулфлади.

– Юраверинг, – юрагига ғулғула тушган Лобар беихтиёр эргашди. Улар иккинчи қаватга кўтарилишгач, бош инженер чарм қопланган эшикни калит солиб очди.

– Кираверинг, тортинманг. У қўлидаги пакетни хона ўртасидаги стол устига қўяркан, остонада

ҳадик ва хавотир билан унга боқиб турган Лобарга қараб кулди.

– Қўрқманг, келинг, ўтиринг, бу уй ҳам бизники. Илгари Фарғонада ишлаган пайтларимда яшаганмиз. Ҳозир бу ерда институтда ўқийдиган жияним туради. Ниҳоятда яхши йигит, ичмайди, чекмайди. Қаранг, келинчакларнинг уйидек ҳаммаёқ саранжом-саришта. Фарғонага гоҳида иш билан келиб тураман. Шундан калитнинг биттаси менда. Ўзи соат учлардан кейин келади.

Диванга омонатгина ўтирган Лобар зимдан разм солди. Дарҳақиқат, хона озода. Оёқ остида янгигина палос. Телевизор. Сервантдаги идиш-товоқлар дид билан терилган.

– Хўш, энди бундай қиламиз.

– Костюмини ечиб қозиққа илган Жаҳонгир Аҳмедович кафтларини бир-бирига ишқади. – Ишни бўлиб оламиз. Мен битта шакароб қиламан. Ошхона сизга, бирор нима тайёрлайсиз.

У шундай дея пакетдан помидор, бодринг, пиёз, пепси кола, фарғона суви, узум, анорларни олиб стол устига қўйди. «Мана, қолгани сизга, гапнинг рости, иложи борича кўчада кам овқатланаман. Озгина овора бўлсак ҳам ўзимиз таёрлаганимизга нима етсин».

Лобар ноилож қолди. У пакетни кўтариб ошхонага ўтди. Унинг ичидан бир килоча ёғли қўй гўштини олиб тоғорачага солди. Сўнгра пакетда қолган беш-олтита картошка, пиёз, кўкат, булғор қалампирига кўзи тушиб, харажат димламага мўлжалланганига тушунди.

Жаҳонгир Аҳмедович столга дастурхон тузаб, шакаробга уннади. У Лобар билан хонасида юзма-юз ўтириб гаплашгандан буён ҳаловатини йўқотганди. Бугун вилоят партия қўмитасининг саноат бўлимига иш билан келиш зарурати туғилганда хаёлига бир фикр келди-ю, тавакқал қилди. «Юқори ташкилотларга балки ариза-

париза ёзиб беришингизга тўғри келар» деб айтган ёлғон гапи аслида тузоқ эди. Фарғона қурилиш трестида ишлайдиган танишининг олдига Лобарнинг кўнглида шубҳа уйғотмаслик, унинг ишончини мустаҳкамлаш учун шунчаки йўл-йўлакай кириб чиқди.

У шакаробни иккита тарелкага бўлиб стол устига қўйгач, сервантнинг тагини очди. Ўтган сафар келиб ётиб қолганда икки юз граммча ичилган коньякнинг қолгани шундоқлича турганлигини кўриб кўнгли жойига тушди. «Энди қайтиш йўқ» – хаёлидан ўтказди Жаҳонгир Аҳмедович. «Ё шу бугун мақсадига етади, ё Қўқонга шармандаю шармисор бўлиб қайтади».

Шу пайт хонага кирган Лобар қўлидаги дамланган чойни стол устига қўйди.

– Бўлди, келинг, ўтиринг, – деди бош инженер меҳрибонлик кўрсатиб.

– Димлаб қўйдингиз ше-килли, а? Ҳозирдан ҳиди келяпти.

Стулни Жаҳонгир Аҳмедович банд қилганлиги учун Лобар диванга ўтирди.

– Хўш, коньяк ёки шампан ичяпмиз, деб тасаввур қилаверамиз-да энди. Ҳазил-мутойиба оҳангида гапирган бош инженер унга пепси кола, ўзига Фарғона суви қуйди. Лобар ярмигача ичдию, рюмкани столга қўйди. «Тахирроқ экан» хаёлидан ўтказди.

– Тортинманг, узумдан, анордан олиб ўтиринг. – Жаҳонгир Аҳмедович яримлаб қолган рюмкани яна тўлдирди.

– Овқатни олиб келаверай. Тезроқ бу ердан чиқиб кетишни ўйлаётган Лобар девордаги соатга қараб ўрнидан турди.

– Ранг кўр, ҳол сўр, пазанда экансиз. – Бош инженер мақтади.

– Билмадим, қандоқ бўлдийкин, шошилишда... Лобар чинни товоқдаги ҳовури чиқиб турган

димламани стол устига қўяркан, қизарди.

– Хўп, «коньякларимизни» ичиб қўяйлик, овқат кейин. – Жаҳонгир Аҳмедович ҳазил қилди.

– Мен чой ича қолай.

– Йўқ, йўқ, қуйилган нарсани қолдириб бўлмайди, ёмон бўлади, ирими бор.

– У шундай дея рюмкадаги Фарғона сувини бўшатди. Лобар ноилож қолди.

Жаҳонгир Аҳмедович димламани мақтаб-мақтаб иштаҳа билан еди. Овқатланиб бўлишгач, дастурхонни йиғиштириш учун ўрнидан турган Лобар боши бир оз айланаётганлигини сезиб қўрқиб кетди. «Нима бўляпти менга, тобим қочяпти шекилли, бир-икки пиёла чой ичсам ўтиб кетар».

– Бу ерда бош оғриқ дори топиладими? Жаҳонгир Аҳмедович коньяк аралаштирилган пепси кола ўз кучини кўрсатаётганлигини сезиб диванга, унинг ёнига ўтди.

– Нима бўляпти? – деди ўзини хавотир олгандек кўрсатиб.

– Билмасам... – Юзлари ловуллаб ёнаётган Лобар ўзини ғалати сезди. – Бошим айланяпти, кетайлик.

– Ҳеч нима қилмайди, ўтиб кетади –Жаҳонгир Аҳмедович пиёлага чой қуйиб узатгач, деди:

– Сизга юрагимдаги битта сирни очаман, майлими?

– Яна қанақанги сир? – Лобар ўзини тутишга ҳаракат қилди.

– Мен сизни яхши кўриб қолганман...

– Вой. – Кутилмаган бу гапдан Лобар жойида ўтиролмай қолди. Лекин ўрнидан турса боши айланиб йиқилиб тушиши мумкинлигини ўйлаб қўллари билан юзларини беркитди.

– Илтимос, бошқа бунақанги гапни менга гапирманг. Эрим ўлгандан кейин бегона одам билан умуман...

Лобарнинг бу гапи йигитнинг эҳтиросини янада алангалатиб юборди. У чап қўлини аёлнинг белига олиб борди-да, чаққон бир ҳаракат билан уни диванга ётқизди.

– Вой шўрим, нима қиляпсиз? – Юраги ёрилиб кетгудек бўлаётган Лобар тўлғониб лабларини олиб қочди. – Туринг, ҳозир дод дейман...

– Майли, дод денг. Қўшнилар чиқишади, милиция чақиришади, иккаламиз ҳам шарманда бўламиз. Жаҳонгир Аҳмедович шундай дея аёлни маҳкам бағрига босди-да, юзи, бўйнидан эҳтирос билан ўпа бошлади. Лобар бирдан бўшашиб кўз олди қоронғулашди-ю, хаёлидан чақмоқдек бир фикр ўтди: ''Ҳушимдан кетяпман шекилли''.

– Нимага бундай қилдингиз. –Лобар ҳўнграб юборди. – Яхшиси мени ўлдириб қўя қолинг, энди.

– Йиғламанг. – Жаҳонгир Аҳмедович аёлнинг елкаларидан қучди. – Айтдим-ку, яхши кўраман деб.

– Керакмас, энди ота-онамнинг кўзига қандай қарайман. Қайси юз билан ишга бораман.

– Бўлди, кириб юз-қўлингизни ювиб олинг, йўлда гаплашамиз. – У костюмнинг чўнтагидан сигарет олиб равонга ўтди.

Лобар Қўқонга етиб боргунча ҳам чурқ этмади. Аёлнинг кўнглини овлашга уриниш, хушомадгўйлик бефойдалигини сезган Жаҳонгир Аҳмедович ҳам ортиқча гапирмади.

– Мени шу ерда қолдиринг, – деди Лобар шаҳарга кириб боришлари билан совуқ оҳангда.

– Фабрикага ҳали анча бор-ку, озгина юрайлик.

– Йўқ, тўхтатинг!

Қатъий, буйруқ оҳангида айтилган гапдан кейин ноилож қолган бош инженер машинани йўл четига олди.

«Энди нима бўлади?». Йўл четидан мақсадсиз,

аста пиёда кетиб бораётган Лобар ўзини ниҳоятда таҳқирланган, оёқости қилингандек ҳис этиб, хўрлиги келди. «Дод, дейишим керакмиди, кейинчи, қўшнилар участкавойни чақиришарди, шармандалик... Уйни ўртага солмаганда бормасдим. Мана, соддалигим, ишонувчанли-гимнинг оқибати. Соат неча бўлдийкин? Тўғри уйга борайми, йўқ, бу аҳволда бўлмайди. Раиса опа сезиб қолса-я. Яхшиси, борганим йўқ, деб қўя қоламан. Нима бўлсаям ўзимни қўлга олишим керак.

Лобар ишга вақтида етиб келди.

– Бордингми? – Уни кўзи тўрт бўлиб кутаётган Раиса ўпишиб кўришаркан, секин сўради.

– Йўқ. – Лобар ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилди. – Озгина кеч қолибман, кетиб қолибди шекилли.

– Чатоқ қилибсан. – Бу соҳада қилни қирқ ёрадиган доғули бу аёл эрталаб уларнинг кетишаётганини узоқдан кузатиб турганлигидан Лобар бехабар эди. Унинг жавобидан айтиб бўлмайдиган «нозик иш» содир бўлганлигини сезди-ю, «ўзи бир кун ёрилар» деган хаёлга бориб, бошқа индамади.

Лобар эрталаб ланж бўлиб уйғонди. Ҳардам-хаёллик билан нонуштага ўтираркан, онасининг «меҳмондорчилик яхши ўтдими?» деган саволига «қанақа меҳмондорчилик?» деб юборишига озгина қолди. Сўнгра «ишхонадаги ўртоғим ўғил-часига тўй қиляпти, соат ўн иккида коллектив келади. Эртароқ бориб қарашиб юборай, илтимос қилувди, ишга ўша ердан бир-йўла ўтаман» деган баҳонаси бирдан ёдига тушди-ю, тилини тишлади. «Ҳа, кузатиб олди» деди қуруққина қилиб.

... Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Чоршанба куни эди. Смена охирлаб қолган цех мастери Сония опа унинг олдига келди.

– Сизни Жаҳонгир Аҳмедович чақиртирибди,–

деди у расмий оҳангда. – Учраб кетинг.

Бир кўнгли Лобар унга учрашмай кетвормоқчи ҳам бўлди. Кейин эртага мастер чақириб, танбеҳ бериши мумкинлигини ўйлаб фикридан қайтди.

– Олтинчи цехданмисиз, кираверинг. – Котиба қиз уни кўриши билан жилмайди.

– Мендан ҳалиям хафамисиз? – Жаҳонгир Аҳмедович Лобарга қараб гуноҳкорона жилмайди.

– Йўқ, жудаям хурсандман. – У нима деб аламини олишини билмай кесатди.

– Гап бундай, – деди бош инженер мақсадга ўтиб. – Жой масаласи ҳал бўлди. Эртага ишдан чиқиб, соат тўртда мебель магазинининг олдида мени кутинг. Уйни кўрсатиб, калитини қўлингизга бераман.

– Керакмас, – Лобар йиғлаб юбормаслик учун ўзини зўрға тутди. – Ишдан кетмоқчиман.

– Нима?! – Жаҳонгир Аҳмедович унга хавотирлик билан тикилди. – Менга қаранг, агар мен учун ишдан бўшамоқчи бўлсангиз, ўзим ҳам ариза ёзиб бераман, эркакча гап, бирга кетамиз.

Лобар индамай ўрнидан турди.

Албатта, бу гапларни аччиқ қилиб алам устида айтганди. Аслида ўша воқеадан кейин ота-онасининг кўзига қараёлмас, агар уйдагилар қаршилик қилишмаса, чиқиб кетиб, ижарада туришга ҳам рози эди.

Соат тўртлардан ўтганда бекатда автобусдан тушган Лобар бир оз юргач, айтилган жойда кутиб турган Жаҳонгир Аҳмедовичга кўзи тушди. Улар мебель магазинининг шундоққина орқасидаги пишиқ ғиштдан қилинган тўрт қаватли бинонинг биринчи йўлкасидан учинчи қаватга кўтарилишди.

– Мана шу уй сизники, – деди бош инженер чапдаги эшикни очиб, ичкарига киришгач. – Газни ташқарига олиб чиқсангиз, у жой ўғлингизга дарсхона-ётоқхона бўлади. – Қалай, маъқулми?

Лобарнинг кўнгли ёришди. Уй унга ёқди.

– Ҳужжатларни расмийлаштиришнинг озгина чаласи қолган. – Жаҳонгир Аҳмедович Лобарнинг чеҳраси очилганлигини кўриб хурсанд бўлди. – Уни ўзим тўғрилайман. Мана калит, хоҳласангиз, эртагаёқ кўчиб келаверинг.

Қизидан «хушхабар»ни эшитган Меҳринисо хола хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай қолди.

– Бемаслаҳат иш қилибсан, – деди дадаси ранжиган оҳангда.

– Биздан шунчалик безор бўлдингми? Ё оғирлигим тушяпти, деб ўйлаяпсанми?

– Йўғ-е. – Лобар нима дейишини билмай қолди. – Ишга кирганимда қачон навбатим келсаям деб ариза бериб қўйгандим. Қиш келяпти, ишимгаям, Азаматжоннинг мактабигаям яқин жойда экан.

Қодирали ака ўйланиб қолди.

Бир ҳафтадан кейин Лобар янги уйга кўчиб келди.

– Урре! Энди бу уй ўз-ўзимизгами ая! – Ўғлининг қувончи оламга сиғмади. У балкондан пастга қараб «шу ердан варрак учирсаям бўлади» деди кўзлари чақнаб. Лобар маъюс жилмайди.

Шанба куни эди. Ўғлини мактабга жўнатган Лобар тезда бозорга ўтиб келмоқчи бўлиб турганди, қўнғироқ жиринглади. «Қўни-қўшнилардан микин» деган хаёлда эшикни очиши билан остонада турган Жаҳонгир Аҳмедовичга кўзи тушди.

– Кўчиб келиб олдиларингми? – У Лобарнинг ҳайрон бўлиб қараганлигига эътибор ҳам бермади-да, пастга эгилди: – Келаверинглар, олиб чиқаверинглар.

Шу пайт Лобар музлаткич кўтарган икки кишининг қийналиб юқорига кўтарилаётганлигига кўзи тушиб, типирчилаб қолди.

– Нима қиляпсиз? Қайтаринг, кераги йўқ, –

деди паст оҳангда.

– Юринг, йўлни бўшатайлик.

– Жаҳонгир Аҳмедович уни ичкарига ундаркан, «бегона одамларнинг олдида мени шарманда қиласизми», – деди секин. Лобар ўзини четга олди.

– Ана энди гапираверинг.

– Икковлари холи қолишгач у кулди.

– Жаҳонгир ака!

– Беихтиёр оғзидан чиқиб кет-ган сўздан Лобарнинг ўзи уялиб кетди. – Оилангиз, болаларингиз туриб... Бу нима қилганингиз. Ҳалиги одамлар ким?

Лобарнинг оғзидан биринчи марта «ака» сўзини эшитган Жаҳонгир Аҳмедовичнинг юраги «жиз» этиб кетди.

– Қўрқманг, – деди у Лобарнинг елкасига қўлини қўйгач, мулойим оҳангда. – Бегоналар, мардикор бозоридан олдим.

У бир зум Лобарга термилиб турди-да, хиёл яқинлашиб шивирлади: «Нима қилай, сизни яхши кўриб қолган бўлсам».

– Шармандалик...

– Лобарнинг овози титради.

– Бўпти, мен борай... сиз ҳеч нимадан хавотир олманг. Ўзим хабар олиб тураман. Айтганча, қўни-қўшниларга мени амакимнинг ўғиллари деб қўя қолинг.

Жаҳонгир Аҳмедович шундай дея унинг юзидан беозоргина ўпиб қўйди-да, тез чиқиб кетди. Лобарнинг гапи оғзида қолди.

Ўша кундан кейин Жаҳонгир Аҳмедович Лобарникига ҳафтада ёки ўн беш кунда фақат шанба кунлари, эрталаб бирров келиб кетишни одат қилди. Бироқ у ножўя хатти-ҳаракат қилмас, бирор соат ўтириб, ҳол-аҳвол сўраб қайтарди. Лекин ҳар сафар қуруқ кирмас, кўпроқ ўғлига нимадир кўтариб келарди. Лобар эса тузоққа

илинган қушчадек қийналар, оқибатини ўйлаб юрагини ваҳм босарди.

Бир куни... янги йил арафаси эди ўшанда. Жаҳонгир Аҳмедович одатдагидек шанба куни соат ўнларда келди.

– Мана буни кўринг-чи, сизга ёқадими?

– У қалин қоғозга тўртбурчак қилиб ўралган нарсани стол устига қўйиб очди.

«Пальто, сўнгги модадагиси». Бир ҳафта олдин универмагда худди шунақасини кўрган, лекин нархини эшитиб тарвузи қўлтиғидан тушган эди.

– Қани, кийиб кўринг-чи.

– Жаҳонгир Аҳмедович Лобарнинг керакмас, дейишига қарамай қистаб қўймади.

– Ўҳў. У икки қадам орқага тисарилиб қўлларини ёзди. Худди қуйиб қўйгандек, насиб қилсин.

– Мени хафа қилманг.

– Лобар пальтони тахлаб стол устига қўйди. – Ҳали музлатгичнинг пулини тўлиқ йиғиб қўёлганим йўқ.

– Нима?!

– Жаҳонгир Аҳмедович яйраб кулди. Бўпти, буям қарзга, лекин пулини сиздан эмас, Азаматжон институтни битириб, бирор корхонага бошлиқ бўлганда ўшандан оламан.

– Бунақада бечора ўғлимнинг бутун умри қарз тўлаш билан ўтаркан-да.

– Лобархон, – деди у аёлнинг ҳазил оҳангидаги гапидан кўнгли ёришиб.

– Ҳалиям хафамисиз? Менга қаранг, ўша кунги қўполлигимни юрагингиздан чиқариб ташлолмасангиз умримнинг охиригача ҳар куни келиб сиздан кечирим сўраб кетишга тайёрман.

У шундай дея Лобарни бағрига қаттиқ босди. Йигитнинг бақувват қўллари белига илондек чирмашганлигини сезган аёл иродаси ўзига бўйсунмаётганлигини ҳис этиб кўзларини юмди...

* * *

Қиш чилласи. Саҳарда майдалаб ёға бошлаган қор чошгоҳга яқин кучайди. Биринчи сменани тугатиб, ташқарига ошиқаётган ишчилар ҳаммаёқ оппоқ либосга бурканганлигидан завқланиб, «ана, ҳақиқий қиш энди бошланибди» дейишди. Ғайрати ичига сиғмайдиган баъзи шўх-шаддод қизлар эса қийқиришиб, бир-бирларига қор ота бошладилар.

– Битта-яримтаси тушириб қолмасидан тезроқ кетайлик, – деди Раисани қўлтиғлаб олган Лобар қадамини тезлатиб. – Бугун сизни бир жойга олиб бораман.

– Қаёққа? Кафе ёки ресторанга бўлса жон-жон дердим. – Раиса хандон отиб кулди. – Иссиққина жойда, озгина шампандан кейин табакани еб, ташқарини томоша қилиб ўтирадиган ҳаво бўляпти.

Улар ҳазил-ҳузул қилишиб, мебель магазини яқинидаги бекатда автобусдан тушишди. Қатор тушган тўрт қаватли уйлар қаршисидаги кенг майдонда қий-чув кўтариб қор бўрон ўйнаётган болаларни завқ билан томоша қилиб бораётган Раиса яна қизиқди:

– Борадиган жойимизнинг манзили борми ўзи? – Шу пайт қорбобо ясаётганлар тўдасидан ажралиб чиққан болакай улар томонга қараб чопди. «Аяжон!!» Раиса бир-бирини қучоқлаб турган она-болага бир зум тикилиб:

– И-е. Азамат-ку, – деди. – Катта йигит бўлиб қолибди, охирги марта тўйда кўрганимча.

– Холанг билан сўрашмайсанми? – Лобар ўғлининг эгнига ёпишган қорларни қоқди.

– Ассалом, – Азамат муздек қўлларини чўзаркан, ўртоқларига қаради.

– Ая, яна жижжа ўйнай.

– Бўпти, лекин узоқ қолиб кетма, чиқ дарров,

музлаб кетибсан.

Лобар хона эшигини очиб, ичкарига таклиф қилди.

– Ўзингникими? – Диванга ўтирган Раиса хонани бирров кўздан кечиргач, унга синчковлик билан тикилди. Қачон кўчиб келдинг?

– Яқинда уч ой бўлади.

– Қойил, яшавор-е, бир оғиз менга айтмайсан-а. Ёрилиб кетмаганингга ҳайронман. Яна сирдошмиш бу.

У шундай дея дик этиб ўрнидан турди-да, газхонани, верандани кўриб чиқди.

– Зўр, учинчи қаватдалиги яна яхши, қандай қилиб...

Лобар чуқур хўрсинди. Сўнгра бу уй унга қанчалик қимматга тушганлигини йиғлаб-йиғлаб гапириб берди. Раиса алам, изтироб ўтида қовурилаётган бу аёлга бир муддат тикилиб туриб, ўзининг ҳам юраги эзилди.

Кейин очиқ чеҳра билан уни қучоқлаб деди:

– Шунчалик қилаётган экан, менимча Жаҳонгир Аҳмедович ҳақиқатан ҳам қаттиқ яхши кўриб қолибди. Мана, кўрасан, у сени ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

– Нима деяпсиз? Ахир унинг хотини, болалари бор-ку!

– Э, нима бўпти. – Унинг виждон азобида қийна-лаётганлигини кўриб, Раиса койишга ўтди. – Мана, мен, сендан шу пайтгача яшириб юргандим, яқин беш йил бўляпти, биттаси билан учрашиб тураман, униям оиласи бор. Нима, дунёдан оҳ-воҳ чекиб ўтиб кетишим керакми?

У шундай дея шўх кулиб Лобарга кўзини қисди.

– Ўзи ҳалигинда кўнглим сезган экан. Йўлдан битта шампанский олволсам бўларкан. Сенгаям зўрлаб ичирардим, бир маза қилардик. Майли, лекин янаги сафар келганимда янги уйни албатта ювамиз. Хўп, мен борай, кеч бўляпти.

Лобар «қуруғдан-қуруғ-а, ўтиринг, ҳеч бўлмаса бир пиёладан чой ичайлик» деб қисташига қарамай Раиса ўрнидан турди. У бекатда автобус кутаркан, «қойил, Жаҳонгир Аҳмедович сўзининг устидан чиқибди. Қизиқ, икки ойнинг ичида қандоқ тўғриладийкин» деб боши қотди. Лекин бош инженер кооператив уйлардан бирини нақд пулга сотиб олиб, Лобарнинг номига расмийлаштиргани тутинган «опа-сингиллар»нинг етти ухлаб тушларига кирмасди.

* * *

Орадан тўрт йил ўтди. Дарҳақиқат, Раиса айтганидек Жаҳонгир Аҳмедович уни ёлғизлатиб қўймади. Баҳор келиши билан бош инженер жўнатган усталар газни равонга кўчириб беришди. Газхона ва ошхона вазифасини ўтовчи чоғроққина уй Азамат учун ҳам дарсхона, ҳам шинамгина ётоқхонага айланди. Равонга силлиқ тахтадан пол ётқизилди. Орадан бир йил ўтмай хонада телефон пайдо бўлди.

Лобар ҳеч нарсадан зориқмай, бекаму кўст ҳаёт кечирарди. Бироқ бу унга сув юзида ҳосил бўлган пуфакдек омонат туюлар, сири ошкора бўлишидан ниҳоятда қўрқарди. Шу боис кунларни ҳамиша қўрқув ва ҳадик билан ўтказар, назарида бир куни Жаҳонгир аканинг хотини – шафқатсиз ва баджаҳл бир аёл сочларидан судраб, пастга олиб тушиб, шармандаю шармисорини чиқарадигандек ваҳимага тушарди. Айниқса, шанба кунлари, Жаҳонгир ака билан ўтиришганда гоҳида эшик қўнғироғи жиринглаб қолар, шунда то эшик тирқишидан қараб кимлигини билгунча жони ҳалқумига келарди. Иккинчи сменага борган кунлари қўшниси Дилдора опанинг ўн беш ёшли ўғли Азамат билан бирга ётарди. Лобар уларга «мен йўқлигимда бегона одамга ҳеч қачон эшикни

очманглар» деб қаттиқ тайинлаганди.

Бир куни тунги сменадан боши оғриб қайтган Лобар эрталаб ўғлини мактабга жўнатди-да, яна бир оз дам олиш учун ўрнига чўзилди. Шу пайт қўнғироқнинг кетма-кет жиринглаши унинг оромини бузди. «Ким бўлдийкин, бемаврид». У эринибгина эшикни очаркан, остонада турган онаси билан опасини кўриб чеҳраси ёришди.

– Вой, келинглар, мен ҳозир... – У шоша-пиша ўрнини йиғиштирди. Газга чой қўйиб, хонтахтага дастурхон ёзди.

Бир пиёладан чой ичишгач, уни йўқлаб келган она-бола бир-бирларига маъноли қараб, тараддудланиб қолишди.

– Тинчликми? – Лобарнинг юрагига ғулғула тушди.

– Нима десам экан. Биринчи бўлиб гап бошлаган опаси чайналди. – Бу, сеникига кимдир келиб турармиш.

– Ким айтди?

– Энди қизим, эл оғзига элак тутиб бўладими? – Онаизор фарзандининг кўзларига термилди. – Дадангни ҳам қулоқларига етган, сендан ниҳоятда ранжияптилар.

– Бекорчи гап. – Қачонлардир шундай кун келишини билган Лобар ҳеч қачон бўйнига олмасликка қарор қилганди. Жаҳонгир акадан ҳам гап-сўз чиқса тан олмасликни ўтиниб сўраганди. Шу боис гуноҳига иқрор бўлишни истамади.

– Нима қиласан яшириб, – Лобарнинг қайсарли-гини кўриб опаси очиқчасига ўтди. Адҳам икки марта келибди. Эшикни очмабсан. Қўшнилардан суриштириб одамнинг кимлигини, қаерда ишлашини, ҳаммасини билибди.

Шунда Лобар укасининг бундан бир ойча олдин шомга яқин маст ҳолда кириб келганлигини эслади. «Амакимизнинг амалдор ўғиллари боракан-у биз билмай юрган эканмиз», деган

эди у заҳархандалик билан. Укаси одамга ўхшаб келганда балки у билан дардлашган, ҳурматини жойига қўйган бўларди. Лекин хотинининг чизган чизиғидан чиқмайдиган, ойлар ўтса ҳам опа қалай, яхши ўтирибсизми, дейишга ярамайдиган оқибатсиз жигарининг бир аҳволда келиб пичинг ташлаши Лобарнинг ғашини келтирди.

– Менга қара, – деди у алам билан. – Бориб хотинингга хўжайинлик қил, билдингми? Агар ор қилаётган бўлсанг, мендан кеч, ёки опам йўқ, ўлган деб қўя қол, тушундингми?

Опасидан бундай гапни кутмаган Адҳам тишларини ғичирлатди-ю, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди.

– Илгари бирор мартаям менга ёлғон гапирмасдинг. – Мастура хола Лобарнинг ич-ичидан азобланаётганлигини сезиб кўзларига ёш олди. – Сенга нима бўлди ўзи, жон қизим.

– Аяжон! – Лобар қўллари билан юзларини беркитиб ҳўнграб юборди.

– Жон ая, бас қилинглар. Ўзини бир нима қилиб қўймасин, десаларинг, ўз ҳолимга қўйинглар мени. Бунчаям пешонам шўр бўлмаса.

Қизининг юрак-бағри эзилиб айтган гапларидан онаизор довдираб қолди.

– Хўп, қизим, хўп, бошқа гапирмайман. – У Лобарнинг елкаларидан қучди. – Биз сенга ёмонликни раво кўрармидик. Гап-сўзга қолмагин дейман-да, болам. Ўзинг ақлли қизсан-ку. Бунақанги ваҳимали гапларни айтиб мени қўрқитма. Шусиз ҳам ўзи адо бўлганман.

Лобар онасининг бағрига бошини қўйиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

... Орадан бир ҳафта ўтди. Биринчи сменадан чиқиб тўғри уйга қайтган Лобар йўлак оғзига етганда скамейкада ўтирган бир аёл ўрнидан турди.

– Сиз Лобархон бўлсангиз керак, адашмадим-

ми?

– Йўқ, яхшимисиз? У бўйи ўзи билан тенг, буғдойранг, ёши ўттиз беш қирқлар атрофида бўлган тўлагина, истарали аёлга ҳайрон бўлиб қаради.

– Сизга гапим бор эди, – деди аёл хотиржам оҳангда.

– Бемалол, юринг, уйга кирайлик. – Улар орқама-орқа учинчи қаватга кўтарилишди.

– Овора бўлманг, мен ҳозир тураман.

– Бегона аёл чой қўймоқчи бўлган Лобарни қўлидан ушлаб қайтарди. Улар рўбара ўтиришгач, аёл унга бир муддат тикилиб қолди.

– Опа, кечирасиз, мен сизни таниёлмаяпман, – деди Лобар ўнғайсизланиб.

– Мен Жаҳонгир акангизни оиласи бўламан... – У бу гапни кулимсираб мулойим оҳангда айтди.

Лобарнинг тили калимага келмай қолди. Бу аёл пайдо бўлиши билан бир тарсаки туширганда балки ўзини бунчалик йўқотмаган бўларди.

– Қўрқманг, синглим, сиз билан уришгани келганим йўқ, – деди аёл босиқлик билан.

– Бу ерга келганимдан, ўзаро муносабатларингдан хабарим борлигидан у киши мутлақо бехабарлар. Кўришганлигимиз ўртамизда сирлигича қолсин. Мен олдингизга фақат битта илтимос билан келдим.

Лобар шу лаҳзада «жонингизни сўраб келдим» деса беришга тайёр эди. У ўғирлик устида қўлга тушиб, тақдирга тан берган боладек аёлга жавдираб қаради.

– Фарзандларимиз улғайиб қолди. Сиздан биргина ўтинчим, у кишини энди уйингизга қўйманг, учрашманг.

– Хўп...– Лобарнинг овози титраб кетди.

– Бўпти, синглим, сизга ишонаман. – У ўрнидан туриб эшик тагигача кузатиб чиққан Лобарга яна бир лаҳза тикилди.

– Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг.

«Тамом». Лобар диванга ўтириб, бошини чангаллади. У қачонлардир шундай кун келишини сезарди. «Ақлли, ажойиб аёл экан». Жаҳонгир ака хотинини мактабда ишлайди, деб айтганди. «Шунинг учун мулоҳазали, босиқ. Худо кўрсатмасин жиззаки, шаллақироқ бўлганда пастдаёқ, қўни-қўшниларнинг олдида шармандасини чиқарарди. Бўлди, энди ҳеч қачон учрашмайди». У ўйлай-ўйлай хаёлига бир фикр келди-ю, кўнгли бир оз таскин топди.

Шанба куни одатдагидек эрталаб соат ўнларда қўнғироқ чалинди. Кийиниб тайёр бўлиб олган Лобар эшикни очди.

– Бирор жойга кетяпсизми? – Остонада турган Жаҳонгир Аҳмедович унга бошдан-оёқ разм солди.

– Ҳа, юринг, пастга тушайлик.

Улар пиёда юриб катта йўл ёқасига етишгач, Лобар тўхтади.

– Жаҳонгир ака, сиздан битта илтимосим бор. У йиллар давомида яқин бўлиб қолган, лекин ўзига ўхшаган бир аёлнинг жуфти ҳалоли, қонуний эри бўлган бу йигитга тикилиб қолди.

– Қанақа илтимос? – Жаҳонгир Аҳмедович Лобар остонада уйга қўймай пастга олиб тушгандаёқ ғаши келган эди. Ҳозир эса аёлнинг худди видолашаётгандек ғалати тикилиб туришидан ҳайрон бўлди.

– Энди учрашмайлик. Сиздан ўтиниб сўрайман, бошқа келманг уйга.

– Нима бўлди ўзи? Тушунтириброқ гапирсангизчи?

– Мени эрга беришяпти.

– Лобар хотиржам гапиришга уринди.

– Кимга? – Аёлнинг томдан тараша тушгандек қилиб айтган гапи Жаҳонгир Аҳмедовични янада таажжубга солди. – Ўтган ҳафта кўришганимизда

бунақанги гап йўғиди-ю?

– Бирданига шунақа бўлиб қолди. – Яна бир оз турса йиғлаб юборишини сезган Лобар гапни қисқа қилди.

– Хуллас, мана шунақанги гаплар, хўп, хайр.

– У шундай дея бекат томон жадаллаб кетди.

Ўша кечаси уйқуси қочиб ўйлаб ўйига етолмаган Лобар, эртасига фабрикага бориб ўз ихтиёри билан ишдан бўшатишларини сўраб, директор номига ариза ёзди.

... – Жинни-пинни бўлдингми? Икки кундан кейин ҳовлиқиб унинг олдига келган Раиса қисди-бастига олди. – Нима қилганинг бу?

– Бошқа иложим йўқ, Раиса опа.

– Лобар шундай дея бўлган воқеани гапириб берди.

– Да, шунақа гаплар дегин.

– У ўйланиб қолди. – Хўп, майли, лекин мен тушунмай қолдим, бунга сени ишдан кетишингни нима алоқаси бор?

– Нимага тушунмайсиз? Ахир ишлаб юрсам, Жаҳонгир ака гапимнинг ёлғонлигини, уни алдаганимни барибир сезади. Ҳоли-жонимга қўймай ростини сўрайди. Ундан кейин нима дейман? У одам менинг феълимни яхши билади. Унинг юзига оёқ қўйиб, бошқа билан гаплашиб кетишимга қиёматдаям ишонмайди. Шундай бўлгандан кейин нима қилишим керак эди?

– Хотинингиз сезиб қолибди, уйимга келди деб тўғрисии айтиб қўя қолардинг.

– Йўқ, бу ҳечам мумкинмас. Аввало, унинг оиласида жанжал бўлишини сираям хоҳламайман. Агар у аёл тўполон қилиб, қўни-қўшниларнинг олдида мени шарманда қилганда балки айтишим мумкин эди. Жудаям ақлли хотин экан. Ўша куни ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим. Қолаверса, сизга айтдим-ку «ўртамиздаги гап сирлигича қолсин», деб илтимос қилган ахир!

– Хўп, бўлган иш бўпти. – Раиса шундай дегач, унга савол назари билан қаради. – Нима қилмоқчисан энди?

– Бирор ой дам оламан. Кейин бошқа битта-яримта иш топилиб қолар.

– Эҳ, Лобар. – Раиса бошини чайқади. – Дуруст-роқ иш топиш осонми? Ҳозир ҳамма ишхоналарда «сокрашение» бўляпти. У шундай дегач, соатига қара-ди. – И-е, уч бўпқопти-ку. Ишдан кечга қолмай. – Раиса ўрнидан тураркан, Лобарга далда берди. – Сен кўп сиқилма, ўйланма, яхшилаб дамингни ол, кейин бир гап бўлар. Мен яна келаман.

* * *

Ўн кун бўлди. Жаҳонгир Аҳмедовичнинг на ишда, на уйда ҳаловати бор. Айниқса, Лобарнинг ишдан бўшаганлигини эшитиб, яна боши қотди. «Ҳақиқатан ҳам эрга тегаётган бўлса, аризани нега ёзади?» У юзма-юз ўтириб, очиқчасига гаплашиб олмоқчи бўлиб шанба куни эрталаб борганди, эшикни ҳам очмади. Кетма-кет қўнғироқни босгандан кейин ичкаридан Лобарнинг «илтимос, мени тинч қўйинг, агар яна безовта қилсангиз ўзимни учинчи қаватдан ташлаб юбораман», деганини эшитгач ноилож қолди.

Жаҳонгир Аҳмедович Лобарга етишиш учун астойдил аҳд қилганда кейинчалик бу аёлга қаттиқ боғланиб қоламан, деб сира ўйламаганди. Ўтган тўрт йил давомида ундаги сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нозик ва ажиб фазилатлар йигитни бутунлай ўзига мафтун этди. Лобар кўпчилик аёллар учун хос бўлган зебу зийнатга ўчлик, кўролмаслик, ғийбат, худбинлик сингари иллатлардан бутунлай холи эди.

Ҳаммага фақат яхшилик истагувчи бу гўзал, дилбар аёл содда эди. Албатта, унинг феъл-

атворидаги бу соддаликни асло гўллик деб бўлмас, бу соддалик йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзининг ҳусну тароватини йўқотмай, кўрганнинг кўзини қувонтирадиган баланд тоғдаги навқирон кўм-кўк арчага ўхшарди.

Лекин Жаҳонгир Аҳмедовични Лобарнинг битта ожиз томони ташвишга соларди. Унинг назарида ҳамиша меҳру муҳаббатга, эъзозга муносиб ва муҳтож бўлган гулдек бу аёл ҳаётнинг шафқатсиз бўронларига дуч келса бардош беролмас, шохидан узилган бағри қон гулдек оёқ остида поймол бўладигандек эди.

Улар икки бора, ёзда Азаматни лагерга жўнатиб, биринчи марта Иссиққўлда, кейинчалик Чимёнда бирга дам олишди. Ўшанда Лобар қафасдан озод бўлган қушдек яйраб, ёмғирдан кейин очилган лоладек яшнаб кетган эди.

Бир куни тунда, Иссиққўл дам олиш зонасининг хилват гўшаларидаги ўриндиқлардан бирида ўтиришганда ундан сўради.

– Мени яхши кўрасизми?

Лобар кўкнинг чароғон кўзлари – сонсиз юлдузларга бир лаҳза термилиб турди-да, деди:

– Ростини айтаймми?

– Айтинг.

– Хафа бўлмайсизми?

– Йўқ.

– Умримнинг охиригача Аваз акамдан бошқа ҳеч кимни яхши кўролмайман.

Ўшанда негадир унинг ғаши келган эди.

– Хафа бўлдингиз-а? – Лобар кулди. – Сиз менга кўп яхшилик қиляпсиз. Ўзимни доимо олдингизда қарздор, деб биламан.

– Қўйинг шунақа гапларни.

– Биласизми? – Лобар худди унинг гапларини эшитмагандек сўзида давом этди.

– Ёшлигимда Садриддин амаки деган қўшнимиз бўларди. Уйида каклик боқарди. Чиқиб томоша

қилардик. Сув, дон олиб келаётса эгасини таниб, қафасдан чиққудек ўзини ҳар ёққа урарди. Назаримда мен ҳам ҳозир худди ўша какликка ўхшайман.

Жаҳонгир Аҳмедович унинг нимани назарда тутаётганлигини тушуниб, берган саволидан пушаймон бўлди.

– Сизга ҳам битта савол берсам, ростини айтасиз-ми? – Лобар шўх оҳангда сўради.

– Қани?

– Агар келинойим шу ўтиришимизни билса нима бўлади?

– Мен ҳам ростини айтайми?

– Бўлмасам-чи.

– Хотинимнинг феълини яхши биламан. Мени қайтиб уйга қўймаслиги мумкин. Лекин ҳеч қачон ишхонамга келиб ёки сизнинг олдингизга бориб тўполон кўтармайди.

Жаҳонгир Аҳмедович бир муддат жим қолгач, деди:

– Хотинимни ҳурмат қиламан, болаларимни жонимдан ортиқ кўраман. Лекин гапнинг рости, сиз билан танишганимда бунчалик бўлади, деб хаёлимга келтирмагандим.

– Бирор йилдан кейин ташлаб кетаман, деб ўйловдингизми?

– Тўғрисини гапирадиган бўлсам «ҳа». Лекин ёшим қирққа бораётганда эриш туюлса ҳам яна айтай. Мен сизни қаттиқ яхши кўриб қолганман, ишонинг.

У шундай дея Лобарни бағрига босди.

... Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Жаҳонгир Аҳмедович Лобарни умрбод ёдидан чиқаролмаслигини дил-дилдан ҳис этди. Лекин у шу лаҳзада бир нарсани – хотини эридаги ўзгаришни аёл қалби билан сезиб, бундан бир ой илгари ҳамма сирдан хабардор бўлганлигини хаёлининг кўчасига ҳам келтирмасди.

Лобар уйга тушга яқин чарчаб, совқотиб, руҳсиз кайфиятда кириб келди. Ечинди-да, соатга қараб, ўғлининг мактабдан келадиган вақти яқинлашиб қолганлигини ўйлаб, «тўрт дона картошка билан иккита тухум қовуриб қўя қоламан» деган хаёлда равонга ўтди. Қўлида пичоқ билан тик турганича картошка арчаркан, эрталаб нонуштага ўтиришганда Азаматнинг «ая, сариёғ олиб келинг, ҳадеб шакарчой билан қуруқ нонни ўзини еяверамизми?» деган гапи эсига тушди. «Нима қилиш керак? Мана, уч ой бўлди, муносиброқ иш тополмаяпти. Раиса опа тўғри айтган экан. Кимга учраса бир хил: «иш йўқ, сокращение бўляпти» деган жавобни оляпти. Ип йигирув-пайпоқ тўқув фабрикасига борган эди. Корхона бошлиғи, қирқ, қирқ беш ёшлар чамасидаги ғўлабирдан келган киши унга бошдан-оёқ ғалати қараб қўйиб, «машинкани биласизми?» деб сўраб қолди. «Йўқ», дегач, қошларини чимириб, бошини сарак-сарак қилди. «Афсус, печать қилиш қўлингиздан келганда бир иложини қилардик».

Ўтган ой узукларидан биттасини сотган эди. Бир ҳафта-ўн кунда унинг пули ҳам тугайди. Ундан кейин нима қилади? Уйга қайси юз билан бориб пул сўрайди. Ўша воқеадан кейин укаси билан юз кўрмас бўлиб кетишган. Опасининг олдига борай деса, юзига айтмасаям ичида «ўл» дейди.

Қайноғалари, қайнона-қайнотаси байрамларда, Азаматнинг туғилган кунларида йўқлаб туришарди. Бир йил бўлди, улардан ҳам дарак йўқ. Ёлғизгина меҳрибони, онаизори 15–20 кунда хабар олиб туради.

Жаҳонгир ака келиб юрганда умуман озиқ-овқатнинг ташвишини қилмасди. Ҳар ҳафта музлаткични тўлдириб қўярди. Олаётган ойлиги бошқа харажатларига етиб, ортиб қоларди.

Телефоннинг қўнғироғи Лобарнинг хаёлини бўлди.

– Ало, бормисиз? Мунча кўринмай кетдингиз? – Раисанинг овозини эшитиб, Лобарнинг чеҳраси ёришиб кетди. – Нима? Йўқ, иш топганим йўқ. Эртага соат бешга, дейсизми? Қаерга? Хўп, уйда бўламан.

Лобар гўшакни қўяркан, Раисанинг «кийиниб тайёр бўлиб тургин» деган гапини ўйлаб ҳайрон бўлди. «Қаергалигиниям айтмади, цехдагилардан бирортаси тўй қилаётганмикин?».

Раиса роппа-расо бешга етиб келди.

– Кийинмабсан-ку?! – Унинг бемалол ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди у.

– Қаерга ўзи?

– Битта ўртоғимникига туғилган кунга борамиз, ўзимизни миллатдан, ёзилиб келасан.

– Мен танийманми? – Негадир Лобарнинг оёғи тортмади.

– Йўқ танимайсан, мунча суриштирасан? Терговчимисан? – Раиса қистади. – Бўл, кийин тез. Қўшнининг ўғлига тайинлаб қўй. Кечга қолсак Азаматнинг олдига чиқиб турсин.

Улар Раисанинг дугонасиникига шомга яқин кириб боришди.

– Келинглар, хуш келибсизлар.

– Олдига фартук таққан, ўттиз, ўттиз беш ёшлардаги хипча бел, оппоққина аёл Раисанинг қўлидан гулдастани оларкан, ўпишиб кўришди. Сўнгра Лобарга кулиб қаради.

– Сиз Лобархон бўлсангиз керак, топдимми? –

У шундай дея уни ҳам қучоқлаб ўпди. – Қани, ич-карига, залга кираверинглар, биз ҳозир. Уй соҳибасининг очиққиналигини кўриб Лобарнинг кўнгли ёришди. Улар меҳмонхона вазифасини ўтовчи кенг залга киришлари билан тузалган дастурхон тўрида гаплашиб ўтирган икки йигит баравар ўрниларидан туришди.

– Келинглар, кўзлар тўрт бўлиб кетди-ю, – деди новчадан келган, қотмагина қорача йигит Раисага

қараб. Раиса чап томондаги стулни айланиб ўтиб, унинг ёнига ўтирди. Қирқ ёшлар чамасидаги ўрта бўй, қалин сочларини силлиқ қилиб орқага тараган, қизил юз йигит илтифот билан Лобарни ёнига таклиф қилди. Шу пайт чой кўтариб кирган хонадон соҳибаси билан яна бир йигит (Лобар ошхонада нимадир қилаётган бу йигитга уй эгаси билан сўрашаётганда бирров кўзи тушган эди) стуллардан жой олишди.

Бир пиёладан чой ичишгач, Раисанинг ёнида ўтирган йигит ўрнидан турди.

– Ўртоқлар, менда бир таклиф бор. – У шундай дегач, стол устига қўйилган арақ, коньяк, шампанларни чаққонлик билан очди-да, рюмкаларни тўлдиргач, сўзида давом этди. – Биринчи сўзни Раиса бонуга берсак. Бону даврамизга қўшилган азиз меҳмон билан бизни таништирсалар. Ундан кейин ўтиришимизнинг асосий қисмига ўтсак, нима дейсизлар? «Зўр таклиф, жуда маъқул». Даврадагилар чимилдиқдан чиққан келинчакдек қип-қизариб кетган Лобарга кулиб қарашди.

– Сизлар ҳаммаларинг "заочний" яхши танийсизлар, – деди шампан тўлдирилган рюмкани қўлига олиб ўрнидан турган Раиса. – Қиёматли синглим, ҳам дугонам деб сизларга мақтаб юрганим Лобар мана шу аёл. – Раиса бир лаҳза сукут сақлагач, даврадагиларга бир-бир қараб қўйди-да, сўзида давом этди. – Лобар, дўстларимниям сенга таништирай. Булар хонадон эгалари – яқин дугонам Люся билан Толибжон ака. Ёнимда ўтирган йигит Мансур ака, "заочний" танийсан, айтганман, «хўжайиним». Келганимиздан буён кўзларини сендан узолмай ўтирган ёнингдаги йигит Хайриддин ака. – Раисанинг бу гапидан кейин даврада хушчақчақ кулги янгради. – Хайриддин ака қурилиш ташкилотининг бошлиғи, «хўжайиним»нинг устози

бўладилар. Энди мана шу қадаҳни даврамиз кенгайганлиги учун, дўстлигимиз учун, дугонам Люсянинг юзга кириши учун бир томчиям қолдирмай олишларингни илтимос қиламан.

Ўтирганлар «маладес, раҳмат, зўр гап бўлди», дея қўлларидаги рюмкаларини бўшатишди. Кейинги бир-икки йил ичида тўй ва туғилган кунларда дугоналарининг қистови билан озгина шампан ичиб ўрганган Лобар ҳам кўп таранг қилиб ўтирмади.

Шундан кейин давра қизиб кетди. Меҳмонлар хонадон соҳибасининг шаънига илиқ, мақтов гапларни айтишиб, кетма-кет қадаҳ кўтаришди. Хайриддин дастурхондан ҳали у, ҳали бу нарсани олиб унга илинар, нима қилиб бўлса ҳам унинг кўнглини овлашга ҳаракат қиларди. Шунда Лобар Раиса уни туғилган кунга шунчаки таклиф этмаганлигини, Толибжон ҳам хонадон соҳибасининг эри эмас, жазмани эканлигини сезди. Лекин негадир ғаши келмади. Шампаннинг таъсирими ёки анчадан буён бунақанги даврада бўлмаганлигигами, ҳар қалай ўзини эркин тутиб яйраб ўтирди.

Паловдан кейин столни чеккароққа суришгач, Люся магнитофонни қўйди. Ундан шўх, ўйноқи куй таралиши билан даврага чиқиб ўйинни бошлаб юборган Раиса араб раққосаларига тақлид қилиб ҳаммани кулдир-ди. У хумордан чиққунча ўйнаб чарчагач, ўртага Лобар билан Люсяни тортди. Ундан кейин навбат эркакларга келди.

... Соат ўнга яқинлашганда ўғлини ўйлаб, Лобар безовталаниб қолди. У тез-тез Раиса томонга нигоҳ ташлар, лекин қиёматли «опаси» парвойи фалак, «хўжайинининг» пинжига суқилиб, ниманидир зўр бериб тушунтирарди. Шундан кейин Лобар Хайриддин акага нажот билан қаради.

– Турайлик, ўғлим уйда ёлғиз қолган, хавотир

бўляпман.

У маъқул ишорасини қилди-да, ёнида ўтирган Мансурни туртиб қўйгач, қўлини кўксига қўйиб хонадон эгаларига кулиб қаради.

– Ўртоқлар, роса мириқдик. Мингдан-минг раҳмат. Лобархоннинг ўғилчалари уйда ёлғиз экан, илтимос қиляптилар. Вақт ҳам бўлди ўзи. Энди рухсат берсаларинг, Люсяхон бизни кузатиб, уйни йиғиштиргунлари-ча вақт алламаҳал бўлади.

– Менда битта, охирги таклиф бор, – деди бир оз кайфи ошиб қолган Мансуржон, ўрнидан тураркан гапни бўлиб. У шундай дея дастурхонга қаради.

– И-е, шампанскиймиз тугаб қолибди-ку, ҳа майли, ҳеч нима қилмайди. Таклифим шуки, юз граммдан йигитларга арақ, аёлларга коньяк қуйилса. Сўзни ажойиб, ширин ўтиришимизнинг айбдори Люся бонуга берсак, нима дейсизлар?

– Зўр гап! – Унинг таклифини биринчи бўлиб Раиса қўллаб-қувватлади.

– Рюмкаларни тўлдиринглар.

Коньяк тўлдирилган рюмкани қўлига олиб ўрнидан турган Люся ҳаммага бир-бир кулиб қараб қўйгач, деди:

– Аввало, хонадонимизга келиб билдирган яхши тилак ва истакларингиз учун ҳаммаларингга катта раҳмат. Ўзларинг ҳам доимо соғ-саломат бўлинглар, тез-тез кўришиб турайлик, олинглар.

– Шахсий намуна, – деди Мансуржон Люсяга қараб. – Аёллардан бошлаймиз, бир томчиям қолмасин. Ким Люся бонуни ҳурмат қилса охиригача ичади.

Коньякни умрида оғзига олмаган Лобар нима қилишни билмай қолди. Люсядан кейин Раиса ҳам рюмкани бўшатиб стол устига қўйгач, ҳамманинг нигоҳи унга қадалганини сезди-ю, кўзини чирт юмиб ичиб юборди.

– Қойил, мана бу бошқа гап. – Хайриддин

кўзла-рини юмганича кафтларини кўксига қўйган Лобарга косадаги помидор шарбатидан узатди. – Мана буни ичиб олинг.

Улар хонадон эгалари билан хайр-хўшлашиб пастга тушишгач, Хайриддин рулга ўтирди.

– Аммо-лекин маза қилдик, – деди Хайриддиннинг олдида ўтирган Мансуржон орқага ўгирилиб. – Тўғрими, Раиса бону?

Шу пайт светофор яқинида турган ДАН ходими липиллаб турган қизил таёқчасини кўтарди.

«Оббо, энди нима бўлади?» Лобарнинг юрагига ғул-ғула тушди.

– Мен ҳозир, – деди Хайриддин ўн, ўн беш метр ўтиб тўхтагач. – Сизлар бемалол, хавотир олмай ўтираверинглар.

... Улар йўлда давом этишаркан, Мансуржон сўради:

– Хўжайин, кимакан у? Машинани танимас экан-ми?

– Хайрият, – Лобар енгил нафас олди.

– Ие, Лобархон, нимага хавотир бўласиз? – Хайриддин аканинг правасини оладиган ГАИ ҳали энасининг қорнида.

– Мансуржон ялтоқланди. – Бошлиғи ҳар ҳафта идорага келиб, биз билан улфатчилик қилиб кетади.

Машина Раиса яшайдиган «дом» ёнида тўхтагач, «эр-хотин»лар тушиб қолишди.

Хайриддиннинг Чорсудаги чорраҳадан чапга бурилганлигини кўриб Лобар ҳайрон бўлди. – Бизнинг уйга тўғридан кетиларди-ю.

– Уйдан бирров хабар олиб қўяйлик, кейин сизни ташлаб қўяман.

– Қанақа уй? – Лобар хавотирга тушди.

– Қўрқманг, – Хайриддин кулди. – Борганда кўрасиз, бир минутга. Машина беш-олти дақиқа юриб, темир йўл шоҳбекатига олиб борадиган катта йўл ёқасидаги тўрт қаватли уйлардан

биринг шундоққина биқинида тўхтади.

– Тушамиз, – Хайриддин Лобарга ўгирилди.

– Ўзингиз кириб чиқаверинг, мен машинада ўтириб тураман. Тезроқ чиқинг, айтдим-ку, ўғлим уйда ёлғиз қолган деб.

– Уйда ҳеч ким йўқ. Участка олмасимдан олдин шу ерда турганмиз. Ёлғиз ўзингизни қандоқ қолдираман? Бу ерда безори болалар кўп.

Хайриддиннинг охирги гапидан кейин ноилож машинадан тушган Лобар боши гир айланиб беихтиёр унинг билагидан ушлади.

– Коньякни ичмасам бўларкан, мазамни қочиряпти.

– Ҳозир кириб бир стакандан кофе ичамиз, бир-пасда тарқаб кетади. Улар иккинчи қаватга кўтарилишгач, Хайриддин рўбарадаги эшикка калит солиб очди.

– Кираверинг, тортинманг.

– У Лобарни тўғридаги кенг хонага – залга бошлади.

– Мана шу уй бизники, уч хонали, ҳамма шароити бор. Кейинчалик ўғиллардан бирортаси турар, деб сотмаганман. Идорага Тошкентдан, Фарғонадан тез-тез меҳмонлар келиб туришади. Кўпинча шу ерга олиб келаман. Ётиб қолишсаям, бемалол, бехижолат.

Хайриддин шундай дея Лобарга қараб кулди.

– Ие, нега тик турибсиз? Ўтиринг диванга, мен ҳозир кофе тайёрлайман.

Бир стакандан кофе ичишгач, Лобар ўзини бир оз енгил ҳис этди.

– Хайриддин ака, кофе учун раҳмат, илтимос, кетайлик энди.

– Лобархон, – деди йигит аёлнинг қўлларини ушлаб. – Раиса сиз ҳақингизда менга кўп гапирган эди. Гапнинг рости, мақтаганидан ҳам ортиқ, ажойиб аёл экансиз.

Лобар кўзларини олиб қочди. «Бунақа бўлишини

билганимда келмасдим» хаёлидан ўтказди у. Раиса шунинг учун айтмаган. Энди нима қилди? Қаршисида ўтириб унга хушомад қилаётган бу одамга гап уқтириб бўладими? Йўқ.

У ўзига ҳирс билан тикилиб, еб қўйгудек бўлаётган ширакайф, бақувват йигитга қаради-ю, унга тушунтириш, ялиниб-ёлвориш тошга ёққан ёмғирдек бефойдалигини сезди...

... Лобар эртасига куни бўйи уйдан чиқмади. Соат тўртларга яқин қўнғироқ чалинди.

– Қалай, яхши дам олдингми? – Эшикдан кириб келиши билан Раиса қувлик билан сўради.

– Аъло даражада, – Лобар заҳархандалик билан жавоб берди. – Мен сиздан ҳеч ҳам буни кутмагандим.

– Нима бўлди? Сени хафа қилдими?

Лобар индамай пальтосининг чўнтагидан анчагина пул чиқариб унинг олдига қўйди.

– Зўрлаб чўнтагимга солиб қўйди. Сизга бу, таништириб қўйганингиз учун.

Раиса индамай пулни олиб санади-да, қошларини чимирди.

– Ў-ҳў, бунча пулни бир ой ишлаб ҳам тополмайсан.

– Ҳаром пуллар.

– Лобар тумтайди.

– Ҳой, менга қара.

– Раиса «Жаҳонгир Аҳмедо-вичнинг катта-катта олиб келганини егансан. Ўшалар ҳалолмиди?» дегиси келди-ю, тилини тийди. – Масалан, сен битта, ўғрига шим тикиб бериб пулини олдинг. Шу пул сенга ҳалолми, ҳаромми?

– Ҳалол, – деди Лобар унинг нима демоқчи эканлигига тушунмай. – Меҳнат қилганман.

– Баракалла, шуни билгинки, эркаклар ҳалол топган пулига, ойлигига ҳеч қачон айшу ишрат қилмайди. Қандайдир чапи бўлади. Айтмоқчиманки, бу пулларни балки у ҳаром йўл

билан топгандир. Лекин сен учун ҳалол.

– Ҳа, энди тушундим, – деди Лобар алам билан. – Сиз «сен бу пулларни ўзингни, баданингни сотиб, топгансан, шунинг учун она сутидек ҳалол» демоқчимисиз?

– Менга қара. – Бу гап Раисанинг иззат-нафсига тегиб, ранги қув ўчди. – Сен мендан олти ёш кичиксан. Ҳали кўп нарсага ақлинг етмайди. Хўш, қани айтгин-чи, уч ойдан буён уйда беиш ўтирибсан. Биров ҳолинг қалай, қийналиб қолибсан, мана бу пулни олиб ишлатиб тур, дедими? Қўни-қўшни, бегоналарни қўя тур. Туғишганларинг нима қилиб берди? Ўзинг айтгансан, чеварлик қўлингдан келмайди, олди-соттига уқувинг йўқ. Мана, ҳозир ўзимиздаям иш ўринларини қисқартириш бошланди.

Бераётган пулини илгаригидек баракаси йўқ. Нарх-наво бўлса осмонга чиқиб кетяпти. Ойлиги зўр, тирикчиликка бемалол етадиган иш борми ҳозир? Бўлса айт, ўша ерга кириб, сен айтган ҳалол йўл билан пул топиб, маза қилиб ҳаёт кечирайлик.

Раиса аччиқ-аччиқ гапириб хумордан чиқди-да, чуқур уф тортиб насиҳатга ўтди.

– Ўзинг ўйлаб кўр. Мана, ўғлинг катта бўляпти. Ўқитаман, одам қиламан, деяпсан. Уйингни ҳеч бўлмаса икки хоналикка алмаштирмоқчисан. Булар ўз-ўзидан бўладими? Ҳаммасига пул керак. Ҳозирги пайтда пулинг ёки каттароқ жойда таниш-билишинг бўлмаса, ҳеч қаерда ишинг битмайди, тушундингми?

Раисани ҳеч қачон бунақанги ҳолатда кўрмаган Лобар саросимага тушиб қолди.

– Опа, кечиринг, мен сизни хафа қилиб қўйдим. –шундай дея Раисанинг елкасидан қучди.

– Сен мени ҳеч нимани тушунмайдиган енгилтак бир аёл деб ўйловдингми? Катта қизим бўйига етиб қолди, узатишим керак. Мениям бошимда

юзта ташвиш. Агар эрим ичкиликка берилмай, одамга ўхшаб юрганда, ҳар куни оёқларигача ўзим ювиб қўйган бўлардим, бошқалардек тинчгина ҳаёт кечирардим.

Раисанинг кўзларидан дув ёш тўкилди.

... Орадан уч кун ўтгач, эрталаб соат тўққизларда телефон жиринглади. Гўшакдан Хайриддин аканинг овозини эшитгач, «рақамни қаердан билдингиз?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, Раиса ёдига тушиб индамади. У бир лаҳза қулоқ тутиб турди-да, «йўқ, овора бўлманг» дея гўшакни қўйгач, ўйланиб қолди. «Нима қилсин? Соат 12:00 да бекатга чиқсинми?». Лобар Хайриддин аканинг «зарур гапим бор, барибир кутаман» деган гапини ўйлаб, ичида кулиб қўйди. Сўнгра ўзига-ўзи деди: «қанақа гаплигини жуда яхши биласан-ку. Бўлган иш бўлди, энди нима қиласан ўзингни бозорга солиб. Лекин ўзи ёмон йигитга ўхшамайди. Катта бир ташкилотнинг раҳбари».

Ўша куни тушликни Хайриддин аканинг «дом»ида бирга қилишди. Шундан кейин уларнинг ҳафтада бир ёки икки марта учрашиб, «суҳбатлашиб» туришлари одат тусига кирди. Шундай гўзал, келишган аёл унга ўзини бағишлаганидан боши осмонга етган Хайриддин пулни аямас, туғилган кун, байрамларда эса, албатта бирор қимматбаҳо совға олишни унутмасди. Бу орада Раиса катта қизини турмушга узатди. Тўй харажатларининг кўп қисмини «божалар» – Мансур ака билан Хайриддин акалар ўз зиммаларига олишди.

Уч ой иш ахтариб, ovораю сарсон бўлган, бошидан анча-мунча иссиқ-совуқни ўтказган Лобар энди сарф-харажатни ўйлаб қиладиган бўлди. Энди у орттирган пулини йиғар ёки қачон сотса бир кунига ярайдиган бирор нарса олиб қўярди.

Бир йилдан ортиқроқ мана шундай пинҳона учрашиб юрганларидан кейин бирданига

Хайриддин ака кўринмай қолди. Сабабини сўраган эди, Раиса ҳам тайинли гап айтмади.

Шундай кунларнинг бирида, кеч соат олтиларда Раиса шошиб кириб келди.

Бўл, кийин тез, машина кутиб турибди.

– Қаёққа? – Лобар ҳайрон бўлди.

– Юравер, кейин биласан. Мен пастда кутаман, тушавер.

«Жигули»ни бошқариб бораётган 35–40 ёшлар чамасидаги барваста, мўйловли йигит машинани тўғри Муқимий мавзейи томонга ҳайдади. Улар ўн беш-йигирма дақиқадан кейин бетондан қилинган тўрт қаватли уйлардан бири олдида тўхташди.

– Сиз кираверинг, биз кейинроқ.

Мўйловли йигит машинани қулфларкан, Раисага қараб «маъқул» дегандек бош қимирлатди.

«Опа-сингил»лар тўртинчи қаватга кўтарилишгач, Раиса чап томондаги қия очиқ турган эшикни секин итарди.

– Кираверинглар.

– Остонада кутиб турган мўйловли йигит ичкарига таклиф қилди. Улар тўғридаги хонага ўтишлари билан тузалган стол тўридаги диванда ўтирган ўрта бўй, чорпахлдан келган йигит ўрнидан турди.

– Келинглар, бунча ҳаяллаб қолдиларинг? – У Лобар билан илиқ сўрашгач, Раисага қараб мамнун жилмайди. – Овқатнинг тайёр бўлганига ҳам ярим соат бўлди.

Бир пиёладан чой ичишгач, мўйловли йигит очилган коньякдан учта рюмкага тўлдириб қуйди.

– Менга узр, рулдаман, – деди у қўлларини кўксига қўйиб. – Сизлар бемалол...

– Бу менинг энг яқин дугонам Лобар. – Раиса қадаҳни қўлга оларкан, таништирди. – Бу Собиржон, – деди у мўйловли йигитга қараб кулиб қўйгач. Бу киши дўстлари Қудрат ака. Қани олинглар бўлмаса, танишганимиз учун.

Улар Собиржон сузиб келган қозон кабобни иштаҳа билан ейишди. Овқатдан кейин бир пиёладан чой ичишгач, Лобар Раисани имлаб, ўзи секин қўшни хонага ўтди.

– Нима дейсан? – Унинг орқасидан кирган Раиса сўради.

– Жинни бўлдингизми? Ким ўзи булар?

– Зўр йигитлар, икковиям коммерсант, – Раиса кўзини қисди.

– Нима кераги бор, Хайриддин акаларнинг юзига оёқ қўйиб. – Раисанинг чегарадан чиқаётганлигини кўриб Лобарнинг ғаши келди.

– Энди Хайриддин аканг ҳам, Мансуржон аканг ҳам йўқ, тушундингми? Бугун қизимни опасиникига жўнатиб юборганман, сеникида қоламан. Ҳаммасини уйда гаплашамиз. Юр, йигитлар қараб қолишди.

Тўрттовлон кеч соат ўнларгача суҳбатлашиб, мириқиб «хордиқ» чиқаришгач, йигитлар уларни иззат-ҳурмат билан машинада элтиб қўйишди.

Раиса Лобар дамлаб келган аччиқ кўк чойдан бир пиёла ичгач, гап бошлади:

– Бундан ўн беш-йигирма кун олдин сўраганингда ўзим ҳам аниғини билмасдим. Кейин суриштириб тагига етдим. Хайриддин аканинг ташкилотида қандайдир "чп" бўпти. Ҳозир униям, Мансуржонниям иши терговдамиш. Йиққан-терганини ҳаммасини сарфлабди. Аниқ одамдан эшитдим, қамалмай қолсаям катта гапмиш.

«Шунинг учун кейинги пайтда кайфияти йўғ экан-да» – Лобар Хайриддиннинг ташвишли қиёфасини кўз олдига келтираркан, бундан бир ойча олдин охирги марта ўтиришганда кўпроқ ичиб қўйиб, «э, бону, текшир-текширдан бўшамай қолдик, билмадим, охири нима бўларкин», деган гапларини эслади.

– Яна бир гап.

– Раиса унинг хаёл суриб қолганига эътибор бермай сўзида давом этди.

– Ёнимиздаги подъезднинг иккинчи қаватида битта ўрис чол яшайди. Икки йил бўлди, кампири ўлган. Биттаю битта ўғли Россияда, қайтиб келмайди. Қийналганидан «уйимни бир хоналикка алмаштираман» деб юрибди. Жуда сен бопда, ёнма-ён яшардик, зўр бўларди.

– Қани энди, – Лобар қизиқиб қолди.

– Устига қанча сўраркин?

– Унча-мунча пулинг борми?

– Озгина йиғиб қўйганман, камига бир-иккита нарсаларимни сотсам етиб қолар.

– Бўпти, уй қўлдан чиқмасин. Чол билан ўзим гаплашаман. Раиса қувониб кетди.

– Шу ҳафта пулингни тайёрла, етмаганига мен қўшаман. У шундай дегач, соатига қаради. «Ўҳ-ў, соат ўн икки бўлибди, ётамиз, эрталаб ишга, боришим керак».

Лобар ўн кундан кейин янги уйга кўчиб ўтди.

– Қалай, маъқулми? – Раиса мамнун жилмайди. – Пушаймонмасмисан ишқилиб?

Маъқулликка-ку, жуда маъқулку-я. – Лобар шундай дегач, секин уф тортиб қўйди. – Лекин бир сўм ҳам пулим қолмагани ёмон бўлди. Бунинг устига, сиздан қарз бўлиб қолдим.

– Э, қизиқмисан, – Раиса қўл силтади. – Меники қарзмас ёрдам, каллангдан чиқариб ташла. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Қўшни бўлиб қолганимизни айтсанг-чи?

Орадан бир ой ўтгач, Раиса фаолиятини кучайтириб юборди. Улар бир ҳафта-ўн кунда коммерсант йигитлар билан учрашиб туришар, «топишлари» ёмонмасди. Кейинчалик Раиса қўшимча даромад топишнинг яна бир йўлига ўтди. У гоҳи-гоҳида тузоғига илинган пулдор одамлардан (уларнинг аксарияти бошқа

шаҳарликлар эди) иккитасини уйига чақирар, «опа-сингиллар» бир кунлик жазманларини икки-уч соат меҳмон қилиб, кўнглини олиб жўнатишарди. Лобар гоҳида қандай йўлга кириб қолганлигини ўйлаб, ўзидан нафратланиб кетар, лекин ўйлаган режалари, ниятларини амалга ошириш учун унга анчагина пул керак эди. Пул топишнинг эса, унинг назарида, бундан бошқа йўли йўқдек туюларди.

Орадан икки йил ўтди. Бу давр ичида у жуда кўп ўтиришларда, туғилган кунларда бўлди. Катта-катта лавозимларда ишлайдиган, пулдор одамлардан таниш-билиш орттирди. Ўшалардан бири тўққизинчи синфда ўқийдиган ўғлини коллежга жойлаб ҳам қўйди.

Энди у бундан ўн беш йил олдинги – «фаҳш» сўзидан бутун вужуди билан жирканадиган, ҳаётни, бахту саодатни кўз очиб кўрган эрига чексиз садоқат, фарзандларини меҳр-муҳаббат билан тарбиялаш деб билгувчи фаришта Лобар эмас эди. Унинг ўрнида турмуш машаққатларига, қийинчиликларига бардош беролмай, ўзи истамаган ҳолда шармандалик, бузуқлик ботқоғига ботган бошқа бир аёл пайдо бўлганди.

Лобар кейинги пайтларда гулдек хотини, фарзандлари юзига оёқ қўйиб, айш-ишратга берилган эркаклардан негадир нафратланадиган бўлиб қолди. Лекин ўтиришларда асло буни сездирмас, чунки унга уларнинг ўзи эмас, пули керак эди.

... Кунда-кунора Лобарникига чиқиб турадиган Раиса бир куни сўраб қолди:

– Қўшнинг Санобар билан кирди-чиқдинг борми? Қалай у?

– Яхши, бамаъни хотин, нимайди?

– Секин сўраб кўр-чи, хўп деса эртага битта жойда ўтириш бор. Бирга олиб борайлик.

– Менимча, кўнмаса керак. – Лобар ўйланиб қолди. – Майли, кечқурун секин гапнинг учини

чиқарай-чи.

Эри автоаварияда ҳалок бўлиб, бир қиз ва бир ўғли билан қолган ўттиз ёшлар чамасидаги бу камгап аёлни Лобар ҳурмат қиларди. Иккинчи қаватда унга ён қўшни бўлиб яшайдиган Санобар касалхонада навбатчи «санитарка» бўлиб ишлар, бўш кунлари сомса қилиб бозорга олиб чиқиб сотарди. Лобар уни биринчи кўргандаёқ «дурустроқ кийиниб озгина пардоз қилса, йигитларнинг кўзини ўйнатадиган гулдек аёл экан» деган фикр хаёлидан ўтган эди.

Ўша куни кечки овқатдан кейин ўғли орқали Санобарни чақиртирди. Улар бир-икки пиёладан чой ичишгач, Лобар гапни узоқдан бошлади. Аввал нарх-наво тобора ошиб бораётганлигидан, рўзғор тебратиш қийинлашиб кетаётганлигидан нолиди. Гап орасида одамзод беш кунлик ўткинчи дунёда ўзини ҳам ўйлаши кераклигини айтиб секин муддаога ўтди.

– Эртага битта ўртоғимнинг туғилган куни. Бирга бориб келайлик ёзилиб келасиз. Кечга қолсак, Азаматжон сизларникига чиқиб турарди.

– Эркаклар ҳам бўладими? – Санобар маъноли қаради.

– Бўлса нима? Йигитлардан шунақанги қўрқасизми?

Санобар тушунди. У Раиса билан Лобар ниманинг ҳисобига маликалардек кийиниб, беташвиш ҳаёт кечиришаётганини яхши биларди, улардан жирканарди. Лекин қўни-қўшнилик ҳурмати буни сездирмасди. Ҳозир эса, нафс гирдобига уни ҳам тортмоқчи бўлиб секин қармоқ ташлаётган бу аёлни гап билан узиб-узиб олгиси келди-ю, ўзини босди.

– Лобар опа, – деди у секин, лекин қатъий оҳанг-да. – Сизни тушундим. Лекин кечирасиз, менинг қўлимдан унақа ишлар келмайди. – Санобар шундай дегач, унинг кўзларига қаттиқ

тикилди. – Қиёматда болаларимнинг дадасини кўзига қандоқ қарайман?

Лобар юзига биров тўсатдан қаттиқ тарсаки тортиб юборгандек, карахт бўлиб қолди, ичидан зил кетди.

У Санобар чиқиб кетгач, эшикни қулфларкан «устинг дурустроқ кийим кўрмай, ёшгина умринг азоб-уқубатда ўтиб кетмайдими менга деса, болаларинг билан қотган нон кавшаб ўлиб кет», деди алам билан. Сўнгра уч кундан кейин бўладиган туғилган кунига тайёргарликни ўйлаб боши қотди...

* * *

Меҳмонларни ташкилий ишларга бош-қош бўлган Раиса билан Лобар биргаликда кутиб олди. Соат еттига қолмай туғилган кун баҳонаси энг сўнгги модада тиктирган кўйлакларини, янги олган тақинчоқларини кўз-кўз қилиш учун бирин-кетин кириб келган дугоналар тузалган тўкин дастурхон атрофини тўлдиришди. Зоҳиран қараганда, бири-биридан гўзал, кўҳлик, хушчақчақ бу аёлларни қандайдир сабабларга кўра оилавий бахтдан маҳрум бўлган, деб ҳеч ким ўйламасди. Эрлари йўқ, лекин пулдор, мансабдор «хўжайинлари» паноҳида давру даврон сураётган мана шу жувонларнинг бирдан-бир фожиаси ҳаёт кечиришнинг осон, лекин шармандали йўлини танлашганида эди.

...– Ҳой Зебо, телевизор ўлгурни бирпас ўчир. – Пойгакроқдаги стулда ўтирган қорача, истарали аёл қаршисидаги дугонасига гап қотди.

– Гапни гапга қўшмаяпти.

– Шошмай тур, – Зебо қўл силтади.

– Зўр гап бўляпти.

– Буларнинг ҳаммаси телевизорга чиқволиб насиҳат қилишга уста, – деди Зебонинг ёнидаги оппоққина оҳу кўз аёл чимирилиб.

– Ўтган йили, баҳорда Тошкентдаги битта

ўртоғимникида ўтиришдайдим. Бир пайт биз тенги бир аёл телевизорда Қуръони Каримнинг «Нисо» сурасида аёллар ҳақида мана бундай дейилган, деб шарҳлаб кетди. Оғзим очилиб қопти. Шунда уйнинг эгаси, ўртоғим «Ие, университетда ишлайдиган Адиба опа-ку. Вой ўл, шарманда. Беш-олти йил олдин атеизмдан дарс берарди. Замона ўзгариши билан бир думалаб, художўй бўлиб қолибди. Ҳозир динлар тарихидан кирармиш» деб қолди. Ўтиришдан кейин мен ётиб қолдим. Ўртоғим ҳаммасини гапириб берди. Адиба опа, дегани ўзи олима экан. Проректор билан гап-сўз бўлгандан кейин бечора эри инфаркт бўлиб ажалидан беш кун бурун ўлипти. Ҳафсалаларим пир бўлди.

Жоду кўзларига сурмани қуюқ қилиб қўйган миқти гавдали аёл унинг гапларини маъқуллади.

– Бунақаларнинг ҳаммасиям бир гўр. Мен раҳбару амалдорларнинг тўқсон фоизига ишонмайман. Мана, масалан, ўтган йили бизнинг районда алтернатив йўл билан сайлов бўлди. Депутатликка иккита одамнинг номзоди қўйилди. Икковиям тошкентлик экан. Ҳокимиятнинг залида учрашув бўлди. Биттаси элликларга борган, қорин қўйган савлатли киши ўзини қурилиш министрлигида «зам» бўлиб ишлайман, деб таништирди. Янги боғча, мактаб қуриб бераман, деб роса гапни обқочди. Иккинчиси газета редакциясида муҳаррир экан. Ёши қирқларда, қора қош, келишган йигит экан.

У минбарга чиқиб, «гапнинг тўғриси, боғча ёки мактаб қуриб бериш менинг қўлимдан келмайди. Лекин менга ишонч билдирсаларинг, юракларингдаги дардларингни, муаммоларингни олий мажлис минбаридан туриб гапиришга, ишончларингни оқлашга сўз бераман. Тошкентга борсаларинг депутат бўлишим, бўлмаслигимдан қатъи назар, хонамнинг эшиги сизлар учун ҳамиша очиқ, – деди. Унинг гапларига кўпчилик

эътибор ҳам бермади.

– Сен кимга овоз бердинг? – Зебо унинг гапини бўлди.

– Редакторгада.

– Депутат бўлиши учунмас, яхши кўриб қолганингдан овоз бергансан унга. Зебо хандон отиб кулди. – Хўш, сайландими ўша йигитинг?

– Қаёқда, йигирма фоиз овоз олибди, холос. Ўша редактор йигитга ҳали-ҳали ачинаман.

– "Замминистр" сайланган бўлса, қурилиш авжидадир? – Зебо кесатди.

– Гўрдами, мана бир йил бўлди товуқхонаям қургани йўқ.

Шу пайт Раиса ўрнидан турди.

– Ҳой, менга қаранглар, бу ерга сиёсатдан сафсата сотиш, раҳбарларни муҳокама қилишга йиғилганмиз-ми, ё туғилган кунгами? Бўлди, мажлис тамом. Қани, рюмкаларни тўлдиринглар, Лобар магнитофонни қўйиб юбор.

Ўйин-кулги алламаҳалгача давом этди.

Эртаси куни соат ўн бирларда Лобарни Раисанинг қўнғироғи уйғотди.

– Ётаверасанми? Бўл, ювиниб чиқ, – Собиржон пастда қараб турибди.

– Боргим йўқ. Чарчаганман, – Лобар эринди.

– Қизиқсан-а? Атайлаб келибди, кийиниб тушавер.

Улар ўтиришдан кеч соат бешларга яқин келишди. Бошоғриққа йигитлар билан юз граммдан коньяк ичган Лобар ўғлининг авзоини кўриб, ҳушёр тортди.

– Бунча қовоқ-димоғинг осилган. Тинчликми?

– Ҳалигинда Ҳамрохон деган битта хотин телефон қилди. Эриниям яхши таниркансиз. Менга қаёқдаги гапларни гапирди.

«Собиржон аканинг хотини» – Лобарнинг ранги ўзгарди. Яқинда ўзи борлигидаям телефон қилиб, эримнинг бошини айлантирманг» деб дўқ-пўписа қилганди. Азаматга нима деганикин?

Ўша менга айтган гапларни қайтаргандир-да. У яқинда ўн олтига тўлиб, мўйлови сабза ура бошлаган ўғлига тикиларкан, унинг бундан 2–3 йил олдинги ўсмир эмаслигини бирдан тушунди. Лобар фарзандининг ўзи тўғрисида ёмон фикрга боришини сира хоҳламасди.

У ўғли «даромад» қаердан келаётганлигини билиб қолишидан ниҳоятда қўрқар, «Раиса холанг иккаламиз улгуржи фурушлардан мол олиб, майдалаб сотамиз» деб уқтирарди. Шуларни ўйлаб хаёлига бир фикр келди-ю, қошларини чимирди.

– Ҳамрохон дедингми? Вой бетамиз-ей. Бозорчи хотинлардан. Яқинда уришиб қолувдик. Алам қилиб ёлғон-яшиқ гапларни вайсагандир-да. Ҳали мен уни кўрай, башарасини бўяб қўяман ўша мегажинни.

– Ая, – деди Азамат қандайдир бошқача, бўғиқ товушда. – Телефонда яна шунақанги гапларни эшитсам, бошқа қайтиб келмайман уйга...

Лобар бошига тўсатдан биров тўқмоқ билан туширгандек кўз олди қоронғулашди. «Нима деяпти? Бу гап, мўмин-қобил, ақлли деб юрган ўғлидан чиқяптими? Кейинги беш-олти ой ичида ўғли у билан очилиб гаплашмайдиган, қандайдир ғалати, одамови бўлиб қолган эди. Наҳотки ҳаммасини сезиб, билиб, ичига ютиб юрган бўлса? Лобар ўғлига гуноҳкорона термилди. «Ўғлим, ёлғизгинам, сен ҳам ташлаб кетадиган бўлсанг ўша куни менинг ўлганим. Шўрпешона онангни битта-ю битта илинжи, орзу умиди ўзингсан. Оилавий бахт-ку менга насиб қилмади. Агар сен ҳам юз ўгирадиган бўлсанг, бу ёруғ дунёда яшашимнинг нима кераги бор? Мени тушунгин, жон болам».

Лобар кечқурунга кечаги қолган ошни иситди. Она-бола номига овқатланишди. Бир пиёладан чой ичишгач, Азамат ўрнидан турди-да, индамай хонасига кириб кетди.

Лобар ўзини чалғитиш учун телевизорни қўйди. Йўқ, юраги баттар сиқилди. У ўрин ҳам солмай диванга иккита болишни қўйди-да, чироқни ўчирди.

«Эй худойим». Ўғлининг алам билан «бошқа қайтиб келмайман уйга» деган гапини эслаб, ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди.

«Мени ўзинг кечир, парвардигор. Нима қилган бўлсам, шу ёлғиз боламни деб қилдим. Агар Азаматим бўлмаганда ўша Козимжонга йўқ дермидим. Минг марта розийдим.

– Ҳозир одамларга ўхшаб тинчгина яшаётган бўлардим. Ахир бошқа иложим йўқ эди».

Шу лаҳза қўшниси Санобарнинг «қиёматда дадасининг кўзига қандоқ қарайман» дегани қулоғи остида жаранглади-ю, инграб юборди. «Йўқ, астойдил тавба қилсанг худо гуноҳларингни кечиради, дейишади-ку.

Азаматим коллежни битирсин, уйни Фарғонага, уч хоналикка алмаштираман. Қўқондан кўчиб кетаман. Пу-лим ҳам, таниш-билишларим ҳам бор. Ўғлимни ишга жойлайман. Институтда сиртдан ўқийди. У ерда ҳеч ким мени маломат қилолмайди. Ўзига тинч, ор-номусли оиланинг қизини ўғлимга олиб бераман.

Ўшанда кечасию кундузи ўзингга тавба қиламан, эй худо! Намоз ўқийман, невараларимга қараб уйдан эшикка чиқмай ўтираман...

Кўз ёшлари билан ҳўл бўлган ёстиққа бошини қўйиб, тинмай нола қилган Лобарнинг саҳарга яқин кўзи илинди.

Эрталаб нонуштага ўтиришганда қовоқлари шишиб бир аҳвол бўлиб қолган онасига қараб Азаматнинг юраги ачиди.

– Ая, кечаги гапимга хафа бўлманг, юрагим сиқилиб турганда айтвордим-да. Сизни ташлаб қаёққа кетардим.

– Хафа бўлганим йўқ, ўғлим, – Лобарнинг кўзларидан дув ёш тўкилди.

– Мен холамни бориб кўриб келаман, тоблари йўғ экан. Сен ўқишдан тўғри уйга келгин, хўпми?

* * *

Шавқатсиз хотиралар гирдобида эзилиб, адо бўлган Лобар секин ўрнидан туриб Нормуҳаммаднинг костюмини титди. «Ў-ҳў, мақтанганича ҳам бор экан-да.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Нормуҳаммад Мирғиёсов». У яна диванга ўтириб, собиқ терговчига тикилди. «Районда тўртта раҳбар бўлса биттаси шу. Қаерга борса иззат-ҳурмати жойида, албатта тўрга ўтқазишади.

Қўйиб берса диёнат, инсонийлик тўғрисида соатлаб ваъз ўқиса керак. Ҳамма унинг гапларини эшитади, маъқуллайди. Ундан ноҳақ жабр кўрганлардан бирортаси чиқиб, «Ҳой, мусулмонлар, бу мунофиқнинг гапига ишонманглар» деб кўрсин-чи, ўзини қаердан топаркин.

Ҳаммаси мана шу одамнинг қўлидайди. Агар юрагида заррача имон, диёнат бўлганда ўшанда адолат қиларди.

Лобарнинг гулдек умри хазон бўлмасди. Шармандалик ботқоғига ботиб, ўғлидан таънаю маломат гапларни эшитмасди.

Лобар шуларни ўйларкан, хаёлига «ярқ» этиб келган мудҳиш фикрдан қўрқиб кетди. «Йўғ-е». У Нормуҳаммадни ухлатиб қўйишни ўйлаганда кўнглида ёмон нияти йўқ эди. Фақат унинг ҳозир қаерда ишлашини билмоқчи эди, холос.

«Худонинг ўзи учраштириб турганда имкониятни қўлдан бой берасанми?».

Ич-ичидан келаётган қасоскор овоздан Лобарнинг юраги дукиллаб кетди. У ҳаяжонини босиш учун стол устидаги коньякдан пиёлага қуйиб ичди.

«Эрингни армон билан бевақт кўз юмишига, ўғлингни отасиз, ўксиб улғайишига, расволик йўлига кириб, қон йиғлашингга мана шу одам сабаб-ку, – деди яна қасоскор овоз. Дам ғанимат, фурсатни қўлдан бой берсанг, кейин бир умр пушаймон бўласан».

Шу лаҳза Лобарнинг кўз ўнгида ўғлининг аламли қиёфаси намоён бўлди-ю, қатъий қарорга келди. «Нима бўлса бўлар». У равонга чиқди-да, деразаларни зичлаб беркитди.

Сўнгра газнинг қулоғини бураб бир оз кутди. Хонани кишининг кўнглини беҳузур қиладиган қўланса ҳид эгаллай бошлагач, эшикни ташқаридан қулфлади-да, боши айланиб йиқилиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан пастга тушди...

* * *

Орадан бир ҳафта ўтгач ўзининг бутун онгли хаётини эл-юрт осойишталиги йўлида сарфлаган улуғ инсон – Нормуҳаммад Мирғиёсовнинг фожиали ўлими ҳақида туман газетасида хабар босилди.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Беш кун бўлди. Калаванинг учини тополмай боши қотаётган Салоҳиддин Қодирович сигарета олиб тутатгач, криминал экспертизаси берган хулосаларни яна диққат билан кўздан кечира бошлади. «Ҳаммаси тўғри, ичкилик, маишат бўлган.

«Қотилнинг аёл киши эканлиги ҳам аниқ. Бармоқ излари, рюмкада қолган лаб бўёғи, ёстиқдан олинган соч толаси буни юз фоиз тасдиқлаб турибди. Фантага томизилган клофилин таъсирида Мирғиёсов уйқуга кетган. Шундан кейин жиноятчи газни очиб, эшикни ташқаридан қулфлаганда, жуфтакни ростлаган».

Кўп йиллик терговчилик фаолияти давомида яхшигина тажриба орттирган Салоҳиддин Қодирович биринчи куниёқ қотилнинг тажрибасиз, ғўр эканлигига ақли етган эди. Чунки одатда ашаддий жиноятчилар иложи борича ўзларидан из қолдирмасликка ҳаракат қилишади. Жазманининг жонига қасд қилган бу аёл эса худди бирданига ақлдан озган одамдек телбаларча иш кўрган. Хўп, унда оддий терговчиликдан туман ички ишлар бўлими бошлиғи даражасигача кўтарилган Мирғиёсов нега ғафлатда қолди?

Наҳотки у аёлнинг қабиҳ нияти борлигидан бехабар қолган бўлса. Ҳа, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Агар кўнглида заррача гумон, шубҳаси бўлганда ҳеч қачон эҳтиётқорликни қўлдан бой бермасди.

– Мумкинми?

Эшикнинг қия очилиши Салоҳиддин Қодировичнинг хаёлини бўлди.

– Киринг. У шаҳар газлаштириш идораси ходимини чақиртирганлиги ёдига тушиб, бўш ўриндиққа ишора қилди.

– Марҳамат, ўтиринг.

Терговчи стол устида сочилиб ётган қоғозларни тартибга келтиргач, юз-кўзларидан бир оз ҳадик

ва таажжуб акс этган ўрта ёшли бу одамга савол назари билан қаради.

– Раҳимжон ака, кечирасиз, сизни яна овора қилишга тўғри келди, – деди у чойнакдан бир пиёла чой қуйиб узатгач. – Бирор нима ёдингизга тушдими? Бўлган воқеани яна бир бошдан, шошилмай гапириб беринг-чи?

– Кўрганларимнинг ҳаммасини тушунтириш хатимда ёзганман. Раҳимжон ака шундай дегач, пешонасини бир оз тириштириб турди-да, сўзида давом этди.

– Кечқурун соат ўнлар чамаси эди, телефон бўлди. Трубкани ўзим олдим. «Олтинчи дом, еттинчи квартирадан безовта қиляпмиз, хонани газнинг ҳиди тутиб кетяпти, қаердан чиқаётганлигини билмаяпмиз» дейишди.

Тахминан ўн-ўн беш минутлардан кейин етиб бордик. Ҳақиқатдан ҳам тўғри, лекин текшириб кўрсак, газнинг ҳиди пастки иккинчи қаватдаги хонадан кўтарилаётган экан. Иккинчи қаватдаги бешинчи хонадонда кимлар туришини сўрадим. Шунда қўшнилар «туманда милиция бошлиғи бўлиб ишлайдиган Нормуҳаммад исмли одамнинг квартираси, лекин бу ерда оиласи билан яшамайди, гоҳи-гоҳида ўзи келиб туради», – дейишди. Пастга тушиб, эшик қўнғироғини беш-олти марта босдим. Лекин ҳеч ким очмади. Шунда кўнглимга негадир ёмон фикр келиб, маҳалла нозирини чақиртирдим. Қўни-қўшнилар гувоҳлигида қулфни бузиб эшикни очишимиз билан газнинг ҳиди «гуп» этиб димоғимизга урилди. Мен «гугурт чақманглар, чироқни ёқманглар» деб эҳтиёткорлик билан верандага ўтиб, деразаларни очиб ташладим. Хонанинг ичи қоп-қоронғи эди. Ўн минутлардан кейин чироқни ёқсак ҳалиги аҳвол... диванда...

– Раҳимжон ака, балки орган ходимларига айтишолмагандир. Лекин жиноят қидирув бўлимидан йигитлар келгунча қўни-қўшнилар

орасида «кимнингдир бу ерга кирганини ёки чиққанини кўрувдик» деган гаплар қулоғингизга чалинмадими?

– Гапнинг тўғриси, ўзим ҳам ҳалиги аҳволни кўриб саросимага тушиб қолдим – деди Раҳимжон ака терговчига гуноҳкорона қараб. – Ҳар ҳолда катта одам...

Шунинг учун одамларнинг гаплари қулоғимга киргани йўқ.

Салоҳиддин Қодирович хонасида ёлғиз қолгач, ҳудуд нозири Маматқуловнинг саросимали қиёфаси, пойма-пой гаплари ёдига тушди. «Бу бола ниманидир мендан яширяпти. Мирғиёсовнинг жазманини билмаслиги, ҳеч бўлмаса юзаки бўлса-да танимаслиги мумкинмас». У шуларни хаёлидан ўтказгач, ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилиш учун телефон гўшагини кўтарди.

Ҳудуд нозири Муроджон Маматқулов Мирғиёсов билан қадрдон бўлмаса-да, ҳар ҳолда яқин эди. Ўрталарида пайдо бўлган бу яқинликнинг нозик сабаблари бор эди, албатта. Муроджон Мирғиёсовнинг гоҳи-гоҳида квартирасига келиб маишат қилиб, «хордиқ» чиқариб кетишидан хабардор, ҳатто жазманларидан бирининг кимлиги, қаерда ишлашини ҳам яхши биларди. Шу боис тасодифан тўқнаш келиб қолганларида ўртоқ «начальник» у билан илиқ сўрашар, «ишлар қалай» деб елкасига қоқиб қўярди. Бир куни (январь ойи эди) Нормуҳаммад ака унга телефон қилиб «квартирамдаман, меҳмонлар бор, иккита арақ керак, илтимос» деб қолди.

Муроджон бир жуфт «Мастона»нинг ёнига фанта, кола қўшиб, «начальник»нинг ҳузурига ошиқди. Эшик очиқ экан. У қўлидаги қоғоз халтани ошхонага қўйиб қайтмоқчи эди, Нормуҳаммад ака қўймади. «Юринг ичкарига ўртоқлар билан таништириб қўяй», деб залга таклиф қилди. Мўъжазгина столга тўшалган тўкин дастурхон тўрида ўтирган икки киши у билан илиқ сўрашди.

«Муроджон бизга укахонимиздек яқин, – деди Мирғиёсов қадаҳларни тўлдириб, унга ҳам узатгач, «Шу ерда маҳалла нозири, ўсадиган йигит». У шундай дея меҳмонларнинг исмларини айтиб Муроджонга таништирди. Гарчи Нормуҳаммад ака дўстларининг қаерда ишлашларини айтмаган бўлса-да, башанг кийинган, тахминан Мирғиёсов билан тенгдош бу сервиқор кишиларнинг кичик одамлар эмаслигини Муроджон тушунди. Биринчи қадаҳни бўшатишгач, Нормуҳаммад ака тараддудланиб турган Муроджонга қараб кулди.

«Ие, олмайсиз-ми?» «Ака, узр, хизматдаман», – деди у қўлини кўксига қўйиб, «Олинг, шуни олиб қўйинг, кейин майли». Шундай улуғ инсонлар даврасида ўтирганлигидан териси ичига сиғмаётган Муроджон «начальник»нинг гапини қайтаролмади. У беш-ўн дақиқа улар билан ҳамсуҳбат бўлгач, ўз ҳаддини билиши лозимлигини сезиб, Нормуҳаммад акадан, меҳмонлардан узр сўраб ўрнидан турди. «Зўр иш бўлди-да» – хаёлидан ўтказди у хонадан чиқиб, пастга тушаркан, қувончи ичига сиғмай. «Ахир бир умр маҳалла нозири бўлиб ишламайман-ку. Урни келиб қолганда илтимос қилиб борсам йўқ демас. Катта одам, таниш-билиши кўп. Бир оғиз гапи, карнайчидан нима, битта пуф...

...Уша куни кундуз соат бешлар эди чамаси. Гастрономнинг ёнгинасида турган Мирғиёсовнинг машинасига Муроджоннинг кўзи тушган эди. Ўртоқ «начальник» квартирасига «хордиқ» чиқариш учун одатда тушлик маҳали келарди.

Шу боис Муроджон Нормуҳаммад акани шунчаки дам олаётган бўлсалар керак, деб ўйлади. Қотиллик рўй берганлигини ўз кўзи билан кўргандан сўнг эса, довдираб қолди. Лоақал хонадан чиқиб кетган аёлни кўрмай, ғафлатда қолганлигидан ич-ичини еди. Прокуратура терговчиси Салоҳиддин Қодирович билан бўлган савол-жавобда ҳам каловланиб, пойма-пой

гапирганлигини эслаб ўзини сўкди. Ички ишлар бўлимидан телефон қилишиб, прокуратурадан сўрашаётганлигини айтишганда юрагига яна ғулғула тушди. «Терговчи сўраган бўлса керак, падарига лаънат» – деди у хонадан чиқаркан кайфияти бузилиб. «Мана шу ойнинг охирларида жиноят қидирув бўлинмасига ўтаётган эди. Иш чаппасига кетди. Ишқилиб охири бахайр бўлсин». У шундай ташвишли ўй-хаёллар билан Салоҳиддин Қодирович ўтирган хона эшигини бир-икки оҳиста тақиллатгач, қия очди...

– Келинг, қаергадир телефон қилмоқчи бўлиб турган терговчи уни кўргач, гўшакни қўйиб, бўш турган ўриндиққа ишора қилди. – Ўтиринг.

Салоҳиддин Қодирович унга бир муддат тикилиб турди-да, кутилмаганда сўраб қолди:

– Қаерни битиргансиз?

– Пединститутни тарих факультетини тугатганман. Терговчидан бутунлай бошқа саволни кутган Муроджон ҳайрон бўлди.

– Нима, ўқитувчилик тўғри келмадими? Салоҳиддин Қодирович бу саволни шунчаки берган эди. Лекин Муроджон унинг бу гапини «мактабда қуруқ ойликка ишлашга чидамабсанда» деган маънода тушуниб ичида ғижинди.

– Икки йил дарс берганман, – деди у ғаши келганлигини сездирмаслик учун зўрма-зўраки жилмайиб.

– Органда ишлашга ёшлигимдан қизиқардим. Армияга бориб келганимдан кейин шу соҳага ўтдим. Ҳозир юридическийда сиртдан ўқияпман.

Муроджон «сиртдан ўқияпман» деган жумлани «сизда бор диплом худо хоҳласа яқинда бизда ҳам бўлади», деган оҳангда ғурур билан айтди.

Терговчи шунда берган саволи йигитнинг нафсониятига текканлигини сезиб, ичида кулиб қўйди-да, мақсадга ўтди.

– Хўп, яхши, нима янгиликлар бор.

– Ҳозирча айтарлик ҳеч нима.

– Биласизми, мен суриштирдим, аниқ маълумотлар бор. Мирғиёсов квартирасида жазманлари билан маишат қилиб тураркан.

Салоҳиддин Қодирович шундай дея ҳудуд нозирининг кўзларига тикилди. Унинг чеҳрасидаги безовталикни кўргач, ўқи нишонга тегаётганлигини сезиб, секин ҳужумга ўтди.

– Ўзингизгаям яхши маълум. Мирғиёсов кичкина одаммас. Ўша ерда маҳалла нозирисиз, квартирасида бўлиб турадиган маишатлардан бехабарлигингиз...

Муроджон ўйланиб қолди. Салоҳиддин Қодирович «аниқ маълумотлар бор» деган гапини шунчаки ёлғондан, ҳудуд нозирининг юрагига ғулғула солиш учун айтганди. Муроджон эса «қўшнилар сотибди-да», деб ўйлади. Шу боис яна ўзини у ёқ-бу ёққа ташлайдиган бўлса, терговчининг кўнглида шубҳа уйғотиши мумкинлигига ақли етди.

– Тўғри, «начальник» гоҳи-гоҳида квартирасига аёлларни олиб келиб турарди, – деди Муроджон бир оз бўшашиб. – Энди, катта одам. Нормуҳаммад ака билан шунчаки салом-алигимиз ҳам бор эди. Жазманларидан иккитасини танийман. Биттасини қаерда ишлашини ҳам биламан...

– Мана бу бошқа гап. Терговчи ўрнидан туриб кетди. У сигарета олиб тутатгач, яна жойига ўтирди-да, стол устида турган ручкани олди.

– Ким ўша? Қаерда ишлайди?

– «Яхшилик» хусусий фирмасида бухгалтер бўлса керак. Исми... Матлуба эди шекилли...

– Жуда яхши. Салоҳиддин Қодирович аёл тўғрисидаги маълумотни ёзиб олгач, ташвишли қиёфада ўтирган ҳудуд нозирига далда берди.

– Муроджон, ука, ҳар хил хаёлларга борманг. Гап иккаламизнинг ўртамизда қолади. Керак бўлса сиз ҳақингизда бошлиғингизга ўзим тушунтириб қўяман. Энг муҳими жиноятчини, қотилни топишимиз керак. Бўпти, сизга рухсат.

Муроджон ўрнидан оғир қўзғалди. Эшик олдига боргач бир лаҳза тўхтаб, терговчига ўгирилди.

– Салоҳиддин Қодирович, бир нарсани айтиб қўйишим керак, – деди у пешонасини тириштириб.– Яна худо билади, лекин менинг фикримча Матлубанинг қўлидан бу иш келмайди. Унақанги аёлмас.

– Хўп, яхши, бораверинг, керак бўлсангиз чақиртираман.

Терговчи ўйланиб қолди.

* * *

Душанба куни эрталаб баъзи қоғозларга қўл қўйдириш учун Аҳаджон Солиевнинг хонасига кирган Матлуба бошлиқнинг авзойини кўриб ҳайрон бўлди. Ҳазил-мутойибага ўч, қўл остидаги ходимлар билан доимо илиқ, самимий муомалада бўладиган бу одамнинг ташвишли қиёфаси бош ҳисобчининг ҳам кўнглига хавотирлик солди. «Тинчликмикан, корхонада ҳамма иш жойида, нима бўлдийкин?» У бошлиқнинг чеҳрасига зимдан қараб, қўлидаги қоғозларни стол четига қўйди-да, стулга омонатгина ўтирди. Аҳаджон Солиев шартномаларга кўз югуртиргач Матлубага маъноли тикилди.

– Нормуҳаммад деган одамни танирдингиз-а? Мирғиёсовчи, начальник милиция бўлиб ишлайдиган?

– Ҳалиги... Сизни олдингизга келиб турадиган кишими? – Матлуба дув қизарди.

– Ҳа, синфдош бўлганмиз, дегандим-ку. Ўша дўстимиз оламдан ўтибди. Шанба куни жойига қўйдик.

– Вой, нимага? Матлубанинг Нормуҳаммад ака билан жума куни эрталаб телефонда гаплашгани «лоп» этиб ёдига тушди-ю, ранги оқарди. Сўнгра «ўзимни қўлга олишим керак», деган фикр хаёлидан чақмоқдек ўтиб, иродасини бир ерга тўпладида, «тоблари йўқмиди, касалхонадамидилар?»

– деди иложи борича ҳамдардлик оҳангида гапиришга интилиб.

– Йўқ, соппа-соғ, отдек эди. Аҳаджон Солиев, «саломатлиги қандайлигини мендан кўра яхши биласан-ку, нима қиласан ўзингни овсарликка солиб», – дегандек аёлга киноялиқ тикилди.

– Кечқурун шаҳардаги квартирасида дам олиб ухлаб ётганда газдан заҳарланганмиш. Яна ким билади, одамларнинг оғзида ҳар хил гап.

Шу пайт телефон қўнғироғи саросимага тушиб қолган Матлубанинг жонига оро кирди.

– Бўпти. Сиз ишингизни қилаверинг. Қўл қўйиб қўяман, – деди бошлиқ гўшакни кўтараркан.

Ҳардамхаёллик билан хонасига кирган Матлуба юраги беҳаловат бўлаётганини сезиб, дераза табақасини очди. «Вой худойим-е, наҳотки... қандай қилиб... Йўқ, бир бало бўлган. Аҳаджон ака нимага менга ғалати тикилди?» У миясида чарх ураётган саволларга жавоб тополмай паришонхотирлик билан иш жойига ўтираркан, Мирғиёсовнинг салобатли бўй басти, қатъиятли чеҳраси кўз ўнгида гавдаланди. Матлуба Нормуҳаммад акани биринчи марта бундан роппа-роса икки йил олдин, худди ҳозиргидек апрель ойининг ўрталарида кўрган эди...

Ўша куни у иш юзасидан банкка шошаётганди. Корхона ҳовлисида башанг кийинган, 40–45 ёшлар чамасидаги одамга тўқнаш келди.

– Аҳаджон ўзидами? – деб сўради у киши беписандлик билан.

– Шу ердалар. Беихтиёр бир лаҳза тўхтаган Матлуба негадир саросимага тушди.

– Ишга янги келдингизми? – бегона одам унга кулиб қаради.

– Ҳа.

– Бухгалтермисиз?

Матлуба тасдиқ ишорасини қилди-ю, дарвоза томон йўналди. «Қаердан билдийкин худди терговчига ўхшаб сўроқ қилади-я», хаёлидан

ўтказди у ғаши келиб. «Сенсирашидан яқин одамига ўхшайди. Ким бўлдийкин?»

Орадан ўн кунча ўтгач, бояги киши идорага яна келди. У Аҳаджон Солиевнинг ҳузурида бир соатча ўтирди. Уларнинг гоҳи-гоҳида қаҳ-қаҳ уриб кулишлари Матлубанинг хонасига ҳам эшитилиб турди. Ниҳоят, эшик очилиб, бошлиқ қадрдонини ташқаригача кузатиб келди.

– Ҳалиги йигитни танийсизми? – сўради Аҳаджон Солиев ҳужжатларга қўл қўйдириш учун хонасига кирган Матлубага кулиб қараркан хуш кайфиятда.

– Йўқ.

– Синфдош дўстим, Нормуҳаммад. Милиция бошлиғи бўлиб ишлайди. Бошлиқ бу гапни мақтанганнамо оҳангда ғурур билан айтди. Матлуба индамади. Лекин ҳовлидаги учрашув ёдига тушиб, «шу сабабдан ҳамма нарсадан хабардор эканда», деган фикр бир лаҳза хаёлидан ўтди.

* * *

...Бир кун нимадир бўлиб уйдан кечроқ чиққан Матлуба бекатда бетоқатлик билан машина кутаётганди. Ёнидан ўтиб кетган шоколад рангидаги «Жигули» 30 метрча нарида тўхтади. Сўнгра орқаси билан юриб унинг ёнгинасига келди. «Кимга экан» деган хаёлда ён-атрофига аланглаган Матлуба машина орқа эшиги «ширқ» этиб очилгач, беихтиёр ҳайдовчига кўзи тушди-ю, юраги «шиғ» этди. «Чиқинг» – дея ишора қилди Нормуҳаммад унга кулиб қараб:

– Ие, ассалому алайкум, кечирасиз, танимабман. У «Жигули» эшигини қия очиб, узр сўради. – Раҳмат, ҳозир маршрут келади.

– Ўтиринг. Нормуҳаммад ранжигандек қошларини чимирди.

Ноилож қолган Матлуба машинага чиқди. «Жигули» чорраҳани айланиб, у ишлайдиган

корхона томонга юрди.

– Сизниям йўлдан қолдирдим, – деди Матлуба шундай катта одамни овора қилаётганидан хижолат чекиб.

– Идорада мени тергайдиган хўжайиним йўқ. Нормуҳаммад ойнадан унга қараб кулди. – Лекин сиз ишга кеч қолсангиз Аҳаджондан гап эшитишингиз мумкин.

– У киши ҳеч кимни урушмайдилар. Матлуба жилмайди. – Ҳаммамиз ҳурмат қиламиз.

– Ишга қачон тушдингиз?

– Яқинда икки ой бўлади.

– Аҳаджон ишбилармон, яхши йигит. Ёшликдан ўртоқмиз. Нормуҳаммад шундай дегач, орқага хиёл ўгирилиб «агар сизни хафа қиладиган бўлса менга айтасиз, қулоғини чўзиб қўяман», – деди ҳазил оҳангида.

Машина ишхонага яқинлашгач, Матлубанинг юрагига ғулғула тушди. «Ҳозир идорадагилардан битта-яримтаси кўриб қолса-я, нима деб ўйлайди, шармандалик...»

Лекин Нормуҳаммад худди унинг кўнглидагини сезгандек «Жигули»ни корхонадан 30 метрча берида тўхтатди. У енгил нафас олиб, «ҳайдовчи»га миннатдорчилик билан қараб қўйди.

– Раҳмат, – деди машинадан тушаркан ширин табассум билан. – Кеч қолиб тургандим, яхши бўлди.

Нормуҳаммад унга мамнун қараб қўйгач, орқага қайтди.

Матлуба хуш кайфият билан хонасига кирди. «Хотини қанақайкин?» У сумкачасини бурчакдаги сейф устига қўйиб иш жойига ўтираркан хаёлидан ўтказди. «Ниҳоятда бахтли аёл бўлса керак. Кимсан, фалончининг хотини. Айтгани айтган, дегани деган». Унга мана шундай тўкис, оилавий бахт насиб этмади. Нимага? Пешона, тақдир деганлари шумикин? Фарғонада, институтда ўқиб юрган пайтлари кимлар оғиз солмаганди

унга. Бир куни курсдош дугоналаридан бири «сен ўзи кимга тегмоқчисан, хонгами» – деганди ҳазиллашиб. «Менга қара, танлаб-танлаб яна тозисига учраб қолмагин». «Ҳе нафасингни ел олсин, илойим», – деганди ўшанда аччиғи келиб.

Тўрт йил давомида «йўлимни пойлаган йигитлардан бирортасини ёқтирмаганман», деса ёлғон бўларди, албатта. Битирув курсида, бухгалтерия ҳисоби факультетида ўқийдиган Мухторжон яқин бир йил умидвор бўлиб юрди. Қадди-қомати келишган, қорача, истарали бу йигит группасида «староста» бўлиб институт ўқитувчилари ўртасида ҳам ҳурмати яхши эди.

Матлубанинг дугоналари орасида «Мухторжон акага худо деган қиз тегади-да ўзиям», дегувчилар ҳам йўқ эмасди. Мана шу йигит бир куни уни хилватроқ жойда учратиб қолиб, яна ҳоли жонига қўймади. «Матлубахон» – деди у бу сафар ранжиган оҳангда. «Нимага, сабабини айтинг, ахир?». «Гапнинг тўғриси, уйдагилар билади, ихтиёр мендамас», – деди охири ноилож қолиб. «Бўлди, йўлимни тўсманг». «Хўп, майли, унда совчи юбораман. Лекин барибир сиздан сўрашади-ку, йўқ демайсиз-ми?» Матлуба индамади.

Орадан ўн беш кун ўтгач, шанба куни одатдагидек уйларига борди.

– Мухторжон деган йигитни танийсанми? – деди онаси холи қолишгач, маъноли тикилиб. – Институтингда ўқиркан.

– Биламан. Бир лаҳзада юзлари ловуллаб кетган Матлуба бошини эгди. – Биздан бир курс юқорида ўқийди.

– Кеча онаси овсини билан келиб кетишди. Ҳакимахон хола шундай дегач, бир муддат сукут сақлаб турди-да, мулойимлик билан сўзини давом эттирди. – Энди, қизим, мана учинчи курсни битиряпсан. Беш-олти ойдан бери уйимиздан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Лекин сенга индаганимиз йўқ. Сабаби оғиз солаётганларга

«ҳали ўқиши бор» – деб розилик бермаяпмиз. Кечаги совчиларнинг келганиниям сенга айтмоқчимасдим. Онаси: «Қизингиз ўғлимни яхши таниркан», – деди. Шу сабабдан...

Матлубанинг юраги дукиллаб кетди. Онаси «иккови бир-бирини ёқтираркан», деган бўлса-я. Шу лаҳза бундан икки йил олдин, биринчи курсда ўқиб юрган пайтларида дадасининг айтган гапи ёдига тушиб қўрқиб кетди. Бир куни саҳарда (душанба куни эди) биринчи рейсдаги автобусга улгуриш учун шошаётган Матлуба ошхонада якка ўзи нонушта қилаётганди. Кимнингдир наҳорги ошига кетаётган дадасининг онасига айтаётган гаплари беихтиёр қулоғига чалинди. «Қизингни қулоғига яхшилаб қуйиб қўй. Мусофир шаҳарда ўқияпти, қадамини билиб боссин. Менинг феълимни яхши биласан-а». Шуларни хаёлидан ўтказган Матлуба беихтиёр бошини кўтариб, онасига хавотирлик билан қараб қўйди.

– Гапнинг тўғриси онаси менга маъқул бўлди. Гап-сўзларидан маълум, мулоҳазали, андишали аёлга ўхшайди. – Ҳакимахон хола шундай дегач, қизининг кўнглига секин қўл солди. – Матлубахон ўқишини битиргунча ҳам кутаверамиз. Мухторжон ҳам бир-икки йил ишлайди. Уйимиз шундоққина районнинг марказида. Худди шаҳардагидек, – деб худонинг зорини қилди. Агар...

– Йўғ-е, мен сизга айтдим-ку, шунчаки танийман. Онасининг нима демоқчи бўлаётганлигини сезган Матлуба дадасини кўз ўнгига келтираркан юрагига ғулғула тушди. – Тўғри, бир-икки марта гапирган. Лекин мен...

Онаизор қизига меҳр билан тикилди. Сўнгра бир оз ўйланиб тургач, худди ўзига-ўзи гапираётгандек деди:

– Менга қолса шу аёл билан жуда қуда бўлгим бориди. Шундай хотиннинг ўғлиям ёмон бўлмайди. Лекин қизим дадангнинг феълини ўзинг яхши биласан. Совчилар кетгандан кейин

гапнинг учини чиқаргандим, жеркиб ташладилар. «Қизингни қишлоққа бермоқчимисан? Битта оғайнимга сўз бериб қўйганман, гап тамом. Лекин қизингга айтиб қўй, шох ташламасин. Мабодо қилиқ чиқарадиган бўлса, бир кун ҳам ўқитмайман, тушундингми?» – деб пўписа қилди.

Бошқа гапга ўрин қолмаганини сезган Матлуба индамай ўрнидан турди-да, хонасига – ичкари уйга кирди. «Кимга сўз бериб қўйишдийкин?» У паришонхотирлик билан диванга ўтираркан кўнглига ғашлик чўкди. «Тамом. Дадаси айтган жойидан кесадиган одам». Шу пайт негадир тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди. Онажонига нима дейиши керак эди. «Мухторжон ака яхши йигит. Институтда ҳамма ҳурмат қилади. Жавоб бермоқчи бўлсаларинг мен ҳам розиман, деган гапни қайси юрак, қайси тил билан айта олади.

Совчилар иккинчи маротаба орадан ўн беш кун ўтгач, якшанба куни, у уйдалигида яна келишди. Бироқ кўп ўтиришмади. Матлуба минг хижолат билан уларни кузатиб қўяётган онасини, остонага бош уриб келган «меҳмонлар»нинг маъюс чеҳраларини деразадан ўғринча кузатаркан, уларнинг ноумид бўлиб кетишаётганлигини сезди.

Эртаси куни юзма-юз келишдан ўзини қанчалик олиб қочмасин барибир пайт пойлаб Мухторжон ака унга рўбара бўлди. «Эҳ, Матлубахон» деди у қандайдир бошқача, бўғиқ товушда ҳасрат билан. «Нима ҳам дердик, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Майли, илойим бахтли бўлинг». У шундай деди-ю, бурилиб тез-тез юриб кетди. Матлуба эса ётоқхонага кириб, юзини ёстиққа босганича узоқ йиғлади.

...Орадан бир йил ўтди. Институтни битиришга саноқли кунлар қолган эди, ўшанда. Шанба куни дарсдан эртароқ чиққач, курсдош дугонаси Нилуфар билан автовокзалга келди. У ўртоғини автобусга чиқариб юбориб, чипта олиш учун

касса томон буриларкан, кимдир номини айтиб чақиргандек бўлди-ю, беихтиёр тўхтаб орқасига ўгирилди.

– Мени чақиряпсизми? – деди у унга қараб кулиб турган ўрта бўй, буғдой ранг йигитга кўзи тушиб.

– Матлубахонмисиз, адашмадимми? У уч-тўрт қадам юриб яқинроқ келди.

– Ҳа, лекин мен сизни танимаяпман.

– Содиқжонман. Йигит, «энди ёдингизга тушгандир» дегандек сирли жилмайди. Матлубанинг юраги «шув» этди. Ўтган ҳафта уйга борганида онасининг «даданг айтган хонадондан совчилар келишди. Йигит техникумни битириб, уч йилдан буён "винзавод"да ишларкан. Даданг «Отаси илгари «Обшепит»да зам эди. Ҳозир ресторанни хусусийлаштириб олган, дедилар. Ўғлининг оти Содиқжон, сени таниркан.

Онаси «қизим ҳам кўрсин, ёшлар бир-бири билан гаплашсин» деди. Бу ҳафта олдингга бориб қолиши ҳам мумкин» деган гаплари ёдига тушиб, «Ҳм-м... яхшимисиз», – деди дув қизараркан ўнғайсизланиб.

– Фарғонага иш билан келган эдим. Сизни тасодифан кўриб қолдим. Содиқжон ўзини эркин тутди. – Кетамизми, юринг, машина бор. У шундай дея ўн-ўн беш метр нарида турган оқ «Жигули»га ишора қилди.

– Йўқ, раҳмат. Унинг Фарғонага иш билан эмас, атайин учрашиш, гаплашиш учун келганлигини сезган Матлуба шошиб қолди.

– Автобусда ўртоғим бор, чипта олгани кираётгандим.

– Хўп, бизникиям автобус нархида. Содиқжон ҳазил қилди. – Чақиринг дугонангизни.

Матлуба ноилож қолди. У автобус пиллапоясига чиқиб, ўртоғига «пастга туш» дея ишора қилди.

– Ҳа, нима дейсан? Нилуфар унга хавотирлик билан қаради. – Жой қолмабдими?

– Йўқ... Матлуба чайналди. – Маҳалламиздаги таниш бир йигит кўриб қолди. «Машинадаман, бирга кетаверамиз» деб қўймаяпти.

– Киракашми?

– Жиннимисан, юр, ҳув ана, тол тагидаги оқ «Жигули».

– Ҳой, манга қара. Матлубани қўлтиқлаб олган Нилуфар қувлик билан сўради. – Яна поччамиз бўлмасин.

– Бўлди, эзмалик қилаверма. Лекин айтиб қўяй, – деди Матлуба дугонасининг шаддод, шумлиги ёдига тушиб. – Одамга ўхшаб кетасан. Телба-тескари гапларингни бошласанг, нақд биқинингни ўйиб оламан.

– Хўп, хўп дедим-у, яхши, автобуснинг пули ёнга қоладиган бўлди.

Дугоналар машинанинг орқа ўриндиғидан жой олишди. Бир гапириб, ўн куладиган, ҳазил-мутойибага ниҳоятда ўч Нилуфарнинг сабр-тоқати бор-йўғи ўн дақиқага етди. Шундан кейин у енгил йўталиб олди-да, «ҳайдовчи»нинг таржимаи ҳолидан бошлади. «Исмингиз нима? Машина ўзингизникими? Қаерда ишлайсиз? Яхши кўрган қизингиз борми? Нима учун институтга кирмагансиз? Шампанский ҳам ишлаб чиқарасизлар-ми?»

Кўнгилчанглик қилиб розилик берганлигига мингдан-минг пушаймон бўлган Матлуба «дод» деворай деди. У бир-икки марта «ҳамроҳи»нинг биқинига қўл олиб борган эди, Нилуфар чимдиб олди. «Ҳе, ўл»,– деди ичида жиғибийрон бўлиб, «Ҳали пастга тушайлик...»

Машина шаҳар марказига кириб келиши билан «Раҳмат, шу ерда қолайлик, магазинда ишимиз бор»,– деди Матлуба ёлғондан.

– Ҳа, башарагинанг қурсин. «Жигули» уларни қолдириб, ўн метрча узоқлашиши билан Нилуфарнинг биқинига ниқтади. – Бир соатгина тилингни тишлаб кетсанг ёрилиб ўлармидинг?!

Асли сени машинага чиқарвориб ўзим автобусда кетсам бўларкан.

– Ҳа, рашклари келдими. – Нилуфар шундай дегач, кўзини қисди. – Тўғрисини айт. Ҳеч кимга сотмайман, куёвми? Масалан, менга маъқул, очиққинайкан. Ўзига ўхшаган ўртоғи бўлса йўқ демасдим. Нима дединг?

– Вайсайверма, сенга масхарабозлик бўлса бас. Матлуба аччиғидан тушмади. – Бўпти, душанба куни автовокзалга олтидан кеч қолмай етиб кел. Йўлда гаплашамиз, айтиб қўяй, ҳаялласанг, кутиб ўтирмайман.

...Ўша куни Матлуба кечки овқатдан кейин ошхонани йиғиштириб, саранжом-саришта қилгунча вақт алламаҳал бўлди. У қўл-бетини муздек сувда ювгач, хонасига кириб чўзиларкан, дастурхон устида онасининг бир-икки маъноли қараб қўйганлигини кўз ўнгига келтириб ичида кулиб қўйди. «Хабарлари борга ўхшайди. Қуда томондан телефон бўлдимикин?» хаёлидан ўтказди у.

– Ухлаётганинг йўқми? Матлуба онасининг овозини эшитиб, дик этиб ўрнидан турди.

– Йўқ.

Ҳакимахон хола қизининг тўғрисидаги ўриндиққа омонатгина ўтирди.

– Содиқжон бордими?

– Ҳа...

– Сен овқат қилаётганингда онаси ҳам телефон қилувди. Фарғонадан бирга келибсизлар. Гаплашдинг-ми? Мен узоқроқдан бирров кўрганман, холос.

Матлуба нима дейишни билмади. «Тўғри, камситадиган жойи йўқ, келишган йигит». Лекин Нилуфар билан савол-жавобдан Содиқжоннинг ўзига биноси хийлагина баландлиги унинг ғашини келтирганди.

– Ҳа, индамайсан? Онаси хавотирлик билан қаради. – Ёқмадими?

– Билмасам, нимагадир ҳеч кўнглим чопмаяпти.

– Унақа демагин. Даданг сўраб-суриштирган. Ишхонасидагилар ҳам яхши йигит дейишибди. Биз сенга ёмонликни раво кўрармидик, қизим. Бўпти, дамингни ол. Эртага дастурхон олиб келишади.

* * *

Тўй дабдабали ўтди. Бир ойдан кейин Содиқжоннинг акаси оиласи билан янги участкага кўчишгач, ҳайҳотдек данғиллама ҳовлининг енгил-елпи юмушлари Матлубанинг зиммасига тушди. Қайнотаси, эри ишга эрталаб кетиб кеч келишар, дали-ғули, очиққина аёл бўлган қайнонаси билан уйда қолган келинчак кун қандай ўтганини сезмай қоларди.

Бир куни кечки овқатдан кейин чой ичиб ўтиришганда қайнотаси гап очиб қолди.

– Энди, қизимиз ҳам умид билан тўрт йил институтда ўқиган. У шундай дея ўғлига қараб қўйгач, гапини давом эттирди. – Менда бухгалтерлик ўрни бўш. Буйруқ чиқартириб қўяман. Идорага ҳар куни бориши шартмас. Баъзи ишларни уйда ўтириб қилса ҳам бўлаверади. Яна ихтиёр сизда, нима дейсиз, қизим.

Талабаликнинг олтин даврини суриб юрган Матлуба уй-юмушларидан бўшаганда гоҳида кўчани қўмсаб қолар, бирор ташкилот ёки корхонада ишлагиси, одамлар орасида бўлгиси келарди. Шу боис, «майли» деди, қайнотасига миннатдорчилик билан қараб қўйгач. Лекин эри отасининг гапини қайтармаган бўлса-да, рўйихуш бермаётганлиги авзойидан сезилди.

Бир йилдан сўнг қиз кўришди. Матлубанинг қайн-сингиллари йўқ эди. Овсинларининг болалари ҳам ўғил бўлгани учун қайнона-қайнота «Мана, қизлик ҳам бўлдик, давлатбоши» деб бошлари осмонга етди. Хуллас, рўзғорлари

бекаму кўст, ҳамма нарса муҳайё. Матлуба бахтли эди.

Лекин бу узоққа бормади. Орадан уч йил ўтгач, кейинги фарзандлари Шоҳрухбек туғилгандан кейин уларнинг ширин турмушларига кўз тегди. Эри турли баҳоналар билан алламаҳалгача қолиб кетадиган, бир ҳафта, ўн кунда бир оз кайф билан келиб, ҳуда-беҳудага жанжал кўтарадиган одат чиқарди.

Бир кун эрталаб, ҳушёрлигида «дадаси, ичкилик ҳам ўлсин, ҳамма нарсанинг чегараси бор-да...» деб гап бошлаган эди. «Мен эрга текканим йўқ, хотин олганман, тушундингизми, насиҳатингизни катта холангизга бориб қиласиз», дея жеркиб ташлади. Эрининг феъл-атвори ўзгариб қолганлигини сезиб юрган қайнотаси ҳам бир-икки қаттиқ уришди. «Сен бола қадамингни ўйлаб бос, семизликни қўй кўтаради». Бироқ отасининг панду насиҳатлари тошга ёққан ёмғирдек Содиқжонга кор қилмади.

Душанба куни эди. Тушликдан кейин дастурхонни йиғиштираётган Матлуба телефон қўнғироғини эшитиб, ичкари уйга кирди. «Алло». Гўшакдан аёл кишининг овози эшитилди. «Бу Содиқжон аканинг уйлари-ми? Менга Матлубахон опа керак эдилар». «Эшитаман, кимсиз?» Аёл бир лаҳза жим турди-да, «Содиқжон ака заводда, лабораторияда ишлайдиган Сабоҳат деган қизнинг бошини айлантириб юрибди.

Ҳушёр бўлмасангиз эрингиздан ажраб қоласиз» – деди. «Кимсиз, ўзи? Қаердан телефон қиляпсиз?». Бироқ Матлубанинг саволи бежавоб қолди. Гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитилди.

– Ҳа, тинчликми? Хонага кирган қайнонаси келиннинг авзоини кўриб хавотирга тушди. – Ким экан?

– Адашиб тушибди. Матлуба индамай ташқарига чиқди. «Наҳотки!» У паришонхотирлик билан ошхонага кирди. «Қайнонамга айтайми?

Йўғ-е, подадан олдин чанг чиқаришнинг нима кераги бор. Балки ёлғондир. Содиқжон акамни кўролмайдиган ғаламислар битта-яримта бемаъни аёлни ёллаб, телефон қилдиргандир. Ҳаётда нималар бўлмайди!».

Матлуба миясида чарх ураётган бадбин фикрларни хаёлидан қувишга, ўзига таскин, тасалли беришга уринса-да, эрининг кейинги бир йил ичида бутунлай ўзгариб қолганлигини ўйлаб, яна юраги сиқилди. «Рост бўлса-чи. Сўнгги пайтларда қўполлашиб, қилдан қийиқ ахтарадиган одат чиқариб олганининг сабаби шумикин, ё? Кечқурун аввал ўзига айтиб кўрайинми? Йўқ, қиёматдаям бўйнига олмайди. Заводга борсаммикин. Бўлмайди, эрим кўриб қолиши мумкин. Нима қилиш керак?». Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Матлубанинг кечгача қўли ишга бормади. Содиқжон ўша куни уйга одатдагидан эртароқ келди. «Барибир тагига етаман» деган қатъий қарорга келган Матлуба сир бой бермади. Эрталаб барвақт ишга отланаётган эри «Бугун Фарғонага кетяпман, кечроқ келишим мумкин» деганда хаёлига «ярқ» этиб бир фикр келди. Чошгоҳга яқин уйларни йиғиштириб, супуриб-сидириб бўлган Матлуба «Шоҳрухнинг ичи ўтяпти, ғизиллаб аптекага ўтиб, дори олиб келай» деган баҳонада уйдан чиқди-ю, тўғри эрининг ишхонасига йўл олди. У заводга етиб келгач, «проходной»да турган кишига «Амаки, лабораториядаги Сабоҳатхонни бир минутга чақириб беринг, илтимос» деди. Ёши олтмишларга борган, оқ-сариқ, ғўлабир одам – қоровул эринибгина ўрнидан қўзғалиб, бурчакда турган ички телефон гўшагини кўтарди.

«Нима дейман. Кеча бегона бир аёл телефон қилди. Хўжайиним билан юрармишсиз», – дейманми? Бетга чопарроқ қиз бўлса, «Ким ўша хотин, ҳозир мен билан юзлаштирасиз», деб лўлилик қилиб туриб олса, нима деган одам

бўламан. Шармандалик...»

–Опа, сиз сўрадингизми?

Ҳардамхаёллик билан турган Матлуба «ялт» этиб ўгирилди. Шунда уч-тўрт қадам нарида ўрта бўй, оппоқ халати қадди-қоматига ярашган, қорача, лекин истарали қизга кўзи тушди. У чеҳрасида ҳайронлик, шу билан бирга қандайдир хавотирлик акс этиб турган «лаборантка»га бир лаҳза тикилиб турди-да:

– Ҳа, мен чақиртирувдим, – деди ўзини қўлга олгач, ясама табассум билан. – Юринг, пастга тушайлик.

Улар кўчага чиқиб, завод дарвозасидан 5–6 қадам узоқлашишгач, Матлуба сўради:

– Сабоҳатхон сизми?

– Ҳа, лекин кечирасиз, мен сизни таниёлмаяпман..

– Мен шу ерда ишлайдиган Содиқжон акангизни оиласи бўламан.

Сабоҳат бирдан тўхтади. Ранги оқариб, худди ҳозир бошига таёқ тушадигандек бўйнини қисиб кўзларини пирпиратди.

«Рост» миясига урилган чақмоқдек фикрдан Матлубанинг юраги гурсиллаб кетди.

– Биласизми, синглим, – деди у иложи борича босиқлик билан гапиришга ҳаракат қилиб: – Бир гап эшитдим, балки ғийбатчиларнинг тарқатган миш-мишидир. Хўжайиним билан ўрталарингда ҳеч гап йўқми, ёлғонми, ахир.

Ўртага бир муддат оғир сукунат чўқди. Сўнгра Сабоҳат ёш тўла кўзларини ерга тикиб, «Йўқ, рост» деди титроқ товушда.

Матлубанинг вужуди зирқираб кетди. «Нима десин, ёшгина қиз, оилали одамга кўзингни сузасанми, аҳмоқ, қани юр ота-онангнинг олдига», – деб қўлидан етакласинми? Хўп, эри оппоқми? Оиласи, иккита боласи бўла туриб, ёшгина қизнинг бошини айлантиргани уялмабдику, қани виждон, қани ор-номус.

– Ёшингиз нечада? – Матлуба оғир тин олди.

– Йигирма бирга кирдим, – Сабоҳат ҳиқиллади.

– Синглим, ўртамиздаги гап шу ерда қолади. Ҳалиям кечмас, эсингизни йиғиб олинг. Мени тушунгандирсиз-а? Хўпми?

– Тушунаман, лекин нима қилай, ўзимни ўлдиролмаяпман. Сабоҳат қўллари билан юзларини беркитиб ҳўнграб юборди. Ҳомиладорман... У шундай дея бурилиб чопқиллаганича заводга кириб кетди. Бундай бўлишини хаёлининг кўчасига келтирмаган Матлуба карахт бўлиб қолди.

«Энди нима бўлади?» У автобусдан тушиб, то уйига етиб боргунча шу савол хаёлида тинмай чарх урар, «ҳомиладорман» деган сўз қулоғи остида жаранглаб, жонига азоб берарди.

– Келдингизми, қизим. Яқинда бир ёшга тўлиб тетапоя бўла бошлаган набирасини кўтариб олган Ҳалимахон хола келинига пешвоз чиқди. – Дори боракан-ми?

– Қанақанги дори? Матлуба шундай деди-ю, қайнонасининг таажжуб билан қараганини кўриб, ўзини ўнглади. – Ҳа олдим.

– Нима бўлди, қизим менга қаранг. Ҳалимахон хола хавотирлик билан тикилди. – Тобингиз қочдими?

Матлуба индамай боласини қўлга оларкан кўзлари-дан дув ёш тўкилди.

– Вой ўлмасам, тинчликми? Қайнона уйга кириб кетган келинининг орқасидан эргашди. – Нимага йиғлаяпсиз? Матлуба ўғилчасини каравотга ётқизди-да, диванга ўтириб бошини чангаллади. «Пешонам қурсин».

– Ҳой, бу нима деганингиз?! Кўчада жинпин чалдими? Бир соатгина олдин туппа-тузук ўтирган келнининг «пешонам қурсин» деган гапи Ҳалимахон холага оғир ботди. – Мундоқ тушунтириб гапирсангиз-чи?

Юраги алам ва изтиробга тўлган Матлуба

бўлган воқеани йиғлаб-йиғлаб гапириб берди.

– Вой шўрим, бу қандай шармандалик. Энди нима қиламиз? Онаизор кафтлари билан бетига шапатилаб йиғлашга тушди. – Феъли-атвори ўзгариб қолувди-я у бетамизни. Мегажин қиз уялмай-нетмай ҳомиладорман, дедими-а? Агар бу гаплар дадасининг қулоғига етса борми, нақд терисини шилиб олади-я.

Ҳалимахон хола бир муддат кўз ёши қилиб ўтиргач, деди: – Дадангизга бор гапни айтмасам иложим йўқ. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Эртами-кечми бари-бир эшитишади. Унда мен ҳам балоларга қолиб кетаман. Қайнонаси шундай дея ўрнидан туриб, ташқарига чиқаркан, бошини сарак-сарак қилди. «Ҳаҳ шайтоннинг васвасасига учган беномус, аҳмоқ болам-а, шарманда қилибсан-ку, бизни».

Ўша куни кечки овқатни тайёрлаб дастурхонга қўйган Матлуба ташвишли қиёфада ўтирган қайнотасига зимдан қараб қўйгач, тушунди. «Қайнонам етка-зибди» хаёлидан ўтказди у. «Ўзимдан ҳам сўраб қолишса нима дейман? Қайси тил билан айтаман». Лекин қайнотаси чурқ этмади. Келин бўлиб тушганидан буён биринчи марта худди азага келган одамлардек индамай овқатланишди. Суюб истеъмол қиладиган таомлари – шавланинг ярми товоқда қолди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Матлуба ошхонани йиғиштириб, қайнонасининг қўлидан Шоҳрухбекни олиб уйга кирди.

– Ая, дадам бугунам ман ухлаганда келадими? – Яқинда тўрт ёшга тўлган қизи Муаттар онасига жавдираб қаради.

– Билмадим қизим, бор ухла, жойингни солиб қўйдим.

Матлуба қизини хонасига киритиб юборгач, ўғилчасига кўкрак тутди. «Энди бу одам билан бир кун ҳам яшамайман», – алам билан шивирлади у. «Дўқ-пўписасига, камситишларига тоқат

қилиб келаётгандим. Инсофга келиб қолар деб ўйловдим. Лекин хўрлашига, оёқости қилишига чидаёлмайман. Бундан буён у билан бир кўрпада ётишга ҳазар қиламан. Болаларимни олиб эртагаёқ кетаман уйга».

У қучоғида ухлаб қолган ўғилчасини каравотига ётқизиб, деразадан ҳовлига қаради. Сентябрь ойининг охири. Кечқурунлари ҳаво салқин. Бу пайтда бошқа куни бўлганда қайнона-қайнотаси ўз уйларига кириб кетишарди. Лекин бугун вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай чол-кампир сўрида. Қайнотаси қўлида пиёла билан қайнонасига нимадир деяпти.

Шу пайт Матлубанинг қулоғига дарвоза тагида тўхтаган машинанинг товуши чалинди. «Келди». Матлуба беихтиёр ўрнидан турди. Лекин одатдагидек Содиқжонни кутиб олишга ошиқмади. Ташқарига чиққач, қўл-оёғи бўшашиб, ҳовли ўртасида бир муддат туриб қолди. Сўнгра қадам товушини эшитиб, кўча эшик томонга ўгирилди. «Кайфи анчагина бор» хаёлидан ўтказди у эрининг бир оз чайқалиб келаётганига кўзи тушиб. «Сабоҳат билан учрашган, шундан гап уқмас аҳволга тушгунча ичган. Нима қилай, уйга кириб кетаверайинми?»

– Содиқжон! Сўрида ўтирган қайнотасининг овози Матлубанинг хаёлини бўлди.

Деворни паналаб уйга кириб кетмоқчи бўлаётган эри таққа тўхтади. Сўнгра ўзини тетик, бардам кўрсатишга тиришиб, илдамроқ қадам ташлаб, сўрига яқинлашди.

– Ассалому алайкум. Лекин дадаси алик олмади. Онаизор сўридан тушиб индамай уйга кириб кетди.

– Қизим, сиз ҳам бу ёққа келинг, – деди қайнотаси Матлуба томонга ўгирилиб. Сўнгра ўғлига юзланди.

– Шу аҳволда рулда келдингизми? Отанинг овози қандайдир бошқача, бўғиқроқ чиқди.

Матлуба қўрқиб кетди. Чунки бу одамнинг феъли Матлубага ҳам яхши маълум, қайнотаси сизлай бошладими, демак бу яхшилик аломати эмасди. Шу боис Содиқжон бошини эгиб нимадир деб ғўлдиради.

– Қани, ўтирсинлар. Ота қуйироқни, ҳозиргина хотини туриб кетган жойни кўрсатди.

– Дада чарчаганман. Ўғил йўлбарснинг ҳамласини сезган кийикдек бир қадам орқага тисарилди. – Дам олай.

– Шунақами? Қайнотаси секин ўрнидан туриб, ўғлининг пешонасига келди. Айтинг-чи, ўғлим, нима қилиб қўйдингиз. Шу пайт қулочкашлаб урилган зарбадан Содиқжон ағдарилиб тушди.

– Вой шўрим, вой ман ўлай. Остонада уларнинг суҳбатини жонини ҳовучлаб кузатиб турган Халимахон хола югуриб келиб эрига ёпишди.

– Жон дадаси ҳозирмас, тонг отсин, қўни-қўшнилар нима дейди?

– Минг лаънат, сендай ўғилга! У хотинини силтаб ташлаб Содиқжоннинг тепасига келди.

– Дада қўйинг. Энди фойдаси йўқ, – деди Матлуба ўрик танасини қучоқлаб ўрнидан турмоқчи бўлаётган эрига нафрат билан қараб.

...Эртаси куни Матлуба барвақт ўрнидан турди. У ташқарига чиқиб қўл-бетини ювиб келгач, қизини уйғотди. Ўғилчасини каравотидан олиб кийинтирди.

– Қизим, жон қизим, менга қаранг. Ҳовлида куймаланиб юрган Халимахон хола Шоҳрухбекни кўтариб, Муаттарни етаклаб остонада пайдо бўлган Матлубанинг йўлини тўсди.

– Уч-тўрт кун сабр қилиб туринг-чи. Оёғингизни тагини ўйламанг.

Шу пайт уйдан чиқиб келган қайнотаси оғир қадам ташлаб уларнинг олдига келди.

– Келин, – деди у қандайдир гуноҳкорона оҳангда. – Эскилар «қўлинг синса енгингни ичига ол, токи душман кўрмасин», – дейишган. Майли

бир-икки кун уйларингга бориб туринг. Лекин гап-сўз кўпаймасин. Ҳозирча қудаларимиз ҳам билмай туришгани маъқул. Мен ўзим суриштириб, тагига етай-чи, хўпми, қизим.

Матлуба уйга кириб келган куниёқ қизининг авзоини кўриб хавотирга тушган онаси эртасига, ҳоли қолишганда қистовга олди.

– Сен мендан ниманидир яширяпсан тинчликми, ўзи?

Матлуба йиғлаб юборди.

– Вой нима бўлди? Эринг хафа қилдими? Ё урадими-а?

– Бундан кўра уриб ўлдириб қўя қолгани яхшийди. Уч кундан буён ўзини қўйгани жой тополмаётган Матлуба кўз ёшларини артди.

– Нима деганинг бу? Онаизор қизига қўрқув билан қаради. – Юрагимни сиқмай, бундоқ тушунтириброқ гапирсанг-чи?!

Матлуба бўлиб ўтган воқеа, можароларни алам билан гапириб берди.

– Эшикдан кириб келганингдаёқ кўнглим сезувди. Қизининг изтиробли чеҳрасига тикилиб, юраги эзилган Ҳакимахон хола чуқур уф тортди. – Қайнотанг тўғри гапирибди. Суюнчи оладиган гапмас бу. Ҳозир дўстдан кўп душман. Дадангга ҳам индамай турайлик, бир-икки кун ўтсин-чи.

Ўша куни шомга яқин уйга қайнотаси кириб келди. Матлуба ош дамлади. Дадаси ноҳушликни сезгандек дастурхон устида қизига, қудасига бир-икки таажжуб билан қараб қўйди. Фотиҳа ўқилгач, чойни янгилаб хонтахта устига қўйган Матлуба секин ўрнидан туриб қўшни хонага кирди. «Қайнотам нима деркин? Дадамнинг ҳам феъллари чатоқ. Қаттиқ гапириб хафа қилиб қўйишса-я. Бу одамда нима гуноҳ».

Матлуба шуларни хаёлидан ўтказаркан, барибир сабри чидамади. Бутун вужудини қулоққа айлантириб, оҳиста эшик тирқиши олдига келди. Шунда қайнотасининг афсус ва надоматга тўла

гаплари унинг қулоғига чалинди.

– Мана шунақанги гаплар қуда, – деди у оғир тин олиб. – Сассиқ деб бурунни кесиб ташлаб бўлмас экан. Нима бўлса ҳам фарзандимиз. Лекин эртами кечми ошкор бўлади. Эл-юрт олдида қандай бош кўтариб юраман, билмай қолдим.

Орага оғир сукунат чўкди. «Дадам нима деркинлар». Қулоғини динг қилиб турган Матлуба эшик тирқишидан секин мўралади. Шунда мана-ман деб юрган қайнотасининг айб устида қўлга тушган боладек бошини эгиб ўтирганлигига кўзи тушиб, негадир раҳми келди.

– Энди, қуда ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдик, – деди қайнотаси гапини давом эттириб. – Мен қизнинг ота-онаси билан ҳам гаплашдим. Эскичасига никоҳ ўқитиб «дом»дан икки хоналик уй олиб берадиган бўлдик. Барибир у Содиқжонга хотинлик қилмайди. Вақтинча холос, бошқа иложимиз йўқ.

– Қизимизга кундош бўларкан-да. Онаси йиғлашга тушди. – Мен шу умидда берганмидим.

– Бўлди, дийдиёнгни бас қил. Дадаси чуқур нафас олди. – Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас. Иккита боласи бор, бу ёғини ҳам ўйлагин ахир.

У шундай дегач, бир оз сукут сақлаб турди-да:

– Энди ихтиёр қизимизда. Турмуш қиладиган у. Беш-олти кун ўтсин, ҳовридан тушсин. Ҳозир унга ҳам осонмас. Кейин маслаҳатлашиб, тушунтириб кўрайликчи.

Қайнотаси «маъқул» ишорасини қилгач, фотиҳага қўл очди. Матлуба кузатгани чиқмади. У идиш-товоқларни ювиш учун ошхонага ўтаркан онасининг «қизимизга кундош бўларкан-да», деган гапини эслаб, «ҳеч қачон, энди ўлсам ҳам у билан яшамайман», деди ўз-ўзига алам билан.

Орадан уч кун ўтди. Матлуба хуфтондан кейин болаларини ухлатиб, ўзи ҳам эндигина ўрнига чўзилмоқчи бўлган эди, онаси чақирди. У ўрнидан

туриб, меҳмонхонага кирди. Ёстиққа ёнбошлаб чой ичаётган дадаси қаддини ростлади. Учовлон юзма-юз ўтиришди. Эр-хотин бирров маъноли кўз уриштириб олишгач, Ҳакимахон хола гап бошлади.

– Қизим, ўзинг ҳам сезгандирсан. Тунов куни қайнотанг келиб...– Бўлди, керакмас, – деди Матлуба онасининг гапини бўлиб. – Ҳамма гапларингни эшитдим. Овора бўлманглар мен у одам билан яшамайман.

– Менга қара, – деди отаси пиёладаги чойдан кўзини узмай. – Қайнотангни гапини эшитган бўлсанг, «барибир у қиз хотинлик қилмайди, вақтинча холос» деяпти-ку. Болаларингни ўйласангчи?

Матлуба балоғатга етиб, ақлини таниганидан буён биринчи марта отасига тик қаради. «Нима десин. Шу пайтгача сиздан қўрқиб юрагимдагини очиқ айтолмай келдим. Мухторжон акага бўлган муҳаббатим ҳам сиз туфайли ғунчалигидаёқ хазон бўлди. Ўзига тўқ, бой-бадавлат, мен сўз бериб қўйганман, гап тамом» деган ўзингиз эмасми? – десинми. Йўқ, айтолмайди. – Дада, ўз ҳолимга қўйинглар энди, – деди алам билан.

– Менга қара. Отасининг яна қайсарлиги тутди. – Ҳаёт бу. Турмушда нималар бўлмайди. Сабр қилсанг, ҳали ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасан. Бизни розилигимизга қарасанг...

– Керакмас дедим-ку! Матлуба ҳўнграб юборди. – Агар мажбур қиладиган бўлсаларинг ўзимни бир нима қилиб қўяман. У шундай дея ўрнидан туриб, йиғлаганича ичкари уйга кириб кетди. Онаизор қўллари билан оғзини беркитиб, эрига қўрқув билан қаради.

* * *

Орадан уч ой ўтгач, суд орқали ажрашишди.

– Опа, сиз кўп сиқилаверманг, – деди яқинда уйланган укаси Фарҳоджон бир куни унга

меҳрибонлик билан. – Худога шукур, ҳовлимиз кенг, уй-жойларимиз етарли. Мен бораканман, ҳеч нимага зориқмайсиз. Эсингиздан чиқаринг ҳаммасини.

– Раҳмат сенга. Матлуба кипригини ёшланиб, укасига миннатдорчилик билан қараб қўйди.

Орадан беш-олти ой ўтгач, юрагидаги алам, изтироб алангаси аста-секин пасая бошлади. Уйдагиларнинг ҳаммаси унинг кўнглига қарашар, айниқса, дадаси худди гуноҳкор ўзидек ҳамиша Матлубага ширин муомала қиларди. Укасининг хотини – Ферузахонни эса кўп ўтмай худди туғишган синглисидек яхши кўриб қолди. Ҳамиша кулиб турадиган, истарали келин «опажон»лаб доимо иззат-ҳурмат кўрсатарди.

Қиш ўтиб, баҳор келди. Шанба куни болаларига енгил уст-бош олиш учун бозорга тушган Матлуба тасодифан группадош дугонаси Нилуфарни учратиб қолди.

– Вой, Матлу, ўзингмисан, – деди у маҳкам қучоқлаб, бетларидан қайта-қайта ўпаркан. – Юр, чеккароққа чиқайлик. – Уни қара-я кечагина эсловдим.

Улар бир-бирларини қўлтиқлашиб ҳолироқ жойга ўтишди.

– Ҳалиям ўша-ўшасан-а. Нилуфар суқ билан тикилди. – Барибир сани "пароданг" бошқа. Мани аҳволимга қара, ўттизга кирмай ўтин бўляпман. Билмасам, камчилигим йўқ. Хўжайиним яхши...

– Болаларинг нечта? Матлуба тинмай сайраётган дугонасининг гапини бўлди.

– Учта. Аввал кетма-кет иккита ўғил кўрдим. Биттаси қиз бўлиб қолгандаям бошқа туғмасдим. Ҳайрият, учинчиси қиз. Етади, план тўлди. Шуларни эсон-омон катта қилволсам бўлди.

Дам тоғдан, дам боғдан келаётган Нилуфар Матлубанинг ўзига маъюс жилмайиб қараб қолганлигини сезиб гапидан тўхтади.

– Ҳа, айтганча, манга қара, – деди унинг қўлидан ушлаб. – Ҳаммасидан хабарим бор. Қайноғамнинг ўртоғи винзаводда ишлайди ўша айтибди. Ҳали кўрасан, эринг кўр бўлади бир куни.

Нилуфар шундай дегач, дугонасига бир лаҳза тикилиб турди-да, қувлик билан сўради.

– Битта гап айтсам хафа бўлмайсанми?

– Нима дейсан?

– Мухторжон аканинг уволи тутди сани. Бечора бир йил орқангдан ялиниб юрувди-я. Ҳозир туманда, ҳокимиятда ишлаётганмиш. Ўсадиган йигит эди-да, ўзиям.

– Тақдир бу. Матлуба маъюс тортди.

– Хафа бўлдингми? Шунчаки айтдим қўйдим-да. Лекин гапнинг тўғриси, ўзингнинг ҳам кўнглинг бориди, сезиб юрардим. Ҳа, майли, ўтган ишга саловат. Бу, бирор жойда ишлаяпсанми?

– Йўқ, лекин ишласам ҳам бўлади. Кичкинам яқинда икки ёшга тўлади. Аям уйдалар, қараб туришаверади. Аммо қани ўша иш.

– Ие, ҳозир как раз санбоп жой бор, – деди Нилуфар кўзлари чақнаб. – Қўшнимиз Аҳаджон ака «Яхшилик» деган хусусий корхонада бошлиқ. Ишбилармон, зўр одам. Тунов куни «Бизга яхши бир бухгалтер керак», – девди. Мен бугуноқ бориб айтаман.

Эртага бориб учра.

– «Қанийди, ўзимам уйда ўтириб зерикяпман. Матлубанинг чеҳраси ёришди. – Олармикин?

– Олади, мана кўрасан. Нилуфар шундай дегач, кўзини қисди. – Лекин айтиб қўяй, ўзингга эҳтиёт бўл, сен эркакларни яхши билмайсан, яна...

– Ҳе, ўл, ҳалиям ўша бемаза гапларинг қолмабди. Матлуба жўрттага қовоғини солди. – Бўпти хайр. Вақтинг бўлганда уйга ўтгин, студентлик даврини бир эслашайлик.

...Ўша куни кечки овқат устида Нилуфарнинг гапини айтган эди, дадаси унча рўйихуш бермади.

– Нима қиласан ўзингни қийнаб, бирор камчилигинг бўлса айт.

– Тайёр иш бўлса, борса борар. Онаси Матлубанинг ёнини олди. – Уйда бола боқиб ўтираман, деб тўрт йил ўқидими? Шоҳрухбекка ўзим қарайман. Йўқ деманг, кўпчиликнинг ичида юраги ёзилади.

Дадаси ўйланиб қолди.

...«Яхшилик» хусусий корхонасининг бошлиғи Аҳаджон Солиев Матлубани илиқ кутиб олди.

– Нилуфархон кеча сиз ҳақингизда айтувди, – деди бошлиқ унга самимий тикилиб.

– Тўғри бухгалтерлик ўрни бўш. Лекин бу соҳада озгина тажрибангиз борми? Қийналиб қолмайсизми?

– Илгари бир йилча ишлаганман, бухгалтер бўлиб. Қўлимдан келса керак.

– Ундай бўлса яхши. Аҳаджон Солиев унга кулиб қаради. – Бўпти аризани ёзиб, ҳужжатларингизни тайёрланг. Душанбадан келаверасиз.

Ишнинг бунчалик осон битишини хаёлига келтирмаган Матлуба уйга қушдек енгил бўлиб қайтди.

* * *

Ўша куни Матлубанинг кўзига алламаҳалгача уйқу келмади. «Барибир машинасига чиқмаслигим керак эди» деди ўз-ўзига. Сўнгра Нормуҳаммаднинг қатъиятли чеҳрасини кўз ўнгига келтираркан, «Нимасидир Мухторжон акага ўхшаркан» хаёлидан ўтказди.

Сўнгги пайтларда, айниқса тунлари уйқуси қочганда Матлубанинг соғлом вужуди эркак бағрини қўмсаб қолар, шунда негадир беихтиёр Мухторжон ёдига тушарди. «Нима бало, эрсираб қоляпманми?» У кўзларини чирт юмиб, ўзини чалғитишга уринар, бироқ танасини қиздираётган табиий эҳтирос алангасини ўчиришга ўзида куч тополмай қийналарди.

Орадан ўн кунча ўтгач, иш вақти тугаб, уйга қайтаётган Матлуба дарвоза олдида бошлиқ билан гаплашиб турган Нормуҳаммадга яна учраб қолди.

– Қалай, бухгалтерга ёлчиб қолдингми? – деди у билан илиқ сўрашгач, собиқ синфдошига кулиб қараб. Аҳаджон Солиев табассум билан тасдиқ ишорасини қилди. Матлуба қизариб тезроқ бу ердан узоқлашмоқчи бўлган эди, Нормуҳаммад тўхтатди.

– Шошманг, мен ташлаб ўтаман.

– Йўғ-е, – деди Матлуба шоша-пиша. – Раҳмат, бекат яқин.

– Сендан қўрқишяпти, шекилли. Нормуҳаммад Аҳаджон Солиевга юзланди. – Хўжайин, рухсат берасизми?

– Сенга йўқ деб бўладими? Бошлиқ ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтараркан сирли жилмайди.

– Ана ижозатни олдик. Нормуҳаммад нима қилишини билмай тараддудланиб турган Матлубага кулиб қаради. – Ўтиринг энди.

– Жудаям ноқулай бўлди, – деди Матлуба машина катта йўлга чиққач, кўнглига ғашлик чўкиб. – Нима деб ўйлашади?

– Айтаймми? Нормуҳаммад шу аёлни яхши кўриб қолибди, деб ўйлайди.

– Вой! Матлуба қафасга тушган қушчадек типирчилаб қолди. – Илтимос, шу ерда қолай, магазинда ишим бориди.

– Матлубахон, – деди Нормуҳаммад машинани йўл четига олиб тўхтатгач, ўгирилиб. – Тушликларинг соат нечадан?

– Ўн иккидан биргача.

– Унда ўнтакам ўн иккида бурилишдаги бозорча олдида кутаман. Сизда жиддий гапим бор.

– Қанақанги гап? Матлубанинг юрагига ғулғула тушди.

– Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим гап.

Нормуҳаммад ҳазил қилди. – Келишдик-а?

– Ҳозир айтаверинг. Эшикни қия очган Матлуба хавотирлик билан қаради.

– Йўқ, эртага, – деди у юзига жиддий тус бериб. – Кутаман, бўптими?

Матлуба узоқлашиб бораётган машина ортидан қараб қоларкан боши қотди. «Қанақанги муҳим гапи борикин? Бундайроқ одам бўлганда-ку, ўзи биларди нима деб жавоб қайтаришини. Катта лавозимдаги киши бўлса... «шу лаҳза Нилуфарнинг «Ўзингга эҳтиёт бўл, сен ҳали эркакларни яхши билмайсан» деган гапи беихтиёр ёдига тушди. «Йўғ-е, унақанги кўнгилда айтмагандир. Яхшиси чиқмайман. Мабодо тасодифан яна учрашиб қолсам бирор баҳона ўйлаб топарман».

Эртаси куни паришонхотирлик билан иш бошлаган Матлуба ўн иккига яқин безовталаниб қолди. «Тўғри кўнгилда айтадиган бирор гаплари бўлса-чи. Бормасам ўзи ахтариб келиб қолса-я. Ишхонада гап-сўз кўпаяди. Йўқ, яхшиси учраганим маъқул».

У соатига қараб қўйгач, сумкачасини олдида, хонадан чиқди. «Ҳали вақт бор», – хаёлидан ўтказди у. «Пиёда борсам ҳам бўлади. Бозорчагача ўн минутлик йўл».

Матлуба келишилган жойга яқинлашгач, таниш «Жигули»га кўзи тушди-ю, юраги дукиллаб кетди.

– Роса вақтида келдингиз, раҳмат. Йўлга қараб турган Нормуҳаммад чаққонлик билан орқа эшикни очди. – Ўтиринг.

Машина беш-олти юз метрча юргач, пастки қавати озиқ-овқат магазини бўлган тўрт қаватли бино олдида тўхтади. Нормуҳаммад орқага ўгирилиб, шўх оҳангда сўради:

– Қанақанги муҳим гап экан, деб роса ўйлагандирсиз? Лоладек қизарган Матлуба хижолатомузлик билан тасдиқ ишорасини қилди.

– Ҳозир айтаман, қани пастга тушайлик. Нормуҳаммад йўлни кесиб ўтиб, магазинга туташ кенг

йўлак ичига бошлади.

– Қаёққа? Унга беихтиёр эргашиб бораётган Матлуба хавотирлик билан тўхтади.

– Қўрқманг, юраверинг мен билан, – деди Нормуҳаммад паст, лекин қатъий оҳангда.

Улар магазин орқасидаги «дом»нинг биринчи йўлкасидан иккинчи қаватга кўтарилишди.

– Марҳамат! «Начальник» чап томондаги чарм қопланган хона эшигини очиб ичкарига таклиф қилди. Матлуба худди ҳозир биров кўриб қоладигандек шошиб ичкарига кирди. У саросима ичида хонага кўз ташларкан, мўжазгина столга тузалган тўкин дастурхонга нигоҳи тушди. «Тепага чиқмай қайтиб кетсам бўларкан», – хаёлидан ўтказди у Нилуфарнинг гапини яна эслаб, «Энди нима қилдим. Аҳмоқман».

– Ие, нимага остонада турибсиз? Нормуҳаммад тузоққа тушган оҳудек безовталаниб турган Матлубага кулиб қаради. – Келинг, мен ҳозир.

Матлуба ичкарига кириб, юмшоқ ўриндиққа омонатгина ўтирди. Бир зумда устини алмаштириб, спорт формаси кийиб олган Нормуҳаммад унинг ёнгинасидаги стулдан жой олгач қўл очди.

– Қани илоҳи омин, қадамингиз ҳамиша қутлуғ келсин. У юзига фотиҳа тортиб, Матлубага муғамбирона тикилди. – Мана энди айтаман, қанақанги муҳим гапим борлигини. Айтинг-чи, ишга тушганингизга қанча бўлди?

– Икки ой.

– Мен сизни биринчи учратганимдаёқ Аҳадга «бухгалтер» эмас, ишхонага бахт, омад қушини олибсан, деб айтганман.

– «Хушомадга уста экан», – кўнглидан ўтказди Матлуба. Лекин бу гап унга ёқди. Юзлари ловуллаб, миннатдорчилик билан жилмайиб қўйди.

– Энди сизни бу ерга таклиф этганлигимни боисини айтсам, – деди Нормуҳаммад гапини хушчақчақлик билан давом эттириб. – Аввало,

ишга кирганингизни биргаликда нишонлаш. Ундан кейин сиз билан яқиндан танишиш.

«Мен ҳақимда Аҳаджон акадан сўраган». Матлуба бошини эгди. «Эрим йўқлигини ҳам билганидан таклиф қилган бу ерга. Мени ким деб ўйлаётганикин, шармандалик...»

– Ана холос, гап билан бўлиб... мен ҳозир. Нормуҳаммад чаққонлик билан ўрнидан туриб ошхонага ўтди. Орадан бир-икки дақиқа ўтар-ўтмас ҳовури кўтарилиб турган димламани стол устига келтириб қўйди.

– Роса овора бўлибсиз. Матлуба хижолатдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди.

– Ҳечам овора бўлганим йўқ. Уйимда очил дастурхоним бор, – деди Нормуҳаммад ҳазил оҳангда. – Очил, десам бўлди. Хоҳлаган нарсангиз муҳайё бўлади.

У шундай дея сервантдан бир дона «Мастона» арағи, шампан олди.

– Мен учун бўлса очманг, илтимос барибир ичмайман, – деди Матлуба илтижоли оҳангда.

– Янги ишни ювмасак бўлмайди. Нормуҳаммад унга шампан қуйди.

– Майли, зўрлаш йўқ. Ҳеч бўлмаса уриштириб қўйинг. У қўлига рюмкани олиб, Матлубага бир оз тикилиб тургач деди:

– Биласизми, мен сиз тўғрингизда унчамунча нарсалардан хабарим бор. Ўзига яхши, обрўли хонадоннинг фарзанди экансиз. Оилавий ҳаётингиздаги нохушликлар ҳақида ҳам эшитдим. Келинг, яхшиси бу ҳақда гаплашмайлик. Тилагим бундан буён ҳамиша омадингизни берсин, ёмонлик кўрманг, соғ бўлинг. Гоҳи-гоҳида учрашиб, дўстона гаплашиб турайлик.

Нормуҳаммад қўлидаги қадаҳни уриштириб, бир кўтаришда бўшатди. Матлуба рюмкани номигагина лабига олиб бориб стол устига қўйди. Овқатланиб бўлишгач, анчагина ўзини босиб олган Матлуба Нормуҳаммадга чой узатаркан,

кулимсиради.

– Мен ҳақимда суриштирибсиз, лекин энг муҳимини билмас экансиз.

– Нимани?

– Дадамни. Агар шу ерда сиз билан ўтирганимни кўриб қолишса борми, нақ оёғимдан осиб қўйишади.

– Сизни остириб, қўл қовуштириб ўтирмасмиз. Нормуҳаммад унинг бу гапини ҳазилга йўйиб кулди. – Ваҳима қилманг. Айтяпман-ку, дўстона учрашиб туришнинг нимаси гуноҳ?

– Хўп, тушлик учун раҳмат. Матлуба соатига қаради. – Вақт бўлиб қолибди. Ишдан кечга қолмай. Лекин илтимос, мени кузатиб пастга тушманг.

Нормуҳаммад кулимсираб, «маъқул» ишорасини қилди. У эшик олдига боргач, Матлубанинг билагидан беозор ушлаб, бир зум тикилиб турди-да, деди:

– Сиздан илтимос мени хафа қилманг, кўришиб турайлик. Айтиб қўяй, дилимни оғритган одамнинг иши юришмайди.

Матлуба индамай эшикни очиб пастга тушиб кетди. Нормуҳаммад хонага қайтиб кириб ёстиқ олди-да, диванга ёнбошлаб, бир муддат кўзларини юмди. «Ажойиб экан, бунақаси кам учрайди. Лекин кўнглига йўл топиш осонмас, анчагина асов, минилмаган тойга ўхшайди. Майли, қўполлик қилиб ҳуркитиб юбормаганим яхши. Қанча қийинчилик билан мақсадга етилса, шунчалик ширин бўлади. Қайси бир қўшиқда борку, «риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас».

Кейинги ўн йил ичида бирор баҳона сабаб билан танишиб, маишат қилган аёлларни санаб саноғига етиши қийин. Лекин уларнинг ичида дидига, кўнглига ўтирганлари камдан-кам учради. Унинг қўйнига кирган аёлларнинг аксарияти уч-тўрт марта учрашгандан кейин бирор нозик

масалада ёрдам беришини сўраб илтимос қилар ёки туғилган куни, байрам баҳонаси каттароқ совғага туширарди. Шу боис Нормуҳаммад бундай тоифадаги жазманлари билан бир-икки марта «ҳамсуҳбат» бўлгач, рози қилиб, силлиққина ўйиндан чиқар, бояқишлар юракларидаги асосий дардларини айтолмай доғда қолишарди.

Нормуҳаммад Матлубани биринчи марта – корхона ҳовлисида кўриб қолгандаёқ юраги «жиз» этганди. Ишга яқинда келганлигини билгач, Аҳаджоннинг «янги бухгалтер олдим» деган гапи ёдига тушиб «зўрини топибди, диди чаккимас», дея хаёлидан ўтказганди.

Кейинчалик Аҳаджон билан ҳоли гаплашиб ўтиришганда суҳбат орасида Матлубанинг кимлиги, оиласи билан қизиқди.

– Ҳей, менга қара, – деди собиқ синфдоши ғаши келиб. – Мунча суриштириб қолдинг? Унақанги аёлмас у. Нима, шунчаси камлик қиляптими?

– Оббо, – Нормуҳаммад яйраб кулди. – Рашкларини келяптими? Ундан кўра ўзим кўз остимга олиб қўйганман, деб ростини гапириб қўя қол.

– Бекорчи гапни айтибсан. Аҳаджон шундай дея бошини тебратди. – Лекин айтиб қўяй, сен ўз ажалинг биланмас, бир куни битта-яримта хотиннинг қўлида ўласан.

– Оловура! Нормуҳаммад қаҳ-қаҳ отиб кулди. – Майли, бирор номарднинг касофати уриб ўлгандан кўра, жононнинг қўлида жон берсанг, бу шараф-ку, дўстим.

...У диванда ёнбошлаб Аҳаджон билан бўлиб ўтган суҳбатни эсларкан, мийиғида кулиб қўйди. Ўзиям жон-жон дейди. Лекин гап-сўз бўлишидан қўрқади. Ҳар ҳолда қўлида ишлайди. Ҳа, энди, айтишадику, югурганникимас буюрганники, деб. Агар бир иложини қилиб Матлубани илинтирса ҳеч қачон қўлидан чиқармайди. Худди кўнгилдагидек аёл.

* * *

Нормуҳаммад ширин хаёлларга берилаётган шу лаҳзаларда паришонхотирлик билан хонасида ўтирган Матлуба ўз-ўзини койи бошлаётганди. «Ёмон бўлди. Танишлардан битта-яримтасининг кўзи тушган бўлса-я? Дўстона учрашиб турайликмиш. Турмушидан ажраган аёл билан катта лавозимдаги, оилали одам ўртасида дўстлик нима қилади? Нилуфар авлиё экан. Йўқ, энди ҳечам учрашмаслигим керак».

Матлуба стол устидаги қоғозларга мақсадсиз кўз югуртираркан Нормуҳаммад бир лаҳза билагидан ушлаб турганда енгил титраб, аъзои бадани жимирлаб кетганлигини эслади. Қизиқ, никоҳ кечаси гўшангада Содиқжон елкаларидан ушлаб ўзига қаратганда худди бугунгидай ҳолатга тушган эди.. «Э, ҳа, айтганча «кўнглимни ранжитган одамнинг иши юришмайди», дедими? Бу билан «кўзингизни очинг, мени қўлимдан ҳамма нарса келади» демоқчими. Э, худойим-е, ишга кирдим деб хурсанд бўлганимда бу яна қанақанги ташвиш».

Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Матлубанинг анчагача қўли ишга бормади.

...Орадан ўн кун ўтди. Иш вақти тугаб, хонадан эндигина чиқиб кетмоқчи бўлаётганди телефон жиринглаб қолди. «Алло». Гўшакни қулоғига тутган Матлуба саломлашган кишининг овозини аввалига танимади. Кейин кимлигини билиб қолгач, шошиб узр сўради. «Эртага соат ўн иккида ўша жойда кутаман», деди Нормуҳаммад хушкайфиятда. «Йўқ, боролмайман, ишим кўп». У худди биров қулоқ солиб тураётгандек эшикка хавотирлик билан қараб қўйди. «Матлубахон, хурсандчилик гап бор, айтиб қўяй, келмасангиз «повестка» билан иккита милицияни юбораман». Нормуҳаммад шундай дея кулиб гўшакни қўйиб қўйди. Матлубанинг гапи оғзида қолди.

У ташқарига чиқаркан Нормуҳаммаднинг

«милиция юбораман» деган гапини эслаб ичида кулиб қўйди. «Қизиқ одам экан. Қанақанги хурсандчилик гапи бўлиши мумкин? Ё каттароқ ишга кўтарилиб кетаётганмикин?»

Матлуба у билан учрашишдан, ҳоли ўтиришдан чўчиётган бўлса-да, шундай катта лавозимдаги келишган бу одамнинг хушомад қилаётганлиги унга хуш ёқаётган эди. «Майли, эртагаям борай, кейин учрашмайман. Балки вилоятга ишга ўтиб кетаётган бўлса бошқа кўришмасмиз. Ҳар ҳолда органда ишлайди. Худо кўрсатмасин-у, зарур бўлиб қолса фойдаси тегади. Шундай, дўстона гаплашиб турайлик деган-ку».

Матлуба келишилган жойга ўн дақиқа кечикиб борди.

– Ҳозир «повестка» юбормоқчи бўлиб тургандим. Нормуҳаммад машинасини ўт олдираркан ҳазил қилди. У «Жигули»ни «дом» рўбарўаида тўхтатгач, орқага ўгирилди. – Мана калит. Сиз эшикни очиб, бемалол кириб ўтириб туринг. Мен бир жойга шундоқ ўтиб беш минутда қайтаман.

«Бирга кириб кетаётганимизни битта-яримта таниш кўриб қолса-я» деган хаёлда юрагини ҳовучлаб турган Матлуба енгил нафас олди. У эшикни очиб залга кириши билан беихтиёр «вой» деб юборди. Стол ажойиб қилиб тузалган, дастурхон ниҳоятда тўкин эди. «Шунча дабдаба, ҳашам, фақат мен учунми? Ё яна бир-иккита меҳмон келармикин? Йўғ-е». Хаёлига келган бу фикрдан ўзи қўрқиб кетди. «Шаҳар кичкина, мен танийдиган бирортасини ҳозир бошлаб келиш-са-я». У хона тўридаги диванга омонатгина ўтираркан, юрагига ғулғула тушди. Шу пайт эшик оҳиста очилди. Беихтиёр дик этиб ўрнидан турган Матлуба хонадон соҳибининг ўзи келганлигини кўриб кўнгли жойига тушди. «Хайрият».

– Зерикмай ўтирибсизми? – деди Нормуҳаммад унга кулиб қараб. – Бу ёққа ўтинг, стулга. У Матлубани тўрга таклиф қилди. – Чой ҳам

қайнагандир, мен ҳозир...

– Йўқ, йўқ, сиз ўтираверинг, мен ўзим дамлаб келаман. Бу ерга иккинчи маротаба ташриф буюрганлиги учун Матлуба ўзини эркинроқ тутди.

– Хўп, жуда яхши, бугундан бошлаб бу уйнинг эгаси сиз. Нормуҳаммад мамнун жилмайди. – Бўлмаса яна битта хизмат бор. Тоғорачада овқат бор, бир-йўла уни ҳам олиб келаверинг, совимасин.

Матлуба ошхонага ўтиб чой дамлади. Сўнгра газ плитаси устидаги тоғорачага ёпилган ликопчани кўтарган эди, димоғига иштаҳани қитиқловчи ёқимли ҳид гуп этиб урилди. «Бирорта ошхонада тайёрлатган бўлса керак». У пиёз билан қўшиб димланган қўй гўштини товоққа соларкан, кўнглидан ўтказди.

Матлуба овқатни дастурхонга келтириб қўйгач, Нормуҳаммад ўзига арақ, унга шампан қуйди.

– Биласизми, нима учун бунчалик хурсандман, – деди у қадаҳни қўлига оларкан хушчақчақлик билан.

– Бугун туғилган кунингизми? Матлубанинг хаёлига «ярқ» этиб шу фикр келди.

– Йўқ, ундан ҳам зўр кун. Нормуҳаммад бир оз сукут сақлаб тургач, чеҳраси янада ёришди. – Унвонимни оширишди. Энди майор эмас, подполковник Мирғиёсов бўлдик.

Гарчи Матлуба унвоннинг аҳамиятини яхши тушунмаса-да, бу Нормуҳаммад учун катта қувонч эканлигини сезди.

– Омадингизни берсин, – деди у жилмайиб.

– Энди гап бундай. Нормуҳаммад унинг кўзларига тикилди. – Ўтган сафар мажбур қилганим йўқ эди. Лекин бугун, шундай кунда озгина олмасангиз хафа бўламан.

Матлуба нима қилишини билмай қолди. Тўғри, умрида бир марта, институтни битириш кечасида Нилуфарнинг «юз грамм ич, ҳамма қизлар олдику, ўлиб қолмайсан» деб ҳоли жонига қўймагандан

кейин бир рюмка шампан ичган эди. Лекин бугун...

– Ҳеч нима қилмайди, шуни олинг, бўпти бошқа сизга қуймайман. Нормуҳаммад Матлубанинг тараддудланиб қолганини кўриб далда берди. Сўнгра қўлидаги қадаҳни охиригача ичиб, газак қилгач, «қани, кутиб ўтирибман» дегандек унга тикилди. Ноилож қолган Матлуба бир ҳўплади.

– Мана бу бошқа гап, Нормуҳаммаднинг чеҳраси ёришди. У олдидаги қадаҳни яна тўлдиргач, Матлубага юзланди. – Келишганмиз, сизга бошқа қуймайман. Лекин рюмкангиздагини охиригача ичиб қўясиз. Қани, овқатга қаранг.

Шоҳона тушликдан кейин бир-икки пиёладан чой ичишгач, Нормуҳаммад диванга ўтди.

– Бу ёққа келинг, гапим бор, – деди у ёнига таклиф қилиб. Матлуба ўрнидан туриб диваннинг бурчагига оманатгина ўтирди.

– Мунча бегонасирайсиз? Нормуҳаммад Матлубанинг ўзига хавотирлик билан қараб турганлигини кўриб кулиб юборди. – Нима, мен шунақанги қўрқинчли одамманми? У шундай дея яқинроқ сурилиб, Матлубанинг қўлини ушлади.

– Сизга битта гапни айтайми?

Унинг нима демоқчи бўлганини сезган Матлубанинг юраги дукиллаб кетди. «Вой худойим-е, менга нима бўляпти ўзи? Нима учун қўлимни тортиб, ўрнимдан шартта туриб чиқиб кетолмаяпман». У шуларни хаёлидан ўтказаркан йигит вужудини қиздираётган эҳтирос алангаси унинг қайноқ кафтлари орқали ўзига ҳам ўтаётганлигини ҳис этиб кўзларини олиб қочди.

– Биласизми? Нормуҳаммад унинг елкаларидан ушлаб ўзига қаратди. – Мен сизни корхона ҳовлисида учратганимдаёқ ёқтириб қолганман. Шунда бутун вужуди ўт бўлиб ёнаётган Матлуба иродаси ўзига бўйсунмай, ихтиёри қўлдан кетаётганлигини сезди...

* * *

...Энди ишхонага қайси бет билан бораман. Матлуба кафтлари билан юзларини беркитди. – Дадамлар билиб қолишса...

Шундай келишган гўзал аёл бундан буён ўзиники бўлганидан кўнгли тўлган Нормуҳаммад уни қучоқлаб, юзларидан ўпди.

– Бу фақат иккаламизнинг ўртамиздаги сир. Худодан бошқа ҳеч ким билмайди.

– Сиз мени енгилтак аёл экан, деб ўйлаяпсиз-а? Матлубанинг кўзларидан дув ёш тўкилди.

– Ҳеч қачон. Хаёлимга ҳам келмаган. Нормуҳаммад унинг виждон азобида қийналаётганлигини сезиб тасалли берди. – Шу гапни яна гапирсангиз қаттиқ хафа бўламан.

– Бўпти, мен борай. Соат иккидан ўтибди, ишдан ҳам кечга қолдим. Матлуба ўрнидан турди.

– Шошманг, ўзим олиб бориб қўяман.

– Йўқ, илтимос, кераксиз, пиёда ўн минутлик йўл.

Матлуба кенг асфальт ёқалаб аста одимлаб бораркан назарида кўча-кўйдаги одамлар қўлларини бигиз қилиб, бир-бирларига уни кўрсатишиб, маломат қилишаётгандек туюлди-ю, қадамини тезлатди. Бироқ ишхонада ҳам узоқ ўтиролмади. «Тобим қочяпти» деган баҳона билан бошлиқдан жавоб сўради.

Ўша куни кечки дастурхон атрофида уйидагилар билан бирга ўтириш Матлуба учун азоб бўлди. У номигагина овқатланиб, хонасига ҳар кунгидан эртароқ кириб кетди. «Нима қилиб қўйдим?» Ўғилчасини ухлатиб, ўрнига чўзиларкан негадир юрагини ваҳима босди.

Содиқжон билан бирга яшаб юрган пайтлари гоҳида «фалончи хотин фалончи билан дон олишармиш» деган гапларни эшитиб қолса «ўл, шарманда» дея нафрати қўзирди. Ўзи-чи?...

Шундай бўлишини юраги сезган эди. Бўлмаса нима учун борди? Ё ўзининг ҳам озгина кўнгли кетганмиди?

Ўйлаб ўйига етолмай ўрнида тўлғанаётган Матлуба қилмишини оқлаш, виждон азобидан қутулиш учун баҳона ахтарди. «Нима бўпти, бошида эри бўла туриб юраётган хотинлар йўқми? Хўжайиним бўлмаса, мен ҳеч кимга хиёнат қилганим йўқ.

У шуларни хаёлидан ўтказаркан юрагидаги ғашлик, безовталик бир оз босилгандек бўлди. Лекин Матлуба шу лаҳза бир нарсани, бу, ақл-идрок, виждоннинг тасаллиси эмас, шайтони лаъиннинг ҳийласи, далдаси, авраши эканлигини ҳис қилмасди.

...Шундан кейин Нормуҳаммад билан гоҳи-гоҳида учрашиб, биргаликда «тушлик» қилишлари одат тусига кирди. Ўртоқ «начальник» бир ҳафта, ўн кунда эрталаб унга телефон қилар, Матлуба Нормуҳаммаднинг хонасига бориб (калитнинг биттаси унда турарди) дастурхон тузаб, тушлик тайёрларди. Ўтиришда Матлуба шампанни ҳам бир рюмкадан ортиқ ичмас, суҳбатлашиб, хордиқ чиқаргандан кейин ишхонага ўзи пиёда кетарди. Орадан бир йил ўтди. Матлуба Нормуҳаммадга бутунлай ўрганиб қолди. Ҳатто, узоқроқ кўришмай қолса, бетоқатлик билан телефон қўнғироғини кутар, «бошқа битта-яримтасини топган бўлса-я» дея хавотирга ту-шарди.

У Нормуҳаммаддан ҳеч нарса тама қилмасди. Чунки ўзининг топгани ўзига бемалол етиб ортарди. Отаси, укаси доимо унинг кўнглига қарашар, ҳеч нимага зориқтиришмасди. Лекин бир куни... Туғилган куни эди ўшанда. Дастурхонни Нормуҳаммаднинг ўзи тузади. Ниҳоятда ширин ўтиришди. Ўртоқ «начальник» Матлубага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб қадаҳ кўтаргач, чўнтагидан мўъжаз қутичани олиб очди.

– Мана бу сизга, – деди тилла занжирни унинг

бўйнига тақиб.

– Вой! Матлубанинг кўзлари чақнаб кетди. Чунки «нима билан табрикларкин» дея беихтиёр кўнглидан ўтказган бўлса-да, «цепочка»ни хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу боис қўлига олиб салмоқлаб кўрди-да, Нормуҳаммадга узатди, – раҳмат, лекин мен бунақанги нарсани ололмайман. Уйдагиларга қанақа қилиб кўрсатаман. Ўзимни пулимга олдим, деганим билан барибир ишонишмайди. Қимматдир-а?

– Бунақанги занжирларнинг ўнтаси битта мана бунга арзимайди. Нормуҳаммад шундай дея унинг ияги остидаги мошдеккина қоп-қора ҳолидан ўпди. – Олмасангиз хафа бўламан. Уйдагилардан шунчалик қўрқадиган бўлсангиз майли, кўрсатмай яшириб қўйинг. Қизингиз катта бўлиб, узатаётганингизда сепига қўшиб берасиз.

Матлуба миннатдорчилик билан қараб қўйди.

У занжир баҳона Нормуҳаммадга янада қаттиқроқ боғланиб қолди. Лекин юрагининг бир чети ҳамиша ғаш, «бир куни сирим очилиб шармандам чиқса-я» дея доимо хавотирда юрарди.

Бир куни одатдаги учрашувдан кейин пастга тушаётган эди. Орқасидан қадам товуши эшитилди. «Дом»ларга туташ магазин олдига етганда эркак кишининг «Матлубахон» деган овозини эшитиб, юраги «шув» этди. У беихтиёр орқага ўгирилиб милиция формасидаги кулиб турган йигитга кўзи тушди. Аввалига танимади, кейин «ие Муроджон, сизмисиз, кечирасиз», танимабман» деди хижолатомуз жилмайиб.

– Нечук биз томонларда. Муроджон у билан самимий сўрашди.

– Ҳалиги... битта ўртоғим анув «дом»да туради. Ўшанинг олдидан чиқяпман. Матлуба дув қизарди. – Сиз ҳам шу ерда яшайсизми?

– Йўқ, мени яқинда шу массивга маҳалла нозири этиб тайинлашди, – деди у сирли жилмайиб. – Сизни институтда ўқияпти, деб эшитгандим, битирдингизми?

Ҳозир қаерда ишлаяпсиз?

Матлуба айтди.

«Шарманда бўлдим». У Муроджон билан хайрлашиб йўлида давом этаркан юрагига ғулғула тушди. Мактабда параллел синфда ўқиган бу йигит ёшлигида нозиккина эди. Тўлишиб, салобатли бўлиб кетибди. Қайси хонадан чиқаётганимни кўрган бўлса-я. «Ёмон бўлди». Шуларни хаёлидан ўтказган Матлуба кун бўйи сиқилиб юрди.

* * *

...Бошлиқдан мудҳиш бу хабарни эшитган куни Матлубанинг кўзига тонггача деярли уйқу келмади. «Шундай ҳушёр одам қанақасига газдан заҳарланиши мумкин. Аҳаджон ака «яна ким билади, одамларнинг оғзида ҳар хил гап юрибди», дедими? Ё битта-яримта... йўғ-е. Ўша жума куни эрталаб телефон қилганда ўзи ҳам соғинган, кўришгиси бор эди. Лекин ҳақиқатан ҳам тоби йўқ, тўғриси унинг кўнглини оладиган аҳволда эмасди. Балки, борганда бу фожиа рўй бермаган бўлармиди».

Аҳаджон Солиев телефон гўшагини қўйгач, ўйланиб қолди. «Наҳотки, Матлубадан гумон қилишаётган бўлса, яна ким билсин? Кеча органда ишлайдиган бир таниши «ўша куни Мирғиёсов квартирасида бир аёл билан бирга бўлган экан. Ухлатиб қўйиб, газни очиб кетганмиш» деб қолди. Ё тавба! Бу гапни эшитиб «сен ўз ажалинг биланмас, битта-яримга хотиннинг қўлида ўлиб кетасан» дегани «лоп» этиб ёдига тушди-ю, «яхши гапгаям, ёмон гапгаям фаришталар омин дейди», деганлари шумикин, дея ёқа ушлади.

Матлуба ҳузурига иш сўраб келганда «келишган экан» деган фикр унинг ҳам хаёлидан ўтган эди.

Лекин қўл остида ишлаётганлиги, қолаверса, янги ходим у ўйлаётган тоифадаги аёллардан эмаслигини сезгани учун шайтонга ҳай берганди. Шу боис Нормуҳаммад «бухгалтеринг зўр-ку, қаердан топдинг» деб суриштирганда ғаши келган, кейинчалик Матлубани унинг машинасида бир-икки кўриб қолиб «охири илинтирибди-да, аёл зотига ишонч йўқ эканда ўзи» дея хаёлидан ўтказганди. Бироқ буни Матлубага сездирмас, у билан доимо расмий муомалада бўларди.

– Мумкинми?

– Келинг, ҳозир ўзим сизни чақиртирмоқчи бўлиб тургандим:

Матлуба қўлидаги қоғозларни бошлиқ олдига қўйгач, стулга ўтирди.

Аҳаджон Солиев унга бир муддат тикилиб турди-да, деди:

– Ҳозир прокуратурадан телефон қилишиб сизни сўрашди. Эртага соат тўққизда 7-хонага, Салоҳиддин Қодировичга учрашингиз керак экан.

– Нимага? Тинчликми? Матлуба ҳайрон бўлди.

– Билмадим... Аҳаджон Солиев чайналди. – Сўрасам «ишхонага алоқаси йўқ» дейишди. Борсангиз биласиз.

Матлубанинг ранги оқарди. «Нормуҳаммад аканинг ўлими билан боғлиқ иш юзасидан чақираётган бўлса-я. Подъезддаги қўшнилар уни яхши танишарди. Лекин қаерда ишлашини билишмасди-ку. Суриштириб қолишса нима дейман? Вой худойим-е, шармандалик».

Ўша куни тонггача тўлғониб чиққан Матлуба эрталаб прокуратурага борди. У минг ҳадик, қўрқув билан еттинчи хона эшигини бир-икки оҳиста тақиллатгач, қия очди.

– Келинг, кираверинг. Қандайдир қоғозларни кўздан кечираётган терговчи бошини кўтариб, унга жой кўрсатиб, стулга таклиф қилди. – Ўтиринг.

Салоҳиддин Қодирович унга бир лаҳза тикилиб

тургач, Муроджоннинг гапини эслади. «Тўғри, бу аёлнинг қўлидан қотиллик келмайди. Лекин кўзга яқин экан, яна ким билсин...»

– Сиз «Яхшилик» хусусий корхонасидан бўлсангиз керак-а? Матлубахонмисиз? – сўради у.

– Ҳа.

– Хўп, яхши. Сизни нима учун чақиртирганимизни биласизми?

– Йўқ. – Бунақанги идораларга умрида иши тушмаган Матлубани титроқ босди.

– Энди гап бундай, синглим. Терговчи уни қўрқитиб юбормаслик учун ясама табассум қилди. Бизга баъзи бир нарсалар маълум. Шунинг учун саволларимга ҳеч нарсани яширмасдан фақат тўғри жавоб беринг. Агар ёлғон гапириб, чалғитишга ҳаракат қилсангиз жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жазога тортиласиз. Келишдикми?

«Тамом. Нормуҳаммад аканинг иши бўйича... Юрагим сезувди». Матлубанинг қўл-оёғи бўшашиб, жавдираб қараб қўйди-да, тасдиқ ишорасини қилди.

– Нормуҳаммад Мирғиёсовнинг ўлимидан хаба-рингиз борми?

– Ҳа.

– Қаердан эшитдингиз?

– Бошлиғимиз билан синфдош эканлар, ўша киши айтдилар.

– У одам билан неча йилдан буён таниш эдингиз?

– Икки йил бўлди.

– Ўтган жума яъни, воқеа содир бўлган куни сиз қаерда эдингиз?

– Ишда.

– Ишдан кейинчи?

– Уйга кетганман.

– Мирғиёсов билан тез-тез кўришиб турар-мидиларинг?

– Ўн-ўн беш кунда. Матлуба қизариб ерга

қаради.

– Яхши, энди Мирғиёсовни танишингиз, квартирасида учрашиб турганлигингиз ҳақида битта тушунтириш хати ёзиб беринг.

У тушунтириш хатини ёзиб, терговчига узатди.

– Бўпти. Бугунча сизга жавоб – деди Салоҳиддин Қодирович унинг ёзганларига бирров кўз югуртириб. Эртага соат ўнга етиб келинг, экспертизага борамиз, бармоқ изларингизни олишимиз керак.

Матлуба терговчига қўрқув билан «ялт» этиб қаради. «Наҳотки, мендан гумонсираётган бўлса». Унинг қўл-оёғидан дармон кетиб юрагини ваҳима босди.

– Бармоқ изларим?... Нимага? Мен...

– Хавотир олманг. Бу шунчаки, қоидамиз шунақа. Матлуба мажолсиз ўрнидан турди. У эшик олдига боргач, тўхтаб терговчига ўгирилди.

– Уйимиздагилар билишмайдими? Унинг кўзларидан дув ёш тўкилди. Дадам сезиб қолсалар ўламан...

– Хотиржам бўлинг. Майли, бошлиғингизга ҳам қўшнимизникида тўполон бўлувди, гувоҳликка чақиришибди, деб қўяқолинг.

Матлуба енгил нафас олди.

* * *

Лобар тун ярмида чўчиб уйғонди. У боши оғриб, юраги беҳаловат бўлаётганлигини сезиб ўрнидан турди. Ошхонага ўтиб чойнакдаги совуқ чойдан пиёлага тўлдириб қуйиб ичгач, қилган ишини ўйлаб даҳшатга тушди. «Нима қилиб қўйдим? Уйғониб қолган бўлса-я. Майли, ишқилиб ўлмасин. Йўғ-е, нима деяпман? Тирик қолса икки дунёдаям мени соғ қўймайди. Чиқиб кетаётганимни ҳеч ким кўрмади, шекилли».

Лобар ётоқхонасига қайтиб кириб, деразанинг бир табақасини ланг очиб юборди. Шунда баҳорнинг тунги, этни жунжитадиган, лекин

ҳузурбахш шабадаси юзларига урилиб, янада ҳушёр тортди. У кўкдаги сонсиз юлдузларга бир оз термилиб турди-да, деразани қия очиқ қолдириб ўрнига чўзилди, лекин кўзига уйқу келмади. Юрагини қўрқув, ваҳима босиб тонггача мижжа қоқмай чиқди.

Эрталаб Азаматни ўқишга жўнатгач, чеварга янги кўйлак буюрганлигини эслаб, кийиниб ташқарига чиқиши билан рўбарасидаги «дом»нинг йўлкаси олдида гаплашиб турган иккита милиция ходимига кўзи тушиб, юраги така-пука бўлди. «Нима қилиб туришибди бу ерда?» Лобар кўз қири билан уларни кузатиб йўлида давом этаркан милиционерларнинг унга мутлақо эътибор беришмаганлигини сезиб, енгил нафас олди. Лекин чеварнинг олдига бориб келгунча бутун вужудини қамраб олган хавотирлик тарқамади. Назарида автобусда ҳам, кўча-кўйда ҳам ҳамма уни таъқиб қилаётгандек туюлаверди.

...Тушга яқин эса Раиса ҳовлиқиб кириб келди.

– Янги гапни эшитдингми? У Лобар билан сўрашиб, стулга ўтираркан лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди.

– Нима бўпти, тинчликми?

– Анави массивдаги «гастроном» бор-ку, ўшанинг орқасидаги домда битта танишим яшайди, ўша айтиб қолди. Қайси бир туманда «начальник» милиция бўлиб ишлайдиган битта одамни ўлдириб кетишибди.

Лобарнинг қўл-оёғи бўшашиб, ранги қув учди. Лекин бутун иродасини тўплаб, ўзини қўлга олида, ўсмоқчилади.

– Ким экан у? Пичоқлаб кетишибдими?

– Отини айтувди, эсимдан чиқибди. Пичоқлабмас, ухлатиб қўйиб, газни очиб кетганмиш. Ўзиниям «ниҳоятда «гулящий» одам эди», дейишяпти. Амалдор, пули кўп бўлгандан кейин шуда, ажаб бўпти.

– Ҳеч ким кўрмабдими, сезмабдими? Лобар

унга қўрқув, ҳадик билан тикилди.

– Э, қизиқмисан. Раиса қўл силтади. Ўлдираман деб қасд қилган одам нима, жинни бўптими? Аввал роса план тузиб, тайёргарлик кўрган бўлса керак. Кимсан, туманнинг милиция бошлиғи-я. Мабодо битта-яримта қўни-қўшни кўрган, сезгандаям айтиб аҳмоқ бўлгани йўқ. Терговга чақираверіб, жонидан тўйдириб юборишади. Ҳозир «билмадим, дедим, қутулдим» дейдиган замон... Ҳа, айтганча, бугун битта жойда зўр ўтириш бор, кечқурун борамиз, тайёргарлигингни кўриб қўй.

– Йўқ, ҳеч қаёққа бормайман. Лобар бош чайқади.

– Нимага? Раиса унга ҳайрон бўлиб тикилди. – Менга қара, бугун мунча ғалатисан? Тинчликми, нима бўлди?

– Ҳеч нима. Лобар кўнглидан нималар кечаётганлигини худди Раиса сезиб қоладигандек зўрма-зўраки жилмайди. – Шунчаки мазам қочиб турибди.

– Ўзинг биласан. Раиса қошларини чимирди. Лекин мен бормасам бўлмайди, сўз бериб қўйганман. Майли, уйга чиқай энди.

Лобар Раисани кузатиб қўйгач, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. «Ўлибди-да». У диванга чўзилиб кўзларини юмди. «Роса суриштиришаётган бўлса керак, ҳозир... Кимман? Жиноятчи, қотил. Кўчада қандай юраман энди».

* * *

Азаматнинг коллеждан таъби хира бўлиб чиқди. Боиси, охирги дарс тугаб, хонадан чиқиб кетмоқчи бўлаётганди, математика ўқитувчиси Равшан Соипов чақириб қолди.

– Қобилов, сиз қолинг, бир минутга.

Эшик олдига етган Азамат тўхтади. Сўнгра ўқитувчисига ҳайрон бўлиб қараб қўйди-да, жойига ўтирди.

– Ўқишлар қалай? Яккама-якка қолишгач,

Равшан Соипов унга кулиб қаради.

– Яхши.

– Сиз Лобархоннинг ўғлимисиз?

– Ҳа. Шу пайт онасининг «коллежларингга янги ўқитувчи келдими, математикадан» деган гапи ёдига тушиб, ичида ғижинди. Чунки ишга келганига эндигина олти ой бўлган Равшан Соипов группадаги кўзга яқин қизларга ғалати тикилар, синов, имтиҳон пайтларида уларни қасддан йиқитиб, ялинтирарди. Шуларни ўйларкан, юрагида оғриқ сезди. «Демак...»

– Бошқа гапингиз йўқми? Азамат Равшан Соиповга хўмрайиб қараб қўйди-да, ўрнидан турди.

– Азаматжон, гап шуки, сессиялар бошланганда бирорта фандан қийналиб қолсангиз бемалол, ҳеч тортинмай олдимга келаверинг, келишдикми?

– Раҳмат. Шу пайтгача имтиҳонлардан бировнинг ёрдами билан ўтганим йўқ. У шундай дея домласига қаҳр билан тикилди-да, хонадан чиқиб кетди.

«Нима қилиш керак?» У шаҳар марказидаги сўлим хиёбондан мақсадсиз, аста одимлаб бораркан бундан бир ҳафта олдин онаси билан ўрталарида бўлиб ўтган кўнгилсиз гап-сўз ёдига тушди. Ўшанда янаям телефон қилган хотиннинг «Сен ўша мегажиннинг ўғлимисан, неччига кирдинг? Онанг эрсираб қолган бўлса битта, яримта бўйни йўғонни топиб узат. Оилали одамларнинг бошини айлантирмасин», деган гапларини айтолмади. Лекин ўзи ўша куни туни билан ухлолмай, тўлғаниб чиқди. Ҳақиқатан ҳам уйдан бош олиб, узоқ-узоқларга кетворгиси келди.

Болалигида хаёлининг кўчасига ҳам келмаганди. Бир оз улғайиб, оқ-қорани таний бошлаганда онаси билан Раиса холаси пулни тижорат билан эмас «бошқача», шармандали йўл билан топаётганини сезиб қолди. Лекин дарди ичида,

нима қилишини билмай қийналарди. Коллежда ҳам ўртоқлари билан очилиб гаплашолмас, назарида ҳамма уни калака, мазах қилаётгандек туюлиб, одамови бўлиб қолаётганди.

«Дом»га янги кўчиб келган йиллари амакилари, опоқиси, бувиси тез-тез хабар олиб туришарди. Байрамларда, туғилган кунларида уйлари тўлиб кетарди. Бора-бора бутунлай келмай қўйишди. Азамат бунинг сабабини кейинчалик, ақлини таниганидан кейин тушунди. Лекин кўча-кўйда кўпроқ тасодифан Сарвар амакисини учратиб қоларди. Шунда у Азамат билан қучоқлашиб кўришар, ўқишларини суриштириб, албатта қўлига анчагина пул берарди. Бироқ бирор марта ҳам онасини сўрамасди.

Онаси отасининг ниҳоятда яхши одам бўлганлиги, ноҳақ қамалиб, зонада вафот этганлиги ҳақида кўп гапирган. У қанча ўйламасин онаси, амакиси билан қамоқхонага охирги марта бирга боришганлигини эслолмайди. Лекин отасининг кулиб турган суратини катта қилдириб, ётоқхонаси тўрига илиб қўйган, гоҳида узоқ термилиб туриб негадир кўзларига ёш келарди.

Илгарилари онасининг гаплари таъсирида бўлса керак, орган ходимларини ниҳоятда ёмон кўрарди. Лекин кейинчалик, тўғрироғи коллежда ўқиб юрган пайтлари фикри ўзгарди. Сабаби бир куни дарсдан кейин ҳуқуқ-тартибот органи ходимларининг талабалар билан учрашуви бўлди. Йиғилишда кимдир жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғидан «Нима учун шу касбни танлагансиз?» деб сўраб қолди. Шунда ёши тахминан 30–35 ларда, қарашларидан кўпроқ ўқитувчи ёки врачга ўхшаб кетадиган истарали йигит «болалигимда отамни кўз ўнгимда ноҳақ пичоқлаб, ўлдириб кетишган. Мана шу воқеа сабаб бўлиб, шу касбни танлаганман» деганди. Ўшанда унга ҳурмати ошганди, тан берганди.

... Азаматнинг бирдан хаёли жойига келиб

атрофга аланглади-ю, беихтиёр шаҳар четидаги қабристонга олиб борадиган йўл ўртасига келиб қолганлигини англади. У кейинги бир йил ичида юраги сиқилиб қолса дадасининг қабри тепасига келар, билганича тиловат қилгач, узоқ ўтириб отажонига дардини тўкиб соларди. Шунда руҳи енгил тортиб, алам, изтиробга тўлган вайрона қалби ёришгандек туюларди.

У катта-кичик қабрларни оҳиста оралаб ўзига яқин, қадрдон бўлиб қолган сағана олдига чўкди. Дадасининг жойи жаннатда бўлишини Оллоҳдан тилаб, юзига фотиҳа тортаркан кўзларидан дув ёш тўкилди.

«Дадажоним, юрагим қон, зардобга тўлиб, яна ёнингизга келиб турибман. Сиз азоб-уқубатлар билан ҳаётдан кўз юмган кунингиз мен ҳам ўлиб кетсам бўлмасмиди, жон дадажон! Руҳлар доимо уйғоқ, ҳар жойда ҳозиру нозир, дейишади. Мен бунга ишонаман. Сиз ҳамма гапларимни эшитиб турибсиз. Айтинг, нима қилай?!

Онамга «бу шармандали йўлдан қайтинг. Бир бурда қотган нон бўлса ҳам ҳалолу пок йўл билан топиб ейлик» деб қайси тил, қайси юз билан айтаман. Кейинги пайтларда кўча-кўйда юрсам ҳамма мени қўли билан имлаб кўрсатаётгандек, устимдан кулаётгандек туюляпти. Бунақада адои тамом бўлиб, бир куни ақлдан озиб қоламан, дадажоним. Ўзингиз йўл кўрсатинг, нима қилай?!

Азамат тўлиб-тўлиб йиғларди. Юрагидаги ҳадсиз дард-алам кўз ёшларга айланиб ёноқларини ювар, уйга қайтишни хаёлига ҳам келтирмас, отаси мангу маскан топган шу тупроққа бағрини бериб ётгиси келарди.

«Кетишинг керак». У бир сесканиб атрофга аланглади. Кимдир қулоғи остига келиб шундай дедими ёки бу ички даъват қалбидан отилиб чиқдими? «Қаёққа кетаман?» Шу лаҳза коллежда бўлиб ўтган учрашувдаги йигитнинг мулойим, лекин қатъиятли чеҳраси кўз ўнгига

келди. «Болалигимда отамни кўз ўнгимда ноҳақ пичоқлаб, ўлдириб кетишган...». «Ҳа». Унинг фикри бирдан тиниқлашиб, хаёлини бир жойга тўплади. «Тўғри, бу шаҳардан кетишим керак. Лекин дарбадар бўлиб юриш учунмас, ўқишга кириш учун кетаман. Одамлар баланд дор деб аташган ўша жойда ўқийман. Тавба, нимага шу пайтгача бу фикр хаёлимга келмаганикин? Ё ақлим энди киряптими?

Азамат секин қаддини ростлади. У кўз ёшларини кафтлари билан артиб, худди дадаси билан юзма-юз тургандек шивирлади.

«Қошингизда қасам ичиб айтаманки, пойтахтга бориб ўқийман. Аввало, парвардигор, ундан кейин сизнинг руҳи покингиз мадади билан албатта ниятимга етаман. Лекин ҳеч қачон имонимни, виждонимни сотмайман. Сизга муносиб ўғил бўламан. Агар шу сўзларимдан қайтсам, шайтоннинг васвасаларига учиб, нафсимнинг гапига кирсам мендан рози бўлманг, дадажон...»

У яна бир муддат саганага термилиб турди-да, оҳиста юриб қабристондан чиқди. Ажаб, Азамат енгил одимлаб бораркан, қалбини кемираётган алам, изтироб ўрнини қатъий ишонч, ҳаётга иштиёқ, кураш туйғуси эгаллаганлигини ҳис этди.

... Қўнғироқ тугмасини босгач, эшикни очган онаси унга хавотирлик билан қаради.

– Ҳа, бугун ҳаяллаб қолдинг? Менга қара, нимага қовоқларинг шишган? Кўзинг оғрияптими?

– Йўқ, яхшиман. У синиқ жилмайди. – Сизга шундай кўрингандир.

– Овқатинг газда, совитмасдан еб ол.

Азамат овқатланиб бўлгач, онасининг ёнига ўтирди.

– Биласизми, нима қарорга келдим.

– Тинчликми? Лобар ўғлига ҳайрон бўлиб қаради.

– Ўқишга бораман. Тошкентга.

– Яхши, ёзда коллежни битирасан. Институтда

сиртдан ўқийсанми, ахир?

– Йўқ, кундузи ўқийман, «юридический»га бораман.

– Нима?! Лобарнинг оғзи очилиб қолди. – Эсинг жойидами? Биласанми у ерга кириш учун...

– Биламан, «кўкидан керак», демоқчимисиз. Лекин ўз кучи, билими билан ҳам болалар киряпти. Мана, ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор. Ёнимиздаги «дом»да яшайдиган Холмурод амакининг ўғли Дилмурод ўз кучи билан кирди-ку. Аясиям, дадасиям ўқитувчи, уларда кўки нима қилади. Мана, қараб турасиз, ўз кучим билан ўтаман.

Лобар ўғлига меҳр билан тикилди. «Бу фикр хаёлингга қаердан келиб қолди, болам. Кошки эди, ўша жойларда ўқисанг. Мен шўрпешона, гумроҳ онанг, дунёдан беармон кетардим».

У шуларни хаёлидан ўтказаркан киприклари ёшланди.

* * *

Тунги соат ўнларга бориб базми жамшид авжига чиқди.

– Раиса опа, эшитдингизми? – деди коньякнинг таъсиридан юзлари лов-лов ёниб ўтирган Зебо кўзларини катта-катта очиб.

– Нимани?

– Ҳалиги навбатчиликка борадиган Хайрихон бору ҳамшира, ўшани эри ушлавопти.

– Баттар бўлсин. Раиса қошларини чимирди. Бошида эри бўла туриб, дон олишишига бало борми? Эпласа, қўлидан келса юрсин-да.

У шундай дегач, бирдан шарақлаб кулиб юборди. – Менга қаранглар, ҳозир эсимга битта латифа тушди, эшитасизларми?

– Қани? Даврада ўтирган ширакайф йигитлар Раисанинг оғзига қарашди.

– Бир-бири билан жуда иноқ опа-сингил бўлган экан. Бир куни синглиси опасининг уйига келиб ҳасрат қилиб дебди:

– Опажон, сизга жудаям ҳавасим келади. Поччам сафарга кетганда айшингизни суриб юрибсиз. Мениям илинтираман деб кўз тикиб юрганлар кўп-у, эримдан ўлгудек қўрқаман-да.

– Ҳай, ҳай, – дебди опаси синглисини йўлдан қайтариб. – Бу фикрни каллангдан чиқариб ташла. Сени яхши биламан, бу иш қўлингдан келмайди, шарманда бўласан.

Лекин синглиси опасининг гапига кирмай, бир дўкондор йигит билан танишиб, хуфиёна учрашиб юришни одат қилибди. Кунлардан бир куни эри уйда йўқлигида хуштори кириб келибди. Айш-ишрат айни қизиб турган маҳалда бирдан эшик тақиллаб қолибди. «Ким у» дебди эшик олдига боргач, юраги така-пука бўлиб. «Бу, мен, хотин, эшикни оч, ҳамёнимни унутиб қолдирибман» дебди эри. Шунда хотинининг қўл-оёғи дағ-дағ титраб, «опажонимни айтгани бўлди-я» деб уввос солиб йиғлашга тушибди.

Эри «бу нима деганинг, эсингни едингми, очсанг-чи» деган сайин шўрлик хотин «йўқ очолмайман, опамнинг айтгани бўлди» деб дод солармиш. Боши қотган эри қўшни маҳаллада турадиган опасининг уйига бориб бўлган воқеани ҳайрон бўлиб гапириб берибди. Доғули, маккора опа нима воқеа содир бўлганлигини дарров сезибди. Лекин сир бой бермай куёвига ишва билан боқиб дебди:

Сиз мана бу чойнакдаги иссиққина чойдан ичиб туринг, мен ҳозир бориб сабабини билиб келаман.

У шундай дея ғизиллаб бориб эшикни очтирибди-ю, синглисининг ўйнашини чиқариб юбориб, токчада устма-уста тахлаб қўйилган чинни косани қўли билан ағдариб, чил-чил қилибди. Шу пайт ҳовлига кириб келган эр бир синган идишларга, бир ранги рўйи ўчиб титраб турган хотинига қараб ўдағайлабди.

– Нима бўлди ўзи? Эшикни нечун очмадинг?

– Ўргилай куёв, – дебди шунда опаси синглисининг ўрнига жавоб бериб, – мен бунга чинни косаларни устма-уст қилиб тахламагин, ағдарилиб чил-чил бўлса эрингдан калтакка ўласан, деб юз марта айтган эдим. Барибир ўз билганини қилиб, мана оқибатда идишларни ер билан битта қилибди. Шунинг учун сиздан қўрқиб «опамнинг айтгани бўлди» деб эшикни очолмай дағ-дағ титраб турганмиш, бечора.

Буни эшитган эр қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборибди.

– Оббо хотин-е, шугинага қўрқиб эшикни очолмай ўтирибсанми? Бунақанги чинниларнинг мингтаси сенинг бир томчи ёшингга арзимайди, дея хотинига яна меҳри товланиб кетибди.

Даврада ўтирганлар хандон отиб кулишди.

– Эскилар «хотинларнинг хийлаю найранги қирқта эшакка юк бўлади» деб жуда тўғри айтишган, – деди Зебонинг ёнида ўтирган бақалоқ йигит бошини сарак-сарак қилиб. – Ўзига инсоф бермаса темир панжарага қамаб қўйсанг ҳам барибир йўлини топади.

– Менда ҳам битта зўри бор, айтиб берайми, – деди Раисани пинжига олиб ўтирган қотма, қорача йигит қувлик билан.

– Эшитамиз-да, энди навбат йигитларга. Раиса унинг қўлини белидан олиб кўзларини сузди.

– Қадим замонда маккорликда шайтонга ҳам дарс берадиган бир аёл бўлган экан, – деб латифасини бошлади йигит. Ўша жувон бир куни ўзига ўхшаган ҳийлакор хотин билан баҳслашиб қолиб, дебди:

– Биласанми, мен шундай қиламанки, жазманим иккаламиз айш-ишрат қилиб турганимизда эрим тепамда қараб туради.

– Ана энди ошириб юбординг, – дебди дугонаси ишонмай. – Қайси аҳмоқ эр хотини бегона одам қўйнида ётганини индамай томоша қилиб туради. Агар ҳақиқатан ҳам шу иш қўлингдан келса сенга тан бериб, айтган нарсангни олиб бераман.

– Бўпти келишдик, – дебди маккора аёл. – Бўлмаса гап бундай, сен эртага кундузи фалон соатда боғимизнинг фалон хилват жойига келиб кузатиб тур, томошани ўшанда кўрасан.

Ҳийлакор хотиннинг яшайдиган ҳовлиси орқасида каттагина боғи бўлиб, эри ҳар куни тушликдан кейин боғдаги ёнғоқ тагига қўйилган сўрида ётиб дам олишни одат қилган экан. Эртаси куни хотин ярим соат олдин ёнғоқнинг энг баланд жойига чиқиб олиб, эрининг келишини пойлаб турибди. Эр келиб эндигина ёнбошлаган экан, хотини юқоридан туриб бақирибди.

– Ҳой, имонсиз яшшамагур, охириям қўлга тушдинг-ку. Ҳозир пастга тушиб сени ҳам, ўйнашингни ҳам ўлдираман!

Эри юқорига қараб ёнғоқ тепасида турган хотинига кўзи тушиб қотиб қолибди.

– Қанақанги ўйнаш, жинни-пинни бўлиб қолдинг-ми? Қани? – дебди эри ҳайрон бўлиб. – Нимага у ерга чиқиб олдинг?

– Илоё сендай беномус эрни ер ютсин, мени кўзим кўрми? – дебди хотин ёнғоқдан туша бошларкан қарғаб. – Ҳозир икковингга ҳам кўрсатиб қўяман.

У шундай дея пастга тушиб эрининг ёқасига тармашибди.

– Қани ўша мегажин? Қаёққа қочириб юбординг?

– Жон хотин, ўргилай хотин, худо ҳаққи, хоҳласанг қасам ичаман, – дебди эс-ҳушини йўқотган бечора эр. – Бу ерга ҳеч ким келгани йўқ.

Шунда хотини кўз ёш тўкиб дебди.

– Шундоққина кўз ўнгимда қучоқлашиб турувдиларинг-ку! Ё ёнғоқнинг тепасида мени жин-пин чалиб кўзимга кўриндимикин. Қани эржон, сиз ҳам чиқиб кўринг-чи.

Содда эр ёнғоқнинг энг юқори шоҳига чиқиши билан келишувга биноан хотиннинг ўйнаши ҳозиру нозир бўлиб, айш-ишратни бошлаб юборишибди.

– Ё қудратингдан. Ҳой хотин, гапинг рост экан, – дермиш ёнғоқнинг тепасида турган эр ёқа ушлаб. – Бу дарахтда ҳақиқатан ҳам ажина борга ўхшайди. Мени кўзимга ҳам бир йигит билан қучоқлашиб ётганинг кўриняпти.

Даврадагиларнинг ичаклари узилай деб қолди.

– Буниси янги экан, биринчи эшитишим, – деди Раиса қотиб-қотиб куларкан кўз ёшларини артиб. – Бўлди, маза қилдик, турайлик энди, соат ҳам ўн икки бўляпти. Собир ака, бизни ташлаб ўтасиз-а?...

* * *

... Раиса йўлак олдида тўхтаб юқорига – учинчи қават деразасига қараб асаби қўзиди. «Свет йўқ. Фарида келмабди. Қаерда ўтирганикин?! У ўтган ҳафта қизини соат ўн иккига яқин «Бар»дан топиб келган эди. Дам ялиниб, дам дўқ-пўписа уриб, насиҳат қилганди. Нима қилиш керак? Уриб бўлмаса, яқинда ўн еттига тўлди. Дурустроқ, тиниб-тинчиб кетадиган жойдан чиқиб қолса, бир ҳафтадаёқ тўй қилиб, узатиб юборарди.

У шундай хаёл билан юқорига кўтарилиб эшикни очди. «Соат ўн иккидан ўтганда қаердан ахтараман». «Раиса боши қотиб диванга ўтирган ҳам эдики, эшик қия очилди. «Хайрият». У индамай қизининг кириб келишини кутди.

– Қаерларда дайдиб юрибсан? Раиса хонага кириб келган қизига каҳр билан тикилди.

– Дугонамникидайдим. – Қизи бепарво жавоб берди.

– Кимни лақиллатмоқчисан? – У қизининг қўлидан тортиб ёнига ўтқазди. – Ким ўша дугонанг? Қаерда туради? Ҳозир бирга борамиз.

– Ну мам... айтишим шартми? Қизи кўзларини ғалати сузиб ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди.

– Менга қара. Раиса қизининг елкасидан босиб кўзларига тикилди. – Ичдингми? Қаерда эдинг? – деб сендан сўраяпман, ҳайвон!

– Ўртоғимникидайдим, деяпманку!

– Ах, ты сволоч! У қизининг юзига тарсаки тортиб юборди. Буни кутмаган Фарида дивандан ағдарилиб тушди. Лекин йиғламади. Кафтини юзига босиб онасига қаҳр билан тикилди.

– Нимага мени урасиз?

– Нима қилай бўлмаса? Раиса қўл кўтарганига ичида пушаймон бўлса ҳам сир бой бермади. – Пешонангдан ўпиб қўйишим керакмиди. Ўзинг ўйлаб кўр, ёш бола эмассан энди, ўн еттига кирдинг. Эрта-индин узатмоқчиман, сени. Бу юришинг бўлса...

– Ким ҳам сени оларди, демоқчисиз? Полда ўтирган Фарида онасининг кўзига тик қаради. – Барибир мени яхши йигитлар ҳавас қилмайди.

– Нима дединг? Раисанинг юрагини ваҳима босди.

Тўғрисини гапир? Ё битта-яримтаси билан... Раиса у ёғини айтолмай қизига қўрқув билан тикилди.

– Хавотир олманг, юрагингиз ёрилмасин, ҳали ҳеч нима қилганим йўқ. Лекин битта гап айтсам хафа бўлмайсизми?

– Нима демоқчисан?

Тарсакининг зарби, оғриғи юрагига кўчган Фарида очиқчасига ўтди.

– Сени узатмоқчиман, деяпсиз. Кимга? Бутун шаҳар сизни яхши билади-ку. Қайси яхши йигит мени олай, деб кўзи учиб турибди. Биласизми, опам билан поччам ҳам сиздан номус қилиб Фарғонага кўчиб кетишди...

– Бас қил! – Раисанинг ранги оқарди. – Уялмайсанми, онанга шу гапни гапиргани. У бир лаҳза бошини чангаллаб турди-да, бўғиқ товуш билан деди: – Бор, кириб ухла.

У диванга ёнбошлаб кўзларини юмди. «Бутун алами ичида экан-да». Тўғри, шаҳарда кўпчилик мени яхши танийди. Қизимга нима дейишим керак эди. Қандай қилиб ўзимни оқлайман. Гапларимга

барибир ишонмайди.

Раиса ўрнидан секин тураркан биринчи марта юрагида оғриқ сезди. У ошхонага ўтиб музлаткични очди. Юз граммча ичилган арақни олиб пиёлага тўлдириб қуйди-да, бир кўтарди. Сўнгра тарелкадаги салатдан газак қилиб стулга ўтирди. «Қизим тўғри гапирди. Опаси билан поччаси мендан номус қилиб Фарғонага кўчиб кетишган. Худога шукур, куёвим яхши, ориятли йи-гит. Лекин Фаридани нима қилдим? Шу кетишда бир куни бутунлай йўлдан чиқиб кетади. Ё аллақачон...

Йўғ-е, «ҳали ҳеч нима қилганим йўқ» деди-ку. Вой, худойим-е, нима бўляпти ўзи».

У арақдан пиёлага қуйиб яна ичди. Бир оз ўтгач, боши гир-гир айланаётганини, шу аҳволда ўтираверса стулдан ағдарилиб тушишини сезиб зўрға ётоғига кириб, ўрнига чўзилди.

Тун ярмида кўнгли қаттиқ беҳузур бўлиб уйғонди. Ўрнидан аранг туриб верандага ўтди. Юраги беҳаловат бўлиб ҳаво етишмаётганлигини сезиб, деразани ланг очиб юборди. Кўнгли айниб, қаттиқ ўқчиб пастга эгиларкан, бир лаҳза ҳавода муаллақ турганлигини ҳис этди...

... Қўшни «дом»да турадиган Аҳмадали ака азонда масжидга – бомдод намозига кетаётиб, биринчи қават гулзори ўртасида, оппоқ тунги кийимда юзтубан ётган аёлга кўзи тушиб қўрқиб кетди. «Ло ҳавла вало қуввато илло биллаҳ...»

Раисанинг фожиали ўлими Лобарга қаттиқ таъсир қилди. Айниқса, таъзияга келган қариялардан кимдир «Ал қасосул минал ҳақ. Бундай ўлимни «қазойи муллақ» дейдилар. Ҳеч бир бандани жон берарда имонидан айримасин», деган гапи Лобарнинг қулоғига чалиниб ичидан зил кетди. У секин атрофга разм соларкан қўни-қўшнилар, хотинлар, «мана кўриб қўй, қиёматли опажонингнинг аҳволини, кўзингни оч» дейишаётгандек туюлди-ю, жойида ўтиролмай

қолди. Тоби қочаётганлигини баҳона қилиб, секингина уйига кириб кетди.

Лобар Нормуҳаммаднинг жонига қасд қилгандан кейин ҳаловатини йўқотганди. Раисанинг ўлимидан кейин эса бутунлай довдираб қолди. Бунинг устига баъзи миш-мишчи қўни-қўшнилар «ўша куни Раисаларнинг уйида роса маишатбозлик бўлган экан, жанжал чиқиб жазманларидан биттаси балкондан ташлаб юборганмиш» деган гаплари юрагига баттар ваҳима солди. Шу боис у зарур иши бўлмаса кўчага ҳам чиқмас, кун бўйи уйда қамалиб ўтирарди.

Душанба куни эди. Азонда қўнғироқ чалинди. «Каллайи саҳарлаб ким келдийкин?» деган ўйда эшикни очган Лобар ташвишли қиёфада турган укаси Адҳамни кўриб хавотирга тушди.

– Тинчликми? Кир уйга.

– Йўқ, кийиниб тушаверинг, машина бор, дадам оғирлашиб қолдилар.

– Нима? Қачон? Касалхонадамилар? Устидан совуқ сув қуйилгандек Лобарнинг вужуди музлаб кетди.

– Бир ой бўлди, касалхонадайдилар. Кеча кечқурун уйга олиб келдик, хушлари жойида-ю, тилдан қолдилар. Адҳам шундай дея опасига қараб хўмрайди. – Бўлинг тез, мен пастда кутаман.

Лобар апил-тапил кийинаркан укасининг «оғирлашиб қолдилар» деган гапини эслаб жони ҳалқумига келгандек бўлди. «Бир ойдан бери касалхонада ётган экан, нима учун унга хабар беришмади. Укасини охирги марта қачон кўрганлигини эслолмайди. Лекин онаси икки ой олдин келишганда дадаси ҳақида ҳеч нима дейишмаган-ку». Бироқ шўрпешона аёл шу лаҳза бир нарсадан – отаси касалхонада оғир аҳволда ётганда «бу ердалигимни Лобарга айтманглар, келмасин кўришни хоҳламайман», – деганидан хабари йўқ эди.

... Машина ҳовлиларига етмасдан йигирма метрча берида тўхтади. Шунда кимдир кўча эшик тагига сув сепаётганлигини кўриб Лобарнинг қўл-оёғи бўшашди. «Наҳотки!» У тез-тез юриб, ичкарига кириши билан рўпарадаги сўрида ўтирган онаси билан опасига кўзи тушди.

– Дадам қайси уйдалар?

– Меҳмонхонада. Онаси уни бағрига босаркан кўзларидан дув ёш тўкилди.

Лобар оҳиста уйга кирди-ю, хона тўридаги диван-каравотда ётган дадасига кўзи тушди. У секин отасининг бошига келди. «Ухлаяптилар, шекилли. Одам ҳам шунақанги озиб кетадими? Бир бурда бўлиб қолибдилар». У ҳўнграб юбормаслик учун кафтлари билан оғзини беркитди.

Шунда қуйилиб келаётган кўз ёшларидан икки томчиси дадаси бош қўйган ёстиққа томди. «Мана, уни дунёга келтирган, елкасида опичлаб катта қилган дадажониси. Қизалоқлигида она қизим, бийрон қизим деб уни доимо эркалатган суянган тоғи ҳозир бир оғиз сўз айтолмай жони азобда. Нима десин? Дадажон, кўзингизни очинг, бахти қаро, юзингизни ерга қаратган шўрпешона қизингиз келди, десинми? Ё қўлларини ўпиб, оёқларига бош уриб, рози-ризолик тиласинми? Йўқ, айтолмайди».

– Дада, дадажоним. У ҳиқиллаб отасининг пешонасини, юзларини силади. Қодирали ака секин кўзларини очиб, қизига қаттиқ тикилди. Шунда Лобар дадасининг сўниб бораётган нигоҳида меҳр, розилик аломатларини эмас, изтироб, қаҳр ифодасини кўриб, «дод» деворай деди. «Нега келдинг, кўришни хоҳламайман, деган эдим-ку», – дерди унинг кўзлари. «Дийдор қиёматга қолаяпти. Лекин парвардигор охиратда ҳам сени юзингни менга кўрсатмасин».

– Жоним дадам, мени кечиринг, – деди Лобар рози-ризолик тилашга тили бормай.

Қодирали ака бир муддат тикилиб турди-да,

секин кўзларини юмиб қизидан юзини ўгирди. Бу ҳолатга чидаёлмаган Лобар ўкириб ташқарига отилди. Унинг аҳволини кўрган онаси, укаси, яқин қариндошлари шошилиб меҳмонхонага киришди. Орадан ўн дақиқа ўтгач, опасининг аламли фарёди ҳовлини зир титратди. «Охириям ташлаб кетдингиз-ку, суянган тоғим, дадажоним...»

* * *

Бугун сешанба. Шаҳар саноат-деҳқон бозори ҳар кунгидан гавжум. Бу ердан одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин. Фақат пул бўлса бас. Харидорларга молини зўр бериб мақтаётган сотувчилар иложи борича кўпроқ фойда кўрсам дейди. Ибрат кўзи билан бу манзарани кузатган кишининг ёдига беихтиёр шоирнинг:

Бозорга ўхшайда асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди унда ҳам маъни.
Бу иккиси ичра топмадим асло,
Менинг молим ёмон деган кимсани–деб ёзган фалсафий мисралари тушади.

... Азамат ўрта дарвозани ёнлаб ўтиб улгуржи моллар билан савдо қилинадиган бозор томонга бурилди. Шунда картон қутилар юкланган оғир аравачани зўрға тортиб бораётган 12–13 ёшли нозик, рангпар болага кўзи тушиб, бир муддат тўхтади. «Қийналиб кетибди, бечора. Етимчамикин? Отаси бўлганда ўғлини шу аҳволга солиб қўймасди. Шўрлик мактабга боришнинг ўрнига 5–6 сўм топаман деб аравача судраб юрибди. Анави, ёнида қўлини чарм курткасининг чўнтагига солиб кетаётган йигит молнинг эгасига ўхшайди. Озгина ёрдамлашворса нима қиларкин? Йўқ, боланинг қийналаётганлиги билан нима иши бор? Зиғирчаям жони ачимайди. Чунки пулини тўлаган, вассалом».

У кўнгли хира бўлиб бозор дарвозаси олдига

борди. Одам тирбанд. Азамат бир амаллаб ичкарига ўтиб олиш учун уринаётган эди, барзанги бир йигит йўлини тўсди.

– Ҳув, братишка, тўхта, қаёққа, ўн сўм узатиб кет.

– Нимага? – Ҳайрон бўлиб қаради у.

– Осмондан тушганмисан? Кўрмаяпсанми, ҳамма бериб ўтяпти, шунақа, янги қарор чиққан.

Шунда Азамат беш-олти метр нарида ҳам бир йигит бозорга кираётганлардан пул олиб, кейин ичкарига қўяётганлигини кўрди. Лекин бир нарсага ҳайрон бўлди. «Дарвозабон»лар башанг кийинган, бўйинбоғи бор одамларга индамай йўл бериб, ичкарига киритиб юборишар, содда, аксарият, қишлоқдан келган эркак-аёлларнинг йўлларига кўндаланг бўлиб, дағаллик билан пул талаб қилишарди.

«Камбағални туяни устида ит қопибди» деганлари шуда. У ғижиниб барзангининг қўлига ўн сўм тутқазди-да ичкарига ўтди. Сўнгра амакисининг «дўконим бозорнинг охирида, бурчакда, ўтиб тургин», – деган гапини эслади. «Қайси бурчакдайкин?» Азамат таваккал қилиб ўнг томондан юз метрча юриб боргач, озиқ-овқат, қанд-қурс билан савдо қилаётган амакисига кўзи тушиб хурсанд бўлиб кетди.

– Ассалому алайкум.

– Ие, Азамат кел, – деди Сарвар унга кўзи тушиши билан чеҳраси очилиб. – Бу ёққа ўт. У шундай дея ёнидаги ўриндиққа ишора қилди.

– Ўтир.

Амакиси қоғоз қопдаги вермешелдан харидорга бергач жиянига кулиб қаради.

– Қалайсан? Ўқишларинг яхшими? У шундай дегач, бирдан жиддий тортди. – Бу, опоқинг ҳам ўтибдилар, бехабар қолибмиз. Кеча дадам, акам фотиҳага бирга бориб келдик.

Сарвар шундай дегач, гапни яна бошқа ёққа бурди.

– Ўқишингни қачон битирасан?

– Ёзда тугайди. Худо хоҳласа дипломни оламиз. Азамат шундай дегач, амакисига қаради. – Бу йил Тошкентга ўқишга бормоқчиман.

– Тўғри ўйлабсан. Қайси институтга.

– Юридическийга.

– Юридическийга?! Сарвар жиянига тикилди. Шу лаҳза хаёлидан «Э болапақир, баланд дорга осилиб нима қиласан? У ерга кириш осон бўлибдими? Бундайроғига ҳам топширавер, деган фикр ўтган бўлса-да сездирмади. – Жуда яхши, астойдил тайёргарлик кўрсанг кирасан, – деди у далда бериб.

– Тўрт ой вақт қолди. Репетиторга қатнашим керак... Азамат у ёғини айтолмай чайналди. Ҳалиги... ҳозир дарслар ҳам оз. Бўш пайтим кўп. Сизга ёрдамлашиб турсам...

Сарвар Азаматнинг кўзларига тикилди. «Репетиторга боришнинг ўзи бўлмайди. Анчагина пул керак. Очиғини айтгани уяляпти. Акаси ҳам иззат-нафси кучли, ориятли йигит эди. Дадасига тортибди. Тавба, шу пайтгача яхши эътибор бермаган экан. Юз тузилиши онасига ўхшайди. Лекин қош-кўзлари, қарашлари Аваз акасининг худди ўзи». У шуларни хаёлидан ўтказаркан томоғига нимадир тиқилди.

– Мен сени тушундим. – Сарвар Азаматнинг елкасига қўлини қўйди. – Репетиторларингга пулини берамиз. Фақат астойдил бўл. Агар насибанг қўшилиб ўқишга кириб олсанг, бу ёғидан ташвиш тортма, ўзим ўқитаман. Лекин «сизга қарашиб турай» деб вақтни ўтказма, келишдикми?

Азаматнинг кўзларига ёш келди. У шу лаҳзада амакисини маҳкам қучоқлаб олгиси, қалбидаги бор илиқ сўзларни айтиб миннатдорчилик билдиргиси келди.

– Раҳмат, Сарвар ака. Яхшилигингизни ҳеч қачон эсдан чиқармайман. Мана, кўрасиз, худо хоҳласа, албатта кираман ўқишга.

– Омадингни берсин. Илгариям айтганманку, ҳеч тортинмай олдимга келиб тургин деб. Жигаримсан ахир. Сени кўрсам акамни кўргандек бўламан.

У шундай дея бир даста эллик сўмликни олиб унинг чўнтагига солди.

– Бўпти, ҳалиги гап, келишдик-а.

Азаматнинг руҳи енгил тортиб, хушкайфият билан бозордан чиқаркан дарвоза олдида турган барзанги йигитга ўн сўм узатди.

– Чиқаётганлардан олмаймиз, – деди у пулни қайтариб.

– Олиб қўяверинг. Азамат ўн сўмни унинг чўнтагига тиқди. «Дарвозабон» «бу бола ақлдан озганми» дегандек унинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди.

* * *

Салоҳиддин Қодирович тушликка чиқмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ички телефон жиринглаб қолди.

– Эшитаман, хўп, ҳозир. У қабулхонага кириб прокурор хонаси эшигини очиши билан қатор қилиб қўйилган ўриндиқларнинг тўрида ўтирган бегона одамларга кўзи тушиб тараддудланиб қолди.

– Кираверинг, ўтиринг. Улуғбек Обидович бир муддат сукут сақлаб турди-да, терговчига юзланди.

– Соҳибжон, Мирғиёсовнинг ўғиллари экан, – деди ёши тахминан йигирмаларда, бўғдой ранг йигитчага ишора қилиб. – Олий милиция академиясида ўқиркан. Ҳайдар акани яхши танийсиз.

Салоҳиддин Қодирович «ҳа, танийман» деган маъносида бош қимирлатиб, эллик ёшлар чамасидаги, бир оз қорин қўйган, қизил юзли кишига қараб қўйди. Шаҳар корхоналарининг бирида раҳбар бўлиб ишлайдиган бу одам унинг олдига биринчи марта Мирғиёсовнинг фожиали

ўлимидан уч кун кейин асабий ҳолатда кириб келган эди.

– Мен Нормуҳаммаднинг акаси бўламан, – деганди ўшанда у.

– Ҳозир прокурорнинг олдиларидан чиқяпман. Жиноятни очиш сизга топширилибди. Мен тагига етдим. Укам билан бирга ўтирган номард ичқизиб, ухлатиб қўйиб, газни очиб кетган экан. Қотилни ерни тагидан бўлса ҳам топиш керак.

– Биласизми, ўша куни укангиз квартирасида аёл киши билан бирга бўлган.

– Йўғ-е?!

– Шунақа, буни экспертиза хулосалари ҳам тасдиқлади.

– Наҳотки... Дунёни остин-устун қилиб юборишга тайёр турган Ҳайдар бирдан бўшашди. – Ким бўлдийкин? У бир оз пешонасини тириштириб турди-да, ўрнидан оғир қўзғалди. – Хўп, мен борай, келди-кетди бўлиб турибди.

Шуларни хаёлидан ўтказган Салоҳиддин Қодирович «тинчликми» деган маънода прокурорга қаради.

– Бўпти, Ҳайдар ака, маслаҳатлашамиз. Улуғбек Обидович «сизларга жавоб» дегандек ўрнидан турди.

Икковлари ҳоли қолишгач, прокурор терговчига юзланди:

– Салоҳиддин ака, янгилик борми?

– Матлуба Йўлдошевадан кейин гумондорлардан яна иккитасини сўроқ қилиб, экспертизага олиб бордим. Натижа йўқ.

Салоҳиддин Қодирович шундай дея бир оз сукут сақлаб тургач, сўзини давом эттирди.

– Жиноят қидирув бўлимидаги йигитларга ҳам қаттиқ тайинлаганман. Қўшмачилик, фоҳишалик билан шуғулланадиган аёллар ичида органда ишлаб турадиганларим бор. Суриштиришяпти. Лекин менимча оддий одам бўлганда жиноятни очиш осонроқ бўларди. Мирғиёсов катта одам.

Учраган хотинни квартирасига етаклаб олиб боравермаса керак. Яна, ким билади...

– Хўп, гап бундай, – деди прокурор. – Мирғиёсовнинг ўлимига ҳам уч ой бўляпти. «Дело»ни вақтинча ҳаракатдан тўхтатиб туринг. Лекин жиноят қидирув бўлимидагилар қидиришни давом эттиришсин. Кеча бир оилада жанжал чиқиб укаси акасини пичоқлаб қўйибди. Эртадан ўша иш билан шуғулланинг.

Салоҳиддин Қодирович чиқиб кетгач, прокурор ўйланиб қолди. «Шаҳарда пулдор, гапи ўтадиган бешта одам бўлса биттаси шу Ҳайдар». «Укамни қотилини топмасдан қўймаймиз», деган эди у, Мирғиёсовнинг ўлимидан кейин унинг олдига келиб. «Шаҳарда юлдузни бенарвон урадиган укахонларимиз бор. Ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди».

Ўшанда Улуғбек Обидович «бу фожиада аёл кишининг қўли бор экан, аниқладик», деган гапни айтмаган эди. Орадан бирор ой ўтгач, Ҳайдар яна унинг қабулига кирди. Лекин бу сафар олдинги шаштидан асар ҳам йўқ.

– Терговчингиз билан ҳам учрашиб, гаплашган эдим, – деди у бўшашиб. – Бу ишга хотин киши аралашганмиш. Ҳайрон бўлиб қолдим.

У бир оз ўйланиб тургач, чуқур нафас олди-да, гапини давом эттирди.

– Улуғбек Обидович, хўп, қотил топилдиям дейлик, ундан кейинчи? Шаҳарда гап-сўз кўпаяди. Шусиз ҳам одамларнинг оғзида ҳар хил миш-миш. Оиламиз шаънига яхши бўлмайди. Жияним, укамнинг ўғли янаги йил олий милиция академиясини битиради. Унинг келажагиниям ўйлашимиз керак.

Прокурор Ҳайдар гапни нима учун айлантираётганлигини тушунди. Албатта, ака укасининг маишатпарастлигидан яхши хабардор бўлган. Шу боис у «қотил аёл киши экан, жиноят очилса, ўз-ўзидан нима учун ўлдирганлиги маълум

бўлади. Хуллас, шаҳарга дув-дув гап тарқайди. Яхшиси ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверсин», демоқчи бўляпти.

– Ҳайдар ака, тўғри, қотилнинг аёл бўлганлиги аниқ, – деди Улуғбек Обидович. – Ўтган сафар келганингизда терговчидан биларсиз деб индамагандим. Бу иш билан жиноят қидирув бўлимидагилар ҳам қаттиқ шуғулланишяпти. Жиноятни очишимиз керак. Мирғиёсов кичкина одаммас.

Ўшанда Ҳайдар очиғини гапиролмай каловланиб чиқиб кетган эди. Бугун эса жияни билан бирга келиб кўнглидагини рўйирост айтди.

– Укамизнинг қисмати шу экан. Қариндош-уруғ, ёру биродарларга «Сув тўла чойнакни плитага қўйиб, ухлаб қолган экан, қайнаб, тошиб газни ўчирибди» деб қўя қолдик.

Албатта, Улуғбек Обидович Ҳайдарнинг «Ҳадеб кавлаштириб суриштиравермаслар, майли бизга қолса қотилнинг топилмагани маъқул» деган маънода гапирганлиги учун делони вақтинча ҳаракатдан тўхтатмаганди. Сабаби тергов ҳаракатларини олиб бориш учун берилган муддат тугади. Бунинг устига иш ниҳоятда кўп. Шаҳарда жиноятчилик камаймаяпти. Мирғиёсовнинг ўлими билан боғлиқ бўлган жиноят кутилмаганда бирор тасодиф билан очилиб қолиши ҳам мумкин. Бунақаси бўлиб туради. Барибир бу иш доимо унинг назоратида.

* * *

Лобар эрталаб боши оғриб уйғонди. У қўл-бетини ювиб, газга чой қўйди-да, ўғли ётган хонанинг эшигини қия очди.

– Азамат тур, ўқишингдан кечга қоласан.

«Ўн иккидан кейин ҳам чироғи ёниқ эди, қачон ухладийкин? – хаёлидан ўтказди у стол устига дастурхон ёзаркан. Юридическийга бориш калласига қаёқдан келиб қолди ўзи? Биринчи

қаватда турадиган Насибахон яқинда гапдан-гап чиқиб «тоғам ўтган йили ўғилларини олиб бориб ҳам жойлолмай келдилар» деганди. Лекин Азаматнинг гапи ҳам рост. Холмурод аканинг кенжаси ўз кучи билан кирди. Ҳақиқат ҳам бор экан».

Кейинги бир ойнинг ичида ўғлининг суроби тортилиб қолди. Ўқишдан келиб бир-икки пиёла чой ичган бўлади-ю, хонасига қамалиб олиб, алламаҳалгача китоб титкилайди. «Эй худойим-е, ишқилиб болагинамнинг юзини ёруғ қилгин, ноумид қўймагин».

... Бир йил бўлди. Азаматнинг феъл-атвори ўзгариб қолган. У илгаригидек онаси билан очилиб-ёзилиб гаплашмас, дастурхон устида ҳам худди бегоналардек ўтиришарди. Лобар бунинг сабабини билар, шу боис кун сайин эзилиб тобора ич-ичини ерди.

Она-бола ҳам ҳар кунгидек индамай нонушта қилишди.

– Ая, – деди Азамат қўлидаги чойни ичиб, пиёлани дастурхон устига қўйгач. – Бугун дарсдан чиқиб репетиторга бораман. Кечроқ қолсам хавотир олманг.

– Хўп, агар ўқитувчинг пул сўраса уйда бор, олиб бориб бергин.

Азамат бир лаҳза индамай турди-да, сўнгра деди:

– Керакмас, амаким билан гаплашдим, ўзим ёрдам қиламан, дедилар.

– Қайси амакинг? Лобар ҳайрон бўлиб ўғлига қаради.

– Сарвар акам, бозорга, олдиларига ўтгандим.

– Барака топсин. Амакиларинг жудаям яхши одамлар. Унинг кўзларига ёш келди.

«Сиз-чи?» Азамат онасига тикилди. «Яхши одамлар бизникига нега келмай қўйишди? Сабабини ўзингиз яхши биласиз. Маҳаллада, тенгқурларимнинг орасида бош кўтариб

юролмай қолдим-ку? Қайси йўл билан пул топаётганингизни ўйласам бир бурда нонни ютиб олиш мен учун қанчалик азоб бўлаётганлигини сезасизми? Қўшнимиз, касалхонада «фаррош» бўлиб ишлайдиган Санобархон опага осонми? Бирамас, иккита етим боласини ҳалол йўл билан боқяпти-ку. Тўғри, уч кунда бир тунгги навбатчиликка боради. Бўш кунлари печенье, сомса қилиб бозорга олиб чиқади. Яхши еб, яхши кийинмасаям, одамларнинг олдида юзи ёруғ. Сиз-чи?»

Менга бундай таънали кўз билан қарама, жон болам. Ўзи шундоғам, шу кунларда ўлимимга мингдан-минг рози бўлиб юрибман».

«Аяжон! Мениям ўйланг. Эртадан кейин қайси ор-номусли оила қизини менга беради? Дадажонимнинг ҳам руҳи поклари чирқираб кетди-ку. Тавба қилинг, ўзим сизни бошимга кўтариб юрай».

Она-бола сўзсиз суҳбат қуришгандан кейин Азамат ўрнидан турди.

– Бўпти, мен кетдим.

«Ҳаммасига ўзим айбдорман». Лобар диванга ҳолсиз ўтирди. «Ўзимни ўтга, чўққа уриб бўлсаям, ҳалол кун кечиришим керак эди. Тўғриси, жонимни койитгим келмади. Бундайроқ ишни қилгани бўйним ёр бермади. Мана, оқибати... Азамат ҳам энди ёш боламас, ҳаммасини билиб, сезиб юрибди. Фақат юзимга айтолмайди, холос. Дарди ичида».

У секин ўрнидан туриб ғаладондан бош оғриқ дори олди. Шунда беихтиёр ойнага кўзи тушиб, юраги «шув» этиб кетди. «Шу менми?» Кўзгудан бундан уч ой олдинги – жоду кўзли, таранг, силлиқ юзлари қирмизи олмадек латофатли Лобар эмас, касалхонадан эндигина чиққандек сўлғин чеҳрали, нигоҳлари мунгли бир аёл унга термилиб турарди. «Адо бўлибман-ку». У пиёлага чой қуйиб дорини ичди-да, диванга ёнбошлаб бошини чангаллади. Шунда отасининг сўнгги

дақиқалардаги ҳолати яна кўз ўнгида гавдаланиб, инграб юборди. «Дадам мендан юзларини ўгирдилар, рози бўлмай кетдилар. Бундан кўра ўлганим яхшийди.

Лобар кўзларини юмиб, бир муддат хаёлга толди. Шунда ўнинчи синфни битириш арафасида бобоси айтиб берган бир ҳикоят беихтиёр ёдига тушди. «Бир йигит узоқ сафардан қайтаётган экан. Баланд тоғ ёнбағридан ўтаётса, бир киши дўппидеккина келадиган тошни ердан зўрға узаётганмиш.

Йигит бирпас уни кузатибди. Бояги одам ҳалиги тошни қўйиб, ундан каттароғини қийналмайроқ кўтарибди, сўнгра уни ҳам улоқтириб, тўрт пуд келадиган харсангтошни даст кўтариб боши узра баланд тутибди. Уни кузатиб турган йигит бу ҳодисадан таажжубга тушибди. Юртига қайтгач, бир донишманддан бу воқеанинг сирини сўрабди.

– Ўғлим, – дебди донишманд. – У кўрганинг тош эмас, гуноҳ юки. Одамзод нопок ишга биринчи маротаба қўл урганда гарчи арзимаган, кичкина бўлса-да виждони қийналади, изтироб чекади. Иккинчи мартасида бир оз кўникади. Бора-бора одамийлигини бутунлай йўқотиб, ҳар қандай оғир гуноҳ юкини ҳам бемалол елкасига оладиган, қабиҳ ишлардан қайтмайдиган бўлади».

Лобарнинг кўзларидан дув ёш тўкилди. Ўшанда бобоси айтиб берган бу ибратли ҳикоянинг моҳиятига тушунмаган экан. Мана энди...

Шу пайт эшикнинг очилиши унинг хаёлини бўлди.

– Опа, уйдамисиз?

Қўшниси Санобарнинг овозини эшитган Лобар шошиб ўрнидан турди.

– Келинг, кираверинг. У кафтлари билан кўз ёшларини артиб, ичкарига таклиф қилди. – Бормисиз, ён қўшни бўла туриб ҳам мунча кўринмайсиз?

– Рўзғор, болаларнинг ташвиши билан бир

дақиқа ҳам вақтим йўқ. Ўзингиз биласиз-ку, эрталаб навбатчиликдан келаману, бозорга югураман. Ҳали у кам, ҳали бу кам.

Санобарнинг шунчаки беғараз, самимий айтган бу гапи Лобарга тегиб кетган бўлса-да, сездирмади.

– Ҳа, ҳозирги кунда рўзғор тебратиш осонми, – деди хомуш тортиб.

– Лобар опа, сизнинг олдингизга бир маслаҳат билан чиқувдим, – деди Санобар мақсадга ўтиб. – Ўтган ҳафта Фарғонадан акам келгандилар. «Ишимни Кўқонга кўчиряпман, квартирамни алмаштирмоқчиман, сенам суриштиргин», – деб тайинлаб кетишди. Сизниям таниш-билишларингиз кўп. Алмаштираман деган одам бўлса...

– Уйлари неча хоналик?

– Икки хоналикда туришади.

Шунда анчадан буён ўйлаб юрган режаси «лоп» этиб ёдига тушади.

– Бизни уй билан алмаштиришмайдими?

– Нима? – Санобар кўзларини катта очиб, Лобарга ҳайрон бўлиб қаради. Ҳазиллашмаяпсизми? Шундай яхши квартирангизни-я?

– Нима бўпти, мен жиддий гапиряпман. Санобарнинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди. Қани энди, акаси ёнида бўлса. Лекин ҳақиқатан ҳам Фарғонага кетмоқчимикин? У шуларни хаёлидан ўтказаркан қўшимча қилди.

– Биласизми опа, акам ўзингни ён-веригдан яхши жой бўлса бир-икки юз минг қўшиб ҳам бераман, дедилар.

– Акангиз яна қачон келишади?

– Уйда телефонлари бор. Агар хабар қилсам шанба ёки якшанба куни...

– Яхши, кечқурун бизникидан телефон қила қолинг. Келиб уйимизни кўришсин. Лекин бир ойдан кейин, Азаматнинг ўқиши бор, битириб олсин.

– Бўпти, опа, мен чиқай, печенье пишираётган эдим. Хурсандчилигидан терисига сиғмаётган Санобар Лобарга таажжуб билан яна бир қараб қўйди-да, ўрнидан турди.

... Лобар Фарғонага айни ёз чилласида кўчиб келди. Санобарнинг акаси, Каримжон Лобарнинг уйини кўздан кечиргач «квартирангиз шаҳар марказида, яхши жойда экан, биз турган жой Фарғонанинг сал четроғида, сизга ёқармикан», деган эди ўйланиб.

Лекин у Каримжоннинг уйини бориб кўрмади. «Квартирамиз сизга ёққан бўлса бўпти, келишдик» деди гапни қисқа қилиб. Чунки у шу кунларда дашти карбалога кетишга ҳам тайёр, фақат бутун фикри хаёлини қамраб олган «ҳамма мени таъқиб, маломат қиляпти» деган ўйдан тезроқ қутулиб олса бўлгани эди.

У қатъий бир қарорга келгач, Азамат «йўқ, ҳеч қаёққа бормаймиз» деб оёқ тираб олса-я, дея хавотирга тушганди. Лекин ўғли бу гапни эшитиб «бўпти, ая, кўчиб кетганимиз яхши бу ердан», – деди аксинча хурсанд бўлди.

Каримжон ҳам олийжаноб, мард йигит экан. Уйни алмаштириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни расмийлаштиришни ўз зиммасига олди. Ҳамма иш тўғри бўлгандан кейин эса унга яна 150 минг сўм нақд берадиган бўлди.

Охунбобоев номли мавзедаги янги жойда Лобарнинг биринчи танишган одами ён қўшниси Фазилатхон опа бўлди. Ўрта бўй, оқ юзли, ёши тахминан 40–45 ларда бўлган бу аёлнинг касби ўқитувчи экан. Лобар ўз ҳаёти давомида кўп давраларда ўтирган, турли тоифадаги хотинлар билан суҳбатлашган, танишган эди. Лекин юз-кўзларидан нур ёғилиб турувчи бундай фариштали аёлни ҳеч қаерда учратмаганди. У билан яқиндан танишиб, ярим соатгина қилган суҳбатининг ўзидаёқ Фазилат опа уни бутунлай ўзига ром этди, қўйди.

– Туҳмат балоси ёмон, – деди у Лобар эри ноҳақ қамалиб, зонада вафот этганлиги ҳақида гапириб берганида ачиниш билан. – Ножўя иш қилиб, жазога тортилган киши «қилмишимга яраша азоб тортяпман-да», – деб тақдирга тан беради. Лекин айбсиз айбдор бўлиб турмада ўтирган одам ўз-ўзини еб қўяди.

Фазилатхон опа бир оз сукут сақлаб тургач, гапини давом эттирди.

– Бизнинг бошимизга ҳам озгина ташвиш тушган. Болаларнинг дадаси антеннани тўғрилаётганда балкондан йиқилиб, умуртқалари шикастланган. Қаратмаган дўхтиримиз қолмади. Мана уч йил бўлди, туролмайдилар, бир жойдалар. Лекин борларига, биз билан ўтирганларига минг марта шукур. Ноумид шайтон, худо шифосини берса ҳеч гапмас.

Лобар бу фидойи, садоқатли аёлга ҳайрат билан тикилди. Чунки у эрлари оғирроқ дардга чалиниб, ишга яролмай қолганда уни ўз ҳолига ташлаб қўйган ёки бошқаси билан дон олишиб кетган хотинларни кўп кўрган эди. «Шу опанинг ўрнида мен нима қилган бўлардим», ўйлади у. «Агар Аваз акам ўлмай қамоқдан ногирон бўлиб қайтганларида бир умр хизматларини қилишга иродам етармиди? Билмадим...»

– Ғам, ташвишлардан гапириб сизниям юрагингизни сиқиб қўйдим. Фазилат опа Лобарга қараб жилмайди. – Келинг, бошқа нарсадан гаплашайлик. Касбингиз нима? Қаерда ишлагансиз?

Кутилмаганда бу саволдан Лобар гангиб қолди. «Нима десин? Касбим фоҳишалик. Эркакларнинг кўнглини овлаб, ҳирсини қондириб пул топганман» десинми.

– Тикувчилик фабрикасида ишлаганман, – деди у қўшнисининг кўзларига қараёлмай.

– Жуда яхши. Чеварчилик қўлингиздан келадими?

– Йўқ унчаликмас.

– Фарғонада сизбоп, дурустроқ иш топиш қийин, – деди Фазилат опа бир оз ўйланиб тургач. – Мана, ўзимни олайлик. Ўқитувчиликнинг ойлиги билан ҳозирги кунда рўзғор тебратиб бўладими? Мактабдаги дарсимни ярим «ставка» қилиб олганман. Тижоратчи хотинлар билан ҳафтада бир марта Қорасувга қатнайман. Озгина қийинчилиги, йўл азоби бор-у, ҳар ҳолда тирикчилигимиз ўтиб турибди. Агар хоҳласангиз сизниям бирга олиб бораман.

– Кошкийди. Лобар севиниб кетди.

– Лекин бунинг учун озгина дастмоя керак бўлади.

– Дастмоям бор, – деди у Санобарнинг акаси берган пул ёдига тушиб шоша-пиша.

– Жуда яхши, мени бозорда савдо қиладиган жойим бор. Ўша иккаламизгаям етади. Мана, ўғлингиз ҳам катта йигит бўлиб қолибди, сизга қарашиб туради.

– Азаматжон бу йил коллежни битиради, – деди Лобар фарзандидан гап очилганига хурсанд бўлиб. – Энди Тошкентга, юридическийга бораман, деб тайёргарлик кўриб ётибди. У ерга кириш осонми? Бундайроғига топширавер десам кўнмаяпти.

– Ажойиб, ақлли ўғлингиз бор экан, кўриниб турибди. Бизнинг касбимиз шунақа, бир кўришда, бир-икки оғиз гаплашганда боланинг қанақалигини билиб оламиз. Раъйини қайтарманг. Худо хоҳласа, албатта ниятига етади.

– Илойим айтганингиз келсин. Лобарнинг кўнгли ёришиб кетди.

– Ўзингизда болалардан нечта? Катта бўлиб қолишгандир?

– Иккита ўғлим бор. Ака-укалар шу ерда каттаси университетда, кичиги политехнический институтда ўқийди. Опоқисининг тоблари йўғиди, кўргани кетишган. Ҳали-замон келиб қолишади.

Бўпти, синглим, уйга чиқай энди. Тортинмай, бемалол кириб туринг, ён қўшни, жон қўшни дейишади.

Фазилат опа шундай дея Лобарга меҳрибончилик билан қараб қўйгач, ўрнидан турди.

* * *

...Улар ўтирган автобус Андижоннинг «Боғи шамол»ига саҳар соат тўртларда етиб келди.

– Мана энди пастга тушиб нонушта қилиб олсак ҳам бўлади, – деди Фазилат опа ёнма-ён ўтирган Лобарга ўгрилиб. – Қорасувгача яна икки соатлик йўл қолди. У ерда югур-югур билан хотиржам ўтириб чой ичишга қўл тегмайди.

– «Боғи шамол» деганлари шу ер экан-да. Лобар автобус ойнасидан ташқарига қаради. – Келганлар мақташарди, лекин мен ҳеч бўлмаганман.

– Ажойиб, баҳаво, чиройлик жой. Нонушта қилиб олгунимизча тонг ҳам ёришиб қолади, ана ўшанда кўрасиз. Қани, тушдик. Сиз нон билан термосдаги чойни кўтаринг, мен тоғорачадаги овқатни оламан.

Бундай сафарга биринчи маротаба чиққан Лобар 30 чоғли тижоратчи аёллар қаторида автобусдан тушиши билан кишига ҳузур бахш этгувчи муздек шабада юзларига урилди. Улар қатор чироқлар ёғду сочиб турган зинапоядан юқорига кўтарилишаркан Лобарнинг кўзи Мирзо Бобурнинг салобатли ҳайкалига тушди. Шунда муҳташам бу ёдгорликнинг очилиш маросимини телевизор орқали кўрганлигини эслади. «Бу ердаги ошхона чойхоналар кечаю кундуз очиқ бўларкан-да» ўйлади у хизматчиларнинг елиб югураётганлигини кузатаркан. «Лекин ҳақиқатан ҳам баҳаво, озода жой экан». Шу пайт ҳамсафар аёллардан бирининг шўх-шодон овози унинг хаёлини бўлди.

– Фазилат опа, ўтган сафарги сўримизда ўтирайлик, сувнинг бўйи, шунақанги маза жой эканки...

– Бўпти юринглар, ўша ёққа ўтамиз. Улар сўрилардан жой олишиб, «очил дастурхон»ларини ўртага қўйишди.

«Ҳа, Фазилат опанинг гаплари тўғри» хаёлидан ўтказди Лобар даврадагиларга зимдан назар соларкан. «Мана, ҳали ўзингиз кўрасиз, шерикларимизнинг ҳаммаси бамаъни, яхши хотинлар», – деган эди қўшниси сафарга чиқишдан олдин. «Кўпчилиги ўқитувчи ёки фақат тунгги навбатчиликка борадиган ҳамшира аёллар. Уч-тўрт марта бирга қатнасангиз худди опа-сингилдек яқин бўлиб кетасиз».

Лобарнинг Қўқондаги дугоналари билан бўладиган ўтиришларида Россияда ойлаб қолиб кетадиган ёки чет элга қатнайдиган аёллардан баъзиларининг ишқий саргузаштлари ҳақида гоҳида гап кетиб қоларди. Шунда даврадагилардан баъзилар «Ҳе, башараси қурсин, шарманда» деб қоралар, айримлар эса «беш кунлик дунё, ажаб қилади, ҳамма айб эрида, рўзғорни таъминлаб қўйса, худо деб бола-чақасининг олдида ўтиради» деб уларни оқлаган бўларди.

«Кўриниб турибди, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ор-номусли аёллар. Мен-чи? Кимлигимни, бир одамнинг қотили эканлигимни билишса, нима қилишаркин?» Хаёлига келган ногаҳоний бу фикрдан Лобарнинг ўзи ҳам қўрқиб кетди.

– Лобархон, – деди Фазилатхон опа унинг елкасидан қучиб. – Мунча ўйланиб қолдингиз? Тортинмай, ёзилиб ўтиринг.

– Кемага тушганнинг жони бир энди, опа. Рўпарасида ўтирган кулча юзли, ўттиз ёшлар чамасидаги ёшгина жувон унга қараб кулди. – Ё пушаймонмисиз?

– Йўғ-е, нимага? Лобар дарҳол ўзини қўлга

олди.– Мениям ёнингизга олинг деб Фазилат опага ўзим айтганман.

Ҳамсафарлар ҳазил-ҳузул билан нонушта қилишгач, дастурхонга фотиҳа ўқишди.

– Анави автобус қўқонликларники, – деди Фазилат опа пастга тушишгач, қатор турган машиналардан бирини кўрсатиб. – Балки танишларингизни учратиб қоларсиз?

Лобар «ялт» этиб қўшнисига қаради-ю, «ҳақиқатан ҳам мени биладиган битта-яримтаси кўриб қолса-я» деган қўрқувда индамай ўзларининг автобуслари томон шошилди.

«Қўқонликлар ҳам бор экан-да». Автобус ўрнидан қўзғалгач, Лобарнинг юрагига ғулғула тушди. «Наҳотки бундан буён бутун умрим қўрқув, ҳадик билан ўтса...»

– Мана, Қирғизистоннинг чегарасигаям етиб келдик. Энди бу ёғи чет эл. Фазилат опанинг ҳазил-мутойиба оҳангидаги гапи Лобарнинг хаёлини бўлди. – Қорасувгача озгина қолди. Айтиб қўяй, ёнимдан бир қадам ҳам жилманг, пулингизга эҳтиёт бўлинг, бозорда киссавурлар бор.

Чегарадан ўтиб ярим соатча йўл босишгач, автобус Қорасув бозори биқинидаги машина тураргоғида тўхтади. Иккита-учтадан катта сумка олволган тижоратчилар машинадан тушибоқ жуфт-жуфт бўлишиб тарқалишди.

– Ҳув анавиларни кўряпсизми? – деди Лобарни қўлтиғлаб олган Фазилат опа вагон-уйчаларга ишора қилиб. – Улгуржифурушлар ўша ерда савдо қилишади. Товарни ўшалардан оламиз. Бу сафар кўпроқ болаларбоп кийим-кечак, туфли харид қиламиз. Чунки яқинда мактаб бошланади. Қани юринг тезроқ, пулингизга эҳтиёт бўлинг. Август ойи охирлаб бораётганига қарамай чошгоҳга яқин офтоб худди саратондагидек қиздира бошлади. Бозорда одам тиқин, игна ташласа ерга тушмайди. Болалар кийим-кечаклари билан

лиқ тўла сумкаларни кўтариб, автобусга олиб чиққунларича Лобар қора терга ботди.

– Энди туфли бозорига ўтамиз, – деди Фазилат опа бир оз нафасларини ростлашгач. – Соат биргача оладиганимизни олишимиз керак. Иккида автобусимиз жўнайди.

Дарҳақиқат, соат иккига қолмай тижоратчи аёлларнинг барчаси автобусдан ўрин олишди. Машина тураргоҳдан чиқиб катта йўлга ўтгач, ёши тахминан 50 лар атрофидаги қорача аёл ўрнидан турди.

– Қани, узатинглар бўлмаса, ставка ўша, ўтган сафарги, – дея бир бошдан пул йиғиштира бошлади.

– Минг сўм тайёрланг, – деди Фазилат опа ёнида ўтирган Лобарга ўгириларкан кулиб. Сўнгра унинг «нимага?» деган маънода қараб қўйганлигини сезиб ҳазил қилди.

– Йўлда мункар накирлар бор, ўшаларни рози қилишимиз керак.

– Қанақа мункар накир? Лобар таажжуб билан тикилди. Уларнинг суҳбатларини олдинда ўтириб эшитиб кетаётган аёллар шарақлаб кулиб юборишди.

– Божхонадагиларга узатишимиз керак. Фазилатхон опа Лобарнинг ноқулай аҳволга тушиб қолганлигини кўриб елкасидан қучди. – Қоидаси шунақа, бўлмаса қонунни пеш қилиб жонингиздан тўйдириб юборишади.

... Автобус Фарғонага шомга яқин етиб келди. Улар шоҳбекатда қатор турган таксилардан бирига юкларини жойлашди. «Азаматжон келдимикин?» Машина Охунбобоев мавзейи томонга бурилгач, тест натижаларини билиш учун Тошкентга кетган ўғлини ўйлаб Лобарнинг юраги орзиқди.

«Ая, тўқсон фоизини тўғри ечдим», деган эди Азамат тест синовларини топшириб, уйга қайтган куни кўзлари чақнаб. «Фақат инглиз тилидан берилган саволларнинг 5–6 тасига

белгилаганларимга гумоним бор. Тарих, тил-адабиётдан берилган саволларга юз фоиз тўғри жавоб топганман».

Тижоратчиларни йўлак олдида Азамат билан Фазилат опанинг катта ўғли Жамшид кутиб олишди. Юкларни машинадан туширгач, Лобар ўғлига жавдираб тикилди. «Ўтолмабди». Хаёлига «ярқ» этиб шу фикр келди. «Кирганда мени кўриши билан суюнчи оларди». Азамат Жамшидга кўзини қисиб қўйди-да, муғамбирона жилмайди.

– Ая, ўқишинг нима бўлди, деб сўрамайсиз-а?

– Тўғриси, сўраганиям қўрқяпман, болам, ўзинг айтарсан деб...

– Ўтибман, аяжон ўтибман. 203! Юқори балл билан. У шундай дея онасининг бағрига отилди.

– Вой, ростданми? Лобар довдираб қолди. – Нимага келишим билан айтмайсан. Ёрилиб кетмаганингни, ҳақиқат ҳам бор экан, худойимга беадад шукур.

* * *

Тонг қоронғисида майдалаб ёға бошлаган ёмғир чошгоҳга яқин тинди. Сўнгра этни жунжуктирадиган муздек, майин шабада эсди-ю, кўп ўтмай осмон тиниқлашиб, баҳор қуёши бутун борлиқ узра ўзининг заррин нурларини соча бошлади. Кун пешиндан оққач, институтга яқин бўлган Амир Темур хиёбони яна ҳар кунгидек йўловчилар, сайёҳлар, талабалар билан гавжумлашди.

Охирги дарсни ҳам тугатиб, ҳардамхаёллик билан ташқарига чиққан Азамат бир дақиқа ўйланиб турди-да, хиёбон томон аста одимлади.

«Нима қилай, кутубхонага бугун ҳам борайми?» – ўйлади у.

«Келмаса-чи, айб ўзимда латталик қилдим. Иккинчи марта учратганимда сўрашим керак эди. Ким ўзи? Қаерда ўқийди?»

У навбаҳор мисоли гул-гул очилиб, товланиб, хандон отишиб кетаётган қизларни кузатиб

бораркан ўзи севган шоирнинг қўшиққа айланиб кетган мисралари беихтиёр ёдига тушди:

... Узоқларда залворли тоғлар,
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар.
Васлинг менга бўлмади насиб.
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб.
Сен баҳорни соғинмадингми?...

«Ие, тўхтанг иштаҳангиз карнай-ку», – деди бирдан хаёлини тўплаб мийиғида кулиб қўяркан ўзига-ўзи. «Биринчи курсда, мана шу соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳайкали олдидаги ўриндиқда ўтириб нима деган эдингиз?! Қизларга илакишмайман, ўткинчи ҳою ҳавасларга берилмайман. Институтни битириб, камида 3–4 йил ишлайман, ҳаётда ўз ўрнимни топаман. Севги-муҳаббат, оила масаласи ундан кейин, деб азму қарор қилган ким эди? Ўқишни битириб, диплом қўлга тегишига уч-тўрт ой қолганда нима жин урди? Ўпкани босинг йигит, кўрпага қараб оёқ узатиш керак».

Азамат хаёлига келган фикр-мулоҳазаларни ақл тарозусига қўяркан, кўксидаги бетоқат ураётган қалби тилга кирди: «Нима қиласан ўзингни қийнаб. Ўша қиз бир қарашда юрагингга чўғ ташлаб кетди-ку. Севиш, ошиқлик гуноҳми? Донишмандлар «йигит кишига энг аввало муносиб умр йўлдоши, садоқатли ёр керак», дейишган. Мана шу қиз балки сенинг бахтингдир. Қалбингга қулоқ сол, кейин бир умр пушаймон бўлиб юрма»...

– Азамат! – У худди юзига биров сув сепгандек ҳушёр тортиб орқасига ўгирилди.

– Адашмадимми? Ўзингмисан? Азамат баланд бўйли, қорача, қотмадан келган йигитга бир муддат тикилиб турди-да, бирдан чеҳраси ёришди.

– Даврон! Муни қара-я, танимабман! Улар қучоқлашиб кетишди.

– Мен ҳам аввалига танимадим, – деди Даврон уни қўлтиғлаб, йўл четига бошларкан. – Ёнимдан ўтиб кетганингдан кейин «Азаматга ўхшайди-я» деган хаёлга бордиму таваккал отингни айтиб чақирдим. Ўзгариб кетибсан. Кўришмаганимизга қанча бўлди?

Азамат бир оз ўйланиб тургач: – Беш-олти йил, – деди кулиб. – Мен тўққизни битириб коллежга кирганимдан кейин кўча-кўйда тасодифан уч-тўрт марта учрашгандик. Синфдошларни кўриб турасанми? Юр анави ерга, «скамейка»га, бирпас гаплашайлик.

– Оббо сен-е. Улар ёнма-ён ўтиришгач, Даврон Азаматнинг елкасига қўлини қўйди. – Коллежни битирдингми? Бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Ўқишни яна озгина чаласи бор экан, шу ерда давом эттиряпман. Азамат институт биносига ишора қиларкан жилмайди.

– Нима?! Даврон кўзларини катта-катта очиб дўстига тикилди. – Юридическийда ўқияпсанми?! Қойил! У шундай дегач, Азаматга кўзини қисди. – Менга қара, ўғил бола гап, ростини айт, «кўк»идан қанча узатдинг?

– Анча, бир қоп. Азамат кулиб юборди. Сўнгра Давроннинг кўзларига жиддий тикилиб, деди: – Тўғрисини айтсам, мана, тепада худо бор, ўз кучим билан кирдим, ишонасанми? Қани энди ўзингдан гапир? Бу шаҳри азимга қайси шамол учирди.

– Қўқон шамоли. Учириб тўппа-тўғри университетнинг журналистика факультетига олиб келиб ташлади, – деди Даврон ғурурланиб.

– Яшшавор, зўр бўлибди, энди айтсинлар-чи, ўзлари қанча узатдилар?

– Биз ҳам бир қоп. Икки дўст хохолаб кулиб юборишди.

– Биласанми, – деди Даврон мириқиб кулиб

олишгач, юзига жиддий тус бериб. – Биринчи йили контрактга тушиб қолдим. Дадам «майли, бир амаллаб ўқитамиз» дейишди-ю, лекин ўзим хоҳламадим. Ўзлари оддий врач, ойликчи одам, қийналиб қолишарди. Иккинчи йили тестларини синдириб қўйдим, оғайни. Ўзиям, бир йил кўчага чиқмай тайёргарлик кўрдим. Ҳозир учинчи курсман.

– Мактабда, деворий газетага шеър ёзиб турардинг, ташлаворганинг йўқми?

– Ие, нима деяпсан? Газета, журнал ўқийсанми ўзи? «Ёшлик»да, «Туркистон» газетасида шеърларим, мақолаларим чиқиб туради. Ҳеч кўзинг тушмаганми? «Даврон Зокир!»

– Эътибор қилмаган эканман. Бундан буён газета-журналдан фақат Даврон Зокирни ахтараман.

– Мени роса мақтанчоқ бўлиб кетибди, деб ўйлаяпсан-а? – деди Даврон Азаматнинг кулиб қараб турганлигини ўзича тушуниб.

– Унақамас, сенга бир ёзилдим-да. Мана «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг келгуси сонида «Мозий мутойибалари» рукни билан тўртта латифанома ҳикояларим чиқади. Уларни дадамдан эшитганман. Дадамга ёшликларида боболари ҳикоя қилиб берган экан. Ҳеч қаерда эълон қилинмаган. Ие, тўхта, шулардан биттасини айтиб берайми? Жуда санбоп.

– Қани? Азамат қизиқиб қолди.

– Мана, эшит. Қадимда ниҳоятда порахўр бир қози ўтган экан. Бир киши унинг олдига арз-дод билан борибди. «Тақсир, нажот истаб келдим, – дебди у қозининг ҳузурида чўккалаб. Фалончи мендан олти ой муддатда қайтариб бериш шарти билан 1000 танга олган эди. Мана, бир йил бўлди, пулимни ололмай хунобман. Ёрдам қилинг».

«Яхши, эртага фалон соатда ўша одамни олиб, маҳкамага келинг», – дебди қози. Даъвогар одам уйга боргач, ўйланиб қолибди. Мен-ку ҳақман, лекин бу қозини муттаҳам, порахўр дейишади.

Майли, садқаи сар, дея қайтиб бориб, тақсир, мана бу 40 тангани ўзларига атаган эдим, боя ёдимдан кўтарилибди, – дебди пулни кўрпачанинг тагига қўйиб...

Ўша куни даъвогарнинг арз қилганлигидан хабар топган қарздор шомдан кейин қозининг уйига борибди. «Тақсир, – дебди у 100 танга узатиб. Мана бу она сутидек ҳалол. Илтимос, менинг фойдамга ҳал қилсинлар. Ҳамиша хизматингиздаман».

Эртаси куни иккаласи маҳкамада ҳозир бўлишибди. Лекин даъвогар қулоқ солиб турса, қози ишни қарздорнинг фойдасига ҳал қилаётганмиш. Вой падарингга лаънат, имонсиз, – дея ёқа ушлабди даъвогар одам. Ўзим ҳақ бўлсам, бунинг устига қирқ танга бердим. Ё эсидан чиқиб қолдимикин? Бир ишора билан ёдига солиб қўяй-чи, дея хаёлидан ўтказиб, қозига мурожаат қилибди. «Тақсир, сўзларингизга унча тушунмаяпман. Бундоқ қирқиб-қирқиб гапирсангиз-чи?» Шунда даъвогарнинг нимага шама қилаётганлигини тушунган қози муғамбирона кулиб: «Э, биродар, қирқиб-қирқиб гапирай десам, мана бу кишининг «юз»идан ўтолмаяпман», деган экан.

– Ҳақиқатан ҳам ҳеч қаерда ўқимаганман, биринчи эшитишим, – деди Азамат қотиб куларкан. Лекин нима учун сенбоп дейсан? Нима, суд ёки прокурор бўлиб қолсам, мени ҳам пора олади, деб ўйлайсанми?

– Билмадим, оғайни, буни ҳаёт кўрсатади. Даврон рўпараларидаги от устида турган Амир Темур ҳайкалига бир муддат тикилиб тургач, сўзида давом этди. – Биласанми, масалан, бизда "юрфак"да ўқийдиган шундай болалар бор. Бунақалар сени институтингда ҳам топилади. Қўлида «сотка», тагида «Нексия» ёки «Тико». Биламан, ўшалар ўқишга қандайдир бошқача, қинғир йўллар билан кириб қолган. Дарсгаям хоҳлаганда келишади. Синов, имтиҳонларни пулга қўйдиришади. Шунга

ўхшаган бойвачча студентларнинг ўқишини битириб, ҳалолу пок ишлашига масалан, мен қирқ йилдаям ишонмайман. Ё, гапим нотўғрими?

– Рост! Азамат ўйланиб қолди. – Мана, Тошкентга келганимгаям тўрт йил бўляпти. Бу ердаги ҳаёт менга кўп нарсани ўргатди. Лекин ишонасанми, масалан мен шу пайтгача имтиҳонларни пулга қўйдирмаганман. Тўғри, ўқитувчиларнинг ичида тамагирлариям йўқмас. Барибир ўшаларда ҳам озгина бўлсаям виждон бор. Дарсларга қатнашиб, яхши жавоб берсанг тан беради, қийнамайди.

– Гапинг тўғри, – деди Даврон юзига жиддий тус бериб. – Лекин айтиб қўяй, битирганимиздан кейин ҳам сен билан менга ўхшаганларга осон бўлмайди.

– Бўлди, ке, қўй, бунақа гапларга точка қўяйлик. – Азамат шундай дея Давроннинг елкасига урди.– Ўзинг биласан, мактабда сенга ўхшаб шеър ёзмаган бўлсам ҳам адабиётни яхши кўрардим. Яқинда турк шоири Нозим Ҳикматнинг Шайхзода таржимасидаги шеърлар китоби қўлимга тушиб қолди. Ўшанда шундай сатрлар бор экан. Балки ўқигандирсан, мана эшит:

Мен ёнмасам,
Сен ёнмасанг,
У ёнмаса,
Қачон чиқар бу зулумат ёруғликка!

Зўрми? Ҳаёт – бу кураш, дўстим. Бўлди, юр кетдик, менинг квартирамга борамиз. Иккита андижонлик дўстим билан учовимиз ижарада турамиз. Бугун битта Қўқонча ош қилайлик.

– Жоним билан, лекин бугунмас. Даврон соатига қараб қўйгач, ўрнидан турди. – Бошқа куни, ҳозир бир жойга ўтишим керак.

– Учрашувинг борми? – Азамат кўзини қисди.

– Йўғ-е, – деди Даврон кулиб. – Хаёлимдаги қизни учратолмаяпман. Бўпти, мен кетдим. Энди олдингга келиб тураман. Ўзинг ҳам ўт. "Журфакка" бориб Даврон Зокир десанг ҳамма

танийди. Азамат синфдош дўстининг ортидан қараб қоларкан кўнгли ёришди. «Ажойиб бола-да, ёшлигидаям беғубор, кўнгли очиқ эди. Кўришганимиз яхши бўлди... Энди нима қилдим. Кутубхонага ўтаймикин? Таваккал, бораман. Учратсам шу бугун гапираман...»

* * *

Азамат дарсдан бўш вақтларини кўпроқ Алишер Навоий номли кутубхонада ўтказарди. Боиси бу зиё маскани институтга яқин – пиёда бор-йўғи 10 дақиқалик йўл. Кутубхонадан истаган нашрларни топиш мумкин. Мутолаа қилиш учун ҳамма шароит етарли, ўқув заллари ёруғ, тинч.

У хаёлини банд айлаган қизга биринчи марта, ўн кунча аввал кутубхонада «Туркистон» газетасининг февраль, март сонларини варақлаётиб кўзи тушганди. Ўшанда ўзидан бешолти метр наридаги стулда ўтириб газетадан нималарнидир дафтарга кўчираётган қизга бир лаҳза тикилиб, «чиройли экан, бўй-басти қанақайкин» деган фикр беихтиёр кўнглидан ўтган эди. Лекин бир-икки кунда эсдан чиқариб юборганди. Уч кун олдин, сешанба куни одатдагидек кутубхонада икки соатча мутолаа қилиб ташқарига чиққан ҳам эдики, рўпарасида ўша қиз пайдо бўлди. Ораларидаги масофа уч-тўрт қадам қолганда Азамат беихтиёр тўхтади. Осмондан тушган «фариштa» эса унга таажжуб билан бир қараб қўйди-да, енгил қадамлар билан ёнгинасидан ўтиб, кутубхонага кириб кетди. «Ўлай агар, бу қиз тошкентликмас» дея хаёлидан ўтказганди у. Водийдан, қўқонлик ёки марғилонлик.

... Ҳардамхаёллик билан кутубхонага кириб келган Азамат ходима аёлдан «Инсон ва қонун» газетасининг январь, февраль сонларини олиб ўқув залига ўтди.

«Келмабди» – ўйлади у стулларни банд этган

қизларни бир-бир кўздан кечираркан. Сўнгра ярим соатча ўтириб газета ўқиган бўлди-ю, юраги сиқилиб ўрнидан турди. Шу пайт... ё қудратингдан. Қўлида қандайдир газета билан ўша малаксиймо, парипайкар бир-бир оҳиста қадам босиб, тўғри шу томон келаётганлигига кўзи тушиб беихтиёр қайтиб жойига ўтирди. Қиз Азаматнинг ёнгинасидаги стулдан жой олиб газета тахламларини стол устига қўйгач, мутолаага берилди.

«Бугун албатта сўрайман». Азамат қизга зимдан тикиларкан қачонлардир ёдлаган, гоҳи-гоҳида такрорлаб юрадиган бир байт ёдига тушди:

Ҳусн боғида қаддинг раъно бўлурму мунча ҳам,
Оллоҳ-оллоҳ кўз деган шаҳло бўлурму мунча ҳам...

Қиз узоқ ўтирмади. Газетадан нималарнидир дафтарига кўчиргач, соатига қараб қўйди-да, ўрнидан турди. Азамат ҳам шоша-пиша газета тахламларини кўтарди. Улар олган «омонат»ларини ходима аёлга топширгач, олдинма-кетин кутубхонадан чиқишди.

– Кечирасиз, – деди юраги гурсиллаб ураётган Азамат қизга етиб олгач. – Сиз марғилонликсиз-а?

– Қаердан билдингиз? – Қиз таажжуб билан «ялт» этиб Азаматга қаради. – Фолбинман. Унинг тилига тўсатдан шу сўз келди.

– Тошкентда фолбинлар тайёрлайдиган институт ҳам борми?

«Балоку». Азамат нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди. Йигитнинг тили калимага келмай, ноқулай аҳволга тушиб қолганлигини сезган қиз жилмайди.

– Ўзингиз ҳам тошкентликка ўхшамайсиз.

– Топдингиз, Фарғонаданман.

– Фарғонадан?! Қиз шаҳло кўзларини катта очиб Азаматга қаради.

– Шаҳарнинг ўзиданми?

– Нима десамикин. Суҳбатнинг қовушаётганлигидан хурсанд бўлган Азамат кулди. – Асли қўқонликман, тўрт йил бўлди, Фарғонага кўчиб келганмиз. Охунбобоев мавзейида турамиз.

– «Земляк» эканмиз. Қиз майин табассум ҳадя қилди.

– Мана, деярлик бир жойдан эканмиз. Агар сир бўлмаса исмингиз... Қаерда ўқийсиз?

– Исмим... Садоқат. Молия институтида ўқийман. – Меники Азамат. У шундай дегач, ўйланиб қолди. «Юридическийда ўқишимни айтсам мақтанчоқлик бўлармикин?»

– Ўзингиз қаерда ўқийсиз? Унинг хаёлидагини уққандек қизнинг ўзи сўраб қолди.

– Юридическийда. Қиз яна «ялт» этиб қараб қўйгач, қошларини чимирди. – Дадангиз прокурормилар?

– Бу сафар тополмадингиз. Азамат кулди. – Нима учун бундай деб ўйладингиз?

– Билмасам... шундай ўзим...Бир оз ёнма-ён юришгач, Садоқат сўзида давом этди. – Сабаби юридическийда кўпроқ судья, прокурорларнинг фарзандлари ўқийди, дейишади.

– Дадам техникумда ўқитувчи бўлганлар, – деди Азамат синиқ жилмайиб. – Болалигимда, уч яшарлигимда вафот этганлар.

– Мени кечиринг. Қиз Азаматга гуноҳкорона қараб қўйди. – Ака-укаларингиз борми?

– Йўқ, аям билан икковимиз...

Садоқат «тушундим» дегандек индамай бош иргади. Сўнгра Азаматга қараб жилмайди.

– Мана метрога ҳам етиб келдик. Мен шу ердан Бешёғочга кетаман.

– Менга қаранг, тўхтанг, – деди Азамат худди ҳозир йўқотиб қўйса, бошқа кўролмай қоладигандек шоша-пиша. – Кутубхонага яна қачон келасиз?

– Билмадим. Садоқат йигитга ўтли бир нигоҳ ташлагач, «хайр» деди-ю, одамлар орасига кириб

ғойиб бўлди.

Азамат бир муддат турган жойида тўхтаб қолди. Ажойиб қиз экан. Исми ҳам чиройли. Садоқат... Қизиқ, марғилонлик, деган фикр қаердан хаёлимга келиб қолди? Ё худонинг ўзи кўнглимга солдими?

У ширин хаёлларга берилиб, сархуш кайфиятда автобус бекати томон бораркан бугун жумалиги ёдига тушиб қадамини тезлатди. «Эртароқ боришим керак. Сарвар акам келиб қолишлари мумкин», – ўйлади у.

Сарвар акаси ёдига тушганда мана шундай олийжаноб амакиси борлиги учун худога қайта-қайта шукрона айтарди. Телефон қилиб ўқишга кириб олганлиги ҳақидаги хушхабарни айтганда қанчалик хурсанд бўлганди. «Азамат, деган номингга муносиб бўлибсан», – деган эди ҳаяжон билан ўшанда амакиси. «Ўша гап, энди бу ёғига астойдил бўл, ўзим хабар олиб тураман. Вақтинг бўлганда уйга келгин. Опоқинг, бувинг хурсанд бўладилар».

Азамат ўша йили биринчи семестрни тугатиб, уйга қайтаётганда Қўқонга тушди. «Баракалла, ўғлим. Илоҳим омадингни берсин», дуо қилди опоқиси. Бувиси эса Азаматни бағрига босиб, юз-кўзларига термилиб ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди. «Бўйларингдан ўргилай, Авазимни кўргандек бўлдим. Келиб тургин, жон болам, биз ҳам ғанимат бўлиб қолдик...»

... Азамат ўқиш давомида моддий жиҳатдан асло қийналмади. Боиси, тижорат ишлари билан 15–20 кунда Тошкентга қатнайдиган Сарвар акаси квартираларига келиб, ҳолидан хабар олиб турарди:

– Қалайсизлар, муллаваччалар? – дерди у ҳар сафар машинасида олиб келган «юк»ни енгиллатгач, хушчақчақ оҳангда. – Бу ерда озиқ-овқат қиммат. Шунинг учун харажатни Қўқондан қилиб олдим.

У шундай дея енг шимариб паловга уннаб кетарди. Ошдан кейин бир-икки пиёла чой ичгач, «қани энди, бизга омин, сафаримиз қариди, омадларингни берсин», дея юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турарди. Сўнгра ташқарига кузатиб чиққан Азаматнинг чўнтагига пул солиб «қалай, қийналмаяпсанми, камчиликлар йўқми?»– дерди оталарча меҳрибонлик билан. Азамат хижолат чекиб пулни қайтармоқчи бўларди. «Сарвар ака, олиб келган харажатларингизни ўзини ўн беш кун еймиз. Пулга зориққаним йўқ, стипендиям етяпти». Шунда амакиси «менга қара, эскилар «берса ол, урса қоч» дейишган. Олиб қўявер, бўпти, прокурор бўлганингда қайтарасан», – дерди елкасига уриб.

... Фарғонага кўчиб келишгандан кейин Азаматнинг қалбини эзиб келаётган алам, изтироб ўрнини хотиржамлик, севинч эгаллай бошлади. Боиси онаси бутунлай ўзгарган, нопок йўлдан қайтган эди. Бунинг учун у аввало ён қўшнилари Фазилат опадан миннатдор бўлар, ҳар сафар уйга борганда худди ўғлидек кўриб «қани энди қизим бўлганда Азаматжонни ўзим куёв қилардим» дегувчи бу фариштали, маъсума аёлнинг қўлларини ўпгиси келарди. Гоҳида эса «агар Раисага ўхшаган хотин билан қўшни бўлиб қолганимизда нима бўларди» деган фикр хаёлидан ўтиб, худога қайта-қайта шукрона айтарди.

* * *

Охирги дарсни тугатиб, институт ҳовлисига чиққан Азамат ўйланиб қолди. «Нима қилсамикин? Яна кутубхонага борайми? Йўқ, яхшиси институтига ўтаман. Уч «пара» ўқиса айни дарсдан чиқишига улгураман».

У шундай хаёлда соатига қараб қўйиб метро томон жадалларкан, уч кун олдинги ҳолати ёдига тушиб, ўз-ўзидан кулиб қўйди. Ўша куни кеч соат бешларда молия институти ётоқхонасига борган

эди. Шамга ўзини урмоқчи бўлган парвонадек бино атрофида бир оз айлангач, ётоқхонага кириб, кетмоқчи бўлган бир қиздан «кечирасиз, менга Садоқатхон керак эди, танимайсизми?» деб сўради. Қиз тўхтаб жилмайди. «Нечанчи курсда? Қайси факультетда ўқийди?» Азамат беихтиёр елка қисди. Қиз «ахтарган одамингизни исмидан бошқа ҳеч нимасини билмайдиган қанақа йигитсиз?», – дегандек унга ғалати бир қараб қўйди.

... Азамат институтга етиб келгач, дарвоза рўпарасидаги музқаймоқ, минерал сувлар билан савдо қиладиган дўкондан фанта олиб мажнунтоллар соя солиб турган ўриндиқлардан бирига ўтирди. Ана, жуфт-жуфт, тўп-тўп бўлиб дарсдан чиқиб келаётган нозанинлар. Лекин бу сарвқадлар орасидан унинг қалбини забт этган малаксиймо кўринмайди. «Ўтди қизлар ой каби, йўқдир арода ул қуёш».

Шу пайт Азаматнинг кўзи икки дугонасининг ўртасида хандон отиб келаётган, ҳаво ранг «костюм юбка»ли, қўнғир сочлари нозик, келишган елкаларида тўлқин ураётган қизга тушиб юраги орзиқиб кетди. «Хайрият». У стаканга қуйилган фантани ичишни ҳам унутиб ўрнидан турди. Уч дугона дарвозадан узоқлашиб, кенг асфальт қирғоғидаги пиёдалар йўлкасига ўтишди. Чорраҳага етгач, улардан бири хайрлашиб автобус бекати томон кетди. Иккинчиси эса Садоқатни қўлтиқлаб олиб, нималарнидир зўр бериб тушунтириб борарди. «Ҳақиқий дум экан-ку бу. Худди елимдек ёпишиб олибди-я». Уларга эргашиб қорама-қора келаётган Азаматнинг ғаши келди. «Кўрмадим ҳеч ёрни ағёрсиз». Таваккал, барибир бу зарпечак ҳали-бери қўйвормайдиганга ўхшайди», – дея хаёлидан ўтказиб, қадамини тезлатди. Қизларга етиб олишига уч-тўрт қадам қолганда енгил йўталиб олди-да:

– Яхшимисизлар? – деди ҳаяжондан юраги гур-силлаб.

Биринчи бўлиб дугонаси орқага ўгрилди. Сўнгра «бу шилқим ким бўлдийкин» дегандек қошларини чимирди. Садоқатнинг кўзи Азаматга тушиши билан қизарди.

– Яхшимисиз?

Дугонаси уларнинг танишликларини сезгач, жилмайиб:

– Бўпти, эртагача, – деди Садоқатга сирли қараб қўйгач.

– Кетмай тур. – Садоқат шоша-пиша дугонасининг қўлини ушлади. – Биз шунчаки... Азамат ака ҳам Фарғонадан, землякмиз.

– Йўқ, майли, мени бир жойда ишим бор. «Фаросатингга балли». Ҳоли қолишгач, Азамат енгил нафас олди.

– Кутубхонага бормаяпсиз, шекилли. Улар бир оз ёнма-ён юришгач, Азамат қизга ўгирилди.

– Ўшандан буён ўтолганим йўқ.

– Мен сиз билан кўришганимдан кейин деярли ҳар кун бордим. Ошиқ йигит шундай дея қизга тикилди. Садоқат унинг нима демоқчи бўлганини тушуниб қизарди. Бир муддат сўзсиз ёнма-ён кетишгач, Азамат ётоқхонага бориб қандай мулзам бўлганлигини кулиб-кулиб гапириб берди.

– Мен ётоқхонада турмайман-да, – деди Садоқат ҳам кулиб. – Акам университетни битириб, шу ерда ишга қолган. Оилалари билан бирга Бешёғочда яшашади. Бирга тураман. Учинчи курсда ўқийман.

– Келинойингиз тошкентликмилар?

– Нима десамикин? Ўзлари шу ерда туғилишган. Лекин асли, ота-оналари марғилонлик. Бизга узоқроқ қариндош бўлишади. Институтда дарс беришади, психологиядан. Ажойиблар, мен жудаям яхши кўраман.

Улар гаплашиб Муқимий театри биноси ёнига келишганда Садоқат тўхтади.

– Бу ёғига ўзим кетаман, озгина қолди. Акамни жаҳллари ёмон. Икковимизни шу ерда кўриб

қолишса борми, балога қоламан.

– Кутубхонага қачон борасиз? Азамат қизга умидвор тикилди. Садоқат бир оз ўйланиб тургач, жилмайди.

– Сешанба куни...

– Энди битта илтимосим бор. Уйда телефонларинг бўлса рақамини беринг...

– Сизга ҳозир айтдим-ку, акамнинг феъллари чатоқ деб. Садоқат шундай дея Азаматга бир лаҳза тикилиб тургач, сумкасини очди. – Майли, лекин акам олса индамай қўйиб қўйинг. Келинойим кўтарса, курсдошиман денг.

Азамат қиздан телефон рақамини олгач, кўнгли ёришди.

– Бўпти, хайр, сешанбагача. У Садоқат кўп қаватли бинолар томонга бурилиб, кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб қолди. «Не кун бўлғай висолингга мен дил-хаста етгайман»...

Садоқат уч йил давомида таниш, қадрдон бўлиб қолган «дом» томон буриларкан, ўзини ўзи койиди. «Телефон рақамини бермаслигим керак эди. Акамлар сезиб қолишса нима деб ўйлашади. Қизиқ, кўзлари қандайдир бошқача, қарашларида яширин дард, изтиробга ўхшаган нимадир бор. Лекин ақлли йигитга ўхшайди. Тавба, нима деяпман ўзи? Ёки... йўғ-е, бир жойдан эканмиз. Шунчаки тўғри кўнгилда гаплашдим-ку».

У шундай хаёллар билан иккинчи қаватга кўтарилиб хона қўнғироғини босди.

– Вой! Аям ҳозиргина Марғилондан телефон қилувдилар-а, – деди эшикни очган келинойиси афсус билан бош чайқаб. – Сизни сўрадилар. У шундай дея худди дугоналардек Садоқатни елкасидан қучиб диванга ўтқазгач, гапини давом эттирди.

– Биз аям билан яқин ўн минутча гаплашдик. Ҳалиги тошкентликлар яна бориб худонинг зорини қилишибди. Менга қайта-қайта тайинлашди. «Садоқат билан яхшилаб гаплашинг. Мабодо ўша

йигитга кўнгли бўлса, биздан уялса сизга айтсин, яна бир ўйлаб кўрамиз» дейишди.

Шунда уч кун аввал битирув курсида ўқийдиган Саъдулло ака уни учратиб «Садоқатхон, эртага ойимлар сизларникига яна кетишвотти, ноумид қайтишмасин» деган гаплари ёдига тушди. Тўғри, тошкентлик бу йигитнинг камситадиган жойи йўқ, росмана. Илгари ҳам икки маротаба совчиларини юборган. Ўтган ой онаси акасиникига келганда «Саъдуллохоннинг ойиси бамаъни, ақлли аёлга ўхшайди. Лекин сен бир дона қизимсан, узоққа бергим йўқ», – деганди. Шуларни хаёлидан ўтказган Садоқат келинойисининг елкасига бошини қўйди.

– Опа, Саъдулло ака билан ўртамизда ҳеч гап йўқ. Тўғри, яқин бир йилдан буён йўлимни пойлайди. Лекин мен уни ҳеч қачон умидвор қилмаганман. У шундай дея бошини кўтариб келинойисининг юзларига юзларини қўйди. – Агар ҳақиқатан ҳам бировни ёқтириб қолсам фақат сизга айтаман, хўпми?

– Қани, кўзларимга тикилинг-чи. Келинойиси шундай дея Садоқатнинг иккала юзидан ушлаб, ўзига қаратди. – Тентак қиз, кимнидир севиб қолганга ўхшайсиз.

– Вой! – Садоқатнинг юзлари ловуллаб кетди. – Нимага унақа деяпсиз?

– Жиннивой. Келинойиси уни елкасидан қучиб бағрига тортди. Эсингиздан чиқдими? Мен психологман-ку. Кўзларингиз шундоққина айтиб турибди.

– Йўқ, адашяпсиз. Садоқат эркаланди.

– Хўп, майли, адашган бўлай. Лекин келишиб олайлик. Бирор йигитни ёқтириб қолсангиз, албатта кўрсатасиз, ўзим гаплашаман. Мен ҳар қандай одам билан ўн минут суҳбатлашганда қандайлигини тўқсон фоиз билиб оламан.

Садоқат «хўп, келишдик» дегандек бошини қимирлатиб, келинойисини қучди.

* * *

Азамат институт ҳовлисига гўёки учиб чиқди. Хайрият, ҳаммаси ўзи ўйлагандек бўлди. «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» мавзусидаги диплом иши юқори баҳоланди. У қувончи ичига сиғмай соатига қараб қўйгач, ўйланиб қолди. «Садоқатнинг олдига ўтишим керак. Йўқ, яхшиси аввал телефон қилиб кўрайчи».

У кўчага чиқиб метронинг «Мустақиллик майдони» бекати яқинидаги автомат телефон олдида тўхтади. Хайрият, Садоқат уйда экан. Гўшакдан қизнинг қўнғироқдек овози эшитилди. «Институтдан ҳозиргина келдим. Нима? Боролмайман... Сабаби, акам ишдан қайтишларига уйда бўлишим керак».

«Садоқатхон» – деди Азамат шоша-пиша. «Мен учун бугун ажойиб кун. Келсангиз айтаман. Лоақал, бир соатга, илтимос, йўқ деманг...» Азаматнинг астойдил хафа бўлаётганлигини сезган қиз ниҳоят рози бўлди. «Майли, лекин тезда қайтаман, қаердан телефон қиляпсиз. Хўп...»

«Худога шукур», Азамат енгил нафас олди. У гўшакни жойига илиб соатига қараб қўйгач, «бугун очиғини айтаман» дея кўнглидан ўтказди. «Қизиқ, Садоқат билан танишганига уч ой бўляпти. Кутубхонада ёки институт ёнида бир ҳафта, ўн кунда учрашиб туришади. Азамат уч-тўрт марта юрагидагини очиқ айтиш учун оғиз жуфтлади, лекин очиғи, «рад жавоби берса-я, бутунлай гаплашмай қўйса-я», деб қўрқди.

Бундан ўн кунча аввал бир илож қилиб бирга кинога киришга зўрға кўндирди. Чироқ ўчиб, фильм бошлангач, Азамат секин кафтларини Садоқатнинг кафти устига қўйди. Қиз бир қаради. Лекин қўлини тортиб олмади. Шунда нозик бармоқларнинг қайноқ тафти бутун вужудини қиздириб, юраги гурсиллаб кетди.

Азаматни яна бир нарса хавотирга соларди. У Садоқатнинг отаси шифохонада бош врач, онаси банкда ҳисобчи эканлигини билганидан кейин «қизнинг розилигини олдим ҳам дейлик, лекин ота-онаси берармикан» дея ташвишга тушиб, кечалари уйқуси қочиб кетарди.

– Азамат ака! У қулоғига таниш, қалбига яқин бўлиб қолган қўнғироқдек товушдан юраги орзиқиб кетди.

– Ёнгинангиздан ўтдим, пайқамадингиз. Садоқат жилмайди. – Жудаям хаёлга берилиб кетган экансиз.

– Ишонасизми, ҳозиргина сизни ўйлаб тургандим. Юринг, кетдик.

Улар «Зарафшон» ресторанини айланиб ўтиб Амир Темур музейи ёнига келишганда Садоқат тўхтаб шўх оҳангда сўради:

– Бугун қанақанги ажойиб кун ўзи? Келсангиз айтаман деган эдингиз.

– Бундан бир соатгина олдин муҳокамада диплом ишимни юқори баҳолашди. Давлат имтиҳонларини ҳаммасини аълога топширганман. Қизил диплом оладиган бўлдим. Азамат шундай дегач, хижолатомуз жилмайди.

– Сизга бир мақтангим келди-да.

– Бу мақтанчоқликмас, фахр. Табриклайман. Хуллас, зиёфатбоп бўлибсиз-да. Садоқат шаҳло кўзларини айёрона сузди.

– Жоним билан! Азамат шошиб қолди. – Кеча Сарвар акамлар келиб кетишувди. Гапнинг тўғриси, бел бақувват. Хоҳлаган жойингизга олиб бораман.

– Раҳмат, акам келишларига уйда бўлишим керак, дедим-ку. Бошқа сафар.

– Йўқ шу бугун, илтимос, кетиб қолманг, ярим соатгина ўтирамиз.

Садоқат бир оз иккиланиб турди-да, музей рўпарасидаги икки қаватли «кафе»га ишора қилди.

– Майли, бўлмаса шу ерда нишонлаб қўя қолай-

лик.

Улар иккинчи қаватга кўтарилиб бурчакдаги стуллардан жой олишди. Қувончи ичига сиғмаган Азамат бир зумда столни тўлдириб ташлади.

– Вой-бўй, бўлди, ўтиринг. Садоқат яна нимадир олиб келмоқчи бўлган Азаматнинг қўлидан тортди. – Нима, банкет қилмоқчимисиз?

– Хўп. Ҳозир, бир минут. У шундай дея буфетдан шампан олиб келиб стол устига қўйгач, кулди. – «Маҳаллада дув-дув гап»даги ҳалиги аёлнинг гапи бор-ку, тўй-тўйдек бўлсин-да. Азамат Садоқатнинг рўпарасидаги стулга ўтиргач, эҳтиёткорлик билан шампанни очиб рюмкаларга қуйгач, хушчақчақ оҳангда гапини давом эттирди. – Битта гап айтсам ишонасизми? Мен умримда арақ тугул ҳатто шампан ҳам ичмаганман. Мана шу бугун биринчи марта.

– Ростданми? Садоқат кўзларини катта-катта очиб унга таажжуб билан қаради. Сўнгра қошларини чимириб мақтанган бўлди. – Мен ичганман. Йўқ, ичганман, десам ёлғон бўлади. Курсдошимиз, тошкентлик дугонамнинг туғилган кунида бир ҳўплаганман.

– Хўп, қани, бўлмаса ўзингиз бир нима денг. Азамат қўлига қадаҳни олиб, қизга муҳаббат билан термилди.

– Нима десамикин... келинг, яхшиси ўзингиз...

– Биласизми? Йигит бир лаҳза сукут сақлаб тургач, худди ўз-ўзига гапираётгандек сўз бошлади. – Мен бундан уч ой олдин ҳам қани энди, ўқиш тугаса, тезроқ дипломни олиб ишга тушсам деб кун санаб юрардим. Сиз билан танишганимдан кейин кошки иложи бўлса, яна бир йил ўқисам, деб ўйлайдиган бўлиб қолдим. Мана шу қадаҳни иккаламизнинг учрашиб қолганимиз учун, сизни дунёдаги энг бахтли аёл бўлишингиз учун олайлик.

– Сиз ҳам ҳамма орзу, ниятларингизга етинг. Садоқат кўзларини олиб қочди.

Улар овқатланиб бўлишгач, Бешёғочгача пиёда

кетишди.

– Ишқилиб, акам ишдан келмаган бўлсинлар, – деди Садоқат соатига қараб қўйгач, безовталаниб. – Бу ёғига ўзим кетаман, илтимос, шу ерда қолинг.

– Менга қаранг. Азамат қизнинг кўзларига тикилди. – Ҳали энг муҳим гапни айтолганим йўқ. Юринг, кўлнинг атрофида озгина айланайлик. Уйларингга яқин жойда-ку.

Улар йўлнинг нариги юзига ўтишиб, чор атрофи панжара билан ўралган ёшлар кўли, сайилгоҳи томон бурилишди. Садоқат бу ерга гоҳида келинойиси, жияни билан сайрга чиқиб туришар, ҳамиша йигит-қизлар билан гавжум бўлган сўлим масканда хордиқ чиқариш доимо унга ҳузур бағишларди. Азамат уни қатор манзарали дарахтлар соя ташлаб турган кўздан холироқ ўриндиқ томон бошлади.

– Садоқатхон, деди у ёнма-ён ўтиришгач, қизнинг кафтларига қўлини қўйиб. – Сиз ҳали «ҳамма орзу-ниятларингизга етинг» деб тилак билдирдингиз, тўғрими?

Қиз кўзларини ердан узиб йигитга бир қараб қўйди.

– Биласизми, менинг энг биринчи орзу-ниятим умрбод сиз билан бирга бўлиш...

– Кетайлик... Ўт бўлиб ёнаётган Садоқат ўрнидан турди.

– Мен сизни хафа қилиб қўйдимми? Йигит унинг нозик елкаларидан ушларкан хавотирлик билан тикилди.

– Йўқ...

Юраги севинч, ҳаяжондан гурсиллаб ураётган Азамат қизни бағрига тортди. Садоқат эса гўё ҳозиргина сувдан чиққандек титрар, кўзларидан дув ёш тўкиларди.

– Янаги ҳафта кетишим керак, – деди Азамат уни бағрига қаттиқроқ босаркан. Шунда қизнинг елкасида тўлқин уриб турган сочларидан тарала-ётган муаттар бўйдан боши айланди.

– Ишга тушганимдан кейин ҳам келиб тураман, эҳтирос билан шивирлади у. – Марғилонга борганингизда уйимизга, албатта телефон қиласиз-а?

Қиз бошини кўтариб ёшли кўзлари билан йигитга қаради. – Азамат ака, кеч бўляпти, кетайлик...

* * *

Лобар куннинг иссиғида толиққан бўлса-да, бозордан хушкайфият билан қайтди. Боиси ўтган ҳафта олиб келган товарлари яхши кетди. У устки кийимларини алмаштириб газга чой қўйида, болиш олиб диванга ёнбошларкан, Фазилат опанинг «тижоратчиликда биздан ҳам ўзиб кетдингиз» деган гапларини эслади.

«Ажойиб аёл. Агар покдомон, иймон-эътиқодли, садоқатли аёлнинг ҳайкалини ўрнатиш лозим бўлса, дунёда Фазилат опадан муносиби йўқ бўлса керак», ўйлади у. Ўтган йиллар давомида энг яқин кишиси, ҳамдардига айланиб қолган бу олийжаноб аёлнинг фазилатларини санаб адо қилиб бўлмасди. Мана, Фарғонага кўчиб келганига ҳам беш йил бўлибди. Агар парвардигор Лобарга шундай қўшнини рўбара қилмаганда билмади ҳаёти қандай кечган бўларди.

Тижорат сафарига бирга бораётган дастлабки пайтлар эди, ўшанда. Бир куни ниманидир сўрамоқчи бўлиб қўшнисининг эшиги қўнғироғини босди.

– Хола келинг, ўтириб туринг, аям уйдалар, – деди опанинг кичик ўғли табассум билан. – Аср ўқишяпти.

Лобар ҳайрон бўлди. Боиси Фазилат опанинг намозхонлигидан у мутлақо бехабар эди. «Йўлда ҳам ўқиб кетишаркан-да» ўйлади у қўшнисининг автобусда гоҳида нималарнидир пичирлаб, юзига фотиҳа тортишини кўз ўнгига келтириб. Ўша куни у шомгача Фазилат опа билан гаплашиб ўтирди.

– Асли марғилонликман, – деган эди у Лобарга юрагини ёзиб. – Бобокалонларимиз

мадраса кўрган, уламо ўтишган экан. Дадамнинг дадаларини, бобомни Мулло Ориф дейишарди. Йигирма йил бўлди, тўқсон ёшда оламдан ўтдилар. Мен ёшлигимда ўша кишининг қўлларида араб имлосидан савод чиқарганман. Бобом араб, форс тилларини чуқур биладиган, нуроний, ажойиб одам эдилар. Студентлик пайтларимдаям яширинча намоз ўқирдим. Иккинчи курслигимда кимдир сезиб қолиб "комсорг"га чақибди. Институтдан ҳайдаб юборишларига сал қолган.

Фазилат опа бир муддат сукут сақлаб тургач, Лобарга мулойим тикилиб сўзида давом этди:

– Худога шукур, ота-онасига жаноза ўқитган раҳбарни ишдан оладиган ёки хайфсан берадиган замонлар ўтиб кетди. Ҳали кўрасиз, оила, рўзғор ташвиши деб ўзимизни ўтга-чўққа урмайдиган осуда, хотиржам кунлар ҳам келади...

Лобар ўшанда сабр-тоқатли, иродали бу аёлнинг кўнгил ойнаси мусаффолигидан ҳайратга тушиб:

– Опажон, менга ҳам намоз ўқишни ўргатинг, – деди.

– Жоним билан. Фазилат опа ўрнидан туриб жавондан иккита китоб олди.

– Мана буниси, «Намоз сабоқлари», деди у юпқагина қўлланмани варақлаб. – Бу китобчада таҳорат олиш, намоз ўқишнинг тартиб-қоидалари ҳақида қисқача баён қилинган. Мана буниси «Ибодати исломия». Ҳозирча шуларни яхшилаб ўқинг, сураларни ёд олинг. Тушунмаганларингизни сўранг, ҳеч тортинманг.

Кўнгли равшан тортиб хушкайфият билан уйга чиққан Лобар «намоз ўқишни бир ҳафтада ўрганиб оламан», деб ўйлаган эди. Лекин бу у ўйлаганчалик осон эмас экан. Боиси, сураларга тили келишмас, қайта-қайта ўқиб туни билан такрорлаганлари эрталаб яна ёдидан кўтарилар, шунда алам ва изтиробдан йиғлаб юборарди. Лекин томчи томаверса тошни ҳам ёради,

деганларидек аҳдида мустаҳкам турди. Мана, худога шукур у ҳам намозхон бўлди.

Бир куни ҳадис китобини варақлай туриб шундай жумлага кўзи тушиб қолди: «Жаноби Расулуллоҳу алайҳи васаллам ҳикоя қиладилар: бани Исроил қавмидин бир бузуқ хотин маҳфират қилинди. У хотин чанқоқдан ўлаётган итга маҳсисида қудуқдан сув чиқариб берган эди. Шу сабабдан Аллоҳ уни маҳфират қилди».

«Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ. Тавба қилдим, парвардигор». Лобарнинг кўзларидан дув ёш тўкилди. У Расулуллоҳ айтиб кетган муборак сўзларни қайта-қайта ўқиркан, чанқоқдан азоб чекаётган бирор итни қидириб топгиси, ҳовучларида сув бергиси келиб кетди.

Ўша куни пайғамбаримизнинг бу ҳадисларидан ниҳоятда таъсирланганлиги ҳақида айтганда Фазилат опа табассум билан шундай деди:

– Аллоҳ меҳрибон. Бобом айтардилар: инсон илгари қилган гуноҳлари учун астойдил тавба қилиб, бутунлай ҳақ йўлга кирса, парвардигорнинг берган ваъдаси бор, албатта кечиради. Фазилат опа шундай дегач, муҳим бир гапни айтмоқчидек Лобарнинг қўлларини ушлади:

– Ҳа, айтганча, менга қаранг, тепамизда, учинчи қаватдаги ўрис чол, Иван амаки Россияга ўғлининг олдига кетмоқчимиш. Ўшанинг уйини олмайсизми? Азаматжонни уйласангиз барибир керак бўлади.

– Уйини сотмоқчи эканми? Лобар шошиб қолди. Қанийди. Опа, иккаламиз олдига кириб гаплашиб кўрайлик.

Хуллас, Лобарнинг ишини худо ўнглади. Ўша йили чолнинг икки хонали уйини ҳам сотиб олди. «Яхши бўлди», ўйлади у қувончи ичига сиғмай. «Азаматни уйлаб, неварали бўлсам учинчи қаватда тураверaман, худди битта ҳовлида яшаётгандек...»

... Азамат ўқишни битириб, адвокатурага ишга

тушгандан кейин Лобар келин кўриш орзусига тушиб қолди. Лекин ўғли негадир кўнмас, «Ая, бир-икки йил ишлай, бунча шошиласиз» дерди бу ҳақда гап очилганда ҳар сафар кулиб. Мана, кечагина Фазилат опа шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида бухгалтер бўлиб ишлайдиган бир қиз ҳақида гапириб қолди. «Исми Диловар, онаси билан институтда бирга ўқиганмиз» – деди опа оғзидан бол томиб. «Азаматжонга жуда муносиб. Ўғлингизга айтинг, бир бориб кўрсин, гаплашсин».

Шу пайт эшик очилиб ўғлининг кириб келиши Лобарнинг хаёлини бўлди.

– Ассалому алайкум, – деди Азамат қўлидаги портфелини стол устига қўяркан хушчақчақлик билан. – Биласизми ая, бугун нима бўлди? Ҳозир тўғри суддан келяпман.

– Тинчликми? Жуда оғзинг қулоғингда. Қани бу ёққа ўтирчи. Лобар ўғлига меҳр билан тикилди.

– Суд ишни терговга қайтаришга мажбур бўлди, – деди Азамат кўзлари чақнаб.

– Нима деганинг бу? Тушунтириброқ гапир.

– Эсингиздами? Туҳмат билан қамалган бир йигитга оқловчилик қиляпман дегандим. Худо хоҳласа қайта терговда оқланиб, қамоқдан чиқиб кетади.

– Илойим, ҳамиша омадингни берсин, савобли иш қилибсан. Энди мен ҳам сенга битта хушхабар айтаман.

Азамат «тушундим, яна ўша гапми?» дегандек онасига кулиб қаради.

– Энди, гап бундай. Лобар ўғлининг қўлини ушлаб, кўзларига термилди. – Мана, ўқишни битирганингга ҳам бир йил бўлди. Биласан, тўйга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганман. Холанг кеча бир қизни мақтадилар. Бир бориб кўр.

– Ая, сизга айтганман-ку, мунча шошилмасангиз.

– Ҳадеб унақанги қайсарлик қилавермагин-да, ўғлим. Лобар астойдил хафа бўла бошлади. Ё битта-яримта кўз остингга олиб юрганинг бўлса

айт.

– Мабодо бўлса-чи? Азамат онасига муғамбирона тикилди.

– Вой, ростданми? Лобарнинг юраги ҳовлиқиб кетди. – Нимага шу пайтгача индамайсан. У қиз ким ўзи?

– Институтни яқинда битирди. Банкда ишлайди.

– Оти нима? Ота-онаси ким, қаерлик.

Азамат айтди.

– Катта оилалардан экан. Беришармикин? Лобар ўйланиб қолди.

– Бир бориб кўринглар. Фазилат холам билан бирга борсангиз йўқ дейишмайди. Холам гап билан ҳар қандай одамни сеҳрлаб, ром қилиб қўядилар.

– Гапинг рост. Холанг билан эртагаёқ борамиз.

* * *

Қиз томон совчиларни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Бир пиёладан чой ичишгач, Фазилатхон опа ўзини Соҳибахон деб таништирган уй бекасига мулойим боқиб:

– Бу синглимиз Азаматжоннинг оналари, Лобархон, қўшни турамиз. Ақлли, ажойиб қизингиз бор экан, деб эшитиб, ўғлимизга сўраб келдик. Ишхонасидан, қўни-қўшнилардан суриштиринглар, бу умр савдоси.

– Аввало тақдир, насиб, – деди Соҳибахон. – Катта ўғлимизни Тошкентдан уйлаганмиз. Ўша ерда туришади. У шундай дегач, чойни янгилаб келган ёшгина аёлни таништирди.

– Тошкентлик келиним Хуршидахон, худди қизимдек бўлиб қолган. Кеча келишди. Садоқатхон ишда.

Улар бирор соат ўтиришгач, рухсат сўраб қўзғалишди.

Шу пайт кўча дарвозаси қия очилди.

– Ана ўзиям келиб қолди, – деди Соҳибахон «Меҳмон»ларнинг кимлигини сезган Садоқат дув

қизариб уялибгина саломлашди.

– Опажон, мен Азаматжон билан кўришганман. Лобарни қўлтиғлаб олган Хуршидахон аста шивирлади. Ажойиб ўғлингиз бор экан. Мен сизлар томон. Аямга ўзим ҳам айтаман, беришади.

... Совчилар йўловчи таксига ўтиришгач, Фазилатхон Лобарнинг елкасидан қучди:

– Азаматжоннинг диди чаккимас. Кўз тегмасин, дилбар қиз экан.

– Менгаям жуда ёқди, – деди Лобар қувончи ичига сиғмай. Онаси ҳам ёқимтойгина аёл экан.

Шаҳобиддин Қобилович мажлисдан уйга таъби хира бўлиб қайтди. Наҳотки? У костюмини қозиққа илиб диванга ўтираркан, стол устида турган газетани олиб шунчаки паришонхотирлик билан кўз югуртирди.

– Ассалому алайкум. Шу пайт хонага кириб келган Соҳибахон янги дамланган чойни стол устига қўйди. – Яхши келдингизми?

– Онаси, келинг, ёнимга ўтиринг-чи.

Соҳибахон «тинчликми?» дегандек эрига ҳайрон бўлиб қаради.

– Садоқат қаерда?

– Ошхонада, овқатга уннаяпти.

Шаҳобиддин Қобилович бир муддат сукут сақлаб тургач, бир-бирига туташган қалин қошларини чимириб хотинига тикилди.

– Хўп, энди гап бундай. Тунов кунги совчилар яна келишса умидвор қилманг. Бизга тўғри келмас экан. Хуллас «бу йил қизимизни узатиш ниятимиз йўқ» деб қўяқолинг.

– Нимага? Тинчликми? Соҳибахон таажжуб билан тикилди.

– Бизга тўғри келмайди, деб айтяпман-ку. Мен суриштирдим.

– Дадаси, сиз нима десангиз шу. Лекин... сабабини мен ҳам билсам бўладими?

– Сабабими?.. Сабаби, бугун «облздрав»да катта йиғилиш бўлди, – деди Шаҳобиддин Қоди-

рович пешонасини тириштириб. – Қўқонлик курсдошим бор-ку. Эслайсизми, ўғлимизни уйлаганда ҳам хотини билан келганди. Ҳозир касалхонада бош шифокор. Мажлисда ўша билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Лобархонни яхши таниркан. «Эри синфдошим эди», деди. Хуллас, тўғри келмайди.

– Синфдош бўлса нима қилибди? – деди Соҳибахон яна ҳеч нарсага тушунмай. – Лобархон «дадасини туҳмат билан чайқовчиликда айблаб, ноҳақ қамашган. Қутулиб келишларига олти ой қолганда касал бўлиб, ўша ерда, операциядан чиқмадилар», деганди. Сизга ҳам айтганман-ку.

– Гап эридамас. – Шаҳобиддин Қобилович чайналди.

– Баҳодиржон «Авазхон техникумда ўқитувчийди, ажойиб йигит эди», – деб мақтади.

– Гап нимада бўлмаса?!

– Ўша Лобархон эри ўлгандан кейин ёмон йўлга кириб кетган экан. Қўқонлик кўпчилик таниркан, тушундингизми энди?

– Вой, ўлмасам. Йўғ-е. Соҳибахон кўзларини катта-катта очиб, лабини тишлади. – Унақанги аёлга ўхшамайди-ю...

– Сиз қаердан биласиз? Ичига кириб чиққанингиз йўқ-ку? Баҳодиржон ёлғон гапирмайди.

Соҳибахон бир оз сукут сақлаб тургач, бошини тебратди.

– У йигит билан келинимиз Хуршидахон ҳам Тошкентда учрашиб, гаплашган экан. Ақлли, яхши болайкан, девди. Гапнинг тўғриси қизимизнинг ҳам кўнгли борга ўхшайди. Энди Садоқатга «онаси шунақайкан», деган гапни қандоқ айтаман.

– Эсингиз жойидами? – Шаҳобиддин Қобиловичнинг зардаси қайнади.

– «Онаси енгилоёқ экан» деган гапни айтиб бўладими?! – Бошқа бирор баҳона топасиз-да. Хуллас, гап шу.

У шундай дея, «бўлди, энди бошимни

оғритманг?» дегандек пиёлага чой қуйиб, газетани қўлига олди.

* * *

Орадан уч кун ўтди. Соҳибахон қизига нима дейишни билмас, айниқса совчилар келиб кетишгандан кейин Садоқатнинг гулдек очилиб кетганлигини ўйлаб, «айтсам болам бечора нима аҳволга тушаркин» деган хаёлга бориб юраги эзиларди.

... Бугун шанба бўлганлиги учун нонуштадан кейин она-бола ёлғиз қолишди. «Ҳозир гаплашиб олишим керак» ўйлади у, эрталаб эрининг «ҳалиям айтмадингизми?» деганини эслаб.

– Қизим, сен у йигитни яхши биласанми? Онаизор секин гап бошлади.

– Кимни айтяпсиз? Садоқат шундай дегач, қизариб бошини эгди.

– Азаматжонни.

– ...

– Даданг сўраб, суриштирибди. «Бизга тўғри келмайди» деяптилар.

Садоқат «ялт» этиб онасига қаради-ю, яна бошини эгди.

– У йигитни аканг ҳам сўраб, суриштирибди. Ишхонасидагилар мақташибди. Келинойинг – Хуршидахон «Тошкентда мен ҳам учрашиб, гаплашганман, ақлли, ажойиб бола экан», деб менга айтувди. Лекин...

«Нима лекин... Дадам нимага бизга тўғри келмайди, дедилар. Азамат ака отасиз, етимликда ўсгани учунми? Ёки мени ҳовли жойи, машинаси бор йигитга беришмоқчими?»

Садоқатнинг кўзлари ёшланди. Лекин ота-онага чексиз ҳурмат руҳида тарбия топган, андишали бу қиз хаёлидан ўтган гапларни тилига чиқаролмас, фақат яхши йигит бўлса, нима учун, деган оғриқли саволлар қалбини ўртаб, вужудини азобларди.

Орага оғир сукунат чўкди. Онаизор қизининг кўнглидан нималар кечаётганлигини сезгандек

чуқур бир нафас олди-да гапини давом эттирди.

– Қизим, дадангни, мени яхши биласан. Бизни йигит томоннинг давлати, мол-дунёси қизиқтирмайди. Фақат ор-номусли, ориятли оила бўлсин деймиз.

Садоқат дастурхондан кўзини узиб, ёшли кўзлари билан онасига қаради. Унинг изтиробли бу нигоҳида «Ундай бўлса сабаби нима, ё мендан бирор нарсани яширяпсизларми», деган маъно бор эди.

– Даданг менга ҳам очиқ, ёриқ айтмадилар, – деди онаизор қизининг кўзларига термиларкан юраги эзилиб. Сўнгра зўрма-зўраки жилмайди. Ҳа, айтганча, менга қара, дадангни ҳокимиятда ишлайдиган ўртоқлари бор-ку. Дониёржон ака. Ўғлини танийсан. Илҳомжон-чи? Сен ўқиган институтни икки йил олдин битирган. Ҳозир солиқда ишлаётганмиш. Онасиям бирам бамаъни аёл. Уч марта келиб кетишди...

– Аяжон, қўйинг, гапирманг, ҳеч ким керакмас. Садоқат шундай дея ёноқларини юваётган кўз ёшларини кафтлари билан артиб, ўрнидан турди.

«Қандоқ қилай, жон болам». Соҳибахон дастурхонни йиғиштириб, ошхонага ўтиб кетган қизининг орқасидан жавдираб қолди. «Дадангни гапларини сенга қайси тил билан айтаман. Наҳотки, шундай аёл... Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти. Яна ким билсин. Кейинчалик маломатга қолмагин, деймиз-да, қизим...»

Совчиликка иккинчи маротаба опасини олиб борган Лобарнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У «Соҳибахонлар маслаҳатлашиб, бир қарорга келишгандир. Худо хоҳласа янаги сафар кунини айтишса, дастурхон олиб келамиз», деган ниятда эди. Лекин...

... Опа-сингиллар йўловчи таксидан Марғилон шоҳбекатида тушишди.

– Биринчи марта борганимизда жудаям яхши кутиб олишди, беришади, деган эдинг-ку, – деди

Дилбар Лобарга ғалати қараб. Кейин афсус билан бошини чайқади. – Лекин обрўли, бамаъни оила экан. Майли, мен Қўқонга шу ердан кета қоламан.

– Мунча, бугун бизникига кетаверайлик.

– Йўқ энди, бошқа сафар. Бўпти, хайр, ҳозир автобусимиз жўнайди. Янгилик бўлса телефон қиларсан.

... Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Лобар автобусга чиқиб, ўриндиқдан жой олгач, Соҳибахоннинг хижолатомузлик билан айтган гаплари яна ёдига тушди. «Узр, дадаси бу йил узатмаймиз, умидвор қилманг», дедилар.

«Дилбарнинг қадами ёқмади». Лобар негадир опасини ёмон кўриб кетди. Ўзи бу сафар ҳам Фазилат опа билан келмоқчи эди. Лекин опа «ўзингизникилардан бирорталарини чақиринг, мен зиёфатга бирга бораман», деган эди кулиб.

Лобар телефон орқали опасини чақиртирганда «бир кўриб қўйсин, кимлар билан қуда бўляпман», деган фикр беихтиёр хаёлидан ўтган эди, аксинча шарманда бўлди. Опасининг феълини яхши билади. Ичида «туя ҳаммомни орзу қилган экан, кўрпангга қараб оёқ узатсанг ўласанми», дегандир.

У катта йўлга чиққач, автобус ойнасидан ташқарини кузатиб бораркан «Азаматга нима дейман», ўйлади юраги сиқилиб, «Ўтган сафар болагинам қандоқ хурсанд бўлганди. Нимага бирданига ўзгариб қолишдийкин?! Шу лаҳза бирдан хаёлига «ярқ» этиб бир фикр келди-ю, бутун вужуди музлаб кетгандек бўлди. «Йўғ-е, худо сақласин. Наҳотки, мени билган битта-яримта... Йўқ, бўлиши мумкинмас». У лўқиллаб оғриётган бошини ойнага қўйди. «Агар суриштириб ёки тасодифан кимлигимни билишган бўлса унда тамом. Энди қиёматдаям остоналарига йўлатишмайди. Э худойим-е, бундан кўра ўлиб қўя қолганим яхшийди».

Лобар Фарғонага етиб келгач, юраги беҳаловат

бўлаётганини сезиб такси ёллади. «Ҳозирча Азаматга билдирмагани маъқул» дея хаёлидан ўтказди йўлак оғзида машинадан тушаркан. У иккинчи қаватга кўтарилиши билан хона эшиги очилди.

– Яхши келдингизми ая, – деди остонада кутиб олган Азамат. Сўнгра онасига хавотирлик билан тикилди. – Тинчликми?

– Тинчлик, ўғлим тинчлик. «Болам бечора келишимни балконда кутиб ўтирган экан-да. Шуларни кўнглидан ўтказган Лобар ичкари уйга кириб диванга ўтираркан, зўрма-зўраки жилмайди. – Бирор нима бўлибдими?

– Кайфиятингиз ўтган сафаргига ўхшамайроқ турибди, назаримда.

– Нимага, ундай дейсан? Озгина чарчабман шекилли. Қизи борнинг нози бор, дейишади. Бу умр савдоси. Аввало худо, тақдир насиб.

– Ҳа, айтганча, Фазилат холам сизни сўраб чиқувдилар. Чақирайми?

– Йўқ, ўзим кира қоламан. У шундай дея уст кийимларини алмаштириб ташқарига чиқди.

– Қалай, ишлар пишдими? – Фазилатхон қучоқ очиб кутиб олди. Тўлиб турган Лобарнинг кўзларидан дув ёш тўкилди.

– Вой ўлмасам! Ҳа, нима бўлди? Фазилатхон Лобарнинг елкасидан қучиб, меҳмонхонага бошлади. – Қани, бу ёққа, диванга ўтиринг-чи, бордиларингми ўзи?

Лобар йиғлаб-йиғлаб гапириб берди.

– Йўқ, бундай бўлиши мумкинмас. Фазилатхон ўйланиб қолди.

– Ўтган сафар бошқача кутиб олишгандику. Келинлари – Хуршидахоннинг гапларидан ёдингиздами?

– Ҳа, эсимда. Мен ҳам тушунолмай қолдим. Лобар шундай дегач, қалбини кемираётган шубҳа, гумонни қўшниси сезиб қолаётгандек кўзларини ерга қадади. Сўнгра чуқур хўрсиниб, сўзида давом

этди.

– Бунақанги катта хонадон билан қуда бўлишга ўзим ҳам орзуманда эмасдим. Лекин ўзингиз ҳам биласиз ёшларнинг бир-бирига кўнгли бор.

– Кўп сиқилаверманг, – деди Фазилатхон Лобарга далда бериб. – Мана, кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Уч-тўрт кун ўтсин, ўзим бирга бораман.

– Фойдаси йўқ, опа. Юрагим сезиб турибди, барибир беришмайди. У шундай дея кафтлари билан кўз ёшларини артиб ўрнидан турди.

«Нимага айниб қолишдийкин?» Фазилатхон Лобарни кузатиб қўйгач, ўйланиб қолди. «Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Яхшиси, якшанба куни эрталаб ўзим ўтаман. Ҳаммалари уйда бўлишади. Балки сабабини менга айтишар»

* * *

Хонадон эгалари Фазилатхонни очиқ чеҳра билан кутиб олишди.

– Лобархон бу ерга келганимни билмайди, – деди у бир пиёладан чой ичишгач, Соҳибахонга мулойим боқиб. – Ўша куни жудаям хурсанд бўлиб қайтган эдик.

– Опа, ўзимниям жуда бошим қотган. Соҳибахон шундай дегач, киприклари ёшланди. – Мана шу ўтган бир ҳафтанинг ичида қизим бечора бир бурда бўлиб қолди. Хонасига қамалиб олиб йиғлагани, йиғлаган. Ишқилиб касал бўлиб қолмасай-ди, деб жоним ҳалак.

– Ҳақиқатан ҳам дадалари бу йил узатмаймиз дейишяптими? Фазилатхон шундай дегач, Соҳибахонга синчковлик билан тикилди. – Синглим, менга очиғини айтаверинг. Ё бошқа жиддийроқ сабаби борми? Тўғри, Азаматжон отасиз ўсган. Лекин ақлли, ажойиб йигит.

– Биламан, гаплашмаган бўлсам ҳам ишхоналарига ўтиб ўзим кўрдим. Менгаям ёқди.

– Ундай бўлса, сабаби нима?

Соҳибахон тараддудланиб қолди. Сўнгра дастурхондан кўзини узиб, Фазилатхонга бир лаҳза тикилди-да:

– Мен ҳозир, дадаси меҳмонхонада дам олаётгандилар, – деди ўрнидан туриб. – У кишини ўзларини чақирай.

Орадан беш-олти дақиқа ўтди. «Қизиқ, эр-хотин нимани маслаҳат қилишаётганикин», кўнглидан ўтказди Фазилатхон. «Соҳибахоннинг-ку бергиси бор. Лекин эри ҳовли-жойли, каттароқ оилани мўлжаллаётганга ўхшайди».

– Ассалому алайкум, хуш келибсиз. Шаҳобиддин Қобиловичнинг хонада пайдо бўлиши Фазилатхоннинг хаёлини бўлди. – Йўқ, қўзғалманг. Мен мана бу ерга.

У шундай дея пойгакдаги стулга ўтирди.

Орага бир муддат сукунат чўкди. Сўнгра эр-хотин, бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишгач, Шаҳобиддин Қобилович хижолатомузлик билан секин гап бошлади.

– Гапнинг тўғриси ёшларнинг бир-бирига кўнгли борлигидан хабарим бор. Азаматжонни суриштирдим, ўзим кўрдим. Менгаям маъқул. Лекин бизнинг оилага тўғри келмаслигининг асл сабабини сизга очиқ айтмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бироқ илтимос, гап шу ерда қолсин.

Шаҳобиддин Қобилович шундай дегач, Лобар ҳақида қўқонлик дўстидан эшитганларини айтиб берди.

– Мана шунақа, синглим, – деди у гапини ниҳоясига етказгач, чуқур тин олиб. – Ўзингиз ҳам олий маълумотли, зиёли аёл экансиз. Бизнинг ўрнимизда бўлсангиз шундай оилага қиз берармидингиз?

Фазилатхон ниҳоятда ноқулай аҳволга тушиб қолди. «Ё парвардигор», ўйлади у. «Наҳотки шу гаплар рост бўлса?! Бу одам бировга туҳмат қиладиган, мунофиқ кишига сираям ўхшамайди. Тўғри, Лобархон намозга ўтгандан кейин бир-

икки бор «Опажон, банда чин дилдан тавба қилса, худо ҳамма гуноҳларини кечадими», деб сўраган эди. Шунда у «бенуқсон парвардигор, одам билиб-билмай қилган ножўя ишларидан афсусу надомат чекиб, Аллоҳга астойдил ёлворса, ваъдаси бор, албатта мағфират қилади», деб жавоб қайтарганди. Лекин ўшанда, «Лобар бузуқлик кўчасига кириб, гуноҳга йўл қўйганмикин», деган фикр унинг хаёлига келмаганди. Наҳотки энди, шундай ақлли, фаҳм-фаросатли ўғил онасининг касрига қолиб суйганига етишолмаса.

– Гапларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз ҳаммаси тўғри, – деди Фазилатхон хаёлини тўплаб олгач, бош тебратиб. – Мен Лобархоннинг ўтмишидан бутунлай бехабарман. Лекин мана, дастурхонингиз тепасида ўтирибман. Фарғонага кўчиб келиб биз билан қўшни бўлиб яшаётганига беш йил бўлди. Худо шоҳид, шу пайтгача ножўя қадам босганини сезганим йўқ.

Фазилатхон шундай дегач, бир оз сукут сақлаб турди-да, пиёладаги совиб қолган чойдан бир ҳўплаб сўзини яна давом эттирди.

– Ўзларинг яхши биласизлар, норасида боласи билан бева қолган ёшгина аёлга ҳам осонмас. Балки оғзига кучи етмаган битта-яримта миш-миш тарқатгандир. Гапириш ножойиз бўлса ҳам айтай. Фарзандларимнинг отаси қарийб ўн йилдан бери бир жойдалар. Мактабдан бўш кунларим мен ҳам тижорат билан у ёқ-бу ёққа қатнайман, тирикчилик...

– Сингилжон, – деди шунда Шаҳобиддин Қобилович унинг гапини бўлиб. – Сиз ҳақингизда Соҳибахон менга айтганлар. Садоқатингизга, сабр-тоқатингизга тан берганман. Энди мен ҳам битта гапни айтсам ишонасизми? Агар қизимни сиз сўраб келганингизда ўғлингизни кўрмасдан розилик бериб юборардим.

– Раҳмат, лекин гапнинг рости, фарзандингиз шу хонадонга келин бўлиб борса худди ўғлимни

уйлагандек бошим осмонга етарди. Ишонинг, иншооллоҳ кейинчалик пушаймон бўлмайсиз.

Шаҳобиддин Қобилович Фазилатхонга бир зум ҳайрат билан тикилиб қолди. «Шунча гапдан кейин ҳам шунчаки ён қўшниси бўлган бу хотинни жонини жабборга бериб, ҳимоя қилаётган бу покдомон аёл кўнглидан нималар кечаётганлигини қаердан билсин?!

Тўғри, бир оғиз чурқ этмаса ҳам қизининг аҳволини, ранг-рўйини кўриб, зимдан кузатиб унинг ҳам юраги эзиляпти. Лекин дўст бор, душман бор. Эртадан кейин битта-яримта оғзига кучи етмаган ғаламис пешонасига тақиллатиб турса, унда ким деган одам бўлади? Бироқ масаланинг яна битта нозик, ташвишли томони ҳам бор. Ўзининг кўчада юриш-туриши, обрў-эътиборини ўйлаб, оқибатда қизини бир умр бахтсиз қилиб қўйса-чи?

– Энди менга рухсат, – деди Фазилатхон хонадонда узоқроқ ўтириб қолганлигидан хижолат чекиб. – Ўйлаб, маслаҳатлашиб кўринглар. Совчилар яна келишади.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Фазилатхон кўча эшиги тагигача кузатиб чиққан Соҳибахонга хижолатомузлик билан шундай деди:

– Ҳа, айтганча, битта илтимос. Лобархонга менинг бу ерга келганимни айтмай қўя қолинг, билишмагани маъқул.

* * *

«Қўшни уйдамикин» деган хаёл билан йўлакка қадам босиб, иккинчи қаватга кўтарилаётган Фазилатхонга юқоридан пастга тушаётган Лобархон юзма-юз бўлди.

– Опажон, бормисиз, – деди у ташвишли қиёфада. – Уйларингдан уч марта хабар олдим. Юринг, бизникига кира қолайлик, битта ўзимман.

Улар диванга ўтиришгач, Лобар лабини тишлади.

– Азаматжон бугун Садоқатхон билан кўришиб,

ҳамма гапни билибди. Қиз бечора «агар бошқа бировга мажбурлаб беришмоқчи бўлишса, ўзимни бир нима қилиб қўяман» деганмиш. Вой, шўрим, энди нима қилдик?

– Ташвиш қилманг, ҳаммаси яхши бўлади, – деди Фазилатхон хотиржам оҳангда. – Опангизга телефон қилинг. Мана бугун якшанба, чоршанба куни яна бир боринглар.

– Розилик беришларига ҳеч ақлим етмаяпти. Лобарнинг кўзларига ёш келди. – Опамни қўйинг, келинг яхшиси ўзингиз билан ўтайлик.

– Айтганман-ку, мен дастурхон олиб борадиган бўлганингизда. Фазилатхон шундай дея ўрнидан тураркан Лобарга қараб жилмайди. – Мана кўрасиз, бу сафар ноумид қайтаришмайди.

* * *

... Чоршанба куни опаси билан совчиликка борган Лобар Фарғонага гўёки учиб келди.

– Розилик беришди опажон, розилик беришди! У Фазилатхонни бир муддат қучоқлаб тургач, қўлларини маҳкам ушлади. – Биласизми, сиз кимсиз? Лобар ўзига мулойим боқиб турган қўшнисининг кўзларига бутун вужуди билан тикилди. Сиз – авлиёсиз!

«Парвардигорим шайтоннинг васвасаларидан сизни ҳамиша омон сақласин» дилидан ўтказди Фазилатхон. «Мен ҳам ниҳоятда хурсандман, синглим. Ахир, Расулуллоҳ айтмишлар: «Кимки Аллоҳга ва охират кунига ишонса қўшнисига яхшилик қилсин».

... Тўй ширин, файзли ўтди. Маросимларнинг барчасига Сарваржон бош-қош бўлди. Елиб-югуриб меҳмонларни кузатган Лобар ўтган шу бир йил ичида ўғлининг анчагина ҳурмат-эътибор топганлигини сезиб дил-дилидан қувонди. Айниқса, шаҳардаги обрў-эътиборли одамларнинг баъзилари Лобарни табриклаб, «Сиз Азаматжоннинг оналаримисиз. Ўғлингиз

ажойиб ақлли йигит, илойим қўша қаришсин, бахтли бўлишсин», – деб тилак билдиришганда севинчдан кўзларига ёш келди.

... Орадан уч ой ўтди. Келин бўлмиш Садоқат бу хонадонга ўзи билан бирга бир олам қувонч олиб келди. Айниқса, кечки дастурхон атрофида жам бўлишганда худди узукка кўз қўйгандек бир-бирига муносиб келин-куёвга боқиб Лобарнинг кўнгли яйраб кетар, беихтиёр ўзининг келинчаклик йиллари ёдига тушиб, «Эй, парвардигор, илойим фарзандларимнинг бахтига кўз тегмасин, туҳмат-дан, бало-офатлардан ҳамиша омон сақлагин» деб дил-дилидан илтижо қиларди.

... Якшанба куни Лобар бозордан одатдагидан барвақтроқ қайтди. «Кейинги пайтларда негадир тез чарчаб қоляпман» хаёлидан ўтказди у диванга болиш қўйиб ёнбошларкан. «Иштаҳам йўқ. Тобим қочяптимикин?»

У ярим соатча дам олгандан кейин ўғли билан келини Марғилонга – қудасиникига кетишганини эслаб, ўрнидан турди. «Улар келгунча душга тушиб чиқай», ўйлади у. «Зора енгил тортсам». Лобар бошига, елкасига қуйилаётган илиқ сувдан роҳатланиб бир муддат кўзларини юмиб турди. Сўнгра қўлини беихтиёр қўлтиғи остига олиб борди-ю, бирдан ҳушёр тортди. «Бу яна нимаси? Бир йилча бўлди, чўмилаётиб сийнасида ёнғоқдек безга ўхшаган нарса пайдо бўлганлигини сезиб, ҳайрон бўлган эди. Лекин ўшанда шамоллаган бўлсам керак», деб эътибор бермаганди. Мана энди қўлтиғи остига ҳам тушибди. «Дўхтирга учраб қўйишим керак». У ювиниб чиққач, кўнглига ғашлик чўкди.

Орадан уч кун ўтгач, ҳафсала қилиб шифокорга учради. Ёши тахминан элликларга борган, тўлагина истарали аёл текшириб кўргач, Лобарга бир лаҳза тикилиб турди-да:

– Ёшингиз нечада? – деб сўради.

– Қирқ учга кирдим.

– Оилангиз, фарзандларингиз борми? Лобар айтди.

– Без тушганлигини қачон сездингиз?

– Бир йилча бўлди.

– Ўшанда келиб учрашингиз керак эди. Мен ҳозир онкологияга йўлланма ёзиб бераман. Иложи бўлса шу бугуноқ боринг.

«Онкология» сўзини эшитиб Лобарнинг юрагини ваҳима босди.

– Нима... мен шунақанги касал бўлиб қолибманми, – деди у «рак» деган сўзни тилга олишга ҳам қўрқиб.

– Ҳозирча бир нима дейиш қийин. Сиз дарров ёмон хаёлга борманг, деди врач унга далда бериб. – Анализ олиб, текшириб кўришади. Демак, тушундингиз-а? Бугун имкони бўлмаса эртадан, албатта, касалхонага ётинг.

... Лобар врач қабулидан чиқгач, ўйланиб қолди. «Бугуноқ ётаймикин? Йўқ, бўлмайди. Нима қиламан Азаматни ташвишга қўйиб. Яхшиси эртага...»

У ҳардамхаёллик билан автобус бекати томон бораркан кўз ўнгига «лоп» этиб ракка чалинган синфдош дугонаси Дилдора келди-ю, бутун вужуди бўшашиб қўл-оёғидан дармон кетгандек бўлди. Ўшанда уч-тўртта бўлишиб касалхонага боришганда операциядан чиққанига уч кун бўлган экан.

У айни ўттизга кирган лўппи юзли дугонасининг бир бурда бўлиб қолган сўлғин чеҳрасига термилиб юраги эзилиб кетганди. «Дилдоранинг кўкрагини кесиб ташлашибди» деганди касалхонадан чиқишганда дугоналаридан кимдир кўзига ёш олиб. «Ишқилиб яхши бўлиб кетсинда. Бедаво дард бу».

Дарҳақиқат, Дилдора узоқ яшамади. Икки йилдан кейин касали яна қўзиб, ўттиз икки ёшида оламдан ўтди.

* * *

Лобар эртаси куни касалхонага ётди. Уч кун ўтгач, анализ натижаларини кўздан кечирган даволовчи врач – бўлим мудири Камолжон Собирович ўзининг хулосасини айтди: «Бир ҳафта-ўн кун нур билан даволаб, операцияга ётқизиш керак. Бошқа илож йўқ».

Лобар касалхонага ётган куни «Қудаларимга айтмай туринглар, балки ваҳима қиладиган касал эмасдирман», деб ўғлига қаттиқ тайинлаганди. Врач операция қилиш шартлигини айтгач, эртаси куни эрталаб қудалар – Шаҳобиддин ака билан Соҳибахон ҳам етиб келишди.

– Ҳар хил хаёлларга бориб ўзингизни сиқманг, – деди Шаҳобиддин Қобилович Лобарга мулойим тикилиб. – Врач билан гаплашдим. Операциядан кейин бутунлай соғайиб кетганлар жуда кўп.

Қудалар беш-ўн дақиқа ўтиришгач, рухсат сўраб қўзғалишди. Хонада Азамат билан келини Садоқат қолишди. Лобар ташвишли қиёфада ўтирган ўғлига, киприклари намланиб жавдираб турган келинига термилиб юраги эзилаётган бўлса-да, ўзини тутди.

– Мендан хавотир олманглар. У Садоқатга қараб зўрма-зўраки жилмайди. – Мана, дадангиз айтдилар-ку, у киши ҳам катта врач. Ҳеч нима қилмайди. Бўлди, энди сизларгаям рухсат.

Азамат Садоқатга бир қараб қўйгач, «майли, дам олсинлар», дегандек ўрнидан турди.

– Ҳа, айтганча, менга қара, – деди Лобар ўғлига маъноли тикилиб.

– Садоқатхонни уринтириб қўйма. У шундай дея келинига юзланди.

– Қизим, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Оғир нарса кўтарманг, хўпми?

Тасдиқ ишорасини қилган Садоқат уялиб ерга қаради. Лобар уларни эшик тагигача кузатиб қўйиб, қайтиб хонасига кирди-да, ўрнига беҳол чўзилди. «Э, худойим». У кўзларини бир муддат

юмди. Шунда киприкларидан сизиб чиққан икки томчи қайноқ ёш ёстиққа томди. «Наҳотки, мен ҳам Дилдорага ўхшаб...» Лобар ўзини чалғитишга, вужудини қамраб келаётган қўрқувни тарқатишга ҳар қанча уринмасин, «ўлиб қолсам-а?» деган фикр миясида тинмай чарх урарди. «Парвардигорим», деди у бутун иродасини тўпларкан шивирлаб. «Минг марта шукур. Раисага ўхшаб шармандали ўлим топиб, беимон кетсам нима бўларди? Ҳаммаси ўзингга аён. Тавбаларимни қабул қилиб, гуноҳларимни кечирсанг бас».

Кўз ёшлари юзларини ювaётган Лобар муножот қилаётгандек қўлларини кўксига қовуштириб, деразадан кўкка тикилди. «Худойим, ўзингга тавба қилиб, нимаики сўраган бўлсам бердинг. Энди яна битта охирги тилагим бор. Келиним эсон-омон енгиллаб, кўзи ёрисин. Қиздир, ўғилдир, неварагинамни бир мартагина қўлимга олиб, кейин ўлсам майли, армоним йўқ. Сенга ёлвориб илтижо қиламан, ноумид қўймагин, парвардигор...»

* * *

Лобар операциядан кейин ўн беш кун даволангач, касалхонадан чиқди.

– Аяжон, – деди уйга келишгач, Азамат елкаларидан қучиб. – Бутунлай соғайиб кетганингиздан кейин ҳам энди бозорга чиқмайсиз. Бўлди, кўнглингиз нимани тиласа ҳаммасини ўзимиз муҳайё қиламиз.

– Хўп бўлади, ўғлим. Бундан буён сизлар нима десаларинг шу. У ёнига келиб ўтирган Садоқатнинг қўлларидан ушлаб, фарзандларига меҳр билан тикилди. – Худо хоҳласа неварали бўлсам, унга қараб, уйда сизларни дуо қилиб ўтираман.

... Орадан беш ой ўтди. Лобарнинг саломатлиги тикланиб, яна юзларига қизиллик югурди. Лекин уни аввалги хушчақчақлик бутунлай тарк этган, қандайдир маъюс, одамови бўлиб олганди. Илгари кечки овқатдан сўнг алламаҳалгача ўғли,

келини билан чақчақлашиб ўтирарди.

Энди эса дастурхонга фотиҳа ўқилиши билан «Бўпти, яхши ётиб туринглар, мен чиқай энди», дея учинчи қаватга – хонасига кириб кетарди. Хуфтон намозини ўқигандан кейин эса баъзан соатлаб жойнамоз устида ўтириб қолар, «эй, бори худоё, мен осий бандангни гуноҳларини ўзинг кечир», дея кўз ёш тўкиб, яратганга тинмай илтижо қиларди.

Лобар ҳар сафар бош ювиб чўмилаётганда сийнасига кўз ташламас, тўғриси қарашга қўрқарди. Бугун илиқ сувда ювингач, артинаётиб ойна орқали кўкрагига бир лаҳза тикилди. Шунда кесиб ташлаган ўнг сийнаси ўрнидаги чандиққа қараб туриб юраги орқасига тортиб кетгандек бўлди.

«Эй гумроҳ банда», деди шунда ўз-ўзига. «Ёдингдами, бундан ўн йилча аввал, наҳс гирдобига ботиб, айни айш-ишратда юрган пайтларинг. Ўшанда келишган қадди-қоматингни гоҳида кўзгуга солиб завқ билан томоша қилардинг.

Номаҳрам эркаклар қучоғида ётганингда уларнинг ҳирс билан «сийнангиз худди қизларникидек туради-я» деган шивирлари қулоғингга хуш ёқарди.

Лекин ўшанда кун келиб мана шундай аянчли аҳволга тушиб қолишинг мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмидинг? Йўқ, хаёлингни кўчасига ҳам келмаган.

У ваннахонадан чиқиб диванга ўтирди. «Э, худойим», изтироб билан шивирлади Лобар. «Номаҳрамларнинг нопок қўли теккан баданимнинг бир парчасини юлиб олиб, балки ўзинг менга меҳрибонлик қилгандирсан. Парвардигорим, агар мана шу чекаётган изтиробу азобларим тоғдек оғир гуноҳларимга озгина каффорат бўлса мингдан-минг розиман. Сендан фақат сабр-тоқат, бардош тилайман, қодир Эгам».

* * *

.. Уйғониш фасли деб аталмиш навбаҳор Лобарлар хонадонига ҳам қувонч олиб келди. Азамат ўғил кўрди.

– Муборак бўлсин энди, мана ота ҳам бўлдинг. Лобар ўғлини қучиб, пешонасидан ўпди.

– Ўзингизга ҳам... Шодликдан, ҳаяжондан кўзлари чарақлаган Азамат онасига қараб жилмайди.

Она-бола туғуруқхона дарвозасидан чиқишгач, Лобар тўхтади.

– Менга қара, энди гап бундай, – деди у. – Ҳали вақт эрта. Ҳозир тўғри Қўқонга бор. Бугун бозор. Аввал Сарвар акангни дўконига тушиб, хушхабарни айт. Ундан кейин опоқингни олдиларига ўт. Аямларникига, бувингни олдиларига ҳам киргин. Мен уйга бориб Марғилонга – Соҳибахонларга телефон қилиб қўяй.

– Ҳа, айтганча, шошма. Лобар беш-олти қадам юрган ўғлини тўхтатди. Сўнгра бир лаҳза ўйланиб турғач деди:

– Опоқингга исмини қўйиб беринг, – деб олдиларидан ўтиб қўй. Хурсанд бўладилар. Бўпти, бор энди, лекин ҳаяллама, тезроқ кел.

Азамат уйга шомга яқин кириб келди.

– Бу сизга, – деди у газетага ўралган кийимликни онасининг қўлига тутқазиб. Бувим бериб юбордилар. Мана бу кўйлак бизга. Сарвар акамдан, суюнчи!

– Ҳаммалари соғ-саломат юришибдими? Борганнинг яхши бўлди-да, болам.

– Опоқим ҳали бардамлар. Лекин бувим... Яқинда яна тоблари қочибди. «Даданг бу кунларга етганда қандоқ хурсанд бўларди, – деб анча йиғладилар.

Лобар маъюс тортди.

– Ҳа, айтганча, – деди Азамат онасининг хомуш тортганини кўриб. Гапингизни опоқимга айтгандим. Аввалига, «ўзларинг ҳам ўйлаб

юргандирсизлар. Мана, қайнотанг бор» дедилар. Кейин ўйланиб туриб, «агар маъқул кўрсаларинг, Хуршиджон ҳам яхши исм», дейишди.

– Хуршиджон? Лобарнинг бирдан чеҳраси ёришди. – Худди шу исм менинг ҳам кўнглимдан ўтган эди. Жуда яхши. Хуршиджон бўлсин. Худди офтобга ўхшаб йўлингни, хонадонингни доимо нурга тўлдириб юрсин.

* * *

Ҳаёт – мураккаб. Умр сўқмоғидан аста одимлаб бораётган инсон то сўнгги манзилга етиб боргунча неча бор тақдир, қисмат синовларига рўбара бўлади. Файласуфлар айтганидек, турмуш машаққатларига дучор бўлиб юрагинг қон, зардобга тўлганда ҳам асло умидсизликка тушма. Чунки туннинг охири – тонг ҳам бор. Ёки аксинча. Ишларинг юришиб, омад қуши бошингга қўниб турганда эса ўзингдан кетиб, мағрурланма, кибру ҳавога берилма. Зеро, бу чархи кажрафторда доимо шодлик ўрнини қайғу, ғам-ташвиш ўрнини севинч, хурсандчилик эгаллаб туради. Зотан, шоир айтгандек: бу дунёнинг ярми роҳат, ярми ғамдир, шукур қил, умринг узун бўлса раҳмат, агар камдир шукур қил.

... Лобарнинг беором қалби сезган, қўрқув ва таҳлика билан кутган ўша кун келди. Орадан бир йил ўтгач, кундан-кунга ҳолсизланиб дармонсизлана бошлади. Лекин у буни сездирмасликка ҳаракат қилар. Азаматни ташвишга қўйишни сираям истамасди. Бироқ, кўкрак қафаси остида пайдо бўлган оғриқ кучайгач, яна врач қабулига борди.

Уни операция қилган врач Камолжон Собирович Лобарни текшириб, суҳбатлашгандан кейин ўйланиб қолди.

– Ётиб даволанишингиз керак, – деди у ниҳоят жиддий оҳангда.

– Йўқ энди, яна ҳаммани овора қиламанми? Ло-

бар астойдил эътироз билдирди. – Укол, дориларни ёзиб бераверинг, уйда даволанавераман,

Онаси билан келган Азамат врачга умидворлик билан тикилди.

– Касалхонада ётмаса иложи йўқми?

– Бўлмаса бундай. Анализларни топширинг. Шунга қараб бирор хулосага келармиз.

Она-бола ташқарига чиқишгач, Азамат врач ҳузурига қайтиб кирди.

– Камолжон ака, – деди у бўғзига нимадир тиқилиб. – Менга ростини айтаверинг. Тузалиб кетадиларми?

Камол Собирович чуқур тин олгач, афсус билан бош тебратиб шундай деди:

– Азаматжон, ўғлим. Ўтган сафар врачга вақтни анча ўтказиб, мурожаат қилинган. Биз қўлимиздан келганини қилдик. Операция яхши чиққан эди. Ўзингиз яхши тушунасиз, бу шунақанги касал. Ётиб даволанишга астойдил унашмаса майли, мажбур қилмаймиз. Сиз ҳам кўнгилларига қаранг.

«Кўнгилларига қаранг». Азаматнинг юрагига ғулғула тушди. «Врач бу билан нима демоқчи? Эндигина хотиржам, осуда кунларга етганимда... Наҳотки... Бечора онагинам...

У шуларни хаёлидан ўтказаркан дили вайрон бўлиб кўнглига ғашлик чўкди.

* * *

Командировкадан бир ҳафта Тошкентда бўлиб қайтган Азамат соат 11 ларда таксидан тушди-да, аввал идорага ўтди.

... Адвокатурада Азаматни бўлим мудири Анваржон ака Қулматов хўмрайиб қарши олди.

– Бу ёққа юринг-чи. У салом-аликдан кейин хонасига бошлади. Улар рўбара ўтиришгач, бўлим мудири бир муддат сукут сақлаб турди-да, деди:

– Тошкентдалигингизда вилоят прокурорининг шахсан ўзлари сизни сўради. Келиши билан

олдимга юборинг, дедилар.

– Тинчликми? Азамат ҳам хавотирга тушиб қолди.

– Билмасам, Анвар Қулматович қовоғини уйиб, бошини сарак-сарак қилди.

– Мен сизга минг марта айтганман, ҳув, ука, ҳадеб ҳақиқатпарастлик қилаверманг, деб. Сизнинг хабарингиз йўқ. Мана, биз биламиз, прокурорларнинг ичида сизга тишини қайраб, пайт пойлаб юрганлариям йўқмас.

Азаматнинг юраги сиқилди. «Нима қилибман» ўйлади у. «Тўғри, суд жараёнида гоҳида қизишиб кетган пайтларим ҳам бўлган. Лекин қонун доирасидан чиққаним йўқ-ку».

– Буни ҳаёт дейдилар. Анвар Қулматович гапини насиҳатомуз давом эттирди. Гоҳида муросаю мадора ҳам керак. Органдагилар билан ҳадеб олишаверишнинг оқибати яхши бўлмайди. Мана, биз ҳам ёшлигимизда ўт эдик. Турмуш, шароит одамни аста-секин қолипга солиб қўяркан. Биласиз, мен сизни жудаям ҳурмат қиламан. Ҳали ёшсиз. Келгусида суд ёки прокуратурага ўтиб ишлаш ниятингиз ҳам бордир, ахир! Бу аҳволда...

– Анваржон ака, кечирасиз. Прокурор мен ҳақимда бирор ёмон гап айтдими?

– Ё тавба, нимага тушунмайсиз?! Бўлим мудирининг яна зардаси қайнади. – Шундай катта одам сизни ош дамлаб, зиёфатга чақирмагандир, ахир?! Бўпти, ҳозироқ олдига боринг.

Азамат бўшашиб ўрнидан турди.

* * *

Акмал Азимовичнинг вилоятга прокурор этиб тайинлаганлигига ўтган ҳафта бир йил бўлди. У янги келганда, аввало қўл остидаги ходимлар, шаҳар, туман, прокурорлари билан бирма-бир суҳбатлашди. Сўнгра иш фаолиятини жойларда, аҳоли ўртасида сайёр қабуллар ташкил қилиш,

одамлар билан юзма-юз учрашиш, мулоқот ўтказишдан бошлади. Нега фуқаролар оддий ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишмайди? Унинг сайёр қабуллар, учрашувлардан кўзлаган мақсади фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларда даъвогарлик ҳиссини уйғотишдан иборат эди. Чунки даъвогарлик ҳисси ҳар бир фуқарода шаклланмас экан, ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ана шу ҳис-туйғуни уйғотишга ўз таъсирини ўтказишлари зарур.

... Акмал Азимович қайсидир файласуфнинг «Жарроҳ билан прокурорнинг адашишга ҳақ-қи йўқ», деган гапини тез-тез ёдга оларди. Дарҳақиқат, жарроҳнинг хатоси оқибатида бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмиши мумкин. Кимдир айбсиз айбдор бўлиб, ноҳақ қамалиб кетса-чи? Ўша жабрдийданинг оиласи, қариндош-уруғ-лари «Фарзандимиз шошма-шошарлик билан айблов эълон қилган, етти ўлчаб, бир кесмай ҳукм чиқарган бир нобакорнинг айби оқибатида қамалиб кетди» демайди.

Дунёда адолат, ҳақиқат борлигига ишонмай қўяди. Энг ёмони жамиятдан, тузумдан кўнгли қолади. ... Акмал Азимович Азаматнинг номини бундан олти ойча олдин эшитган эди. Тўғрироғи, тўйда чиққан тўполонда бир йигитни кимгадир тан жароҳати етказганликда айблаб, қамашган, судда эса Азаматнинг ўринли, асосли талаби билан иш қайта терговга қайтарилиб, натижада «айбланувчи» оқланиб чиққанди.

Шундан кейин у Қобилов номини бир-икки даврада эшитган, «мана шунақанги йигитларни прокуратурага жалб қилиш керак», деган фикрни хаёлидан ўтказганди.

Шу пайт эшик қия очилиб, қабулхонада ўтирадиган йигит кўринди.

– Адвокатурадан, Қобилов... Азаматжон деган

йигит келди. Чақиртирган экансиз.

– Ҳа, айтинг, кираверсин.

– Ассалому алайкум.

– Ва алайкум ассалом. Келинг, ўтиринг. Акмал Азимович ўзига яқинроқ турган стулга ишора қилди.

Азамат ўтиргач, прокурор унга бир зум тикилди. Одатда, Акмал Азимович қабулига келганларга доимо очиқ чеҳра билан самимий муомалада бўларди.

Лекин унинг ҳузурига арз, шикоят билан кирган одамларнинг чеҳраларида қандайдир ҳадик, саросималик сезилиб турарди. Рўпарасида турган бу йигитнинг юзида эса у қатъият, шу билан бирга ҳайронлик аломатларини сезди.

Прокурор Азаматнинг оилавий шароити билан қизиққач, прокуратурада ишлашни хоҳлайсизми?

Азамат бир зум гаранг бўлиб қолди. Чунки у бу ерга рингга чиқаётган боксёрдек ўзини руҳан тайёрлаб келган эди. Шу боис кутилмаган бу саволга нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди.

– Бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрганим йўғиди, – деди бир оз ҳаяжонланиб.

– Ўйлаб кўриб, кадрлар бўлимига учранг. Акмал Азимович шундай дея ўрнидан туриб, Азаматга қўлини узатди. – Сизга ўхшаган йигитлар прокуратура идораларига ҳам керак, келишдикми?

... Азамат ташқарига чиққач, юраги гурсиллаб ураётганлигини сезди. «Тушимми, ўнгимми? Албатта, у келгусида прокуратурада ишлашни орзу қиларди. Лекин ниятига шунчалик осон, кутилмаганда етишини хаёлининг кўчасига ҳам келтирмаганди.

«Идорадан уйга телефон қилиш хаёлимдан кўтарилибди-ю», ўйлади у онаси ёдига тушиб. Кеча Тошкентдан қўнғироқ қилганда, «ишингизни битирибоқ тезроқ келинг, аямнинг анча мазалари

йўқ», – деган эди Садоқат йиғламсираб.

«Хонамдан бир-иккита керакли қоғозларни оламан-у, тўғри уйга бораман». Азамат тез-тез юриб катта йўлга чиқди-да, такси тўхтатди.

Дарвоза олдида таксидан тушган Азаматга тушликка чиқиб кетаётган Анвар Қулматович юзланди.

– Нима гап? – деди бўлим мудири Азаматга хавотирлик билан қараб.

– Адашибсиз, ҳақиқатан ҳам зиёфатга чақиришган экан. Азамат шундай деб кулиб қўйди-да, ҳайдовчига «ман ҳозир, бир минутда чиқаман» дея хонасига шошди.

– Ҳа, айтганча, келин икки марта телефон қилиб...

Лекин Анвар Қулматовичнинг бу гапини Азамат эшитмади.

* * *

Азаматни йўлак оғзида йиғидан кўзлари қизарган Садоқат кутиб олди.

– Тошкентдан тўғри уйга келмай қаерларда юрибсиз? Айтган эдим-ку...

– Тинчликми, аям тузукмилар? Бу ерда нима қилиб турибсиз? Ёнларида ким бор?

– Фазилат холам бошларида ўтирибдилар, – деди Садоқат биргаликда юқорига кўтариларкан. – Бугун эрталабдан жудаям бетоқат бўляптилар. Ҳозир дўхтир келиб, яна оғриқни тўхтатадиган укол қилиб кетди. Марғилонга – аямга ҳам телефон қилдим.

Азамат хонага кирди.

– Келдингми, болам...

Худойимга шукур, кўрол-май қоламанми деб...

– Унақа деманг, аяжон. Яхши бўлиб кетасиз. Азамат онасининг қўлларини ушлади. «Бир ҳафтада янаям озиб, чўп бўлиб қолибдилар. Ўшанда мажбурлаб бўлса-ям касалхонага

ётқизсам дурустмиди? Врачнинг айтгани тўғри чиқяпти... Жудаям қийналиб кетдилар».

– Бир ҳафта бўлди, опоқингни, дадамни туш кўрдим, – деди Лобар тетик, хотиржам оҳангда. – Катта мевазор боғмиш. Боғнинг панжарали дарвозасининг олдига борсам, бирдан дадам пайдо бўлдилар, «Ке қизим, қийналиб кетдинг», дедилар менга қараб. – Чеҳралари очиқ, кулиб турибдилар.

Шундай дегач, Лобарнинг кўзларидан «дув» ёш тўкилди. Сўнгра ўз-ўзига гапираётгандай шивирлади. «Дадам мени кечирдилар...»

Онасига унсиз термилиб, мана шу сўнгги лаҳзаларда волидасининг кўнглидан нималар кечаётганлигини сезган Азаматнинг ҳам юраги эзилиб кетди. «Нима десин? Аяжоним, ҳали соғайиб кетасиз, унақанги гапларни гапирманг», деб таскин, тасалли берсинми? Йўқ, онаси тақдирга тан бериб, қазога рози бўлиб турибди.

– Аяжон, билмай сизга қаттиқ гапирган бўлсам кечиринг, – деди кўзларидан оқаётган ёшларни кафти билан артаркан, бўғиқ товушда.

– Садоқатхон, қизим...

– Аяжон... Садоқат яқинроқ ўтириб, Лобарнинг пешонасига қўлини қўйди.

– Илоҳим қўша қаринглар. Мен... ҳаммаларингдан розиман... У шундай дегач, кўзларини катта очиб аланглади: – Холанг қанилар?

– Шу ердаман. Лобарнинг бош томонида ўтириб, унсиз йиғлаётган Фазилатхон ўрнидан туриб, яқинроқ келди.

– Қўлингизни беринг, опажоним. Лобар оғир-оғир нафас олиб Азаматга, Садоқатга қаради. – Холангни худди мени ҳурмат қилгандек ҳурмат қилинглар, дуоларини олинглар. Холанг – авлиё аёл!..

У бир муддат нафасини ростлаб сукут сақлаб тургач, келинига мулойим тикилди. – Қизим, сиз Хуршиджонга қаранг, мен тузукман.

– Ўғлим, – деди у Садоқат чиқиб кетгач, Азаматга термилиб. – Охирги гапимни эшит... Мени бу ерда қолдирманглар... Қўқонга олиб боринглар... Лекин... дадангни олдига қўйманглар. Агар опоқингни қабрлари ёнида жой бўлса майли, ўша ерга...

Онасининг чексиз изтироб, пушаймонлик ўтида қовурилаётганлигини ҳис этган Азаматнинг вужуди зирқираб кетди.

Шу пайт худди ҳаво етишмаётгандек Лобар оғзини очиб, чуқур-чуқур нафас олди-да, охирги кучини тўплаб, калима қайтарди:

Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ. Ашҳаду анна илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ...

* * *

Орадан ўн кун ўтгач, Шайҳон қабристонининг хилватгина ерида инсон умрининг бебақолигини эслатиб тургувчи яна бир қабр пайдо бўлди.

Қўқон – Дўрмон, 2001 йил

ЙИГИТ ЙИҒЛАМАСИН ДУНЁДА...

БИРИНЧИ ФАСЛ

Бўлмасин десангиз қиёмат қойим
Йигит йиғламасин дунёда...
Қўшиқдан

Эрталаб Толибжоннинг кўнглига чўккан ғашлик куни бўйи тарқамади. «Бугун менга нима бўляпти ўзи? Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Ҳамма ишларим жойида бўлса... Тавба. Қўқонга, уйга телефон қилай-чи». У шуларни хаёлидан ўтказаркан, паришонхотирлик билан гўшакни кўтарди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас катта қизи Диловарнинг қўнғироқдек овози эшитилди. «Дада, ассалому алайкум, яхшимисиз? Нима? Ҳа, ўқишга боряпман, ҳаммаси яхши. Дилноз ҳам юрибди. Бу ҳафта келасизми? Соғиниб кетдим». «Йўқ, боролмайман, ишларим кўп». Толибжон қизининг чеҳрасини кўз олдига келтираркан юраги орзиқди. «Бўпти, қизим, хайр. Яхши ўқигин. Янаги ҳафта бориб қоламан».

«Аямни бир оғиз сўрамайдилар», – деб хаёлига келтирган бўлса керак. Толибжон гўшакни қўйиб бир муддат оғир ўйга чўмди. «Худога шукур, қизларим эсли-ҳушли. Ниҳоятда меҳрибон. Айниқса, Диловар. Бу йил иккинчи курсда ўқийди-ю, ҳар борганда худди беш-олти яшар қизалоқлардек бўйнимга осилиб олади. Ҳа, ишқилиб иккаласиниям бахтини берсин». Шуларни хаёлдан ўтказаркан, қайси бир шоирнинг хотирасига муҳрланиб қолган мисраси беихтиёр ёдига тушди. «Қиз деган жигарнинг қонидан бўлур...»

Толибжоннинг кўнгли бир оз ёришгандек бўлди. У соатга кўз югуртиргач, уйга эртароқ бориши

кераклигини ўйлаб ўрнидан қўзғалди. «Ҳурриятни шу кунларда кўзи ёрийди. Худо хоҳласа ўғиллик бўлади. Ўғил!.. Кимга ўхшаркин? Менгами, ё аясига? Кимга ўхшасаям майли. Хотини эсон-омон қутулса, боласи соппа-соғ туғилса бас...»

Машинасини ўртача тезликда бошқариб бораётган Толибжон Муқимий театри биноси ёнидан чапга бурилди-да, озиқ-овқат билан савдо қилувчи каттагина дўкон олдида тўхтади. У магазиндан сариёғ, гўшт, нон харид қилгач, яна машинасига ўтирди.

...Хотини кечки овқатга палов дамлади. Дастурхон тепасида Толибжон унинг пазандалигини мақтади. Ҳурриятхон мамнун жилмайди.

– Қалай бизни ўғил? – Бир пиёладан чой ичишгач, хотинининг қорнига ишора қиларкан Толибжон кулди.

– Қимирлаб қўймаяпти. Тезроқ дадамни кўраман, деяпти. – Ҳурриятхон ҳазил қилди. Сўнгра эрига маъноли тикилди. – Мабодо қиз бўлса-чи?

– Аппаратга тушганингизда ўғил дейишган-ку.

– Дўхтирлар ҳам адашиши мумкин. Агар қиз бўлса мени уйимга олиб бориб қўясизми? – Хотини муғамбирона жилмайди.

– Нималар деяпсиз? – Толибжон диванга – хотинининг ёнига ўтириб елкасидан қучди. – Майли, нима бўлсаям эсон-омон қутулиб олинг. Лекин мен худодан ўғил сўраганман. Мана кўрасиз, айтганим бўлади. Ҳурриятхон эрининг елкасига бошини қўяркан, кўзларидан дув ёш тўкилди.

– Ие, нимага йиғлайсиз? Тинчликми?

– Йўқ, шундай ўзим. – Хотини кўз ёшларини артаркан бирдан маъюс тортди.

– Биласизми, гоҳида Азизахон опани (кундошимни деёлмади) ўйласам қўрқиб кетаман.

Худо кўрсатмасин, мабодо сезиб қолишса мени нақ ўлдириб қўйишса керак.

– Ҳозир бунақанги ёмон хаёлларга борманг. – Толибжон далда берди. – Айтганман-ку, эсон-омон қутулиб олинг, унга ўзим ҳаммасини очиқ айтаман.

– Сиз хотинларни билмас экансиз, – Ҳурриятхон бош чайқади. – Қиёматдаям рози бўлмайди.

– Рози бўлмаса майли, уй-жой, ҳаммаси уники. Қизларимни муносиб жойларга узатиб олсам бўлди. Қайтиб ҳовлига қадам қўймайман. Шунинг учун ташвиш тортманг. Мабодо билган тақдирда ҳам бу ерга келиб сиз билан жанжал қилишига йўл қўймайман, тушундингизми? Энди кириб дамингизни олинг. Мен ишхона билан боғлиқ бир-иккита ҳужжатларни кўриб чиқишим керак.

Кўнгли таскин топган Ҳурриятхон эрига миннатдорчилик билан қараб қўйгач, ётоқхонага кириб кетди. Қоғозларни кўздан кечириб бўлган Толибжон бир оз телевизор кўрган бўлди. Сўнгра соат 11 дан ўтганлигини кўриб, ўрнидан қўзғалган ҳам эдики, қўнғироқ чалинди.

«Ким бўлдийкин, бемаҳалда?» У эшик тирқишидан мўралади. Лекин остонада турган одамнинг юзини кўролмади.

– Ким?

– Толибжон эшикка қулоғини яқин олиб борди.

– Бу мен, Рауфман.

«Рауф? Тошкентда нима қилиб юрибди у? Уйни қандай топиб келдийкин? Ҳа, ишхонадан билган бўлса керак». Шуларни хаёлидан ўтказаркан:

– Эртага идорамга ўт, ўша ерда гаплашамиз, – деди у руйихуш бермай.

– Эшикни оч, бир оғиз гапим бор, ўгримасман-ку.

Толибжон ўйланиб қолди. «Кайфи йўққа ўхшайди. Бу сурбет, ҳайвон барибир кетмайди. Қайтанга қўшниларни безовта қилади». У истамайгина

эшикни очди-ю, Рауфнинг ёнида турган бегона йигитга кўзи тушиб, юрагига ғулғула тушди.

– Қани, юр, ичкарига, – Рауф чаққонлик билан унинг биқинига пичоқ тиради, – ғинг десанг, ўлдираман. Улар ошхонага киришгач, Рауф беўхшов тиржайди.

– Эсингдами? Мен сенга айтган эдим-а, бир куни ҳисоб-китоб қиламиз, деб. Қани айт, пулларинг қаерда?

Толибжоннинг ранги оқарди.

– Номардлик қилма. Яхшиликларимни сен билмасанг, худо билади.

– Гапни калта қил, қаерда пулларинг?

– Хўп. Уйда юз минг пулим бор, ётоқда, ҳозир олиб чиқиб бераман.

– Нима? Биринчидан сен қимирламайсан, анув киради. Қаердалигини айтсанг бўлди. – У шундай дея қизарган кўзларини Толибжонга ўқдек қадаб турган йигитга қараб қўйди. – Иккинчидан, нима қиламан юз минг пулингни? Исриқчига бераманми? Айт, кўкини қаерга яширгансан?! Кўкини! Нимага безрайиб турибсан?! – Рауф шундай дея шеригига ўгирилди. – Самад, сен кириб ётоқхонани титиб чиқ, бу билан кейин гаплашамиз.

– Тўхта! Кирма у ерга, хотиним бор.

– Хотиним дейсанми? Яна қанақанги хотининг? – Саросимага тушиб қолган Рауф Толибжонга бақрайди. Сўнгра «тушундим» дегандек тиржайди.

– Ҳали ойимчалари ҳам борми? Бойвачча бўлгандан кейин шунақа. Бизни ҳам маишат қилгимиз келади. Нима дединг? Охирги марта сўраяпман, кўкини қаерга яширгансан?

– Мени яхши биласан, – деди Толибжон бўғиқ товушда. – Рост гапиряпман, уйда бори шу. Хоҳласанг мени пастга олиб тушиб нима қилсанг қил. Лекин ётоққа кирма.

Шу пайт Рауф шериги билан маъноли кўз уриш-

тиргач, Самад Толибжоннинг орқасига ўтди-да, чаққонлик билан трос-сиртмоқни унинг бўйнига солди. Рауф эса Толибжоннинг дуч келган ерига уч-тўрт марта пичоқ солди.

– Аблаҳлар! – Толибжон жон талвасасида бўйнидаги сиртмоқни юлқиб олишга тиришаркан хириллади. – Хотинимга тегма! – Шу лаҳзада ётоқхонадан чиқиб ошхона эшиги олдида пайдо бўлган Ҳурриятхон мудҳиш манзарани кўриб тош қотди.

«Вой дод, ким бор!!!»

– Униям гумдон қилиш керак!

– Қотиллар шалвираб ҳушидан кетган Толибжонни ўз ҳолига қўйиб Ҳурриятга ташланишди...

Самад бора солиб Ҳурриятнинг оғзини беркитди. Қонга беланган пичоқни боши узра шахт билан кўтарган Рауф, аёлнинг ҳомиладорлигини кўриб, бир лаҳза тараддудланиб қолди. Шу пайт ташқаридан кимдир мушти билан эшикни қаттиқ дукиллатди. «Ким бор уйда? Очинглар эшикни?!» Саросимага тушиб қолган қотил аёлнинг кўкрагига пичоқ урди-да, шеригига ўгирилди.

– Тез бўл, чироқни ўчириб, эшикни оч.

Самад оғзини беркитгандаёқ ҳушидан кетган Ҳурриятни қўйворди. Қотиллар эшикни очиб, остонада тахтадек қотган ён қўшни – ёши олтмишларга борган Хайруллохон акани уриб йиқитгач, бараварига пастга отилишди.

* * *

Азизахон ўрнидан ҳар кунгидан кечроқ турди. У эринибгина қўл-бетини ювгач, ойна олдига бориб тўзғиган сочларини таради-да, бир оз пардоз қилган бўлди.

– Ая, мен ўқишга кетяпман, – деди шу пайт хонада пайдо бўлган Диловар. – Нонуштани тайёрлаб қўйганман. Газда чой қайнаяпти. Совиб

қолмасин деб дамламадим.

– Кечга қолмадингми? – Азизахон хона деворидаги гилам тепасига осилган соатга бирров кўз югуртирди. – Тўққиздан ўтибди-ю.

– Бугун биринчи парамиз йўғиди. – Диловар шундай дегач, бир гап айтмоқчидай тараддудланиб қолди.

– Бирон нима демоқчимисан? – Азизахон қизига синчковлик билан тикилди.

– Ҳалиги... кеча дадам телефон қилувдилар.

–Тинчлик эканми? – Онаси истамайгина сўради.

– Ҳа, шундай ўзлари... «Янаги ҳафта бориб қоламан», – дедилар.

– Бўпти, дарсдан кейин ўртоқларинг билан кўча санқимасдан тўғри уйга кел. Бугун холанглар билан ўтиришимиз бор.

Қизи кетгач, Азизахон чой дамлади. Бироқ иштаҳаси бўлмади. Номига бир бурда нон билан пишлоқ едида, дастурхонни йиғиштириб меҳмонхонага кирди. Паришонхотирлик билан диванга ўтираркан, ўйга толди. «Болаларим дадасини яхши кўради. Телефонда бир оғиз «Аянг қалай», демаган. Бўлмаса Диловар «Дадам сизни сўрадилар», деб кечаёқ айтарди. Қизларимни узатганимдан кейин уйга умуман телефон қилмаса керак». Бошқа пайт бўлгандаку «Даданг тирик эканми? Яқинда сизларниям эсдан чиқарворади», деган бўларди. Лекин ўтган куни собиқ синфдош дугонаси Нозиманинг гапларидан кейин ўйланиб қолди. У Нозима билан ўн йил бирга ўқиган. Синфда ҳам бир партада ўтиришарди. Ўнинчини битириш арафасидаёқ Нозималарнинг эшигидан совчилар аримай қолди. Сабаби бўйи ўртадан хиёл баланд, оқ юзли, бодом қовоқ, қадди-қомати келишган бу истарали қизнинг харидори кўп эди. Шу боис техникумни битирар-битирмас уни узатишди. Тўй

арафасида куёвнинг оддий ошпаз эканлигини эшитган Азиза «Сани олий маълумотли йигитлар ҳам жон-жон деб оларди, бунча шошмасанг, шунақанги эрсираб қолдингми?» деб бурнини жийирганди. Лекин ЗАГС куни куёвнинг баланд бўйли, қора қош, келишган йигит эканлигини, Нозима билан иккаласи узукка кўз қўйгандек бир-бирига муносиблигини кўриб тан берди. Нозима бало, диди чаккимас, бир марта учраштиришгандаёқ юрагидан урганича бор.

Орадан икки йил ўтгач, Азизанинг ҳам тўйи бўлди. Шундан кейин беш-олти йил борди-келди қилиб юришди. Кейинчалик ёш болалар билан ўралишиб камроқ кўришадиган бўлишса-да, тез-тез телефонлашиб туришарди.

Бир куни кутилмаганда Нозима телефон қилиб қолди. «Азиза, хўжайиним «шефповур» бўлдилар, – деди салом-аликдан кейин қувончи ичига сиғмай. – Оилавий бўлиб бир келинглар. Биласан-ку, Иброҳим акам хўжайинингни жуда ҳурмат қиладилар».

Эр-хотин маслаҳатлашиб, шанба куни Нозималарникига боришди.

Тўкин дастурхон атрофида бир-икки соат ўтиришгач, эркаклар «Қани энди ўзларинг алоҳида ўтириб, ғийбат бозорини бир қизитинглар», дея кулишиб қўшни хонага кириб кетишди. Ўшанда Нозима оғзидан бол томиб эрини мақтаганда, Азизанинг энсаси қотган эди.

Орадан йиллар ўтди. Мустақиллик бўлиб, замонлар ўзгарди. Бир куни Нозима билан кўчада тасодифан учрашиб қолди. «Кафени шериклари билан хусусийлаштириб олишди», деди у. Азиза қошларини чимирди. «Энди миллионер бўлар экансизлар-да».

Дугонаси бош чайқади. «Қаёқда, анчагина қарз бўлиб қолдик. Лекин хўжайиним, майли секин-секин узворамиз, кейинчалик яхши бўлади,

деяпти».

Дарҳақиқат, орадан уч-тўрт йил ўтгач, Нозималар илгаригидан ҳам яхши бўлиб кетишди. Лекин бу дунёнинг қувончи кам, дарду ғами зиёда, деганларидек, кутилмаганда дугонасининг бошига мусибат тушди. Турмуш ўртоғи айни қирчиллама қирқ ёшида буйрак хасталигидан вафот этди. Синфдош дугоналар кўнгил сўраб боришганда Нозиманинг «Вой ўртоқжонлар, қандоқ чидайман», деб бўзлаганда Азизанинг ҳам юраги эзилиб кетди.

Орадан беш-олти ой ўтгач, Нозиманинг кафеда –эрининг ўрнида ишлаётганини эшитиб ҳайрон бўлганди. Техникумда туппа-тузук бухгалтерлик қилаётган хотинга ошхонада нима борикин? Лекин кеча Нозимани бир кўриб қўяй, деган ўй билан кафе рўпарасида таксидан тушган Азиза дугонасининг дарду ҳасратини тинглаб, кўп нарсага тушунгандек бўлди.

Азизанинг «Йўқ, овора бўлма, керакмас», дейишига қарамай Нозима ҳисоб-китоб ишларини олиб борадиган чоғроқ хонага дастурхон ёзди.

– Гапинг тўғри, бу ерда ишлаш осонмас, – деди у бир пиёладан чой ичишгач, ҳорғин жилмайиб, – ўзимни бухгалтерлигим озода иш, яқин ўн беш йил бирга ишлаган коллективим, ўрганиб кетгандим. Лекин биласанми, бунинг сабаблари бор. У шундай дея чуқур хўрсиниб, бир муддат сукут сақлаб турди-да, сўзида давом этди:

– Эсингда бўлса бундан бир йил олдин, Барно ўғилчасига тўй қилганда, «Бизнинг хўжайинни «почка»лари оғрийди, астойдил ётиб даволанинг, десам, ҳеч ҳафсала қилмаяпти, дегандим. Кейин бирдан ётиб қолдилар. Тошкентдан профессор ҳам чақиртирдик. Лекин вақт ўтган экан. Ҳали-ҳали ўша кунни эсласам юракларим эзилиб кетади».

Нозима шундай дегач, кўзларидан дув ёш

тўкилди.

– Қуй, кўп сиқилаверма. Болаларингни ўйла. Мана, худога шукур, ўғлинг ҳам бор, – деди Азиза унга далда бериб.

– Тўғри, юз йил йиғлаганим билан энди у одам қайтиб келмайди. Лекин ўша охирги дамларини эсласам ҳеч чидолмайман. Ишонасанми, то жонлари чиққунчаям ҳушларини йўқотмадилар. Гапириб туриб узилдилар.

Нозима пиёладаги совиб қолган чойдан бир ҳўплагач рўмолчаси билан кўз ёшларини артиб, яна эрини эслади.

– Ўша куни профессор келиб кетгандан кейин «Мени уйга олиб кетинглар», деб қўймадилар. Шомга яқин қайноғаларим, яқин қариндошлар уйимизга йиғилишди. У киши ҳамма билан рози-ризолик сўрашгандан кейин, «Нозима билан мени ёлғиз қолдиринглар», дедилар.

Ўша пайтдаги аҳволимни сен тасаввур ҳам қилолмайсан. Ҳечам ўлгилари йўғиди. Мен у кишини шунчалик иродали, бардошли деб ўйламагандим. Холи қолганимиздан кейин қўлимни ушлаб менга шунақанги бир термилдиларки, ичимдан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Мен «Дадаси, худо шифо берса ҳеч гапмас», – дедим. Шунда кўзларимдан оқаётган дув-дув ёшдан бир-икки томчи қўлларига томди.

– Йиғламанг, болаларни энди сизга қолдириб кетяпман. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Мен сиздан мингдан-минг розиман. Агар билиб-билмай хафа қилган бўлсам, кечиринг, – дедилар. Биласанми, ўша дамда мен аҳмоқ миллион марта розиман, деёлмабман. Ўзим ҳам адойи тамом бўлгандим. Юм-юм йиғлардим, холос.

Вужудларидаги оғриқ зўрайди шекилли бир муддат кўзларини юмдилар. Сезиб турибман, бор кучларини тўплаб дард билан олишяптилар. Бир оздан кейин кўзларини секин очиб, қўлимни

қаттиқроқ қисдилар-да: «Нозимахон, – дедилар. Энгашиб гапларини зўрға эшитдим. – Сиз билан яхши яшадик, илойим умрингиз узоқ бўлсин».

Мана шу сўзларни айтганларидан кейин кўзларидан икки томчи ёш сизиб ёстиққа томди. Кейин шивирлаб калима қайтариб туриб, икки марта чуқур нафас олдилар-у узилдилар...

– Бўлди, мениям юрагимни эзвординг. – Азиза кўзларига ёш олди. – Қийналмаяпсанми ишқилиб? Бу ерда келди-кетди кўп. Ҳар хил одам билан муомала қиласан.

– Энди мен сенга ўринларида нега ишлаётганимни асл сабабини айтаман, – деди Нозима маъюс кулиб. – Хўжайинимнинг қирқлари ўтгандан кейин бир куни йўл-йўлакай, шунчаки бу ерга кириб ўтгим келди. Бирга ишлаган шериклари Илҳомжон мен билан тенг. У кишининг шогирдлари. Илгаритдан мени ҳурмат қилиб опа, деб чақиради. Кирсам шу ерда экан. Бир соатча гаплашиб ўтирдик.

– Опа, ўзи шу кунларда ҳовлига бир ўтмоқчийдим, – деб қолди гапнинг орасида. – Ўтмасларидан ўн кун олдин касалхонага боргандим. Аҳволлари оғир эди. Дўхтирлар, уринтириб қўйманг, дейишгани учун ҳол-аҳвол сўраб беш минутча гаплашиб ўтирганимдан кейин турмоқчи бўлгандим, «шошманг, сизда гапим бор»,– деб қолдилар. Кейин бирпас ўйланиб туриб, аввало худо, балки тузалиб кетарман, лекин агар бирор нима бўлиб қолсам, ўғлим ҳали ёш, ўрнимга укаларимдан бирортаси ёки жиянларимдан кимдир ишлаб турар, – дедилар. Мен «Яхши ният қилинг ака, ноумид шайтон, ҳали сиз билан кўп ишлаймиз, дедим». Лекин умрлари қисқа экан. Қўлимиздан нима ҳам келарди. Шунга олдингизга маслаҳатга бормоқчи бўлиб тургандим.

Илҳомжон гапиряпти-ю, назаримда Иброҳим акам худди ёнимда тургандай туюлиб, ғалати

бўлиб кетдим. Ўша куни кечқурун алламаҳалгача уйқу келмади. Ўйлаб-ўйлаб ўринларида ўзим ишлашга қарор қилдим. Эртасига яна ишхоналарига бордим. Гапимни эшитиб Илҳомжон аввалига ҳайрон бўлди. «Опа, майли, қаршилигим йўқ. Лекин бу ернинг иши оғир. Вақти келганда ошпазлар билан баравар ишлашга тўғри келади. Қийналиб қолмасмикинсиз», – деди. Кейин астойдиллигимни тушуниб «Бўпти, опа, унчалик бўлса бемалол», деб рози бўлди. Мана, бу ернинг шароитига ҳам ўрганиб кетдим. Гоҳи кунлари уйга бориб бир-икки пиёла чой ичиб-ичмай бошимни ёстиққа қўяману қотиб қоламан. Шуниси яхши. Бўлмаса бир-икки кун дам олган кунларим ўйланавериб кечаси алламаҳалгача уйқум келмайди. Бу ерда юрсам худди Иброҳим акамнинг нафасларини сезиб тургандек бўламан.

Ҳасрат дафтарини бир-бир варақлаб дугонасига кўнгил ёзган Нозима бир хўрсиниб бошини тебратди.

– Биласанми, илгари Охун Мадалиевнинг ёлғиз аёл тўғрисидаги қўшиғига унчалик эътибор бермаган эканман. Бошимга тушгандан кейин билдим. Уйда имкон топдим дегунча шу лентани қўйиб эшитаман. Ёд бўлиб кетган. Айтиб берайми, мана, эшит:

Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг,
Шайтон товоғига қўлин солади.
Дастурхон устида дадасин қўмсаб,
Ё қизи ё ўғли йиғлаб қолади.
Юрганин йўл деманг ёлғиз аёлнинг,
Кифтига маломат ботиб боради.
Қўша жон қийналиб тортолмай турган
Аравани ёлғиз тортиб боради...

– Дарду ҳасратларимни гапираверіб сенинг ҳам юрагингни сиқвордим. – Нозима шундай

дегач, – биласанми, деди қизиқ бир воқеа ёдига тушгандек чеҳрасига табассум югуриб, – янги келинлик пайтларимда Иброҳим ака билан ўртамизда қизиқ воқеалар ҳам кўп бўлган. Бир куни ишдан уйга кечроқ қайтдилар. Озгина кайфлари ҳам бор эди. Мен у кишининг гоҳида бемаҳалроқ келишларига ўрганиб қолганман. Биламан, улфатлари кўп. Бунинг устига келди-кетди бўлиб туради. Лекин кўнглимга бирор марта ҳам ёмон фикр келмаган. Хуллас, овқат олиб келайми, десам, йўқ, қорним тўқ, дедилар. Чой дамладим. У киши пиёлага қуйилган чойдан бир-икки ҳўплаб кўзимга ғалати тикилиб туриб, «Менга қаранг, сиз қанақанги хотинсиз? Бирор марта бемаҳалда қаердан келаяпсиз? Қаерда эдингиз, деб бир оғиз сўрамайсиз-а.

Мен билан умуман ишингиз йўқ. Ё... Сизга барибирми?» – деб қолсалар бўладими. Биласанми, худди миямга ток ургандек бўлди. Индамадим. Лекин шунақанги алам қилди. Эрталаб нонушта маҳалида ҳам бир оғиз гапирмадим. Лекин ичимда, ҳали шошмай туринг, дедим. Орадан бир ҳафта, ўн кун ўтиб ишхонадан «Бугун кечроқ бораман, хавотир олманг», – деб телефон қилиб қолдилар. Хўп, дедиму рўмолни чамбарак қилиб бойлаб, ухламай келишларини пойлаб ўтирдим. Уйга кириб келишлари билан: «Ҳа, қаерда тентираб юрибсиз, – дедим қўлимни белимга тираб, – қайси ўйнашингизникидан келяпсиз?»

Ишонасанми, кўзларини катта-катта очиб бақрайиб қолдилар. Кейин «Ие, Нозимахон, сизга нима бўлди, тинчликми, ишхонадайдим. Фарғонадан уч-тўртта меҳмонлар келиб қолишди», – дедилар ҳайрон бўлиб. «Мен билмайман, – дедим кулворай деяётган бўлсам ҳам тилимни тишлаб. – Эртага ишхонангизга бораман. Ким ўзи улар, соат неччида у ердан чиқиб кетгансиз, ҳаммасини тагига етаман».

– Майли, майли, бемалол, бугун сизни жинпин чалдими ўзи, тавба қилдим-е, – дедилар ёқа ушлаб. Ўша куни атайлаб тескари қараб ётдим. Эрталаб нонуштадан кейин секин орқамдан ичкари уйга кирдилар. «Нозимахон, кеча сизга бир бало бўлганмиди? Ёки мен тўғримда бирортаси бир нима дедими? Ростини айтинг, ишга таъбимни хуфтон қилиб жўнатманг», – дедилар. Шунда ўзимни тутолмай шарақлаб кулвордим.«Қалай, бўларкан, хоҳлайсизми, қачон кеч қолсангиз ҳар доим худди шунақа қилиб кутиб оламан», – дедим.

– Ўша куни жуда тегиб кетган эканда. Хўп, тавба қилдик, – дедилар кўнгиллари жойига тушиб. – Тергаб туринг-у лекин кечагидақа ҳаддан ўтқазиворманг-да, хоним. Хайрият-е, деб кулиб-кулиб ишга кетдилар.

– Ўзинг биласан, қайнонам анчагина қаттиққўл хотин эдилар. Ундоқ қилманг, бундоқ юринг, деган гаплари гоҳида менга малол келарди. Уйга бориб кўз ёши қилсам онам, – «Гапинг кўчага чиқмасин, қизим. Қўни-қўшнига кулги бўлгунча уйингда тулки бўлгин, деган гап бор. Бунақанги юрагимни сиқадиган бўлсанг уйингга бормай қўяман», – дедилар.

– Бир куни қайнонам билан сал айтишиб қолдик. Ўшанда катта қизим Нафиса бир яшар эди. Иброҳим акам ишдан келишлари билан ўғилларига устимдан арз қилиб қолдилар. Ичкари уйда ҳамма гаплари менга эшитилиб турибди. «Хўп, ая, ҳозир кириб адабини бериб қўяман», – дедилар. Мен «Оббо, сўкиш эшитадиган бўлдим-да», деб юрагимни ҳовучлаб ўтирибман. Иброҳим акам уйга кирдилар-у менга кўзларини қисиб «Қани Нафисаойни менга беринг», – деб қизчамни қўлимдан олиб ўпдилар. Лекин бир оғиз койимадилар. «Аям билан муроса қилинг», – деб қўяқолдилар. Эртасига ишга кетаётиб, мени олдимда «Ая, Нозима мендан эшитадиганини

эшитди. Агар яна сизни хафа қиладиган бўлса...», – деб менга пўписа қилган бўлдилар. Бечора қайнонам нима дейишларини билмай, «Вой, қаттиқ уришдингми? Сенга ўзи бир нима деб бўлмайди», – дедилар хижолат бўлиб. Лекин ҳозир ўйлаб қарасам ўша пайтларда қайнонам ҳақ эканлар. Ақлимиз йўқ, ёш бўлганмизда.

Дам йиғлаб, дам кулиб бошдан кечирганларини ҳикоя қилаётган Нозима бирдан сўраб қолди:

– Азиза, менга қара, битта гап сўрасам хафа бўлмайсанми?

– Нима дейсан?

– Хўжайининг билан яхшимисан?

– Бирор гап эшитдингми?

– Қўшнинг Хайрихон опа бор-ку, яқинда ўша билан тасодифан кўчада учрашиб қолувдик. Сени сўрадим. Гап орасида «Толибжон билан муносабатлари илгаригидек эмас» дегандек гап қилди. Менга қара, яна ўзига индама. Дарров етказибди, деб мендан хафа бўлмасин.

Азиза бир муддат жим қолди. Айб ўзида эканлигига ичида иқрор бўлса-да сир бой бергиси келмади.

– Кейинги пайтларда у кишим ўзгариб қолганлар, – деди қошларини чимириб. – Ҳозир Тошкентда, ўша ерда ишлаяпти. Уйгаям ойда бир келади.

– Ҳой, менга қара, – деди Нозима бошини тебратиб, – хўжайининг ёмон одаммас. Иброҳим акам ҳам кўп мақтардилар. Эрта-индин қизларингни узатасан, кўзингни оч. Худо кўрсатмасин, Тошкентда битта-яримтаси йўлдан уриб кетса, чапак чалиб қолаверасан.

Нозиманинг бу гапи унинг юрагига ғулғула солган бўлса-да ўзини бепарво кўрсатди.

– Сатқаи сар, худо билади, Тошкентда нима қилиб юрибдийкин? Ҳозирги эркакларга ишониб бўладими?

– Шуни билсанг эсингни йиғ, жиннилик қилма, – Нозима астойдил тушунтиришга ўтди.

– Рўзғордан кам кўстинг бўлмаса. Болаларинг тайёр дастёр. Худога минг марта шукур қил. Мана, ўзинг эшитгансан, йўқчиликдан баъзи хотинлар мардикор бозорига чиқяпти. Ҳалиям бўлса «Тошкентдаги ишингизни баҳридан ўтинг, Қўқонга келинг», деб туриб ол. Керак бўлса ялиниб, ёлвор. Қизларинг бўйига етиб қолди. Дадаси ҳар куни уйда бўлса ҳарҳолда ҳайиқади. Ҳозирги замонни кўриб турибсан-ку.

Нозима шундай дегач, яна маъюс тортиб, бир дақиқа сукут сақлаб, сўзида давом этди.

– Катта қизим Нафисани узатаётганимда дадасининг ўрнилари шунақанги билинди. Бўлмаса, тўйнинг харажатлари, ками кўстларига ҳечам қийналганим йўқ. Ўзимни топишим ҳам ёмонмас. Қолаверса, амакилари, тоғалари – ҳаммалари бел боғлаб туришди. Лекин никоҳ кечаси тўй тугаб, куёвникига кузатиш арафасида бир ўлиб тирилдим. Ота йўллик бўлиб турган амакилари қизимнинг пешонасидан ўпиб, бахт тилашгандан кейин бир пайт Нафиса ичкари уйга – мен ётадиган хонага кириб келди.

Ҳайрон бўлиб секин кузатсам, дадасининг катта қилдириб қўйган суратларини бағрига босиб юм-юм йиғлаяпти. «Дод» деворай дедим. Ўзимни аранг қўлга олиб, «Қизим, дадангни руҳи поклари сенга ҳамиша мададкор, сени дуо қилиб турадилар», – деб Нафисани зўрға юпатдим. Бу гапларни шунинг учун сенга айтяпман. Илойим хўжайининг ҳамиша қизларингга бош бўлиб юрсин.

– Бўпти, Нозима, менга энди рухсат, – деди Азиза юраги бир оз беҳаловат бўлаётганини сезиб. – Сениям анча ишдан қолдирдим.

– Нимага ундай дейсан, қайтага анча юрагимни ёзиб олдим. Яна гапларимга хафа бўлмагин, ахир қирқ йиллик ўртоқмиз-а.

* * *

Ҳар кунгидек идорага соат тўққизда етиб келган Аҳрор Аҳмедовични котиба аёл – Насибахон ташвишли қиёфада кутиб олди.

– Марказий шифохонадан телефон қилишди. Толиб Қодирович жонлантириш бўлимига тушибди.

– Жонлантириш бўлимига?! Нимага?!

Котиба «билмадим» дегандек елкасини қисди.

– Бўпти, мен ўша ерга кетяпман. Сўраганларга бирор соатдан кейин бўладилар, деб айтинг.

«Жонлантириш» бўлимига нимага тушади? Кеча ишдан кетаётганда ҳам соппа-соғ эдику. Ё инфаркт бўлдимикин? Йўғ-е, бирор марта юрагидан шикоят қилмаган. Э, шошма, авария қилдимикин? Яқинда Қўқондан бирга келаётганимизда «машинани бесарамжон ҳайдайсан, эҳтиёт бўл, деб айтган эдим-а». Минг хаёл билан шифохонага етиб келган Аҳрор Аҳмедович жонлантириш бўлими бошлиғининг эшигини оҳиста чертиб, қия очди.

– Келинг, кираверинг. – Тўрдаги столда нимадир ёзаётган оқ халатли, ёши олтмишлар атрофидаги очиқ чеҳрали киши ўрнидан турди. – Марҳамат, ўтиринг.

– Мен «Ҳумо» корхонаси бошлиғи Аҳрор Аҳмедовичман. Идорага телефон қилган экансизлар. Ўринбосарим, дўстим Толибжон, Толиб Қодирович шу ерга тушиб қолибди.

– Ҳа, ҳа, ўзим телефон қилган эдим. – Бўлим бошлиғи шундай дегач, ташвишли қиёфада бошини тебратди.

– Операциядан кейин ҳушига келиши билан сизни айтди. Аҳволи оғир.

– Нима бўлди унга? Авария қилибдими?

– Йўқ, авария эмас, – врач унинг ҳеч нимадан хабари йўқлигини сезгач, изоҳ берди.

– Кеча кечқурун соат ўн иккиларда хотини иккаласини уйида пичоқлаб кетишибди.

– Пичоқлаб кетишибди?! – Кутилмаган бу гапдан Аҳрор Аҳмедович гаранг бўлиб қолди.

– Нимага пичоқлайди? Ким экан улар?!

– Унисини билмадим. Қўшниларининг айтишича қотиллар икки киши бўлган.

– Ушлашибдими?

– Менимча йўқ. Қочиб қолишибди. Лекин ўртоғингиз қотиллардан бирини таниркан. Органдагиларга айтибди.

– Айтганча, хотини – Ҳурриятхон қаерда? Тузукми у?

– Аёли ҳомиладор экан. Операциядан олдин бояқиш эрини сўрабди. «Мен нима бўлсам майли, боламни сақлаб қолинглар», – деб ёлворибди. Хуллас, қорнини ёриб олишга тўғри келди. Гўдаги тирик, соғ-саломат. Лекин онасининг аҳволи оғир. Операциядан кейин ҳали ҳушига келгани йўқ.

– Ўғилми, қизми? – Аҳрор Аҳмедович шундай деди-ю, ҳозир бу саволнинг ўрни эмаслигини сезиб, ичида ўзини койиди.

– Ўғил, – врач шундай дегач, савол назари билан қаради. – Дўстингизнинг фарзандлари нечта?

Аҳрор Аҳмедович бир лаҳза нима дейишини билмай қолди. Кейин, ҳозир тушунтириб ўтиришнинг мавриди эмаслигини ўйлаб, «Иккита қизи бор, ўғли йўқ эди», – деди. Сўнгра врачга умидвор тикилди.

– Ака, илтимос, бир дақиқага шундоқ кириб чиқсам майлими? Фақат бир дақиқага.

– Сизга аҳволи оғир, деб айтдим-ку. Ўзингиз тушунасиз, бу ерда мумкин эмас. – Врач шундай дегач, бир оз ўйланиб турди-да «Майли, бирров кўринг-у чиқинг, хўпми? Ҳамширадан халатни олиб, мен рухсат берганимни айтинг. Ҳа, айтганча, ўртоғингиз хотинининг пичоқланганидан хабари йўқ, яна айтиб қўйманг».

Аҳрор Аҳмедович учинчи қаватга кўтарилгач, юраги гурсиллаб ураётганини сезди. У йулак

бўйлаб бораркан «ишқилиб тузалиб кетсин, қанақанги аҳволда ётганикин», – деган ўй тинмай миясида чарх урарди.

– Шу ердалар, – деди унга ҳамроҳлик қилаётган ҳамшира чап томондаги эшикни оҳиста очиб.

Аҳрор Аҳмедович уч-тўрт қадам қўйди-ю хона тўридаги ўринда шифтга қараб ётган Толибжонга кўзи тушгач, секин юриб осма укол назорат қилиб турган ҳамшира олдида тўхтади.

– Ухлаяптими? – деди у дўстининг юмиқ кўзларига, докадек оқариб кетган юзига термилиб.

– Йўқ, уйғоқлар.

Шу пайт Толибжон кўзларини секин очди. У дўстига бир лаҳза маъносиз термилиб турди-да, бирдан чеҳрасига билинар-билинмас табассум югурди.

– Аҳрор, ўзингмисан? – деди шивирлаб.

– Ҳа, мен, шу ердаман. Ҳаммаси яхши бўлади, кўп гапирма.

– Ҳозирча Қўқонга хабар қилмай тур.

– Хўп, уч-тўрт кундан кейин бошқа бўлимга чиқ-қин, ўшанда айтамиз.

Толибжон зарур бир гапни сўрамоқчидай чуқур нафас олиб, кўзларини катта очди.

– Ҳуррият тузукми? Эрта-индин кўзи ёрийдиган эди. – Ҳа, ҳа, яхши. Ҳозир туғуруқхонада, врачлар назоратида.

– Ака, бўлди, кўп гаплашманглар, – деди ҳамшира, – врач айтгандир, аслида ўзи бу ерга кириш мумкинмас.

– Хўп, синглим, хўп. – Аҳрор Аҳмедович қўлларини кўксига қўйиб, яна Толибжонга қаради. – Бўпти, бўлимга чиққанингдан кейин бафуржа гаплашамиз.

У пастга тушиб машинага ўтираркан, бир муддат ўйланиб қолди. «Ўғил кўрганини айтсам бўлармиди? Ҳа майли, сал ўзига келсин. Балки ҳозир ҳаяжонланиш мумкинмасдир...»

* * *

Аҳрор Аҳмедович чиқиб кетгач, Толибжон яна кўзларини юмди. Шу лаҳза унинг кўз ўнгида Рауфнинг таҳдидли, ваҳшиёна башараси намоён бўлди. «Эҳ, номард. Мен сени инсонийлик қиёфасидан чиқиб кетганингни билардим. Лекин бунчалик ифлосликка, тубанликка борасан, деб ўйламагандим. Айтганча, ёнидаги шеригини илгари қаердадир кўргандейман... Йўқ, эслолмаяпман... Ҳушимга машинага олиб чиқишаётганда келдим шекилли. Кейинчи... Ҳа, Ҳурриятни сўрадим. Кимдир, уни касалхонага олиб кетишди, деди. Аҳволимни кўриб ўтакаси ёрилиб кетгандир. Ёки уни ҳам... Йўғ-е, худо кўрсатмасин. Агар Ҳурриятга бир нима бўлса мен уни соғ қўймайман».

Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Толибжон бошини хиёл бурмоқчи бўлган эди, бўйни ачишиб кетди. «Мени аниқ ўлдирмоқчи бўлишган», ўйлади у сиртмоқ солиб, бўғишганини эслаб. Сўнгра бадбин фикрларни хаёлидан қувишга, кеча бўлиб ўтган мудҳиш манзараларни ўйламасликка ҳаракат қилди. Бир оздан кейин фикри тиниқлашиб, кўз ўнгида Ҳурриятнинг маъсум чеҳраси намоён бўлди. Кейин негадир Ҳилола ёдига тушди. Унга дилидагини айтолмай мажнуннамо бўлиб юрган пайтларини эслади. Шунга ҳам роса ўттиз йил бўлибди. Ўшанда минг тўққиз юз етмиш бешинчи йилнинг октябрь ойлари эди.

Синф раҳбари Раҳим Ўлмасович саломлашиб, ўқувчиларига бир-бир кўз югуртиргач, сирли жилмайди.

– Домла, янгилик борми? – энг охирги партада ўтирадиган бетоқат Сарвар яна одатдаги саволни берди. Чеҳрасига табассум югурган ўқитувчиларининг муҳим бир гапни айтмоқчи бўлганини сезган шогирдлар бараварига сўрашди:

– Аниқ бўлдими? Пахтага қачон кетар эканмиз?!

– Шовқин кўтарманглар. Бас, тинчланинглар. – Раҳим Ўлмасович кулиб юборди.

– Мен ҳали ҳеч нима деганим йўқ-ку.

– Юзингиздан билиб бўлдик. Яширмай қўяқолинг. Ўқувчилар яна чуғурлашишди.

– Пахта, пахта дейсизлару, бир ойга ҳам чидамай жуфтакни ростлайсизлар. Эсларингдами, ўтган йили охирига бориб ўттизта боладан бор-йўғи ўн учта қолувди.

– Бу йил ўнинчи синфмиз-у, энди унақанги бўлмайди. – Синфком Қодир дўстларини ёнини олган бўлди.

– Энди ақлларинг кириб чидамли, иродали бўлиб қолдиларингми?

Орага олдинги партада ўтирган Азиза қўшилди:

– Домла, ўтган йили декабрда ҳам қайтмадикда. Қорни калтак билан уриб, кўрак чувиш жонимизга тегиб кетди. Кейин иккита-иккита бўлиб қочдик.

Синфда «гурр» кулги кўтарилди.

– Хўп, бўлмаса гап бундай. – Раҳим Ўлмасович юзига жиддий тус берди. – Мана бугун жума. Душанба куни эрталаб соат саккизда кўрпа-тўшакларинг билан келаверасизлар.

– Урре!!! – болалар синф хонасини бошларига кўтариб қийқиришди.

...Қўнғироқ чалиниб, олтинчи соатдаги дарс ҳам тугагач, Толибжон ташқарига чиқди. У ўртоқларидан ажраб, мактабнинг шундоққина ёнгинасидан оқиб ўтадиган сой қирғоғига келиб тўхтади. Синф раҳбари айтган хушхабардан албатта Толибжон ҳам ниҳоятда хурсанд эди. Лекин бунинг боиси бошқа, пахтада Ҳилолага кўнглидагини очиқ айтиши учун қулай имконият бўлади.

У шарқираб оқаётган сувга бир муддат термилиб турди-да, хаёли яна ўшанга кетди. Мана олти ойки ҳаловати йўқолган. Бир синф

қуйида ўқийдиган бу қизни қачон, нима бўлиб яхши кўриб қолганини ўзи ҳам билмайди. Лекин севади, ҳа, бутун вужуди, борлиғи билан қаттиқ севади. Бир куни дилидагини ичига сиғдиролмай энг яқин дўсти, синфдоши Анварга юрагини ёзди.

– Ие, Мажнун бўлиб қолибдилар-ку, – деди Толибжоннинг гапларини берилиб тинглагандан кейин. Сўнгра унга ғалати тикилиб:

– Менга қара, сен ўша қора қизни нимасини яхши кўриб қолдинг, – деди ҳайрон бўлиб.

– Биринчидан қорамас, қорача, – Толибжоннинг ғаши келди. – Иккинчидан, сен галварс ишқ-муҳаббат деган нарсани тушунасанми ўзи? Қаердан ҳам айтдим...

– Ие, узр, узр, тавба қилдик. – Анвар гапи дўстига оғир ботганлигини сезиб, ўзини оқлашга ўтди. – Мен Ҳилолани хунук деяётганим йўқ-ку. Ниҳоятда истарали, келишган. Ҳалиги... нимайди... Худди ҳинд киноларидаги қизларга ўхшайди.

– Бўлди, кўп вайсама, мен сендан дурустроқ таклиф чиқармикан деб ўйловдим.

– Хўп, ундай бўлса, менга қара. Севишингни биладими ўзи? Ҳеч гапирганмисан?

– Ҳалидан бери қулоғингга танбур чалаяпманми? Эсинг жойидами? Гапирганимда сендан маслаҳат сўраб ўтирармидим? – Толибжон чуқур «уф» тортди. – Лекин яхши кўришимни сезса керак. Гоҳида якка учратиб қолиб, саломлашганимда ўзиям қизариб кетади.

– Бўпти, сезган бўлса шартта айтиб қўя қол. Юрасанми девонага ўхшаб.

– Э, сан гапираверасан-да. Хўп, шартта айтдим ҳам дейлик. Йўқ, десачи. Энг ёмони, гап-сўз кўпаядиган бўлса тамом. Бошқа мактабга ўтиб кетишимга тўғри келади.

Толибжон бир муддат ўйланиб турди-да, яна давом этди:

– Хўп, у рози бўлдиям дейлик. Лекин мен ҳеч

бўлмаса техникумга кириб ўқишим керак. Бу ёғда ҳали армия ҳам бор, кутармикин?

– Ҳа, ана энди ўзингга келаяпсан, оғайни. Қўлингдан иш келиб, рўзғор тебратишингга камида беш-олти қовун пишиғи бор. – Анвар шундай дегач, кўпни кўрган донишмандлардек пешонасини тириштирди. – Қолаверса, яна битта нозик томонини айтсам хафа бўлмайсанми?

Толибжон «нима демоқчисан» дегандек дўстига ҳайрон бўлиб тикилди.

– Ҳилоланинг дадасини қаерда ишлашини биласанми? Қурилишда бошлиқ. Катта оила: Ҳовлисини ман кўрганман. Жа бошқача. Сен билан биз ўртамиёна. Шунақанги гаплар... ўзинг тушунгандирсан?

– Қизи рози бўлгани билан дадаси бермайди, демоқчимисан? – Толибжон бир муддат ўйланиб қолди. – Бу гапингда жон бор. Яна билмадим...

– Ҳой, Мажнун, аввало Лайлинг билан гаплаш. Ҳозирдан туғилмаган гўдакка исм танламайлик. Дадасининг рози бўлиш, бўлмаслиги кейинги масала, энди сенга яна битта маслаҳат, – Анвар Толибжоннинг елкасига шаппалади, – бундоқ ойнага ҳам дурустроқ қара. Ҳайрон бўлувдим-а, кейинги пайтда озиб қолди, деб. Ҳадеб ўйланаверма. Бунақада ҳақиқатдан ҳам Мажнуннинг ўзи бўлиб қоласан, дўстим.

...Сувга термилиб ўтириб шуларни эслаган Толибжон «айтаман, албатта айтаман», – деди ўзига ўзи. Ҳилола меники бўлади. Ҳеч кимга бермайман уни.

* * *

Кенг пахтазор. Чошгоҳдан кейин қуёш борлиқ узра ўзининг илиқ нурларини соча бошлади. Дала сукунатини гоҳи-гоҳида эгатларга бодроқдек сочилган ҳашарчи-ўқувчиларнинг шодон қийқириқлари, ҳазил-ҳузуллари бузади. Оппоқ пахтага тўлган этагини тут қаторлари тагига тўккан Толибжон ўзидан ўн-ўн беш эгат наридаги икки

қизни кузатди. «Елимдек ёпишиб олибди-я». У Ҳилола билан ёнма-ён пахта тераётган Севарага қараб туриб хуноби ошди. «Нима бало, иккови-нинг киндиги биттами? Мана, ўн кун бўлди, ундан бир қадам ажрамайди. Кечқурун ҳам шу аҳвол».

Толибжон шуларни хаёлидан ўтказаркан этагини боғлаб, яна пахтазорга шўнғиди.

Орадан бирор соат ўтгач, шийпон яқинига келиб тўхтаган трактор нинг овози эшитилди. Сўнгра ошпаз қиз – Қумрининг жарангдор товуши қулоққа чалинди. «Ҳой болалар, қизлар, "обедга"!!!»

Этак тўла пахтани тарози олдига қўйган Толибжон дала ўртасида Ҳилоланинг якка ўзи қолганига кўзи тушиб, ўша томон жадаллади.

– Ҳорманг, бугун зўрсизку, – деди у этакни учма-уч боғлашга уринаётган қизнинг тепасида тўхтаб. – Беринг манга. Ҳилола «ялт» этиб унга қараркан таранг силлиқ юзлари дув қизарди.

– Йўқ ўзим...

– Нимага энди, қани берингчи. – Толибжон шун-дай дея этак тўла пахтани даст кўтариб елкасига олди. – Кетдик.

– Севарага тўхтаб тур, десам шошиб ўлди. – Уч тўрт қадам ортда келаётган Ҳилола ўзини ноқулай сезди. – Ҳали қараб турсин.

Улар прицеп олдига келишгач, турна қатор бўлиб турган йигит-қизлардан баъзилари бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

– Ҳорманглар! – Ҳилоланинг шаддод дугонала-ридан Карима қошларини чимирди. Кейин Толибжонга қувлик билан гап отди. – Толибжон ака, Ҳилоланинг балодек кучи бор. Бизга ўхшаган нимжонларга ҳам ёрдам қилиб туринг.

Ўртада енгил кулги кўтарилди. Ҳилола дугонасининг олдига бориб биқинига бир ниқтади. «Ҳе ўл, башаранг қурсин. Ажаб бўпти, алам қилсин».

Толибжон бир қизариб олгач, пахтасини тортти-риб, ариқ бўйидаги толлар соясига дастурхон ёзаётган ўртоқлари томон кетди.

Ўша куни кечки овқатни иштаҳа билан еди. Ҳилоланинг дугонасига қарата «Алам қилсин» дегани Толибжонга ниҳоятда ёқиб тушган эди. «Барибир айтишим керак. Аммамнинг бузоғига ўхшаб юраверсам пахта тугагунча ҳам гапира олмайман. Э тўхта, шошмай тур». У хаёлига ярқ этиб келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. «Василани ишга солсам-чи?»

Характери ўғил болаларга ўхшаб кетадиган бу қиз уларга девор қўшни, худди эгизаклардек бирга ўсишган. Ўн йилдан буён бир партада ўтиришади. Сенсирашиб гаплашишади.

Шуларни хаёлидан ўтказган Толибжон секин ўрнидан қўзғалди-да, қизлар турадиган хона олдига борди. Ичкарида магнитафоннинг овози баланд, ўйин-кулги айни авжида. Гоҳида ўғил болаларнинг овози ҳам эшитилиб турибди. «Самад, сен ҳам туш, бунча таранг қиласан».

Толибжон қия очилган эшикдан ичкарига кирди. Сўнгра бир чеккада ўйин-кулгуни томоша қилган бўлди. Василанинг унга кўзи тушиши билан секин имлади.

– Ҳа, нима дейсан, – сўради Васила у билан ташқарига чиққач.

– Битта маслаҳатли иш бор. – Толибжон чайналди. – Ёрдаминг керак бўлиб қолди. Лекин айтиб қўяй, бировга «ғинг» десанг ўлдираман.

– Қанақанги гап ўзи?

– Битта қизни чақириб берасан.

– Ким у? – Васила шундай дегач, қувлик билан сўради. – Мабодо Ҳилола эмасми?

– Сен қаердан биласан? – Толибжон анграйиб қолди. – Ҳеч кимга айтганим йўқ-ку?!

– Эҳ, тентак, – Васила кулди. – Пахтага келганимиздан бери гирдикапалак бўлиб юрибсан, кўрманми? Нима, сезмайди деб ўйловдингми?

– Хўп, тўғри топдинг, ўша. Хуллас, клубнинг орқасидаги боғнинг кираверишидаги тол тагида кутаман.

Бир иложини қилиб бирга олиб чиқасан, тушундинг-ми?

– Чиқармикин. – Васила ўйланиб қолди. – Майли, бирор соатдан кейин, бўптими? Мабодо кўндиролмасам мендан хафа бўлмайсан, келишдикми?

– Хўп, лекин нима бўлсаям, иложини қил. Тўхта, яна бир гап. – Толибжон кетмоқчи бўлиб турган Василанинг тирсагидан ушлади. – Агар астойдил йўқ дейдиган бўлса майли, зўрлама. Лекин қаттиқ тайинла, қизларнинг ўртасида мени шарманда қилиб, гапни кўпайтирмасин.

...Толибжон ётоққа қайтиб кириб ўрнига чўзилди. Сўнгра бир муддат хаёл сургач, вақтни ўтказиш, ўзини чалғитиш учун ёстиғининг остидан Чингиз Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим» қиссасини олди. У китобни очиб, кеча қолган жойидан беш-олти варақ ўқиди-ю яна ёпиб жойига қўйди. «Йўқ, шунақанги пайтда каллага китоб киradими? Яхшиси боғ томонга ўтаман. Бу ерда юракни ҳовучлаб ётгандан кўра ўша жойда кутганим маъқул».

Толибжон ҳашарчилар учун вақтинча ётоқхона вазифасини ўтаётган мактаб биносини айланиб, колхоз клуби орқасидаги боғ томонга ўтди. У бир оз юргач, шалдираб оқаётган ариқ бўйидаги азим тол тагида тўхтади. «Яхши, бу ерда турганимни ҳеч ким сезмайди. Лекин келаётган одамни ой ёруғида бемалол кўриш мумкин экан», ўйлади у.

Ошиқ йигит ҳардамхаёллик билан ўйин-кулгу қизиётган ётоқхона томон термиларкан, магнитафонни ўчириб, қўлига доира олган қизларнинг шўх қўшиғи қулоғига элас-элас чалинди:

Сояда турган дарахтнинг соябони бормикин?
Сарғайиб турган йигитнинг меҳрибони бормикин?

Сояда турган дарахтнинг соябони ман бўлай,
Сарғайиб турган йигитнинг меҳрибони ман бўлай...

У халқ лапарини жон қулоғи билан тингларкан, бу қўшиқ худди унинг учун айтилаётгандек юраги орзиқиб кетди. «Чиқармикин, ё Васила айтмоқчи кўнмаса-чи, шармандалик». Хаёлига ногоҳон келган бу фикрдан Толибжоннинг кўнглига ғашлик чўкди. «Аслида Василага ҳам айтмасам бўларкан».

У Бир оздан кейин ётоқхона томондан келаётган доира овози ҳам эшитилмай қолди. Тунги боғ сукунатини фақат арикдан бир маромда оқаётган сувнинг шилдираши, гоҳи-гоҳида яқин атрофдан эшитилаётган аллақандай қушларнинг чуғурлаши бузади. «Бўлди, келмайди». Ўтаётган ҳар дақиқа бир соатдек туюлаётганидан юраги сиқилган Толибжон уф тортди. «Чиқмайдиган бўлса нимага Василанинг ўзи келиб айтмаяпти? Нима қилиш керак?»

Шу пайт эллик метрлар чамаси наридан кимнидир қораси кўзга чалинди. «Хайрият», Толибжоннинг юраги гурсиллаб кетди. «Бир кишига ўхшайди-ю... Василанинг ўзимикан? Йўқ, икки киши». Орадаги масофа йигирма қадамча қолганда у томонга келаётганлар тўхташди. Бир муддат гаплашиб туришгач, улардан бири аста юриб, Толибжон томонга яқинлашаркан тўхтаб орқасига ўгирилди. «Васила опа, ўша ерда туринг, яна кетиб қолманг-а?!»

«Ҳилола!» ойлар давомида юрагига яқин бўлиб қолган бу қўнғироқдек товуш йигитнинг вужудини титратиб юборди. У шу лаҳза қизнинг исмини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин худди жони ҳалқумига тиқилгандек тили калимага келмай қолди.

– Толибжон ака, – қиз беш-олти қадам ундан нарида тўхтади.

– Ҳилола, келаверинг... Бу мен... – у шундай деди-ю, ҳаяжон билан қизга яқинлашди. – Хайрият, кемайсиз деб ўйлаб жуда қўрқувдим...

– Ростдан ҳам чиқмоқчимасдим. Васила опам ҳоли-жонимга қўймадилар.

Улар ариқ ёқалаб сада қайрағоч томонга аста одимлашди.

– Агар қизлар шу ерга келганимни сезиб қолиш-са ўламан, – у шундай дегач, худди биров пойлаб тургандек бирдан тўхтади. – Нима гапингиз бориди?

– Ҳилола, биласизми?.. – Толибжон гапни нимадан бошлашни билмай қийналди. – Мен анчадан бери...

– Биламан.

– Нимани? – қувончдан, ҳаяжондан ўт бўлиб ёнаётган Толибжон саволи ноўрин бўлганлигини англаб, ичида ўзини сўкди. «Шунақанги овсар, лапашанг бўламанми?».

– Ўшани, нима демоқчи бўлаётганингизни. – Йигитнинг довдираб қолганлиги қизга хўш ёқиб кулди. – Бўпти, мен кетай.

– Йўқ, тўхтаб туринг. – Толибжон беихтиёр қизнинг йўлини тўсди. – Ҳилола, сезган бўлсангиз, ўқишни битириб, армияга бориб келгунимча мени кутасизми?

– Толибжон ака, – қизнинг овози титради, – сиздан илтимос, ҳаммага гап-сўз бўлмайлик. Керакмас ҳозир.

– Хўп, майли, лекин бир оғиз «кутаман» десангиз бўлди.

– Кейин айтаман. Севара ҳозир мани ахтараётгандир. Кетайлик.

Улар ариқни айланиб ўтиб, клуб томон боришаркан, ой нурида ялтираб турган кўлмак олдида тўхташди.

– Сув бор экан. – Ҳилола тараддудланиб қолди. Толибжон кўлмакдан енгил сакраб ўтгач, «қўрқманг», деди унга қўлини узатиб. Қиз ҳам

сакради-ю, оёғи сирпаниб бир лаҳза мувозанатини йўқотди. «Вой!» Толибжон чаққонлик билан Ҳилоланинг билагидан ушлаб, беихтиёр ўзига тортди. Шунда қизнинг иссиқ нафаси юзига урилиб, аллақандай муаттар бўйдан боши айланиб кетди. Ҳилола дарров ўзини четга олди.

– Бўпти, Васила опам ҳам кутиб қолдилар. Энди мени бошқа чақиртирманг, илтимос сиздан.

У шундай дея ётоқхона томон тез-тез юриб кетди. Ҳилола кўздан узоқлашгач, Толибжон бутун вужудига аллақандай илиқлик югурганлигини сезди. «Ҳарҳолда йўқ демади-ку. Тўғри, гап-сўз бўлишдан қўрқяпти. Майли, бошқа чақиртирмайман. Лекин аниқ, униям кўнгли бор».

У беихтиёр бўлса-да, Ҳилолани бир лаҳза бағрига олганлигини ўйлаб, яна юраги гурсиллаб кетди. Толибжон азим толга суяниб, дил изҳорига гувоҳ бўлган тўлин ойга, тиниқ осмондаги сонсиз юлдузларга термиларкан, ҳайқиргиси, «Мен энг бахтиёр инсонман!» дея дунёга жар солгиси келди...

* * *

Толибжон уйга шомга яқин кириб келди. Ўғлини кўзлари тўрт бўлиб кутаётган Хайринисо хола:

– Бориб келдиларингми, нима бўлди? – деб сўради бетоқатлик билан.

– "Облстной" комиссиядан ҳам ўтдик. Соғлиғим отдек экан. – Толибжон онасининг елкасидан қучди. – Хуллас, келгуси душанба куни халта-хуржун билан тўғри вокзалга.

– Бир йилгина чақирмай турганда техникумни битириб олардинг-а. – Онаизор афсус билан бош чайқади. – Битта сен бормасанг армиянгни плани тўлмас эканми?

Онасининг содда, беғуборлигини яхши билган Толибжон яйраб кулди.

– Тўлмай қоларканда, аяжон. Фарғонадаги катталар шунақа дейишди. Бормасам ҳеч ҳам иложи йўқ экан.

Толибжон онасининг кўзларига фарзандлик меҳри билан тикилди.

– Ташвиш тортаверманг, замон тинч бўлса, урушга кетаётганим йўқ-ку. Икки йил ҳаш-паш дегунча ўтади кетади. Ҳа, айтганча, дадам қанилар?

– Маҳаллада ҳатмиқуруъон бор экан, ўша ерга кетишувди. Нима, гапинг бормиди?

– Зарур гапим йўғ-у, – деди Толибжон ўзини бир оз ноқулай сезиб. – Шу... сизларни озгина чиқим қилишларингга тўғри келади шекилли.

– Нима қилиш керак? Менга ҳам айтавер, жон болам.

– Мактабда бирга ўқиган беш-олтита синфдошларим, кейин техникумдан уч-тўртта яқин ўртоғларим келиши мумкин.

– Вой, шунга ҳам хижолат бўлиб ўтирибсанми? – Хайринисо хола шошиб қолди. – Бемалол, болам. Ҳеч тортинмай чақиравер. Хайрлашгани ўртоғларинг келишади-да. Даданг билан маслаҳатлашиб, маҳалладан беш-олтита мўйсафидларни ҳам чақирамиз. Ахир икки ойга кетаётганинг йўқ-ку.

Толибжон онасига миннатдорчилик билан қараб қўйгач, хонасига кириб каравотга чўзилди. «Хўп, бу ёғи аниқ бўлди. Энди Ҳилоланинг олдига ўтишим керак. Уларни пахтага қайси туманга олиб чиққаникин? Эртагаёқ институтга бориб келаман».

У Ҳилолани кўз олдига келтираркан, ўтган бир йил ичида чиройи янада очилиб, кўзга яқин бўлиб қолган бу қиз қалбининг энг тўридан жой олганлигини дил-дилидан ҳис этди. Бундан роппа-роса икки йил олдин, пахтада кўнглидагини очиқ айтгандан кейин кунда, кунора унинг йўлини пойлайдиган бўлди. Уларнинг мактаби шаҳар чеккасида, қўшни туман билан чегарадош. Ҳилола ўқишга колхоз даласининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган сўқмоқдан келади. Толибжон эса уни

кўпинча йўл бўйида ўсган қўшчинор остида кутар, қиз билан икки оғиз ҳоли гаплашгач, қушдек енгил бўлиб, дарсга кирарди.

У ўша йили мактабни битириб, техникумга ҳужжатларни топширди. Келгуси йили эса Ҳилола педагогика институтига ўқишга кирди. Тўғри, пинҳона бу учрашувларда Ҳилола бирор марта ҳам кўнгли борлигини очиқ айтмаган. Лекин рўбара келганда қизнинг лоладек қизариб кетиши, майин табассуми, ўтли нигоҳи Толибжон учун кифоя эди. «Кетишимдан олдин албатта ваъдасини оламан.

Армиядан келишим билан совчи юбораман. Худо хоҳласа, кейинчалик сиртдан институтда ҳам ўқийман». Ширин хаёлларга берилган Толибжоннинг кўзига ўша кечаси алламаҳалгача уйқу келмади.

Орадан уч кун ўтгач, Ҳилола ўқийдиган гуруҳнинг қаердалигини суриштириб билган Толибжон, тушдан кейин автобусга ўтирди. Йўловчилар билан тўла машина шаҳардан чиқиб, қишлоқ марказига олиб борадиган асфальт йўлга ўтди. Октябрь ойининг охирлари.

Дарахтларнинг олтин ранг олган япроқлари куз шабадасида чирт-чирт узилади. Толибжон ташқарига қараб, атрофни томоша қилиб бораркан, яна хаёл олиб қочди. «Бир ҳафтадан кейин йўлда, поездда бўламан. Хизматни қаерда ўтаркинман? Комиссия куни кимдир «бизни Украинага олиб борармиш», деди. Булар ҳаммаси тахмин, худо билади. Ишқилиб шимолга, Владивосток томонларга олиб бориб ташламасин». Чунки совуққа тоби йўқ, адабини еб қолади.

Шу пайт автобус марказ томон бурилиб, чойхона яқинидаги бекатда тўхтади.

– Амаки кечирасиз, "Тарғова"га ҳали борми? – деб сўради. У ёнида ўтирган ўрта ёшли кишидан.

– Кейинги бекат, мен ҳам ўша ерда тушаман.

– Буғдойранг, озода кийинган кўринишидан зиёлинамо бу одам шундай дегач, Толибжонга савол назари билан қараб:

– Тарғованинг қаерига борасиз, ўғлим? – деб сўради.

– Студентларнинг олдига, ўша ерда пахта теришаётган экан.

– Ҳа, ҳа, биламан.

– Ҳамроҳнинг чеҳрасига табассум югурди.

– Ҳашарчилар шундоқ уйимизнинг рўпарасидаги клубда туришибди, кўрсатиб қўяман.

Худо ишини ўнглаганидан хурсанд бўлган Толибжон миннатдорчилик билан бош ирғади.

Улар машинадан тушиб юз метрлар чамаси яёв юришгач, бояги киши озиқ-овқат билан савдо қиладиган дўкон олдида тўхтаб тушунтирди.

– Йўлнинг нариги юзидаги боғча, кўряпсизми? Ўшани шундоқ айланиб ўтиб, эллик метр юрсангиз тўғри клубнинг олдидан чиқасиз.

– Раҳмат, амаки.

– Толибжон ҳамроҳига миннатдорчилик билдиргач, қадамини тезлатди. У ҳашарчилар «ётоқхона»сига етиб келгач, дастлаб картошка, пиёз арчаётган уч нафар қизга кўзи тушди. Сўнгра улардан ўн-ўн беш қадам наридаги стулда қандайдир газетани ўқиб ўтирган шляпали кишини кўриб, «штаб бошлиғи бўлса керак» деган хаёлда у томон юрди.

Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, – у газетадан кўз узиб, кўзойнагини қўлга олди-да, ёнидаги бўш стулга ишора қилди:

– Келинг, ўтиринг.

Толибжон у кўрсатган жойга ўтириб, қўлидаги қоғоз халтани стул оёғига суяб қўйгач:

– Синглимни кўргани келган эдим, – деди домланинг савол назари билан қараганлигини сезиб.

– Нечанчи курсда ўқишади?

– Биринчи курсда, Ҳилола...

Турдалиева. – Нима дейишини хаёлида пишитиб олган Толибжон ошпаз қизларга бир қараб қўйди.

Домла пешонасини бир оз тириштириб тургач, деди:

– Эслолмаяпман, лекин биринчи курслар бугун шу яқин ўртада, иккинчи бригадада пахта теришади. Катта асфальт йўлдан икки юз метрча юрсангиз, зовурнинг нариги ёғида шийпон бор. Пиёда ўн-ўн беш минутлик йўл.

Дарҳақиқат, Толибжон бригада дала шийпонини қийналмай топди. Пахтакорларнинг иккинчи «уйи» деб аталган бу маскан атрофига экилган тол ва тераклар шийпонга қуюқ соя ташлаб турибди. У атрофга кўз югуртираркан, шилдираб оқаётган ариқ бўйидаги пастак сўрида ўтириб дафтарга нималарнидир ёзаётган қиз диққатини ўзига тортди.

– Ҳормanглар!

Йигитнинг овозини эшитиб бошини кўтарган «қиз» майин табассум қилди.

– Саломат бўлинг.

Шунда Толибжон унинг қиз бола эмас, ёши ўттизлар атрофида бўлган кўҳликкина аёл – тўғрироғи, институт ўқитувчиси эканлигини сезди.

– Планлар тўлай деб қолдими? – у ўзини эркин тутишга ҳаракат қиларкан қўлидаги қоғоз пакетни сўри чеккасига қўйиб, аёлга рўбара ўтирди.

– Бригада тўлган, совхоз ҳам бир ҳафта-ўн кунда рапорт бериб қолади, – аёл шундай дегач, унга савол назари билан қараб:

– Кимнинг олдига келдингиз? – деб сўради.

– Синглимдан, Ҳилоладан хабар олай деб...

– Турдалиевами?

– Аёлнинг чеҳраси бирдан ёришди. – Акаларимисиз? Ажойиб синглингиз бор экан. Жудаям одобли, яхши қиз. Ўзи шаҳарлик бўлсаям теримда туманлик қизлардан қолишмайди. Мен

группа раҳбариман.

У шундай дегач, Толибжоннинг янги уст-бошига бирров кўз югуртирди-да, бош чайқади.

– Қизлар тушдан кейин бошқа ерга ўтиб теришяпти. Сиз шу ерда кутиб туринг, мен бориб айтвораман.

– Йўғ-е, сизни овора қиламанми? Ўзим топиб оларман.

Ўқитувчи аёл ўрнидан тураркан:

– Даланинг ичига кираман деган йигит куёв болага ўхшаб ясаниб келмайди-да, – деди кулиб ҳазил-мутойиба оҳангида.

– Хижолат бўлманг, ўзи ҳозир болалардан хабар олмоқчи бўлиб тургандим.

«Беғубор, кўнгли очиққинайкан. Овозининг ёқимлилигини. Эриям худо деган йигит эканда...»

У ариқдан оқаётган сувга бир муддат термилиб тургач, «Оббо, қовун туширибман-ку», деди ўзига-ўзи. Ҳилоланинг акаси йўқлиги ёдига тушиб. «Бу ёғи неча пулдан тушди. Ростини айтаверсам бўларкан «Мен эмасдир, акам йўқ», десая. Ёки ўқитувчиси билан бирга келса, бирпасда сир ошкор бўлади».

Толибжон хаёлига келган бу фикрдан кўнгли хижил бўлиб сўридан тушди-да, ариқ ёқалаб группа раҳбари кетган томонга йўл олди. У паришонхотирлик билан бир оз юргач, новдалари сувга тегиб турган мажнунтол тагида тухтаб, ўзидан бир чақиримча узоқликда пахта тераётган йигит-қизларга тикилди. «Уларнинг қайси бири Ҳилолайкин?

Аслида опойни шийпонда қолдириб, ўзим борсам бўларкан». У янги шим-костюмига бир қараб олгач, «э, нима бўлса бўлди, ўзим бораман», деган қарорга келиб беш-олти қадам босган ҳам эдики, чап томондан қадам товуши эшитилди. «Ким бўлдийкин?» дея ўгирилган Толибжон, ўзидан ўн қадамча нарида рўмолини бошига дурра қилиб ўраб олган Ҳилоланинг унга қараб

кулиб турганига кўзи тушиб, юраги гурсиллаб кетди.

– Ҳилола! – Толибжон қиз томон жадал юриб қўлини узатди.

– Ҳорманг, яхшимисиз?

– Раҳмат. – Қиз сўрашгач, Толибжонга муғамбирона нигоҳ ташлади. – Қизларнинг олдида шармандам чиқишига озгина қолди-я.

– Нима бўлди?

– Яна нима бўлди дейсиз-а? – Ҳилола кулди. – Опойим чақириб, «Акангиз кўргани келдилар», дейишса «Қанақанги акам?» дебман. Кейин бирдан сизни ўйлаб, «Ҳа амакимнинг ўғиллари бўлса керак», дедим. Яхшиям ёнимда қизлар йўғиди. Ўқитувчимиз ҳам сездилар шекилли.

– Нима бўпти, энди мактаб ўқувчиси эмасмиз-ку.

– Тўғри-ю, барибир ноқулайда, – қиз шундай деди-ю, Толибжонга ҳайрон бўлиб қаради. – Айтганча, ўзларинг ҳам пахтада бўлсаларинг керак?

– Ҳа, лекин мен кеча қочиб келдим, – деди Толибжон кулиб. Сўнгра юзига жиддий тус берди. – Ҳилола, биласизми, мен уч кундан кейин, душанба куни армияга кетяпман.

Қиз кўзларини катта очиб, бир лаҳза йигитга термилди.

– Ростданми?

– Ҳа, шунинг учун олдингизга хайрлашгани келдим. Сизни биламан, барибир кузатгани вокзалга чиқмайсиз.

Ҳилола йигитга гуноҳкорона термилди.

– Толибжон ака, гапингиз тўғри, илтимос, хафа бўлманг. Ўзингиз тушунасиз-ку, уяламан ахир, лекин...

– Лекин мени албатта кутасиз-а? – Толибжон унинг елкаларидан ушлади. Қиз бошини бир муддат йигитнинг кўксига қўйди.

– Ҳа, эсон-омон бориб келинг.

Шу лаҳза енгил шабада эсди-ю, ариқ бўйидаги мажнунтол навдалари ҳам бир-бирига талпинаётган икки ошуфта қалбни олқишлаётгандек, уларга бахт тилаётгандек оҳиста тебранди.

Қиз бошини кўтариб ёшли кўзлари билан қаради.

– Мен энди борай, майлими?

Шунда Толибжоннинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлди. Хаёлига негадир «Ҳилолани бошқа қайтиб кўрмасам-а», деган нохуш фикр келди-ю, қизни бағрига қаттиқ босиб ёноқларидан, кўзларидан ўпди.

– Илтимос, бўлди, биров кўриб қолади, шарманда қилманг мани. – Вужуди ўт бўлиб ёнаётган қиз йигитнинг бағридан чиқиб, уч-тўрт қадам узоқлашди. Сўнгра ўтли бир нигоҳ ташлаб ўпкалаган бўлди:

– Ёмон одам экансиз. Мен бугун нормани бажаролмайдиган бўлдим. Кечқурун штабга чақиришса Сизни айтаманми?

Бу гапдан икковлари ҳам баравар кулиб юборишди. Шундан кейин қиз Толибжонни катта йўлгача кузатиб чиқди.

– Биласизми? – деди Ҳилола бекат олдига етгач, бирдан маъюс тортиб. – Мен дадамдан жудаям қўрқаман.

– Нима деганингиз бу? – Толибжон хавотирлик билан тикилди.

– Бу деганим... – Қиз нима дейишини билмай қийналди, – агар бошқага беришмоқчи бўлишса мен қандай қилиб сизни айтаман. Уйда дадамнинг гаплари гап.

– Ахир энди биринчи курссиз-ку. – Йигитнинг юрагига ғулғула тушди. – Менга қаранг, бўлмаса уйдагиларга айтаман, бориб қўйишади. Армиядан келишим билан тўй қиламиз.

– Йўқ, бўлмайди. – Ҳилола бош чайқади. – Қайтанга жаҳллари чиқиб... Яхшиси бориб келаверинг. – Йигитнинг руҳи тушиб кетганлигини

сезган қиз жилмайди.

– Икки йилнинг ичида мажбур қилиб беришворишмас, ахир.

Шу пайт бекатга автобус келиб тўхтади.

– Хўп, хайр, ой бориб, омон келинг. – Ҳилоланинг кўзлари яна ёшланди.

– Ҳа, айтганча, – Толибжон шошиб қизнинг қўлларини ушлади. – Хатни почтага «До востребования»га ёзаман. Паспортингизни кўрсатиб, олаверасиз. Жавоб ёзганингизда албатта суратингизни қўшиб жўнатинг.

Автобус ўрнидан қўзғалгач, Толибжоннинг ёдига сўрида қолиб кетган пакет тушди. «Ие, бир оғиз айтиб қўймабман-у. Ҳа майли, ўқитувчиси кўрди-ю. Ҳалиям овсарлигим бор-а».

...Ўша куни севгилисини биринчи марта бағрига босиб ўпган Толибжоннинг қувончи оламга сиғмасди. Бироқ Ҳилоланинг «Дадамдан жудаям қўрқаман» деган гапи кўнглига бир оз ғашлик солган эди.

* * *

Сентябрь ойининг иккинчи куни. Ҳавонинг тафти бир оз пасайган. Институт ҳовлисидаги фавворанинг тинимсиз шовуллаши тоғ бағридан отилиб чиқаётган шаршарани эслатади. Олийгоҳга киравершдаги икки туп азим чинорнинг эрта сарғайган япроқлари енгил шабадада чирт-чирт узилиб, бир лаҳза ҳавода мажолсиз тебраниб тургач, ҳаётга алвидо айтганча ерга бош қўяди...

... Шу пайт учинчи «пара»даги дарс тугаганлигини билдириб, қўнғироқ овози янгради. Орадан беш-олти дақиқа ўтар-ўтмас, институт ҳовлиси тўп-тўп бўлиб дарсхоналардан чиқаётган йигит-қизлар билан тўлди.

Бу манзарани четдан диққат билан кузатган киши ажиб бир ҳолатнинг гувоҳи бўлади. Олийгоҳ талабаларининг аксарияти қизлар. Улар орасида бошдан-оёқ европача кийинган, тор шимда келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилаётган, бир

оз эрка, ўзига ҳийла бино қўйган нозанинлар ҳам йўқ эмас.

Лекин орзулари бир жаҳон бўлган бу навниҳолларнинг кўпчилиги дид билан замонавий кийинган...

Уч дугона институт ҳовлисидан чиқиб, катта асфальт йўл қирғоғидаги пиёдалар йўлкаси бошида тўхташди.

– Бўпти, эртагача, – деди пушти ранг костюм-юпкаси келишган, қадди-бастига ярашган қиз ўртоқларидан ажраб.

– Ҳилола, мунча, уйда боланг йиғлаб қоляптими?, – думалоқ юзли, елкасини тўлдириб турган қўнғир, тўлқинсимон сочлари ўзига ниҳоятда ярашган қиз лабини бурди. – Юр, биттадан «мороженое» еймиз.

– Йўқ, аям ўқишдан тўғри уйга келгин, деганлар. Ҳилола шундай дея баҳона қилгач, дугоналари билан хайрлашиб, асфальт йўлнинг нариги юзига ўтди. «Толибжон акамдан хат келган бўлса керак», у бир бекат наридаги почта-телеграф томон яёв кетаркан хаёлидан ўтказди. «Охирги марта қачон хат ёзган эдим», ҳа, «Мўян»га кетишдан бир кун олдин».

Институтдан Қувасойнинг «Мўян» совхозига олма териш учун ҳашарга борган қизлар уйга икки ойда қайтишди. «У ернинг ҳавоси сенга ёқибди», – деди қизини бағрига босган онаси унинг юз-кўзларига меҳр билан тикилиб. Дарҳақиқат, Ҳилола ҳам ойнага қараб юзлари бир оз тўлишиб, ранги янада тиниқлашганлигини сезди.

...Мана, икки йилдан буён хат ёзишади. Толибжон биринчи хатида Молдавиянинг Кишинёв шаҳри яқинида хизматини бошлаганлигини, у ернинг об-ҳавоси худди Ўзбекистонникига ўхшашлигини ёзган эди. Уч ойча хизмат қилгандан кейин эса сурат ҳам келди. «Озиб қолибди», дея хаёлидан ўтказганди у расмга термиларкан юраги ачишиб.

Бундан икки ой олдин юборган яна бир

суратга боқиб эса кўзларига ишонмади. «Одам ҳам бир йилнинг ичида шунақанги ўзгариб кетадими?» Ҳилола иккала суратни ёнма-ён қўйди. Кейингисида солдатлик формаси кенг елкаларига ниҳоятда ярашган, хушсурат йигит унга кулиб қараб турарди. У бир муддат расмга термилгач, Толибжон акасини соғинганлигини биринчи марта ҳис этиб, кўзларига ёш келди...

...Ҳилола почтага кириб, ойлар давомида ўзига таниш бўлиб қолган татар миллатига мансуб ёшгина аёлга паспортини берди.

– Сизга бир эмас, иккита хат бор, – деди аёл соф ўзбек тилида. Сўнгра маъноли жилмайиб, конвертларни унга узатди.

Ҳилола ташқарига чиқишга ҳам сабри чидамай хона бурчагидаги ўриндиққа ўтириб, конвертлардан бирини очаркан, ҳар сафаргидек бутун вужудини аллақандай ёқимли хис чўлғади.

«Ассалому алайкум, меҳрибон аяжон, дадажон!.. «Ие!», – Ҳилола бирров конвертга кўз югуртирди.

«Ҳаммаси тўғри, Турдалиева Ҳилолага, деб ёзилган-ку». «Вой, адашиб!» Беихтиёр шундай дегач, биров эшитмадимикан – дея атрофга хавотирлик билан аланглаб қўйгач, шоша-пиша иккинчи конвертни очди.

«... Ҳаётим мазмуни, яккаю ягонам Ҳилолахон! Аввало мен овсарнинг бир қошиқ қонимдан кечинг. Уйимиздагиларга ёзилган хатни ўқиб роса мендан кулгандирсиз. Сўнгги пайтларда сизни қаттиқ соғинганимдан эс-ҳушим кирди-чиқди бўлиб қоляпти ўзи.

Хуллас, мен девона Сизга битилган мактубни уйга, уйдагиларга юборишим керак бўлган хатни эса почтанинг адреси ёзилган конвертга солиб жўнатиб юборибман...»

Вой, энди нима бўлади? Мактубнинг шу жойига келганда Ҳилоланинг юраги така-пука бўлди. Демак, менга ёзилган хатни уйларидагилар ҳам

ўқишган, қандай шармандалик.

У юрагини ховучлаб, мактубнинг давомини ўқий бошлади. «...Яхшиям хат ўнинчи синфда ўқийдиган укам Тоҳиржоннинг қўлига тушибди. У менга ёзган жавобида – ака, ҳеч хижолат бўлманг, хатни яшириб қўйдим, келганингизда ўзингизга бераман, – дебди...»

Хайрият-е. Енгил нафас олган Ҳилола яна сатрларга кўз югуртирди. «Айтганча олмаларни териб, планларни тўлдириб, ўйнаб-кулиб уйга қайтдиларингми? Мана, бизнинг хизматимиз тугашига ҳам саноқли кунлар қолди. Ишонсангиз кейинги пайтларда бир кун худди бир йилдек туюляпти. Сизни жуда соғиндим. Худо хоҳласа ноябрь ойининг бошларида уйда бўламан. Балки ундан олдинроқ ҳам бориб қоларман. Сабаби, интизомли, хизмат аълочиси бўлган солдатларни биринчи қўйворишади. Хўп, хайр. Жавобингизни интизорлик билан кутаман.

Сизни соғиниб, ғойибона қучиб, ТОЛИБЖОН».

Ҳилола конвертларни сумкасига солиб ташқарига чиқди. У йўлнинг нариги юзидаги бекатдан автобусга ўтираркан «Бир қошиқ қонимдан кечинг» деган сатрлар ёдига тушиб, беихтиёр жилмайди.

«Демак, икки ойдан кейин келишади. Ие, ноябрь ойида ҳам пахтада бўламиз-ку. Кетишаётганда далада хайрлашган эдим. Яна пахтада кўришарканмизда». У Толибжон акаси би-лан учрашишни кўз олдига келтираркан, вужудини аллақандай ёқимли ҳис чулғаб, юзлари ловиллаб кетгандек бўлди...

...Уйлари яқинидаги бекатда автобусдан тушган Ҳилола кўча дарвозаси эшигини очиши билан ҳовлидаги соябонли сўрида ўтирган бегона аёлларга кўзи тушди.

– Ассалому алайкум.

– Ва алайкум ассалом, ўқишларни ҳам бошлаб олдиларингми, қизим?

Меҳмонлардан бири ёши олтмишлар атрофидаги тўлагина, оқ юзли аёл у билан астойдил сўрашди.

Ҳилола уялибгина бош ирғаб, уйга – хонасига кирди. «Яна совчилар бўлса керак», хаёлидан ўтказди у диванга ўтираркан. Кейинги бир йил ичида ҳовлиларидан нотаниш «меҳмонлар»нинг қадами узилмай қолди.

Лекин Ҳилоланинг кўнгли тўқ. Чунки уйидагилар келган совчиларга «Қизимизнинг ўқиши бор, ҳеч бўлмаса охирги курсга ўтсин» деган жавобни беришаётганидан яхши хабардор.

Карoматой хола совчиларни кузатиб қўйгач, қизини чақирди.

– Меҳмонлар кетишди, ке, тушлик қилиб ол. Онаизор дастурхон тепасида қизига бир муддат зимдан тикилиб тургач, деди:

– Келганлар ким? – деб бир оғиз сўрамайсан-а?!

– Сўраб нима қиламан? – Ҳилола кулиб юборди, – шундоғам маълум-ку ўзи.

– Булар сен ўйлаётган, бир келиб кетадиган совчилармас.

– Нима демоқчисиз? – Ҳилола онасига хавотирлик билан тикилди.

– Гап шуки, сен билан астойдил сўрашган ҳалиги тўлагина аёл дадангни устози, қурилиш трестининг бошлиғи Қудратилла аканинг хотини, ёнидагиси бўлса овсини.

– Нима бўпти, ахир ўзингиз...

Карoматой хола чуқур нафас олди.

– Гапингни тушуниб турибман. Аввал ўқишимни битиришим керак, келишганмиз, демоқчисан. Лекин, дадang розилик бериб қўйибди.

– Нима?! – Ҳилоланинг ранги оқарди. – Мен сизларга бозордаги молманми, бўйнимдан боғлаб бировнинг қўлига тутқазсаларинг кетаверадиган?

– Ҳай, ҳай, қизим, осмонга сапчимай тургин, – онаизор бошини тебратди. – Сен аввал у йигит ким экан деб сўра, кўр, бир-икки оғиз гаплаш.

Ёқмаса майли, ҳеч ким оёқ-қўлингдан боғлаб бўлсаям бераман деяётгани йўқ-ку.

Ҳилола кескин бош чайқади.

– Кўришниям, гаплашишниям хоҳламайман. Аввал ўқишимни битиришим керак, гап тамом.

Онаси чуқур уф тортиб қўйгач:

– Биласан-ку, мен ҳам сен томон, – деди хайрихоҳ оҳангда. – Лекин дадангни феълини, қанақаликларини эсингдан чиқариб қўйибсан шекилли.

Ҳилола дадасини кўз ўнгига келтираркан, юрагини ваҳима босди.

Қурилишда участка бошлиғи бўлиб ишлайдиган Баҳодир Султонович ишига ниҳоятда пухта, қаттиққўл одам эди. Оила даврасида ҳам унинг ҳар бир гапи қонун.

Ҳилола дадасининг очилиб, кулишиб ўтирганини камдан-кам эслайди. Шуларни ўйларкан бу иш осонлик билан ҳал бўлмаслигига ақли етиб, онасига ялинди.

– Жон ая, менга раҳмингиз келсин. Ўзингиз дадамга яхшилаб тушунтиринг. Ҳеч бўлмаса бир йилдан кейин, тўртинчи курсга ўтай.

– Энди, қизим, менга ҳам қулоқ сол, – Каромат-ой хола шундай дегач, юрагини очди. – Гапнинг рости шу оила менга ҳам маъқул. Ферузахон ажойиб аёл. Учта ўғлини уйлаб-жойлаган. Кенжаси бу йил юридик институтини битириб, прокуратурага ишга тушибди. Исми Аҳроржон экан. Сени ўша ўғлига сўраб келишибди.

– Шунақа йигитга тегаман деган қизлар тўлиб ётибди. – Ҳилола ён бермади. – Хоҳлаганини танлаб олаверсин.

– Ҳаҳ, нодон болам-а! – онаси кулди, – у йигит сени танлабди-да.

Ҳилола «мени қаердан биларкан» дегандек онасига ҳайрон бўлиб қаради.

– Оилаларида сен тўғрингда гап бўлгандан кейин ўғли институтга бориб суриштирибди, сени

кўрибди, тушундингми энди? Эртага яна олдинга бораркан.

Машинасининг рақами 07–77, онаси ёзиб бериб кетди. Оқ рангли «жигули» экан.

Шу пайт кўча эшиги очилиб, укаси – тўққизинчи синфда ўқийдиган Дурбекнинг кириб келиши она-боланинг суҳбатини бўлди.

...Ўша кечаси Ҳилоланинг кўзига алламаҳалгача уйқу келмади.

«Нима қилишим керак? Гапларининг мазмунидан аям ҳам розилар. Дадам ҳақиқатдан ҳам сўз бериб қўйган бўлса тамом».

Шу лаҳза унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. «Ё аямга ростини шартта айтиб қўяқолаймикин? Йўқ, дадамнинг қулоқларига етса нақ ўлдириб қўяқоладилар».

Ҳилола хаёлида чарх ураётган саволларга жавоб тополмай тўлғонаркан, тиббиёт билим юртини битириб яқинда касалхонага ишга тушган синфдош дугонаси сирдоши Севара «лоп» этиб ёдига тушди. «Эртага ўқишдан чиқиб, тўғри олдига ўтаман».

* * *

Эртаси куни дарс пайтида ўқитувчиларнинг маърузалари Ҳилоланинг қулоғига кирмади. У ўйламасликка қанчалик ҳаракат қилмасин, «ким экан у, институтга қачон келганикин, кўриниши қанақайкин?» деган фикр беихтиёр хаёлига келаверди.

Охирги дарс тугаб, ёлғиз ўзи кетмоқчи бўлган Ҳилолага дугоналаридан иккитаси елимдек ёпишди.

– Мунча шошасан, ит қувяптими? Тўхта, бирга кетамиз.

Улар институт ҳовлисидан чиқиб, бекат томон бурилишган ҳам эдики, унинг кўзи асфальт йўл қирғоғидаги оқ «жигули»га тушди. Ҳилола беихтиёр машина рақамига қаради. «Ўша, 07–77». Шу пайт «жигули» эшиги «ширқ» этиб очилиб,

ундан ўрта бўйли, буғдой ранг, истарали йигит тушди-да, уларнинг рўпарасига ўтди.

– Яхшимисизлар?

Қизлар «бу йигит кимнинг таниши экан» дегандек бир-бирларига қарашди.

– Ҳилолахон, уйгами? – У шундай дегач, машина томон ишора қилди. – Ўтиринглар, ташлаб қўяман.

– Йўқ, раҳмат, – дейишди қизлар. – Хўп, хайр, Ҳилол, – дугоналар бир-бирларига маъноли қараб қўйишгач, секин жўнаб қолишди.

– Ҳой Нигор, тўхтаб туринглар. – У шундай дегач, йигитдан узр сўради. – Кечирасиз, биз кутубхонага бормоқчийдик.

Ҳилола дугоналарига етиб олиши билан Нигора қувлик билан сўради.

– Ким у, куёвми? Шунинг учун ёлғиз ўзинг жуфтакни ростламоқчи бўлиб турган экансан-да?!

– Сенга ёқдими? – Ҳилола атайлаб сўради.

– Ростмана йигит. Ўқийдими?

– Юридик институтни битирибди, прокуратурада ишларкан.

– Ростданми? Зўр-ку. Машинаси ҳам бор экан, – Нигора шундай дегач, орқасига ўгирилиб қўйди.

– Бор, таниш, гаплаш. – Ҳилола унинг жиғига тегмоқчи бўлди.

– Жон-жон дердиму – деди Нигора ҳам дугонасини куйдирмоқчи бўлиб. – У йигит менинг олдимга эмас, сенинг олдинга келганда, жинни.

Дугоналар бир оз ҳазил-ҳузул қилиб туришгач, Ҳилола автобусга ўтириб, касалхонага – Севаранинг олдига кетди.

Севара собиқ синфдошининг гапларини диққат билан тинглагач:

– Хафа бўлмагин-у, ростини айтсам, менимча, сени ўша йигитга берворишади, – деди.

– Ўйлаб гапиряпсанми? – Ҳилоланинг юрагига ғулғула тушди. – Бугун аямга бориб «Йигитни кўрдим, менга ёқмади» дейман қўяман.

– Нимага дейишса-чи?

Ҳилола довдираб қолди.

– Менга қара, – деди Севара дугонасининг кўзларига тикилиб. – Ўзинг айтдинг, ўқиган, ростмана йигит экан, деб. Нима деб баҳона қиласан?

Севара шундай дегач, бир муддат ўйланиб турдида:

– Биласанми, нима қиламиз, – деди бирдан кўзлари чарақлаб. – Йигит прокуратурада ишлайди, дедингми? Эртага иккаламиз борамиз. Агар сен айтолмасанг, мана, мен айтаман. «Хафа бўлманг-у, ўртоғимнинг яхши кўрган йигити бор, яқинда армиядан келади», дейман.

– Эсинг жойидами? – Ҳилола кўзларини катта-катта очиб дугонасига қўрқув билан қаради. – Ундан кейин дадам мени тириклайин ерга кўмиб қўя қолсинлар-а?

– Нима қилиш керак бўлмаса?

Икки ўт орасида қолган Ҳилола нима дейишини билмай кўзларига ёш олди.

* * *

Эрталаб фарзандлари ўқишга, эри ишга жўнаб кетгандан кейин Кароматой чошгоҳгача уй ишлари билан банд бўлди. «Аҳроржон билан кўришдимикин?», ўйлади у қўлидаги супургини остона бурчагига қўйиб, сўрига омонатгина ўтираркан.

«Индамай тескари қараб кетворган бўлса-я?! Аслида-ку, тўйни охирги курсга ўтгандан кейин қилишса яхши бўларди. То болалик бўлгун-ча ўқишни ҳам битириб оларди.

Лекин дадаси «Мен Қудратилла акага розилик бериб қўйдим, худо хоҳласа октябрнинг охирларига тўй», деб гапни калта қилди қўйди. Эрининг феъли эса унга яхши маълум».

Тўғри Ҳилола айтгандек, шунақанги йигитларга тегаман, деган қизлар сон мингта. Лекин Аҳроржон

уни кўриб, ёқтирган экан, балки юлдузи юлдузига тўғри келгани шудир?!

Шу пайт кўча эшиги «ғийқ» этиб очилиб, Ҳилоланинг ҳовлида пайдо бўлиши Кароматойнинг хаёлини бўлди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, келдингми, қизим?

Ҳилола бошқа бир сўз демай хонасига кириб кетди. «Оббо, қовоғидан қор ёғиляпти-ю». Онаизорнинг кўнглига хавотирлик тушди. «Тегмайман, деб оёғини маҳкам тираб олса дадасига нима дейман?»

Орадан беш-олти дақиқа ўтгач, кийимларини алмаштириб чиққан қизи онасининг рўпарасига – сўрига ўтирди.– Аҳроржон келдими? Гаплашдиларингми? – Кароматой синчковлик билан тикилди.

– Ҳа, кўрдим. – Маъқулми?

– Жон ая, дадамга тушунтиринг, – Ҳилоланинг кўзларидан дув ёш тўкилди. – Турмушга чиқмайман ҳозир. – Бу нима деганинг?! Йигит ёқмадими? Мен Аҳроржонни акасининг тўйида бирров кўрганман, ростмана йигит-ку?!

– Мен ҳам ёмон йигит деяётганим йўқ... Ҳилола шундай дегач, онасига бир лаҳза умидворлик билан илтижоли нигоҳ ташлагач, секин сўради. – Ая, битта нарса сўрасам майлими, хафа бўлмайсизми? Уришмайсизми мени?

– Вой, бу нима деганинг? Нега уришарканман? – Она қизига ҳайрон бўлиб қаради. – Гапиравер.

– Мени ўзим ёқтирган одамга беришга рози бўлармидиларинг?...

– Эсинг жойидами? – Кароматой қизига хавотирлик билан қаради. – Бу билан нима демоқчисан? Ё... бирорта...

Ҳилола индамай ерга қаради.

Онаизор бир муддат ўйга толгач, насиҳатомуз гап бошлади.

– Ҳаммасини тушундим, эс-ҳушли, ақлли

қизсан. Энди менга ростини айт, ким у йигит? Ўқийдими, ё ишлайдими?

– Армияда, яқинда келади, – деди Ҳилола кўзларини ердан узмай. – Техникумда ўқийди...

– Даданг қиёматдаям рози бўлмайди. – Карохатой бош чайқади. – Худо кўрсатмасин, мабодо сезиб қолса, мени ҳам сенга қўшиб нақ...

Ҳилола чуқур хўрсинди.

– Шунақа дейишингизни билардим. Лекин сиздан охирги илтимосим, дадамга «Майли, лекин бир йилдан кейин, ҳеч бўлмаса охирги курсга ўтай, деб йиғлаб кўнмаяпти», деб айтинг, жон ая.

У шундай дегач, секин ўрнидан турди-да, йиғлаганича уйига кириб кетди. «Қандоқ қилай, мени қўлимдан нима ҳам келарди. Майли, айтиб кўраман, болам, лекин сени таг-тугли, обрўли хонадонга узатмоқчимиз-ку, қизим. Худо хоҳласа пушаймон бўлмайсан...»

Қизининг орқасидан кузатиб қолган онаизорнинг ҳам юраги эзилди. Ўша куни кечки овқатдан кейин ошхонани йиғиштираётган Ҳилоланинг қулоғига тасодифан дадасининг гаплари чалиниб қолди.

– ... Қанақанги хотинсиз ўзи?! Қиз бола деган номига кўз ёши тўкиб қўяди-да. Нима чапак чалиши керакмиди?

– Энди, дадаси, гапингиз тўғри-ю, йиғлашнинг ҳам йиғлаши борда. «Ҳеч бўлмаса тўртинчи курсга ўтай», деб юрак бағримни эзворяпти.

– Менга қаранг, хоним, – дадаси чўрт кесди. – Ўзингиз яхши биласиз, улар тушунган оила, ўқитиб олишади. Айтганман-ку, розилик бериб қўйганман, деб. Хуллас, янаги ҳафтага дастурхон олиб келишади, гап тамом.

Ҳилола қўлидаги косасини бир четга қўйди-да, юзларини қўллари билан беркитиб, ҳўнграганича хонасига кириб кетди.

* * *

Толибжон поезддан эрталаб соат олтиларда тушди. Шоҳбекатда одам гавжум. Кимдир сафардан қайтган отаси ёки ўғлини бағрига босади. Кимдир излаган кишисини тополмай чор атрофга жавдирайди. Хуллас, неча йиллардан буён қувонч, шодлик билан бирга ғам ташвишларга ҳам гувоҳ бўлиб келаётган шоҳбекатда ҳаёт қайнайди...

У ўн-ўн беш қадам юргач, чамадонни бир четга қўйиб, ҳузурбахш куз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. «Мана, худога шукур, эсон-омон етиб ҳам келдим. Фалон куни борарман, кутиб олинглар, деб ёзмаганим бир ҳисобга яхши бўлган экан. Бир-икки кун кечикиб қолсам хавотир бўлишарди, ҳам оворагарчилик».

Юраги бир олам соғинч, шодликка тўлган Толибжон бекат томон бурилган ҳам эдики, киракашлардан беш-олтитаси гулга ёпишган асаларидек ўраб олишди.

– Солдат, қаерга борасиз?

– Ўтиринг, бир ўзингиз бўлса ҳам айтган жойингизга олиб бориб қўяман.

– Раҳмат акалар, узоққа бормайман, қўқонликман. Шу пайт ёши ўттизлар атрофида бўлган қорача йигит Толибжоннинг қўлидан жомадонни олди.

– Бўпти, кетдик ука, икки минутда уйингизга олиб бориб қўяман.

Толибжон бошқа ҳайдовчиларга хижолатомуз жилмайиб қараб қўйгач, унга эргашди.

Такси кўча эшик олдида тўхтаб ҳовлига қадам қўйишлари билан уларни биринчи бўлиб укаси Тоҳиржон қарши олди.

– Ие, акам! Акам келдилар!!!

Ака-ука бир-бирларининг бағриларига отилишди. Шу пайт ичкари уйдан онаси ҳовлиқиб чиқди.

– Вой, Толибжон, ўзингмисан, бўйларингдан

ўргилай! – онаизор кўзларида ёш билан фарзандини бағрига босди.

– Ие, аяжон, нимага йиғлайсиз? Мана, эсон-омон келдим-ку. – Толибжон онасининг юзларини силади. Кейин чўнтагидан пул олди-да, уларга қараб кулиб турган ҳайдовчига ўгирилди. – Раҳмат, ака.

– Ие, вой, эсим қурсин! Иним кетмай туринг, мен ҳозир...

Хайринисо опа шундай дея ғизиллаганича уйга кириб янги қийиқ, тахи бузилмаган кўйлак олиб чиқди.

– Илойим болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг. Бу сизга суюнчи, иним. Худо хоҳласа тўйларга ҳам албатта келасиз.

Ўша куни Толибжонларнинг хонадони тўйхонага айланиб кетди.

Келганининг учинчи куни шомга яқин собиқ синфдоши, қадрдони Анвар кириб келди.

– С приездим! Қалайсан, солдат?! – Дўстлар бир-бирларини кўтариб бир-икки айлантиришди, – жудаям ўзгариб кетибсан, – деди Анвар Толибжонга бошдан-оёқ қараб қўйгач. – Нима билан боқишди?

– Ўзинг-чи? Икки йил олдин қанақалигинг эсингдами? Худди Холхўжанинг таёғийдинг. Қаттиқ шуғулланяпсан шекилли-а?

– Ҳа, энди «физвос»да ўқишнинг ўзи бўладими оғайни. – Анвар яйраб кулди.

Улар биргаликда кечки овқатни ейишгач, дўсти ижозат сўради.

– Энди, менга рухсат. Ҳалиям пахтадамиз. Бир кунга жавоб сўрагандим. Келганингни дадам айтиб қолдилар. Ўн кунлардан кейин ўқишга қайтсак керак, ўшанда мириқиб гаплашамиз.

Толибжон Анварни эшик тагига кузатиб чиққач, сўради:

– Менга қара, ҳаммасидан хабаринг бор. Ҳилола юрибдими? Кейинги икки ой ичида

биттаям хат олганим йўқ.

Анвар нима дейишини билмай тараддудланиб қолди.– Ҳа, нимага индамайсан? – Толибжон дўстига хавотир билан тикилди. Улар қаерда пахта теришяпти?

Анвар Толибжондан кўзларини олиб қочди. «Нима дейишим керак? Бор гапни қайси тил билан айтаман?

Бир оғиз сўз билан нурга тўлиб турган қалби зимистонга айланади-ку. Ҳа, юрибди, пахтада бўлса керак, деб қўя қолайинми? Йўқ, бугун бўлмаса эртага бари-бир эшитади. Ундан кейин мендан хафа бўлади. Яхшиси ҳозир билиб қўяқолгани маъқул. У шуларни хаёлидан ўтказаркан зўрма-зўраки жилмайди.

– Ҳилола пахтага боргани йўқ.

– Тузукми ўзи?

– Ҳа, яхши... Биласанми?... – Анвар чайналди. – Ёлғон гапирганим билан барибир эшитасан. Ҳилоланинг тўйи бўляпти.

– Нима деяпсан?! – Толибжон беихтиёр унинг ёқасидан тутди. – Ҳазилнинг ўрними ҳозир!

– Ўзингни бос. – Анвар дўстининг қўлини ушлаб, секин пастга туширди. – Рост гапиряпман.

Толибжоннинг ранги оқарди. Оёқ қўли бўшашгандек бўлиб, юрагида оғриқ сезди. «Наҳотки?! Бўлиши мумкинмас! Лекин қиёматли дўсти Анварга ишонмай бўладими?»

– Кимга узатишяпти – деб сўради Толибжон ниҳоят бўғиқ товушда.

– Куёвни танийсанми?

– Сен ҳам биласан у йигитни. – Анвар чуқур тин олди. – Биздан икки синф юқори ўқиган. Исми Аҳрор. Ҳилоланинг тўйи бўлармиш, деган гапни эшитиб суриштирдим. Бу йил юридик институтни битириб, прокуратурага ишга тушибди.

«Прокуратурага ишга тушибди», деган гапни эшитган Толибжон «ялт» этиб Анварга қараб қўйди-да киноялиг жилмайиб:

– Баланд дор экан-да, – деди алам билан бош тебратиб. – Эҳ, Ҳилола! Мен унга ишониб юрибман-а.

– Ҳамма айбни Ҳилолага ағдаришинг менимча тўғримас. – Анвар шундай дегач, бир муддат ўйланиб турди-да, сўзида давом этди. – Эсингда бўлса ўнинчи синфда ўқиб юрганимизда «Дадаси қурилишда бошлиқ, қаттиққўл, чўрткесар одам» дегандим. Ҳилола ноилож қолган бўлса керак. Бўлмаса яқин икки йилдан буён хат ёзишиб тургансизлар. Сенга кўнгли бўлмаса сўз берармиди, ишонтирармиди?

Толибжоннинг ёдига хайрлашаётиб, Ҳилоланинг «Биласизми, мен дадамдан жудаям қўрқаман», деган гапи беихтиёр ёдига тушди. Сўнгра бир-икки дақиқа ўйланиб тургач, бирдан Анварнинг елкасидан ушлаб:

– Менга қара, оғайни, – деди кўзлари чақнаб. – Тўйни тўхтатамиз. Аҳрор ака билан ўзим гаплашаман. Ҳақиқий ўғил бола бўлса, тушунар ахир?!

– Ҳовлиқмай тур! – Анвар пешонасини тириштирди. – Шошма, бугун число неччи? Учинчими? Менимча бугун никоҳи. Фойдаси йўқ энди.

Толибжоннинг кўз олди қоронғулашди. «Наҳотки охирги умидим ҳам пучга чиққан бўлса?! Нима қилиш керак?!»

– Энди гап бундай, – Анвар Толибжоннинг елкасидан қучди.

– Кўп сиқилаверма. Сендай йигитга тегаман деган қизлар тиқилиб ётибди. Тақдир бу. Менимча Ҳилола ҳам у йигитга «Яхши кўрганим бор», деёлмаган. Дадасидан қўрққан. Агар айтолганда балки ҳам тушунарди.

– Гапинг тўғри. Мен ҳозир, кетмай тур. Толибжон шундай дея уйга кирди-да ҳаял ўтмай яна қайтиб чиқди.

– Юр, кетдик. Бирор жойга бориб бир пас ўтирайлик.

... Улар катта кўчага чиқиб, шаҳар марказига олиб борадиган кенг асфальт йўл қирғоғидан аста одимлаб боришаркан, Толибжоннинг кўз ўнгида Ҳилоланинг кулчадек чиройли юзи, шўх қуралай кўзлари гавдаланди.

Мана, уч йилдан буён юрагининг тўрида асраб, авайлаб юрган орзу-умидлари бир лаҳзада, бир оғиз сўз билан чилпарчин бўлди. У Ҳилоланинг ёзган мактубларини деярли сўзма-сўз ёддан биларди. Бир дақиқа имкон топди, дегунча кўкрак чўнтагида олиб юрадиган суратини қўлга олиб термиларди. Хаёлан у билан сўзлашарди. Айниқса, бундан икки ойча олдинги мактубида «Мана, хизматингиз тугашига ҳам озгина қолди. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, мен ҳам соғиндим...» деб ёзганди. «Ҳа, мана, айтганидек, ўзимни эҳтиёт қилиб эсон-омон келдим. Лекин сен-чи?

Муҳаббатимизни, севгимизни эҳтиёт қилолмабсан-ку, ёлғончи, бевафо қиз?!!»

Хаёлан ўзи билан сўзлашиб бораётган Толибжон Ҳилола билан ўн-ўн беш дақиқа бўлса-да қурган ширин суҳбатларини бир-бир эслади. Айниқса, пахтага хайрлашиш учун борганда, Ҳилоланинг кўзида ёш билан кўксига бош қўйгандаги лаҳзаларда қандай бахтиёр эди. Агар ўша ширин дамларни яна қайтаришнинг имкони бўлганда Толибжон хизматга эмас, урушга боришга ҳам рози, кўксини ўққа тутиб беришга ҳам тайёр эди.

Улар Чорсудан ўтиб, кинотеатр биқинидаги кафе олдига етишганда Толибжон тўхтаб:

– Юр, – деди ошхона томонга ишора қилиб. – Шу ерда озгина ўтирайлик. Соат кечки тўққизга яқинлашиб қолгани учунми, кафеда одам сийрак. Дўстлар бурчакдаги стуллардан бирига ўтиришгач, Анвар саволомуз қаради.

– Бирор нима еймизми?

– Яқинда овқатландик-ку. – Икки донадан шашлик буюриб қўяқол. Кейин битта арақ ҳам олиб

кел.

– Арақ дейсанми?, – Анвар ўйланиб қолди. – Масалан, мен умуман ичмаганман, ичмайман ҳам.

– Мен ҳам ичмаганман, – Толибжон маъюс жилмайди.

– Ишонасанми, армиядаям оғзимга олганим йўқ. Бугун озгина-озгина олайлик. Ўзинг айтдинг-ку, Ҳилоланинг тўйи ахир?!

Анвар дўстига гуноҳкорона қараб қўйгач, ўрнидан турди.

... – Қани, нима учун ичамиз? Толибжон арақдан қадаҳларга тўлдириб қуйгач, дўстига тикилди. – Сўнг бир лаҳза ўйланиб турди-да:

– Ке, мана шуни дўстлигимиз учун олайлик.

У шундай дегач, охиргача ичиб минерал сувдан ҳўплади-да, кўзларини юмиб, чуқур нафас олди.

Анвар эса ярмини ичиб кабобдан бир бурдасини шоша-пиша оғзига солди-да, афтини буришгирди.

– Одамлар қанақа ичаркан буни? Заҳарнинг ўзи-ку. Толибжон индамай кафе ойнасидан ташқарига – кўкка тикилди. Шу лаҳза осмонда сузаётган тўлин ой оҳисталик билан бир парча қора булут бағрига сингиб ғойиб бўлди.

Шунда у Ҳилоланинг бегона йигит қўйнига ойдек киришини кўз ўнгига келтираркан алам ва изтиробдан инграб юборай деди.

– Ичмабсан-ку, – деди у ўзига яна тўлдириб қуяркан. Анвар бош чайқади.

– Ярмини ичдим-ку. Ҳозирдан каллага урди. Майли, қолганини ичиб қўяман. Бўлди, сен ҳам бошқа ичма. Толибжон кўзларини сузиб:

– Ке, мана шуни Ҳилола учун ичайлик – деди. – Майли бахтли бўлсин. Қани олдик!

Ярим соатча ўтиришгач, Толибжоннинг юрагидаги изтироб, алам ўти бир оз босилгандек бўлди. «Маст бўлиб қолдим» хаёлидан ўтказди у боши айланаётганини сезиб. Шу пайт қулоғига хазин мунгли қўшиқ эшитилди:

– Бугун қўшни қишлоққа,
Келин келди ёр-ёр.
Боролмайман у ёққа,
Ўлтираман зор-зор.

...Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан,
Ёлғончи қиз ёр-ёр.
Алдаб мени ушбу кун,
Йиғлатдинг-ку зор-зор.
«Ёлғончи қиз ёр-ёр»...

Толибжон атрофга аланглади. – Қаердан эшитиляпти бу қўшиқ. – Буфетчи магнитафон қўйди. – Анвар дўстининг аҳволидан хавотирга туша бошлади. – Менга бўлди, тур кетайлик энди.

– Хўп, дўстим. – Толибжон Анварга илтижоли тикилди. Лекин мана шу қўшиқни яна бир марта эшитайлик. Бориб айт бошидан қўйсин. Кейин кетамиз.Мунгли қўшиқ яна таралди:

...Онам айтар зерикмай,
Жоним тўйга бор-бор.
Боролмайман онажон,
Ор қиламан,ор-ор.

– Ие йиғлаяпсанми, – Анвар ўрнидан туриб кетди – маст бўлиб қолдингми? Ўзингни тут, эркак кишисан ахир!

– Ўтир жойингга! – Толибжон юзларидан оқиб тушаётган ёшларини кафти билан артиб, дўстига қаради.– Тўғри, эркак кишиман, йигитман. Лекин биласанми?

Армияда кўричагим ёрилиб, госпиталга етиб боргунча жоним хиқилдоғимга келгандаям кўзимдан ёш чиқмаган. Аслида ўшанда ўлиб кетаверсам бўлар экан.

У шундай дегач, бир лаҳза бошини стулга қўйиб турди-да, кейин чайқалиб ўрнидан турди.

– Менга қара, ҳозир Ҳилоланинг тўйига бормай-

мизми? Қўрқма, тўполон қилмайман. Бир марта шундоқ кўзига қарайман холос.

– Эсинг жойидами? Анвар саросимага тушиб қолди. – Ҳилоланиям, ўзингниям шарманда қилмоқчимисан?! Юр, кетдик уйга.

Боши гир айланиб, мувозанатини йўқотаётган Толибжон ғулдиради: – Шундоқ бориб кўзига бир марта қарайман холос...

Икки дўст чорраҳа яқинидаги бекатга етиб келишгач, Анвар такси тўхтатди.

* * *

Толибжон саҳарга яқин карахт бир ҳолатда уйғонди. «Қаердаман?» У лўқиллаб оғриётган бошини бир муддат чангаллаб тургач, бирдан Анвар билан кафеда ўтиришгани ёдига тушди-ю, беихтиёр қаддини ростлади. «Уйга қанақанги аҳволда келдимикин? Ким мени меҳмонхонага олиб келиб ётқиздийкин?» – Йўқ, қанча ўйланмасин барибир эслолмади. Ёдида қолгани, кафега кириб, шашлик билан арақ ичишди. Кейин қўшиқ эшитди. Қанақайди? Ҳа, «ёлғончи қиз ёр-ёр...» Ундан кейин нима бўлганлигини эслолмайди.

«Уйга келганимдан кейин бирор ножўя гап айтмадиммикин? Аҳмоқман. Аҳволимни кўриб, бечора онамнинг юраклари ёрилиб кетай дегандир. Дадамчи?

Армиядан қип-қизил пиёниста бўлиб келибди, деб ўйлашгандир. Энди кўзларига қандоқ қарайман?»

У ўрнидан туриб, ташқарига чиқди, ҳовлида ҳеч ким йўқмикин, дея атрофга ўғиринча қараб қўйгач, муздек артезиан сувига ювинди. Сўнгра юз-қўлини артиб, меҳмонхонага қайтиб кирди-да, нохуш бир кайфиятда ўрнига чўзилди. Шунда беихтиёр Ҳилола яна ёдига тушди. «Уйдагиларга мен ҳақимда айтолмаган».

У Толибжон Анвар билан бўлиб ўтган

суҳбатни эслади. «Албатта, тўйдан олдин Аҳрор билан учрашган, гаплашган. Балки, институтни битирган, иши тайин экан, деб унчалик қаршилик ҳам қилмагандир.

У Тўғри-да, мен кимман? Ўқишим ҳам чала, ишимнинг ҳам тайини йўқ. Ичувчи бир одам бўлсам...»

Толибжон шуларни хаёлидан ўтказаркан, юраги сиқилди. Шу пайт ташқаридан қадам товуши эшитилди-ю, эшик оҳиста очилиб, хонага дадаси – Собиржон ака кириб келди. Дадасига кўзи тушиши билан у шошиб ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум, дада.

– Ваалайкум ассалом. Ўтир, ўтиравер.

Дадаси кўрпачага чўккалагач, бир дақиқа сукут сақлаб турди-да:

– Яхши ётиб турдингми? – деди ҳеч нима содир бўлмагандек хотиржам оҳангда. Уят ва хижолатдан ўт бўлиб ёнаётган Толибжон индамай бошини эгди.

– Энди гап бундай, – Собиржон ака фарзандига оталарча меҳрибонлик билан самимий тикилди.

– Ҳаммасидан хабарим бор. Кеча дўстинг Анваржон менга бор гапни айтди. Толибжон ўзини қўйгани жой тополмай қолди. «Анвар ҳам аҳмоқ экан-ку. Ошкор қилишни нима кераги бор эди. Фойдаси йўқ-ку барибир».

– Ўғлим, энди ёш бола эмассан, – дадаси шундай дея чуқур тин олгач, насиҳатомиз гап бошлади. – Ҳаёт фақат севги-муҳаббатдангина иборат эмас. Бу дунёда хурсандчилик, хотиржамликдан кўра ташвиш кўп.

Агар йигит киши бошига тушган қийинчилик, кўнгилсизликларга чидамай аламини ичкиликдан олаверса узоққа бормайди, ўзини адойи тамом қилади, абгор бўлади. Энг ёмони эл-юртнинг назаридан қолади. Биламан, сен ақлли, эс-ҳушли боласан. Гапларимга яхши тушунасан.

Собиржон ака шундай дегач, деразадан

ташқарига – ҳовлидаги бир туп катта ўрик шохларидаги сарғайган баргларга тикилиб турди-да, яна сўзида давом этди.

– Ёдингда бўлса, сенга дадам ҳақида, бобонг тўғриларида гапириб берган эдим. У пайтда ёш эдинг, балки унча эътибор бермагандирсан. Дадам зиёли одам эдилар.

Техникумда ўқитувчилик қилардилар. Ҳали эсимдан чиқмайди. Ўшанда 38-йилнинг айни ҳозиргига ўхшаган куз фасли эди. Эрталаб ҳаммамиз нонушта қилиб бўлганимиздан кейин дадам ишга, акам билан мен мактабга бормоқчи бўлиб турган эдик. Бирдан эшик тақиллаб қолди. Мен бориб очдим. Қарасам, чарм камзул кийган иккита бегона одам. Дадамни сўрашди. Шунда юрагим нохуш бир нарсани сезгандек бўлди. Улар ҳовлига киришди. «Хавотир олманглар, тезда қайтиб келаман», дедилар дадам онамнинг саросимага тушиб қолганликларини кўриб.

Лекин ўзларининг ҳам ранглари оқариб, ҳаммамизга бир-бир қараб қўйдилар-да, ҳалигилар билан чиқиб кетдилар. Отамизни охирги марта кўрганимиз шу бўлди. Амаким, тоғаларим кўп югуришди. Лекин фойдаси бўлмади. Орадан икки ой ўтгандан кейин дадамни халқ душмани сифатида қамашганини эшитдик.

Ўшандан кейин ҳаловатимиз йўқолди. Мактабда ҳатто яқин ўртоқларим ҳам ўзларини биздан четга оладиган бўлиб қолишди. Акам ўқишни аълога битиргани билан ҳеч қайси институтга ҳужжатларини қабул қилишмади. Уруш бошланганда мен ўн саккиз ёшда, акам йигирмага тўлган эди.

Иккаламиз ҳам кўнгиллилардан бўлиб фронтга кетдик. Қирқ тўртинчи йилда мен оғир ярадор бўлиб уйга қайтдим.

Орадан уч ой ўтгач, эса акамдан қора хат келди.

Хотиралар дафтарини бир-бир варақлаётган Собиржон ака сўзлашдан тўхтаб, бир муддат

хаёлга чўмиб турди-да:

– Ўғлим, – деди оғир тин олиб. Урушдан кейин тортган қийинчиликларимни ҳам бир-бир айтаверсам, ҳали-бери гапим тугамайди. Айтмоқчиманки, ўша оғир кунларда иродасизлик қилиб, ичкиликка ружу қўйганимда оқибати нима бўларди?

Худога шукур, мен ҳаммасини сабр-бардош билан енгдим. Хуллас, гапим шуки, ўзингни тут. Ҳаётга энди қадам қўйяпсан. Ҳақиқий ўғлим бўлсанг, «Бундан буён ичкиликни умуман оғзимга олмайман», деб менга сўз бер.

– Мени кечиринг, дада, – Толибжон бошини кўтарди. – Бу ҳол энди ҳеч қачон такрорланмайди.

– Ишонаман, ўғлим. Биламан, сен бир сўзли йигитсан, – Собиржон ака шундай дегач, ўрнидан қўзғалди. – Тур энди, нонушта қилайлик.

... Орадан бир ҳафта ўтгач, ён қўшнилари – ша-ҳар саноат моллари идораси директори Қаҳрамон ака ишга таклиф қилди. «Ўқишингни сиртқига кўчир, универмагда жияним Бахтиёр билан бирга ишлайсан. Савдо-сотиқни, одамлар билан муомала қилишни ўрган».

Дарҳақиқат уч йил ичида савдода Толибжоннинг кўзи пишди. Тиришқоқлиги, хушмуомалалиги туфайли идора ходимлари ўртасида обрў-эътибор топди.

Шундан кейин Қаҳрамон ака уни янги шаҳардаги чоғроқ магазинга мудир этиб тайинлади. Янги лавозимга ўтгандан кейин кўплаб танишлар, дўстлар орттирди. Ҳар хил давраларда, зиёфатларда бўлди.

Лекин дадасига берган сўзини ёддан чиқармади. Ичкиликни ҳеч қачон оғзига олмади.

... Кузнинг сўнгги кунлари эди. Иш юзасидан Фарғонага бориб, Қўқонга қайтиш учун шоҳбекатга келган Толибжон охирги автобусга ҳам улгурмай қолди.

У бир оз ўйланиб турди-да, йўловчи маши-

налардан бирортасига илиниб қоларман, – деган умидда асфальт йўл ёқасига ўтди. Шу пайт чорраҳани айланиб ўтиб, Қўқон томонга бурилган оқ «жигули» кўзга таниш туюлди-ю, беихтиёр қўл кўтарди. Машина секинлаб, ундан ўн метрча нари-да «ғийқ» этиб тўхтади.

У Илдам юриб «жигули»га яқинлашаркан, ҳайдовчи эгилиб машинанинг олди эшигини очди. «Кечирасиз, Қўқон томонга эмасми?» – деди у янглишгани, рулдаги йигитнинг нотанишлигини сезгач, бир оз хижолат бўлиб. «Қўқоннинг ўзига ука, ўтиринг», – деди ҳайдовчи йигит табассум билан. Омади чопганидан хурсанд бўлган Толибжон ўриндиқдан жой олди. Одатда, нотаниш одам билан ҳамроҳ бўлинганда аввалига гап-гапга қовушиши қийинроқ бўлади. Оғизга толқон солгандек лом-мим демай кетиш яна ноқулай.

У Бахтига ёши тахминан қирқлар атрофида бўлган истарали ҳайдовчи – ҳамроҳи дилкашгина экан. Бир-бирларига исмларини хизмат вазифаларини айтишиб танишгач, суҳбатлари тезда қовушиб кетди.

У Қапчуғайдан ўтиб, Риштонга яқинлашганларида, чорраҳадаги светафорнинг зангор ёнишини кутиб, бир дақиқа тўхташди. Шунда асфальт йўлнинг нариги юзида гандираклаб зўрға кетаётган кишига кўзлари тушди. Ҳамроҳи маст одамга бир қараб қўйгач, таассуф билан бош чайқаб, яна йўлда давом этди.

– Қаранг, ҳалиги одам уйига шу ҳолатда кириб борса хотини, фарзандлари қандай кутиб оларкин? – деди Толибжон узилиб қолган суҳбатни давом эттириш мақсадида. Ҳамроҳи индамади. Бир оздан кейин унга бир қараб қўйди-да:

– Ука, бундан уч йил олдин мен ҳалиги одамдан ҳам баттар аҳволда эдим, – деди хижолатли оҳангда.Толибжон, чеҳрасидан нур ёғилиб турган мана шу йигит наҳотки яқингача ичиб, тентираб юрган бўлса деб ажабланди. Ёки оғирроқ

дардга чалингандан кейин ноилож ичкиликни ташлаганмикин? Йўғ-е, дард тортган одамга сираям ўхшамайди. Вужудидан куч-қувват ёғилиб турибди.

– Ҳайрон бўляпсиз-а? – деди ҳамроҳи унинг фикрини уққандек. Сўнгра бир кулиб қўйгач, сўзида давом этди, – тўғри гапиряпман, яшириб нима қиламан. Битта гап айтсам ишонасизми?

Толибжон нима дейишини билмай тарад-дудланиб қолди.

– Ичкиликни бас қилишимга ўн икки яшар ўғлим сабаб бўлган, – деди ҳамроҳини янада ажаблантириб, – ота-онамнинг, қариндош-уруғларимнинг насиҳатларини қулоққа олмаганман. Лекин ўғлим сабаб бўлиб, арақни бир умрга ташладим.

Ҳайдочи йигит шундай дея бир муддат индамай йўлда давом этгач, ниҳоят сардафтарини очди.

– Ёлғиз ўғилман, – дея гап бошлади машинани бир оз секинлатгач.

– Мендан катта иккита опам бор. Худога шукур, ота-онам ҳаёт. 80-йиллар эди. Институтни битириб, савдо базасига ишга тушдим. Топишим ёмон эмас эди. Уйландим, кетма-кет иккита ўғил кўрдим. Ота-онам мени еру кўкка ишонмасди. Пулим кўпайгандан кейин улфатчилик ҳам авжига чиқа бошлади. Кунда, кунора ошхўрлик. Бунинг устига ҳафтада гап еймиз. Бирор ўтириш ичкиликсиз ўтмасди.

Бора-бора уйга ҳафта ўтмай кайф билан келадиган бўлиб қолдим. Тўғри, бирор марта ҳам маст бўлиб кўчада ётиб қолмаганман, лекин арақка ўрганиб қолдим. Аҳвол шу даражага бориб етдики, қаттиқ маст бўлиб қолган кунларим отамни, онамни, хотинимни сўкарканман. Эртаси куни хотиним

«Кеча дадамни ҳақорат қилдингиз, худога нола қилиб йиғладилар, аямни туртиб юборганингизда остонага ўтириб қолдилар, ҳайрият бирор жойлари лат емади» деса ишонмасдим. Чунки,

мастликда мени ким олиб келганини, кимга нима деганимни эслолмасдим.

Мана шундай кўнгилсиз воқеалардан кейин ота-онамдан кечирим сўраб, минбаъд оғзимга олмасликка аҳд қилардим. Лекин иродам узоғи билан бир ҳафта, ўн кунга етарди. Кейин, яна ўша аҳвол...

Ичкиликнинг касофати оқибатида ишхонадаги ҳурмат-эътиборим йўқола бошлади. Обрўсини билган дўстларимдан баъзилари мендан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишди. Йўлдан кўзини узмай саргузаштларини ҳикоя қилиб бораётган ҳамроҳим бир оз сукут сақлаб тургач, яна сўзида давом этди.

– ... 20 март эди. Ишдан вақтлироқ қайтдим. Сабаби, туғилган куним эди. Айтсам-айтмасам улфатларим барибир келишади. Дастурхон тузаб арақ, коньякларни чиройли қилиб териб қўйдим. Шу пайт ичкари уйдан чиққан ўғлим меҳмонхонага кириб, бир четдаги стулга ўтирди.

– Дада, – деди бир оздан кейин столдаги ичимликларга кўз югуртириб. – Ўртоқларингиз келиб ичишади, а?

– Ҳа, энди, озгина-озгина олишади-да, – дедим жеркиб беришдан ўзимни тийиб. Ўғлим «Сиз ҳам ичасиз-а?» – деб яна савол берди.

– Ўзинг биласан, бугун туғилган куним. Бизам меҳмонлар билан қиттак-қиттак қиламиз-да, – дедим.

Шунда у «Катта бўлсам мен ҳам ичаман, а?» деб қолди. Жоним чиқиб кетди. «Нима деб валдираяпсан, жинни бўлдингми?», – дедим. Ўғлим беғубор кўзлари билан менга тикилди. Шунда киприкларига илиниб турган кўз ёшларини кўриб ғалати бўлиб кетдим.

«Ичиб келиб мен ҳам сизни йиғлатаманми? – деди кўзларидан дув ёш оқиб, – кеча маст бўлиб ҳаммамизни сўкканингизда опоқим, бувим йиғладилар...»

Худди бошимга биров тўқмоқ билан тушургандек карахт бўлиб қолдим. Ким ўргатди бу гапларни унга?! Бу сўзларни ўзини овсарликка солиб айтаётгани йўқ. Ҳаммасини кўриб, билиб юрибди.

Балодек ақли бор. Кайфим бўлганда балки шаполоқ тортиб юборган бўлардим. Лекин шунда ҳам сирни бой бермадим. «Ёмон маҳмадона бўпсан, бор ичкари уйга, дарсингни қил», деб меҳмонхонадан чиқариб юбордим-у, диванга ўтириб бошимни чангаллаб қолдим. Уятдан, номусдан бутун вужудим қизиб кетди. Туғилганимга мингдан-минг пушаймон бўлдим. Бирпас шу аҳволда ўтирганимдан кейин шарт ўрнимдан турдим-у, арақ-коньякларни йиғиштириб, ҳовлининг бир бурчагига олиб бордим-да, ҳаммасини синдирдим. Бир оздан кейин турна қатор бўлишиб улфатлар кириб келишди. Ўтириш бошланди.

Лекин стол устида ичимлик йўқ, сезиб турибман ҳаммаси ҳайрон бўляпти. Ошни суздик. Тоқати тоқ бўлган улфатлардан бир-иккитаси тинчликми, ҳазилингни қўй, ҳеч бўлмаса ошдан олдин юзта-юзта қилмаймизми? – деб қолди. Шунда «биродарлар, дедим ўрнимдан туриб, ўғил бола гап, шу бугундан бошлаб ичишни бутунлай ташладим, гапим рост – дедим.

Улар ишонмай мени аския қилишди. Хуллас, туғилган кун арақ, коньяксиз ўтди. Ичкилик бўлмагандан кейин ўтириш ҳам алламаҳалгача чўзилмади, соат ўн бўлмай меҳмонлар тарқалишди.

Лекин гапнинг тўғриси икки-уч ойгача ичкиликнинг хумори тутиб юрди. Бироқ шайтонга бўйин эгмадим. Иродам бўшаганда ўғлимнинг «Ичиб мен ҳам сизни йиғлатаманми?» деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб, «астағфируллоҳ» дея дарров ўзимни тутдим. Ота-онамнинг, фарзандларимнинг хурсандликларини

айтмайсизми? Мана, шунга ҳам уч йилдан ўтди. Оиламда хотиржамлик, тотувлик, рўзғоримда қут-барака...

Толибжон ҳамроҳининг ҳикояси таъсирида Қўқонга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Чорсуга яқинлашгач, автобус бекати яқинида тўхтатиб қўйишни илтимос қилди. У машинадан тушмоқчи бўлиб эшикни очаркан, тараддудланиб беихтиёр чўнтагига қўл солди.

Шунда «Хижолат қилманг», деди ҳайдовчи йигит унинг қўлини ушлаб. «Саломат бўлинг ака, раҳмат, омадингизни берсин», деди Толибжон ҳам. Ҳамроҳи майин табассум билан машинага газ бераркан, у томонга хиёл эгилиб хайрлашган бўлди...

Уйга хуфтонга яқин кириб келган Толибжон ов-қатланиб бўлгач, дам олиш учун хонасига кириб кетмоқчи бўлган эди, онаси тўхтатди.

– Ўғлим, шошмай тур, маслаҳатли иш бор, – деди. У дадаси билан маъноли кўз уриштириб олишгач. Толибжон «тинликми?» дегандек онасига саволомуз тикилди. – Энди болам, яна ўша гап. Тенгқурларингни олди иккитадан фарзандлик бўлишди. Ҳамма нарсамиз тахт. Ҳаволар совимасдан тўйингни ўтказайлик.

– Ая, айтганман-ку, ишларимни энди йўлга қўйяпман. Бу йил бўлмаса, янаги йилга.

– Онангга ҳам қулоқ сол, – Собиржон ака хотинининг гапини қувватлади. – Мана, яқинда йигирма бешга тўлдинг. Уканг Тоҳиржон ҳам йигит бўлиб қолди. Ҳамма нарсанинг вақти-соатида бўлгани яхши. Толибжон нима дейишини билмай тараддудланиб қолди.

– Сенга айтганман-ку, болам, агар кўз остингга олиб юрганинг бўлса ҳам тортинмай айтавер, – ўғлининг сукут сақлаётганини розилик аломати деб ўйлаган онаизор хурсанд бўлиб кетди.

– Тунов куни холанг боғчада ўзи билан бирга ишлайдиган Азизахон деган тарбиячи қизни

жудаям мақтади. Кечагина ўзим ҳам кўрдим, ойдеккина экан. Бориб бир-икки оғиз гаплаш. Сенга маъқул бўлса, ўн беш куннинг ичида тўй қилиб тушуриб оламиз.

Толибжон севганига етиша олмагандан кейин бошқасига кўнгил қўйишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Чунки у энди ҳаётда ҳеч кимни Ҳилолачалик сева олмаслигини яхши билар, шу боис аламини фақат ишдан оларди.

Бир куни... Ўтган йилнинг май ойлари эди ўшанда. Деҳқон бозоридан янгилик дея помидор, бодринг харид қилган Толибжон бекатга яқинлашди-ю, уч ёшлар чамасидаги дўмбоққина болакайни қўлидан ушлаб олган аёлга кўзи тушиб, юраги гурсиллаб кетди. «Ҳилола!!!» Ўша қуралай қора кўзлар... Ўзгармабди. Қайтанга бир оз тўлишиб, юзлари янада тиниқлашибди. Улар бир лаҳза бир-бирларига термилишиб қолишди.

– Яхшимисиз? – Толибжон биринчи бўлиб сўрашди.

– Раҳмат. – Аёлнинг ҳам ранги ўзгарди. Сўнгра ёнидагиларга хавотир билан қараб қўйгач, четроққа ўтди. Толибжон беихтиёр унга эргашди.

– Ўғлингизми?

– Ҳа, – Ҳилола унга гуноҳкорона қараб қўйгач, хижолатомуз жилмайди, – ишларингиз яхшими?

– Тузук, худога шукур, – у шундай дегач, аёлнинг кўзларига қаттиқ тикилди. Ҳилола нигоҳини олиб қочди. – Толибжон ака, мени кечиринг.

– Бахтлимисиз?

Ҳилола индамай уларга жавдираб қараб турган ўғилчасининг бошини силади. Сўнгра киприклари намланиб:

– Мен сизни бахтли бўлишингизни жудаям хоҳлайман, – деди – Худодан ҳар куни ишларингизга ривож тилайман. У бир муддат кўзларини ерга тикиб турди-да, секин деди:

– Ҳамма хатларингизни сақлаб қўйганман,

суратингизни ҳам...

– Кераги йўқ, – Толибжон хавотирга тушди, – хўжайинингизни кўзи тушиб қолса ёмон бўлади. Илтимос қиламан, ёқиб юборинг ҳаммасини.

Шу пайт бекатга автобус келиб тўхтади. Ҳилола унга ўтли бир нигоҳ ташлади-да, ўғилчасини қўлига олди...

Йўловчиларни бағрига олган машина кўздан узоқлашгач, негадир Толибжоннинг кўнглига ғашлик чўкди. «Бахтли бўлса керак», хаёлидан ўтказди у. «Қизиқ, нега ғайирлигим келяпти. Худбинлигимми, бу? Агар аянчли аҳволда кўрсам хурсанд бўлармидим? Ичимда «Баттар бўл» дермидим? Аҳмоқман. Йўқ, бахтсиз бўлганда янаям эзилардим». Қаердадир ўқиганди: «Сени бахтли кўрмоқ мен учун оғир, бахтсизлигинг эса ундан оғирроқ...»

Толибжон шуларни хаёлидан ўтказаркан, унга умидвор тикилиб турган онасига қараб юраги ачиди.

«Оилада уч ўғил бўлсак, опам ёки синглим йўқ. Онамга ҳам қийин».

– Бўпти, – деди кулиб – эртагаёқ бориб ўша сиз айтган ойдеккина қизни кўрганим бўлсин.

– Вой, ростданми? Мана энди ўзингга келдинг, болам. – Онаси шошиб қолди, – албатта сенга ҳам ёқади. Мана, мени айтди, дерсан. Ҳозироқ холангга телефон қиламан. Эртагаёқ сизларни учраштиради.

Ўрта бўйли, думалоқ юзли тарбиячи қиз Толибжонга ҳам маъқул бўлди.

Тўй файзли, ширин ўтди. Орадан бир йил ўтиб эса қизалоқлик бўлишди. «Худойимга шукур, мана, қизлик ҳам бўлдик, бу давлатбоши, илойим омадингни берсин», деб онасининг қувончи оламга сиғмади.

Яхши ният билан тўнғич фарзандининг исмини Диловар қўйишди.

ИККИНЧИ ФАСЛ

1991 йил 1 сентябрь тонги. Шу куни Толибжон ҳар кунгидан барвақт уйғонди.

– Дада, – деди у нонушта пайтида кўзлари чақнаб. – Одамларимиз мустақилликнинг нималигини ҳам яхши тушуниб етишгани йўқ. Ҳеч қандай урушсиз, қон тўкилмасдан-а? Тўғри, бошида балки қийинчиликлар ҳам бўлар. Лекин Ўзбекистонимизни энди бутун жаҳон танийди, тан олади.

– Гапинг тўғри. – Собиржон ака ўғлига мамнуният билан тикилди.

– Бундан буён мамлакатимиз учун дунё бағрини очади. Келажак сизларга ўхшаган ёшларники энди.

... Дарҳақиқат бир йил ичида юзлаб давлатлар Ўзбекистонни мустақил республика сифатида тан олди. Ўзгаришлар, ислоҳотлар даври бошланди. Толибжон универмагда бирга ишлаган Бахтиёржон билан маслаҳатлашиб, давлатдан каттагина миқдорда кредит олишди-да, калготки, пайпоқ тўқиб чиқарадиган цех очишди.

Энди у ишга эрталаб чиқиб кетиб, кеч қайтар, 24 соат ҳам унга камлик қиларди. Албатта, тиришқоқлиги, ишбилармонлиги кўп ўтмай самарасини бера бошлади. Толибжоннинг корхонадаги ишлари юришиб кетди. Давлатдан олган қарзларини узишди. Март ойининг бошларида «Бундайроқ бўлса ҳам миниб турсам», деган ниятда машина бозоридан «Москвич» сотиб олди.

Бир куни азонга яқин майдалаб ёғишни бошлаган ёмғир тушгача ҳам тинмади. Корхона иши билан қўшни туманга бориши керак бўлган Толибжон апил-тапил тушлик қилди-да, йўлга тушди. У шаҳардан чиқиб иши зарур бўлгани

учун олдинда ўртача тезликда бораётган кулранг «жигули»ни қувиб ўтди. Орадан беш-олти дақиқа ўтмай бояги «жигули» унинг ёнига келиб йўл четига қиса бошлади. Ҳайдовчилик гувоҳномасини яқинда олган Толибжон «Бу одам жинни бўлганми» дея рулни ўнг томонга бурган ҳам эди-ки, йўл четида кетаётган велосипедли кишини туртиб юборди. У тормозни қаттиқ босиб, машинани таққа тўхтатаркан, юраги ҳовлиқиб пастга тушди.

– Амаки, ҳеч нима қилмадими?

Толибжон ағдарилиб ётган велосипеддан икки, уч қадам нарида ерга ўтирганича елкасини уқалаётган 50 ёшлар чамасидаги кишини қўлтиғидан олди.

– Машинани эпласанг ҳайдагин-да, кўрмисан ё кайфинг борми?

У Толибжоннинг қўлини итариб ташлаб, ўзи секин ўрнидан турди-да, велосипедини тикка қилди.

– Хайрият, ҳеч нима қилмабди. – Толибжон енгил нафас олди. Сўнгра бояги «жигули» кетган томонга ғазаб билан қараб:

– Амаки, кечиринг, айб мендамас, – деди. – Мени йўл четига қисган машинанинг эгаси мастга ўхшайди.

– У шундай дегач, шошиб чўнтагидан дафтарчасини олди.

– Мана, бу ишхонамнинг адреси, телефонимни ҳам ёзиб қўйдим. Балки ҳозир иссиғида билинмаётгандир. Агар ёрдам керак бўлиб қолса, бемалол, идорамга ўтинг ёки телефон қилинг.

Велосипедли киши Толибжон у ўйлаган йигитлардан эмаслигини тушунди шекилли, чеҳраси бир оз ёришди.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деди велосипединг у ёқ-бу ёғига қараб қўйгач.

– Худо бир сақлади. Майли ука йўлингиздан

қолманг.

Толибжон машинага ўтириб, ўн-ўн беш дақиқа юрган ҳам эдики чорраҳа яқинидаги магазин олдида турган таниш «жигули»га кўзи тушди. «Ўша», машинанинг дастлабки давлат белгиси 72 эди. У йўл четида тўхтаб, пастга тушди-да, «жигули»га яқинлашди. Шунда машинадан 5–6 метр нарида ким биландир кулишиб, гаплашиб турган ҳайдовчига – ёши тахминан ўттизлар атрофидаги олифтанамо йигитга кўзи тушди.

– Ассалому алайкум, – деди йигитлар билан қўл бериб сўрашаркан. Сўнгра калитни қўлида ўйнаб турган ҳайдовчига ўгирилди.

– Ака, тинчликми, мени машинангиз билан йўл четига сиқиб чиқарганингизда қочаман, деб, велосипедли одамни туртиб юбордим... хайрият, ҳеч нима қилмади-ю...

– Босиб кетганингда яхши бўларди, – йигит Толибжоннинг гапини бўлди.

– Олиб бориб тиқиб қўярдим.

– Нима?! – Толибжоннинг миясига қон тепди. – Кимсиз ўзи?

– Ҳозир биласан кимлигимни.шундай дегач, Толибжоннинг билагидан ушлаб «Москвич»нинг ёнига олиб келди.

– Қани, олчи ҳужжатларингни. Толибжон беихтиёр тех паспорт билан ҳайдовчилик гувоҳномасини олди. «Жигули» эгаси унинг қўлидан ҳужжатларини юлқиб олиб чўнтагига солди-да, беўхшов тиржайди.

– Энди эмаклаб олдимга борасан, тушундингми?!

У шундай дегач, машинаси томон юрди.

«Ие, бу қанақаси? Ҳам ғарлик, ҳам пешгарлик-ку. Бунинг устига оғзидан гупиллаб арақнинг иси келиб турибди. Ким бўлса ҳам ўзига! Падарингга лаънат. Осмон қўлида бўлса ташлаб юбормайдими? Андишанинг отини қўрқоқ

қўйяпти, шекилли».

У бир лаҳза шуларни хаёлидан ўтказаркан, машинага ўтирмоқчи бўлган йигитни тўхтатди.

– Хўп, менга қара, – деди машина олдига бориб, – бу ёққа бер, ҳужжатларимни! Кимсан ўзи?!

– И-е, тилинг бурро-ку, – машинасига ўтирмоқчи бўлган йигит шундай деди-ю, қулочкашлаб унинг оғиз-бурни аралаш юзига шапалоқ тортиб юборди. Бундай бўлишини кутмаган Толибжон чайқалиб кетди. То ўзига келгунча эса «жигули» бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

– Ҳе, онангни... – Толибжон ёрилган лабидан оқаётган қонни рўмолчаси билан артиб, машинаси эшигини очди. «Ҳозир қувиб етиб бориб абжағини чиқараман».

– Ука, шошманг. – Толибжон келганда «жигули» эгаси билан суҳбатлашиб турган йигит унинг олдига келди.

– Қўйинг, ўзингизни босинг. Ўзи шунақанги ўпкароқ йигит. Тенг бўлманг.

– Танийсизми? Ким ўзи у?!

– Қўшни районда ГАИда ишлайди.

– ГАИда ишласа нима бўпти? Фамилиясини биласизми?

– Исми Қудрат, фамилияси Қамбаралиев эди шекилли.Толибжон машинасига ўтиргач, ўйланиб қолди. «Нима қилай? Тўғри идорасига бориб бошлиғига учрайми? Фойдаси бўлармикин? Қарға қарғанинг кўзини чўқирмиди. Ўзим аҳмоқ бўлиб қолсам-а».

Шуларни хаёлидан ўтказаркан лоп этиб ёдига Аброр тушди. «Ие, шошма, қўшни районда ишлайди, дедими? Собиқ синфдоши ҳозир тумандаги прокуратурада терговчи-ку. Ҳозироқ олдига бораман».

У прокуратурага етиб келганда соат тўртга яқинлашиб қолган эди.

– Бормисан?! Буржуй.

– Аброр у билан қучоқлашиб кўришишди. – Ишларинг қалай фабриканг юряптими?

У шундай дегач, Толибжоннинг шишган лабига кўзи тушиб ҳайрон бўди.

– И-е, нима қилди, дўстим?!

– Муштлашдим, – Толибжон хижолатомуз жилмайди.

– Ҳазилингни қўй, тинчиликми?

У йўлда содир бўлган воқеани қисқача гапириб берди.

– Вой, ҳароми-е, кайфи ҳам бор эди дейсанми?

– Аброр кўзларини катта очиб, Толибжонга тикилди.

– Хўп, гап бундай. Ҳозироқ ўтириб прокуроримиз Расулжон Азизовичнинг номларига шикоят-ариза ёз. Ке, ўтир стулга.

– Қанақа бўларкин? – Толибжон пешонасини тириштирди. – Яхшиси топтириб келсанг ўзим ўғил болачасига ҳисоб-китоб қилиб қўяқолсам...

– Сен гапни айлантирма. Бу ишни иссиғида ҳал қилмасак кейин кеч бўлади. Айтиб қўяй, эртага ҳаммасидан тониб, айбни сенга ағдариб без бўлиб тураверади. Қайтанга ўзинг аҳмоқ бўлиб қоласан. Толибжон «гапинг маъқул» дегандек бош ирғиб, қўлига қоғоз, ручка олди.

Аризани прокурор хонасига олиб кириб кетган Аброр зум ўтмай қайтиб чиқди-да:

– Юр, хўжайин ўзингни ҳам сўраяпти, – деди кулиб.

– Оббо, қизиқ бўлди-ю, – Толибжон шишган лабини кафти билан силаб қўяркан ўрнидан турди.

Улар хона эшигини очишди-ю, прокурорнинг ким биландир телефонда гаплашаётганини билиб, остонада тўхташди.

Расул Азизович уларга «киравериnглар» дея ишора қилгач, телефондаги гапини давом эттирди. «Ҳа, ўша, Қамбаралиев Қудрат, қаерда

бўлсаям топтиринг. Ҳозир терговчимиз Аброржон Кимсанов ҳам олдингизга етиб боради».

Прокурор телефонни қўйиб, Толибжон билан қўл бериб сўрашгач Аброрга ўгирилди.

– Ҳозир бошлиғига қўнғироқ қилдим. Ўзингиз гувоҳлигингизда тиббий кўрикдан ўтказинг. Қолганини кейин гаплашамиз.

– Расулжон ака, менга рухсатми? Ишхона билан боғлиқ зарур ишларим бор эди.

– Майли, сиз ишдан қолманг, – прокурор Толибжонга самимий тикилди.

– Ҳар эҳтимолга қарши телефонингизни қолдириб кетинг.

... Эртаси куни нонушта маҳалида эшик тақиллади.

– Ака, бир йигит сизни сўраяпти, – деди хабар олиб келган Тоҳиржон.

– Ким экан?

– Танимадим, – укаси елкасини қисди, – «Жигули» машинада.

Толибжон остона ҳатлаб кўчага чиқиши билан кечаги йигитга – ГАИ ходимига кўзи тушди.

– Ассалому алайкум, ака, – у ғизиллаб келиб икки қўллаб сўрашди. Сўнгра «Мен ҳозир» дея, машинанинг орқа капотини очиб ундан картон қути олди-да, кўча эшик тагига қўйгач, тиржайди.

– Ака, узр, кеча биздан ўтибди, бир марта гуноҳимиздан ўтинг... энди.

Толибжон нафратланиб кетди. Кечагина унга қўл кўтарган, ўзини ҳокими мутлақ деб билган, иложини қилса олиб бориб тиқиб қўйишга ҳам тайёр бўлган махлуқ шуми? Ҳаммаси тушунарли. Ҳозир оёғимга бош ур деса, шу заҳоти тиз чўкади. Нима деса ҳаммасига тайёр. Толибжон шуларни ўйларкан, сўкиб юборишдан ўзини зўрға тийиб.

– Йўғ-е, сизда гуноҳ нима қилади, айтганингиздек ҳозир ўзим олдингизга эмаклаб бормоқчи бўлиб тургандим.

– Кесатманг, ака. Тавба қилдим, деяпман-ку. – У шундай дея шошиб чўнтагидан Толибжоннинг ҳужжатларини олиб қўшқўллаб узатди. – Узр ака, узр.

– Хўп, мақсадга ўтайлик. Мендан нима истайсиз ўзи?

– Аризангизни қайтиб олиб, бир оғиз, «Кечирдим» десангиз бўлди, жон ака. Ўзим етимликда ўсганман. Яқинда унвон беришмоқчийди...

– Етимликда ўсганман, дейсизми? – Толибжон кулиб юборди. Агар ота-онангиз ҳаёт ёки битта-яримта амалдорнинг ўғли бўлганингизда устимга машина солиб бораркансиз-да?

– Энди ака, эгилган бошни қилич кесмайди, дейишади. Бир марта кечиринг, деяпман-ку.

Толибжон ўйланиб қолди. «Ҳа, кеча тавбасига таянган кўринади. Аризамни қайтариб олсаммикин? Йўқ, ўзидан уч-тўрт ёш катта бўлсада, «ака» деб рўпарасида итдек ялтоқланиб турган бу йигитда заррача орият, ғурур, нафсоният бўлганда кўзларини мўлтиратиб, ёлвориб келмасди.

Гуноҳини бўйнига олиб, тақдирга тан берарди. У-ку, ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Ҳеч қачон ўзини ноҳақ хафа қилдириб қўймайди. Лекин унинг ўрнида хоксор, ювош бир йигит бўлганида аҳволи не кечарди? Ҳам калтак еб, ҳам айтганидек эртасига ялиниб олдига борарди. Қилмаган гуноҳига кечирим сўраб, балки узатардиям».

Толибжон шунга ўхшаган орган ходимларидан уч-тўрттасини билади. Шулардан биттаси маҳаллари бошида яшайдиган Қурбонали ака. Нафақага чиқишга олти ой қолганда гуноҳсиз бир йигитни ноҳақ калтаклаб, ишдан ҳайдалган. Уни маҳалладагилар тўй маросимига айтишса айтишади, бўлмаса йўқ. Амалдалигида кўпчиликка ноўрин озор етказган бу одам эл-юрт назаридан қолган.

Албатта, органда ишлаб, хизмат вазифасини ҳалолу пок адо этган инсонлар ҳам кўп. Ўзларидан икки эшик нарида турадиган Юнус акани бутун шаҳар танийди, ҳурмат қилади. Ўз вақтида шаҳарда ГАИ бошлиғи бўлиб ишлаган бу одам тантилиги, тўғрилиги билан ном қозонган экан.

Ҳозир нафақада, маҳалла оқсоқоли, тўй-маросимларга ҳамиша бош-қош. Қаерга борса иззат-ҳурмат билан кутиб олишади. Лекин қаршисида турган мана бу кимса Қурбонали акалар тоифасидан.

У ишдан кетса сохта обрўи бир пул бўлишини, биров бир чақага олмай қўйишини яхши билади.

– Менга қаранг, ака, – деди Толибжон шуларни хаёлидан ўтказаркан жиддий оҳангда.

– Аризамни қайтариб ололмайман. Қонун доирасида ҳал қилишаверишсин.

– Нима деяпсиз?!

– Йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Бугун бу ишни бир ёқлик қилмасак эртага кеч бўлади, кейин нима деган одам бўламан, кўчада қандай юраман?!

Мени тушунинг, қанақанги хиз-матингиз бўлса айтинг, жон ака!

– Мен ишга боришим керак. Вақтимни олманг. Манави коробкангизни машанангизга юкланг-у, тезда жўнанг бу ердан.

Толибжон шундай деб ҳовлига кириб эшикни ёпди.

– Ким экан, тинчликми?, – Акасининг авзои бузилганини кўриб Тоҳиржон хавотирга тушди.

– Ҳеч ким, битта ифлос.

... Орадан уч кун ўтгач, эса прокуратурадан Аброр телефон қилиб қолди:

– «Қамбаралиев ишдан кетди. Ўзиям олдинга бориб итдек ялингандир-а?»

Толибжон бир оз ачинди.

– Барибир яхши бўлмабди.

– Нимага ундай дейсан? Қамалмай қолганига ҳам шукур қилсин.

Бўпти, йўлинг тушса олдимга кир, гаплашамиз.

* * *

Рауф омборхонани қулфлаб, фабрика дарвозасидан чиққанда соат бешга яқинлашиб қолган эди. «Нима қилиш керак? Қоронғи тушишига яна икки соат бор. Яхшиси бильярдхонага бориб, бир икки қўл ўйнайди. Вақтни ўтказишнинг яхши йўли шу. Маликанинг уйига келишилганидек шомдан кейин боради».

Тўғри, унинг кунни хоҳлаган пайтида бемалол уйига кириб борадиган жазманлари ҳам бор. Лекин улар бошқа. Бундан уч ой олдин фабрикадаги лабораторияда ишлайдиган Маликанинг эридан ажрашганини эшитиб ҳайрон бўлган эди. «Қанақанги аҳмоқ, ландовур эр экан? Шундай келишган лобар аёлни ҳам қўйворадими?» Лекин орадан кўп ўтмай «Маликани эри бош инженер билан ушлаб олганмиш» деган миш-миш тарқади. Бироқ Малика ўша-ўша, сир бой бермади. Очилиб-сочилиб юраверди.

Баланд бўйли, келишган қадди-қоматига ҳар қандай уст-бош ярашадиган Рауф ўзининг қадрини биларди. Шу боис кўзини сузган ҳар қандай аёлнинг кетидан эргашиб кетавермас, ўзининг дидига мос келадиган жувонларгагина қармоқ ташлар, уларни илинтириш учун пулни аямасди.

Ҳарбий хизматни тугатиб, бир йиллик бухгалтерия курсини битирган бу йигитни ҳокимиятда ишлайдиган тоғаси шаҳардаги ип йигирув-пайпоқ тўқув фабрикасига омборчиликка жойлаб қўйди.

Табиатан уддабурон, муомалали Рауф бешолти ойдаёқ ишини эплаб кетди. Орадан икки

йил ўтгач, «жигули» машинаси сотиб олди, «Быткомбинат»да ишлайдиган хушрўйгина чевар қизга уйланди. Ҳозир икки ўғилнинг отаси.

Укаси Равшан уйлангач, «дом»га кўчиб ўтган Рауф бир-икки йилдан кейин кичикроқ бўлса ҳам ҳовли сотиб оламан, деган ниятда эди. Лекин кейинги пайтларда фабриканинг иши орқага кетди.

Бир пайтлар олти мингга яқин ишчи ишлайдиган корхонада ҳозирга келиб бор-йўғи бир ярим мингта одам ишлаяпти. Шундай бўлгандан кейин даромад ҳам ўзига яраша.

Рауф Маликани домига илинтириш учун роса бир ой ҳаракат қилди. Ўзидан уч-тўрт ёш кичик бўлган бу лобар жувон ҳар сафар ғамза билан кулиб муомала қилса-да, мақсадга ўтиши билан гапни бошқа ёққа бурар, лаққа баликдек қўлидан сирғаниб чиқиб кетарди. Ниҳоят бугун тушликдан қайтаётиб, тасодифан яна юзма-юз келиб қолишди.

– Маликахон, – деди Рауф унинг сутга чайилгандек тиниқ, оппоқ, юзига, оққушникидек чиройли бўйнига суқ билан тикилиб.

– Охири мани ўлдириб, кейин қутуларкансиз-да.

– Вой нима қилибман? – Малика шарақлаб кулди. Кейин жоду кўзларини муғамбирона сузди.

– Рауф ака, мени ҳеч нарсани сезмайди деб ўйлайсизми? Сизга шунчаси камлик қиляптими?

– Сиз унақанги миш-миш гапларга ишонманг. Масалан мен сиз тўғрингизда ким ёмон гапирса ўша заҳотиёқ сўкиб бераман.

– Раҳмат, – Малика жилмайди. – Шунинг учун ҳам сизни ҳамиша ҳурмат қиламан.

– Бўлмаса гап бундай, эртага бирор жойга бориб, бир-икки соат гаплашиб ўтирайлик. Агар сизга ноқулай бўлса уйларингга бориб қўя қоламан. Мени тўғри тушунинг, шундоқ дўстона.

– Эртага иложи йўқ.

– Нимага?

– Сабаби... – Малика бир лаҳза индамай турди-да, жилмайди. – Эртага туғилган куним.

– Ана холос! Ростданми?

– Рауф беихтиёр унинг билагидан ушлади. – Табриклайман. Албатта, бораман.

– Иложи йўқ.

– Малика бош чайқади. Аям, опамлар, яна уч-тўртта дугоналарим келишади. Яхшиси бошқа куни.

– Менга қаранг, битта гап айтаймми?, – Рауф бундай имкониятни қўлдан чиқаргиси келмади. – Олдиндан айтиб қўяй, фақат «йўқ» демайсиз.

– Айтингчи?

–Туғилган кунингизни бугун уйларингда нишонлайлик. Эртага эрталабдан машинам сизни хизматингизда. Бозор-ўчарни биргаликда қиламиз. Малика бир оз ўйланиб турди-да:

– Бўпти, лекин шомдан кейин боринг. Қўшниларнинг олдида ноқулай. У шундай дея «дом»нинг қаердалигини тушунтирди.

... Бильярдхонада икки соатга яқин бўлган Рауф кечки соат еттиларда машинасини миниб, озиқ-овқат билан савдо қилувчи магазин олдида тўхтади. «Енгилроқ харажат қилиб оламан», ўйлади у машинадан тушаркан. Тилимга бойла. Чиқимнинг каттаси эртага бўлади. Ҳа, майли, арзийдиган аёл. Бундан кейин қўлдан чиқармайман.

... У машинасини «дом» ёнидаги «стоянка»га қўйиб қўлида пакет билан иккинчи қаватга кўтарилгач, қўнғироқни босди. Орадан бир дақиқа ўтмай эшик очилиб, остонада барқут халат кийиб олган Малика пайдо бўлди.

– Келинг, кираверинг.

– У Рауфнинг қўлидан пакетни олди-да, четга ўтиб йўл берди. – Залга ўтаверинг. У ичкарига

кириши билан гиламда машинада ўйнаб ўтирган уч ёшлар чамасидаги дўмбоққина болакайга кўзи тушди.

– Қани, полвон, бу ёққа келинг-чи, – Рауф болани кўтариб диванга ўтирди.

– Отингиз нима?

Болакай нотаниш «амаки»га бир лаҳза жавдираб қараб тургач, – Жасуй! – деди чучук тил билан. Шу пайт ошхонадан чиққан Малика столга дастурхон ёзди.

– Нима қилардингиз, шунча нарсани кўтариб келиб. Анча овора бўлибсиз.

Малика шундай дегач, Рауфнинг тиззасида ўтирган ўғилчасига меҳр билан тикилди-да:

– Дадаси билан ажрашганимиздан кейин ичикиб касал бўлиб қолди, – деди.

– То тузалгунча «бир нима бўлиб қолса-я», деб юрагим ёрилиб, ўлай дедим. Хайрият, ўтиб кетди. Ҳозир эсидан чиққан, дадасини сўрамайдиям.

Орадан ўн дақиқа ўтмай, «бўлди, кўп овора бўлманг» дейишига қарамай, Малика чиройли қилиб дастурхон тузади.

– Мана энди ўтирсак бўлади, – деди аёл Рауфнинг рўпарасидаги креслодан жой олгач. – Паловни ҳам дамлаб қўйдим. Йигирма минутда тайёр бўлади.

– Рауф Жасурни яна гиламга ўтқазиб, стол устидаги коньякни очди. Сўнгра шампан виносини қўлга олган эди, Малика қўймади.

– Уни очмай қўяверинг. Эртага ўртоқларим билан ичамиз.

– Сиз-чи, мен билан озгина олмайсизми?

– Майли, менга ҳам коньяк қуйинг. Лекин номига сиз билан уриштириб қўйиш учун.

– Мана бу бошқа гап!

– Рауф хурсанд бўлиб кетди. У қадаҳларга коньякдан қуйгач, Маликага тикилди. – Мана шуни сизнинг соғлиғингиз учун, фарзандингиз

Жасурбекнинг катта йигит бўлиши учун оламиз, қани...

У шундай дегач, қўлидаги қадаҳни охиригача ичиб, шоколаддан газак қилди. Улар бир оз суҳбатлашиб ўтиришгач, Рауф яна қадаҳларни тўлдирди.

– Вой, менга бўлди, – деди Малика қўлидагини четга суриб.

– Сиз ҳам кўп ичманг, рулдасиз-а?

– Ҳеч нима қилмайди. Қоидани бузмай, секин кетаман, ҳеч ким тўсмайди. Яна бир марта олинг, кейин бўлди, сизга бошқа қуймайман.

У шундай дея Маликага ҳам коньякдан озгина қуйди-да:

– Битта гап сўрасам хафа бўлмайсизми? – деди аёлнинг кўзларига тикилиб.

– Нима демоқчисиз?

– Аввал қўлимиздагини ичиб олайлик, кейин айтаман. Қани, сиз ҳам бир нима денг.

Малика ўйланиб қолди.

– Нима десамикин? – деди у қўлидаги қадаҳга термилиб.

Кейин Рауфга қараб маъюс жилмайди.

– Келинг, мана шуни оилангиз ҳамиша мустаҳкам бўлиши учун, доимо фарзандларингизга бош-қош бўлиб юришингиз учун олайлик.

У шундай дея қўлидаги қадаҳни бўшатиб, пиёладаги «Кола»дан ҳўплади-да, йигитга термилди.

– Ана энди, айтинг гапингизни?

– Биласизми, – деди Рауф коньяк тўла қадаҳни охиригача ичиб, столга қўяркан.

– Агар мен эрингизни ўрнида бўлганимда сиздек гўзал, дилбар аёлни бошимда кўтариб юрардим. Маликахон ажрашибди деган гапни эшитганимда, қанақанги эркак экан у?.. деб ҳайрон бўлганман.

Малика бирдан маъюс тортди. Сўнгра бир муддат ўйланиб тургач:

– Рауф ака, мана сиз билан тўрт-беш йилдан буён бир жойда ишлаймиз. Кунда, кунора кўришиб турамиз. Қани айтинг-чи, мени бирор марта бегона одамнинг машинасига ўтириб кетганимни кўрганмисиз?

– Йўқ, кўрмаганман, – Рауф бош чайқади.

– Бўлмаса эшитинг, – Малика шундай дея соатга қараб қўйгач:

– Ие, ош ҳам дам ебди-ку, аввал овқатланиб олайлик, кейин гапириб бераман, – деди. Зум ўтмай у ҳовури чиқиб турган паловни чинни лаганга солиб дастурхонга қўйди.

Рауф унинг пазандалигини мақтади. Аёл мамнун жилмайди. Ошдан кейин бир пиёладан чой ичишгач, Малика ҳасрат дафтарини очди.

– Эрим билан севишиб турмуш қурганмиз, – деди у чойдан пиёлага қуйиб, Рауфга узатаркан. – Даврон акамнинг хусусий фирмалари бор эди. Бир-биримизни ниҳоятда яхши кўрардик. Ўғлимиз Жасурбек туғилгандан кейин оиламизга яна файз кирди.

Лекин бир куни... Эрталаб соат ўнлар эди. Телефон жиринглади. Трубкани кўтарсам, «Кечирасиз, бу Даврон аканинг уйларими?», деб сўради бегона аёл. «Ҳа» дедим. «Сиз кимлари бўласиз?».

«Оилалари». «Биласизми, синглим, сизга бир гапни айтиб қўяй», – деди нотаниш аёл. «Фирмада бухгалтер бўлиб ишлайдиган Кимёхон деган аёл эрингизни бошини айлантириб юрибди. Мен сизга яхшилик қилмоқчиман. Эҳтиёт бўлинг, уни бу йўлдан қайтаринг. Бўлмаса эрингиздан ажраб қоласиз».

Мен, «Сиз кимсиз? Қаердан телефон қиляпсиз?» демоқчи бўлган эдим, аёл трубкани қўйиб қўйди. Ўша пайтдаги аҳволимни сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Худди устимдан биров муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Чунки мен Даврон

акамга Худога ишонгандек ишонардим. Нима қилай?

Ишдан келишлари билан ёқаларидан бўғиб эшитган гапларимни айтайинмикан, деб ўйладим. Кейин бу фикримдан қайтдим. Чунки биламан, эрим қиёматдаям тан олмайди. Балки турмушимизни бузмоқчи бўлган битта-яримта душман пул бериб, бегона хотинга телефон қилдиргандир.

Буларнинг ҳаммаси ҳийла-найрангдир деб ҳам ўйладим. Ўша куни худди қасдлашгандек хўжайиним уйга кечаси соат 12 ларга яқин келди. Сабабини сўрасам, «... Меҳмонлар билан чойхонада эдик» деб қўяқолди. Лекин мен ишонмадим. Бирга ётганимизда худди димоғимга бегона бир аёлнинг ҳиди урилгандек бўлди. Кечаси билан тўлғониб чиқдим. Эрталаб у кишини ишга кузатиб қўйгач, «Албатта, бунинг тагига етаман» деб аҳд қилиб қўйдим.

Аввало, Кимёхоннинг кимлигини секин суриштирдим. Ёши мен билан тенг бўлган бу аёл ҳақиқатдан ҳам хўжайинимда бухгалтер бўлиб ишларкан. Беш-олти ой олдин битта боласи билан эридан ажраган экан. Бир куни аёлнинг изидан бориб «дом»ининг қаердалигини ҳам билиб олдим.

Декабрь ойининг охирлари эди. Даврон акам телефон қилиб, «Бугун уйга кечроқ бораман, ишим кўп, хавотир олманг», дедилар. Сирни бой бермай, «Хўп, бемалол ишларингизни битириб келаверинг», дедим.

Кечқурун соат ўнларга яқин ўғилчамни қўшнимга олиб чиқиб бердим-да, «Илтимос, қараб туринг, аямнинг тоблари қочиб қолибди, бирров ўтиб хабар олиб келаман» дедим-у, таксига ўтириб тўғри Кимёхонларнинг «дом»ига бордим. Қарасам шундоқ подъезднинг рўпарасида машинамиз турибди. Ўша ерда юрагим тўхтаб

қолишига озгина қолди, «дод» деворай дедим. Бир кўнглим шартта тепага чиқиб иккаласиниям шармандасини чиқармоқчи бўлдим.

Кейин бир оз ўйлаб туриб бу шаштимдан қайтдим. Чунки қўшнилар чиқса шармандалик. Тўғриси номус қилдим. Изғиринда бир соатдан кўпроқ машина ёнида турдим. Бир пайт подъезддан Даврон акамнинг қораси кўринди.

Эрим машина олдига келди-ю, мени кўриб «тахта» бўлиб қолди. – Малика, сизмисиз, нима қилиб турибсиз бу ерда? – деди саросимага тушиб. «Машинангизга қоровуллик қилиб турибман» дедим ўзимни зўрға босиб. «Қани кетдик...»

Уйга кириб боргунимизча бир-биримизга чурқ этмадик.

«Ҳорманг» – дедим рўпарама-рўпара ўтирганимиздан кейин. Шунда кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

– «Малика, сиз унақанги ёмон хаёлга борманг. Мен сизга ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман». Даврон акам шундай деб елкамга қўлини қўйди. «... Ишхона билан боғлиқ баъзи ҳужжатларни бухгалтеримиз билан кўриб чиқдик. Ишонмасангиз эртага бориб ўзидан сўранг..» Мен елкамдан қўлини силтаб ташладим-да, шкафдан шартта Қуръон китобини олиб қўлига бердим.

«Гапингиз рост бўлса, у билан ётганим йўқ, ёлғон гапираётган бўлсам мана шу Қуръон урсин, ўғлимнинг ўлигини тепасида ўтирай», деб қасам ичинг дедим.

Эрим лом-мим деёлмай қолди. Кейин бирпас бошини эгиб турди-да, – «Малика, мени кечиринг, энди бошқа у аёлнинг олдига бормайман, ишонинг» деди.

Шунда ўрнимдан туриб, унинг кўкрагига жоним борича муштладим. «Энди қандоқ қилиб мен сиз билан битта кўрпада ётаман, бундан

буён қиёматдаям мен сизга ишонмайман» дедим ўкириб йиғлаб.

– Менга қаранг, ўзингизни босинг, – деди Даврон акам мени қучоқлаб, – сизни, ўғлимизни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Хўп, гуноҳимни бўйнимга оламан, адашдим, бир марта кечиринг, энди...

Ўша куни бирга ётганимиз билан қўл теккизмадим. Эрим кўнглимни олмоқчи бўлиб, «Малика, мен руҳан, қалбан ҳамиша сиз билан биргаман, хўп, шайтон йўлдан уриб, бир-икки марта у билан ётган бўлсам қуруқ жисмимни, танамни вақтинча бағишлаганман холос», деб файласуфлик қилди. Иккаламиз ҳам тонггача ухламай чиқдик.

Эрталаб Даврон акам ишга кетгандан кейин «Тўхта, шошмай тур, бир таъзирингни берай», дедим ўзимга-ўзим.

Бош инженеримиз Нўъмонжон ака анчадан буён менга хушомад қилиб юрарди. Лекин худо ҳақи кўнглимда унга нисбатан ҳеч нима йўқ эди. Эримга хиёнат қилишни хаёлимга ҳам келтирмаганман.

Ўша куни ўғилчамни боғчага бермадим. «Сал иситмаси борга ўхшайди» деб аямга ташлаб, кейин ишга ўтдим. Тушликдан кейин Нўъмон акага телефон қилиб – «Кеч соат бешларда машинангизда бир жойга ўтиб келайлик» деб илтимос қилдим. Бечора инженеримиз шошиб қолди.

«Хўп бўлади, Хитойга десангиз ҳам олиб бориб келаман» – деди суюниб. Хуллас, кеч соат бешларда Нўъмон ака билан хўжайинимнинг идораси томонга йўл олдик. Фирмага 20–30 метр қолганда машинани тўхтатдим. «Шу ерда озгина кутайлик, ҳозир битта ўртоғим келади, уни ҳам олволайлик», дедим. Ниятимдан инженернинг хабари йўқ.

Бир оздан кейин идорадан Даврон акам

чиқди. Мен «Кетаверайлик, дугонам чиқмайди, шекилли» дедим. Машинада шундоққина эримнинг олдидан ўтдик. Шунда атайлаб ойнадан қарадим. Хўжайиним кўрди. Нўъмон ака мени онамларникига ташлаб қўйди. Икки соатча у ерда ўтирдим-да, ўғлимни олиб уйга кетдим. Борсам, Даврон акамнинг авзойлари бузуқ, мени кўриб ранглари оқарди. «Қаерларда юрибсиз?!» дедилар ғазаб билан тикилиб. «Онамларникидайдим» дедим бепарволик билан. «Мен кўрманми, кимнинг машинасида юрувдинг», деди эрим важоҳат билан тепамга келиб.

«Ҳа, йўлда инженеримиз Нўъмон ака учраб қолди, уйимизга ташлаб қўйди» дедим. «Мен ўлганманми, нега бегона одамнинг машинасида юрасан?! Телефон қилсанг ўласанми, бирга борардик». Эрим шундай деб билагимни қаттиқ қисди. «Қўйворинг, нима, менга ишонмайсизми?» – дедим алам билан. «Мен ҳам руҳан, қалбан ҳамиша сиз билан биргаман» дейишимни биламан, юзимга урилган қаттиқ тарсакидан гиламга ағдарилиб тушдим. «Ифлос!» Даврон акам шундай деди-ю, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Қўрқиб кетган ўғлим чирқираб йиғлаб юборди.

Шунда ҳаддан ошириб юборганимни тушундим. Лекин аламимдан, хуморимдан чиққан эдим. «Ҳа, пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга. Қалай бўларкан», дедим ичимда.

Кейин «Майли, келишса ҳаммасини тушунтираман, ҳийла қилганимни айтаман» деб хаёлдан ўтказдим-да, овқатга уннадим. Орадан икки соат ўтди. Ошни дамлаб қўйганман, қани энди хўжайинимдан дарак бўлса. Хавотир ола бошладим. «Қасд олмай ман ўлай» деб ўзимни қарғадим.

Соат ўн иккиларга яқин эшик очилди. «Хайрият» деб ўрнимдан турган эдим, остонада эрим билан

турган қўшнимиз – Қобил акага кўзим тушди. Даврон акамнинг кўзлари қизарган, анчагина кайфлари бор.

Келинглар, ҳозир дастурхон ёзаман, ош ҳам ланж бўлиб кетди дейишимни биламан, менга қара, мана, гувоҳ Қобил аканинг олдида айтяпман, энди сандақанги хотиним йўқ, уч талоқ қўйдим, тушундингми? – десалар бўладими. Ишонасизми, ҳушимдан кетиб қолай дедим. Даврон акам шундай деб яна эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетдилар.

Бир оздан кейин ўзимга келиб бошимни чангалладим. Ҳаммаси тамом, ўзимни оқлашга, халолу поклигимни исботлашга минг уринганим билан фойдаси йўқ, ғишт қолипдан кўчган эди...

Қўшнимиз Қобил ака бўлса хангу манг, нима қилишини билмай остонада серрайиб қолибди. «Ие, сизларни нима жин урди, ўзи, келин? Бунақа бўлишини билганимда уйларингга умуман қадам босмасдим.

Давронжон «Ака юринг, уйга кирайлик деганига... Ўзим ҳам ҳайрон бўлувдим-а?!» – дедилар худди ўзлари гуноҳкордек минг хижолат билан. Хуллас, шунақанги ишлар бўлиб, суд орқали ажрашдик. Малика ҳақидаги миш-мишларга ишониб юрган Рауф аёлга ачинди.

– Ҳақиқатан ҳам Нўъмон ака билан ораларингда ҳеч гап бўлмаган экан, нимага эртасига эрингизга ҳаммасини тушунтирмадингиз?

– Мен сизга айтдим-ку, ғишт қолипдан кўчган эди. – Малика шундай дегач, кўзларига ёш олди. – Ўшандан кейин келиб қолар, деб уч кун кутдим, уйга қайтмади. Ишхоналарига борсам, мен билан гаплашишни умуман хоҳламадилар. Шундан кейин уйимизга бориб, йиғлаб-йиғлаб аямга ҳаммасини гапириб бердим.

Онам бечора – «Эй, нодон болам-а, жудаям катта хато қилибсан», деб куйиб кетдилар. Ўша

куниёқ дадам Даврон акамнинг олдиларига ўтиб бор ҳақиқатни айтиб бердилар.

Кейин Масжидга бориб имомга учрашган эдик, имом домла, «Уч талоқ қўйган бўлса қайта никоҳлашга йўл йўқ. Ягона чораси қизингизни кимгадир узатасиз. Бир муддат бошқа одам билан яшаб ажрашса, ундан кейин ўзининг эрига яна никоҳлаш мумкин», дебди.

Даврон акамнинг феълини яхши биламан, бировга тегиб чиққанимдан кейин қиёматдаям мени қайта хотин қилмайди.

– Энди битта гап айтаман, лекин хафа бўлмайсиз, – Рауф шундай дегач, муғамбирона кулди. Ҳалиги гапларингизга юз фоиз ишонаман. Лекин эрингиздан ажрашганингиздан кейин сизни инженернинг машинасида бир-икки марта кўрдим. Ё нотўғрими?

– Гапингиз рост, – Малика маъюс жилмайди. – Ўшандан кейин Нўъмон ака орқамдан соядек эргашиб, ҳеч ҳоли-жонимга қўймади. Барибир бўлган иш бўлган эди.

Сизга ёлғон гапириб нима қиламан. Уч-тўрт марта учрашдик, кейин у одамни умуман ёнимга йўлатмадим. Сабаби, Нўъмон акада гуноҳ йўқ бўлсаям, барибир шу воқеа сабаб бўлиб оиламиз бузилди. Яхшиям инженеримиз Фарғонага кўтарилиб кетди. Бўлмаса ариза ёзиб ишдан бўшамоқчийдим.

Малика шундай дегач, машиначасини бағрига босганича гиламда ухлаб қолган ўғилчасига кўзи тушди.

– Ие, гап билан бўлиб қарамабман. Мен ҳозир.

У Жасурни эҳтиёткорлик билан ўрнига ётқизиб чиққач, яна Рауфнинг рўпарасига ўтириб:

– Мана шунақанги гаплар, – деди чеҳрасига жиддий тус бериб. – Хўжайинимни йўқотганимдан кейин, шу ўтган беш-олти ойнинг ичида кўп нарсага тушундим. Ҳозир тан олиб айтадиган

бўлсам ҳақиқатдан ҳам аҳмоқлик қилган эканман. Аслида кечиришим керак эди.

Кеча собиқ синфдош дугонам Раъно билан учрашиб қолдик. Яқин икки соатча ўтириб ҳасратлашдик. «Эҳ, Малика, нотўғри қилгансан» деди у ҳам. Агар ҳар бир аёл эрининг қадамини пойлайверса, «Хўжайинимни ушлаб олдим» деб ажрашаверса, биласанми, унда нима бўларди? Дунёдаги хотинларнинг ярми бева қоларди. Мана, ўзимдан мисол. Касалхонада ишлайдиган қўшнимиз Сафияхон опа бир куни «Эрингиз бизда ҳамшира бўлиб ишлайдиган Наргизани бир-икки марта машинасида олиб кетди. Кўз-қулоқ бўлинг», деб қолди.

Суриштирсам, ҳақиқатан учрашиб туришар экан. Ўзим ҳам бир марта машинасида кўрдим. Уйга келганда йиғладим, сиқтадим, ялиндим. Худога шукур, ҳозир яхши. Агар ажрашсам ёки аччиқма-аччиқ мен ҳам юриб кетсам, кимга зиён? Ҳозир иккинчи болага ҳомиладорман.

Эртадан кейин фарзандларим катта бўлса, минг тўғри бўлганим билан ёлғиз аёлнинг уйига совчилар ҳам ўйлаб келишади. Дурустроқ оиланинг қизини келин қилмоқчи бўлсанг «Отаси ким экан, қаерда ишларкан?», деб суриштиради.

– Бўлди энди, кўп сиқилаверманг, – деди Рауф. Бошқа гапдан гаплашайлик. Ҳали ёшсиз, барибир кимгадир яна турмушга чиқасиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. У шундай дея ўрнидан туриб Маликанинг елкаларига қўлини қўйди.

– Мана, сизгаям дардларимни тўкиб солдим. Аёл шундай дегач, унинг қўлларини елкасидан олди.

– Айтганингиздек дўстона ўтирдик. Энди секин уйингизга борволинг. Келинойим кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиргандир. Рауф ўйланиб қолди. «Ҳақиқатан ҳам яқинлаштиргиси йўқми, ёки уни синамоқчи бўляптими?..»

Тўғри, дўстона ўтирамиз, деганди. Бу ёғи катта кетиб, эртага бозорни бирга қиламиз, деб ваъда бериб қўйди. Бу булоқни бўйига бориб, сув ичмай қайтишдек гап-ку.

Рауф шуларни хаёлидан ўтказаркан, ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битибди, қабилида иш тутмоқчи бўлди.

– Биласизми, ҳозир битта гап эсимга тушиб қолди, – деди у.

– Армияда Риштонлик Баҳодир деган йигит билан бирга хизмат қилгандик. Беш минут бўш вақт топди, дегунча ўтириб дафтарчасига шеър ёзарди. Ёки шеър ўқиб берарди. Шоирларнинг сал девонароқ бўлишини ўшанда билганман. Лекин кўнгли очиқ, беғубор йигит эди. Хуллас, ўқиб берган шеърларидан икки мисраси эсимда қолган. Мана, эшитинг-а,

– Тун билан аёлни ёлғиз қолдирмоқ, Гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ,

– Қалай, яхши гапми?

Малика бирдан маъюс тортди.

– Тўғри, топиб айтибди, деди.

Сўнгра Рауфга ишва билан тикилди.

– Лекин мен ёлғиз эмасман, ана ўғилчам бор.

– Биринчидан, ўғлингиз ухлаб ётибди, иккинчидан, бу гапни шоир бошқа маънода айтган.

– Ҳазиллашдим. Нима демоқчи бўлганини тушу-ниб турибман.

Малика шундай дегач, бир муддат ўйланиб қолди. «Нима қилай, яхши гап билан секин уйига жўнатиб юборайми? Ё... Эртага ўртоқларидан битта-яримтасига мақтанса-чи? Яна гап кўпаяди.

Лекин Рауф ака бачкана, майдагап йигитлардан-мас. Ҳақиқатдан ҳам ёқтиради. Икки ойдан буён кўнглига йўл топиш учун ҳаракат қилиб юрибди. Ҳозир нима деса барига тайёр».

У шуларни хаёлидан ўтказаркан, қалбида ёнган эҳтирос ўти аланга ола бошлади.

– Эртага вақтингиз бемалолми? Бозорни бирга қиламизми?

– Малика муғамбирона тикилди.

– Айтдим-ку, менда гап битта бўлади, – Рауф энгашиб унинг бўйнидан ўпди.

– Шошманг. Йигитнинг чўғдек лаби аёлнинг бутун вужудини жимирлатиб юборди. – Нариги «дом»дагиларга кўринади. У ўрнидан турди-да, балкон томондаги дераза пардасини тортиб қўйди. Сўнгра Рауфга ўтли бир нигоҳ ташлади-да, ванна хонага кириб кетди.

Орадан 10–15 дақиқа ўтгач, ёмғирдан кейинги атиргулдек ловиллаб, яна рўпарасида пайдо бўлди. Рауф беихтиёр ўрнидан туриб унинг ёнига келди-да, белидан қучоқлади.

– Тўхтанг, худди уйланмаган йигитлардек бунча шошасиз. Боринг, аввал ювиниб чиқинг...

* * *

Товар айирбошлаш учун Ашхободга борган Толибжон мўлжалдаги ишлари вақтида битмай бир ҳафта қолиб кетди. Эрталаб поезддан ҳориб тушиб, аввал ишхонага ўтди. Тушга яқин «Уйга тезроқ борай, қизларимни соғиндим», деган ўйда таксига ўтирди. Кўча дарвозаси ёнида машинадан тушиши билан важоҳатли қиёфада турган хотинига рўпара бўлди.

– Юз марта айтганман, бу гадойваччаларга бу ерда тўп ўйнаманглар деб, – Азизахон кўчанинг нариги юзида тўпланиб турган 5–6 та болаларга қараб ўқрайди. У шундай дегач, Толибжонга ўгирилиб қошларини чимирди, – мунча йўқ бўлиб кетдингиз? Уч-тўрт кунда келаман, деган эдингиз-ку.

– Ҳой, менга қаранг, – деди Толибжоннинг таъби хира бўлиб, – хотин деган аввал одамга ўхшаб саломлашади, «дадаси ҳорманг, яхши

бориб келдингизми, ишларингиз битдими?» дейди.

– Қанақанги одамсиз? Эшикдан кирмасдан қопасиз-а? Юринг уйга.

Улар ҳовлига киришгач, хотини ён бериш ўрнига яна авж қилди.

– Менга қаранг, нимага «қопасиз» деяпсиз. Сизга ит бўлиб қолдимми?!

– Оббо, – Толибжон сўрининг бир четига омонат ўтирди.

– Ўйнагани кетганим йўқ, иш билан юрибман. Саломингизга яраша гапирдим-да. Ундан кейин нимага қўшнининг болаларини гадойваччалар, дейсиз?

– Кўрмайсизми қулоқсизларни?!

Азизахон бир оз паст келди.

– Буларга дарвозамизнинг таги стадионми? Ҳар куни обеддан кейин шу аҳвол, бақир-чақир, тўполон.

– Нима бўлгандаям, «гадойваччалар» деган гапни бошқа эшитмай. Боринг, тушликка бирор нима қилинг. Поездда дурустроқ овқатланганим йўқ.

Толибжон шундай дегач, меҳмонхонага кириб ечинди-да, диванга чўзилди. «Кейинги бир йилнинг ичида хотини ўзгариб қолди. Ўзини худди министрнинг қизидек тутади. Қайнотаси бор-йўғи оддий дурадгор.

Бозор кунлари мол бозорида далоллик ҳам қилади. Тўғри, кейинги беш-олти йил ичида унинг ҳам иши юришди. Цехни кенгайтирди, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон давлатларидаги хусусий фирмалар билан алоқа боғлади. Банкда, анчагина маблағи бор. Икки йил олдин янги «Нексия»лик бўлди. Худога шукур, ўтган йили мана шу ҳовлини сотиб олиб, деярли бошқатдан қурди. Лекин ҳар куни кечқурун яратгандан йўлдан адаштирмаслигини, ишларининг ривожини

сўрайди. Мана, ўзи кўриб турибди.

Беш-олти сўм пул топиб босар-тусарини билмай қолганлар яна зиёнга кириб, хонавайрон бўлиб ўтирибди. «Даврим келди», деб ичкиликка, маишатга берилганларнинг охири вой. Лекин хотинига нима жин уряпти. Маҳаллага янги кўчиб келганларида Азизахон, эсингизда бўлсин, энг аввало қўни-қўшнилар билан муроса қилинг, яхши гапиринг деб қайта-қайта тайинлаганди. Йўқ. Барибир қулоғига олмабди».

Тўғри, унга ҳам осонмас. Иккинчи қизини туғаётганда уни худо бир қайтиб берди. Буйрагида қаттиқ шамоллаши бор экан, кетиб қолишига озгина қолди. Азизани туғуруқхонадан олиб чиқишаётганида даволаган шифокор уни кабинетига чақириб «Ука, бир гапни сизга очиқ айтиб қўяй, энди ўзини эҳтиёт қилсин, бундан кейин туғиш умуман мумкинмас», деганди.

Ўшанда Толибжоннинг кўнгли зимистон бўлиб кетганди. Сабаби, у ҳеч бўлмаса битта ўғиллик бўлишни жудаям хоҳларди. Тўғри, қиз ҳам фарзанд. Уларни жонидан ортиқ кўради.

Лекин барибир ўғилнинг ўрни бошқа. Эртадан кейин қизлари палахмон тошидек бировнинг уйига бориб тушади. Улардан бири ўғил бўлганда, ёши улғайиб куч-қувватдан қолганида фирмани бошқарарди.

Ўша куни у шуларни ўйлаб, беихтиёр кўзларига ёш келди. Кейин «ношукурчилик бўлмасин, астағфуриллоҳ», деб тавба қилди. Худо хоҳласа қизларимни муносиб жойларга узатаман. Яхши, баъмани куёв қайси ўғилдан кам, деб ўзига тасалли берди.

Толибжон шуларни ўйлаб, майли, кўнгли ўксик, деб хотинига қаттиқ гапирмасди. Азизахон «Бўлди, ишламайман, боғчадаги болаларнинг қий-чувини юрагим кўтармаяпти», деганида «Майли, ихтиёрингиз» деди.

Лекин кейинги бир-икки йилнинг ичида хотинида калондимоғлик, кибр, унча-мунча одамни менсимаслик иллатлари пайдо бўлди. «Кераги йўқ, улар сизнинг тенгингиз эмас», дейишига қарамай, шаҳардаги беш-олтита казо-казоларнинг хотинларини гапига қўшилди. Бир куни «Ҳалиям бўлса уларнинг ўтиришига бор-манг», деганда, «Ишламасам, нима уйда сиқилиб ўлайми?», деди кўз ёш қилиб.

Мустақилликдан кейин ўтган саккиз йил ичида ҳаёт Толибжонга кўп нарса ўргатди. Хориж сафарларида бўлди, таниш-билиш орттирди.

Ўтган йилнинг куз ойлари эди. Москвага кетаётиб, поездда Улуғбек исмли андижонлик бир йигит билан «купе»да бирга бўлди.

Ёши тахминан ўттизлар атрофидаги ҳамроҳи дилкашгина экан. Оппоққина, кўзлари кулиб турган рус аёлини, бу Галя, «хотиним» деб таништирди. Толибжон «Жуда яхши, бир-бирларингга муносиб экансизлар», деган бўлса ҳам кўнглидан «шундай йигитга тегаман деган ўзбек қизлар кўп-ку?». «Ҳа, энди ишқ савдоси, юрагидан урган бўлса керак» деган ўй ўтди.

Шомдан кейин ҳамроҳлари биргаликда овқатланишгач, Галя «Мен қўшни купеда бўламан, Светанинг олдида», – деб уларни ҳоли қолдирди.

– Ака, «бу йигит нега русга уйланганикин», деб ҳайрон бўлаётгандирсиз?, – Улуғбек унга чой қуйиб узатгач, жилмайди.

– Йўқ, нега энди, – Толибжон сир бой бермади. Гап миллатда эмас. Бахтли, тинч-тотув яшасаларинг бўлди-да.

– Биринчи хотиним ўзбек эди. Андижондан, шаҳарнинг ўзидан уйлангандим, – деди ҳамроҳи юрагини ёзиб. Ўзим етимликда ўсганман. Ар-миядан келганимдан кейин ҳадеганда ишим юришавермади.

Маҳалламизда Сайёрахон деган тижоратчи

хотин бор эди. Бир куни аммам «Улуғбек, Сайёрахон сени куёв қилмоқчи», деб қолдилар. «Қанақасига?», ҳайрон бўлиб сўрадим. «Қанақасига бўларди, Маҳбубахон деган ўртанча қизи борку, танийсан, ўшани сенга бермоқчи». Шунда ўрта бўй, оқ-сариқдан келган қиз кўз ўнгимга келди.

Нима дейишимни билмай қолдим. Чунки тўй дегани ўз-ўзидан бўлмайди. Қолаверса, муқим бир ишнинг тайини йўқ. «Бу ёғидан ташвиш тортма», дедилар аммам фикримни уққандек. Тўйингга атаб йиғиб қўйган унча-мунча нарсаларим бор. Қариндош-уруғлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмайди. Кўпчилик бўлиб ўтказиб юборамиз. Акагинамнинг ҳам руҳлари шод бўлади».

Аммам шундай деб кўз ёши қилдилар. Хуллас, тўй бўлиб ўтди. Хотиним билан икки йилча яхши яшадик. Бу орада битта қизчалик ҳам бўлдик. Қайнонам ниҳоятда устакор, мол-дунёга ҳирс қўйган хотин эди. Ҳар ўн беш кунда тижорат ишлари билан Амирликка ё Ҳиндистонга бориб келарди.

Оилада унинг гапи гап эди. Қайнотам бечора у нима деса «Хўп бўлади, онаси», деб қўл қовуштириб турарди. Мен хотиним билан жаҳон бозоридаги дўконимизда хориждан келтирилган моллар билан савдо қилардик. Уйланганимнинг учинчи йили «Жигули» сотиб олдик.

Гапнинг тўғриси, машинанинг пулини деярли қайнонам берди. Юзаки қараганда ҳамма нарса рисоладагидек эди. Лекин қайнонамнинг, хотинимнинг менга бўлган муомаласидан «Сен етимчани биз одам қилдик» деган миннат, таъна доимо сезилиб турарди. Энди оила, рўзғорда баъзан келишмовчиликлар бўлиб туради. Бир куни нимадандир гап чиқиб хотинимни сўкдим. Шунда у «Менга қаранг, менга уйланганингизда ким эдингиз?!...

Энди жир битиб, тилингиз чиқиб қолдими...», деди ўдағайлаб. Хуллас, ўша куни аразлаб, уйига кетиб қолди. Эртаси куни эрталаб уйга важоҳат билан қайнонам кириб келди. «Ҳой, гадойвачча», деди менга қўлини пахса қилиб, «Қизимни нимага сўкдинг?! Қорнингни тўйғизиб, машина миндириб қўйганимга раҳматингми бу?!» Мен «Ая, қизишманг, айб мендамас, қизингиз билан юзлаштиринг», десам ҳам гапимга қулоқ солмади.

«Гап шу, бундан буён қисиб юрасан, тушундингми?» деди у буйруқ оҳангида. Аслида қизим «оёғимни яла», деса, айтганини қилишинг керак». Ишонасизми, алангам чиқиб кетди. Сўкворишдан ўзимни зўрға тийиб ичкари уйга кириб кетдим.

Ўша куни тушга яқин қизчамни кўтариб, хотиним кириб келди. Гапирмадим. Менга беписанд менсимай қарашидан «Ўл-а, даминг ичинга тушиб кетибди-ю, шу ҳолинг боракан, нима қилардинг, каттачилик қилиб» деган маъно бор эди. Кечқурун билан ўйлаб-ўйлаб охири бир қарорга келдим. Эрталаб барвақт уйғондим-да, «Тур, кийин, уйингга борамиз» дедим хотинимга. У ҳайрон бўлиб менга бир қаради-ю, важоҳатимни кўриб индамай олдимга тушди. Қизчам иккаласини машинамга ўтказиб, тўғри қайнонамнинг олдига бордим.

«Мана, бу машинангизни калити. Мана бу қизингиз, ўзингизга буюрсин, Оллоху акбар» дедим-у, орқамга қайтдим. Қайнонам «Ҳой Улуғбек, ҳой ўғлим, тўхтанг, кўрнамаклик қилманг», деганича қолди. Эртасига уйга ҳовлиқиб аммам кириб келдилар. «Вой, нима бўлди, ўзи? Сайёрахон олдимга эрталаб келиб ҳазилакам гапларни гапирмади», дедилар мендан хафа бўлиб. «Сени нима жин урди?». «Аммажон, бошида ўзи бу иш нотўғри бўлган экан» – дедим юрагим қонга тўлиб. «Майли, қотган нон билан,

доғ сув ичиб кун кўрай. Лекин беминнат бўлсин. Миннатли ошдан беминнат тош яхши».

Аммам, ниҳоятда ақлли, мулоҳазали аёллар. Менга бирпас термилиб турдиларда, «Унчалик бўлса майли, болам, ўзим ҳам сезиб юрувдим. Ҳали ёшсан, тенгингни топасан, бахтинг очилиб кетади», дедилар кўз ёш тўкиб. Хуллас, шундан кейин хотиним билан ажрашдик. Икки йилгача уйланмай юрдим. Ўтган йилнинг куз ойларида кўричак бўлиб, касалхонага тушиб қолдим. Галя билан ўша ерда танишганмиз.

Тиббиёт техникумини тугатиб, уч йилдан буён шу ерда ишларкан. Бир-биримизни ёқтириб қолдик. Галя ёшлигида отадан етим қолган экан. Хуллас, ихчамгина тўй қилдик. Худога шукур, тагимда машинам бўлмасаям, бировдан тили қисиқлик жойим йўқ. Москвада хотинимнинг холалари яшайди. Тўйга айтишган. Ҳозир ўша ёққа кетаяпмиз. Вақтингиз бемалол бўлса, биз билан юринг, улар беш-олти ой олдин Андижонга келиб кетишган. Самимий, яхши одамлар.

– Раҳмат, тўйни яхши ўтказинглар, – дедим очиқ кўнгиллик билан. – Тўғри қилибсиз. Йигит кишини оиласи олдида ҳеч қачон тили қисиқ бўлмаслиги керак.

– ... Дадаси, овқатни сузяпман. Хотинининг ошхонадан чиққан овози Толибжоннинг хаёлини бўлди. У ташқарига чиқиб, қўлини ювди-да, олма дарахти тагига қўйилган сўрига ўтирди. Хотини хонтахта устига ёзилган дастурхонга ҳовури чиқиб турган қовурмани қўяркан, сўради:

– Эрталаб Бахтиёр ака телефон қилганди. Ишхонада кўришдиларингми?

– Йўқ, идорага ўтсам налогга кетибди. Толибжоннинг қорни оч эди. Лекин беш-олти қошиқ овқат егач, негадир иштаҳаси бўғилди.

– Бўпти, мен кетдим.

– Овқатланганингиз шуми?

Эрининг кайфияти бузилишига у сабабчи бўлганлигини сезган Азизахон ичида ўзини койиди. «Айб ўзимда ҳақиқатдан ҳам одамга ўхшаб кутиб олмадим».

Толибжон машинасини гараждан олиб чиқди. Азизахон дарвозани очди. У «Нексия»ни ўртача тезликда бошқариб бораркан, хотинининг «Бахтиёр ака телефон қилганди» деган гапини эслади. Яқинда, Ашхободга кетмасдан бир ҳафта олдин ҳоли қолишганда Бахтиёржон кўнглини ёзиб қолди. «Мана яқин етти йилдан буён бирга ишлаяпмиз», – деди у бир оз хижолат оҳангда. «Кам бўлганим йўқ. Яқинда укам билан маслаҳатлашдик. Шаҳар четидаги маъмурий бинолардан бири бўш экан. Шуни ижарага олмоқчимиз. Хуллас, алоҳида, ўзимиз мустақил, ишлаб чиқариш фирмаси ташкил қилсак, деган ниятимиз бор. Яна сиз ўйламанг...»

– Нега энди...

– Толибжон унинг гапини бўлди. – Бемалол, бехижолат. Қанақанги ёрдам керак бўлса бераман.

Толибжон Бахтиёржонга шундай деган бўлса ҳам, аслида ундан ажрагиси йўқ эди. Чунки, фирмани ташкил қилишгандан буён бирга ишлаб келаётган бу йигит ҳалол, тўғрисўз, қинғирлик, алдамчиликни билмасди. Шу боис қаерга борса ҳам ишхонадан кўнгли тўқ эди.

Хаёл билан светофор рўпарасида тўхтаган Толибжон йўлни кесиб ўтаётган йигитга кўзи тушди. «Рауфми? Ҳа, ўша, параллел синфда бирга ўқишган». У зангори чироқ ёниши билан чорраҳани кесиб ўтиб, машинани сал ўнгга олиб тўхтади-да, энгашиб олиб эшикни очди.

– Рауф, ўтир, қаерга боряпсан?

– Ие, Толибжон, қарамабман, – Рауф машинадан жой олгач, қўл узатди. – Ишларинг яхшими?

– Дуруст, ёмонмас. Толибжон унга қараб жилмайди.

– Ўзинг нима қиляпсан. Ҳалиям «ЧПК»дамисан? Машинангни минмабсан?

Рауф бир лаҳза сукут сақлаб турдида:

– Машинани яқинда сотдим, – деди тушкун кайфиятда.

– Фабрикадаги аҳволни ўзинг яхши биласан. Ҳозир ишчиларнинг сони ҳаммаси бўлиб мингтагаям бормайди. Шунақа бўлгандан кейин тирикчилик ўзига ярашада.

Толибжон унинг сўзларини тинглаб бораркан «ярқ» этиб хаёлига бир фикр келди. «Рауфни ўзимга ишга олсамчи...

Бахтиёр мустақил бўлиб чиқиб кетса, ишончли бир ёрдамчи керак-ку. "ЧПК"да яқин ўн йилдан бери ишлайди. Энг муҳими, бегонамас. Синфдош бўлмасаям, ҳарҳолда параллел ўқишган». У шуларни хаёлидан ўтказаркан:

– Менга қара, – деди Рауфга ўгирилиб.

– Битта таклиф бор. Мен билан бирга ишламайсанми?

– Рост гапиряпсанми?

– Рауф унга ишонқирамай қаради. Чунки у Толибжоннинг иши юришганлигини, кўп нарсага қурби етишини яхши биларди.

– Ишонмаяпсанми? – Толибжон кулди. – Ахир битта мактабда ўқиганмиз. Хўш, нима дейсан?

– Яхши бўларди, – Рауф хурсанд бўлиб кетди.

– Бўлмаса гап бундай. Бугун жумами? Душанба куни эрталаб идорамга ўт. Маслаҳатлашиб оламиз, ҳозир сени қаерга ташлаб қўяй?

– Овора бўлма, мен шу ерда тушиб қоламан. Анави аптекадан онамга дори олишим керак.

Рауф машинадан тушиб қоларкан, Толибжонга миннатдорчилик билан қараб қўйди.

* * *

Азизахон эрини кузатиб, дарвозани ёпгач, негадир кўнглига ғашлик чўкди. У сўрига қайтиб ўтириб, овқатдан уч-тўрт қошиқ олди. «Кейинги пайтларда негадир юрагим тор бўлиб қолди», хаёлидан ўтқазди у пиёладаги чойдан бир-икки ҳўплагач.

«Қизларимни ҳам сал нарсага жеркиб ташлаяпман. Янаям эрим босиқ, кўнглимга қарайди. Бошқа одам бўлганда шу бугунги муомаламга қулоғимнинг тагига шапалоқ тортиб юборарди.

Менга нима бўляпти ўзи? Биламан, Толибжон акага осонмас. Эркак кишининг дарди ичида бўлади. Хўжайини ўғиллик бўлишини қанчалар орзу қиларди. Врач «бошқа туғиш мумкинмас», дегандан кейин бир ҳафта ўн кунгача ўзини қўйгани жой тополмай юрди.

Мана, иккинчи қизини туққанигаям ўн бир йил бўлди. Каттаси Диловар янаги йилга мактабни битиради. Тўғри, дадаси қизларини жонидан ортиқ кўради. Лекин Азиза, аёл қалби билан сезади. Ўғиллик бўлиш эрининг юрагида бир умр армон бўлиб қолди».

Кўча эшик очилиб, ҳовлида кичик қизи Дилнозанинг пайдо бўлиши унинг хаёлини бўлди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, келдингми қизим. Ке, ўтир, совимасдан овқатингни еб ол. Мен бувингдан бирров хабар олиб келай. Ўн беш кун бўлди, уйга ўта олганим йўқ. Қозонда овқат бор. Опанг келса, сузиб есин.

... Онаси эшикдан кириб келган Азизани ўпкагина билан қарши олди.

– Мунча дарагинг йўқ. У қизи билан қучоқлашиб кўришаркан, бошини сарак-сарак қилди. – Бир ой бўлди, қорангни кўрсатмайсан. Кейинчалик она

керак бўлмай қоларкан ўзи.

– Вой, ая, нимага унақа дейсиз?, – Азизахон тузалган дастурхон тўрида ўтирган бегона аёлга, ёши тахминан етмишдан ўтган, сочлари қордек оппоқ юз-кўзларидан нур ёғилиб турган хотинга хижолатомуз қараб қўйди. – Бугун роппа-роса ўн беш кун бўлди. Ўтган ҳафтада келмоқчийдим, куёвингиз сафарга кетиб қолдилар. Ашхободдан бугун эрталаб келдилар.

– Ҳа, майли. Тинч-омон ўтирибсизларми ахир, Диловар, Дилнозалар ҳам яхшими? Невараларимниям соғиндим. Охирги марта уйингга борганимда кўрганим-ча.

Онаси шундай дегач, уларга жилмайиб қараб турган меҳмонга ўгирилиб:

– Меҳри опа, бу катта қизим, Азизахон, – деди. – Ҳув, бир келганингизда мактабда ўқирди. Ўшанга ҳам мана ҳаш-паш дегунча йигирма йил бўлибди. Ҳозир сизни эслолмаяпти.

У шундай дегач, қизига изоҳ берди:

– Холанг илгари, урушдан кейинги йилларда биз билан қўшни туришган. У пайтларда мен 5–6 яшар қизча бўлганман. Холанг ҳозиргина қизиқ бир воқеани гапириб турувдилар. Азиза ёнларига ўтир, сен ҳам эшит.

Меҳрихон пиёладаги чойдан ҳўплагач, бир муддат сукут сақлаб турди-да, ҳикоясини давом эттирди.

– Хуллас, «эрга тегмайман» деб оёқ тираб олганим билан барибир мажбур қилиб узатишди. Ўша пайтда роппа-роса ўн етти ёшда эдим. Мен куёв деганда 25–26 ёшлардаги қора қош, келишган йигитни тасаввур қилардим. Базм тугаб, маросимлар утгандан кейин янгалар иккаламизни ёлғиз қолдиришди.

Не кўз билан қарайки, рўпарамда ёши 30–35 лар атрофидаги мўғул башара, ранги заҳил бир одам ўтирибди.

Ишонасизми, дод деворай дедим. Онамнинг, опамнинг ялиниб ёлворишлари, дўқ-пўписалари билан зўрға бир ойга чидадим. Май ойининг охирлари эди. Бир куни азонда ўрнимдан турдим-да, бир парча қоғозга «Мени қидириб овора бўлманглар. Агар топиб, яна мажбурлаб, бу ерга олиб келмоқчи бўлсаларинг, ўзимни ўлдираман», деб ёзиб ёстиғимнинг устига қўйдим-да, бир сидра уст-бошимни тугун қилиб, тўғри вокзалга бордим.

Мақсадим бундан икки йил олдин Мирзачўлга кўчиб кетган холамнинг оилаларидан паноҳ топиш эди. Хуллас, бир амаллаб поезднинг «обший» вагонига жойлашдим. Поездда кетаяпман-у, юрагим така-пука. Хаёлимда хатни ўқиган ота-онам, эрим худди орқамдан қувиб келишаётгандек.

Икки соатча юрганимиздан кейин поезд қаердадир ярим соатча тўхтади. Шунда рўпарамга бир йигит келиб ўтирди. Ишонасизми, худди тасаввуримдаги йигит. Қора қошлари бир-бири билан туташган. Думалоқ оқ юзига мўйлови жудаям ярашган, кўзлари кулиб турибди.

Биз бир-биримизга бир лаҳза термилиб қолдик. Кейин мен шошиб кўзимни олиб қочдим-да, тугунни маҳкам бағримга босиб, юзимни поезд ойнаси томонга ўгириб олдим. Орадан қанча вақт ўтди билмайман.

Бир пайт «синглим, қаерга боряпсиз?» деган мулойим товушдан бир чўчиб тушдим. Ўгирилиб қарасам, бояги йигит менга самимий, жилмайиб қараб турибди. «Мирзачўлга, холамникига» дедим. «Бундан кейин узоқ йўлга бир ўзингиз чиқманг» деди йигит меҳрибонлик билан.

Вагонда йўловчилар кўп эди, бошқа гаплашмадик. Поезд Тошкентга етиб келгач, йигит ўрнидан турди.

– «Мана, биз манзилимизга етиб келдик», – деди

у менга кулиб қарагач, худди эски танишлардек. – «Поезд бу ерда ярим соатга тўхтайди. Юринг мен билан, сув-пув ичиб чиқасиз, қорнингиз ҳам оч қолгандир, пастда ҳамма нарса бор».

Ўша пайтларда ҳеч балога ақлим етмайдиган содда қиз бўлганман-да. Беихтиёр ўрнимдан туриб унга эргашдим.

Пастга тушганимиздан кейин «Сиз шу ерда кутиб туринг, мен ҳозир», – деди-ю, беш-олти дақиқа ўтмай икки шиша минерал сув, сомса кўтариб келди. Тик турганча тамадди қилаётиб, яқинроқ танишдик. Йигит андижонлик, исми Шарифжон экан. «Амаким Тошкентда туради, мен тенги ўғиллари бор, ўшани уйлашяпти, тўйга келяпман», – деди.

Гап орасида «ўйларинг Қўқоннинг қаерида, қайси маҳаллада турасиз?», деб сўраб қолди. Нима дейишимни билмай довдираб қолдим. «Яқинда, бир ой олдин тўйим бўлган, уйдан қочиб кетяпман», деган гапни қайси тил билан айтаман.

«Энди уйга қайтиб бормайман, Мирзачўлдаги холамларникида яшайман» дедим. Шу пайт поезднинг жўнайдиган вақти бўлиб қолди. «Менга қаранг, Меҳрихон», деди шунда у шошиб. «Бўлмаса холангизни адресини беринг». У йигит шу сўзларни айтиб, менга шунақанги илтижо билан термилдики, ғалати бўлиб кетдим. Холамларнинг қаерда туришларини айтдим-у, «Хўп, хайр деб, вагонга қайтиб чиқдим.

Поезд қўзғалгандан кейин секин дераза ойнасидан ташқарига қарадим. Шунда яна кўзимиз кўзимизга тушди. Шарифжон ака имо-ишора билан менга нималарнидир тушунтирмоқчи бўлди. Лекин англамадим. Негадир кўзларимдан дув ёш тўкилди.

Холамларникига шомга яқин кириб бордим. Эр-хотин мени кўриб, аввалига ҳайрон бўлишди. Кейин «Чиллалик келин бемаврид нега келдийкин»

деб, саросимага тушиб қолишди. Мен йиғлаб-йиғлаб бор гапни айтиб бердим.

Шунда холам «Вой ўлмасам, бу қандай шармандалик, опамни тириклай гўрга тиқибсанку?!» деб йиғлашга тушди. Кейин, «Майли, бўлар иш бўлибди, эртагаёқ ўзим уйингга олиб бориб қўяман», дедилар. Мен «Энди ҳеч қачон Қўқонга қайтиб бормайман, мажбур қиладиган бўлсангиз, ўзимни ўлдираман», дедим. Шундан кейин поччам иккалалари маслаҳатлашиб, эртасига азонда холамнинг ўзлари Қўқонга жўнадилар. Бир кундан кейин холам аям билан опамни бошлаб кириб келишди.

Онам бечора «Аввал мени ўлдириб, кейин кетсанг бўлмасмиди?!», деб йиғладилар. Опам бўлса, «Етти маҳаллага бизни шарманда қилдинг, уятсиз», деб урворгудек бўлдилар. Маълум бўлишича эрим эрталаб хатга кўзи тушиши билан онасини олиб, тўғри бизникига борибди. Келиб қолар, деб бир кун кутишибди.

Кейин мелицияга хабар қиламиз, деб туришганда холам бориб қолибди. Эрим бор гапни эшитганидан кейин, «Шунақа бўлса, бугундан бошлаб мени унақанги хотиним йўқ, жавобини бердим», деб-ди.

Хуллас, ўша куни ҳаммамиз алламаҳалгача ўтириб маслаҳатлашдик.

Мен, «ўламан, аммо қайтиб Қўқонга бормайман», деб оёқ тираб туриб олдим. Шундан кейин онам «Майли, бир-икки ой шу ерда тура турсин. Дадасининг ҳам ҳозир ниҳоятда жаҳллари чиққан. Борса аччиқ устида бирор кори ҳол қилиб қўйишдан ҳам тоймайдилар»,– деб қолишга розилик беришди. Шундан кейин холамларникида яшаб юрдим. Уларнинг икки қизи, икки ўғиллари бор эди.

Каттаси Эркинжон энди ўн бир ёшга тўлган. Мен эса тайёр дастёр. Холамнинг жони кириб

қолди. Бир куни ҳоли қолганимизда, «Гапнинг тўғриси, ўша сўхтаси совуқ сира сени тенгинг эмасди.

Мен бошидаёқ қарши бўлганман, ажаб қилдинг. Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ, бахтингни топиб кетасан», дедилар.

Бир куни тушликка овқат қилаётсам, кўча эшик тақиллади. Очсам, иккита бегона хотин. Улар менга бирров бошдан-оёқ рамз солишгач, ёши элликлар атрофида бўлган буғдойранг аёл, «Қизим, Сиз Меҳрихон бўлсангиз керак, адашмадимми?» деб, сўраб қолди. Мен «Ҳа», дедим ҳайрон бўлиб. Кейин, «Кираверинглар, холам уйдалар» дедим. Улар меҳмонхонада икки соатча ўтиришди.

Мен чой дамлаб, кириб-чиқиб юрдим. Холам уларни кузатиб қўйгач, «Меҳри, қани бу ёққа келчи», дедилар. Мен ҳайрон бўлиб рўпараларига ўтирдим. Холам бир муддат кўзимга тикилиб турдилар-да, «Шарифжон деган йигитни танийсанми?», деб сўраб қолдилар. Аввалига «Қанақанги Шарифжон?» дедим-у, бирдан поездда танишган йигит ёдимга тушиб, «Вой», деб юбордим. Кейин бўлган воқеани холамга гапириб бердим.

«Бўлмаса гап бундай», дедилар холам афсус билан бош тебратиб. Ҳалиги аёллар Шарифжоннинг онаси билан аммаси экан, совчиликка келишибди. «Совчиликка» деган гапни эшитиб, юрагим «шув» этиб кетди.

«Ахир у йигит бир ой бўлсаям рўзғор қурганимни билмайди-ку? Вой ман ўлиб қўя қолай. Холамларникини айтмасам бўларкан». Шуларни хаёлимдан ўтказарканман, уятдан ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим.

«Хуллас, мен уларга ҳаммасини тушунтирдим», дедилар холам маъюс тортиб. Мен Шарифжон акани бир кўришда ёқтириб қолган бўлсам

ҳам ўзимга ўзим «Энди қиз бола бўлмасам, уйланмаган йигит мени олармиди» деб уни унутишга, ўйламасликка ҳаракат қилардим. Совчиларнинг келиши эса ярамни яна янгилади. Холамнинг гапларидан кейин индамай ичкари уйга кириб кетдим-да, ёстиққа юзимни босиб ҳўнграб йиғладим.

Орадан ўн кун ўтди. Ҳозир ҳам худди кечагидек ёдимда. Чоршанба куни эди. Тушликни қилиб, энди-гина дастурхонни йиғиштирган эдим, совчилар яна кириб келишди. Лекин бу сафар улар узоқ ўтиришмади. Холам келган «меҳмон»ларни очиқ чеҳра билан кузатиб қўйгандан кейин, елкамдан қучиб, «Меҳри, бахтинг очиладиганга ўхшаб турибди», дедилар кулиб. Мен «тушунмадим, бу нима деганингиз?» дедим юрагим дукуллаб. Шунда холам мени рўпараларига ўтқазиб, «Гапларимга яхшилаб қулоқ сол.

Шарифжон рўзғор кўрганингни эшитгандан кейин ҳам майли, барибир шу қизга уйланаман, деб оёқ тираб туриб олибди. Онаси ниҳоятда бамаъни, тушунган аёл экан. Менинг, синглим, учта қизим бор.

Шарифжон яккаю ягона ўғлим. Балки икковининг тақдири қўшилгандир. Майли, дадаси билан ҳам маслаҳатлашиб олдик. Лекин битта илтимосимиз, Меҳрихоннинг рўзғор кўрганлигини ҳеч ким билмай қўяқолсин. Шанба куни ўзи келади. Шарифжон билан юзма-юз ўтириб, яхшилаб гаплашинглар, деб тайинлаб кетишди. Тушундингми энди? Қани айт, ўзинг нима дейсан?..»

Меҳри хола пиёладаги совиб қолган чойдан ҳўплагач, бир муддат сукут сақлаб турди-да, саргузаштини ҳикоя қилишда давом этди.

– Мен сизга айтсам, сингилжон, ўша пайтдаги ҳолатимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Гапнинг тўғриси қулоқларимга ишонмасдим. Наҳотки, у

йигит бир кўришда мени шунчалик севиб қолган бўлса? Наҳотки, чимилдиқ кўрганимни била туриб ҳам уйланмоқчи?

«Ҳа, тилинг танглайинга ёпишиб қолдими? Нимага индамайсан?» Холам шундай дея биқинимни бир чимдиб қўйдилар-да, секин, у йигитни сеҳру жоду қилиб, ақлу хушидан айириб қўйибсан-ку, дедилар муғамбирона тикилиб. Кейин юзларига жиддий тус бериб, насиҳатомуз гап бошладилар. «Меҳри, энди менга яхшилаб қулоқ сол. Бугун пайшанбами?

Шарифжон икки кундан кейин бу ерга келаркан. Ҳаммасини очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак. Агар ҳақиқатдан ҳам қарори қатъий бўлса, мениям у йигитнинг олдига қўядиган шартларим бор. Чунки бу умр савдоси. Эртадан кейин пушаймон бўлиб «Сен менга жувон теккансан» деб юзингга соладиган бўлса ҳеч ҳам керакмас, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолгани маъқул. Гапларимга тушунгандирсан?

Бўпти, мен бирров бозорга ўтиб келаман. Сен яхшилаб ўйлаб кўр».

Холам кетганларидан кейин қандай қарорга келишни билмай, икки ўт орасида қолдим. Бир томондан Шарифжон акани мен ҳам бир кўриб, гаплашганда ёқтириб қолгандим. Бошимга қўнаман деб турган бахт қушини учириб юборгим келмас эди.

Иккинчи томондан эса, холамнинг гапларини ўйлаб, ҳақиқатдан ҳам бир кун келиб, қиз тегмаганимни таъна қилса-чи, деган фикр кўнглимга ғашлик, қўрқув соларди.

Хуллас, икки кунгача ўйлаб ўйимга етолмадим. Шанба куни ҳар кунгидан барвақт туриб ҳовлини, кўча эшик тагини супуриб, сув сепдим. Ҳеч нарсадан хабарлари йўқ поччам бўлса ҳайрон. Ўша куни нонуштани қилиб бўлганимиздан кейин холам иккаламиз ёлғиз қолдик. Чошгоҳга яқин

кўча эшик оҳиста тақиллади.

Шунда юрагим худди кўксимни ёриб чиқиб кетаётгандек туюлди. «Тур эшикни оч», – дедилар холам менга қараб. «Йўқ, ҳозир ўлиб қоламан, ўзингиз боринг» – дедим-у ўрнимдан туриб, ичкари хонага кириб кетдим. Уйга кирдим-у жонимни ҳовучлаб, дераза ойнасидан секин ҳовлига қарадим. Холам кўча эшикни очиб, бир муддат туриб қолдилар.

«Бошқа одам шекилли, хайрият» дедим-у бирдан хаёлимга Шарифжон ака умуман келмаса-чи, айниб қолган бўлса-чи, деган фикр келиб, йиғлаб юборай дедим. Шу пайт ҳовлида холам пайдо бўлдилар.

Кейин улардан уч-тўрт қадам орқада келаётган йигитга – Шарифжон акага кўзим тушди-ю, ҳаяжондан бошим айланиб, кўзларим тиниб кетди. «Меҳрихон қаердасан?» – дедилар сўрига тўшалган кўрпачага ўтиришгач.

Мен ўзимни зўрға қўлга олиб, секин ташқарига чиқдим. Шарифжон ака менга кўзлари тушиши билан ўрниларидан турдилар. Саломлашганимиздан кейин бир лаҳза бир-биримизга термилиб қолдик. «Меҳри, акангга дастурхон ёзмайсанми? Бор, чой қўй, ундан кейин дарров овқатга унна, дедилар холам.

Мен сўрига дастурхон ёзиб, чой келтириб қўйдимда, ошхонада сабзи-пиёз артишга тушдим. Лекин бутун фикру хаёлим Шарифжон акада. Холам билан нимани гаплашаётганижин. Ҳақиқатан ҳам шу йигит мени бахтиммикин? Шуларни ўйларканман, тез-тез ўғринча деразадан ҳовлига қараб қўярдим. Сезиб турибман, холам шартларини айтяпти. Шарифжон акам қўлларини кўксиларига қўйиб, маъқул ишораси билан нималардир деяпти.

Хуллас, палов дам егунча ҳам уларнинг олдиларига чиқмадим. Бирга тушлик қилганимиздан

кейин холам «Сизлар чой ичиб, гаплашиб ўтиринглар, мен қўшниникига – Ҳамро холангникига чиқиб келай», деган баҳонани қилиб, бизни ёлғиз қолдирдилар. Холам кетганларидан кейин янаям ҳаяжонланиб, довдираб қолдим. Қани энди бошимни кўтариб қарай олсам. «Меҳрихон» дедилар Шарифжон акам самимий оҳангда.

Ҳаммасидан хабарим бор. Холангиз билан келишиб олдик. Ўзингиз нима дейсиз? Розимисиз? – деб сўрадилар. Шунда нимагадир кўзларимдан дув ёш оқди. «Ие, ана холос» дедилар кулиб. Нима, гапларимдан хафа бўлдингизми? Йўқ, дедим шоша-пиша кўз ёшларимни артиб. Бўлмаса менга бир кулиб қаранг-чи? Мен ердан кўзимни узмай жилмайдим.

Мана бу бошқа гап. Хуллас, холангизни ҳамма шартларини қабул қилдик, дедилар ҳазил-мутойиба оҳангида. Ўзингизни ҳам менга айтадиган гапларингиз бордир? Мен нима дейишимни билмай қолдим. Кечаси билан ўйлаб чиққан мулоҳазаларимнинг қани энди бироргасини айтолсам. «Менга қаранг» дедилар Шарифжон акам шунда худди кўнглимдагини сезгандек юзларига жиддий тус бериб. «Мен сизни ҳеч қачон хафа қилмайман, кўнглингизни ранжитадиган сўз ҳам айтмайман, тушундингизми».

Шу пайт кўча эшиги очилиб, холам кириб келдилар. Биргалашиб чой ичганимиздан кейин, Шарифжон акам кетишга рухсат сўрадилар. У кишини кузатиб қўйганимиздан кейин холам менга қараб «Меҳри, мен ҳамма гапни айтдим, гапнинг рости тилло йигит экан.

Ўзларинг ҳам келишиб олдиларингми?» деб сўрадилар. Мен уялиб ерга қарадим. Бўлмаса, энди бундай қиламиз, бугун поччангга бор гапни айтаман. Эрталаб саҳар Қўқонга жўнайман. Мен сени бахтинг учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Хотиржам бўл. Уйингдагиларни албатта

кўндираман. Юрагим сезиб турибди, кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади.

Холам кетганларидан кейин келишларини юрагимни ҳовучлаб кутдим. Орадан бир кун ўтди, дараклари йўқ. Иккинчи куни минг хаёлга бориб тонггача ухламай чиқдим. Шомга яқин кечки овқатга уннаётсам бирдан кўча эшиги очилиб, ҳовлида холам пайдо бўлдилар. Меҳри, қани суюнчини чўз – дедилар менга кўзлари тушуши билан қучоқ очиб.

Гапнинг тўғриси уят-андишани ҳам йиғиштириб қўйиб, холамни маҳкам қучоқлаб олибман. Опамни кўндиришку қийин бўлмади, лекин поччам – даданг сендан қаттиқ хафа бўлган эканлар, деб гап бошладилар сўрига ўтиришлари билан. Аввалига, билганларингни қилинглар, мени унақанги қизим йўқ, деб тўнларини тескари кийиб олдилар.

Яхшиям амакинг – Аббосхон ака бор эканлар. Минг қилсаям ўқитувчи-да, ётиғи билан яхшилаб тушунтиришди. Гапнинг қисқаси иш пишди. Энди сенга яна битта янгилик, ўзаро маслаҳатлашиб, тўйни шу ерда, бизникида қиладиган бўлдик. Менгаям шуниси маъқул. Қайтага яхши, гап-сўз кўпаймайди.

Меҳри хола ҳикоясини тўхтатиб, бир муддат ўйга толаркан, нуроний чеҳрасига майин табассум югурди.

– Хуллас, тўйимиз жудаям файзли, ширин ўтди – дея яна саргузаштини сўзлашда давом этди. – Ҳаётимнинг энг бахтли, қувончли дамлари бошланди. Шарифжон акам колхоз гаражида механик эдилар.

Тўйимиздан икки ой кейин фермага сут соғувчи бўлиб ишга тушдим. Бир-биримизни еру кўкка ишонмасдик. Қайнонам менга меҳрибон, ажойиб аёл эдилар.

Ҳаш-паш дегунча орадан беш йил ўтди. Лекин

бу бир кам дунё деб жудаям тўғри айтишган экан. Оиламиз тотув, бекаму кўст яшар эдик. Фақат бизни бир-биримизга янада маҳкам боғлаб турадиган ришта – фарзаннинг йўқлиги мени ташвишга, изтиробга сола бошлади. Шундан кейин эри-хотин маслаҳатлашиб, ўзимни врачга кўрсатадиган бўлдик. Врачлар иккаламизни ҳам соппа-соғ дейишди.

Худога илтижо қилиб, умидворлик билан яна беш йилни ўтказдик. Йўқ, бўйимда бўлмади. Шундан кейин ич-ичимни ея бошладим. Арзимаган нарсага сиқилиб, кўз ёши қиладиган бўлиб қолдим. Бахтим сув юзидаги кўпикдек омонат туюла бошлади.

Бир куни, айни саратон палласи эди ўшанда, Шарифжон акам ўртоқларидан кимдир ўғлига суннат тўйи қилдираётган экан, ўша ерга кетишганди. Кутиб ўтириб-ўтириб, кўзим илинибди. Билмадим соат неччиларикин, уйғониб кетдим.

Ҳаво иссиқ бўлгани учун дераза ланг очиқ эди. Бир пайт қулоғимга ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилди. Секин ўрнимдан туриб қарасам, ҳовлидаги олманинг тагидаги сўрида қайнонам билан Шарифжон акам ўтиришибди. Беихтиёр суҳбатларига диққат билан қулоқ сола бошладим. Энди ўғлим, мана уйланганингга ҳам роса 10 йил бўлди, дердилар қайнонам куюниб. Биламан, Меҳрихон тилло хотин, лекин дўст-душманнинг олдида, кўча-кўйда бошинг эгилмасин, юзинг ёруғ бўлсин, дейманда болам. Мен Меҳрисиз яшолмайман, нега тушунмайсиз? – дедилар Шарифжон ака бўғиқ товушда. Жуда бўлмаса, қизми, ўғилми, бирорта бола сақлаб олармиз. «Вой ўлмасам, нега ундай дейсан? Ўйлаб гапиряпсанми?

Ахир бир дона ўғилсан, аканг ёки уканг бўлгандаям бошқа гап эди. Бунга даданг ҳам

рози бўлмайдилар».

Қайнонам шундай дегач, бир муддат жим туришгандан кейин яна насиҳатомуз гап бошладилар. «Биласанми болам, балки, Меҳрихоннинг кўнглида бошқага тегсам фарзанд кўрармикинман, деган ўй-фикр бордур. Сенга айтолмаётгандир».

Бу гапларни эшитиб, бутун вужудим музлаб кетди. У киши нима деркинлар, деб юрагимни ҳовучлаб, қулоқ тутдим. Билмадим, дедилар Шарифжон акам оғир тин олиб. Балки гапингиз тўғридир, лекин мен Меҳрини яхши биламан. Бундай хаёлга боришига ишонмайман. Бўпти, яхши ётиб туринг, негадир бошим оғриб қолди.

Мен секин жойимга ётиб, ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Лекин ўша кундан кейин ҳаловатим бутунлай йўқолди. Шарифжон акамнинг ҳам, қайнонамнинг ҳам менга қилаётган ширин муомалалари худди сунъийдек, ясамадек туюлаверди. Охири ўйлаб-ўйлаб қатъий бир қарорга келдим. Меҳри хола шундай дегач, яна бир муддат ўйга чўмди.

– Кейин нима бўлди, хола? – унинг саргузаштини жон қулоғи билан тинглаётган Азизахон бетоқатлик билан сўради. – Ажрашдиларинг-ми?

– Йўқ, ажрашмадик. – Меҳри хола маъюс жилмайди. – Бир куни хуфтондан кейин, иккаламиз ҳоли қолганимизда «Шарифжон ака, сизга айтадиган муҳим гапим бор» – дедим. «Тинчликми, яхши гапми?» деб сўрадилар. «Биласизми, майли мен розиман» – дедим. «Нимага розисиз?» у киши ҳайрон бўлиб, кўзларимга хавотирлик билан тикилди. Мен ўзимни зўрға тутиб, «Аям билан сўрида ўтириб гаплашганларингдан хабарим бор, дедиму, кўзларимдан дув ёш оқди. Шарифжон акам жим бўлиб қолдилар. Кейин қўлларимни ушлаб, «ундай бўлса менинг гапларимни ҳам эшитгандирсиз? Ёки онам айтганларидек ҳақиқатдан ҳам...», «Йўғ-е, ундай фикр хаёлимгаям

келгани йўқ» дедим шоша-пиша. Агар ўзингиз хоҳламасангиз мен қиёматдаям... «Бўлди гап тамом» у киши елкамдан қучдилар. Шундай экан бунақанги бемаъни фикрларни бутунлай хаёлингиздан чиқариб ташланг, келишдикми?

«Йўқ, келишмадик» дедим. Лекин кўнглим жойига тушди, мени ҳалиям яхши кўраркансиз. Энди, битта гап айтаман, фақат йўқ демайсиз, бўптими? «Хўп, ажрашишдан бошқа ҳамма шартларингизга розиман» дедилар кулиб. «Мен ўйлаб, ўйлаб, шундай қарорга келдим – дедим ўзимни хотиржам кўрсатишга тиришиб. Сизни ўзим уйлаб қўяман». «Нима деяпсиз?!» Шарифжон акам кўзларини катта-катта очиб, анграйиб қолди. «Эсингиз жойидами ўзи? Ўйлаб гапиряпсизми?» «Ҳа, эс-ҳушим жойида. Агар ҳақиқатдан ҳам мени севсангиз таклифимга рози бўласиз». «Ахир, қандай қилиб» дедилар Шарифжон акам гаранг бўлиб. Мен ўзим ўйлаб қўйган режамни тушунтириб айтдим, майли суд орқали ажрашамиз, лекин эскича никоҳимиз тураверади. Ана уйларимиз кўп, биттасида яшайвераман. Уйланганингиздан кейин худо фарзанд берса, тўнғичини ўзим катта қиламан. Иккимизнинг боламиз бўлади.

Гапларимни эшитиб, Шарифжон акам ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин бирдан кўзлари жиққа ёшга тўлди. Мен шунча йил яшаб, у кишининг бундай аҳволда кўрмагандим. Дунёда эркак киши йиғламасин экан. «Кўриб, билиб туриб сизга азоб, жабр-ку» дедилар мени маҳкам бағриларига босиб. «Нима қилай, бошқа иложим йўқ, ахир» дедим мен ҳам йиғлаб.

Хуллас, гапни бир жойга қўйиб, қайнона, қайнотамга очиғини айтдик. Улар аввалига, қандоқ бўларкин, деб иккиланишди. Кейин бизнинг астойдил эканимизни кўриб, розилик беришди. Буни қарангки, худо ўнглаб бир ой ўтмай келин

ҳам топила қолди. Тўғрироғи, фермада мен билан бирга ишлайдиган, қўшни тумандан қишлоғимизга келин бўлиб тушган Марҳабо исмли сирдош дугонам бор эди. Бир куни гапдан-гап чиқиб, унга юрагимдаги дардларимни тўкиб солдим.

Шунда Марҳабо «Биласанми, Меҳри, қишлоғимизда онамларга қўшни турадиган Холнисо ҳоланинг бир эмас бешта қизи бор», – деб қолди. «Учтаси бўйига етган. Эри урушда ўлган. Боришса дарров жон-жон деб беради. Лекин битта ҳовлида туришларингни билишса кўнишармикин». «Бу ёғи билан ишинг бўлмасин, бўпти, бу гап иккимизнинг ўртамизда қолсин» дедим. Ўша куниёқ қайнонам билан маслаҳатлашиб, уч кундан кейин совчиликка бордик. Бояқишлар хурсанд бўлганларидан бизни ўтқазгани жой тополмай қолишди. Икки соатча гаплашиб ўтирдик.

Келишганимиздек, қайнонам мени хонадон эгаларига қизим деб таништирди. Ўша куни келинни ҳам кўрдик. Исми Кимёхон, бир ҳафта олдин йигирма ёшга тўлган, қорача, истараликкина қиз экан. Совчиликка иккинчи марта борганимиздаёқ, тўй кунини белгилаб қайтдик. Тўйга тайёргарлик кўряпмиз-у, ичимдан нималар ўтаётганини ёлғиз ўзим-у, Худо биларди. Сир бой бермай, ўзимни бепарво кўрсатишга уринаётган бўлсам ҳам, гоҳи-гоҳида ичкари уйга кириб, йиғлаб-йиғлаб олардим.

Хуллас, тўй бошланди. У пайтларда никоҳ базмидан кейин куёв келинникида уч кун қоларди. Биласизми, қизлар, қайнсингилларим билан келин-куёвни чимилдиққа кузатаётиб, мен ҳам ёр-ёр айятпман-у, кўзларимдан дув-дув ёш оқади. Гапнинг рости ўша куни рашк-аламдан юрагим ёрилиб, ўлиб қолсам керак, деб ўйладим. Шунда қайси бир шоиранинг газетада чиққан шеърларидан уч-тўрт мисраси ёдимга тушди:

«Мардлик қилиб ёр-ёр айтиб турган ўзим, ёр-ёр,
Тўйингиздан омон қайтай, тиланг тўзим, ёр-ёр».

Базм тугагандан кейин мен ётгани Марҳаболарникига чиқдим. Дугонамнинг онаси Хайрихон ҳола очиққўнгил, дилкашгина экан. Алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Ҳеч нимадан хабари йўқ бояқиш аёл суҳбат орасида «Сиз куёвтўранинг тўнғич сингиллари бўлсангиз керак-а?» деб сўраб қолди. Шунда ўзимни тутолмай ҳўнграб юбордим. «Вой ўлмасам, болам, сизга нима бўлди, тинчликми?» деб сўрадилар саросимага тушиб. «Эҳ, холажон» дедим шунда кўз ёшларим шашқатор бўлиб. Шарифжон акам мени турмуш ўртоғим. Ўн йилдан буён бир ёстиққа бош қўйиб келаётган, жонимдан ортиқ кўрган эримни ўзим ёр-ёр айтиб, чимилдиққа киритиб келдим.

Гапларимни эшитган Хайрихон хола хангу манг бўлиб қолди. Ўша куни иккаламиз ҳам ухламай тонг оттирдик. Мен бошимдан ўтганларнинг ҳаммасини гапириб бердим. Шунда у аёл «Ҳақиқатан ҳам фидойилик қилибсиз, қизим. Худо сизга сабр-тоқат берсин. Мени айтди дерсиз, ҳали кўп яхши кунларни ҳам кўрасиз. Лекин, ишқилиб бу гаплар ҳозирча Холнисонинг қулоғига етмасин» дедилар.

Бироқ ойни этак билан ёпиб бўлармиди. Эртага куёв чиқди деган куни сир очилиб, қудахола «Кимё ҳеч қаёққа бормайди» деб оёқ тираб туриб олдилар. Тушунтирдим, ялиниб-ёлвордим. Қарасам бўлмайдиган. Шунда, менга қаранг хола, дедим, майли қизингиз қолаверсин, лекин Кимёхонни ёмон отлиқ қилиб кетамиз, ўзларинг шарманда бўласизлар. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Хайрият шундан кейин ён беришди.

Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолди. Хуллас, келинни эсон-омон уйга олиб келдик. Бахтимга

Кимёхон ақлли, ор-номусли қиз экан. Бирор ҳафта ўтгач, иккимиз ёлғиз қолганимизда бор гапни айтдим. Дарду ҳасратларимни эшитиб, «Опажон, ҳам-масига тушундим, сиз нима десангиз шу», – деди кўзидан дув ёш оқиб. Шундай қилиб, бир ҳовлида яшай бошладик. Орадан бир йил ўтмай, Кимёхон ўғил кўрди. Ўн йил ичида тўрт ўғил, икки қизлик бўлишди. Келишганимиздек фарзандлардан иккитасини – Собиржон билан Ферузахонни худди боламдек ўзим тарбия қилдим.

– Холажон, – деди Азизахон унга ҳайрат билан тикилиб, – кундош барибир кундош-да, қанақа чидагансиз?

– Оҳ қизгинам-е, – Меҳрихон бош чайқади, – албатта, менга осон бўлмаган. Дастлабки кунлар кечаси билан ухлолмай, илондай тўлғониб чиқардим. Лекин ноилож, сабр-тоқат қилганман. Лекин шундай йўл тутганимдан пушаймон бўлмаганман. Қизим Ферузани узатдим, Собиржон ҳозир алоҳида уй-жой қилиб, мен билан бирга туради. Тўрт неварам бор. Икки йил бўлди, чолим саксон икки ёшида дунёдан ўтдилар. Кимёхон билан эса қиёматли опа-сингилдаймиз. Балки ишонмассиз, шу пайтгача ҳали бирор марта санманга бормаганмиз.

... Азизахон уйга қайтаркан Меҳри холанинг нуроний чеҳраси кўз ўнгидан сира кетмади. «Қизиқ аёл экан», – ўйлади у. Кейин ногоҳ хаёлига, «агар Толибжон акам ўғил кўриш орзусида уйланмоқчи бўлиб, мендан розилик сўраса кўнармидим, деган фикр келди. Йўғ-е, нималар деяпман», деди ўз-ўзига юрагини ваҳима босиб. Қиёматдаям рози бўлмайман. Агар устимга хотин оладиган бўлса эримниям, ўша мегажинниям бўғиб ўлдириб қўйсам керак.

* * *

Соат тунги бирга яқинлашганда қимор ўйини авжига чиқди. Самад қўлидаги қартага яна бирров кўз югуртиргач, бир пачка икки юзталикни ўртага ташлади-да рўпарасида ўтирган Рауфга юзланди:

– Йигирма минг ўтдим, қайтди ўзингга.

Рауф ўйланиб қолди. Қартаси каттамикин. Ё мени қўрқитмоқчими. Ҳозир ўртада икки юз мингга яқин пул бор. Йўқ, чучварани хом санабсан. Мени аҳмоқ қилолмайсан.

– Хўп, мана – Рауф чўнтагидаги қолган бор пулини чиқарди. – Мен картамни очаман, ўттиз бир, катта бўлса олавер. – Ўттиз бир? – Самад худди ишонмаётгандек муғамбирона тикилди.

– Мана, ўзинг кўр. – Рауф қарталарини ёнмаён қўйгач, юраги гурсиллаб бир уюм бўлиб ётган пулларга қўлини чўзди. «Хайрият, бу сафар ютдим». – Ҳов йигит, шошманг – деди Самад беўхшов тиржайиб. – Яна қўлингиз куйиб қолмасин, биз-ники сал каттароқ.

– Нима!? – Ўттиз икки.

Самад қўлидаги қарталарини битталаб очиб ташлади. Уларни қолдириб, ўйиндан чиқиб турган шериклари «Уҳ» деб юборишди. Рауфнинг дами ичига тушиб кетди. У индамай ўрнидан турди-да стол устидаги аракдан пиёлага тўлдириб қуйиб, бир кўтарди. Кейин ўтирганларга юзланиб:

– Бўпти, мен қайтай энди – деди ўзини хотиржам кўрсатишга тиришиб. – Эрталаб ишга боришим керак. – Ўтирибсан-да, – ўртадаги пулларни олиб тахлаётган Самад қитиғлади. – Пулинг бўлмаса мана, бериб тураман.

– Йўқ, энди сизлар бемалол ўтираверинглар, чарчадим. Кайфияти бузилган Рауф машинасини дарвоза рўпарасида тўхтатгач, сигнал чалди.

– Қаердайдиз? – Мамлакатхон кўча эшикни қулфлаб, машинадан тушган эрининг олдига

келди. – Хавотир бўлиб ўтирибман.

– Энангникидайдим, очиқ мозордайдим, тушундингми? – Аламини кимдан олишини билмай турган Рауф хотинини узиб олди. – Нима ишинг бор сани?

Эрининг авзойи бузуқлигини сезган муштипар хотин индамай уйига кириб кетди.

Рауф кийимини алмаштириб, ҳаммомга ўтди. Илиқ сувда ярим соатча ювингач, негадир хотинининг ёнига киргиси келмади. Меҳмонхонага ўтиб, диванга чўзилди.

«Падарига лаънат, шу ўйинни бас қилишим керак» хаёлидан ўтказди у. Мана бугун ҳам юз эллик минг қулоғини ушлаб кетди. Қиморда омади йўқ экан ўзи. Тўғри, гоҳида ютган кунлари ҳам бўлган.

Лекин умуман айтганда шу бир йилнинг ичида битта машинанинг пулини бой берди. Ўтган ҳафта ҳоли қолишганда Толибжон тўғри гапирди. «Рауф, менга қара, мана ўғлинг ҳам кап-катта йигит бўлиб қолибди, – деди у насиҳатомуз. «Маишатни ҳам, улфатчиликни ҳам чегараси бор. Бундан кейин энди болаларнинг келажагини ўйлашинг керак. Ўзинг эшитяпсан, кўряпсан шаҳардаги баъзи амалдор, пулдор одамларнинг ўғиллари издан чиқиб кетиб қоляпти. Биласанми бу нимадан? Вақтида жиловидан тортмаганлигидан, назоратсиз қолдирганлигидан».

Рауф шуларни хаёлидан ўтказаркан ўтган ҳафта хотинининг «Расулжоннинг чўнтагидан сигарета топиб олдим. Ўнинчи синф бола ҳозирдан чекишга ўрганса, кейин нима бўлади?» деган гапи ёдига тушди. Тўғри у ўша куниёқ ўғли билан гаплашди. Аввалига урмоқчи бўлди.

Кейин бўйи-бўйи билан тенг бўлиб қолганини ўйлаб шаштидан қайтди. Дўқ-пўписа қилиб қўяқолди. Лекин ўзичи? Кунда-кунора улфатчилик, маишат.

Кейинги уч-тўрт ой ичида оила даврасида ўтириб, кечки овқатни биргаликда қачон қилганлигини эслолмайди. Яхшиям бахтига хотини қўйдек ювош, ундан қўрқади. Баъзи аёлларга ўхшаб изма-из пойлаб юрса нима қиларди.

Мана, Толибжон билан бирга ишлаётганига ҳам роса беш йил бўлди. Тўғри дастлабки пайтлари унинг ишончини қозониш, ўзини кўрсатиш учун жонини жабборга берди. Худога шукур янги жойга ўтиб кам бўлгани йўқ. Чоғроқ бўлса ҳам ҳовли-жой сотиб олди. Тагида машина.

Рауф янги ҳовлига кўчиб ўтгандан кейин улфатчилик, маишатни камайтираман, деб аҳд қилган эди. Йўқ, ўз-ўзига берган сўзининг уддасидан чиқолмади. Самадларнинг даврасига қўшилмаганда балки бунчалик издан чиқиб кетмасмиди.

Деҳқон бозорида қассобчилик қиладиган, бир гапириб, ўн куладиган чапани бу йигит билан у кимнингдир тўйида танишган эди. Бора-бора эса қадрдон бўлиб қолди. Кейинчалик Самад уни ҳафтада бир бўладиган ўтиришларига таклиф қилди.

Даврадагиларнинг аксарияти Рауф билан тенгқур, пулдор йигитлар эди. Табиатан гапдон, қўли очиқ бўлган Рауф улар билан тезда чиқишиб кетди. Тўғри, карта ўйинига у дастлаб шунчаки бир эрмак сифатида қараган эди. Аста-секин бу ўйин уни бутунлай домига тортди. Гоҳида бор пулини тушиб, Самаддан қарз бўлиб қолган кунлари ҳам бўлди.

Шунда, энди картани қўлимга ушламайман, деб ўз-ўзига сўз берар, лекин кейинги сафар даврага қандай қилиб қўшилиб кетганлигини сезмай қоларди.

Рауф диванда чўзилиб ётиб шуларни хаёлидан ўтказаркан, Толибжонни уч ойдан буён алдаб

келаётганлиги ёдига тушиб, юраги баттар сиқилди. Мана шунга ҳам лаънати қимор сабаб. Бир куни кутилмаганда Самад қарзини сўраб қолди. Нима қилиш керак, чўнтагида ортиқча пули йўқ. Шунда таваккал кейинроқ ўрнига қўйиб қўярман деди-ю уч юз минг сўмлик пайпоқни яширинча соттириб, пулини чўнтакка урди. Толибжонга эса, молни Тошкентлик эски мижозимиз Эсонали акага насияга бериб юбордим. Ўн-ўн беш кунда пулни олиб келиб беради, деб ёлғон гапирди. Мана шунга ҳам уч ой бўлди. Толибжон икки-уч марта сўради.

Худо кўрсатмасин агар сир очилиб қолса, тамом. Рауф хўжайинининг феълини яхши билади. Ишхонада бир минут ҳам ушлаб турмайди. Тўғри, янги иш бошлаган пайтлари Толибжонга панд бериш хаёлининг кўчасига ҳам келмаган. Топшириқларни сидқидилдан ҳалол бажарарди.

Ўтган йиллар давомида корхона иши билан Ўзбекистоннинг деярли барча йирик шаҳарларида бўлди. Толибжон унга худди ўзига ишонгандек ишонар, ундан кўнгли тўқ эди. Аниқроғи, у кейинги бир йил ичида ёмон айниди. Бунинг сабабини ўзи яхши билади. Ичкилик, маишат, қимор. Агар Толибжонга ўхшаб тўғри туриб, тўғри юрганда ҳозирги аҳволга тушиб ўтирмасди.

Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Рауф деворда осиғлиқ турган соатга қараб қўйгач, ўрнидан турди-да хотини ётган уйга – ётоқхонага кирди.

* * *

Толибжон идорага одатдагидан эрта келди. У креслога ўтириб, стол устидаги газеталардан бирини олиб шунчаки кўз югуртирди. Сўнгра, бугун Рауф билан юзма-юз, очиқчасига гаплашиши кераклигини ўйлаб боши қотди. Наҳотки, шунчаликка борган бўлса? Тўғри, кейинги

бир йил ичида жудаям ўзгариб қолганди ўзи. Корхона ишига илгаригидек жон куйдириш йўқ. Топшириқларни апил-тапил, қўл учида бажариб, тезроқ «қуён» бўлиш пайида бўларди. Бунинг устига ишга ҳам гоҳи-гоҳида кеч – чошгоҳга яқин келарди.

Шунда Толибжон унинг уйқусизликдан қизарган кўзларига қараб, кеча маишат зўр бўлганлигини пайқар, лекин юзига айтиб, хижолат қилгиси келмасди. Бироқ бора-бора чегарадан бутунлай чиқиб кетаётганлигини кўргач, бир эмас уч-тўрт марта ётиғи билан яхши гапирди, тўғри йўлга солмоқчи бўлди.

Рауф бу дўстона насиҳатлар, маслаҳатларга индамай бош эгиб қулоқ тутар, кейин, «гапинг тўғри, бемаъни улфатчиликларни бас қилишим керак, дерди, бироқ унинг иродаси бор-йўғи ўн-ўн беш кун, кўпи билан бир ойга етар эди. Яна ўша аҳвол.

Толибжон унинг ишга совуққонлик билан қараётганлигига тоқат қилиши, эс-ҳушини йиғиб олишга умид боғлаши мумкин эди. Лекин қинғирлик, алдамчилик йўлига ўтган бу одамни энди кечиролмасди.

Кеча узоқроқ қариндоши Кимсанбойнинг тўйида, наҳорги ошда тошкентлик тадбиркор, эски мижозларидан бири Мўминжон билан тасодифан кўришиб қолди. Гап орасида, Эсонали акага айтинг, бир учраб кетсин, деганда Мўминжон ҳайрон бўлиб, ие, хабарингиз йўқми, беш-олти ой бўлди, у киши автоҳалокатда нобуд бўлганлар деб қолди.

Толибжон, қанақасига, ахир уч ой олдин келиб биздан товар олиб кетишган экан-ку, демоқчи бўлди-ю, Рауфнинг нима учун пайсалга солаётганлигига тушуниб қолиб, тилини тийди. Узр, шунақами, яхши одам эди, худо раҳмат қилсин, деб қўяқолди.

... Шу пайт эшик оҳиста очилиб, Рауфнинг пайдо бўлиши Толибжоннинг хаёлини бўлди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом, ке, ўтир. – Толибжон унинг шишинқираган қовоқларига тикилди. «Кеча ҳам яхшигина бўлганга ўхшайди. Атирни ҳам роса сепибди. Бу кетишда қиёматда ҳам одам бўлмайди. Гапни нимадан бошласам экан».

– Эсонали акага телефон қилдингми? – Хаёлини тўплаб олган Толибжон ўсмоқчилади. – Шу пайтгача ҳам олиб келиб бермайдими?

– Ўтган ҳафта айтгизиб юборганман, келиб қолар. – Рауф чайналди. – Неча ой бўлди ўзи?

– Уч ойдан ўтди. – Гўрдан тирилиб чиқиб, сен билан олди-берди қилиб кетибдида-а?

– Бу нима деганинг? – Рауфнинг ранги оқарди.

– Менга қара – Толибжон унинг кўзларига қаттиқ тикилди. – Эсонали аканинг аварияга учраб, ўлганига олти ой бўлибди, тушундингми энди?

Рауфнинг дами ичига тушиб кетди.

– Шунақа, қинғир ишнинг барибир қийиғи чиқади. – Толибжон таассуф билан бош чайқади. – Пул керак экан очиғини айтавермайсанми, ёлғончилик, муттаҳамлик йўлига ўтишнинг нима кераги бор эди? Бундан буён қандай қилиб мен сенга ишонаман.

Тамом, бу гапи билан, сенга энди жавоб, бирга ишлолмаймиз, демоқчи. Лекин аввал пулни ўрнига қўйиб қўй, деса нима қиламан. Рауф шуларни хаёлидан ўтказаркан, ичидан зил кетган бўлса ҳам сир бой бергиси келмади.

– Бўпти, тушундим гапингга, хотиржам бўл, уч юз минг менинг бўйнимда қочиб кетмайман, тўлайман. У шундай дегач, ўрнидан оғир қўзғалдида хонадан чиқиб кетди. «Отдан тушсаям, эгардан тушмайди». Толибжон-нинг ғаши келди. «Бу одам билан бирга ишлаб бўлмайди, гапиришниям фойдаси йўқ».

* * *

Орадан бир йил ўтди. Рауф шу кетганича қорасини кўрсатмади, бўйнидаги қарзини ҳам олиб келиб бермади. Лекин шаҳар кичкина. Толибжон таниш-билишларидан Рауфнинг ичкиликка берилиб кетганлигини, ҳеч қаерда ишламаётганлигини, машинасиниям сотганлигини эшитди. Шунда қалбини қандайдир ачиниш ҳисси чулғади, негадир ўзини бир оз гуноҳкордек сезди. «Ишхонага қайтариб олиб келганимда балки ўзини ўнглаб олармиди? – ўйлади у. Ҳар ҳолда беш йил бирга ишладик. Ҳалиям бўлса бир гаплашиб кўрсаммикан?

Шундай хаёлга бориб юрган кунларнинг бирида Рауфнинг ўзи кутилмаганда идорага кириб келди.

У Толибжон билан сўрашиб диванга ястаниб ўтираркан:

– Ёрдаминг керак бўлиб қолди, –деди томдан тараша тушгандек.

– Тинчликми?

– Қарз бериб тур.

– Қанча?.

– Юз минг.

Толибжон унинг анчадан буён дазмол тегмаган, униққан шимига, бўғриққан заҳил юзига зимдан тикилди. «Адои тамом бўлибди-ку. Эрталабдан отволганга ўхшайди. Тавба, гўё унга ўтқазиб қўйгандек дағаллик билан пул талаб қилишинича? Ўзини худди қарз сўрабмас, қарзини талаб қилиб келган одамдек тутади-я». Толибжон шуларни хаёлидан ўтказаркан бирдан ғаши келди.

– Ҳозир иложим йўқ, – деди совуққонлик билан.

– Иложим йўқ? Сени иложинг йўқми? – Рауф заҳархандалик билан тиржайди. Кейин Толибжонга кўзини лўқ қилди.

– Беш йил бирга ишладик. Корхона кўрган даромадда мениям ҳиссам бордир?

– Ишлаган бўлсанг ҳақингни ортиғи билан олгансан. Рауфнинг сурбетлиги Толибжоннинг жаҳлини чиқарди. – Эсингдами, кетаётиб уч юз минг менинг бўйнимда, тўлайман дегандинг? Кечдим ўша пулдан, тушундингми? Бўлди энди, вақтимни олма.

– Ҳайдаяпсанми? – Рауф ўрнидан турди. – Хўп тавба қилдик, – деди киноя билан. Сўнгра эшикни очаркан орқага ўгирилди. – Ҳовлиқма, ҳали сен билан бир ҳисоб-китоб қилишим бор.

Ҳайвон! Толибжон ёлғиз қолгач, миясида оғриқ сезди. Инсонийлик қиёфасидан бутунлай чиқиб кетган экан-ку. Мен аҳмоқ унга ачиниб ўтирибман-а, баттар бўлмайсанми.

Шу пайт телефон жиринглади. «Алло, Аҳрор, ассалому алайкум». Толибжоннинг чеҳраси ёришди. «Ўзим бугун сенга қўнғироқ қилмоқчийдим. Ҳа ўйлаб кўрдим. Бораман Тошкентга. Душанбадан. Айтганча квартирани ҳам суриштириб қўй. Яхши, хўп саломат бўл, душанба куни кўришамиз».

Толибжон гўшакни қўйгач, бир муддат хаёлга толди. «Олинаётган даромаднинг асосий қисми солиқ, электр ва шунга ўхшаш тўловларга кетиб қоляпти. Умуман олганда корхонанинг иши илгаригидек эмас. Бунинг сабаблари эса унга яхши маълум. Янги иш бошлаган пайтлари корхонаси шаҳарда ягона эди.

Кейинги йилларда эса унга ўхшаган ишбилармон, тадбиркорлар кўпайди. Натижада, рақобат кучайди. Бу табиий ҳол, энг ёмони шаҳарда уйига станок ўрнатиб, яширинча пайпоқ ишлаб чиқараётганлар ҳам кам эмас. Улар давлатга солиқ тўлашмайди. Шундай бўлгач, мижозларига маҳсулотларини арзон нархда беришади. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилаётган товарларнинг туриб қолишига сабаб бўлаяпти».

... Толибжон Аҳрор билан йўлда, ҳарбий

хизматга кетаётиб, поездда танишиб қолган эди. Фалакнинг гардиши билан иккаласи битта ротага тушиб қолишди. Икки йил давомида эса очиқ кўнгил, хушчақчақ тошкентлик бу йигит билан худди туғишгандек қадрдон бўлиб қолди. Шу боис хизматни тугатиб келгандан кейин ҳам телефонлашиб, борди-келди қилиб туришди. Лекин кейинги беш-олти йил ичида оила, корхона ташвиши билан бўлибми, алоқалари деярли узилиб қолганди.

Бундан бир ой олдин Зоминда дам олиб, даволаниб, машинасида уйига қайтаётган Толибжон Тошкентнинг Чорсу майдонини айланиб ўтиб чорраҳада, светофорнинг қизил чироғи рўпарасида тўхтади. Шунда ёнгинасига келиб тўхтаган «Нексия» ҳайдовчиси билан беихтиёр кўзлари-кўзларига тушди. «Ие, Аҳрор-ку». Дўстининг ҳам бирдан чеҳраси ёришиб кетди. Светофорнинг яшил чироғи ёниши билан улар машиналарини йўл четига олиб тўхтатишгач, қучоқлашиб кетишди. Кейин биргаликда анҳор бўйидаги ошхонага боришди.

– Кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди, – деди Аҳрор рўбара ўтиришгач, самимий тикилиб. – Ўзгарибсан, сочинггаям оқ оралабди. Ишларинг яхшими? Пайпоқ, калготкиларни чиқариб ётибсанми?..

– Ҳа энди, баҳоли қудрат. Ўзинг-чи? Ҳалиям банкдамисан?

– Йўқ у ердан кетдим. Икки йил бўлди, каттароқ ишни бошлаб қўйганман. Россия билан қўшма корхона очганмиз. Асосан электр жиҳозлари ишлаб чиқаряпмиз. Яхши бўлаяпти.

Аҳрор шундай дегач:

– Биласанми? – деди Толибжоннинг кўзларига тикилиб. Кечагина хаёлимдан ўтган эдинг. Корхона қошида пайпоқ, калготки ишлаб чиқарадиган цех ҳам очмоқчимиз. Сенинг тажрибанг бор.

Тошкентга келмайсанми, бирга ишлардик.

– Билмадим, ўйлаб кўриш керак. Балки бу ерда яхши бўлар. Гапнинг тўғриси ишларим илгаригидекмас. – Менга қара. – Толибжоннинг мойиллигини сезган Аҳрор астойдил тушунтиришга ўтди. Пойтахт барибир пойтахтда. Айтиб қўяй, келсанг пушаймон бўлмайсан. Ишинг юрмаётган бўлса цехларингни беркит. Ёки ишончлироқ одаминг бўлса вақтинча топшир.

...Улар биргаликда овқатланиб бўлишгач, дўсти Толибжонга юзланди.

– Хўп, энди бугун Қўқонга кетиш йўқ. Ҳозир тўғри уйга борамиз. Бир мириқиб гаплашайлик.

– Раҳмат, борай. Гапнинг тўғриси қизларимни жуда соғиндим. – Аясини-чи? Аҳрор муғамбирона кулди. Толибжон индамади.

– Бўлмаса гап шу. Ўйлаб кўриб, менга албатта телефон қилгин. Аҳрор шундай дегач, уни Қўйлиққача кузатиб қўйди.

... Толибжоннинг Тошкентга боришга қарор қилганлигининг боиси иши юришмаётганлигида эмас, асосий сабаби бошқа эди. Февраль ойининг бошларида у грипп билан оғриб қолди. Икки кун ётиб, бир оз енгил тортиши билан ишга чиқиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтгач, соғайиб кетгандек бўлди-ю, лекин йўтали тўхтамади. Аксига олиб ўша кунлари иш билан Қозоғистонга боришига тўғри келиб қолди.

Ўша ерда қайта шамоллаб, уйига зўрға етиб келди. Ҳароратини ўлчаб кўришса, қирққа кўтарилиб кетибди. «Тез ёрдам» чақиришди. Уни яхшилаб кўздан кечирган врач шу бугундан касалхонага ётиши кераклигини айтди. Лекин Толибжон «Ана, ён қўшнимиз Хуршидахон ҳамшира, нима керак бўлса ёзиб бераверинг, уйда даволанавераман», – деб кўнмади.

Лекин врачнинг айтганларини қилиб ўн беш кун уйда ётди. Шундан кейин у бутунлай соғайиб

кетдим, деб ўйлаганди. Бироқ орадан уч-тўрт ой ўтгач, саломатлиги илгаригидек эмаслигини, гоҳи-гоҳида нафас олиши оғирлашаётганлигини сезди. Зомингa ҳам врачларнинг тавсияси билан даволангани борган эди.

Дарҳақиқат, тоғ ҳавоси унга ёқди. Қўқонга қайтаркан ўзини қушдек енгил сезди. Лекин уйига келган куниёқ таъби хуфтон бўлди. Тўғрироғи кечқурун ҳобгоҳда хотини унга унча рўйихушлик бермади. Айниқса, Азизанинг «Бутунлай соғайиб кетибсизми, дўхтирлар нима дейишди», – деган гапи Толибжонга оғир ботди. «Қўрқманг, касалим сиз ўйлаётганмас», – деди хотинига ёмонроқ гап айтиб юборишдан ўзини зўрға тийиб. «Вой, мен бир нарса деяпманми?».

Азиза гапи эрига оғир ботганлигини сезиб, ўзини оқлашга уринди. Лекин кўнгил ойнаси дарз кетган Толибжон тескари ўгирилди. «Бефаросат, ҳай-вон».

У гоҳи-гоҳида оилавий бўлиб яқин қадрдонлариникига боришганда эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларини, бир-бирларига муомалаларини кўриб ҳавас қиларди. Лекин Азиза-чи? Молпарастлик, худбинлик, калондимоғлик унда қаердан пайдо бўлди? Кейинги беш-олти йил ичида у билан дилдан яйраб гаплашганлигини эслолмайди.

Толибжон Аҳрорнинг бирга ишлаш ҳақидаги таклифини эшитганда хотиним барибир рози бўлмайди деб ўйлаганди. Лекин Азиза қаршилик қилмади. Аксинча «Тошкентда бу ердан ях-ши топасизми?» – деб сўради.

Бу гапдан Толибжоннинг ғаши келди. «Унга қолса очиқ мозорга бормайманми, кўпроқ пул топсам бўлди. Худо кўрсатмасин агар бир-икки йил бир жойда ётиб қолсам кўчага олиб чиқиб ташлашдан ҳам тоймайди бу хотин. Минг лаънат». У шуларни хаёлидан ўтказаркан қатъий бир қарорга келди. «Кетаман Тошкентга. Бир-икки

йил ишлаб кўрайчи. Уйдан, қизларимдан хабар олгани ойда бир-икки марта келиб тураверaман, машинада уч соатлик йўл».

* * *

Баҳорнинг биринчи куни. Тонг шаббодаси энди қишдагидек юзларни чимчиламайди. Довдарахтлардаги хиёл бўртган куртаклар худди янги туғилган митти чақалоқларнинг мунчоқ кўзларидек оламга ҳайрат билан боқади. Бутун борликда кўклам нафаси.

... Машинани ўртача тезликда бошқариб бораётган Толибжон чорраҳани айланиб ўтиб, ишхона томонга бурилган ҳам эдики, бир аёл қўл кўтарди. «Идорадаги танишларданмикин». У шундай хаёлга борди-ю йўл четига ўтиб тўхтади.

– Қўйлиқ томонгами? Орқа эшикни очган ёшгина аёл хижолатомуз жилмайди. Толибжоннинг унга кўзи тушиши билан юраги жиғ этди.

– Ўтиринг, ҳа ўша ёққа. «Ё тавба, одам одамга шунақаям ўхшайдими». У рўпарасидаги ойнакдан орқага ўғиринча қаради. «Ҳилоланинг ўзи-я. Қош-кўзлари, юз тузилишлари, худди қуйиб қўйгандек. Фақат Ҳилола қорача эди. Бу аёл сутга чайилгандек оппоқ, тиниқ. Исмини сўрасаммикин? Йўғ-е, қанақанги шилқим одам экан деб нотўғри хаёлга бориб ўтирмасин».

Улар тахминан ўн-ўн беш дақиқа юришгач, аёл машинани тўхтатди.

– Ҳайрият, ишдан кеч қолмадим. У шундай дегач, бир дона икки юзталик узатди.

– Янаги сафар кўпайтириб берасиз. Толибжон кулди. Аёл ҳайдовчининг киракашлардан эмаслигини сезиб дув қизарди.

– Кечирасиз, раҳмат, яхши боринг.

У ўша куни кўтаринки кайфиятда юрди. Толибжон аёлнинг маъсум, мулойим чеҳрасини

кўз ўнгига келтираркан, лоқал исмини сўрасам бўларкан деб афсусланди. Ўшандан кейин эса ҳар куни ишга келаётиб бекатда турган йўловчиларга кўз югуртириб ўтадиган бўлди. Лекин ўша таниш чеҳрани учратолмади. Кейинчалик бу воқеа хаёлидан кўтарилди.

У Бироқ бу дунё тасодифларга тўла. Бир куни эрталаб Толибжоннинг кўзи беихтиёр чорраҳа яқинидаги йўл ёқасида турган ўша аёлга тушди-ю, юраги гурсиллаб кетди. У машинасини четроққа олиб тормоз берди. Сўнгра орқага тисарилиб таниш «йўловчи»нинг рўпарасида тўхтади. Аёл кимгайкин деган хаёлда ён-атрофига қаради. Шунда Толибжон машинадан чаққон тушиб аёлнинг ёнига яқинлашди.

– Яхшимисиз, ишгами, ўтиринг ташлаб ўтаман.

– Йўқ, раҳмат, ҳозир маршрут келиб қолади.

– Танимадингиз-а. Толибжон ўзини худди эски қадрдонлардек тутишга уринди.

– Эслолмаяпман. Аёл майин табассум қилди.

– Бундан бир ойча олдин мен билан бирга кетган эдингиз. Толибжон шундай деди-ю ичида ўзини сўкди. «Кетган бўлса нима бўлибди. Йўқ эслолмадим деб шартта бурилиб жўнаворса нима деган одам бўламан. Аҳмоқман».

Лекин аёл ундай қилмади. Бир лаҳза қошини чимирди-да, «Ёдимга тушди» дегандек ширин жилмайиб бош ирғади.

– Ўтиринг, барибир сиз кетаётган томонга бораман. Толибжон шундай дегач, машинанинг орқа эшигини очди.

– Ўша куни ишдан кечга қолаётган эдим. Машина жойидан қўзғалгач, биринчи бўлиб аёл гап бошлади. – Уйимизга Самарқанддан меҳмонлар келган эди. Уларга нонушта тайёрлагунимча вақт кетиб қолибди. Шунинг учун биринчи учраган енгил машинага қўл кўтаргандим. Хотирангиз кучли экан.

– Йўқ адашдингиз. Аксинча, паришонхотирроқман. Лекин негадир сизни яхши эслаб қолган эканман.

У шундай дея орқага ўгирилиб қараб қўйгач:

– Мана энди иккинчи марта учрашиб турибмиз – деди кулиб. Ўтган сафар машинадан тушиб кетганингиздан кейин лоақал исмингизни сўрамаганимга афсусланган эдим.

– Исмим... Ҳуррият.

– Меники Толибжон. Ана танишиб ҳам олдик. Қаерда ишлайсиз?

– Болалар поликлиникасида.

Улар бир оз юришгач:

– Ана ишхонамга етиб келдик, – деди аёл ўтган сафар тушиб қолган жойига яқинлашганда.

– Агар ичкарироқда бўлса бемалол, ташлаб қўяверaман. Толибжоннинг ундан ажрагиси келмади. – Йўқ раҳмат, бу ёғи пиёда беш минутлик йўл. Аёл машинадан тушиб қоларкан, яна бир бор майин табассум ҳадя этди.

«Ҳуррият». Камёб исм экан. Қўқонда бу ном қулоғига чалинганлигини эслолмайди. Ёши тахминан ўттизлар атрофида бўлса керак. Албатта эри, фарзандлари бордир. Бўлмаса-чи, шундай келишган, гўзал аёл оиласиз бўладими?.

Унинг Тошкентга келганига ҳам ҳаш-паш дегунча мана олти ой бўлибди. Толибжон иш бошлагандан кейин орадан ўн кун ўтгач, Юнусобод мавзесидан икки хонали уй сотиб олди. Дарҳақиқат, у Аҳрор айтганидек пойтахтга келганидан пушаймон бўлмади. Яна бир яхши томони, бу ернинг ҳавоси унга ёқди. Нафас олиши енгиллашиб, бир оз тўлишди. Яқинда уйга борганда катта қизи Диловар ҳам «дада, Тошкент сизга ёқибди, ёшариб кетибсиз», – деди. Хотини эса унга ғалати қараб «дадангга маззада, эркин қуш, юрибди ялло қилиб», дея киноя қилди. Толибжон индамай кулиб қўяқолди.

Шундай хаёллар билан ишхонага етиб келган Толибжон хонасига кириб, креслога ўтирган ҳам эдики, эшик очилиб корхона раҳбари, дўсти Аҳрор пайдо бўлди.

– Кеча хаёлимдан кўтарилибди, – деди у. Толибжон билан қўл бериб сўрашгач. – Идорада йўқлигингда Қўқондан уканг Тоҳиржон телефон қилди. Тоғанг ўғилларини уйлашмоқчи экан. Мана шу келаётган шанбага тўй деди.

– Яхши, ундай бўлса сен ҳам мен билан бирга бор. Кўнгил ёзиб келамиз.

– Иложим йўқ. Аҳрор бош чайқади. Иш кўп, шароитни ўзинг кўриб турибсан. Бошқа сафар. Лекин сен бемалол бориб уч-тўрт кун тур, ҳар ҳолда яқин қариндош, тоғанг эканлар.

Толибжон Қўқонда юрган кунларида ҳам негадир Ҳурриятнинг мулойим чеҳраси, кулиб турган қуралай кўзлари хаёлидан кетмади. «Наҳотки, яхши кўриб қолган бўлсам». Хаёлига ногоҳон келган бу фикрдан Толибжоннинг кулгиси қистади. «Эрта-индин қизимни узатиб, неваралик бўладиган пайтимда-я. Йўғ-е, шайтонга ҳай бериш керак. Хўп ана оиласи йўқ, турмушидан ажраган, – деб фараз ҳам қилайлик. Ўшанда-ям барибир унга уйланолмайман-ку. Жазман бўлишга кўнадиган аёлга эса сира ўхшамайди. Мабодо кўнган тақдирдаям умримда қилмаган ишга, зинога, гуноҳга қўл ураманми? Йўқ яхшиси эсдан чиқариш, унутиш керак уни».

Толибжон Тошкентга қайтиб келгандан кейин Ҳурриятни хаёлидан бутунлай чиқаришга, уни ўйламасликка ҳаракат қилди. Лекин барибир ҳар куни эрталаб ишга келаётиб тасодифан учраб қолсайди, яна бир бор кўрсайдим деган ўй-фикр миясида тинмай чарх урар, талпинаётган нотовон кўнглини жиловлай олмай қийналарди.

Бир куни соат тўртларга яқин атайлаб уйга эртароқ қайтди. У хаёлида пишитиб борган режасини

ўйлаб борар экан Ҳуррият тушиб қолган жойга яқинлашганда, тахминан эллик метрлар чамаси берида машинасини тўхтатди. «Шу ерда озгина кутайчи, балки ҳали ишдан қайтмагандир». У ҳардамхаёллик билан ярим соатча кутди. «Йўқ эртароқ кетганга ўхшайди». Кўнглига ғашлик чўккан Толибжон жўнамоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ўттиз метрлар чамаси нарида йўлни кесиб ўтаётган таниш аёлга кўзи тушди. «Ҳайрият». У машинасини оҳиста юргазиб, Ҳурриятдан уч-тўрт қадам берида тўхтади. Аёлни кўзи унга тушиши билан бир лаҳза ҳайрон бўлиб қаради-ю, кейин чеҳрасига табассум югурди. Оҳиста келиб орқа эшикни очди.

– Ассалому алайкум, Толибжон ака.

– Ваалайкум ассалом, ўтиринг.

Аёл ўриндиқдан жой олгач:

– Кечирасиз аввалига танимабман, – деди узрли оҳангда. Ишдан келяпсизми?

– Ҳа, бугун эртароқ қайтяпман.

Толибжон шундай дегач, гапни нимадан бошлаш кераклигини билмай тараддудланиб қолди.

– Сиз тошкентлик эмассиз, водийдан бўлсангиз керак, топдимми? Аёлнинг саволи Толибжоннинг қулфи-дилини очди.

– Тўғри, Фарғонадан, аниқроғи қўқонликман, – деди, Ҳуррият ўгирилиб қараб қўйгач. – Қаердан билдингиз? Машинанинг рақамидан-ми?

– Рақамига эътибор берганим йўқ. Аёл шундай дегач, сирли жилмайди. – Талаффузингиздан, шевангиздан. Толибжон «топқир экансиз» деган-дек бош ирғаб қўйгач, секин гап бошлади.

– Тошкентга яқинда келганман, олти ой бўлди. Қўйлиқ томонда «Ҳумо» деган қўшма корхона бор. Ўша ерда ишлайман. Юнусободда, «дом»да тураман.

– Оилангиз билан бутунлай кўчиб келдингиз-

ми?.

– Йўқ, ҳозирча ўзим.

Толибжон шундай дейишга деди-ю, бирдан гапидан пушаймон бўлди. «Ўзига хон, учраган аёлга қармоқ ташлайдиган йигитлардан экан-да», – деб ўйласа-я. У шуларни хаёлидан ўтказаркан қўшимча қилди.

– Катта қизим ўтган йили институтга кирган. Қолаверса, улар ҳовлида яшаб ўрганишган, «дом»да туриша олмайди. Ҳали ўзим ҳам бу ерда яшаб қолишга қарор қилганим йўқ. Уч-тўрт йил ишлаб, балки яна қайтиб кетарман. Ўзингиз қаерда турасизлар.

– Бодомзорда. Телеминоранинг шундоққина рўпарасидаги кўчада, ҳовлида яшаймиз.

Шунда Толибжон манзилга яқинлашиб қолганлигини ўйлаб тараддудланиб қолди. «Нима қилсам экан. Таклифимга рози бўлармикан». У машина тезлигини бир оз пасайтириб, рўпарасидаги ойнадан Ҳурриятга бир қараб қўйди-да, таваккал қилди.

– Бир гап айтсам мени тўғри тушунасизми?

– Яхши гапми? Аёл шўх оҳангда сўради.

– Биласизми, агар вақтингиз бемалол бўлса бирор жойга бориб, ярим соатгина бирга ўтирсак.

Ҳуррият бир лаҳза жим қолди. Сўнгра узрли оҳангда.

– Мен сизни тўғри тушундим. Лекин ойимлар ишдан вақтида келишимга ўрганиб қолишган, – деди. – Хавотир бўлишади.

Толибжон аёлнинг иккиланаётганлигини сезиб, машинани йўл четига олиб тўхтатди-да, астойдил қисташга ўтди.

– Айтяпман-ку, вақтингизни кўп олмайман. Хўп денг, ярим соатга.

– Майли, лекин айтганингиздек ярим соатга.

Боши осмонга етган Толибжон машинасини Амир Темур хиёбони яқинидаги кафе олдида

тўхтатди. Улар четроқдаги стуллардан бирига ўтиришгач, овқат буюришди.

– Ана энди менга оилангиз, фарзандларингиз ҳақида батафсилроқ гапириб беринг. Ҳуррият Толибжонга чой қуйиб узатаркан муғамбирона тикилди.

– Икки қизим бор. Ҳали айтганимдек каттаси институтда ўқийди. Уларни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Хотиним илгари боғчада тарбиячи эди. Ҳозир «дома хозяйка». Хўп, яна нима десам экан...

– Бошқа фарзанд кўришни хоҳламаганмисизлар? Ҳуррият «ўғлингиз ҳам бўлишини истамаганмисиз» деёлмади.

– Нима демоқчи бўлаётганлигизни тушундим. Толибжон маъюс жилмайди. – Хоҳлаганман. Айниқса, ҳеч бўлмаса битта ўғиллик бўлишни. Лекин иккинчи қизим туғилаётганда онаси бир ўлиб тирилди. Шундан кейин врачлар энди ҳомиладор бўлиш умуман мумкинмас дейишди.

– Нимага?

– Буйраги касалмиш.

– Тушунаман. Ҳуррият тасдиқ ишорасини қилди. Кейин Толибжонга далда берди. – Мана, иккита қизингиз бор экан. Яхши жойларга узатсангиз, куёв ҳам ўғилда.

– Энди ўзларидан сўрасак, – деди Толибжон кулиб туриб. – Ўғил-қизлардан нечта.

Ҳуррият бирдан маъюс тортди.

– Болалардан йўқ ҳали.

У берган саволидан пушаймон бўлди. «Наҳотки, шундай аёл бефарзанд. Ё шу пайтгача турмушга чиқмаганмикин? Йўғ-е, бўлиши мумкинмас».

– Икки йил бўлди, эрим билан ажрашганмиз. У шундай дегач, бир муддат сукут сақлаб турди-да, сўзида давом этди. – Оилада уч қизмиз. Акаукаларим йўқ. Институтни битириш арафасида турмушга узатишди. Хўжайиним гастрономда ишлардилар. Олти йил бирга яшадик. Лекин

фарзанд кўрмадик. Ўзим врач бўлганим учун яхши тушунаман. Сиз ҳам дўхтирга учранг деб, у кишига кўп ялиндим. Бироқ қайсарлик қилиб кўнмадилар унинг устига қайнонам бадфеълроқ аёл эдилар. Менга кун бермай қўйишди. Хуллас, рўзғоримиз бўлмади.

Толибжон унинг гапларини тингларкан, боши очиқлигини билиб негадир аввалига хурсанд бўлди. Кейин ўз-ўзини сўкди. «Шунақаям худбин, аҳмоқ бўламан-ми? Нима учун қувонишим керак? Гулдек покиза бу аёл оиласи билан тинч-тотув яшаб, фарзандли бўлиб кетгани яхши эди-ку».

– Ҳали жуда ёшсиз. Албатта, бахтингизни топиб, фарзандли бўлиб кетасиз. Толибжон хаёлидаги бадбин фикрларни қувиб, унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

– Хўп, энди турайлик, анча ўтириб қолдик, – деди Ҳуррият соатига қараб қўйгач, жилмайиб.

– Майли. Лекин битта шартим бор. Толибжон унинг кўзларига тикилди.

– Қанақанги шарт?

– Мана ўзингиз билдингиз, шаҳрингизда мусофирман, – деди у хазил-мутойиба оҳангида. Бу ерда дўстларим бор, лекин аёллардан умуман танишим йўқ. Шунинг учун гоҳи-гоҳида мана шу бугунгидек дўстона учрашиб, суҳбатлашиб турайлик, майлими.

– Йўлимиз бир экан. Мана, тасодифан кўришиб турибмиз-ку.

– Хўп, ундай бўлса мен ҳар куни эрталаб сиз автобусга чиқадиган бекат ёнида кутаман, бирга кетамиз.

– Йўғ-е, нималар деяпсиз? Ҳуррият хавотирлик билан бош чайқади. Маҳалламиздагилардан бирортаси кўриб қолса яхшимас. Ундан кейин дадамниям аччиқлари чиқади. Гоҳида тасодифан кўришиб қолсак бошқа гап. Лекин атайлаб мени кутадиган бўлсангиз, йўқ. Лекин илтимос, мени

тўғри тушунинг.

... Шундан кейин Толибжон ҳафтада икки-уч марта эрталаб ишга кетаётиб, Ҳуррият билан «тасодифан» учрашиб қолар, мени хижолат қиляпсиз, ноқулай бўляпти дейишга қарамай уни поликлиникага ташлаб ўтадиган бўлди. Гоҳида эса ишдан кейин бирор хилватроқ жойдаги кафе ёки ресторанда ўтириб, суҳбатлашишар, ўша куни Толибжоннинг кайфияти кўтарилиб ўзини енгил сезарди.

... Орадан уч ой ўтди. Шу қисқа вақт ичида Ҳурриятнинг қалб мусаффолиги, латофати, одоби Толибжонни бутунлай ўзига ром этди. У гоҳи-гоҳида кечалари уйқуси қочиб маъсума бир аёлни хотинининг феъл-атвори билан таққосларди. Йўқ, осмон билан ерча фарқи бор. Ҳурриятда аксарият аёлларда бўладиган молпарастлик, худбинлик иллатларидан асар ҳам йўқ эди. Шу боис у билан ҳар сафар кўришганда Ҳилолага ошиқу беқарор бўлиб юрган пайтларидаги ажиб бир ҳолатни бошидан кечирар, лекин унга етишиш ойни қўл билан олишни истагандек ушалмас орзу эканлигини ўйлаб, юрак-бағри ўртанарди.

Бир куни... май ойининг охирлари эди. Улар анҳор бўйида, мажнунтоллар соя ташлаб турган ўриндиқларнинг бирида анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Кетиш олдидан эса:

– Бугун сиздан катта бир илтимосим бор, – деди аёл худди видолашаётгандек ғалати термилиб.

– Нима гап, тинчликми? – Толибжон хавотирга тушди.

– Фақат йўқ демайсиз.

– Аввал айтинг-чи?

– Илтимос, энди бошқа кўришмайлик. – Ҳуррият шундай дегач, бирдан кўзлари ёшланди.

– Бу нима деганингиз? Мен сизни ҳафа қиладиган бирор гап айтдимми?

– Йўқ. – Аёл кўзида ёш билан жилмайишга

ҳаракат қилди. – Биласизми? Мен сизга ўрганиб қоляпман. Кейинчалик қийналаман. Иложи йўқ-ку барибир. Шунинг учун учрашмаганимиз яхши.

Толибжоннинг юраги севинчдан гурсиллаб кетди. «Наҳотки, бу аёл уни яхши кўриб қолаётган бўлса?! Тўғри Ҳурриият билан танишгандан буён шу пайтгача бирор оғиз унга ножўя гапиргани йўқ. Кўнглига ёмон фикр келмасин деган хавотирда бир мартаям уйига таклиф қилмади, ранжитиб қўйишдан кўрқди. Лекин кечалари унга етишишнинг минг битта йўлларини ўйлаб кўрар, бироқ режаларининг ҳаммаси ўзига бачканадек, беманидек туюлаверарди. Мана энди эса ёлғиз ўзимас, унинг ҳам азоб чекаётганлигини тушуниб нима деб жавоб беришини билмай қолди».

У биринчи марта аёлнинг қўлларини ушлади.

– Ҳурриятхон мен сизга аллақачон ўрганиб қолиб бўлганман. Унақанги гапларни айтманг.

– Ҳаммасини ўзингиз яхши тушунасиз-ку. Аёлнинг кўзларидан дув ёш оқди. – Хотинингиз, қизларингиз бор ахир.

– Тўғри оилам бор. Толибжон шундай дегач, Ҳурриятнинг кўзларига тикилди. – Лекин биласизми, хотиним билан яшаш кейинги йилларда бутунлай азоб-уқубатга айланган. Мен ҳам инсонман, кўнглимга яқин одам билан гаплашгим, дардлашгим келади. Дунёга икки марта келмайман-ку. Ҳамхона бўлган одам сизни умуман тушунмаса, гапингиз-гапингизга тўғри келмаса, бу ҳақиқий фожиа экан. Тўғри, хотинимнинг ташқи кўринишида ҳеч қандай нуқсони йўқ. Ростмана аёл. Лекин гап бундамас. Тошкентга келиб қолганлигимнинг асосий сабаби ҳам шу. Бўлмаса ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Қўқондаги ишларим ҳам ёмон эмас эди.

Толибжон бир муддат сукут сақлаб тургач, чуқур нафас олиб, сўзида давом этди.

– Тан олишим керак. Ёш йигит эмасман энди.

Бу йил қирқ бешга тўлдим. Шунинг учун балки бу гапларим сизга эриш туюлар. Ҳеч қачон ўзимни ҳозиргидек бахтиёр ҳис қилмаганман, ишонасизми?

– Ишонаман, лекин...

– Бўлмаса менга қаранг. – Толибжон Ҳурриятнинг қўлларини маҳкамроқ қисди. – Фақат ростини айтинг. Агар уйдагиларингиз қаршилик қилишмаса мен билан бирга яшашга рози бўлармидингиз?

– Нималар деяпсиз? – Аёл қўрқув билан кўзларини катта очди. – Қиёматдаям кўнишмас. Ахир қандай қилиб?

– Мени суд орқали ажрашгани йўқ, лекин хотини билан яшамас экан десангиз-чи.

– Йўқ бўлмайди. – Ҳуррият шундай деб соатига қараб қўйгач, шошиб ўрнидан турди. – Ие, кечга қолдим кетайлик, хавотир бўлишади.

– Яна бир дақиқа шошманг. – Толибжон унинг елкаларидан ушлади. – Онангизга айтолмасангиз опангиз билан маслаҳат қилиб кўринг. Бугун жумами? Душанба куни ишдан қайтишингизда поликлиникага ўтаман.

* * *

Ўша куни Ҳуррият тонггача тўлғониб чиқди. «Нима бўлаяпти менга ўзи, эсимни еб қўйяпман шекилли. Ойимга-ку бу ҳақда ҳеч қачон айтолмаймн. Опам-чи, нима деркин? Келиб-келиб оилали одамни яхши кўрасанми? Жинни бўпсан демайдими?».

Тўғри, дастлабки пайтларда кўнглида у одамга нисбатан ҳозиргидек туйғу йўқ эди. Лекин бора-бора Толибжондаги самимийлик, юз-кўзларида акс этиб турган меҳр, оққўнгиллик Ҳурриятни ўзига торта бошлади. Агар у йигит чегарадан чиқиб, унга бирор ножўя гап айтганда ёки уйига

таклиф қилганда кўнгли қолар, балки умуман қайта учрашишни хоҳламаган бўларди. Лекин Толибжон у тоифадаги одамлардан эмасди. Шу боис ҳар сафар учрашиб, суҳбатлашганда унга боғланиб бораётганлигини ҳис этиб қийналар, бошқа кўришмасликка аҳд қилганлигининг боиси ҳам шу эди.

Ҳуррият шуларни хаёлидан ўтказаркан, «Нима деса дер, опам билан маслаҳат қиламан» деган қарорга келди. ... Чарос синглисининг гапларини диққат билан тинглагач:

– Ҳақиқатдан ҳам у одамни севиб қолибсан, – деди бош чайқаб. – Балки айтганингдек хотинига кўнгли йўқдир. Лекин мана ўзинг айтдинг, бўйига етган қизлари бор экан. Икки-уч йилдан кейин бор-е, – деб Қўқонга жўнаворса нима қиласан? Чапак чалиб қолаверасанми?

– Билмадим... – Ҳуррият бир дақиқа сукут сақлаб турди-да: – Йўқ опа, унақанги диёнатсиз одам эмас у, – деди ишонч билан.

– Хўп майли. – Чарос синглисининг кўзларига меҳр билан тикилди. Мен сен томон. Ойим билан маслаҳатлашиб кўрамиз. Балки ўша одамга тақдиринг қўшилгандир.

* * *

Ўтган уч кун Толибжонга уч йилдек туюлди. Душанба куни ишдан барвақтроқ чиқиб, тўғри поликлиникага борди. Ҳурриятни олиб машинани анҳор бўйи томонга бурди. Лекин йўлда кетаркан нима бўлди, – деб сўрашга журъат этолмас, кўнглини хира қиладиган жавобни эшитишдан қўрқарди.

– Илтимос мана шу ерда тўхтатинг, – деди Ҳуррият машина қатнови камроқ жойга етганда.

Толибжон йўл четига ўтиб ўгирилди.

– Тинчликми?

– Опамга айтдим.– Нима дейишди? – У аёлга хавотирлик билан тикилди.

– Опам-ку тўғри тушунди. Лекин...

– Демак розилар. – Толибжоннинг чеҳраси ёришди.

– Адам билан ойимлар-чи? Ҳеч ақлим етмаяпти. Кейин биласизми, жуда қўрқяпман.

– Нимадан?

– Хотинингиздан. – Мабодо опам уйимиздагиларни кўндирган тақдирдаям бу гап оилангизга етиб борса биласизми, нима бўлади?

– Бу ёғидан ташвиш тортманг. – Толибжон далда берди. – Менга ишонинг, сизни ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман. Хўп, энди бу хурсандчиликни ювмасак бўлмайди. Айтинг, қайси ресторанга олиб борай?

– Йўқ, яхшиси кетайлик. Уйга опам келиб қолишлари мумкин. Бошқа сафар.

... Эртаси куни Толибжон Аҳрорга юрагидаги бор гапларини тўкиб солди.

– Мушкул муаммога қолибсан-ку. – Дўсти бир муддат ўйланиб турди-да, сўзида давом этди. – Бир томондан гапинг тўғри. Сени тушунмайдиган, кўнглингни қолдирган одам билан ҳамхона бўлиш азоб, дўзахнинг ўзи. Иккинчи томондан бу нозик масала. Маслаҳат бериш қийин. Лекин юрагинг нима деяпти, юрагинг? Охири бахайр бўлишига ишонасанми?

– Сенга айтдим-ку. Ҳақиқатдан ҳам яхши кўриб қолганман ахир. Уйимдаги аҳволни эса мана ўзинг тушундинг.

– Хўп, яхши, бўлмаса менга қара. – Аҳрорнинг чеҳраси ёришди. – Қудапочча билан, бўлғуси қайнотанг билан ўзим гаплашаман.

– Қандоқ бўларкин?

– Зўр бўлади. Бу ёғини менга қўйиб бер. Ишларинг юришиб кетса яхшигина эрийсанда-а?

– Нима десанг шу, – Толибжон дўстига қўлини

узатди.

... Эртаси куни Аҳрор Толибжонни қучоқ очиб қарши олди.

– Ишларинг беш оғайни, – деди хушчақчақлик билан.

– Рост гапиряпсанми? – Толибжоннинг юраги орзиқди.

– Нима, ишонмаяпсанми? – У дўстининг елкасига қўлини қўйди. – Кеча ишдан чиқибоқ Бодомзорга бориб, Ҳурриятхоннинг уйини суриштириб топдим. Лекин гапнинг тўғриси, қайнатанг бир сўзли, золотой одам экан. Аввалига иккиланди.

Сен ҳақингда опаси ҳам айтган экан. Мен ҳам роса тушунтирдим. Худо кечирсин-у, «Ўртоғим барибир Қўқонда яшамайди. Қизларини узатгандан кейин бутунлай ажраб, Тошкентга келади», – деб озгина ёлғон ҳам қўшвордим. Охири «Қизимнинг олдида ўзимни гуноҳкордек сезаман, чунки биринчи рўзғорига мажбурлаб узатганман. Ҳурриятга у йигит ёқмаган эди. Шунинг учун энди ўзига маъқул келган жойга бермоқчийдик. Совчилар кўп келишяпти, лекин қизим кўнмаётганди.

Майли ўзи рози экан нима ҳам дердик», – деди. Хуллас, шунақанги гаплар, тайёргарлигингни кўравер.

– Қойил, яшавор. Умрбод эсдан чиқмайдиган иш қилдинг. Ҳа айтганча, дадаси у йигит билан гаплашиб кўрай демадими?

– Йўқ, мен бемалол ишхонага ўтинг, ўзини кўринг дедим. Лекин у киши қизимизга ёққан экан бўлди, кейин кўришармиз, – дедилар.

Аҳрор шундай дегач, ҳазил оҳангида пўписа қилган бўлди.

– Энди оғайни мана, иш пишди. Тошкентга куёв бўлаяпсан. Худо хоҳласа бир йил ўтиб, қўчқордек ўғил туғиб беради. Лекин айтиб қўяй,

уч-тўрт йилдан кейин жуфтакни ростлаб, ташлаб қочворадиган бўлсанг кунингни кўрсатиб қўяман.

– Жинни бўлдингми? – Толибжон кулди. – Мени характеримни яхши биласан-ку.

* * *

Тўй ширин, файзли ўтди. Икки дўст ўзаро маслаҳатлашиб Қўқондан ҳеч кимни таклиф қилишмади. Ресторанниng чоғроқ хонасида ташкил этилган зиёфат базмида асосан Аҳрорнинг Тошкентдаги дўстлари, идорадаги ходимлар қатнашдилар.

Толибжон тўйдан кейин ўзини худди қайта туғилгандек ҳис этди.Энди у ишдан кейин тўғри уйига ошиқар, Ҳуррият билан бирга бўлиш унга чинакам ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик, ором бахш этарди. Орадан икки ой ўтди. Бир куни ишдан қайтган Толибжонни Ҳуррият бошқачароқ кутиб олди.

– Битта гап айтсам қўрқиб кетмайсизми, – деди у кўзлари чарақлаб. – Тинчликми? – Толибжон ҳайрон бўлди.

– Биласизми... Ҳомиладорман шекилли.

– Нима?! Ростданми? – У хотинини бағрига босди.

– Шунақага ўхшайди. – Ҳуррият кўзида ёш билан эрининг кўксига бош қўйди.

– Жуда яхши. – Толибжон унинг юзларидан, кўзларидан ўпди. – Ўзингизни эҳтиёт қилинг энди. Худо хоҳласа ўғиллик бўламан.

– Илойим айтганингиз келсин.

Шу лаҳза Толибжоннинг томоғига нимадир тиқилди. Негадир кўз ўнгига Ҳилола келди.

– Биласизми? Мен сизни қачондан буён яхши кўраман, – деди у.

– Биламан. – Ҳуррият муғамбирона жилмайди. – Роппа-роса олти ой бўлди.

– Йўқ, адашдингиз. Йигирма саккиз йилдан

бери.

– Тушундим. – Хотин кулди. – Демак, мен унда икки яшар эканман-да.

Лекин Толибжон шу лаҳза кўнглидан нималар кечганини айтмади, кулиб қўяқолди.

* * *

Рауф уйқудан кечроқ ноҳуш, ланж ҳолатда уйғонди. Нонушта пайтида оғзидаги нонни эринибгина чайнаркан рўпарасида ўтирган хотинига зимдан тикилди. «Кейинги бир йил ичида қариди. Расул адойи тамом қилди уни. Ҳайвон бола. Тўғри, хотини куюнганидек вақтида жиловламади. Бепарво бўлди. Маишатдан, ўтиришдан бўшамади. Мана оқибати. Мактабни битириш арафасида синфдошининг уйида бўлган кечада жанжал чиқариб, мастлик билан ўртоғини пичоқлаб қўйди. Бир йилдан ўтди, қамоқда ўтирибди».

Ўзи-чи, яқин икки йил бўлаяпти, беиш. Толибжонга аччиқ қилиб, чиқиб кетгандан кейин орадан бир-икки ой ўтгач, бўйин эгиб бориб кечирим сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин ор қилди. Кейинчалик эса аламини ичкиликдан олди. Машинаниям сотди. Бироқ ётиб еганга тоғ чидармиди.

Рауф илгари Толибжонга тан берарди. Лекин ичкилик бора-бора унинг юрагига адоват, ҳасад, худбинлик уруғларини сепа бошлади. Яхшигина ичган кунлари «Беш йил бирга ишладим, ишхонада мениям ҳаққим бор. Уч юз минг нима бўлибди. Улушимни бериши керак» – деган бадбин хаёлларга борадиган бўлиб қолди. Шунинг учун корхонага охирги марта борганда отдан тушсаям, эгардан тушгиси келмади. Ўзини худди ҳақдордек тутди. Албатта, бу Толибжоннинг жаҳлини чиқарди. Агар ўшанда одамга ўхшаб муомала қилганда балки у ҳам кўкрагидан итармасмиди.

Шу кунларда у ўзини қўйгани жой тополмай қолганди. Сабаби уч ойдирки кайф қилишнинг янги усулига – игнага ўтганди. Бунга яқин улфати Самад сабаб бўлди. Бир йилча ўтди, бу ҳамтовоғининг ҳам иши чаппасига кетган. Кайф билан бир болани босиб кетиб, қамалиб кетишига озгина қолди. Лекин бор-йўғидан ажралди. Нобуд бўлган боланинг ота-онаси "закон"чироқ экан, Самадни нари олиб бориб, бери олиб келди. Машинасиниям сотиб сарфлади. Ўшандаям амнистия шарофати билан қамалмай қолди. Ўшандан кейин умуман иши юришмади. Аввалига у ҳам ичкиликка ружу қўйди. Кейинчалик эса қуруғига ўтди. Мана оқибати, шуларни хаёлидан ўтказаркан, аста-секин бўғинларида оғриқ бошланаётганлигини, «дори»нинг хумори тутаётганлигини сезди.

«Самаднинг олдига боришим керак». У ўрнидан турди. Хотинининг эртароқ келасизми, деган саволига «билмадим» дея мужмал жавоб берди-ю, кўчага чиқди. Оқтепасойнинг шундоқ ёнгинасидаги ошхонада икки киши рўбара ўтирибди. Тушликка ҳали эрта бўлгани учун хўрандалар кам.

– Менга қара, – деди Рауф «дори»нинг кайфидан сузилган кўзларини Самадга тикиб, – Толибда пул тиқилиб ётибди. Кўкидан ҳам керагича бор. Вақтида жон куйдириб ишлаганман. Ҳаққимни олишим керак. Бўлмаса... – У шундай дегач, кўрсаткич бармоғини томоғига олиб борди. – Асфаласофинга жўнатаман. – Ҳозир уни Тошкентда деяпсан-ку. – Самад пешонасини тириштирди. – Тўғри Тошкентда. – Рауф тиржайди. – Қайтага шуниси яхши эмасми? Қулай имконият. – Қаерда ишлаётган экан ўзи?

–Буни билиш осон. Бирпасда укасидан суриштириб аниқлайман. Квартирасини секин идорасидагилардан сўраб билса бўлади. Хуллас,

у билан бир ҳисоб-китобим бор.

Ўша куни иккаласи нима қилиш кераклиги тўғрисида астойдил режа тузишди.

* * *

Аҳрор Аҳмедович ишхонага ниҳоятда тушкун кайфиятда қайтди. У хонасига кириб, креслога ўтираркан боши қотди. «Уйидагиларга телефон қилсаммикин? Йўқ бўлмайди. Толибжон «Қўқонга хабар бермай тур» – деб тайинлади-ку. Тўғри, Азизахон Тошкентда кундоши борлигини билса, қиёмат қилади. Бир-икки кун сабр қилиб турайлик-чи. Аҳволи яхшиланар». Врачлар дўстингиз қотиллардан бирини таниркан, органдагиларга айтибди дедими? У ифлослар ким бўлиши мумкин? Толибжон биров билан қасдлашадиган, ўзига душман орттирадиган йигит эмас эди. Яна ким билади. Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Аҳрор идорада узоқ ўтиролмади. Зарур ҳужжатларга қўл қўйида, тушга яқин яна касалхонага йўл олди.

У реанимация бўлими олдида машинадан тушаркан аёл кишининг юракни ўртагувчи аламли фарёди вужудини зир титратди. «Онанг ўлса бўлмасмиди, жоним болам. Қотиллар, ваҳшийлар». У беихтиёр ўша томонга ўгирилиб, фиғон чекаётган аёлга – Ҳурриятнинг онасига кўзи тушгач, бир лаҳза тош қотди. «Ё парвардигор! Наҳотки?». У онаизор томонга уч-тўрт қадам қўйди-ю, яна секин орқасига қайтди. «Йўқ, бориб нима дейман? Нима деб тасалли бераман». Шу лаҳза тўйга бош-қош бўлганига, ўртада турганига мингдан-минг пушаймон бўлди. «Толибжоннинг аҳволи қалайкин».

Бўлим мудири, эрталаб кўришган таниш врач уни ташвишли қиёфада қарши олди.

– Боланинг онасини сақлаб қолишнинг иложи

бўлмади.

– Хабарим бор, ҳозиргина билдим. – Аҳрор шундай дегач, врачга нажот билан термилди. – Толибжон тузукми? Соғайиб кетадими ишқилиб. Врач бир муддат сукут сақлаб турди-да:

– Аҳволи оғир. Жигари қаттиқ жароҳатланган. Янаям соғлом, юраги бақувват йигит экан.

– Илтимос, бир минутга шундоқ кўриб чиқсам майлими. – Майли.

– Бўлим мудири бу сафар негадир тезда рози бўла қолди.

... Аҳрор ҳамширадан ҳалатни олиб хонага кирди. «Ранги бир оз сарғайибди». У Толибжоннинг юзларига, юмуқ кўзларига термиларкан юраги эзилди. Сўнгра бемор тепасида турган ҳамширага қараб қўйгач, Толибжон – деди оҳисталик билан. Дўсти секин кўзларини очди. Кейин чеҳрасига билинар-билинмас табассум югурди. «Яна келдингми?». – Толибжон унга бир муддат қараб тургач, «Ҳурриятдан хабаринг борми, тузукмикин» – деб сўради безовталик билан. Шунда навбатчи ҳамшира «айтманг», – дегандек маъноли қараб қўйгач, мен ҳозир дея хонадан чиқиб кетди. «Ҳа, ҳаммаси яхши». – Аҳрор шундай дегач, зўрма-зўраки жилмайиб, Толибжоннинг қўлларини ушлади. «Сенга яхши бир хабар айтаман, лекин ҳаяжонланма. Биласанми, ўғил кўрдинг».

Толибжоннинг сўниб бораётган нурсиз кўзлари бирдан чарақлаб кетди. «Нима дединг? Ростданми».

– У дўстининг қўлини маҳкам қисди. «Ўғил, худога минг марта шукур».

– Толибжоннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Шу пайт хонага қайтиб кирган ҳамшира бўлди, уринтириб қўйманг, – деди хавотирлик билан. Аҳрор бардам бўл, дегандек дўстининг қўлини сиқиб қўйгач, хонадан чиқди. У пастга тушиб машинасига ўтиргач, рулга бошини қўйди.

Шунда ўзининг ҳам кўзларидан ёш оқаётганлигини сезди. «Энди нима бўлади».

Аҳрор шу алфозда қанча вақт ўтирганлигини билмади. Бир пайт ўзига келиб машинани ўт олдирмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ташқарига чиққан таниш врач кимнидир излаб атрофга аланглаётганлигини кўрди-ю, беихтиёр пастга тушди. Шунда бўлим мудирининг кўзи унга тушиб, бу ёққа келинг дегандек имлади.

Аҳрорнинг юраги нохуш бир нарсани сезиб, шошиб унинг олдига борди. Врач уни хонасига бошлаб киргач, «беш минут бўлди, ўртоғингиз узилди», – деди таассуф билан. «Нима!?». Аҳрорнинг вужуди зирқираб кетди.

* * *

Баҳор қуёши эрталабдан ўзининг илиқ нурларини борлиқ узра соча бошлади. Ҳовлидаги икки туп олча қийғос гуллаган, девор яқинига қатор қилиб экилган уч туп хурмонинг барқ уриб, кун сайин яшнаётган кўм-кўк барглари кишининг баҳри-дилини очади.

Лекин уйғониш фасли – навбаҳорнинг гўзаллиги, таровати кейинги икки ой ичида эзилиб, адойи тамом бўлган, муштипар бир аёлга айланиб қолган Азизага таскин, тасалли беролмасди. Суднинг кечагина бўлиб ўтган якуний мажлисида қотилларнинг олий жазога – ўлимга маҳкум этилгани ҳам унинг юрагидаги чексиз изтироб, алам ўтларини пасайтира олмади. У меҳмонхонада, диванда ўтириб Толибжон билан кечган йигирма йиллик ҳаётини бир-бир кўз

ўнгига келтираркан, кечириб бўлмас хатога йўл қўйганлигини ҳис этиб, ич-ичидан эзиларди. «Ҳамма айб ўзимда.

Ўшанда Нозима худди авлиёдек жуда тўғри гапирган экан. Тошкентга бориб ишлашларига розилик бермаслигим керак эди. Ўзим-чи, менда айб йўқми? Кейинги беш-олти йил ичида, аввало аёллигимни, эримнинг кўнглини олишим кераклигини умуман унутиб қўймадимми?

Айниқса, қаттиқ шамоллаб, йўталиб, врачга қатнаб юрган пайтларида мен аҳмоқ ёмонроқ, юқумли касалга чалиниб қолган бўлса-я, – деб ўйлаб ўзимни тортдим. Зоминдан қайтиб келган кунлари-чи. Билардим Толибжон акам ҳаром-хариш юрмасди.

Ахир эркак киши. Нега ўша куни яхши гапириб кўнгилларини олмадим? Аксинча, ёмон хаёлларга бордим, рўйихушлик бермадим».

Ўша машъум куни, Аҳрор ака телефон қилган пайтда Азиза зиёфатда, аёллар билан ҳафтада бир бўладиган ўтиришида эди. Базму жамшид айни қизиган маҳалда хонодон соҳибаси, Зироатхон «сизни қизингиз билан бир йигит сўрашяпти» – деб қолди. Ҳайрон бўлиб ташқарига чиққан Азизахон Диловар билан қайниси Тоҳиржонга кўзи тушиб, юраги бир нохушликни сезди.

– Тошкентдан Аҳрор ака телефон қилдилар, – деди қайниси ранги ўчиб. – Акам касалхонада, оғир аҳволда эканлар, ишхонада кутаман тезда келинглар дедилар. Бу совуқ хабарни эшитиб, Азизанинг қўл-оёғи бўшашди. – Касалхонага нимага тушади, – деди юрагини ваҳима босиб. Кечагина Диловар «дадам телефон қилдилар янаги

ҳафтага келарканлар», деган эди-ку.

– Билмадим. – Тоҳиржон гапни қисқа қилди. Ташқарида машина кутяпти. Ҳозирча уйимиздагиларга билдирмайлик. Аямнинг юраклари ёмон. Диловар шу ерда қолсин. Иккаламиз борамиз.

...Тошкентга кеч соат олтиларда етиб боришди. Уларни идора эшиги олдида кутиб олган Аҳрор ичкарига, хонага бошлади. Содир бўлган машъум воқеадан хабар топган Азизахон ҳушини йўқотаёзди.

– Нимага ўша куниёқ хабар бермадингиз, – деди ўкириб йиғлаб. – Мени тўполон кўтаради, – деб ўйладингизми? Ҳеч бўлмаса қизларим дадасининг дийдорини кўриб қоларди-ку!.. Қандоқ қиламан энди?! ... Шу пайт хона эшиги оҳиста очилиб Диловарнинг пайдо бўлиши шавқатсиз ўй-фикрлар гирдобида қолган Азизанинг хаёлини бўлди.

– Ассалому алайкум. – Келдингми? – Азиза юзларига оқиб тушган кўз ёшларини кафти билан артди. «Шўрлик қизим ҳам бир бурда бўлиб қолибди, ўйлади у фарзандининг маъюс кўзларига, сўлғин чеҳрасига қараб. Дадасини жонидан ҳам ортиқ яхши кўрарди».

Диловар диванга ўтириб онасининг қўлларини ушлаб бир лаҳза термилиб турди-да, – деди:

– Ая, битта гап айтсам хафа бўлмайсизми, уришмайсизми мени? – Нима демоқчисан?

– Ҳалиги... Дадамнинг ўғилларини уйга олиб келсак... Барибир бизга ҳам ука-ку.

Азиза қизига ҳайрат билан тикилди. «Нега бу фикр шу пайтгача менинг хаёлимга келмади? Ахир бутунлай ўгаймас-ку. Агар Толибжон акам

ўлмай қолганларида фарзандларини бирга тарбия қилардик-ку. Ё ўшандаям худбинлигим тутиб, эримга кун бермасмидим. Бу гапларни у киши энди тирилиб келмасликларини билиб, шунчаки тилимда айтяпманми? Билмадим».

У бир лаҳза шуларни хаёлидан кечираркан Диловарни бағрига босди.

– Тўғри айтасан қизим. Сизларга ука бўлади, ўз уканг. Иккаламиз борамиз, эртагаёқ. Лекин беришармикин. Майли, ялиниб-ёлворамиз. Худди ўз ўғлимдек тарбия қиламан, – деб айтаман. У аёлнинг уйини Аҳроржон амакинг билса керак.

Диловар ёшли кўзлари билан онасининг бағрига бошини қўйди.

* * *

Она-бола Бодомзор маҳалласини қийналмай топишди. Кўча бошида машинадан тушиб, озгина пиёда юришгач, йўловчи бир аёлдан Ҳурриятхонларнинг уйини сўрашди.

– Ҳув анави олча рўпарасидаги кўк дарвоза – деди у йигирма метрлар чамаси наридаги уйга ишора қиларкан. Сўнгра «яқинда вафот этганлигидан хабарлари йўқ шекилли» – дегандек ғалати қараб қўйди. Улар дарвоза олдига етиб келишгач, Азиза бир оз ҳадик, бир оз ҳаяжон билан қўнғироқ тугмасини оҳиста босди...

ДАРДИ БЕДАВО

Ғуломқодир ота асрга яқин уйғонди, лекин ўрнидан қўзғалмади. Бир муддат шифтга термилиб ётди. Кейин бошини хиёл ўгириб, девордаги осма соатга кўз қирини ташлади. «Ўнта кам беш. Яқин икки соатча кўзим илинибди». У эринибгина ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди.

Қуёш чарақлаб турибди, ҳовли этагидаги икки туп ўрик қийғос гуллаган. Енгил эсаётган илиқ шабада кишига ҳузур бағишлайди. Бутун борлиқда баҳор нафаси.

У аввалига ҳовли ўртасида каловланиб турди. Сўнгра гулзор четидаги қудуқ жўмрагини очиб, юз-қўлини ювди. Муздек сувдан руҳи енгил тортиб, меҳмонхонага кирди-да, оромкурсига ястаниб ўтирди. Кўзойнагини тақиб, шундоқ ёнгинасидаги стол устида ётган газеталардан бирини олгач, ҳафсаласизлик билан кўз югуртирди. Лекин ундаги мақола ва хабарлардан бирортасини ҳам ўқимади. Шу пайт ташқаридан қадам товуши эшитилди. Орадан бир-икки лаҳза ўтмай, хонага катта ўғли Сарвар кириб келди.

- Ассалому алайкум. - Ваалайкум ассалом. Ўғил оромкурси рўпарасига қўйилган дивангa ўтирди.

- Эртароқ қайтибсанми? - дея ота ўғлининг кўзларига тикилди.

- Бугун дарсим фақат икки пара эди. Берадиган арзимаган ойлигига шомгача ўтиришим керакми?

Ота ўғлининг кайфияти йўқлигини сезди. Лекин сабабини сўрамади. Бир зум сукут сақлаб турди-да:

- Ҳа, айтганча, невара келин тузукми? - деди яна ўғлига қараб. - Эрталаб хотининг айтиб қолди, кечадан касалхонада ётганмиш.

- Ҳа, почкаси қаттиқ оғриб, бирданига хуруж

қилибди. Ҳали ўтиб келдим, тузук энди.

- Бу, невараНг ким билан? Қуданг олиб кетибдими?

- Йўқ, дадаси билан бирга.

- Қанақасига? - Ғуломқодир ота ўғлига тааж-жуб билан тикилди. - Ахир у ишга боради-ку?

- Қудам домга келиб, бирга туришибди. Биласиз-ку, эварангизни аяси билан дадасидан бошқа ҳеч қандай одам эплолмайди. Ўлгудай инжиқ, қайсар.

Ғуломқодир ота ўйланиб қолди. «Эрсиз, ёшгина жувоннинг домда куёви билан бирга туриши қандоқ бўларкин? Ўртада шайтон бор». У шуларни хаёлидан ўтказаркан, Сарварнинг аёл қудаси — қирқни қоралаб қўйган бўлса-да, ўзининг ҳусну латофатини йўқотмаган, қадди-қомати келишган Ҳалимахон кўз ўнгига келди.

Аслида Ғуломқодир ота невараси Анварнинг шу қизга уйланишига рўйихушлик бермаганди. «Ота тарбиясини кўрмаган экан, бошқаси қуриб кетибдими?» - деганди ўғли Сарвар у билан маслаҳатлашганда. «Ҳа, энди «отец», ҳозирги ёшларни биласиз-ку». - Ўғли шундай дегач, кулди. - «Севги-муҳаббат деганларидай, бир-бирини ёқтирармиш. Мен ҳам «бир-иккита мўлжаллаган жойларим бор, қўй, ўша қизинги», деб айтдим. Ўламан саттор, бошқасига уйланмайман, деб оёқ тираб оляпти».

Хуллас, тўй бўлди. Келин техникумни битирган, банкда Анвар билан бирга ишларди. Бир йил ўтмай, ўғилчалик бўлишди. Яқинда, эвараси уч ёшга тўлганда улар кўп қаватли уйга кўчиб кетишди. «Бир ҳисобда яхши бўлди», - деганди Сарвар ўшанда. - «Аравасини ўзи тортсин энди». Мана энди келин касалхонада. Ёшгина қайнона бўлса, ўша уйда куёв билан бирга турибди. Ғуломқодир ота шуларни хаёлидан ўтказаркан, «Ўғлингни қайнонаси билан бирга туриши менга маъқулмас.

Ҳалиям бўлса, неварангга хотининг қараб турсин», демоқчи ҳам бўлди. Лекин яна бу фикридан қайтди. «Керакмас, Сарвар нотўғри фикрга бориши мумкин». Бўпти, дада, – ўғил ўрнидан турди. Менга гапингиз йўқми?

Ота ишингни "қилавер" деб индамади.Ёлғиз қолгач, яна Сарварнинг қудаси – Халимахон кўз ўнгида гавдаланди. "Бу хотин нимаси биландир Малоғатга ўхшаб кетади. Ё Анвар билан қайнонасининг ўртасидан бир нима бормикин?" деб шубҳаланди.

Шу лаҳза қуюндек бостириб келаётган шармандаликдан хотиралар гирдобидан халос бўлиш учун ўзини чалғитишга уринди. Бироқ Малоҳатнинг ўтли нигоҳи кўз ўнгида гавдаланиб, ҳароратли нафаси юзига урилгандек бўлди...Ўшанда Ғуломқодир ота айни йигирмага тўлган қишлоқлик содда талаба йигит эди.

1

Ғуломқодир институт кутубхонасининг ҳар кунгидан узоқ мутолаа қилди. Ниҳоят, бош кўтариб атрофга қаради. Ўриндиқлар тартиб билан қўйилган кенг хонада ўзидан бошқа ҳеч ким қолмабди. У газета ўқиётган кутубхона ходимаси Малоҳат опага бир қараб қўйгач, секин ўрнидан турди.

- Раҳмат, опа, - Ғуломқодир қўлидаги китобни ходимага узатаркан, жилмайди. - Вақт ўтганини ҳам сезмай қолибман.

- Кейинги пайтларда ўқишга жудаям берилиб кетдингиз? Топшириқлар кўпми?

- Иккинчи курс сал қийинроқ бўларкан, - Ғуломқодир негадир қизарди. - Кўпроқ ўқимасам бўлмаяпти. У шундай дея «хўп, хайр» деган маънода бош силкиб, уч-тўрт қадам юрган ҳам эдики, Малоҳатхон уни тўхтатди.

- Ғуломқодир, шошмай туринг. Сиз билан

маслаҳатлашадиган гапим бор эди. Йигит «тинчликми», дегандек бир оз таажжуб билан унга қаради. - Бу ёққа ўтиринг. - Малоҳатхон ёнидаги стулга ишора қилгач, унга ўтли нигоҳ ташлади. - Биласизми, анчадан буён сизга бир гап айтмоқчи бўлиб юрибман.

- Бемалол, яхши гапми ишқилиб?
- Сиз ҳозир қаерда турибсиз?
- Ўрмозорда, ижарада.
- Битта ўзингизми?
- Йўқ, иккита ўртоғим билан.
- Биласизми?.. - Малоҳатхон бир лаҳза сукут сақлаб турди-да, ажиб бир ғамза билан унга боқди. - Бизникида тура қолмайсизми?
- Нима?! - кутилмаган бу таклифдан Ғуломқодир эсанкираб қолди. - Ўртоқларим биланми?
- Йўғ-е, - йигитнинг довдираб қолганлигини кўрган аёл шарақлаб кулиб юборди. - Менинг уйим меҳмонхона эмас-ку. Ўзингизни айтяпман.
- Билмадим, - Ғуломқодирнинг вужудига лағча олов югургандек бўлди. - Қандоқ бўларкин? Ҳамхоналаримга нима дейман? -Уларга бизникида турмоқчи бўлганингизни айтмай қўя қоласиз. Узоқроқ бир қариндошимизни учратиб қолдим, ўшаникида яшамоқчиман, дейсиз-қўясиз. Келишдикми?

Ғуломқодир бир муддат нима деб жавоб беришни билмай қолди. «Шундай келишган, лобар жувон дабдурустдан... Қизиқ, ё...» У шу лаҳза хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам хижолат бўлиб, юзлари ловуллаб кетди. Малоҳатхон эса унинг хаёлидан нималар ўтганлигини сезгандек, юзига жиддий тус бериб:

- Гапнинг тўғриси, мен сизни анчадан буён кузатиб юрибман. Босиқ, бамаъни йигит экансиз. Балки хабарингиз бордир. Хўжайиним фронтда ҳалок бўлганлар. Ўшанда қизим қўлимда икки яшар гўдак эди. Кейин қайтиб турмуш қилмаган-

ман. Ҳозир қизим Шаҳодат ўн тўртга тўлди. Мана, уч йилдирки, ҳовлида иккаламиз яшаб келамиз.

Малоҳатхон юзига ғамгин тус бериб, бир оз сукут сақлаб турди-да, яна сўзида давом этди.

- Айтмоқчиманки, худди тутинган укамдек, инимдек бўлиб қолсангиз. Ҳарҳолда, уйда эркак киши бўлса, кўнгил хотиржам бўлади. Нима дейсиз?

- Мен ҳам сизни худди ўз опамдек кўраман, ҳурмат қиламан. Лекин ҳозир кутилмаганда, дабдурустдан айтганингизга, нима дейишимни билмай қолдим.

- Майли, жавобини ҳозир айтишингиз шарт эмас, - деди Малоҳат табассум билан. - Бир-икки кун яхшилаб ўйлаб, кейин айтарсиз, келишдикми?

Ғуломқодир "маъқул" ишорасини қилгач, ўрнидан турди.

- Ҳа, айтганча, - деди Малоҳатхон ўтли нигоҳ ташлаб. - Мабодо таклифим маъқул бўлмаса, бу гап икковимизнинг ўртамизда қолсин-а! Ўзингиз тушунасиз-ку.

- Албатта, опа, - Ғуломқодир хижолатомуз жилмайди. - Хотиржам бўлинг.

У Малоҳатхон билан хайрлашиб, институт ҳовлисини кесиб ўтди-да, катта йўлга чиқди. Ҳаво илиқ. Майин эсаётган баҳор шабадаси унинг юзини сийпалаб, бутун вужудига аллақандай енгиллик, кўтаринкилик бағишлади.

Ғуломқодир ҳардамхаёллик билан оҳиста қадам ташлаб бораркан, ҳозиргина уни ўзига яқин олиб, юракдан суҳбатлашган лобар аёл — Малоҳатхон кўз ўнгида гавдаланди. У бу латофатли кутубхона ходимасини яқин икки йилдан буён танирди. Қадди-қомати келишган, бўйи ўртадан баландроқ, юзлари тиниқ, хиёл сузилиб қараганда унча-мунча эркакни эсанкиратиб қўядиган бу аёлнинг ортидан нафақат институт домлалари,

балки юқори курс йигитлари ҳам зимдан суқ билан қараб қўйишарди. Лекин Ғуломқодир мана шу ўтган икки йил давомида у ҳақда бирор ножўя гап эшитмаганди.

Малоҳатхон катта-ю кичикка бир хил хушмуомалада бўлар, ярим соат суҳбатлашган одам унинг дийдорини яна бир кўрсам дерди. Лекин бу гўзал ва жозибадор аёлнинг қўйнига қўл солиб кўришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди.

...Ғуломқодирнинг беғубор болалиги уруш йилларига тўғри келди. У отасини яхши эслайди. 1942 йилнинг қаҳратон чилласи эди ўшанда. Қопини елкасига илиб олган дадаси уни бағрига босиб:

- Энди бу хонадоннинг эркаги сенсан, ўғлим. Онангни ҳеч қачон хафа қилма, сингилларингга меҳрибон бўл, - деб тайинлаганди. Ғуломқодир ўшанда урушга кетаётган отасини охирги марта кўраётганлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ундан бор-йўғи битта хат олишди. Кейин олти ойгача ҳеч қандай хабар бўлмади. Кутилмаганда «дом-дараксиз йўқолди», деган бир энлик хат келди, холос. Онаси уввос солиб йиғлади. Лекин аза очмади. Балки тирикдир, келиб қолар, деб умид қилди. Ниҳоят, уруш тугаб, жангдан омон чиққанлар бирин-кетин қишлоққа қайтишди. Бироқ отаси келмади.

Ғуломқодир мактабда яхши ўқиди. Дарсдан кейин томорқада ишлар, қўлидан келганча онасига ёрдам беришга интиларди. Бир куни (мактабни битиришига саноқли кунлар қолган эди) шомдан кейин оила аъзолари жам бўлиб ўтиришганда, кутилмаганда Садриддин амакиси билан Тоштемир тоғаси кириб келишди. Онаси елиб-югуриб дастурхон ёзди, чой дамлади. Бир оз гурунглашиб ўтиришгач, тоғаси Ғуломқодирдан сўраб қолди.

- Бу, жиян, Фарғонага ўқишга бормоқчи экансан деб эшитдим, ростми?

Ғуломқодир «ялт» этиб онасига қараб қўйгач, индамай бошини эгди. «Тоғам кимдан эшитдийкин? Ҳа, дарвоқе, қўшнилари – синфдошим Қудрат айтган бўлса керак». Ўтган ҳафта синфдошлар ўртасида шу гап бўлган эди.

Лекин бу ҳақда уйдагиларга индамаганди. Сабаби, эндигина оилага бакор келиб, онамнинг оғирини енгил қилиб турган пайтимда ўқишга жўнаворсам, қандоқ бўларкин, деган андиша уни қийнаб келаётганди. Тоғаси эса худди унинг кўнглидан нималар кечаётганлигини сезгандек, сўзида давом этаркан, унга далда берди.

– Агар онанг ва сингилларингнинг ташвишини қилаётган бўлсанг, бу ёғидан хотиржам бўл. Мана, бу ёқда амакинг бор, кўпчиликмиз, опамни ёлғизлатиб қўймаймиз. Биламан, ақлли, зеҳнли йигитсан. Худо хоҳласа, ниятингга етасан. Ўзимиздан ҳам ўқимишли, катта одам чиқсин-да. А. Садриддин, нима дедингиз?

– Албатта, агар қарори қатъий бўлса, – амакиси ичида рўйихушлиги бўлмаса-да, сездирмади. – Лекин келинойим нима деркинлар?

– Сизлар нима десаларинг шу-да, – онаизор ўғлига меҳр билан тикиларкан, қувончини яширолмади. – Болагинам институтни битириб, яхши жойларда ишласа, жон-жон дейман. Отасиниям руҳи шод бўлади. – Салтанат хола шундай деркан, кўзлари ёшга тўлди.

– Хўп, яхши. Бўлмаса, гап шу, Ғуломқодир ўқишга боради, – тоғаси унинг елкасига шапатилаб қўйди. – Келишдикми, жиян?

Шу лаҳза Ғуломқодирнинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлди. Шу дамда бисотидаги бор яхши сўзларни айтиб, тоғасига миннатдорчилик билдиргиси, уни қучоқлаб, кўксига бош қўйгиси келиб кетди. Лекин дилидагини тилига чиқаролмади. "Раҳмат, Худо хоҳласа, юзларингизни ерга қаратмайман", дея олди, холос.

Ўша йили имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, талаба бўлди. У таҳсил олаётган тарих факультети талабаларининг аксарияти ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари эди. У «омадим келиб ўқишга кириб олсам, уйдагиларга оғирлигимни туширмайман, ўзимни ўзим эплайман», деб қатъий аҳд қилди. Шу боис пулни тежаб-тергаб ишлатар, якшанба кунлари ўзига ўхшаган гуруҳдош ўртоғи Қобил билан мардикор бозорига чиқарди.

Ғуломқодир суяги меҳнатда қотган, соғлом, бақувват йигит эди. Ҳали ўн бешга тўлмай мўйлови сабза урди. Уч йил ичида эса овози дўриллаб, кўкраги ёл босган норгул йигитга айланди.

Мактабни битириш арафасида у билан чўмилишга борган ўртоқлари "Сени яланғоч кўрган одам инсоннинг маймундан пайдо бўлганлигига чиппа-чин ишонади-қўяди. Ҳеч қандай исбот-далилнинг кераги йўқ", деб ҳазил қилишарди.

Ғуломқодир бу гаплардан хижолат чекиб, пешонасидан тер чиқиб кетар, лекин амакисининг "Сен қуйиб қўйгандек акамнинг худди ўзи бўлдинг. Даданг ҳам серсоқол, бақувват одам эди", деган гапларини эслаб, ўзининг шундайлигидан ичида фахрланиб қўярди.

Ғуломқодир қорақош, қирра бурун, келишган йигит эди. У институтдаги баъзи шўх, шаддод қизларнинг ажиб бир карашма билан қарашларини, бир-бирларига имлаб, уни кўрсатишларини сезарди.

Лекин эҳтиросга эрк бермас, "мен бу ерга ўқиш учун келганман, Мажнун бўлиш учун эмас", дея хаёлидан ўтказиб, ўзини бепарво кўрсатишга ҳаракат қиларди.

2

Малоҳатхон Ғуломқодирни биринчи марта бундан икки йилча олдин, тўғрироғи, сентябрь ойининг бошларида кўрган эди. Ўшанда қандайдир китобни варақлаб ўтирганди. Шу пайт кимдир қаршисига келиб тўхтаганини сезиб, бошини кўтарди-ю, юраги жиз этиб кетди.

- Опа, кечирасиз... "Ўзбекистон тарихи" керак эди.

Малоҳатхон хижолатомуз жилмайиб турган йигитчага бир лаҳза тикилгач, шошиб ўрнидан турди. Ичкари хонадан китобни олиб чиқиб, унга узатди. Йигит "раҳмат", дея ўқув залининг деразага яқинроқ ўринлардан бирига бориб ўтирди. Шунда уни зимдан кузатиб қолган Малоҳатхон ҳайрат ва ҳаяжондан юраги гурсиллаб ураётганини сезди.

"Вой, Худойим-е, шунақаям ўхшайдими? Эгамберди аканинг худди ўзи-я, қошлари, қарашлари... Лекин бўйи баландроқ экан. Илгари кўрмаганман. Ўқишга янги кирган бўлса керак".

Ўша куни ўқув залида учратган йигит баҳона ўтмиши ёдига тушди. Беором қалбидан жой олган ширин ва аччиқ хотиралар яна қўзғалди. Малоҳатхонни ўн саккиз ёшида турмушга беришганди.

Минг тўққиз юз қирқинчи йилнинг айни кузи, октябрь ойининг бошлари эди ўшанда. Эри Каримжон асли ота томондан узоқроқ қариндоши бўлиб, қурилишда ишларди. Унинг камситадиган жойи йўқ, ростмана ювош, камгап йигит эди.

Лекин Малоҳатхон тўйдан кейин кўп ўтмай турмуш ўртоғига кўнгли йўқлигини сезди. Негалигини эса ўзи ҳам билмасди. Балки бунга эрининг ювошлиги, камгаплиги сабаб бўлгандир. Чунки Малоҳат табиатан шўх, шаддод, эҳтиросли эди. У бундан икки-уч йил олдин, балоғат ёшига етиб

бораётган дамларда келгуси ҳаёти, бўлажак турмуш ўртоғи ҳақида беихтиёр ўйга толар, хаёлан уни тасаввур қиларди.

Шунда у билан бир ёстиққа бош қўядиган йигит баланд бўйли, келишган, қувноқ, кўзлари кулиб турган суратда намоён бўларди.

Лекин хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Каримжон у тасаввур қилган йигитнинг акси бўлиб чиқди. Ҳали ҳануз ёдидан чиқмайди. Тўйлари бўлиб ўтганига эндигина уч ой бўлган эди ўшанда. Бир куни бетоб бўлиб ётган эрининг аммасини кўргани боришди. Қайтишда катта йўл бўйидаги хиёбон ёқалаб келишаётган эди. Анчадан буён кўчага чиқмаган Малоҳатнинг бирдан шўхлиги тутиб, эрини қўлтиқлаб олди. Каримжон бир чўчиб тушди.

- Тинчликми? - у хотинига ҳайрон бўлиб қаради.

- Нима бўпти? Киноларда шунақа қилиб юришади-ку.

- Одамлар кўрса нима деб ўйлайди? - Каримжон Малоҳатнинг қўлини билагидан олиб қўйди. - Қизиқ экансиз.

Озиб-ёзиб бир эркалик қилган келинчакнинг кўнгли қаттиқ оғриди. "Одам ҳам шунақа қўпол бўладими? Жуфти ҳалоли, қонуний хотини манку?! Хафа бўладиям демайди". Малоҳат дилидан ўтганларини тилига чиқармаган бўлса-да, ўша воқеа сабаб эрига рўйихушлик бермай қўйди. Уруш бошланганида Малоҳатнинг етти ойлик ҳомиласи бор эди.

Икки ойдан кейин кўзи ёриб, қизчалик бўлишди. Исмини Шаҳодат деб қўйишди. Қизалоғи бир ёшидан ўтиб, эндигина тетапоя бўлаётган кунларда Каримжон ҳам фронтга жўнаб кетди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас эса ундан "қора хат" келди. Каримжонга аза очишганда қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар олдида кўз ёши қилиб турган бўлса-

да, ич-ичидан куймади. “Аҳмоқман, - деди ичида ўзини койиб.

- Шунақаям худбин бўламанми, бечора эримда нима айб? Ҳарқалай, қизимнинг отаси эди-ку”.

Орадан олти ой ўтиб, бирин-кетин фронтга жўнаган Алпомишдек акалари — Қодиржон билан Собиржонларнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида келган шум хабар Малоҳатнинг жону танини ўртаб юборди.

Муштипар онаси азанинг учинчи куни тўшакдан туролмай қолди. Дадаси бир ойнинг ичида озиб-тўзиб, чақмоқ урган дарахтдек қорайиб кетди. Эрининг йили ўтгандан кейин эса Малоҳат қайнона-қайнотасиникидан рози-ризолик сўраб, ота уйига кўчиб келди.

Айни саратон палласи эди. Бир куни темирйўл станциясида ишлайдиган дадаси кечки овқатдан кейин тунги сменага жўнаб кетди. Ўша куни онабола алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Эрталаб кун ёришганда ўрнидан турган Малоҳат ҳовлига чиқиб ҳайрон бўлди. “Ие, аям ҳар куни тонг отмасдан уйғонарди-ку?” У онаси ётган хона деразаси олдига келиб, оҳиста овоз берди.

- Ая? - лекин ичкаридан садо чиқмади. Шунда бирдан юраги ҳовлиқиб кетган Малоҳат шошиб уйга кирди-ю, нурсиз кўзлари ярим очиқ, оғзи бир томонга бир оз қийшайган онасининг сарғайиб кетган юзига боқиб, тош қотди.

Онасининг бевақт ўлими шусиз ҳам фарзанд доғида юрак-бағри ўртанган отасининг қаддини эгиб қўйди. У камгап, одамови бўлиб қолган, бутун аламини ишдан оларди. Мусибат, фалокат бир келса, устма-уст келади деганлари рост экан. Волидасининг ҳайити ўтгандан кейин эрталаб ишга кетган дадасидан шом бўлдиям, дарак бўлмади. “Нега ҳаяллаб қолдиларикин?”, деган ташвишли ўй-хаёлда ўтирган Малоҳат кўча эшикнинг тўсатдан кетма-кет тақиллашидан чўчиб туш-

ди. У югуриб бориб эшикни очиши билан иккита норгул одам елкалаб олган дадасига кўзи тушиб, қўрқувдан эс-ҳушини йўқотаёзди.

- Дадажон, сизга нима бўлди? - деди ҳўнграб.

- Йиғламанг, қўрқманг, қани, йўл беринг-чи, - улар Малоҳатга далда бериб, дадасини уйга олиб кириб узала ётқиздилар.

- Нима бўлди?! - у бегона одамларга ёшли кўзлари билан жавдираб қаради. - Сизлар ким-сизлар ўзи?

- Ўзингизни қўлга олинг, қизим, - деди келганлардан ёши каттароғи.

- Биз отангиз билан ишлаймиз. Ишдаи кейин бирга қайтаётгандик. Бирдан мункиб йиқилди. Йўл текис эди, қоқилиб-нетиб кетгани йўқ. Қўлтиқларидан олсак, туролмадилар. Қарасак, юролмаяпти, тилдан ҳам қолибди. Лекин ҳушлари жойида. Худо хоҳласа, эрталабгача яхши бўлиб қоладилар.

- Дада, дадажон, - Малоҳат отасининг юзларини силади. - Гапиринг, нима бўлди сизга?

Дадаси кўзларини пирпиратди. Кейин "қўрқма", дегандек лабларини қимирлатиб, жилмайишга ҳаракат қилди.

- Бўпти, қизим, биз борайлик энди, - деди унга тасалли берган киши хижолатомуз қараб. - Эрталаб яна хабар оламиз. Керак бўлса, дўхтир чақирамиз.

Малоҳат ўша куни тонггача мижжа қоқмай чиқди. Кун ёришиши билан ён қўшниси Ҳамидулла амаки орқали тоғасини чақиртирди. Кўп ўтмай, бошқа қариндош-уруғлар ҳам етиб келишди. Бу орада кимдир врачни бошлаб келди.

- Мияга қон қуйилган, инсульт, - деди ёши элликлар атрофидаги, татар миллатига мансуб бўлган киши бош чайқаб.

- Касалхонага олиб бориш керак. Шунда дадаси бошини қимирлатиб, "йўқ" ишорасини қилди.

- Уйда ётиб даволанса бўлмайдими? - Малоҳатхон врачга илтижо билан тикилди.

- Майли, дори-дармонларни ёзиб бераман. Лекин узоқ ётишларига тўғри келади, сабр қиласиз.

Бояқиш отаси беш кун шифтга термилиб ётди. Хайрулло тоғасининг ўн тўрт ёшли ўғли Сайдулло улар билан бирга турди.

Шу кунлар ичида "Тузалиб кетар, ҳеч бўлмаса тили сўзга келар", деган умидда Малоҳат худога нола қилиб чиқди. Дадаси унга нималардир демоқчи бўлиб, лабларини қимирлатар, унинг қийналаётганини кўриб Малоҳатнинг юрак-бағри баттар эзилиб кетарди.

Олтинчи куни Малоҳат саҳарга яқин чўчиб уйғонди. У дадасининг ёнига келиб, чўккалади-да, кўзларига термилди.

- Тузукмисиз? Яхши ухладингизми ? - шунда оғир нафас олаётган дадасининг мунгли кўзларидан икки томчи ёш думалаб ёстиққа тушди.

- Дадажон, нимага йиғлаяпсиз? – Малоҳатнинг юраги ҳовлиқиб, унинг юзларини силади. - Бирор жойингиз оғрияптими?

Кўкси дам-бадам кўтарилиб тушаётган дадаси бор кучини тўплаб, нимадир дегандек бўлди. Лекин қўрқув ва ваҳимадан ўтакаси ёрилай деган Малоҳат ҳеч нима англамади.

Шу пайт отасининг бўғзидан енгил хирқироқ ситилиб чиқди. Кейин бирдан вужудини титроқ босиб, икки марта чуқур нафас олди-ю, нурсиз кўзлари шифтга қадалганча қолди...

- Дадаж-о-о-он! - Малоҳатнинг аламли фарёди рутубатли хонани зир титратди. - Мениям олиб кетинг! Ортиқ яшаёлмайман! Тўйиб кетдим бу дунёдан!

***

Суянган тоғи, ягона таянчи бўлган дадасини ҳам тупроққа топширгандан кейин унинг учун бу дунёда яшашнинг қизиғи қолмаган эди. Лекин донишмандлар айтганидек, дил дардига, қалб ярасига бирдан-бир даво – бу вақт.

У бошига тушган кетма-кет мусибатлардан кейин ақлдан озиб қолсам керак, деб ўйларди. Бироқ бу ўткинчи дунёнинг ташвишу ғавғоларидан бутунлай бегона бўлган қизалоғи – эндигина уч ёшга тўлган Шаҳодатнинг беғубор, мунчоқ кўзларига термилиб туриб, ўзини қўлга олиши лозимлигини, мана шу ягона юпанчи учун ҳам яшаши кераклигини англади.

Орадан бир йил ўтгач, уруш тугаб, осойишта дамлар бошланди. Бир куни унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турадиган ягона меҳрибони — Хайрулло тоғаси хуш кайфиятда кириб келди.

- Қани, бу ёққа кел-чи, - у сўрига чордона қуриб ўтиргач, Малоҳатга кулиб қаради. - Сен хурсанд бўладиган зўр янгилик бор. Қувонч, шодликни кўпдан бери эсдан чиқариб юборган Малоҳат маъюс жилмайди. Лекин "қанақа янгилик", деб сўрамади.

- Биласанми, нима, - тоға жиянининг кўзларига тикилиб, - кеча сен ўқиган мактабнинг директори Холмурод акани тасодифан учратиб қолдим.

Илгаритдан салом-алигимиз бор. Гап орасида сени сўраб қолди. Кейин, "Малоҳат мактабда аъло ўқирди, кутубхоначимиз оиласи билан бошқа шаҳарга кўчиб кетишди. Агар хоҳласа, унинг ўрнига келиб ишлаши мумкин, бир маслаҳатлашиб кўринг", деди. Нима дейсан?

- Яхши бўларди, - Малоҳатнинг чеҳраси ёришди.

- Бўлмасам-чи, албатта яхши бўлади-да,

- таклиф Малоҳатга маъқул тушганини кўриб, тоғаси яйраб кетди.

- Кўпчиликнинг ичида бўлсанг, юрагинг ёзилади. Ғам-ташвишларингни озгина бўлсаям унутасан.

- Гапингиз тўғри-ю, лекин Шаҳодатни нима қиламан?

- Бу ёғидан ташвиш тортма, - деди тоғаси қўл силтаб.

- Уйимиз мактабга бир қадам бўлса. Ишдан чиққунингча бизникида юраверади. Қизинг энди гўдакмас, бировга зиёни тегмайди.

Тоғаси шундай дегач, фотиҳа қилиб, ўрнидан турди.

- Бўпти, мен борай энди. Шу гапни айтиш учун атайин олдингга кирган эдим. Эртагаёқ бориб, домлага учра. Дарҳақиқат, мактаб директори Холмурод Муродович Малоҳатни илиқ кутиб олди.

- Бугундан бошлаб кутубхона сизники, - деди у ҳол-аҳвол сўраб, бир оз суҳбатлашгач.

- Коллективимиз сизга бегона эмас. Кўпчилиги ўзингиз таълим олган, билган устозларингиз.

Холмурод Муродович шундай дегач, бир дақиқа сукут сақлаб турди-да, чуқур нафас олиб, сўзида давом этди.

- Лекин институтларни битириб мактабимизда иш бошлаган билимли, лочин йигитларимиздан беш нафари фронтдан қайтмади. Иложимиз қанча? Уруш урушда. Хўп, демак, ҳозир ўтириб аризангизни ёзинг. Бугундан бошлаб ишдаман, деб ҳисоблайверинг.

Малоҳат жамоага тезда қўшилиб кетди. Боз устига, ёшлигидан бадиий китобга ўчлигиданми, бир ойнинг ичида кутубхонани кўрганнинг ҳавасини келтирадиган ҳолатга келтириб қўйди. Орадан бир йил ўтди. Қалбига мусибат солган жароҳатлар аста-секин битиб, ўйин-кулги, ҳазил-

мутойиба кўнглига сиғадиган бўлди. Бир оз тўлишиб, оппоқ, тиниқ юзларига қизиллик югурди. Хумор, шўх кўзлари чарақлаб, яна бундан беш йил олдинги Малоҳатга — кўрганнинг кўнглига ўт соладиган латофатли, дилбар аёлга айланди.

Малоҳат математика ўқитувчиси Эгамберди Қудратовичга аввалига эътибор бермаганди. Янги иш бошлаган кезлари эди ўшанда. Бир куни кутубхонага қалин, қоп-қора сочларини силлиқ қилиб орқасига тараган, ўрта бўй, қора қош, ёши тахминан 35-40 лар атрофидаги йигит кириб келиб, у билан илиқ саломлашди.

- Хазинамиз нурга тўлиб қолибди, - деди у хонани, тартиб билан терилган китобларни кўздан кечиргач. Сўнг Малоҳатга самимий боқди, унинг маълумоти, оиласи билан қизиқди. Эри фронтда ҳалок бўлганлигини, ота-онаси ҳам дунёдан ўтиб, қизчаси билан қолганлигини билгач, таассуф билан бош чайқаб:

- Анчагина мусибатларни бошдан кечирибсиз, - деди ҳамдардлик оҳангида.

- Лекин бу ерга ишга келиб жудаям тўғри қилгансиз. Одамнинг тафтини одам олади. Мени яқиндан билмасангиз ҳам, кўрган бўлсангиз керак. Математикадан дарс бераман. Исми шарифим Эгамберди Қудратович, Эгамберди ака, деб мурожаат қилсангиз ҳам бўлаверади.

У кутубхонадан чиқиб кетгач, Малоҳат бутун вужудида аллақандай енгиллик сезиб, кўнгли ёришгандек бўлди. "Беғубор, самимий одамга ўхшайди. Ўзиям истарали, келишган киши экан". Малоҳат шуларни кўнглидан кечираркан, хаёлига беихтиёр келган фикрдан уялиб кетди.

Шундан кейин Эгамберди Қудратович ҳар доим у билан илиқ саломлашадиган, тасодифан учрашиб қолишганда ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлди. Малоҳат кейинчалик бу йигитнинг тўрт йил фронтда бўлгани, уч марта яраланиб, урушдан

кўкси тўла орден, медаллар билан қайтганлигини билди. Бир куни эса мактабда фаррош бўлиб ишлайдиган кекса аёл – Салтанат хола Малоҳат билан суҳбатлашиб ўтириб, Эгамберди Қудратович ҳақида гап очиб қолди.

- Эгамбердига ўхшаган сабр-тоқатли, диёнатли одам дунёда кам учрайди, - деди у. Сўнгра таассуф билан бош чайқаб, сўзида давом этди. - Мана, яқинда икки йил бўляпти, хотини дардманд бўлиб қолган, ҳовлидан остона ҳатлаб кўчага чиқолмайди. Агар унинг ўрнида имонсизроқ йигит бўлганида, аллақачон жавобини берган ёки устига хотин олган бўларди.

- Сиз буларни қаердан биласиз? - ҳайрон бўлиб сўради Малоҳат.

- Вой, нега билмай. Эгамберди биздан икки эшик нарида туради. Муаллимнинг икки қизи бор. Каттаси бўйига етиб қолди.

Ўша кундан Малоҳатнинг Эгамберди Қудратовичга бўлган ҳурмати янада ортди. Лекин шу билан бирга унга нисбатан ачиниш, ҳамдардлик ҳисси ҳам пайдо бўлди.

Бир куни кутубхонада Малоҳатнинг ёлғиз ўзи эди. Иш вақти тугашига ярим соатча қолганда кутилмаганда Эгамберди Қудратович кириб келди. У одатдагидай ним табассум билан самимий саломлашгач, қандайдир китобни қўлига олдида, унинг рўпарасидаги курсига ўтирди. Кейин Малоҳатга одатдагидан бошқачароқ, ғалатироқ қараб, деди:

- Сизга бир гап айтсам, хушомадга йўймайсизми?

- Билмасам?

- Сиз ниҳоятда дилбар аёлсиз.

- Вой! - муаллимдан бундай гап чиқишини хаёлига келтирмаган Малоҳат довдираб қолди. Кейин оппоқ, тиниқ юзлари ловуллаб кетди.

- Мени тўғри тушунинг, - аёлнинг саросима-

га тушиб қолганлигини кўрган Эгамберди Қудратович кулди.

- Чин дилдан, самимий айтяпман.

Малоҳат табиатан шўх, ҳазил-мутойибани тушунадиган жувон бўлса-да, мактабда ҳамма ҳурмат қиладиган одамнинг бу гапидан ўзини йўқотиб қўйди.

- Тўғри тушундим, - Малоҳат ўзини тутиб олди.

- Раҳмат... Лекин, менга ҳеч ким бундай демаган.

- У шундай дея ноқулай бу вазиятдан қутулиш учун ўрнидан турди. - Иш вақтим тугай деб қолганди.

Эгамберди Қудратович аёлни хижолатга қўйганлигини сезиб, бошқа гапирмади. Лекин ўша воқеа сабаб Малоҳат Эгамберди Қудратович билан учрашиб қолганда ўзини ноқулай сезар, муаллим эса унга гоҳ-гоҳида ошиқона нигоҳ ташлаб қўярди.

Бир куни... Мактабдаги кекса муаллимлардан Муҳаммаджон домла қизини турмушга узатаётганлиги муносабати билан жамоани хонадонига таклиф қилди. Зиёфат, ўйин-кулги кун ботгунча давом этди. Ўтириш тугаб, ҳаммалари ташқарига чиқишганда Эгамберди Қудратович Малоҳатнинг олдига келди.

- Қоронғи тушиб қолди. Сизни ўзим кузатиб қўяман, - деди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

Улар маҳалланинг тор кўчасидан чиқиб, катта йўлга ўтишди. Шунда Малоҳатнинг ёдига беихтиёр фаррош холанинг гаплари тушиб, сўради:

- Келинойим тузук бўлиб қолдиларми?

Эгамберди Қудратович Малоҳатга бир қараб қўйди:

- Хотинимнинг тоби йўқлигини сиз қаердан билдингиз ?

- Эшитдим-да.

Орага жимлик чўкди. Бир оз юришгач, Эгамберди Қудратович оғир бир нафас олди-да, деди:

- Икки йил бўлди, буйраги оғрийди. Дўхтирларга кўрсатдим, қаттиқ шамоллаган дейишди. Уй ишларигаям ярамай қолди. Хайрият, қизларим бор.

Малоҳат унга нимадир деб таскин-тасалли бермоқчи, кўнглини кўтармоқчи бўлди-ю, лекин жўяли сўз тополмади. "Худо шифо берса, ҳеч гапмас", дейишдан нарига ўтолмади.

- Мана, уйимизга ҳам яқин қолди, - деди Малоҳат маҳалла бошига етиб келишгач.

- Бу ёғи бир қадам. Раҳмат, сизниям овора қилдим.

- Малоҳатхон, - деди шунда Эгамберди Қудратович қандайдир бошқачароқ, бўғиқроқ товушда. - Сизни хафа қиладиган битта гап айтаман, майлими?

- Тушунмадим, - Малоҳатнинг юраги гурсиллаб кетди.

- Мен сизни кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Ҳамиша кўз ўнгимдасиз.

Малоҳатнинг бутун вужудини титроқ босиб, қўл-оёғи бўшашгандек бўлди. У кейинги беш-олти ойдан буён унинг бошқача нигоҳ ташлаётганини сезар, бу унга хуш ёқаётган бўлса-да, ич-ичида "Менга нима бало бўляпти.

Оилали, рўзғорли одам бўлса", - дея ўз-ўзини койирди. Мана, бугун кутилмаганда Эгамберди ака юрагини очганда эса, кўнглини қандайдир хавотирлик билан бирга қувонч ҳисси чулғагандек бўлди.

- Эгамберди ака, - деди Малоҳат титроқ товуш билан. - Мен сизни жудаям ҳурмат қиламан. Лекин ўзингиз яхши тушунасиз-ку, оилангиз, болаларингиз бўлса... Иложи йўқ-ку барибир. Яхшиси, мен ишдан бўшаб қуя қолай...

– Нималар деяпсиз?! – Эгамберди Қудратович беихтиёр унинг елкаларидан ушлади. – Гапнинг тўғриси, аслида бу гапларни айтмаслигим керак эди. Лекин, ноилож, дилимда сақлаб туролмадим. Юракка буйруқ қилиб бўлмас экан.

– Битта-яримта ўтиб қолса, яхшимас, – Малоҳат унинг қўлларини елкасидан олди. – Гап-сўзга қоламан. Мен борай.

– Бир дақиқа шошманг, – Эгамберди Қудратович аёлнинг қўлларини ушлади. – Майли, ҳозир ҳеч нарса деманг. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Айтиб қўяй, мен сизни қаттиқ ёқтириб қолганман, тушунинг ахир.

***

Эгамберди отасидан эрта етим қолганди. Дадаси Қудрат ака уста-дурадгор эди. У кенг ҳовли бурчагидаги сомон сувоқли устахонани яхши эслайди. Ўшанда Эгамберди беш-олти яшар ўйинқароқ бола эди. Бир куни шомга яқин тўсатдан отасининг қорни оғриб қолди. Хуфтонга бориб дард кучайди.

Шундан кейин қўшнилари Мамарайим бободан кўкнори олиб келтириб ичди. Лекин фойдаси бўлмади. Туни билан тўлғаниб чиқиб, азонга яқин узилди. Кутилмаган бу мусибат, фожиадан бояқиш онаси эсини йўқотаёзди. Хайрият, тоғалари, амакилари бор экан, уларни ёлғизлатиб қўйишмади.

Отасининг йили ўтганда онаси Ҳамробиби йигирма уч ёшли кўҳликкина, кўзга яқин аёл эди. Орадан кўп ўтмай уни ўзларидан бир маҳалла нарида турадиган хотин қўйган, бефарзанд Қодиржон исмли одамга узатишди. Улар яшаб турган ҳовлига эса ўртанча амакиси Дилмурод оиласи билан кўчиб келди.

Онасидан, тахминан, ўн беш ёш катта бўлган ўгай отасининг касби косибчилик бўлиб, зарби танг, баджаҳл одам эди. Онаси янги рўзғоридан кетма-кет икки қиз кўрди. Лекин Эгамберди янги

оилавий муҳитга кўникиб кетолмади. Дадасининг мулойим чеҳраси унинг кўз ўнгидан сира кетмас, гоҳ-гоҳида хилватроқ жойга бориб, тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Онасининг қистовига қарамай, орадан тўрт йил ўтса ҳамки, ўгай отасини "дада" дейишга тили бормас, балки шу боисданми, Қодиржон рўйихушлик бермасди.

Бир куни (қишнинг аёзли кунлари эди ўшанда) шомга яқин уйга кириб келган ўгай отаси тўри оғилхонага ўтгач, ўша ердан туриб бақирди:

- Эгам, қаердасан, бу ёққа кел!

Сандалда китоб ўқиб ўтирган Эгамберди дик этиб ўрнидан турди.

- Сигирга нега ем бермадинг? - "отаси" унга важоҳат билан тикилди.

- Берганман, еб бўпти-да.

- Нега ёлғон гапиряпсан? - У шундай дея тарсаки тортиб юборди.

- Мени алдамоқчи бўляпсанми, ҳароми, итвачча.

Эгамберди кафти билан юзини ушлаганча ортига қайтди. Ҳали аламидан чиқмаган Қодиржон унинг орқасидан уйга кирди.

- Э, ҳа, гап бу ёқда дегин? - у сандал устида турган китобни қўлига олди. - Сен бу ерда мук тушиб китоб ўқигин. У ёқда моллар очидан ўлсин. Нима, ўқиб олим бўлармидинг, падарлаънати, ҳайвон. У шундай дея китобни тўрт бўлиб, бир четга улоқтирди.

- Тур ўрнингдан, бор молларга қара!

Шу пайт қизчаси билан остонада пайдо бўлган онаси эрига қўрқув билан қарарди. Эгамбердининг ранги оқарди.

У тўрт бўлак бўлиб сочилиб ётган китобга тикиларкан, ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Кейин шаҳд билан ўрнидан турди-да, кўйлакчан кўчага отилди. Тарсаки зарбидан юзлари ловуллаб, йўлда тўхтамай тўғри илгари ўзлари яшаган

ҳовлига – амакисиникига кириб борди.

- Тинчликми, нима бўлди ? - деди жиянини ялангбош, кўйлакчан аҳволда кўрган Дилмурод капалаги учиб.

- Қаердан келяпсан?

Шунда аламдан Эгамбердининг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди.

- Нега йиғлаяпсан? Аянг тузукми? Гапирсанг-чи?

- Ўгай отам урди.

Дилмурод бир муддат жим қолди. Кейин Эгамбердининг бошини силади.

- Қўй, хафа бўлма, ўзингдан ҳам ўтгандирда. Бекордан-бекорга қўл кўтармагандир ахир?

Эгамберди кўзида ёш билан бўлган воқеани гапириб берди.

- Шундай дегин, - амакиси қўлларини мушт қилди. - Ўгай отанг ифлос одам экан ўзи. Бечора онангни ҳам адойи тамом қилди. У бир муддат ўйланиб турди-да, кейин бир қарорга келгандек, Эгамбердининг елкасига қоқди.

- Хўп, бўлмаса, гап бундай, жиян. Бугундан бошлаб шу ерда биз билан тураверасан. Онангга ўзим тушунтираман, келишдикми ?

Амакисининг таклифидан чеҳраси ёришган Эгамберди индамай бош иргади.

Шу-шу, у ўгай отанинг остонасига бошқа қадам босмади. Онасининг ўзи гоҳи-гоҳида келиб ундан хабар олиб турар, лекин ҳар сафар кўришганда уни бағрига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

Эгамберди болалигида китобга ўч эди. Мактабда ҳам яхши ўқир, айниқса математикадан ҳамиша "аъло" баҳо оларди. Шу боис саккизинчи синфни битирганидан кейин ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юртига ўқишга кирди. У ерни тамомлагандан кейин эса мактабда математикадан дарс бера бошлади. У уйланганда ҳали йигирмага ҳам тўлмаган эди. Келинни амакисининг хотини Қум-

рихон топди. Эгамберди бўлажак умр йўлдоши — Адолатни чимилдиқда кўрди. Буғдойранг, истарали, мулойим бу қиз унга маъқул бўлди.

Уруш бошланганда йигирма беш ёшга тўлган Эгамберди икки қизалоқнинг отаси эди. Орадан олти ой ўтгач, кўнгиллилар сафида фронтга жўнади. Рус тилини билгани, маълумотли бўлгани учун қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан кейин кичик лейтенант унвони билан взвод командири бўлиб жангга кирди.

Қарийб тўрт йил давомида қонли урушнинг бутун даҳшатларини ўз кўзи билан кўрди. Уч марта яраланиб, яна сафга қайтди. Бир неча маротаба ажал комидан мўъжиза туфайли омон чиқди. Ниҳоят, уруш ғалаба билан тугаб, кўкси тўла орден, медаллар билан қишлоғига соғ-омон қайтди. Кўп ўтмай яна ўзининг жонажон мактабида муаллимлигини давом эттирди.

Лекин бир кам дунё деганларидек, урушдан қайтганига икки йил тўлганда хотини тўсатдан дардга чалиниб қолди. Шаҳарда кўрсатмаган шифокори қолмади. Табибга ҳам олиб борди. Охири дўхтирлар "Буйраги қаттиқ шамоллаган, ўзини уринтирмасин, эҳтиёт қилиш керак", дейишди. Шундан кейин Эгамберди шифокорлар буюрган дориларни топиб келди. Хотинининг кўнглига қарарди. Лекин Адолат кузги япроқдай борган сари сўлиб, сарғайиб бораверди.

...Эгамберди, аввалига, мактабда янги иш бошлаган кутубхоначи аёл — Малоҳатга унчалик эътибор қилмаганди. Лекин кейинчалик кўнглида унга нисбатан сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ажиб бир ҳисни туя бошлади. Бора-бора латофатли, дилбар бу аёл уни бутунлай ўзига ром этди. Ниҳоят, тўй баҳонаси уйига кузатиб қуяётиб, унга юрагини очди. Лекин ўша куни унинг кўзига алламаҳалгача уйқу келмади. "Хафа қилиб қуйдиммикин? Ишдан бўшашга ариза ёзиб

ўтирса-я. Йўғ-е, унчаликка бормас. Ё дардимни ичимга ютиб, индамай юрганим маъқулмиди? Лекин қачонгача? Барибир бир кун айтардим. Қолаверса, кейинги пайтлари Малоҳатнинг гап-сўзларидан, қарашларидан унинг ҳам кўнгли бордек туюлганди. Агар ҳақиқатдан ҳам гапим оғир ботганда, бошқача жавоб қайтарган бўларди".

Эгамберди Қудратович турли ўй-фикрлар гирдобида қийналиб юрган ўша кунларда Малоҳат ҳам оромини бутунлай йўқотганди. Энди у муаллим билан юзма-юз келиб қолганда юраги гурсиллаб уриб кетар, қафасга тушган қушчадек бетоқат бўлиб, ўзини қўйгани жой тополмай қоларди.

Бир куни ишдан қайтаётган Малоҳат анҳор кўприги олдига яқинлашганда азим тол панасида турган Эгамберди Қудратовичга кўзи тушиб, юраги "шув" этди.

- Мен сизни кутиб тургандим, - деди муаллим у томонга яқинлашаркан.

- Нега? - Малоҳатнинг вужудига олов югургандек бўлди.

- Биласизми?.. - Эгамберди бир лаҳза тараддудданиб турди-да, аёлнинг кўзларига тикилди. - Бугун кечқурун уйларингга ўтаман.

У шундай дея Малоҳатнинг жавобини ҳам кутмасдан шитоб билан кўприкдан ўтди-да, кўздан узоқлашди.

Кутилмаган бу гапдан Малоҳат ҳангу-манг бўлиб қолди. У йўлида давом этаркан, Эгамбердининг "Уйларингга ўтаман", деган сўзлари қулоғи остида жаранглаётгандек туюлди. "Энди нима қилдим?". Малоҳат уйига келиб кийимини алмаштирди-да, болиш олиб кўрпачага мук тушаркан, юраги бетоқат бўлди. "Қачон келаркин? Қизчам ҳам эсини таниб қолди. Бу йил мактабга боради. Бемаҳалда бегона одам уйга кириб келса, ҳайрон бўлади. Ё кўча эшикни қулфлаб қўйсаммикин? Тақиллатганини қўни-қўшнилар

эшитса-чи? Эшигимиз олдида турганини биттаяримта кўрса-я. Нима деб ўйлайди? Шармандалик. Вой, Худойим-е, энди нима қилдим?"

Хавотирли ўй-фикрлар исканжасида қолган Малоҳат кечки овқатни қандай еганини ҳам билмади. Соат тўққиздан ўтганда "Бор, ухлай қол, менинг ишларим бор", - деб қизчасини ётоқхонага киритиб юборди. Кейин ҳаяжонини босиш, ўзини чалғитиш учун қўлига китоб олди. Лекин хаёли паришон бўлиб, миясига ҳеч нима кирмади. Ниҳоят, соат ўн бирга яқинлашди. "Балки келмас". Малоҳат деразадан ҳовлига нигоҳ ташлади. "Ўйлаб кўриб, фикридан қайтгандир. Майли, яхши бўлди".

У шуларни хаёлидан ўтказаркан, шу лаҳза ички бир туйғу билан Эгамбердининг келишини истаётганлигини сезди. Вужудидаги ички куч – ақл билан юрак ўртасида аёвсиз кураш кетаётганлигини ҳис этди. Малоҳат ҳовлига яна бир бор кўз ташлагач, чуқур бир хўрсинди-да, кўча эшикни қулфлаб келиш учун ўрнидан турди. Шунда ногаҳон шундоққина остона яқинида қадам товуши эшитилди-ю, юраги бўғзига қадалгандек бўлди. Кўп ўтмай хона эшиги секин очилиб, Эгамберди пайдо бўлди. Улар бир муддат бир-бирларига сўзсиз термилиб қолишди.

- Нимага келдингиз? - Малоҳат тилида шундай деяётган бўлса-да, дилидан "Келмай қолсангиз-а, дея хавотирдайдим", деган фикр ўтди. Эгамберди унинг ёнига келиб, елкаларидан ушлади. Аёл титраб кетди, қўл-оёғи бўшашди. "Ҳозир ҳушимдан кетиб йиқиламан", хаёлидан ўтказди у. Йигит шу лаҳза Малоҳатнинг ҳолатини сезгандек, индамай бағрига босди. "Сизни жонимдан ортиқ кўраман. Туну кун хаёлимдасиз". "Ахир қандай қилиб..." Дағ-дағ титраётган аёлнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. "Уят, нима деган одам бўлдим энди".

...Йигит бақувват, эҳтиросли. Аёлнинг соғлом, дуркун вужуди эса эркак бағрига интиқ, ташна эди. Эгамберди янги уйланган кезлари ҳам бундай роҳат, лаззатни ҳис этмаганди. Икки ташна қалб, бир-бирига талпинган икки вужуд кимсасиз саҳрода адашиб, чанқаб, кутилмаганда чашмага дуч келган йўловчилардек бахтиёр эдилар.

- Мен жинниман, - йигитнинг кўксига ҳолсиз бош қўйган Малоҳат шивирлади.

- Мен-чи? - Эгамберди унинг сочларини силаб, юзидан ўпди.

- Сиз ҳам тентаксиз, - аёл маъюс жилмайди. - Ёмон иш бўлди. Гуноҳга ботдик.

- Севги гуноҳ эмас, - Эгамберди Малоҳатни бағрига тортди.

- Айтдим-ку, сизни яхши кўриб қолганман деб.

- Барибир никоҳсиз, яширинча...

Улар бир муддат жим қолишди.

- Биласизми, - деди муаллим аёлнинг изтироб ўтида қоврилаётганлигини сезиб. - Менга қолса, эртагаёқ хотинимнинг жавобини бериб, бутунлай сиз билан яшардим. Лекин...

- Нималар деяпсиз?! - Малоҳат бошини кўтариб йигитга тикилди.

- Маломатга қолиб кетамиз. Одамлар оилали одамни йўлдан уриб тегиб олибди, деб мени ёмон отлиқ қилишади. Қолаверса, хотинингиз ногирон бўлса. Кўра-била туриб-а. Йўқ, гуноҳ-ку бу.

- Тўғри айтасиз, - Эгамберди чуқур хўрсинди. - Номардлик бўлади. Лекин... лекин энди мен сизсиз яшай олмайман, – шундай дея Малоҳатни қаттиқ қучоқлади. Бутун инон-ихтиёрини йигитга топширган аёл кўзларини юмди...

...Тун ярмидан ўтганда Малоҳат Эгамбердини кузатиб Қўйди.

- Эртага мактабда юзингизга қандай қарайман, - деди аёл кўча эшик олдида бир дақиқа тўхтаркан.

- Бундай деманг, - Эгамберди уни қучди. - Ҳаммаси яхши бўлади. Мен келиб тураман.

- Барибир қўрқаман, - Малоҳат ўзини тортди. Шундан кейин уларнинг ишқий саргузаштлари бошланди.

Эгамберди ҳафтада икки маротаба тунда Малоҳатникига борар, гоҳида у ердан саҳарда чиқиб кетарди. Шу зайлда ойлар, йиллар ўтди. Эгамберди билан пинҳона учрашиб юрганларининг тўртинчи йили эди.

Бир куни висол лаззатидан сархуш лаҳзаларда тўсатдан Эгамберди юрагида қаттиқ оғриқ сезди.

- Вой ўлмасам, - Малоҳат кўкрагининг чап томонини чангаллаб олган муаллимга қараб, қўрқиб кетди. - Рангингиз ўзгариб кетибди?!

Нима қилдим энди?

- Қўрқманг, - Эгамберди жилмайишга ҳаракат қилди.

- Илгари ҳам бир-икки марта санчганди. Яхшиси, уйга бориб олай.

- Шу аҳволда-я?!

- Ҳечқиси йўқ. Ўтиб кетади.

Малоҳат уни кузатиб қўйиб, ҳардамхаёллик билан ўрнига чўзилди.

Лекин тонггача ухлолмай чиқди. Эрталаб мактаб дарвозаси ёнига яқинлашганда адабиёт муаллимаси Ҳамрохон опага дуч келди.

- Ҳозиргина хабар келди, - деди у ёшли кўзларини артиб.

- Эгамберди ака оламдан ўтибдилар. Қаердандир келаётган экан, уйларига ўн қадам қолганда кўчада узилибдилар.

Малоҳатнинг кўз олди қоронғилашиб, тили калимага келмай қолди...

3

Аёллар билан Эгамберди Қудратовичнинг хонадонига кўнгил сўраб борган Малоҳат уйига зўрға етиб келди. “Энди нима бўлади? ” - у тахмондан ёстиқ олиб, кўрпачага ҳолсиз чўзилди. “Ҳаммасига ўзим айбдорман. Худонинг қаҳри келди. Шунча йил никоҳсиз, яширинча... гуноҳга ботдик. Аслида Яратган Эгам менинг жонимни олиши керак эди. Кўнглимнинг кўчасига кирмаганимда, балки у киши ҳозир ҳаёт юрган бўлармиди? Вой, Худойим-е, мурдалари эрталабгача кўчада қолиб кетибди-я. Агар тонггача уйимизда қолганда, балки юрак хуружлари ўтиб кетармиди? Йўқ, агар бизникида бир кори ҳол бўлганда нима қилардим? Шармандалик. Ўзимни ўлдиришдан ёки Фарғонадан кўчиб кетишдан бошқа иложим қолмасди”.

Изтироб ва пушаймонлик ўтида куйиб-ўртанаётган Малоҳат шуларни хаёлидан ўтказаркан, шу лаҳза Эгамбердининг мардона қиёфаси кўз ўнгига келди. “Нима қилай, севардим ахир”. У болишни бағрига босаркан, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. “Ҳеч кимни бунчалик яхши кўрмаганман”. Нима бўлганда ҳам Эгамберди акаси билан пинҳона учрашган дамлар ҳаётидаги энг бахтиёр лаҳзалар эди...

Ўтган йилнинг айни ёз палласи саратонда бир кечани Шоҳимардонда ўтказишганди. Ўшанда Эгамберди ака билан гапни бир жойга қўйган Малоҳат “Марғилондаги яқин дугонам меҳмонга айтган”, деган баҳона билан қизчасини тоғасиникида қолдирди.

Улар чор атрофи тоғлар билан ўралган хушманзара, сўлим қишлоққа асрга яқин етиб келишди. Эгамберди уни шарқираб оқаётган Кўксувнинг шундоққина биқинидаги ҳовлига бошлаб борди. Аслида бу ерни ҳовли деб аташ ҳам унча тўғри

бўлмасди. Чунки чор атроф очиқ, тахминан 30–40 сотих келадиган майдон мевазор боғ, кишининг баҳри дилини очадиган жаннатмакон бир гўша эди.

"Меҳмонлар" шилдираб оқаётган ариқчадан ҳатлаб, ўн-ўн беш қадам юқорига юришган ҳам эдики, рўпараларидаги пастаккина уйдан бир хотин чиқди. У аввал қўлларини соябон қилиб, бир муддат тикилди. Кейин гавдасига ярашмаган чаққон, илдам қадамлар билан улар томон яқинлашаркан, беш-олти қадам қолганда таққа тўхтади.

- Вой, Худойим-е, тушимми, ўнгимми? Ўзингмисан, болам! - У шундай дея пилдираб келиб Эгамбердини қучоқлади-да, юз-кўзларидан ўпа кетди. - Қачонлардан бери йўлларингга кўзларимиз тўрт эди. Ўғил деган ҳам шунақа бўладими?

- Ўзингиз соғ-омонмисиз, момо? - Эгамберди жилмайди. - Отам бардаммилар? - у шундай дея хижолатомузлик билан уларга қараб турган Малоҳатга ўгирилди. - Бу аёл... келинингиз...

- Бўйларингга қоқиндиқ бўлай, - момо Малоҳатни бағрига босди. - Эгамбердига, келаси сафар, албатта келинни бирга олиб кел, деб қайта-қайта тайинлагандим.

Момо Малоҳатнинг юз-кўзларига тикилди.

- Хотининг ойдеккина экан. Илоё, кўз тегмасин, қўша-қаринглар. Қани, чироқларим, юринглар. Улар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишгач, момога эргашишди. Уят ва хижолатдан юзлари ловуллаб кетган Малоҳат уч-тўрт қадам орқада бораркан, ичида ўзини койиди. "Бу ерга келишга рози бўлмаслигим керак эди. Бояқиш кампирнинг кўзига қандоқ қарайман. Кеча очиғини айтганларида, кўнмасдим". Эгамберди ака "Мана кўрасиз, сиз хижолат бўладиган жой эмас", дея ҳоли жонига қўймаган,

йўлга чиқишдан олдин ҳам “Кимнинг уйига борамиз ўзи?”, деб сўраганда “Буниси сир”, деганди мугамбирона кулиб.

Момо уларни кигиз тўшалган чоғроққина уйга бошлаб кирди. Эгамбердининг “Қўйинг, овора бўлманг, кейинроқ”, дейишига қарамай, бир зумда дастурхон ёзиб, борини тўкиб солди. Бир пиёладан чой ичишгач, момо кўзларига ёш олиб деди:

- Бир ҳафта бўлди, Ҳайдаргинамни тушимда кўрдим. Мана шу Кўксувнинг нариги томонидаги катта харсангтош устида ўтирганмиш. Худди ўша туриши. Бошида дўппи, эгнида оппоқ яктак. Мен “Вой, болам, хайрият, тирик экансан. Худойимга шукур, кел, бағримга босай”, деб ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган эмишман. У бўлса, менга қараб нуқул кулармиш. Бир вақт сесканиб уйғонсам, чолим юзимга аста шапатилаб: “Онаси, нима бўлди, тушингда қўрқдингми?” - дедилар. “Нимага уйғотдингиз, болагинамнинг дийдорини кўраётгандим”, - дедим йиғлаб. Шунда у кишиям кўзларига ёш олди. Ўша тунда икковимиз ҳам тонггача кўз юммай чиқдик.

Орага бир муддат жимлик чўкди. Эгамберди пиёладаги чойдан бир ҳўплагач:

- Ҳайдаржон шерюрак йигит эди, - деди таассуф билан бош чайқаб. Сўнгра Малоҳатнинг ҳайрон бўлиб, саволомуз нигоҳ ташлаганини сезиб, сўзида давом этди:

- Олти ой елкама-елка туриб жанг қилгандик. Ҳалок бўлганига ҳалиям ишонгим келмайди.

- Гапир болам, гапир, - момо кўзларига ёш олди.

- Илгари айтган бўлсанг ҳам ҳар сафар яна эшитгим келаверади. Қандоқ йигит эди-я. Шаҳид кетди нуридийдам. Эгамберди бир оз сукут сақлаб тургач, Малоҳатга қараб деди:

- Ҳайдаржон билан фронтга бир кунда

жўнагандик, тақдир тақозоси билан битта полкка тушдик. Худди ака-укадек қадрдон бўлиб қолгандик. У мендан икки ёш кичик эди. Худди кечагидек эсимда. Харьковни озод қилиш учун жангга кирмасдан бир кун олдин "Эгамберди ака, - деб қолди гап орасида. - Илгариям сизга айтганман, ёлғиз ўғилман, учта опам бор. Болалигимда жудаям эрка, шўх бўлганман. Ақл кечроқ кирган. Худо хоҳласа, уйга эсон-омон қайтсам, бир умр ота-онамнинг хизматларини қиламан. Уларнинг дуоларини оламан", деб астойдил ният қилганди. Ўша кунги суҳбатдан кейин эртаси куни тонг саҳарда жангга кирдик. Мен ҳужум пайтида елкамдан яраланиб қолдим. Бир ой даволанганимдан кейин бошқа полкка жўнатишди. Уруш тугаб, Фарғонага қайтганимдан кейин бир куни Шоҳимардонга йўлим тушиб қолди. Шунда Ҳайдаржоннинг хонадонини суриштириб топдим. Борсам, ўша мен ярадор бўлган йили "қора хат" келган экан. Ҳеч ишонгим келмади.

- Ўшанда мен сени ўғлим, деганман, жон болам, - момо кўз ёшларини енги билан артди. - Узоқлашиб кетма, келиб тургин. Сенга қарасам, Ҳайдаримни кўргандек бўламан. Биз ҳам ғанимат бўлиб қолдик.

- Момо, қизларингиз яхши юришибдими? - Эгамберди суҳбат мавзусини бурди. - Неваралар ҳам кўпайиб қолгандир?

- Худойимга шукур, - момонинг чеҳраси ёришди. - Қизларнинг ҳаммаси ўзига тинч. Неваралардан ҳозир ўн битта бўлди. Кенжа қизим ўғилчасининг исмини Ҳайдаржон қўйган. Қошкўзлари худди тоғасининг ўзи...

Шу пайт ташқаридан қадам товуши эшитилди. Лаҳза ўтмай остонада момонинг умр йўлдоши — етмиш беш-саксон ёшлар атрофидаги новчагина, қотма, нуроний қария пайдо бўлди.

- Ие, ие, тушимми, ўнгимми? Ёпирай, - ота

Эгамберди билан қучоқлашиб кўришди. Кейин Малоҳатга кулиб қаради. - Тинч-омонмисизлар, қизим. Қадамларингга ҳасанот, заб келибсизларда.

Фотиҳа ўқилгач, момо овқатга уннаб кетди.

- Шералининг олдига ўтувдим, - деди ота чойдан пиёлага қуйиб ҳўпларкан. - Ёшликдан бирга ўсиб, катта бўлганмиз. Гоҳ-гоҳида бирга ўтириб ҳангомалашамиз. Жудаям ҳазилкаш, дилкаш одам.

Бу орада момо шамчироқ келтириб қўйди. Ота унинг пилигини бир оз кўтариб қўяркан, Эгамбердига юзланди:

- Бир-икки йилнинг ичида биз томонларга ҳам электр келармиш, деган гап бор. Ажабмас, уйларимиз чароғон бўлиб қолса. Бу ерда ўзини ноқулай сезаётган Малоҳат учун эса электр чироқнинг йўқлиги айни муддао эди. Чунки ўзини эркин тутолмаётган, гап-сўзларидан Эгамбердининг хотини эмаслигини сезиб қолишларидан ниҳоятда қўрқаётганди.

...Момо паловни сузиб келди. Овқатдан кейин ҳам икки соатга яқин суҳбатлашиб ўтиришгач, ниҳоят, хонадон соҳибаси уларни боғ яқинидаги меҳмонхонага кузатиб қўйди.

- Хайрият, - Малоҳат шамни ёқиб, унинг ёнига ўтирган Эгамбердининг кўксига беҳол бош қўйди. - Бунақалигини билганимда, умуман келмасдим.

- Нимага? Ҳеч нарсани сезишгани йўқ-ку.

- Барибир. Игнанинг устида ўтиргандек бўлдим. Эгамберди унинг елкасидан қучди. Липиллаб ёнаётган шамнинг ёғдуси қандайдир ўзгача руҳ, илоҳийлик бағишларди. Деразанинг ланг очиқ дарчасидан келаётган енгил шабада ўзи билан тоғдаги турли гиёҳ, ўт-ўлан ва анвойи гулларнинг муаттар ҳидини хонага олиб кирди. Шундоққина ёнларидан оқиб ўтаётган Кўксувнинг

бир маромда шарқираб оқиши қулоққа чалинади.

- Биласизми, хаёлимга нима келди? - Эгамберди Малоҳатнинг юзидан ўпди.

- Нима? - аёл муаллимнинг пинжига суқилди.

- Нима учун сиз ўн беш йил олдин туғилмагансиз?

- Тушундим гапингизга. Лекин шундай бўлгандаям, балки учрашмасдик. -Йўқ, албатта кўришардик. Барибир сизни қидириб топардим.

- Ўзингиз-чи? - Малоҳат эркаланди. - Нимага дунёга кечроқ келмагансиз?

- Шуни айтинг, - Эгамберди аёлни маҳкамроқ қучди...

Малоҳат ўзини ҳеч қачон ўша сеҳрли, оромбахш тундагидек бахтиёр ҳис этмаганди. Эгамбердига бутун борлиғини бахшида этиб, дунёни унутган ўша ҳузурбахш лаҳзаларда "қани энди иложи бўлса-ю, ҳамма нарсани унутиб, шу торгина хонада мана шу одам билан бир умр қолиб кетсам", деб ўйлаганди.

Кутилмаган мусибатдан ўзини йўқотиб, гангиб қолган Малоҳат ҳозир шуларни кўнглидан кечираркан, беихтиёр хаёлига "чол-кампирлар билишармикин? ", деган ўй келиб, қўрқиб кетди. Унда нима бўлади? Эшитишса, албатта кўнгил сўраб, фотиҳага келишади. Ана шармандалик. "Ўшанда бизникига жазманини олиб келган экан-да", деб ўйлашади. Ҳеч кимга индашмаган тақдирда ҳам барибир ўлган одамнинг шаънига ёмон...

Ўша куни туни билан тўлғониб чиққан Малоҳат тонгда ўрнидан мажолсиз қўзғалди. У номигагина нонушта қилгач, бир лаҳза ўйланиб қолди. "Бугун мактабга бормай қўя қолаймикин? Йўғ-е, ишга ўтмасам бўлмайди. Ўқитувчилардан биттаяримтаси шубҳага бориши мумкин. Яхшиси, нима қилиб бўлсаям ўзимни қўлга олишим керак".

Лекин у мактабда ҳам узоқ ўтиролмади. Назарида ҳамма унга таъна, маломат нигоҳи билан

қараётгандек туюлаверди. Шу боис тушга яқин "бир оз тобим бўлмаяпти", деган баҳона билан уйга қайтиб келди...

Орадан бир ой ўтди. Илгарилари ишга бориш Малоҳатга ҳузур-ҳаловат, қувонч бағишларди. Эгамберди Қудратович Малоҳатнинг ҳоли вақтини пойлаб кутубхонага ҳеч бўлмаса бир марта кирар, беш-ўн дақиқалик ширин суҳбатдан у руҳий қувват, ором оларди. Энди эса мактаб остонасига қадам босиш унинг учун ҳадсиз азоб, машаққатга айланди. Айниқса, куни кеча адабиёт муаллимаси Ҳамрохон опа унга маъноли тикилиб: "Малоҳатхон, сизга нима бўлди? Мунча ўзингизни олдириб қўйибсиз, тузукмисиз?", деб ҳол-аҳвол сўраганда, хижолатдан ер ёрилмади-ю, ерга кирмади.

Шундай кунларнинг бирида мактабдоши, институтда кассир бўлиб ишлайдиган дугонаси Гулчеҳрани кўчада тасодифан учратиб қолди. Суҳбат орасида у:

- Ҳозир институт кутубхонасида иш бор, ўтмайсанми? - деб сўраб қолди.

- Ростданми? - Малоҳатнинг кўзлари чарақлаб кетди.

- Яхши бўларди.

Дугонасининг бунчалик тез рози бўлади, деб ўйламаган Гулчеҳра бир оз ҳайрон бўлди.

- Мактаб тўғри келмаяптими?

- Йўқ, нимага, - Малоҳат ўзини ўнглаб олди. - Жамоамиз жудаям яхши. Лекин... институт ҳар ҳолда институтда. Мана, сен борсан.

- Гапинг тўғри. Менимча, ҳали одам олишгани йўқ. Эртагаёқ бориб ректорга учра.

Малоҳатнинг аризасига кўз югуртиргач, Холмурод Турдиевич кўзойнагини олиб, унга ҳайрон бўлиб қаради.

- Нимага дабдурустдан? Тинчликми? Ё кимдир хафа қилдими ?

– Йўқ, ким хафа қилади, – Малоҳат хижолатдан ўзини қўйгани жой тополмай қолди. – Шу... институт кутубхонасида жой бор экан. Майли, десангиз...

– Ҳа, шундайми? – директор "тушунарли" дегандек бош чайқади. – Ундай бўлса, ихтиёрингиз. Институт – катта даргоҳ...

Орадан уч кун ўтгач, Малоҳат олийгоҳ кутубхонасида иш бошлади. У энди ўзини анча хотиржам сезар, катта ва нуфузли бу билим даргоҳи унга ниҳоятда маъқул эди.

...Малоҳат Эгамберди аканинг вафотидан кейин бошқа ҳеч кимга кўнгил қўймасликка аҳд қилганди. Шу боис ўтган беш йил давомида иш ва рўзғор ташвишидан бошқа нарса ҳақида ўйламас, унинг кўнглига йўл топмоқчи бўлган институтдаги баъзи ўқитувчилар билан илиқ муомалада бўлса-да, уларни умидвор қилмасди.

У Ғуломқодирни учратиб қолмаганида, балки умрининг охиригача Эгамбердининг ёди, хаёли билан ўтган бўларди. Лекин бу содда талаба йигит қалбининг туб-тубида ётган ширин хотираларни уйғотиб юборди. Малоҳатнинг назарида, бутун борлиғини эгаллаган, ҳаётининг мазмунига айланган нурли сиймо орадан беш йил ўтиб навқирон йигит қиёфасида дунёга келгандай эди.

Ғуломқодир Малоҳат опа билан бўлиб ўтган суҳбатдан уч кун кейин, кечки соат бешларга яқин кутубхонага кирди. Аслида у ўша куниёқ бир қарорга келган, лекин "ўзиям ўлиб турган экан", деган хаёлга бормасин, деган андишада сабр қилганди.

Иш вақти тугашига яқин қолганлиги учун ўқув залида одам сийрак. Уч-тўртта талаба китобдан нималарнидир дафтарига кўчириш билан машғул. Ғуломқодир оҳиста юриб, қандайдир газетани ўқиб ўтирган опага яқинлашди. Орадаги масофа уч-тўрт қадам қолганда Малоҳат бошини кўтарди.

Кейин, бир лаҳза таажжуб билан қараб қўйгач, ширин жилмайди.

- Келинг, ўтиринг, - у ёнидаги бўш стулга ишора қилди.

Ғуломқодир хиёл қизарди. Сўнгра гапни нимадан бошлашни билмай тараддудланиб қолди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин ҳам йигитдан дарак бўлмагач, шу бугун Малоҳат ичида ўзини койи-ётганди. "Айтмасам бўларкан. Хаёлига бошқа фикр келган бўлса-я. Опа уйида туришни таклиф қилди, деб ўртоқларига мақтанса-чи. Гап-сўз кўпаяди. Йўғ-е, унақанги андишасиз, мақтанчоқ болага ўхшамайди".

Шу боис кутилмаганда, дабурустдан Ғуломқодирнинг пайдо бўлиши уни таажжубга солган эди.

- Ўйлаб кўрдингизми? - Малоҳатхон куёв боладек қизариб кетган йигитни хижолатдан қутқариш учун ўзи сўради.

- Ҳа, маъқул опа.

- Жуда яхши, - Малоҳатнинг чеҳраси ёришди. - Бўлмаса, гап бундай. Эртага якшанба, кун бўйи уйда бўламан. Мен ҳозир...

У шундай дея, бир парча қоғозга манзилгоҳини ёзиб, Ғуломқодирга узатди.

- Мана, Бешкапанинг шундоқ ўзида, топишга қийналмайсиз.

Ғуломқодир янги жойга эртаси куни шомга яқин кўчиб келди.

- Мана шу хона сизники, - деди Малоҳатхон ёнғоқ дарахти соя ташлаб турган чоғроққина уйга бошлаб киргач. - Бемалол, яхшилаб жойлашиб олаверинг. Мен овқатга уннаётган эдим.

У ёлғиз қолгач, хонага кўз югуртирди. "Ихчамгина экан. Опа яшайдиган уйдан четроқда, алоҳидалиги яна яхши, бехижолат".

Ғуломқодир бор бисоти – беш-ўнта китобию бир сидра уст-бошини тахмонга қўйиб, секин

ташқарига чиқди. "Ҳовли кенгина экан. Камида ўн беш сотих келар", - хаёлидан ўтказди у. Кейин, эндигина гулларини тугиб, мева боғлаётган ўрик, олма дарахтларига тикилди. Шу пайт қулоғига қаердандир сувнинг шилдираши эшитилди. У оҳиста юриб, ҳовли этагига борди. "Ие, бу ердан ариқ ўтган экан-да". Ғуломқодир чўккалаб шарқираб оқаётган сувга бир муддат завқ билан тикилиб қолди.

- Ҳовлимиз сизга ёқдими? - у қулоғига чалинган майин товушдан шошиб қаддини ростлади. Шунда беш-ўн қадам нарида ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги нозиккина қиз билан унга кулиб қараб турган Малоҳат опага кўзи тушди.

- Яхши, баҳаво экан, - Ғуломқодир негадир қизарди. - Қишлоқдаги ҳовлимиздан ҳам ариқ ўтарди. Малоҳатхон унинг олдига келган йигитга қизиқиб қараб қўйгач, қизига ўгирилди.

- Шаҳодат, кеча сенга айтганим, Ғуломқодир аканг. Дарсларда тушунмаган нарсаларингни бемалол, тортинмай сўрайверасан.

Шаҳодат онасининг гапига жавобан ширин жилмайиб "маъқул" дегандек, бош иргади.

- Қани, юринглар, бўлмаса. Овқатим ҳам тайёр, бугун палов дамлаганман.

...Ғуломқодир дастлабки кунлари янги жойда ўзини ниҳоятда ноқулай сезди. Чунки ўртоқлари билан ижарада турган Ўрмозордаги хонадонда хоҳлаганда ётиб, хоҳлаганда турар, уларни ҳеч ким назорат қилмасди. Бу ерда эса, унинг назарида, ҳар бир қадамини, хатти-ҳаракатини кузатиб туришаётгандек эди. Шу боис гоҳи-гоҳида "Чакки қилдим, опага "ҳамхоналарга ўрганиб қолганман, улар ҳам хафа бўлишади", деганимда олам гулистон эди", дея ичида ўзини койиб қўярди.

Лекин бу ноқулайлик узоққа чўзилмади. Малоҳатхондаги очиққўнгиллик, самимийлик, феълатворида ҳазил-мутойибага бўлган мойиллик

ўртадаги хижолатпазлик, ўнғайсизлик пардасини суриб ташлади. Энди Ғуломқодир Малоҳатхоннинг хонадонида ўзини бемалол, эркин сезар, якшанба кунлари томорқа юмушларини жон дилдан бажарар, бозор-ўчарни ҳам ўзи уддаларди.

Орадан тўрт ой ўтди. Ғуломқодир иккинчи босқични тугатиб, ёзги таътилга чиқди.

- Бизларни соғинтириб қўйманг, - деди Малоҳатхон уни қишлоғига кузатиб қўяркан. - Сизга бутунлай ўрганиб қолдик. Иложи бўлса, ўқиш бошланишидан ўн-ўн беш кун олдин келаверинг.

Ғуломқодир ўтган йили таътилнинг охиригача қишлоғида бўлган эди. У хонадон эгалари билан хайрлашаётиб: "Бўпти, эртароқ қайтавераман", деган бўлса-да, ўқишга икки-уч кун қолганда қайтиш ниятида эди. Лекин қишлоғида бирор ой тургач, зерикиб қолди. Тўғрироғи, Малоҳатхонни кўргиси келаётганлигини, уни соғинаётганлигини ҳис этди. Хуллас, август ойи бошидаёқ кетиш тараддудига тушиб қолди.

- Тинчликми, болам? - ўғлининг кутилмаганда сафар тадоригига тушиб қолганлигини кўрган онаизор ҳайрон бўлди. - Ўтган йили ойнинг охирида кетган эдинг-ку.

- Эртароқ боришим керак, - Ғуломқодир чайналди. - Ўқишим билан боғлиқ анча ёзадиган ишларим бор.

Йигитнинг кириб келишидан Малоҳатхоннинг боши осмонга етди. Елиб-югуриб дастурхон ёзди.

- Уйдагилар, ҳаммалари соғ-саломат экан-ми? - У чой қуйиб узатаркан, ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

- Раҳмат, яхши юришибди, - Ғуломқодир Малоҳатхоннинг оппоқ, тиниқ юзига, оққушникидек чиройли силлиқ бўйнига, торроқ кўйлагини ёриб чиққудек тирсиллаб турган сийналарига бирров кўз ташларкан, негадир юраги бўғзига қадалган-

дек бўлди. Йигитнинг ҳолатини яхши сезган аёл уни бу ноқулай аҳволдан қутқариш учун шўх оҳангда сўради.

- Мана, бу йил учинчи курс талабасисиз, институтда кўз остингизга олиб юрган қизингиз бордир?

- Йўғ-е, - Ғуломқодир қизарди. - Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрганим йўқ. Олдин ўқишни битириб, ишга тушсам, ундан кейин...

- Нега энди? - Малоҳатхон унга ишва билан боқди. - Юракка буйруқ қилиб бўладими? Ахир бирорта қизни тўсатдан ёқтириб қолишингиз мумкин-ку? Унда нима қиласиз?

- Билмадим, - Ғуломқодир хижолатомуз жилмайди. - Ўшанда бир гап бўлар.

4

Август ойи ҳам тугаб, институтда яна дарслар бошланди. Ғуломқодир шу кунларда ажиб бир ҳолатни бошдан кечираётган эди. Очиғи, ўзи истамаган ҳолда шу аёлни қаттиқ ёқтириб қолаётганлигини ҳис этди. Қизиғи, Малоҳат опанинг институт ҳовлисида бирорта ўқитувчи билан кулиб гаплашиб турганига кўзи тушиб қолса, беихтиёр ғаши келар, қалбида пайдо бўлган рашкдан ўзи ҳам ҳайрон бўларди. Гоҳида эса тунлари уйқуси қочиб, бир лаҳза аёлни қучоғида тасаввур қилар, шунда ҳаяжондан юраги гурсиллаб кетарди.

...Якшанба, дам олиш куни эди. Ғуломқодир айвонга тўшалган кўрпачага ёнбошлаб, китоб ўқиётганди.

- Шу ердамисиз? Бу ёққа қараб юборинг.

Аёлнинг қўнғироқдек овозини эшитган йигит дик этиб ўрнидан турди. У меҳмонхонага кириши билан хонтахта устига қўйилган курсига чиқиб, деразага парда тортаётган Малоҳат опага кўзи тушди. Кейин, нигоҳи унинг оппоқ болдирларига қадалди-ю, хижолат бўлиб, юзини бошқа томонга

бурди.

- Курсини ушлаб туринг! - опа йигитга бир қайрилиб қараб қўйгач, яна юқорига интилди. Шунда уй ичида кийиб юрадиган калта, юпқа ҳарир кўйлаги тиззасидан тўрт энлик юқорига кўтарилди-ю, аёлнинг мармардек тиниқ, бўлиқ сонларига беихтиёр қараб қўйган Ғуломқодир "қулт" этиб ютинди. Шу лаҳза курсини тутиб турган қўллари титраб, бутун вужудига олов югургандек бўлди.

- Мана бу бошқа гап, - курсидан енгил ҳаракат билан тушган Малоҳатхон пардага бирров кўз югуртиргач, Ғуломқодирга ўгириларкан, бирдан кулиб юборди.

- Ие, сизга нима бўлди? Худди чимилдиққа кирган куёв боладек лавлаги бўлиб кетибсиз. Ҳа, айтганча қорнингиз ҳам очгандир. Сиз китобингизни ўқиб туринг, мен ҳозир овқатга уннайман.

Малоҳатхон Ғуломқодирни хонадонида туришга таклиф этганда "Эгамберди акани кўргандек бўлиб юраман", деган фикрда эди. Қўни-қўшниларга эса уни узоқроқ қариндошимиз деганди. Лекин кейинги бир-икки ой ичида қалбидаги шавқ, эҳтирос ўти тобора аланга ола бошлади. Энди у вужудини қамраб олган тизгинсиз хоҳиш, истакни жиловлаб олишга ўзида куч, ирода тополмай қийналар, агар Ғуломқодир озгина журъат кўрсатиб, унга яқинлашса, осонгина таслим бўлиб, инон-ихтиёрини унга топширишга ҳозир эканлигини дилдан ҳис этарди. Лекин бу содда йигитда қани ўша журъат, қани ўша жасорат!

Малоҳат эса ортиқча хатти-ҳаракат қилишдан ийманар, тўғрироғи, чўчир эди. Ҳозиргина, парда илаётиб Ғуломқодирни "ёрдам"га чақирганининг боиси ҳам асли шу эди.

Ўша куни Ғуломқодирнинг уйқуси қочди. У Малоҳат опанинг парда илаётган ҳолатини кўз

ўнгига келтираркан, юраги гурсиллаб "наҳотки шу аёлни яхши кўриб қолган бўлсам, ахир қандай қилиб", деган фикр хаёлида тинмай чарх уриб, алламаҳалгача тўлғониб чиқди.

Орадан бир ой ўтди. Бир куни Ғуломқодир ўқишдан эти жунжикиб қайтди. Шомга яқин эса иситма чиқиб, йўтала бошлади.

- Тобингиз қочганга ўхшайди, - Малоҳатхон унга хавотирлик билан тикилди. - Қизариб кетибсиз.

- Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, - Ғуломқодир сир бой бергиси келмади. - Кеча институтда футбол ўйнагандик. Терлаб туриб, бехос сув ичиб қўйибман. Ўшанга сал шамоллабман, шекилли.

- Йўқ, ўз-ўзидан ўтиб кетмайди. Кўринишингиздан иситмангиз ҳам борга ўхшайди, - у шундай дея қизига ўгирилди. - Шаҳодат, бор, қўшнимиз Зайнаб холангдан сут олиб чиққин, аканга қайнатиб берамиз.

Ғуломқодир ўша куни туни билан яхши ухлолмади. Тонгда ўрнидан лоҳас бўлиб турди.

- Бу аҳволда дарсда ўтиролмайсиз, - Малоҳатхон унинг пешонасига кафтини бир лаҳза қўйиб тургач, бош чайқади.

- Сиз сутнинг қолганини ичиб, яхшилаб ўраниб ётинг. Мен ишдан қайтишда дори олиб келаман.

Икки кун ўқишга бормаган Ғуломқодир учинчи куни эрталаб ўзини анча енгил ҳис этди. Бироқ йўтали бутунлай тўхтамади. Шундай бўлса-да, опанинг "Шу бугун ҳам ётинг, бормай қўя қолинг", дейишига қарамай, институтга кетди. Ўқишдан қайтгач, кечки овқатдан кейин ҳужрасига барвақтроқ кириб, Ғафур Ғуломнинг "Ёдгор" қиссасини қўлига олди-да, ўрнига чўзилди. Алламаҳалгача китоб ўқиб, кўзи толиққач, ўрнидан турди. Ечиниб, чироқни ўчирди-да, ўрнига ётди. Орадан ярим соат вақт ўтиб, эндигина кўзи илинай, деб турган ҳам эдики, эшик оҳиста очилди.

- Ухлаб қолганингиз йўқми?-Ғуломқодирнинг юраги ҳаприқиб кетди.

- Йўқ, - у аввалига ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ечиниб ётгани ёдига тушиб, хиёл қаддини ростлади. - Тинчликми, опа?

- Қўзғалманг, ётаверинг, - Малоҳатхон чироқни ёқди. Шунда Ғуломқодир бир қўлида пиёла билан унга кулиб қараб турган аёлга кўзи тушди-ю, нима дейишни билмай қолди.

- Қўрқиб кетдингизми? - у йигитнинг қаршисига чўккалади. - Мана, сизга дори олиб келдим, қўй ёғи, иссиққина, йўталингизга даво.

Ғуломқодир пиёладаги ёққа қараб қўйгач, аёлга саволомуз тикилди.

- Қани, ўгирилинг-чи, - деди Малоҳатхон унга мулойим боқиб.

- Йўғ-е, - Ғуломқодир ўрнида бир қимирлаб қўйди. Майли, сиз қўйиб кетаверинг, ўзим...

- Ёш болага ўхшайсиз-а, - Малоҳатхон юзига жиддий тус берди. - Қўлингиз курагингизга етмайди-ку. Хўп, майли, хижолат бўлсангиз, мен чироқни ўчириб қўяман.

У чироқни ўчирди. Шунда ўн тўрт кунлик тўлин ойнинг деразадан тушаётган ёғдусида хона қопқоронғи бўлди.

- Қани бўлинг, ечинг майкангизни, ёғ совиб қолмасин. Ғуломқодир беихтиёр ўзини худди арши аълода юргандек ҳис этди. Йигирма бир ёшга тўлган бўлса-да, ҳали бирорта қизнинг лоақал билагини ушламаган бу йигит аёлнинг мулойим бармоқлари тафтини баданида ҳис этаркан, ҳаяжондан юраги худди кўкрак қафасини ёриб чиққудек гурсиллаб урар, назарида гўё жони бўғзига қадалгандек эди.

- Вой-бўй, - Ғуломқодирнинг кўкрагига дори сураётган Малоҳатхон ҳазил қилди. - Айиқполвоннинг ўзисиз-ку. Бу туришингизда баданингизга ёғ умуман етиб бормайди.

- Шунинг учун ўзим дегандим-да, - ҳаяжонини бир оз босиб олган Ғуломқодир хижолатомуз кулди. - Раҳматли отам ҳам шунақанги кўкраклари ёлдор бўлган экан.

- Мана бўлди, - Малоҳатхон чуқур нафас олди. - Сиз бўлса... Аёллардан шунақанги қўрқасизми?

Шунда Ғуломқодирда ғайриихтиёрий бир журъат пайдо бўлди-ю, қаддини ростлаб, аёлнинг елкаларидан ушлади. Кейин шартта бағрига тортди-ю, юз-кўзларидан ўпа бошлади...

Малоҳат йиллар давомида қалби, жисму жонида асраб келаётган шавқ, эҳтирос алангаси билан йигитни куйдирарди. Тун қоронғисида аёлни бағрига олиш, димоғида ҳеч қачон туймаган ажиб бир ҳиддан маст бўлиш бахтига муяссар бўлган Ғуломқодир эса кутилмаган бу ташрифдан мамнун ва масрур эди.

- Ҳали замон тонг отади, - аёл беҳол шивирлади. Унга жавобан Ғуломқодир Малоҳатни яна ўзига тортди.

- Йўқ, бўлди энди, - Малоҳат унинг бағридан сирғалиб чиқиб, қаддини ростлади... Кейин йигитнинг юзларини силади. - Сиз энди мени ёмон аёл экан, деб ўйларсиз-а?

- Йўғ-е, нимага? - Ғуломқодир унинг елкасидан қучди. - Ҳеч қачон. У бир муддат жим турди-да, кейин аёлнинг юзларидан ўпди.

- Очиғи, мен ўзи сизни яхши кўриб қолганман.

- Сезардим, - Малоҳат хўрсинди. – Лекин ишонасизми, уйимизда туришга таклиф этганимда мен ҳам ихтиёримни сизга бериб қўяман, деб ўйламагандим.

...Орадан уч ой ўтди. Ғуломқодир шундай келишган, лобар жувон унга бутун борлиғини бахшида этаётганлигидан бахтиёр эди. Малоҳатхон кунда-кунора қизи Шаҳодат уйқуга кетгач, секингина йигитнинг ҳужрасига кирар, у ердан тонг-

га яқин чиқиб кетарди. Бир куни, тун ярмидан оққанда висол лаззатидан сархуш бўлган аёл унинг кўксига беҳол бош қўяркан, шивирлади:

- Сизни ҳам қийнаб қўйдим, тўғрими?

- Нимага? - Ғуломқодир Малоҳатнинг сочларини силади.

- Озиб қолдингиз.

Шунда бундан бир ҳафта олдин курсдоши Самаднинг айтган гаплари беихтиёр унинг ёдига тушди. "Оғайни, саломатлигинг жойидами?" - деганди у Ғуломқодирга тикилиб. - "Бунча кўзларинг киртайиб кетибди. Тузукмисан ўзи?" Шунда "Соппа-соғман", дея хижолатомуз жилмайиб қўйган бўлса-да, тунги уйқусизликлари бир оз ҳолдан тойдирганлигини ўзи ҳам сезган эди. Шу боис Малоҳатхоннинг гапига нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди.

- Сизга шундай кўрингандирман, - деди у сир бой бергиси келмай.

- Тан олгингиз келмайди-а? - аёл эркаланди. - Гапнинг тўғриси, мен ҳам чарчадим. Энди ҳафтада бир марта, келишдикми?

- Соғиниб қоламан.

- Асалнинг ози ширин. Ундан кейин Худо кўрсатмасин, қизим сезиб қолса, шармандалик... Хўпми?

Ғуломқодир унга жавобан Малоҳатни яна бағрига тортди...

Инсон табиати қизиқ. Ғуломқодир биринчи курсда ўқиб юрган кезларида "Қани энди ўқишни тезроқ тугатиб, дипломни олсам-у, қишлоғимга қайтсам. Бирорта мактабда ишга тушиб, онамнинг, сингилларимнинг ёнида бўлсам, уларга ёрдамим тегса", деб орзу қиларди. Бироқ Малоҳатхоннинг хонадонида яшай бошлагач, йиллар қандай тез ўтганлигини сезмай қолди. Шу боис давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўраркан, яқин кунларда бутунлай қишлоққа қай-

тиши кераклигини, йигитлик фаслининг ширин дамларини бирга ўтказган бу аёл билан айрилиқ онлари тобора яқинлашаётганлигини ўйлаб, юраги сиқиларди.

Шундай кунларнинг бирида тўсатдан уни ректор чақириб қолди. Ғуломқодир ёши олтмишлардан ўтган бўлишига қарамай худди йигитлардек тетик, юз-кўзларидан самимийлик, хайрихоҳлик, меҳр зуҳр этиб турадиган бу одамни институт ҳовлисида кўп кўрганди. Бироқ юзма-юз ўтириб гаплашмаганди.

Тўлқин Муҳаммедович уни илиқ қарши олди.

- Келинг, ўтиринг, - деди у ўзига яқинроқ турган стуллардан жой кўрсатиб. Кейин очиқ чеҳра билан сўради. - Ўқишлар яхшими? Имтиҳонларга тайёргарликлар кетяптими ?

- Яхши, раҳмат... - ректор унга очиқ чеҳра билан муомала қилаётган бўлса-да, Ғуломқодирнинг юрагини бир оз хавотирлик чулғади. "Тинчликмикин? Шундай катта одам мени нега чақиртирганикин?"

Тўлқин Муҳаммедович унинг қаерданлиги, оилавий шароити билан қизиқгач, деди:

- Хўш, энди бўлмаса, гап бундай. Биз сизни институтда олиб қолмоқчимиз, нима дейсиз?

Кутилмаган бу таклифдан Ғуломқодир довдираб қолди. У ялт этиб ректорга қараб қўйгач, негадир бирдан қизарди.

- Билмадим... дабдурустдан...

- Яхши, уйдагилар билан ҳам маслаҳатлашинг. Жавобини бирор ҳафтадан кейин айтарсиз. Лекин айтиб қўяй, рози бўлсангиз, кейин пушаймон бўлмайсиз. Институт — катта даргоҳ.

Ғуломқодир ректорнинг ҳузуридан кўтаринки кайфият билан чиқди. "Бу ёғи қизиқ бўлди-ю, хаёлимнинг кўчасига ҳам келмаган эди. Мен овсар, тинчликмикин, деб хавотир олиб ўтирибман. Ҳа, айтганча, уйдагилар нима деркин?

Онам рози бўлармикинлар? Яқинда уйга борганимда "Қачон уйга бутунлай келаркансан, деб кун санаб ўтирибман, ўғлим. Қишлоғимизнинг олди қизларини мўлжаллаб қўйганман", деб хурсандчиликдан кўз ёши ҳам қилиб олишганди. Малоҳат опа эшитса нима деркин? Албатта, хурсанд бўлади. Кечагина, тунда кўксига бош қўйиб ётганда, " Сизга бутунлай ўрганиб қолдим. Кетсангиз нима қиларкинман", деганди. Йўқ, гап фақат Малоҳат опада эмас. Ректор айтганидек, институт — катта даргоҳ. Бундай имкониятни қўлдан бой бермаслик керак".

Дарҳақиқат, ўша куни бу хушхабарни эшитиб Малоҳатхоннинг кўзлари чарақлаб кетди.

- Ура-а, - деди ўқишга кириш учун институтга ҳужжат топширган Шаҳодат чапак чалиб, - Ғуломқодир ака, бизгаям дарсга кирасизми?

- Аввал сен эсон-омон ўқишга кириб олгин, - Малоҳатхон қизига ғалати қараб қўйди. Кейин Ғуломқодирга саволомуз тикилди. - Сиз нима дедингиз? Рози бўлдингизми ахир?

- Ҳозирча ҳеч нарса деганим йўқ. Домла "Ўйлаб кўринг, уйдагилар билан маслаҳатлашинг", дедилар.

- Нимасини ўйлаб кўрасиз? - Малоҳатхон тааж-жуб билан тикилди. - Ахир ректор ҳар кимниям...

- Тушуниб турибман, - Ғуломқодир аёлга маъноли тикилди. - Менга-ку маъқул. Лекин ҳар ҳолда онамнинг, тоғамнинг олдиларидан бир ўтиб қўйишим керак.

...Ғуломқодирнинг қишлоққа — ҳовлига қадам босиши ҳамиша байрам эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Онаизор худди олисдан мўътабар, азиз меҳмон ташриф буюргандек, дарров дастурхон ёзди. Акалари билан ҳамиша фахрланиб, ғурурланиб юрадиган сингиллари Ҳамро билан Барно ошга уннашди. Палов дамланганда тоғаси Тоштемир кириб келди.

- Қалайсан, - кутилмаганда тоғаси Ғуломқодир билан қучоқлашиб кўришди. - Ўқишларинг тугай деб қолдими? Қани, ўтир. Оббо, сен-е.

Ошни иштаҳа билан еб, бир пиёладан чой ичишгач, Ғуломқодир секин муддаога ўтди.

- Дабдурустдан келишимнинг боиси — бир иш юзасидан маслаҳатларингизни олай дегандим.

- Тинчликми? - тоғаси саволомуз тикилди.

- Ҳа, ҳаммаси жойида, - Ғуломқодир жилмайди. Сўнгра бир муддат сукут сақлаб тургач, ректорнинг таклифини айтди.

- Ҳай-ҳай, йўқ, болам, - онаси ўша заҳоти эътироз билдирди. - Беш йилдан буён йўлингга кўз тутавериб, тоқатим тоқ бўлди. Етар энди, мендаям орзу-ҳавас бор. Бирорта мактабда тинчгина ишлаб, бундан буёғига энди ёнимда бўл.

Ғуломқодир нажот билан тоғасига қаради.

- Энди, опа, дарров қайириб ташламангда, - Тоштемир пешонасини тириштирди. Кейин жиянига меҳр билан қаради. - Институт ректори жуда катта одам. Ғуломқодир унинг назарига тушган экан, бундан хурсанд бўлишимиз керак. Менимча, ҳар кимгаям буни таклиф қилишавермайди. Шундайми, жиян?

Ғуломқодир тоғасига миннатдор нигоҳи билан қараб "ҳа", дегандек, тасдиқ ишорасини қилди.

- Гапинг тўғрику-я, - онаси бир оз бўшашди, - лекин битта-ю битта ўғил бўлса. Мана, бу ёқда сингилларинам бўйи етиб қоляпти. Отаси йўқ, ҳаммасига ўзи бош-қош бўлсин, дейман-да.

- Хўп, майли, бу гапларни қўя турайлик, - тоғаси шундай дея Ғуломқодирга маъноли тикилди. - Ўзинг нима дейсан, ўзинг? Бирор қарорга келиб қўйгандирсан.

- Менга қолса, агар қаршилик қилмасаларинг, ўша ерда беш-олти йил ишлаб кўраймикин, дегандим.

- Яхши, тўғри ўйлабсан, - Тоштемир шундай

дея опасига юзланди. - Сизнинг гапларингиз ҳам бир ҳисобда тўғри. Лекин Фарғона қочиб кетгани йўқ. Ғуломқодир институтда ишлаб туриб ҳам сизларга фойдаси тегаверади. Қолаверса, бу ерда биз бор, амакилари бор. Ажаб эмас, ўша ерда мартабаси яна ошиб, катта одам бўлиб кетса. Биз ҳам кўчада кўкракни кериб юрамиз-да. Нима дединг, жиян?

Ишнинг силлиқ битганидан кўнгли ёришган Ғуломқодир жилмайиб қўйди.

5

...Орадан олти ой ўтди. Яқиндагина оддий талаба бўлган Ғуломқодир энди институт ўқитувчисига – Ғуломқодир Турдиевичга айланди. Албатта, ҳозир у бундан беш йил олдинги, қишлоқлик содда, ғўр йигит эмасди. Ўтган йиллар давомида шаҳар ҳаёти, ўзгача муҳит уни қайта тарбиялади, кўп нарсани ўргатди. Шунингдек, у кимдандир "ҳусн ҳам ярим ризқ", деган иборани эшитганди. Бу гапнинг чинлигига Ғуломқодир бир неча бор ишонч ҳосил қилди. Чунки у бирор юмуш билан қаерга борса, иши тезда битар, суҳбатдошида илиқ таассурот қолдирганини сезиб, ич-ичидан қувониб, ғурурланиб қўярди.

Ғуломқодир талабалик йилларида гоҳи-гоҳида, тўй-маросимларда ўртоқларининг қистови билан оз-моз ичиб ўрганган эди. Ўқитувчилар сафига қўшилгандан кейин эса ўн беш кунда бир бўладиган чойхонадаги ошхўрликда даврадагилар билан яйраб ўтирар, ичкиликдан кейинги сархушлик унга хуш ёқарди.

Шанба куни эди. Декабрь ойининг охирлари, ҳаво совуқ. Ғуломқодир одатдаги ўтиришдан шомга яқин қайтди. У ҳовлига қадам қўйиши билан меҳмонхонада дарс қилиб ўтирган Шаҳодат унга пешвоз чиқди.

- Ассалому алайкум, домла, - қиз унга шўх нигоҳ

ташлади. - Совуқ қотиб кетибсиз, юринг уйга.

- Домла масжидда бўлади, - деди Ғуломқодир қизга ҳазил қилгиси келиб. - Сизга илгариям айтганман-а, домла деманг, деб.

- Хўп бўлади, - Шаҳодат қўлини кўксига қўйди. - Кечиринг, домла. Вой, узр, Ғуломқодир ака Турдиевич.

Шунда иккалалари ҳам баравар кулиб юборишди. Йигит хонага ўтиб, эгнидаги пальтосини ечди-да, стулга ўтирди. Сўнгра кўрпачага чўк тушиб, унга кулиб қараб турган Шаҳодатга кўз қирини ташлади. "Қизи тушмагур кейинги икки йил ичида жудаям очилиб кетди. Худо деган йигит олади-да ўзиям. Агар онаси билан муносабатимиз бунақанги бўлмаганда, балки ўзим..."

Ғуломқодир хаёлига келган ногаҳоний бу фикрдан хижолат бўлди. Шу боис:

- Бу, опам кўринмайдилар, - деди ўзини чалғитишга уриниб.

- Бугун ишдан тоғамларникига ўтаман, дегандилар. Ҳозир келиб қоладилар. Мен овқатга ункаётган эдим.

У шундай дея ўрнидан туриб, эшик томонга бир-икки қадам юрди-ю, бирдан таққа тўхтади.

- Вой, кўйлагингизнинг тугмаси узилиб тушай деб турибди. Ечинг, қадаб берай.

- Йўғ-е, - Ғуломқодир бошини эгиб, ипга илиниб турган тугмага қўлини олиб борди. Кейин Шаҳодатга кулиб қаради. - Қўяверинг, ҳали ўзим...

Қиз унга ажиб бир карашма билан қараб қўйдида, индамай хонадан чиқиб кетди. Кўп ўтмай, қўлида игна-ип билан яна пайдо бўлди.

- Бир минут қимирламай туринг, мен ҳозир бирпасда...

Шаҳодат шу ҳолатда тугмани жойига қадай бошлади.

- Бугун зиёфатдан келаётганга ўхшайсиз, топдимми? - қиз "ичибсиз-а?", дегандек унга сирли

қараб қўйди.

- Ҳа, чойхонада ошимиз бор эди.

- Мана, бўлди, - у йигитга ўтли бир нигоҳ ташлади-да, ипни тиши билан узиш учун энкайди. Шунда балоғат ёшига етган қизлардангина келадиган, кишини маст қилувчи ажиб бўйдан Ғуломқодирнинг боши айланиб, юраги гурсиллаб кетди-ю, Шаҳодатни шартта бағрига тортиб, лабини лабларига босди. Бундай бўлишини хаёлига келтирмаган қиз бир юлқиниб йигитнинг бағридан чиқди-да, хона бурчагина ўтиб, кўзларини катта очганча, унга ҳайрат билан тикилди. Кейин хонадан отилиб чиқиб кетди. Ҳуши жойига келган Ғуломқодир бир муддат карахт бўлиб қолди. "Менга нима жин урди ўзи? Яхши иш бўлмади".

У пальтосини қўлига олиб ташқарига чиқдида, ҳужрасига кириб, ўрнига чўзилди. "Падарига лаънат. Агар озгина кайфим бўлмаганда, ўзимни тута олардим. Бечора қизнинг юраги ёрилиб кетай дегандир. Ҳозир қай аҳволга тушиб ўтирганикин? Йиғлаётган бўлса-я?! Опага айтиб берса-чи. Йўғ-е, бунчаликка бормас". Орадан бирор соат ўтгач, ҳовлидан Малоҳат-нинг қўнғироқдек овози эшитилди.

- Ғуломқодир, чиқинг, овқат тайёр бўлди.

"Оббо, нима қилдим энди. Қорним-ку тўқ. Ошдан келдим, ўзларинг бемалол, деб қўя қолаймикин? Йўқ, бу ерда юракни ҳовучлаб ётгандан кўра чиққаним яхши".

У дастурхон тепасида Шаҳодатга кўз қирини ташлади. "Ҳайрият, чеҳраси очиқ. Мен овсар қўрқиб, нима хаёлларга бориб ўтирибман".

Эртаси куни Ғуломқодир қизни холи учратиб, узр сўради:

- Шаҳодатхон, кечаги беадабчилигимни кечирасиз. Чойхонада ҳалигиндан сал кўпроқ олиб қўйган эканман. Беихтиёр...

Қиз бошини бир томонга хиёл эгиб, қошлари-

ни чимирди.

- Ёмон одам экансиз. Домлаям шунақанги бўладими? Агар аямга айтиб берганимда, биласизми, нима бўларди ?

Ғуломқодир қизнинг гап оҳангларидан, қарашларидан ундан қаттиқ ранжимаганлигини сезди. Шу боис ҳазил-мутойиба оҳангида деди:

- Биламан. Мен ҳозир бу дунёда йўқ бўлардим.

- Нимага? - Шаҳодат ҳайрон бўлиб унга қаради.

- Тўғри бориб ўзимни поезднинг тагига ташлардим. - Нималар деяпсиз?! - у кўзларини катта очиб, унга бир лаҳза тикилди-да, кейин Ғуломқодирнинг ҳазил қилаётганини тушуниб, жилмайди. - Яхшиям айтмаганим. Уволингизга қоларканман.

...Ғуломқодир ўша куни Шаҳодат ҳақида кўп ўйлади.

Шу пайтгача у бу қизга синглисидек муносабатда бўлиб келаётганди. Шу боис кечаги бўлиб ўтган воқеадан кейин ичида анчагача ўзини койиб юрди. "Барибир яхши бўлмади. Агар бу қилиғини опа билса, мени нақд ўлдириб қўйса керак. Тўғрида, онаси билан ётиб юриб, қизига тегажоғлик қилиш ғирт аблаҳлик. Бундан бу ёғига энди ўзимни қўлга олишим керак. Кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор".

Лекин қарама-қаши ўй-фикрлар исканжасида қолган Ғуломқодир шу лаҳза бир нарсани – бу йил институтнинг биринчи курс талабаси бўлган Шаҳодат бир йилдан буён унга пинҳона кўнгил қўйганлигини билмас эди...

6

Куёвжўралар тунги соат ўн бирларга яқин тарқалишди. Ғуломқодир тўйдан сархуш ҳолатда қайтаркан, куёвтўра – собиқ курсдоши Абдулло билан келин Зулхуморни кўз ўнгига келтирди. "Узукка кўз қўйгандек бир-бирига муносиб, бахтли бўлишсин". У катта йўлни кесиб ўтиб,

Бешкапа томонга буриларкан, беихтиёр онасининг гапларини эслади.

- Худо хоҳласа, мана шу йил сени уйлаймиз", - деди у ўтган ҳафта қишлоққа борганда. Кейин тиббиёт билим юртида ўқиётган Зумрадхон исмли қизни мақтай кетди. - Ойдеккина экан, бўйи-басти жудаям сенбоп. Биздан бир маҳалла нарида туришади. Усмонжон бригадирнинг қизи. Балки отасини кўрсанг, танирсан. Шуни бир кўр, гаплаш. Маъқул, десанг, эртагаёқ совчиликка борамиз, жон-жон деб беришади. Ғуломқодир онасининг гапларини жимгина тингларкан, жилмайди.

- Нимага индамайсан? - Волидаси қистибастига олди. Кейин унга синчковлик билан тикилди. - Менга қара, агар кўз остингга олиб юрганинг бўлса, ҳеч тортинмай айтавер, болам. Қиз, аввало, сенга ёқиши керак.

У ўша куни Фарғонага қайтгач, ўйлади. "Дарҳақиқат, бу йил бўлмаса, янаги йилга барибир уйланиши керак. Лекин кимга? Агар опа билан ишқий саргузаштлари бошланмаганда, балки шу пайтгача бирортасига кўнгил қўйган бўлармиди. Ҳа, албатта кимнидир танларди. Чунки институтда яхши, чиройли қизлар кўп. Унга зимдан қараб, оғзини пойлаб юрганлари ҳам йўқ эмас. Институтда ишга қолгандан кейин эса ўқитувчилар орасидан ҳам унга қайлиқ топаётганлар кўпайиб қолди".

У шуларни кўнглидан кечираркан, ўтган ҳафта опа айтган гаплар ёдига тушди.

- Сиз чимилдиққа кирган куни ўзим ҳам тонггача тўлғониб чиқсам керак. - Унинг кўксига бош қўйиб ётган Малоҳатхон шивирлади. - Майли, мен сизнинг бахтли бўлишингизни жудаям хоҳлайман. Лекин уйлангандан кейин эсдан чиқариб юбормайсиз-а?

- Ҳеч қачон. Мен сизни умрбод яхши кўраман.

- У шундай дея аёлни эҳтирос билан қаттиқ қучди.

Ширин, ёқимли, ўй-фикрлар оғушида манзилига етиб келганини ҳам сезмай қолган Ғуломқодир келишиб олишганидек, бугун, якшанба куни Малоҳатхон билан тунни бирга ўтказишни ўйлаб, бутун вужудида ажиб бир роҳат лаззатини туйгандек бўлди.

...Кўча эшикни Шаҳодат очди. У ҳовлига қадам қўяркан, ҳайрон бўлди. Чунки гоҳи-гоҳида бемаҳалроқ келганда, ҳар доим унга опа пешвоз чиқарди.

- Аям шомга яқин Марғилонга кетдилар, - деди қиз ташвишли оҳангда.

Хонадон томонга бурилган Ғуломқодир тўхтади:

- Нимага? Тинчликми?

- Опоқимнинг опалари бор эди-ю, Анзират аммам, танийсиз, ўтган йил баҳорда бизникига келувдилар. Ўша аммам оғирлашиб қолибдилар, айттириб юборишди. Аям, сал тузук бўлиб қолса, эрталаб келаман, деб кетдилар.

Ғуломқодир бўйчан, қотмагина, ёши саксонни қоралаб қўйган бўлса-да, ҳаракатчан, тетик бу кампирни дарров эслади.

- Амма мен кўрганимда анча бардам эдилар. Ўшанда қизиқ-қизиқ гапларни айтиб, роса бизни кулдиргандилар. Ишқилиб, яхши бўлиб қолсинлар. - У шундай дея беш-олти қадам юрган ҳам эдики, Шаҳодат тўхтатди.

- Ғуломқодир ака, шошманг.

- Нима дейсиз?

- Бугун меҳмонхонада ётақолинг, - деди қиз хижолатомуз оҳангда. - Тўғрисини айтсам, қўрқаман.

Ғуломқодир бир муддат ўйланиб қолди. "Тўғри, менинг ҳужрам ҳовли этагида бўлса, қиз бола нарса, албатта, ёлғиз ўзи чўчийди".

- Бўпти, сиз хонангизга кириб бемалол дамингизни олаверинг. Мен, меҳмонхонада ухлай-

ман.

У хонасига кириб, ечинди. Кейин ҳовлига чиқиб, қудуқ сувидан ҳовучлаб ичди. Сўнгра онабола ётадиган ҳобгоҳга туташ меҳмонхонага кириб, Шаҳодат тўшаган ўринга чўзиларкан, кўнгли хижил бўлди. "Кампир тушмагур бугунги ҳузур-ҳаловатга тўғаноқ бўлди. Ишқилиб, соғайиб кетсин. Агар ўлиб-нетиб қолса, опа қизи билан бир ҳафта, ўн кун аммасиникида бўлади. Ундан кейин ҳам балки бирор ой ўзини тортиб юрар". Ғуломқодир шуларни кўнглидан кечираркан, бирдан шайтони лаъин унга йўл-йўриқ кўрсата бошлади. "Ие, ҳуру пайкар шундай ёнингда, қўшни хонада-ку. Секин туриб ёнига чиқмайсанми?" "Йўғ-е". У ўрнида тўлғаниб қўйди. "Яқинда кўрсатган қилиғимдан ҳалигача хижолатдаман-ку. Эндигиси ортиқча бўлади. Ўзимни қўлга олишим керак".

"Қизиқ йигит экансан". Шайтон яна юрагига ғулғула сола бошлади. "Хўп, ана, қучоқлаб ўпдинг. Осмон узилиб ерга тушдими? Сен билан гаплашмай қўйгани йўқ-ку. Сезмаяпсанми, ўшандан кейин қайтага ўзини сенга янада яқинроқ оладиган бўлиб қолди. Яна бир марта бағрингга боссанг, нима бўлибди? Балки, сенда кўнгли бордир. Ҳозир у ҳам сени ўйлаб ётгандир".

Ғуломқодир шу лаҳза Шаҳодатнинг оппоқ, тиниқ юзини, ғунчадек лабларини, чарақлаб турадиган қуралай кўзларини кўз ўнгига келтираркан, юраги орзиқиб кетди. "Нима бўлибди, еб қўярмидим. Секин қўйнига қўл солиб кўрай-чи. Астойдил ранжийдиган бўлса, бирор баҳона излаб топарман".

Ҳирсу ҳавас ақл-идрокдан устун келди. У секин ўрнидан туриб, ўзидан уч қадам наридаги эшикни оҳиста итарди.

- Ғуломқодир ака, - қизнинг майин, титроқ овозидан йигитнинг юраги гурсиллаб кетди.

- Ҳа, мен... қўрқманг.
- Тинчликми?
- Шундоқ ўзим... негадир уйқум қочди.

У қиздан икки метрча берида чордона қуриб ўтирди. Орага бир муддат сукунат чўкди. Шу пайт булутлар бағридан чиққан ой нури қоронғи хонани бир оз ёритди. Шунда Ғуломқодирнинг нигоҳи ёстиқ узра ёйилган паришон сочларга тушди. У қизга яқинроқ сурилди.

- Қўлингизни беринг.
- Нимага? - агар шу лаҳза мўъжиза рўй бериб, кутилмаганда чироқ ёнганда, ҳадик ва ҳаяжондан Шаҳодатнинг кўкси дам-бадам кўтарилиб тушаётганлигини, юзлари чўғдек қизариб кетганлигини кўриш мумкин эди. Ғуломқодир унинг кафтини излаб топди. Шунда у қизнинг хиёл титраётганлигини, негадир бармоқлари намлигини сезди.
- Қўйинг, яхшимас. - Қўрқманг, чегарадан чиқиб кетмайман...

Ғуломқодир аввал қизнинг нафис бармоқларини, силлиқ, қайноқ билагини эҳтирос билан силади. Сўнгра чаққоғ бир ҳаракат билан белидан қучиб, лабларини лабларига босди. Шаҳодат тўлғаниб, юзини олиб қочди.

- Ғуломқодир ака, керакмас...

Лекин бутун вужуди шавқ, эҳтирос алангаси билан ёнаётган йигитни жиловлай оладиган куч қани?! Ихтиёри қўлидан кетаётган қизнинг ожизона қаршилиги эса узоққа чўзилмади...

- Вой! - Ногаҳон кўзи "ярқ" этиб очилган Шаҳодат ғайритабиий куч билан Ғуломқодирни ўзидан итариб юборди.

Қизнинг аянчли чин-қириғидан йигит ҳам ўзига келди. "Нима қилиб қўйдим?!" У хона бурчагида бир муддат каловланиб турди-да, кейин апил-тапил кийиниб, чироқни ёқди. Ярим яланғоч ҳолатда гужанак бўлиб ётган Шаҳодат ўша заҳоти кўрпани устига тортди.

- Кетинг! - Шаҳодатхон, мен...

- Чиқиб кетинг бу ердан деяпман! Ўчиринг чироқни.

Ғуломқодир меҳмонхонага ўтиб, ўрнига беҳол чўзилди. "Тамом. Расво бўлди. Энди нима қилдим? Минг лаънат".

У секин ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Кейин ҳовли этагига ўтиб, шарқираб оқаётган ариқда ювинди, қайтиб меҳмонхонага кирди. Аввалига Шаҳодат ётган уйнинг эшигини очмоқчи ҳам бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Карахт бир ҳолатда тўшагига ёнбошларкан, ичини ит тимдалай бошлади.

"Ўзимнинг хонамда ётганимда, балки мана шу шармандали иш содир бўлмасмиди. Йўқ, ҳаммасига мана шу касофат ичкилик сабабчи. Агар ҳушёр бўлганимда, ҳеч қачон бунчаликка бормасдим. Бечора қиз ҳозир қанақа аҳволга тушиб ўтирганикин?

Олдига кирсаммикин? Йўқ, ҳозир тўғри келмайди. Балки, бир оздан кейин ўзи чиқиб қолар. Ё хонамга кириб кетаймми? Йўғ-е, қочиб юрибди, деб ўйлаши мумкин. Яхшиси, шу ерда тонг оттирганим маъқул".

Қўрқув ва пушаймонлик ўтида қовурилаётган Ғуломқодир туни билан тўлғаниб чиқди. Саҳарга яқин "нима бўлса бўлар, кириб хабар оламан", деган ўйда эндигина ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, эшик оҳиста очилди.

Ғуломқодир беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Шунда паришон сочлари елкаси узра ёйилган, йиғидан кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетган қизга кўзи тушди-ю, ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Улар бир-бирларига бир муддат термилиб қолишди.

- Мен... Кечирасиз... - Ғуломқодир дудуқланди. - Бунақа бўлишини хоҳламагандим. Тўғриси, ўзимни тутолмай қолдим.

– Энди нима қиламан? – Шаҳодатнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. – Ўлганим яхши.

– Қўрқманг, – йигит зўрма-зўраки жилмайди. Кейин уни елкаларидан ушлаб, ўзига тортди. – Ҳаммаси яхши бўлади. – Мени ташлаб кетмайсиз-а? – қиз бошини кўтариб, ёшли кўзлари билан тикилди. – Айтиб қўяй, агар... ўзимни ўлдираман, гапим рост. – Айтяпман-ку, ҳаммаси яхши бўлади деб, – Ғуломқодир Шаҳодатнинг юзларидан ўпди. – Боринг, юз-қўлингизни ювиб олинг. Кейин ўзингизни қўлга олинг, онангиз сезиб қолмасин. Эрталаб соат саккизга яқин Малоҳат кириб келди.

– Аммам ҳам ваҳиманинг уяси, – у ҳужрасидан чиқиб келган Ғуломқодир билан кўришгач, кулди. – Озгина қон босимлари ошиб, бошлари айланибди. Шунга ҳамма қариндош-уруғларни чақиртиришибди. Ранги-рўйи ойдек. Ҳаммани хавотир қилманг, ҳали юзга кирасиз, дедим.

Шу пайт ичкари уйдан Шаҳодат чиқди.

– Ҳа, тузукмисан? – Малоҳатхон қизига хавотир билан тикилди. – Бунча қовоқларинг шишиб кетибди. – Билмасам... – Шаҳодат жилмайишга ҳаракат қилди.

– Кечаси яхши ухлолмадим. Битта ўзим қўрқдим. – Нимадан қўрқасан? – Малоҳатхон кулди. – Ҳовлида ёлғиз эмассан-ку, – у шундай дея Ғуломқодирга ўгирилди.

– Сизлар кетаверинглар, мен бир оздан кейин борсам ҳам бўлаверади.

7

Шаҳодат институт ҳовлисидан чиқиб, автобус бекати томон бурилди. Апрель ойининг ўртаси, ҳаво очиқ. Йўл бўйидаги қатор чинорларнинг кўм-кўк япроқлари майин шабадада енгил шитирлайди. Дарахтлар остидаги ариқчалардан оқаётган сувнинг бир маромда шилдираши ки-

шига аллақандай кўтаринкилик бағишлайди. Узоқ-яқиндан турли хил қушларнинг чуғур-чуғури қулоққа чалинади. Хуллас, бутун борлиқда баҳор нафаси...

Бироқ пиёдалар йўлкасидан паришонхотирлик билан аста одимлаб бораётган Шаҳодатнинг ичига чироқ ёқса, ёришмасди. "Энди нима қилдим?" Мана, бир ҳафта бўлди, ошхонага киргани юраги безиллайди.

Ёғнинг ҳидига кўнгли ағдарилиб кетай деяпти. Кечки овқатни тайёрлаб, дастурхонга олиб келиб қўйиш унинг учун азоб.

Аслида ўша воқеадан кейин Ғуломқодир ака-ни бошқа ўзига яқинлаштирмаслиги керак эди. Қачон бўлувди, ўзи? Ҳа, бундан бир ярим ойча олдин. Март ойининг бошларида эди.

Ўша куни Ғуломқодир ишдан эртароқ қайтди. Шаҳодат уйда ёлғиз эди. У қўлидаги папкасини сўри устига қўйиб, қизни қучоқлаб ўпди. Кейин меҳмонхонага киришди.

- Бўлди, йўқ, аям келиб қолишлари мумкин, - қиз йигитнинг кўкрагидан беозор итарди.

- Опанинг келишларига яна икки соат бор, - Ғуломқодир уни қаттиқроқ қучди. - Соғиниб кетдим.

- Қўрқаман...

- Энди ҳеч нима қилмайди.

- Ўша гап, мени ташлаб кетмайсиз-а?

- Айтганман-ку, энди ҳамиша бирга бўламиз, - эҳтироси жунбишга келган Ғуломқодир енгил бир ҳаракат билан қизни даст кўтарди. Кўз олдини туман қоплаган Шаҳодат йигитнинг кенг, қайноқ бағрига сингиб кетди...

Шаҳодат шуларни хаёлидан ўтказаркан, ичида ўзини койиди. "Ўшанда ўзимни қўлга олишим керак эди. Агар аям сезиб қолса борми, ана шармандалик. Яхшиси Ғуломқодир акамга бор гапни айтаман. Ҳомилам борлигини билса,

нима дер экан? Қўрқиб кетса-я. Балки, хурсанд бўлиб, тўйимизни тезлаштириб юборар. Барибир, тўйдан олдин яхши бўлмади".

У бўлғуси тўйларини кўз ўнгига келтираркан, кўнгли бир оз ёришгандек бўлди. "Ҳали ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Менимча, онам ҳам қаршилик қилмайди. Қайтага хурсанд бўлса керак. Тўғрида, Ғуломқодир акага пинҳона кўнгил қўйиб юрган қизлар институтда ҳам кўп".

Гапнинг тўғриси, Ғуломқодир уларникига янги кўчиб келган кунлари Шаҳодатнинг бир оз ғаши келган эди. Лекин орадан кўп ўтмай содда, очиқ кўнгил бу йигит билан худди ака-сингилдек яқинлашиб кетишди. Орадан икки йил ўтиб эса Ғуломқодирга нисбатан қалбида пайдо бўлган меҳр севгига, муҳаббатга айланиб, қизни азоблай бошлади.

Ғуломқодирнинг кутилмаганда уни бағрига босиб, ўпганлиги Шаҳодатни бутунлай довдиратиб қўйди. Ўшандан кейин у жўрттага беш-олти кун ўзини ранжиган қилиб кўрсатиб юрган бўлсада, ичида йигитнинг "беодоб"лигидан хурсанд бўлган, у ҳам мени ёқтирар экан, деган ўй-фикрга келган эди. Шу боис дилидагини қачон айтаркин, дея унинг оғзини пойлар, Ғуломқодирдан садо чиқмаётганлиги уни хавотирга, изтиробга соларди.

Ниҳоят, Ғуломқодир Шаҳодат интиқлик билан кутиб юрган гапни онаси уларни ёлғиз қолдириб, аммасидан хабар олгани кетган куни айтди. Лекин бу дил изҳори қизга жуда қимматга тушди.

Ҳардамхаёллик билан ҳовлига қадам босган Шаҳодат олма дарахти остидаги сўрида ёнбошлаб ётган Ғуломқодирга кўзи тушди.

- Ишдан эртароқ қайтибсизми? - қиз дилидаги изтиробларни сездирмаслик учун зўрма-зўраки жилмайди.

- Бугун дарсим озроқ эди, - йигит шундай

дея унинг белидан қучди.

- Қўйинг, юрагимга ҳозир ҳеч нима сиғмаяпти.

- Тинчликми?

Шунда Шаҳодатнинг кўзларидан дув этиб ёш тўкилди.

- Нима бўлди, - Ғуломқодир қизга хавотирлик билан тикилди.

- Битта гап айтсам, қўрқиб кетмайсизми?

- Нима демоқчисиз? - негадир йигитнинг юрагига ғулғула тушди.

- Бўйимда борга ўхшайди.

- Нима?! - Ғуломқодир анграйиб қолди. - Ҳазиллашяпсизми? Йўғ-е, қанақасига?!

- Менимча, шунақа... Яна билмадим...

Ғуломқодир сўрига ўтириб, бошини чангаллади. Орага оғир сукунат чўкди. Бир оздан сўнг бошини кўтарди.

- Менга қаранг, - деди у хирқироқ товушда. - Балки сизга шундай туюлаётгандир. Бир дўхтирга учраб қўймайсизми?

- Нималар деяпсиз?! - Шаҳодат Ғуломқодирга қурқув билан қаради. - Дўхтирга қайси юз билан бораман? Гап-сўз тарқаб кетса... Бундан кўра ўлганим яхши.

У шундай дея ҳўнграб юборди.

- Бўлди, ўзингизни босинг, - йигит ўрнидан туриб, қизнинг елкасидан қучди. - Бирор йўлини топармиз.

- Қанақанги йўлини? - Шаҳодат Ғуломқодирнинг кўзларига илтижоли тикилди. - Менга қаранг, уйингиздагиларни тезроқ юборинг. Тўйимизни тезлаштирайлик. Биламан, аям ҳам қаршилик қилмайди. Рози бўлади, тўғрими?

- Билмадим... - Йигит чуқур "уф" тортди. - Жудаям бошим қотиб қолди.

...Ўша куни тунда, соат ўн иккиларга яқин Малоҳат Ғуломқодирнинг хонасига кирди.

- Кейинги пайтларда сиз бошқача бўлиб қолдингиз, - аёл йигитнинг кўксига бош қўяркан, унинг юзларини силади.

- Нимага? - Ғуломқодирнинг ичини ит тимдалаётган бўлса-да, сир бой бермасликка ҳаракат қилди. - Сизга шундай туюлаётгандир.

- Мени алдаёлмайсиз, - Малоҳат эркаланди. - Сабабини айтайми?

Қўрқув ва ҳаяжондан йигитнинг жони бўғзига қадалгандек бўлди. "Яхшиям хона қоронғи", - хаёлидан ўтказди Ғуломқодир. - "Ҳозир қанақанги аҳволга тушганимни билмайди. Нима дер экан?".

- Айтинг-чи, - у ўзини зўрға қўлга олди.

- Сиз кимнидир яхши кўриб қолгансиз. Топдимми?

Ғуломқодир нима дейишни билмай қолди.

"Минг лаънат, сезибди. Лекин қизи билан ўртамизда бўлиб ўтган ишлардан хабари йўқ. Агар билса, мени бўғиб ўлдириб қўйса керак. Лекин қачонгача яшириб юраман. Шаҳодатнинг аҳволи бу бўлса. Мана, шайтоннинг гапига киришнинг оқибати. Ёки гўё ҳазил қилиб, секин қўйнига қўл солиб кўрсаммикин?".

-Ҳа, дамингиз ичингизга тушиб кетди, - Малоҳат кулди. - Ана шунақа, мендан ҳеч нарсани яширолмайсиз.

- Гапингиз тўғри. Лекин... - Ғуломқодир чайналди. - Мени ўзингизга куёв қилиб олмайсизми?

- Ҳазилингиз қурсин, - Малоҳатнинг ғаши келди. - Кўнглингиз яна нималарни хоҳлайди?

У бир муддат сукут сақлаб турди-да, кейин чуқур хўрсиниб қўйгач, деди:

- Тўғрисини айтадиган бўлсам, агар ўртамизда ҳеч гап бўлмаганда, Шаҳодатни жон-жон деб берган бўлардим.

"Нима қилиш керак?" Шу лаҳза Ғуломқодирнинг юраги гурсиллаб кетди. "Таваккал қиламан, бошқа иложи йўқ. Бўғиб ўлдирса, ўлдирар".

- Ҳозир ҳам қўлдан чиқармай қўя қолинг. Масалан, Шаҳодатхон менга ёқади.

- Эсингиз жойидами ўзи? - кўнгли бир нохушликни сезган Малоҳат ўрнидан туриб ўтирди. - Ўйлаб гапиряпсизми?

- Йўқ, шунчаки, агар...

- Бўлди, бас қилинг, - Малоҳат унинг сўзини кесиб. Сўнгра бир муддат сукут сақлаб тургач, қатъий оҳангда деди:

- Кетинг бизникидан, эртагаёқ, илтимос сиздан. У шундай дея тезда кийинди-да, бошқа бир сўз демай, хонадан чиқиб кетди.

"Ана холос, бу ёғи неча пулдан тушди. Ҳали ҳеч нимани билмай туриб шунчалик ранжиди. Агар сезиб қолса, тамом. Нима қилдим энди? Опанинг феъли менга ҳам яхши маълум – бир сўзли аёл. Эртагаёқ кўчаман, бошқа илож йўқ. Лекин бечора Шаҳодат нима қилади? Бу кетишда охири бахайр бўлмайди".

Икки ўт орасида қолган Ғуломқодир ўша куни тонггача тўлғаниб чиқди.

***

Шаҳодат паловни дамлаб қўйиб, ҳовлига чиқдида, паришонхотирлик билан сўрига ўтирди. "Аямга нима бўлдийкин? Эрталабдан қовоқларидан қор ёғяптими? Ғуломқодир ака ҳам негадир бугун ҳаяллаб қолди. Ё чойхонада ўтиришлари бормикин?".

У кўчага, эшик томонга бирров кўз ташлагач, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ичкари уйдан онасининг овози эшитилди.

- Шаҳодат, бу ёққа келчи.

У меҳмонхонага кирдида, хонтахта ёнига тўшалган кўрпачага ўтириб, онасига саволомуз қаради.

- Ҳа, ҳардамхаёл бўлиб қолибсан? - Малоҳат

қизига синчковлик билан тикилди. - Тинчликми?

- Нима бўпти? - Шаҳодат онасига ҳадик билан қаради. - Сизга шундай туюлаётгандир. Ўзингиз тузукмисиз? Эрталабдан кайфиятингиз йўқ.

- Чарчабман шекилли, ошинг дам едими?

- Озгина бор. Ғуломқодир ака келиб қолар?

Малоҳат "ялт" этиб қизига қаради. Кейин бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, яна шаштидан қайтди. Бир дақиқа сукут сақлаб тургач, зардали оҳангда деди:

- Аканг энди келмайди.

- Нимага? - Шаҳодат қўрқув ва ҳадик аралаш онасига тикилди.

- Бошқа жойдан квартира топибди. Бор, овқатингни сузиб келавер.

Шаҳодат индамай ўрнидан туриб ошхона томон юраркан, юрагини қандайдир хавотирлик, қўрқув эгаллади. "Нима бўлдийкин? Ё ораларидан бирор гап ўтдимикин? Уйдан қачон чиқиб кетди? Менга бир оғиз айтмасдан-а. Ҳозир кимникида турибди экан? Эртага институтга борганда топиб, сўрайман. Энди бу ёғи нима бўлади?"

Она-бола номигагина овқатланишди. Шаҳодат меҳр билан дамлаган мазали палов товоқда шундайлигича қолди. Малоҳат қизи узатган қайноқ чойдан бир-икки ҳўплагач, ўйланиб қолди. "Гапни нимадан бошласам экан.

Шаҳодатга дўқ-пўписа қилишдан фойда йўқ. Қизининг қайсар феъли унга яхши маълум. Тўнини тескари кийиб олиши мумкин. Аввал секин қўйнига қўл солиб кўриб, кейин ётиғи билан тушунтиргани маъқул". У шуларни хаёлидан ўтказаркан:

- Менга қара, - деди зўрма-зўраки жилмайиб. - Сендан битта гап сўрайман, фақат ростини айтасан, келишдикми ?

"Аям ҳамма гапдан хабардор". Хаёлига ярқ этиб келган фикрдан Шаҳодатнинг юраги гурсиллаб кетди. Ғуломқодир ака айтган. Наҳотки онам

қарши бўлсалар? Эрталабдан қовоғу димоғлари шундан экан-да. Сўраса нима дейман энди?".

- Нима гап? - Шаҳодатнинг юзлари ловуллаб кетди.

- Ғуломқодир аканг билан ораларингда бирор гап борми?

- Нимага индамайсан? Бир-бирларингни ёқтирасизлар, тўғрими?

Шаҳодат ялт этиб онасига қараб қўйгач, "ҳа", дегандек бош ирғади.

"Шаҳодат ҳам севади!" Малоҳатнинг юраги ҳаприқиб кетди. "Вой Худойим-е, бу қандай кўргулик? Қизини бу йўлдан қандай қайтаради энди. Йўқ, ҳеч қачон бунга йўл қўймайди. Қизини уришади, сўкади. Керак бўлса, ялиниб, ёлворади. Лекин бу шармандаликка ҳеч қачон..."

- Менга қара, қизим, - деди Малоҳатхон юрагида мужгон ураётган изтироб, аламни зўрға босиб. - Энди сен ёш бола эмассан. Менинг битта-ю битта фарзандим, суянчиғимсан. Сенга оналик маслаҳатим, бу фикрни хаёлингдан чиқариб ташла. Бу йигит бизга тўғри келмайди.

Шаҳодат онасига таажжуб билан тикилди.

"Нега тўғри келмайди? Ғуломқодир ака тўғрисида гап кетганда, ҳар доим оғзингиздан бол томарди-ку. Нега энди бирданига... Ахир...".

- Мен сени яхши тушуниб турибман, - Малоҳатхон қизининг кўнглидан нималар кечаётганлигини сезгандек, насиҳатомуз гап бошлади. - Ғуломқодир ёмон йигитмас.

Ҳеч қанақа камчилик, нуқсони йўқ. Лекин гап бошқа ёқда. Ўзинг ҳам биласан, у ҳам ёлғиз ўғил. Барибир бир кун қишлоғига кетади. Фарғонада бутунлай қолиб кетмайди. Сен ёлғиз қизим бўлсанг. Мени ёлғиз ташлаб кетишга кўнглинг бўлмас, ахир?

Шаҳодат бошини секин кўтариб, онасига қаради. "Бир ҳисобда аямнинг гаплари ҳам тўғри. Беш-

олти йилдан кейин Ғуломқодир ака, қишлоққа кетамиз, деб туриб олса, эримдан ажраб, бу ерда онам билан қолмайман-ку. Лекин...".

- Хуллас, гап шу, - деди Малоҳатхон қатъий оҳангда.

- Энди биринчи курсни битиряпсан. Аввало, ўқишингни ўйла. Ўткинчи ҳою ҳавасга берилма, келишдикми?

- Ая... - нима дейишни билмай қолган Шаҳодатнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. - Биз бир-биримизни...

- Бу шунчаки ҳавас, деяпман-ку, қизим... Яна бир-икки йил ўқигин... Фарғонада яхши йигитлар кўп. Балки ўзингга муносиб бўлган бошқа бирортасини ёқтириб қоларсан.

- Йўқ, ая, - Шаҳодат бош чайқади. - Ғуломқодир акани нимага бирданига ёқтирмай қолдингиз?

- Бас қил! - Малоҳатхон қизига қаҳр билан тикилди.

- Сенга айтдим-ку, бизнинг оилага тўғри келмайди деб. Жуда ҳаддингдан ошиб кетибсан, уятсиз. Мен кимга берсам, ўшанга тегасан, тушундингми энди?

Шунда Шаҳодат ёшли кўзлари билан онасига тик қаради.

- Йўқ. Сиз топган йигитга тегмайман, ая. Биласизми..., бошқага теголмайман. Ахир...

У шундай дея қўллари билан юзларини беркитиб, ҳўнграб юборди. Сўнгра сапчиб ўрнидан турди-да, ҳобгоҳга кириб кетди.

"Нима?! Нима деди?! Нега теголмайди?" Шу лаҳза Малоҳатнниг хаёлига ногаҳоний бир фикр келди-ю, ҳушини йўқотаёзди. "Наҳотки! Йўқ, бўлиши мумкинмас".

У шаҳд билан ўрнидан туриб, ҳобгоҳга кирдида, ёстиққа бошини буркаб ётган қизини елкаларидан тортиб, ўзига қаратди.

- Нима дединг? Нега бошқага теголмайсан? Гапир!

Шаҳодатдан садо чиқмади.

Шунда Малоҳатнинг қўл-оёғи бирдан бўшашди. Секин чўккалаб ўтирди-да, бошини чангаллади. Орадан бир муддат ўтгач, Шаҳодатга тикилди.

- Қачон? Қанча бўлди?

- Уч ой... - Шаҳодат ҳиқиллади.

- Беномус... Тириклайин гўрга тиқибсанку мени! Бундан кўра ўлдириб қўя қолсанг бўлмасмиди?!

У секин ўрнидан тураркан, кўз олди қоронғилашиб, бошида қаттиқ оғриқ сезди. "Ишқилиб, ҳушимдан кетиб қолмай". Малоҳат деворга таяниб, секин меҳмонхонага ўтди-да, кўрпачага беҳол чўзилди.

"Энди нима қиламан? Бунақанги шармандаликни билмай туриб ўлиб қўя қолганим минг марта яхши эди. Пасткаш, кўрнамак. Нима учун шу даражага боргунча ҳам пайқамадим. Йўқ, сезгандим. Ғуломқодир кейинги пайтларда ўзгариб қолувди. Ўзини қандайдир гуноҳкордек тутадиган бўлиб қолганди. Мен аҳмоқ бошқа бирортасини топган бўлса керак, деб ўйлаб юрибман". Малоҳат ўз ёғига ўзи қовуриларкан, бирдан кўз ўнгига Эгамберди келди. "Ўзимчи, ўзим фариштадек бегуноҳманми? Кимман ўзи? Эгамберди аканинг вафотидан кейин ақлдан озишимга оз қолганди ўшанда. Мана, Худонинг қаҳри келди. Қилган гуноҳим касрига бир одам ўлиб кетди. Энди бўлди, тавба қилдим, деб Худога тавба-тазаррулар қилган эдим-ку. Лекин Ғуломқодирга кўзим тушгандан кейин яна шайтоннинг васвасасига учдим. Мана, оқибати. Наҳотки, қизим ихтиёрини осонгина унга топшириб қўйган бўлса?"

Шу пайт меҳмонхона эшиги секин очилиб, йиғидан кўзлари қизарган Шаҳодат кўринди.

- Ая...

– Йўқол! – Малоҳат важоҳат билан қизига тикилди. – Кўзимга кўринмай тургин. Ҳозир ё сени, ё ўзимни бир нима қилиб қўяман...

8

Ғуломқодир маърузани паришонхотирлик билан ўқиди. Танаффусга қўнғироқ чалингандан кейин ҳам ташқарига чиқишга шошилмади.

Орадан бир-икки дақиқа ўтмай, хонада ёлғиз ўзи қолди. "Нима қилиш керак?" У эрталаб йўлини пойлаб турган Шаҳодатнинг гапларини эсларкан, юраги сиқилиб, бошида оғриқ сезди. "Бечора қиз, онасининг нима учун жон-жаҳди билан қаршилик қилаётганини тушунолмай ҳайрон. Худо кўрсатмасин, агар билса борми... Йўғ-е, нималар деяпман. Барибир бирор чорасини топишим керак. Ё Шаҳодат билан келишиб, узоқроқ бир қишлоққа шартта кетворайми? Хўп, ана, қиз рози бўлди ҳам дейлик, уйимиздагилар-чи ? Бир дунё орзу-ҳавас билан йўлимга кўз тикиб ўтирган онамнинг аҳволи нима кечади? Ундан кейин бутун Фарғонада дув-дув гап тарқайди. Билган у дейди, билмаган бу. Бунинг устига шундай яхши ишимдан ажрайман. Минг лаънат! Агар Шаҳодатнинг бўйида бўлиб қолмаганда, бирор иложини топишим мумкин эди. Барибир нимадир қилиш керак. Бир-икки ойдан кейин ҳомиладорлиги ошкор бўлиб қолса, ана шармандалик. Шаҳодат ўзини бир нима қилиб қўйса-чи? Мана, нафсимни жиловламаганимнинг оқибати...".

Шу куни Ғуломқодирнинг юрагига қил ҳам сиғмади. У охирги "пара" дарсини ҳам тугатиб, институт дарвозаси олдига яқинлашган ҳам эдики, орқадан келган таниш овоз бутун вужудини жимирлатиб юборди.

– Ғуломқодир.

"Малоҳат опа". Шу лаҳза йигитнинг жони бўғзига қадалгандек бўлди. У жойида таққа

тўхтаб, ортига ўгирилди. Улар бир лаҳза бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди. Кейин биринчи бўлиб тилга кирган аёл гапни қисқа қилди.

- Кечга яқин уйга ўтинг, маслаҳатли "иш" бор.

- Хўп бўлади... - Ғуломқодир ғулдиради.

У дарвозадан чиқиб, катта асфальт йўл ёқасидаги пиёдалар йўлкасидан аста одимлаб боряркан, бутун вужудини пушаймонлик, изтироб юки қаттиқ эзаётганлигини ҳис этди. "Ҳақиқатан ҳам аблаҳлик қилдим. Шўрлик опа, икки кундаёқ адойи тамом бўлибди. Нима деркин? Қанақанги шарт қўйса ҳам майли, ҳаммасига рози бўламан. Аслида, мени ўлдирса ҳам ҳаққи кетади..."

...Ғуломқодир Малоҳатникига ишдан кейин, қоронғи тушганда борди. У кўча эшикни оҳиста очиб, ҳовлига қадам босаркан, йиллар давомида ўзига қадрдон бўлиб қолган бу хонадон шу лаҳза худди уни комига тортиб, ютиб юборадигандек, юраги ҳовликди. Шу пайт меҳмонхона эшиги очилиб, рўпарасида Малоҳат пайдо бўлди.

- Юринг, - у бошқа бир сўз демай Ғуломқодир яшаб келган ҳужра томонга бошлади. Хонага биринчи бўлиб аёл кирди. Улар юзма-юз ўтиришди. Орага оғир сукунат чўкди.

- Баракалла, раҳмат сизга, - кўзлари жиққа ёшга тўлган Малоҳат йигитга алам билан тикилди.

- Мени кечиринг... Мен... - Ғуломқодир ўзини қўйгани жой тополмай қолди.

- Сизни шунчаликка боради, деб сира ўйламагандим. Қизимни бадном қилишдан олдин мени ўлдириб қўя қолсангиз бўлмасмиди?

- Опа, айб менда, беихтиёр... мингдан-минг пушаймонман, ўлдирсангиз ҳам розиман.

- Агар ўзимга қолса, рости, сизни ҳозироқ бўғиб ўлдирган бўлардим, - Малоҳатнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Кейин Ғулом-

қодирга совуқ тикилди. - Лекин иложим йўқ. Сиз мени тириклайин гўрга тиқиб бўлдингиз. Хўш, энди нима қилчоқчисиз?

- Сиз нима десангиз, шу...

- Бўлмасам, гап бундай, - деди Малоҳатхон қатъий оҳангда. - Эртагаёқ қишлоғингизга бориб, тўйни тезлаштирасиз, тушундингизми?

- Хўп, - Ғуломқодирнинг кўнгли бирдан ёришиб кетди. - Саҳардаёқ жўнайман. Мана шу ҳафта онамларни совчиликка жўнатаман.

- Ундан кейин яна бир гап...

- Айтаверинг, ҳаммасига розиман, - Ғуломқодир тараддудланиб қолган Малоҳатхоннинг кўзларига гуноҳкорона термилди.

- Тўй ўтиши билан Шаҳодатни олиб, қишлоғингизга жўнайсиз, келишдикми? Қизимнинг ўқишини сиртқига кўчирасиз...

- Хўп, - Ғуломқодир енгил тортди.

9

Ғуломқодир "катта"нинг қабулидан чиққанидан кейин ҳам анчагача ҳаяжонини босолмади. "Менимча, ҳаммаси яхши бўлди". У чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасини артди. "Хўш, ҳозир тўғри қаерга борсам экан? Институтга ўтаймми ёки бу хушхабарни Шаҳодатга етказаймми? Яхшиси, аввал ректорга бориб учрашиб, уйга кейин ўтарман".

У катта йўл ёқасидан институт томонга яёв кетаркан, кутилмаганда бошига қўнган бахт қушидан бениҳоя мамнун эди. Ғуломқодир бундан икки ой олдин Малоҳат билан бўлиб ўтган ўша суҳбатдан сўнг эртасигаёқ тонг саҳарда қишлоққа жўнади. Тўсатдан кириб келган ўғлининг бирданига уйланиш тараддудига тушиб қолганлигини кўрган онаизор шошиб қолди.

- Ўтган сафар келганингда бу ҳақда лом-мим

демаган эдинг-ку, жон болам.

- Ҳа энди, шунақа бўлиб қолди, - Ғуломқодир пешонасини тириштирди. - Хулласи калом, мана шу ҳафта холам билан совчиликка бораверинглар...

Онаси бир муддат сукут сақлаб тургач, ўғлига қараб деди:

- Келинни қишлоққа олиб келаман, иккаламиз шу ерда ишлаймиз, деган гапингдан-ку бошим осмонга етди. Лекин, отаси фронтда ҳалок бўлган, ёлғиз қиз деяпсан. Бояқиш онаси уни қишлоққа жўнатиб юборгани кўнармикин ?

- Кўнади, онажон, кўнади. Сиз бу ёғини менга қўйиб бераверинг.

...Орадан бир ой ўтгач, Шаҳодат билан Ғуломқодирнинг тўйлари бўлиб ўтди. Улар вақтинча институт ётоқхонасида яшай бошлашди. Бир куни...

Ўқув йилининг тугашига саноқли кунлар қолган эди. Кутилмаганда ректор чақиртириб қолди. Ҳардамхаёллик билан қабулхона эшигини очган Ғуломқодирни котиба қиз – Қумрихон ширин табассум билан қарши олди.

- Кираверар экансиз, кутишяпти.

- Келинг, келинг, - Қудрат Аҳмедович унга кўзи тушиши билан ўрнидан туриб сўрашгач, ўзига яқинроқ турган стуллардан бирига ишора қилди. - Марҳамат, қани бу ёққа. Янги рўзғор, оила ташвишлари билан қийналишиб қолмаяпсизми? - Қудрат Аҳмедович очиқ чеҳра билан тикилди. - Ишлар жойидами?

- Раҳмат, ҳаммаси яхши, - Ғуломқодир қизарди.

- Хўп бўлмаса, гап бундай, - ректор гапни қисқа қилди. - Эртага эрталаб соат ўнда обкомга бориб, орготделнинг мудири Соҳиб Султоновичнинг ҳузурига кирасиз, сизни чақиртиришган.

- Тинчликми? - Ғуломқодирнинг юрагига

ғулғула тушди.

- Хавотир олманг, - Қудрат Аҳмедович сирли жилмайди. - Бориб келганингиздан кейин менга учрарсиз.

Ёши тахминан қирқ, қирқ бешлар атрофидаги қорача, қотма киши Соҳиб Султонович уни расмий кутиб олди. У стол устида турган шахсий делолардан бирини олиб, бирров кўз югуртиргач, Ғуломқодирнинг оилавий шароити билан қизиқди. Сўнгра чеҳраси бир оз ёришиб, сўради:

- Бу ерга нимага чақиртирганимизни биласизми?

- Йуқ, - Ғуломқодир негадир ҳаяжонланди.

- Сизни аппаратга ишга олмоқчимиз. Нима дейсиз?

Ғуломқодирнинг юраги гурсиллаб кетди. "Наҳотки!

Ахир, ўқув йили тугаши билан Шаҳодатни олиб, қишлоққа кетмоқчи эдим-ку. Энди бу ёғи нима бўлади?".

- Обкомда ишлашни хоҳлайсизми? - йигитнинг саросимага тушиб қолганлигини кўрган Соҳиб Султонович жилмайди.

- Билмадим... Гапнинг тўғриси, ўйламаган эдим. Агар муносиб кўрган бўлсаларингиз...

- Яхши... Бугун число ўнинчи... Ўн бешинчи куни эрталаб соат тўққизда шу ерда бўлинг. "Катта"нинг олдиларига суҳбатга кирасиз, - у шундай дея ўрнидан туриб, унга қўл узатди. - Лекин бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга индаманг, келишдикми?

Институтга етиб келган Ғуломқодир шулар ҳақида ўйларкан, қабулхонага кириб, котиба қизга ректорга учраши лозимлигини айтди. Қумрихон "ҳозир" дея ичкарига кириб кетди-да, зум ўтмай қайтиб чиқди.

- Кираверар экансиз, - деди одатдагидек ширин табассум билан.

– Қалай, ишлар бешми? – Қудрат Аҳмедович бу сафар уни қучоқ очиб қарши олди. Ғуломқодир ректорга рўбара ўтираркан, "ҳаммасидан хабарлари борга ўхшайди", деган фикр ярқ этиб хаёлидан ўтди.

– Сиз келмасингиздан ўн минутча олдин Соҳиб Султонович телефон қилган эди, – деди Қудрат Аҳмедович унинг кўнглидан нималар ўтганини сезгандек. – Мен ҳам ниҳоятда хурсанд бўлдим, – у шундай дея бир оз сукут сақлаб тургач, очиқ чеҳра билан сўзида давом этди.

– Лекин гапнинг рости, сизга ўхшаган билимли, ёш кадрлар ўзимизга ҳам сув билан ҳаводек зарур. Бироқ шундай катта даргоҳ сизни ўша ерга муносиб кўрган экан, биз бундан фахрланамиз. Сизга бундан буён фақат муваффақият тилайман.

...Ректор ҳузуридан қушдек енгил бўлиб чиққан Ғуломқодир тўғри ётоқхонага, Шаҳодатнинг олдига борди.

– Вой! Қандай яхши! – хотини унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. – Хайрият, оҳу нолам Худога етиб борибди. Энди бутунлай Фарғонада яшаймиз-а?

Ғуломқодир "ҳа" дея тасдиқ ишорасини қиларкан, бирдан кўнглига ғашлик чўкди. "Опа нима деркин? Биламан, бу ерда, кўзининг олдида яшашимни барибир хоҳламайди. Ё обкомга ишга ўтаётганлигимни эшитса, хурсанд бўлармикин? Ким билсин яна".

Ғуломқодир ҳаётида рўй берган бу ўзгаришлардан қувонаётган бўлса-да, бир нарсага тушунолмай ҳайрон эди. "Қандай қилиб обкомнинг назарига тушиб қолдим? Мени ким тавсия қилди ўзи. Институтда менга ўхшаш ёш кадр оз эмаску".

Лекин у шу лаҳзада бир нарсадан — бундан уч ой олдин пойтахтдан келган шоир, ёзувчилар билан институтда учрашув бўлганда ташкилий иш-

ларга бош-қош бўлиб, область партия комитетининг идеология котибаси Раъно Қосимовнанинг назарига тушганлигидан бехабар эди.

10

Ғуломқодир обком аппаратида ишлайдиган ходимларни ҳар томонлама етук, сиёсий онги юқори, билимдон одамлар бўлса керак, деб ўйлаб юрарди. Шу боис аппаратда иш бошлаган дастлабки кунларида ўзини жуда ноқулай сезиб юрди. Лекин орадан кўп ўтмай, бу ердагиларнинг аксарияти ўзи қатори эканлиги, аксинча билим, дунёқараш жиҳатидан обком ходимларининг баъзиларидан устун туришини сезиб, кўнгли анча жойига тушди.

Область партия комитетининг биринчи котиби Зайниддин Сайфуддинов баланд бўйли, серсавлат, жаҳлдор одам эди. Ғуломқодир мажлисларда бўлиб ўтадиган маърузалардан шуни билдики, бу одам қишлоқ хўжалигидан яхшигина хабардор, бу соҳада анча-мунча агрономга дарс беради. Лекин маънавиятдан, адабиётдан анчагина йироқ. Сайфуддинов бу нуқсонини яширишга ҳаракат қилар, ўзини китобхон қилиб кўрсатишга уринарди.

Бир куни Ғуломқодир ўтирадиган иш кабинетига тарғибот ва ташвиқот бўлими ходими Собиров хуш кайфият билан кириб келиб қолди.

- Янаги ҳафта, душанба куни бюронинг очиқ мажлиси бўлади, - деди оғзининг таноби қочиб. - Биласизми, нима масала кўрилади?

- Тинчликми? - Ғуломқодир ҳайрон бўлди.

- Редактор билан маданият бўлимининг мудири Қўлдош Сулаймоннинг пўстагини қоқишади.

- Нима учун?

- Ўшанда кўрасиз, - Собиров сирли жилмайиб қўйгач, кабинетдан чиқиб кетди.

"Қизиқ одам". Ғуломқодир унинг ортидан қараб

қоларкан, негадир таъби хира бўлди. У аппаратда иш бошлаган дастлабки кунларидаёқ Собировни негадир ёқтирмай қолганди. Сабабини эса ўзи ҳам билмасди. Ёши тахминан қирқ-қирқ бешлар атрофида бўлган бу одам ҳамиша қилдан қийиқ ахтариб юрар, туманларга борганда райкомдаги инструкторларнинг қандай қилиб пўстагини қоққанлигини мақтаниб гапириб юрарди.

Бундан ташқари, унинг шоирликка ҳам даъвоси бор эди. Бир куни у Ғуломқодирга вилоят газетасини тутқазиб, учинчи саҳифасига ишора қилди. Ғуломқодир дам олиш саҳифасидаги тўртликларга бир-бир кўз югуртирди. Сўнгра унинг остидаги Нодир Собиров деб қўйилган тахаллусни ўқиб, "зўр-ку", деди унинг кўнгли учун. Аслида эса тўртликларнинг бироргаси ҳам унга маъқул келмаганди.

...Хуллас, душанба куни бюронинг очиқ мажлиси бўлди. Қуйироқдаги стуллардан биридан жой олган Ғуломқодир аввал вилоят газетасининг муҳаррири Мирфаёзовга, ундан кейин унинг ёнида ўтирган, ранги бир оз оқариб, юзларидан ташвиш ва хавотирлик аломатлари сезилиб турган Қўлдош Сулаймонга кўз қирини ташлади.

Бюро мажлиси очиқ деб эълон қилингач, Сайфуддинов олдида турган газетани қўлига олиб, ўрнидан турди.

- Ўртоқлар, - деди у йиғилиш аҳлига бир-бир ўткир нигоҳ ташлаб, - вилоят газетаси нима ўзи? Айтинглар-чи, нима ўзи?

Ўтирганлардан садо чиқмагач, Сайфуддинов муҳаррирга қараб сўзида давом этди:

- Вилоят газетаси – бу аввало, партия комитетининг органи, шундайми, ўртоқ Мирфаёзов?

- Шундай, - дик этиб ўрнидан турган муҳаррир қулт этиб ютинди.

- Ундан кейинчи, ундан кейин?

Мирфаёзов нима дейишни билмай қолди.

- Нега индамайсиз? Газета бу партия ғояларини тарғибот-ташвиқот қилиш ойнаси бўлиши керак, сиз бўлса уни миллатчиликни тарғиб-ташвиқ қиладиган минбарга айлантириб қўйибсиз.

Мирфаёзовнинг ранги оқарди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин тили айланмади.

- Қани сиз, туринг ўрнингиздан, - деди шунда Сайфуддинов Қўлдош Сулаймонга ўқдек тикилиб.

- Бу ёққа келинг.

Қўлдош Сулаймон каловланиб ўрнидан туриб, атрофдагиларга нажоткорона бир қараб қўйгач, енгил қадамлар билан обком котиби рўпарасида пайдо бўлди.

- Ўқинг, мана буни! - Сайфуддинов шундай дея газетанинг тўртинчи саҳифасига қўлини ниқтади. Газетани қўлига олган Қўлдош Сулаймон бир лаҳза саросимага тушиб, нима қилишни билмай қолди.

- Ўқинг, ўқинг. "Улама дарахт" деган шеърни ўқинг.

Қўлдош Сулаймон тутила-тутила шеърни бошдан-оёқ ўқигач, чўнтагидан рўмолча олиб, пешонасини артди. Шеърнинг мазмуни дарахтни дарахтга улаш, пайванд қилиш мумкин, лекин тилни тилга улаб бўлмайди, деган маънода эди.

- Бу шеърни саҳифага туширмасдан илгари ҳам ўқиганмидингиз? - Сайфуддинов важоҳат билан тикилди. - Гапиринг!

Қўлдош Сулаймон "Ҳа" дегандек боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

- Ҳа, ўқигансиз! Чамбарак қилиб имзо ҳам чеккансиз. Шеърнинг муаллифи, Али Қамбар ким ўзи? Қаерда ишлайди ?

- Ўқитувчи, мактабда ишлайди.

- Ўқитувчимиш, - Сайфуддинов заҳархандалик билан йиғилганларга қараб қўйди. Сўнгра яна

Қўлдош Сулаймонга юзланди. - Хўш, менга айтинг-чи, бу чала шоир, муаллиф бу шеъри билан нима демоқчи?

Қўлдош Сулаймондан садо чиқмади.

- Билмасангиз, мана биз айтамиз нима демоқчилигини. Шоиримиз миллатларни бир-бирига қайраяпти, улуғ рус тилига шаъма қиляпти, - у шундай дея ўзига яқинроқ ўтирган "Пропаганда ва агитация бўлими" мудирига юзланди. - Шундайми?

Маматқулов кутиб тургандек дик этиб ўрнидан турди-да, обком котибининг гапларини маъқуллади.

- Тўппа-тўғри, худди шундай ўртоқ Сайфуддинов.

- Ана! - Сайфуддинов қўлларини икки томонга ёзиб, ўтирганларга ғолибона қараб қўйгач, Қўлдош Сулаймонга яна ўқдек тикилди. - Хўш, шундай экан, энди менга айтинглар-чи, бундан буён шу одамга газетанинг катта бир бўлимини ишониб топшириб бўладими?

"Тамом". Қўлдош Сулаймоннинг қўл-оёғи бўшашди. "Иш чаппасига кетди. Майли, бўлим мудирлигидан бўшатишса бўшатишар. Оддий ходим бўлиб ҳам ишлайверади. Муҳими, редакциядан ҳайдашмаса бас. Чунки газета унинг жону дили, ҳаёти. Лекин у бир нарсага тушунолмай ҳайрон. Нима учун бу одам пашшадан фил ясаяпти. Саккиз қатор шеърга шунчалик сиёсий тус бериш шартми? Ахир иттифоқдаги манаман деган улуғ шоирларнинг китобларида миллатни, тилни улуғлаб ёзилган шеърлар кўп-ку".

- Гапиринг, нимага жимсиз?! - Қўлдош Сулаймоннинг хаёлини обком котибининг таҳдидли овози бўлди. - Ё биз нотўғри гапиряпмизми ?

- Тўғри, сиз ҳақсиз, - Қўлдош Сулаймон дудуқланди. - Ўртоқ Сайфуддинов бундан буён ҳушёр бўламиз. Лекин...

– Гапиринг, гапираверинг. Нега тўхтаб қолдингиз? – Обком секретари киноялиқулди. – Ўзингизни оқлашга асосингиз бўлса, айтаверинг.

– Мен айтмоқчийдимки... – Қўлдош Сулаймон йиғилганларга бир қараб қўйди. – Айтмоқчиманки, шоирларнинг ўз тилини улуғлаб ёзган шеърлари кўп. Масалан, Расул Ҳамзатовнинг "Она тилим" деган шеъри жуда машҳур.

– Нима?! Ким ўзи Расул Ҳамзатов? – Сайфуддинов яна баланд келди. – Қаерлик ўзи? Ўшаларнинг ҳам танобини тортиб қўйиш керак. Унақанги миллатчиларга сафимизда ўрин йўқ.

Ўтирганлар бир-бирларига ўғринча қараб қўйишди. Кимдир кулиб юбормаслик учун кафти билан оғзини беркитди.

"Ана холос". Ғуломқодир обком котибига тааж-жуб билан қараб қўйди. "Наҳотки, бу одам бутун дунё танийдиган доғистонлик буюк шоир Расул Ҳамзатов ҳақида эшитмаган бўлса? Йўқ, эшитмаган. Билганда, ўзини шарманда қилиб бу гапни айтмаган бўларди. Бу одам қишлоқ хўжалигидан, пахтадан бошқа нарсани билмайди. "Улама дарахт" ҳақидаги фикрлар ҳам ўзиники эмас. Кимдир калласига қуйган, тушунтирган. Ё Собиров бўлим мудири орқали бу шеърнинг ғоявий мазмуни шундай, дея "катта"га етказганмикин? Бечора Қўлдош Сулаймон ичида "Сен ким-у, Ҳамзатов ким, ўл-е, саводсиз. Шу савиянг билан менга ақл ўргатаяпсанми?" деяётгандир. Лекин дами чиқмади. "Ғинг" деб кўрсин-чи".

Ғуломқодир институтдалигида обком котибини колхозчи бир аёл боплаб тузлаганлиги ҳақида орқаваротдан эшитганди. Айтишларича, Сайфуддинов кутилмаганда, огоҳлантирмасдан колхоз ёки совхоз далаларида пайдо бўлишни, раҳбарларни саросимага солиб қўйишни хуш кўраркан. Бир куни айни чопиқ пайтида қайсидир колхоз даласида пайдо бўлибди. Май ойининг

бошлари, аёллар ғўза чопиқ қилишаётган экан. У ишлаётганлардан бирининг олдига бориб: - "Ҳой, кўр бўлгур, - дебди дағдаға билан. - Ўтга қўшиб икки туп ғўзани ҳам нобуд қилибсан-ку!"

Шунда қуёш тиғида ҳориб чарчаган аёл унга тик қараб: - "Илойим, ўзинг кўр бўлгин. Тўртта болам бор, эрим ўлган. Кўр бўлсам, етимчаларимни сен боқасанми?" - деган экан. Шунда саросимага тушиб қолган обком котиби бир сўз демай шартта бурилиб, колхоз идорасига ҳам кирмай Фарғонага жўнаб кетибди.

...Хуллас, бюронинг очиқ мажлисида "айбдорлар"ни тавбасига таянтиришди. Газета муҳарририга ҳайфсан берилди. Қўлдош Сулаймонга ҳам шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан берилиб, вазифасида қолдирилди.

11

Қизини кўча эшиккача кузатиб қўйган Малоҳат сўрига тўшалган кўрпачага беҳол чўзиларкан, бошида оғриқ сезди. "Қизимнинг боши осмонда. Қувончи оламга сиғмаяпти. Кимсан, обком ходими Ғуломқодир Турдиевичнинг хотини. Бундан бу ёғи институтдаги ўқитувчилар ҳам у билан ўйлаб муомала қилишади. Курсдош дугоналариям ўлгудек ҳавас қилишаётган бўлса керак".

Малоҳат бу хушхабарни эшитган куни аввалига нима дейишни билмай, гангиб қолган эди. Шунда Шаҳодат: - "Ая, нима, сиз хурсандмасмисиз?" - деди кўзларини катта очиб. - "Йўғ-е, нега ундай дейсан. Тўғриси, кутмагандим. Табриклайман". - У шундай дея зўрма-зўраки жилмайиб қўйган бўлса-да, кўнглига ғашлик чўккан эди.

"Энди нима бўлади? Бундан бу ёғига хоҳлайдими, йўқми, барибир куёви билан гоҳи-гоҳида рўпара бўлишга, бирга ўтиришга тўғри келади. Бу унинг учун худди игнанинг устида

ўтиргандек азобнинг ўзи. Ғуломқодир "Ўқув йили тугаши билан қишлоққа кетамиз", деб сўз берган эди-ку. Нега рози бўлдийкин? Ие, тавба, нималар деяпман. Жон-жон деб рози бўлади-да. Бошига бахт қуши қўниб турибди-ю. Бундай имкониятни қўлдан чиқариб аҳмоқ бўлибдими? Менинг изтироб чекишим, қийналишим билан нима иши бор. Агар ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетсам, қайтага хурсанд бўлса керак".

"Танаси бошқа, дард билмас", деган гапни жудаям топиб айтишган экан. Бу янгилик институтга ҳам тарқалган куни ўқитувчилар уни табриклашди. Айниқса, кутубхонада у билан бирга ишлайдиган, арман миллатига мансуб бўлса-да, ўзбекчани сув қилиб ичиб юборган яқин дугонаси Луиза уни маҳкам қучоқлаб:

- Малоҳат, қандай бахтли аёлсан! Мана кўрасан, куёвинг беш-ўн йилда камида горком ёки райком котиби бўлади, мени айтди дерсан, - деди кўзлари чарақлаб. Сўнгра унга бир муддат тикилиб турди-да, ингичка қошларини чимириб, хавотирлик билан сўради:

- Менга қара, тинчликми? Сенга нима бўляпти ўзи? Кейинги икки-уч ойнинг ичида бутунлай ўзгариб кетдинг. Бундоқ очилиб гаплашмайсан. Ўзингни олдириб қўйдинг. Ё мазанг йўқми? Мендан яширма, ахир сирдошмиз-а?

Малоҳат зўрма-зўраки жилмайди.

- Кейинги пайтларда негадир ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Тобим қочяпти шекилли.

- Врачга бор, бунақа бепарво юраверсанг, ётиб қолишинг мумкин. - Луиза унга ачиниш билан тикилди.

- Эҳ, дугонажон, - Малоҳат, гапинг тўғри, дегандек бош қимирлатиб қўйгач, хаёлидан ўтказди. "Менинг дардим — бедаво. Кошки зардобга тўлиб кетган юрагимни сенга очишнинг иложи бўлса? Қани энди, шундай дўхтир бўлсаки, бит-

та укол ёки дори билан барча ишқий можароларни хотирамдан бутунлай ўчириб ташласа... Яқин уч йил давомида ўзим суюб, кўксига бош қўйиб ётган йигитим бугун қизимни бағрига олиб, эркалаётганини ўйлаб, тонггача илондек тўлғаниб чиқаётганимни сенга қандай қилиб айтаман, дугонажон?"

Малоҳат Луиза билан бўлган бу суҳбатни эслаб, бир нарса ёдига тушди. "Ие, бугун унинг туғилган куни-ку. Келмасанг, қаттиқ хафа бўламан, деб қайта-қайта тайинлаганди. Бормасам, кўнгли оғрийди. Қанақа совға олиб борсам экан? Ҳа, айтганча, чиннигул жону дили. Гулга қўшиб магазиндан яхши атир ҳам олволаман".

Малоҳат дугонасиникига шомга яқин етиб борди.

- Вой, хайрият-е, - Луиза уни маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўлпиллатиб ўпди. - Келмасанг-а, деб хавотирда эдим, - У шундай деб Малоҳатнинг қўлидаги гулларга қараб, кўзлари чарақлаб кетди. - Мунча чиройли! Овора бўлибсан, раҳмат, дугонажон! Қани юр, ичкарига, ҳамма йиғилган.

Малоҳат меҳмонхонага кириб келиши билан тўкин дастурхон атрофидан жой олган ўн чоғли одам баравар ўрнидан қўзғалди.

- Безовта бўлманглар, ўтираверинглар, - у қўлини кўксига қуйиб, хижолатомуз жилмайди. - Узр, озгина кеч қолдим.

- Қани, ўт юқорига. - Луиза шундай дея Малоҳатни елкасидан қучиб, тўрдаги бўш турган стуллардан бирига бошлади. - Сенинг жойинг шу ер. Мен ҳозир, бир дақиқа, ёнингга келиб ўтираман.

Малоҳат унга миннатдорчилик нигоҳи билан қараб қўйгач, ўтирганларга бирров кўз югуртирди. Туғилган кунга ташриф буюрганларнинг аксарияти унга яхши таниш. Асосан, кутубхонада бирга ишлайдиган ҳамкасблари. Фақат ўртароқда

ўтирган аёллардан иккитасини танимади, бегона, ўзбекка ўхшамайди. Балки Луизанинг танишлари ёки қариндошларидандир. Рўпарасида ўтирган сийрак сочини орқага силлиқ тараган одам ким бўлдийкин ? Чеҳраси таниш, қаердадир кўрганга ўхшаяпти. Йўқ, эслолмади. Унинг ёнидан жой олган икки киши ҳам ўзбек эмас. Анави арман аёлларнинг эрлари бўлса керак.

- Қалай, жоним, зерикмаяпсанми? - шу пайт унинг ёнига келиб ўтирган Луиза Малоҳатнинг кафтига қўлини қуйди. - Ўтирганларнинг деярли ҳаммасини яхши танийсан, ўзимизникилар. У шундай дея рўпарадаги эркакларга кулиб қаради. - Энди булар билан танишиб қўй. Шаҳобиддин ака, шаҳардаги марказий кутубхонанинг директори. Эсингдами, сенга айтгандим-ку. Мен илгари ўша ерда ишлаганман. Мана бу меҳмонлар асли Ереваннинг ўзидан, дўстларим, оилавий келишган. Арсен билан Аркадий. Қани, дастурхонга қаранглар.

Малоҳат дастурхонга кўз югуртираркан, Луизанинг пазандалигига тан берди. "Ўзиям роса тайёргарлик кўрибди. Столда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Бало, бу хотин".

- Бундоқ ёзилиб ўтирсанг-чи. Ол, мана бу қовурилган балиқдан, табакадан, салатлардан еб кўр, - Луиза унинг хаёлидан нима кечаётганини сезгандек изоҳ берди. - Буларнинг деярли ҳаммасини қизимнинг ўзи тайёрлаган. Олянинг қўли жудаям ширин.

Шу пайт шишаларни очиб, ичкиликлардан қадаҳларга қуйган Арсен ўрнидан турди.

- Энди узр, бир дақиқага вақтларингизни оламан, - у шундай дея Луизага кулиб қаради. - Қани, Луиза, ўзинг аёлларимизга шампан виноларидан бир қултумдан қуйиб чиққин.

Хонадон соҳибаси худди шуни кутиб тургандек, чаққонгина ўрнидан турди.

– Қани, ҳаммада борми? – Арсен даврага бир-ров кўз югуртиргач, ним табассум билан сўзида давом этди. – Луизанинг туғилган куни муносабати билан шу хонадонга ташриф буюрганингиз учун ҳаммаларингизга раҳмат, хуш келибсизлар. Мен Луизага, энг аввало сиҳат-саломатлик тилайман. Ҳеч қачон ғам-ташвиш кўрмасин. Якка-ю ягона фарзанди ниҳоятда ақлли, пазанда қиз. Олянинг бахти, иқболини кўрсин. Юртимиз тинч бўлсин. Ҳаммаларинг ҳам саломат бўлинглар. Қани, мана шу яхши тилаклар учун олдик бўлмаса.

Орадан бир оз вақт ўтгач, хонада шўх мусиқа янгради. Ўйин-кулгу, ҳазил-мутойиба қизигандан қизиди.

– Ҳой. Менга қара, қанақанги ўтириш бу!

Дастурхондаги бўшаб қолган тарелкаларнинг ўрнини тўлдириб, яна жойига ўтирган Луиза Малоҳатдан ўпкалади.

– Ие, бир қултумгина шампанни ҳам ич-мабсан-ку, – ичкилик таъсирида юзлари лов-лов ёнаётган Луиза бир оз энгашиб, паст овозда деди: – Менга қара, битта гап айтаман, фақат йўқ демайсан.

– Қанақанги гап? – Малоҳат зўрма-зўраки жилмайди.

– Мана бу коньякни Еревандан акамнинг ўзи "посилка" қилиб жўнатган. Шундан озгина ичгин-а!

– Вой, нима деяпсан? Жинни бўлдингми?

– Менга қара, мен ҳаммасини сезиб, билиб юрибман. Илгариги Малоҳатмассан. Нимадан-дир қаттиқ сиқилгансан. Мана шундан озгина ол. Юрагинг ёзилиб, асабларинг жойига тушади. Ил-тимос, шу бугунги кунда менинг гапимга киргин.

– Луизахон тўғри гапиряпти, – уларнинг суҳбатини кузатиб турган Шаҳобиддин хонадон соҳибасининг гапини қувватлади. – Кўпмас, озги-наси юракка қувват, асабни тинчлантиради.

Малоҳатнинг тараддудланиб қолганини кўрган Арсен зумда қадаҳларни тўлдирди. Сўнгра Малоҳатга қараб жилмайди. - Олинг энди, дугонангизнинг гапи ерда қолмасин, илтимос.

"Нима бўлса бўлар. Агар шу билан кўнглим сал ёришса, менга деса заҳар бўлмайдими". У шуларни хаёлидан ўтказаркан, рюмкага ярим қилиб қу-йилган коньякни кўзини чирт юмиб, шартта ичиб юборди.

- Молодец, мана бу бошқа гап, - Луиза қувонч ва ҳайрат билан Малоҳатга бир зум тикилгач, дарров тарелкадаги товуқ гўштидан олиб узатди. - Бўлар экан-ку.

Шунда Малоҳат "Ҳамманинг кўзи менда бўлса-я" деган ўйда даврага хавотирлик билан қараб қўйди. "Хайрият, ҳар ким ўз ҳолича гап сотиш билан овора".

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, столни бир айланиб чиққан Луиза Малоҳатдан қувлик билан сўради.

- Қалай, яхшимисан?

- Ичим қизиб кетди.

- Зўр бўлади. Мана, рангингга қон югуриб, илгариги Малоҳатга ўхшаб қолдинг. Биласанми, - у кўзларини айёрона сузди, - гоҳида ишдан чарчаб келсам ёки юрагим сиқилиб кетса, мана шу коньякдан озгина ичиб оламан. Ярим соат ўтмай енгил тортаман. Энди менга қара, эркаклар балконда сигарет чекишяпти. Улар келмасдан яна ярим рюмкадан ичиб олайлик.

- Вой, ўлмасам, нима деяпсан, мени шарманда қилмоқчимисан?

- Юз граммга ўлиб қолмайсан, - у рюмкаларга қуйиб секин узатди. - Бўл, ҳеч ким қарагани йўқ.

"Ичсам ичибман-да. Нима, мени тергайдиган эрим бормиди? Шу билан йиқилиб қолмасман". Малоҳат рюмкани бўшатгач, баликдан газак

қилди.

Дарҳақиқат, орадан бир муддат ўтгач, кайфияти кўтарилиб, кўнгли ёришгандек бўлди. "Вой зормонда-е, дори деганича бор экан. Асабларим жойига келгандек бўлди-я. Лекин бошим сал айланяпти. Қайноқ чой ичсам, ўтиб кетар".

Соат ўн бирларда меҳмонлар кетишга ижозат сўрашди. Малоҳат ўрнидан тураркан, ўзини ғалати сезиб, қўрқиб кетди.

"Вой худойим-е, ичмасам бўларкан. Уйга қандоқ етиб оламан энди?"

- Сизни ўзим кузатиб қўяман, - деди Малоҳатни кузатиб турган Шаҳобиддин.

- Яхшиси, бугун бизникида қола қол. Ёлғиз ўзинг уйда нима ҳам қиласан, - Малоҳатдан хавотир бўлган Луиза астойдил қистади.

- Майли, - Малоҳат дарров кўна қолди. - Эрталаб ишга шу ердан бирга кетаверамиз.

Шаҳобиддин Луизага норозилик билан қараб қўйгач, "Майли, яхши дам олинглар", деди. Сўнгра Малоҳатнинг кўзига тикилиб, қўшимча қилди: "Вақт топиб, бизнинг кутубхонага ҳам бир ўтинг. Яхши китобларимиз бор".

Меҳмонлар тарқалгач, дугоналар ҳоли қолишди.

- Юр, "спальний"га, озгина ёнбошлаймиз, - Луиза шундай дегач, стол устини йиғиштираётган қизига ўгирилди. - Олечка, мен чарчадим, қолган иш ўзингга қолди.

- Да, мама, я сама. Сизлар бемалол дам олаверинглар. Улар ётоқхонага киришгач, икки кишилик каравотга ёнма-ён чўзилишди.

- Қизим яқинда ўн олтига тўлди, - Луиза чуқур хўрсинди. - Ҳозир дадаси ҳаёт бўлганда қанийди. Саша рус бўлсаям, яхши одам эди. Фронтдан буйрагини шамоллатиб келмаганда, балки ўлмасмиди. Умри қисқа экан.

У бир муддат сукут сақлаб турди-да, бирдан

Малоҳатни қучоқлаб, кўзларига тикилди.

- Менга қара, шу бугун ёриласан. Нима бўляпти сенга ўзи? Жудаям ўзгариб кетдинг. Менга очиғини айт, балки ёрдамим тегар.

Малоҳатнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

- Биласанми, менга ҳеч ким ёрдам беролмайди, ҳеч ким. Ҳатто, Худо ҳам, тушундингми?

- Эсинг жойидами? Нима деганинг бу? - Луиза хавотирлик билан тикилди. - Тушунмадим.

- Мен тирик мурдаман, адо бўлган одамман, - у шундай дея ёстиққа бошини қўйиб, ҳўнграб юборди. Унга нима деб тасалли беришни билмай қолган Луиза саросимага тушиб қолди...

12

Ғуломқодир ишга одатдагидек йигирма дақиқа олдин келди. У иш столи устидаги пала-партиш ётган қоғозларни тартибга келтиргач, бир муддат хаёлга чўмди. "Бир кам дунё". Қизиқ, бу иборани биринчи бўлиб қайси файласуф айтган бўлса ҳам, жуда тўғри гап. Мана, ўз ҳаётидан мисол. Агар Малоҳат опа билан боғлиқ ишқий саргузаштлари турмушига соя ташлаб турмаганда, ҳозир ундан-да бахтли, омадди инсон йўқ эди. Тўғрида, кимсан, обком ходими - ташкилий ишлар бўлими инструктори. Хотини Шаҳодат очиққўнгил, гўзал, ақлли. Худо хоҳласа, яқинда фарзандли бўлишади. Лекин...

...Кеча якшанба, дам олиш куни эди. Шаҳодат "Бугун уйга, аямнинг олдиларига бориб келайлик" деб ҳоли жонига қўймади. Ғуломқодир худди бўйнидан бойлангандек, ноилож рози бўлди. Улар автобусдан тушиб, Малоҳат опа яшайдиган маҳалла томон бурилишаркан, Шаҳодат ўз-ўзига сўзлаётгандек, ташвиш билан деди:

- Мен онамга умуман тушунмай қолдим. Илгари-ку "Ғуломқодир битта ўғил, сени барибир қишлоғига олиб кетади, мен бу ерда ёлғиз қола-

ман", деб тўйимизга жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатгандилар. Ҳозирчи? Мана, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Ҳеч қанақа хавотирга ўрин йўқ. Лекин аям барибир ўша-ўшалар. Қандайдир бошқача, ғалатироқ бўлиб қолганлар. Ўзларини ҳам анча олдириб қўйган. Ё тоби йўқмикин-а?

Ғуломқодир хотинига бир қараб қўйди. Лекин бир сўз демади. "Нима ҳам дейман? Бечора қиз онасининг шамдек эриб бораётганлигини тушунолмай, дили қон. Малоҳат опа яқингача ҳам, қўпол қилиб айтганда, ўйнашим, жазманим бўлганлиги Шаҳодатнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Фараз қилайлик, сир очилди. Унда нима бўлади? Хотиним ақлдан озиб қолса керак. Бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетади. Йўғ-е, нималар деяпман? Бу сирни Малоҳат ҳам, ўзи ҳам гўрга олиб кетади. Лекин унгача... бу азоб қачонгача давом этаркин? Мана, ҳозир опанинг олдига кетяпти-ю, ичига чироқ ёқса ёришмайди. Қандоқ кутиб оларкин? У билан кўришиш, юзма-юз ўтириш... Э, худо-я!".

Малоҳат уларни илиқ кутиб олди. Шаҳодат йўлга чиқишларидан олдин уйларига қўнғироқ қилган бўлса керак, меҳмонхонага киришлари билан Ғуломқодирнинг кўзи хонтахтага чиройли қилиб тузалган дастурхонга тушди.

- Сизлар бемалол ўтираверинглар, - деди Малоҳат фотиҳа қилгач. - Мен ошга уннаб қўйганман...

- Аяжон, сиз ўтириб туринг, - Шаҳодат онасига кулиб қаради. - Паловни бугун ўзим дамлайман. Ё менга ишонмайсизми? Қўрқманг, тагига олдириб қўймайман.

- Йўғ-е, ўзим, сизлар меҳмон...

- Қанақанги меҳмон?! - Қизи ўрнидан турарркан, хандон отиб кулди. - Ўзим дамлайман дедимми, гап тамом.

Улар ёлғиз қолишгач, ўртага оғир сукунат

чўкди.

- Янги ишга кўникиб қолдингиз-ми? - жимликни биринчи бўлиб аёл бузди. - Обкомда ишлаш қийинроқ бўлса керак?

- Унчаликмас. Ишласа бўлади.

Малоҳат оғир тин олгач, Ғуломқодирнинг кўзларига тикилиб деди:

- Мен сизга бир нарсани айтиб қўяй. Шаҳодатни ҳеч қачон хафа қилманг. Агар...

- Йўғ-е, нимага хафа қиларканман. Биз... - У, бир-биримизни севамиз, демоқчи бўлди-ю, лекин дарров тилини тишлади. - Хотиржам бўлинг...

Ғуломқодир шу лаҳза худди ўғирлик устида қўлга тушган боладек бош эгиб ўтираркан, опага нимадир деб тасалли бериш, унинг вайрон кўнглини кўтариш ҳақида ўйлар, лекин хаёлига жўяли бир гап келмасди.

- Аслида Худога қараб гапирадиган бўлсам, сизда айб йўқ, - деди Малоҳат. - Ҳаммасига ўзим сабабчиман.

Ғуломқодир ялт этиб опага қараб қўйгач, таассуф оҳангида секин деди:

- Йўқ, мен ҳам гуноҳкорман. Айтганман-ку, бундай қилмаслик керак эди. Мен барибир сизни...

- Бўлди, - Малоҳат унинг сўзини бўлди. - Ортиқча гапнинг кераги йўқ. Аслида шу шармандаликни билган заҳотим юрагим ёрилиб ўлганимда, сизгаям, менгаям яхши бўларди.

- Опа, унақа деманг, - Ғуломқодирнинг овози қалтиради. - Шаҳодат ҳам "аямнинг тоблари йўқмикин, жудаям хавотирдаман", деб сиқилиб юрибди. Гапнинг очиғи мен ҳам энди бир умр...

- Бас, - аёл юзига жиддий тус берди. - Энди бу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Эслашниям хоҳламайман.

...Палов мазали бўлибди. Лекин Ғуломқодирнинг томоғидан овқат ўтмади. Шаҳодатнинг "Мун-

ча, нима, ёқмадими?", деган саволига йўқ, жудаям мазали бўлибди, нимагадир ошқозоним сал оғриб турибди, деб ёлғондан баҳона қилиб қўя қолди...

Шу пайт телефон қўнғироғи Ғуломқодирнинг хаёлини бўлди. У гўшакни қулоғига тутаркан, бирдан чеҳраси ёришди. "Ўзингмисан, ишлар қалай? А, энди биз ҳам ишлаб юрибмиз. Ҳаммаси жойида. Нима? Қачон? Қайси чойхонада? Кечки пайтми? Албатта, ўтаман. Дўстларни соғинганман ўзи. Бўпти, кўришгунча".

"Ажойиб бола-да". Ғуломқодирнинг кўз ўнгида собиқ курсдоши - бўйи ўртадан хиёл паст, думалоқ юзли, қизлар ўртасида "бўғирсоқ" деб ном олган Садриддин гавдаланди.

Андижоннинг Марҳамат туманидан бўлган бу йигит ўқишга тоби йўқроқ, лекин улфатчилик, ўтириш деса, ўзини томдан ташлайдиганлар тоифасидан эди. Худди кечагидек ёдида. Тўртинчи курсни битириш арафасида Садриддин гуруҳдошларини "Боғи шамол"га таклиф қилди. Андижоннинг баҳаво, қир-адирга туташ сўлим масканида бир кеча роса мириқишди. Туманнинг қайси бир колхозида бригадир бўлиб ишлайдиган дадаси Шарофиддин ака кечгача елиб-югуриб хизмат қилди.

Инсоннинг табиати қизиқ. Ғуломқодир қайси бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган дўстини яна кўз олдига келтираркан, ичида кулиб қўйди. У, одатда Садриддин билан сенсирашиб гаплашишарди. Мана, ҳозир эса телефонда уни сизлаб, хушомад оҳангида гапиряпти. Бошқа курсдош дўстларининг ҳам муомалалари сал бошқачароқ., сунъийроқ. Хўш, обкомда ишлаётган бўлса нима қилибди? Тавба...

Ўтган ҳафта қишлоққа борган эди. Тоштемир тоғаси у билан одатдагидек қучоқлашиб кўришаркан:

- Қалай, ишларингиз яхшими? - деб ҳол-аҳвол сўради.

- Тоға, - деди шунда Ғуломқодир хижолатомуз жилмайиб. - Мени илгаригидек сенсирайверинг. Худди бегоналарга ўхшаб...

- Ҳа, энди жиян, - тоғаси бошини қашлади. - Катта даргоҳда ишлаяпсан. Сенсираш сал ноқулайроқмикин ? У шундай дегач, кулди. - Гапнинг тўғриси, ўзимга ҳам эриш туюляпти. Майли бундан бу ёғига уйда, ҳоли гаплашганда сенсирайвераман, барибир жиянимсан-ку. Лекин бегоналарнинг олдида сенсираш ноқулайроқмикин?

Ўша куни шомга яқин уйга райком котибининг шофёри келиб, уни катта йўқлаётганини айтди.

Ҳардамхаёллик билан хона эшигини оҳиста очган Ғуломқодирни райкомнинг биринчи котиби Қамбаралиев қучоқ очиб қарши олди.

- Келинг, келинг Ғуломқодир Турдиевич, - улар рўпара ўтиришгач, катта унга кулиб қаради. - Мана шу ҳафта табриклаб қўйгани олдингизга ўтмоқчи бўлиб тургандим. Эшитиб, кўп хурсанд бўлдик. Ўзимизнинг тумандан чиққан кадрлар юқори жойларга кўтарилишса, фахрланамиз-да.

Ғуломқодир катта билан бирор соат суҳбатлашгач, шофёр уни уйига элтиб қўйди. Ўша куни руҳи кўтарилиб, ўзини янада тетикроқ, кучлироқ ҳис этди.

...Шу пайт эшик қия очилиб қабулхонадан котиба қизнинг юзи кўринди.

- Сизни Соҳиб Султонович сўраяптилар.

- Хўп, ҳозир, - Ғуломқодир бирдан ҳушёр тортди. Ташкилий ишлар бўлимининг мудири уни очиқ чеҳра билан, кулиб қарши олди.

- Аҳмад Қодирни биласиз-а?

- Аҳмад Қодир? - Ғуломқодир бир лаҳза пешонасини тириштиргач, бирдан чеҳраси ёришди.

- Ҳа, у кишини билмаган одам борми? Вилоят газетасида бош муҳаррир ўринбосарими?

- Худди ўша одам. Ҳозиргина Тошкентдан, Анваржон Солиевич деган дўсти телефон қилди. Эртага соат ўн иккида вилоятга етиб келармиш. "Аҳмадни кўришим керак" деб илтимос қилди. Редакцияга қўнғироқ қилсам, ҳали ишга келмабди. Мен иш билан туманга кетяпман. Сиз Аҳмад Қодир билан боғланиб, шу гапни етказиб қўйинг.

- Яхши, албатта топиб айтаман, Соҳиб Султонович.

Ғуломқодир хонасига қайтиб кириб, жойига ўтираркан, кўз ўнгида ўрта бўй, ҳамиша шляпа кийиб юрадиган узунчоқ юзли, чеҳрасидан табассум аримайдиган афандинамо киши - Аҳмад Қодир гавдаланди. Уруш йилларида ҳарбий мухбир бўлиб ишлаган бу одам ҳозиржавоблиги, ичакузди латифалари билан нафақат вилоятда, балки республикада ҳам таниқли эди. Шу боис, юқоридан нозик меҳмонлар ташриф буюрганда, албатта, Аҳмад Қодир уларга ҳамроҳлик қилар, чунки у ўтирган даврада ҳазил-мутойиба, кулги, қаҳқаҳа узилмасди.

Айтишларича, уруш тугагандан кейин, эллигинчи йилларда Аҳмад Қодир вилоят газетасига муҳаррир этиб тайинланибди. Лекин улфатчиликни ниҳоятда хуш кўрадиган бу одам уч-тўрт йил бу лавозимда ишлагач, "қўйинглар, бу иш менга тўғри келмаяпти, худди занжирбанд шерга ўхшаб қолдим", деб ўз ихтиёри билан ариза ёзиб, муҳаррир ўринбосарлигига ўтган эди.

Аҳмад Қодир обком котиби Сайфуддиновнинг ҳам эркаси эди. Ғуломқодирнинг эшитишича, улар урушдан олдин қайси бир билим юртида бирга ўқишганмиш. Шу боис бўлса керак, "катта" уни сенсираб гапиради. Аппаратдаги баъзи ходимларнинг гапига қараганда, Сайфуддинов кайфиятини кўтариш учун гоҳи-гоҳида уни кабинетига чақиртириб латифа, ҳангомаларни эшитиб тураркан.

Лекин Ғуломқодир яқинда Сайфуддинов билан Аҳмад Қодир ўрталарида бўлиб ўтган ҳангомани эшитиб, ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай қолди. Эмишки, яқинда Аҳмад Қодир пойтахтдан меҳмон бўлиб келган ёзувчи, шоирлар билан ўтиришда шунақанги кўп ичибдики, кечқурун уйга келганда пешобидан қон келибди. Хотини Светлана қўрқиб кетганидан эрталаб тонг отиши билан тўғри обкомга - Сайфуддинов ҳузурига борибди.

- Ҳа, келин, тинчликми? - деб сўрабди кўзида ёш билан кутилмаганда кириб келганлигини кўрган обком котиби хавотирлик билан.

- Ўртоқ Сайфуддинов, хўжайинимни ўзингиз чақириб, урушиб қўймасангиз бўлмайди. Кеча...

- Нима, сизга қўл кўтардими?

- Йўғ-е, унақанги одатлари йўқ. Кеча чойхонада ёзувчилар билан шунақанги ичишибдики...

- Ҳа, шундайми? - Сайфуддинов кулибди. - Хабарим бор, пойтахтдан меҳмонлар бор эди. Бу ёзувчи, шоирлар ўзи сал ичувчироқ бўлишади. Ташвиш қилманг. Мен ичиб сизни хафа қилибдими, деб ўйлабман.

- Йўқ, тушунаман, мен айтмоқчиманки... - аёл давомини айтолмай тараддудланиб қолибди.

- Айтаверинг, келин. Е бировни сўкибдими, муштлашибдими ?

- Йўқ, кеча кечқурун мочаларидан қон келди. Бу кетишда бирор нима бўлиб қолса, нима қиламан?

- Ие, шундайми? Шунақанги ичибдими? Оббо, аҳмоғ-е! Обком котиби бир оз ўйланиб тургач, аёлга юзланиб шундай дебди:

- Энди, келин, гап бундай. Ҳақиқатан ҳам тартибга чақириб қўйиш керакка ўхшайди. Мен чақиртириб шундай бўлибди, деганим билан барибир тонади. Яхшиси, сиз менинг дам оладиган ичкари хонамга кириб туринг. Мен ҳозир ўзини

бу ерга чақиртираман.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, Аҳмад Қодир обком ҳузурида ҳозир бўлибди.

- Бай-бай-бай, - дебди Сайфуддинов у билан кўришаркан, қовоғини солиб. - Нима бало, кеча араққа чўмилганмисан ?

- Ҳа, энди ўртоқ Сайфуддинов, катта ёзувчилар юзидан ўтолмаймиз. Уларнинг ичида бир-иккита шоирлар ҳам бор экан. Улар "Аҳмад ака, сиз билан уруштириб ичиш биз учун бахт", деб тургандан кейин мен бу норасидаларни қандоқ қилиб бахтдан маҳрум қиламан?

- Бўлди, - дебди обком котиби кулгиси қистаган бўлса ҳам юзига жиддий тус бериб. - Гапни айлантирма. Соғлиғинг ўзингга керак бўлмаса ҳам, бола-чақангни ўйла. Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Ахир кеча шунақанги ичибсан-ки...- Обком котиби у ёғини айтолмай, бошини сарак-сарак қилибди. - Нима бўлганини биласанми?

- Тинчликми? Нима қилибман?

- Яна нима қилибман, дейди? Кеча зиёфатдан келганингдан кейин пешобингдан қон келиб кетибди-ку.

- Ё алҳазар! - хотинининг бу ердалиги хаёлининг кўчасидан ўтмаган Аҳмад Қодир тахта бўлиб қолибди. - Бўлмаган гап! Ким айтди? Ким кўрибди?

- Келин, бу ёққа чиқинг.

Ичкари хонада ҳамма гапни эшитиб турган хотини зум ўтмай ҳозир бўлибди.

- Ана гувоҳ, эндиям тонасанми?

Ҳангу манг бўлиб қолган Аҳмад Қодир бир муддат нима дейишни билмай, гарангсиб турибдида, сўнгра айёрона жилмайиб, шундай дебди:

- Ҳа, энди, ўртоқ Сайфуддинов узр... Лекин қизиқ...

- Нимаси қизиқ? - Аҳмад Қодирни мот қилдим, деб ҳузур қилган обком котиби кулибди.

– Қизиғи шундаки, буларда шундай ҳолат ҳар ой бўлади. Лекин мен шу пайтгача бировга "ғинг" деганим йўқ. Менда шу ҳолат умримда бир бўлса-ю, дарров сизга арз-шикоят билан келса?

– "Ах, какое безобразие", – уят ва хижолатдан ўзини қўйгани жой тополмай қолган хотини ғизиллаганича хонадан чиқиб кетибди.

Аёл кетиши билан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборган Сайфуддинов Аҳмад Қодирга қараб:

– Сенга Худонинг ўзи бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Бор, ишингни қил, лекин бундан буён кўзингни очиб юр, деган экан.

...Ўтган йилнинг қиш ойларида бўлиб ўтган яна бир ҳангомани Ғуломқодирнинг қўшниси, Аҳмад Қодирнинг дўсти, воқеага гувоҳ бўлган Комилжон ака кула-кула гапириб берган эди.

...Аҳмад Қодир уч-тўртта улфатлари билан қайси бир колхозда бригадир бўлиб ишлайдиган дўстининг хонадонига суннат тўйига боришибди. Ўтириш, ичкилик роса авжига чиқибди. Шунда зиёфатда ўтирган улфатлардан бири соқийлик қилаётган Аҳмад Қодирга қараб:

– Аҳмад, мен сенинг қўлингдан арақ ичмайман, – дебди унинг ғашига тегмоқчи бўлиб.

– Нимага ичмайсан?

– Менга қара, сен ўзбекмисан ўзи? Бир оз кайфи ошиб қолган дўсти кўзларини сузиб, унга тикилибди. – Айт, ўзбекмисан?

– Кимман бўлмаса? – Аҳмад Қодир ҳайрон бўлибди. – Маст бўлиб қолдингми? Нима демоқчисан ўзи?

– Айтмоқчиманки, мана, ўғлинг ўн бешга кирди. Шу пайтгача суннат қилдирганинг йўқ. Сабаби, партбилетинг бор, амалдорсан, шундан қўрқасан, тўғрими?

Шунда зиёфатда ўтирганлар "қўйсанг-чи шунақа гапларни, ўтиришни совитмайлик", деб муросага келтирмоқчи бўлишибди.

Аҳмад Қодир эса бир муддат жим қолибди. Кейин бугун хотини қариндошиникига кетганлиги ёдига тушиб, табассум билан шундай дебди:

- Хўп, сен ҳақсан. Ҳозироқ бориб ўғлимнинг қўлини ҳалоллаймиз, келишдикми?

Ўтирганлар ҳангу манг бўлиб қолишибди.

- Одам ишонадиган гапни гапирсанг-чи?

Аҳмад Қодирнинг қиттиқ ғашига теккан бояги улфати киноялн кулибди.

- Ўн беш яшар болани-я? Эсинг жойидами?

- Гап битта! - Аҳмад Қодир юзига жиддий тус бериб. - Шу бугун, ҳозир кўзларингнинг олдида ўғлимни суннат қилдирмасам, фалон бўлай!

"Ана холос". Аҳмад Қодирнинг чўрткесарлигини яхши билган дўстлари саросимага тушиб қолишибди.

- Қани, омин, кетдик бизникига. Уста ҳам шу ерда, айни муддао.

Хуллас, Аҳмад Қодир бошлиқ беш-олтита улфат устани олиб, тўғри унинг хонадонига йўл олишибди.

- Жон Аҳмад ака, ўтиниб сўрайман, - дебди уста йўлда ёлвориб. - Шаштингиздан қайтинг. Беш-олти ёш бўлса ҳам баҳарнави эди. Ўн беш яшар йигитчани қандоқ қилиб... Нақд балоларга қолиб кетаман.

- Бу ёғидан хотиржам бўлинг, - Аҳмад Қодир унга далда берибди. - Сизлигингизни ҳеч кимга айтмаймиз, гап битта, менга ишонаверинг.

Ширакайф улфатлар хонадонга кириб боришганда Аҳмад Қодирнинг тўладан келган ўғли каравотда Алпомишдек бўлиб донг қотиб ухлаб ётган экан.

- Қани йигитлар, - дебди Аҳмад Қодир улфатларига паст оҳангда. - Паҳлавонни шартта босиб, оёқ-қўлини каравотга боғлаймиз. Бўлмаса, иложи йўқ.

Арақнинг кайфи билан шер бўлиб кетган

дўстлар ўғлининг оёқ-қўлини маҳкам боғлашибди.

- Ким бу? Нима қиляпсизлар? - уйғониб кетган ўғил аввалига қўрқувдан юраги ёрилаёзибди. Кейин отасига кўзи тушиб:

- Нима қиляпсиз? Ечинг қўлимни, - дебди кўзларини ола-кула қилиб. - Ҳозир, ўғлим. Бир дақиқа шошма, озгина сабр қилиб тургин. Ҳаммаси яхши бўлади.

Хуллас, ишни битиргач, ҳаммалари қўшни хонага - меҳмонхонага чиқишибди. Улфатлар "тўй бола"нинг соғлиғига юз граммдан отишгач, Аҳмад Қодир секин туриб, ўғлининг олдига кирибди.

- Ҳали шошмай туринг, - вой-войлаб ётган ўғил ярим русча, ярим ўзбекчалаб, отасига бақира бошлабди. - Ҳали қараб туринг, мен сизни Москвага, Хрушчёвга ёзаман, кўрасиз ҳали!

Аҳмад Қодир ўғлини елпиб, пешонасини силаркан:

- Мана энди ҳақиқий йигит бўлдинг. Кейин хурсанд бўласан. Тузалиб, оёққа туриб кетганингдан кейин Хрушчёвга ёзсанг ҳам майли. Ўзи Хрушчёв аралашмаган биргина шу нарса ... қолувди ўзи", деган экан.

13

Малоҳат телефон гўшагини жойига қўяркан, ўйланиб қолди. "Шаҳобиддин ака телефон рақамини қаердан билдийкин? Бу одамнинг нияти, мақсади нима ўзи? " Тўғри, телефонда одоб билан самимий гаплашди. Бир кўнгли, рақамни қаердан билдингиз, деб сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин негадир шаштидан қайтди.

У бир муддат хаёлга чўмиб тургач, гўшакни кўтариб, Луизанинг телефон рақамини терди.

- Бормисан, дугонажон? - Малоҳатнинг қулоғига Луизанинг жарангдор овози эшитилди. - Ўзим сенга телефон қилмоқчи бўлиб тургандим.

Бизникига кел, тушликни бирга қиламиз.

– Менга қара, мабодо, менинг телефон рақамимни бировга берганинг йўқми?

Шунда гўшакдан кулги овози эшитилди.

– Тушундим, нима демоқчи бўлаётганингни. Келавер, шу ерда гаплашамиз, бўпти, кутаман, бўл тез.

"Аниқ Луиза берган". Малоҳатнинг ғаши келди. "Аҳмоқ, мен билан маслаҳатлашмай, нега бундай қилдийкин? Уйига борай, бир уришиб қўяман".

Луиза Малоҳатни қучоқ очиб қарши олди.

– Келганинг бирам яхши бўлди. Оля дугонасининг олдига кетган. Бир ўзим зерикиб ўтирган эдим. Қани, юр. Улар меҳмонхонага киришлари билан Малоҳатнинг кўзи столга чиройли қилиб тузалган дастурхонга тушди.

– Меҳмон келадими? – Малоҳат ҳайрон бўлиб Луизага қаради. – Йўқ, ўзимиз. Бошқа ҳеч ким келмайди. – Дугонаси унинг елкасидан қучиб тўрга ўтқазди. – Бугун якшанба бўлса. Бир мазза қилайлик. Ярим соатда овқат ҳам тайёр бўлади.

– Хўп, менга қара, – улар рўпара ўтиришгач, Малоҳат юзига жиддий тус берди. – Шаҳобиддин акага телефон рақамимни сен бергансан, тўғрими?

– Нима бўпти?! – Луиза кўзларини айёрона сузди. – Ҳоли жонимга қўймади. Қўрқма, ёмон одаммас. Ё сени хафа қиладиган бирор гап айтдими?

– Йуқ, шунчаки ҳол-аҳвол сўради. Лекин барибир яхшимас. Тўғриси, сендан хафа бўлдим.

– Сенга айтяпман-ку, ёмон одаммас деб. Бўпти, ҳозирча бу гапларни қўя турайлик, – у шундай дея кўзини қисди. – Мен ҳозир. Луиза ўрнидан чаққон туриб, шкафни очди-да, коньякни олиб, стол устига қуйди.

– Бу ўшандан, туғилган кунимда ичдик-ку. Бугун бир яйрайлик.

- Жинни бўпсан, - Малоҳат ўша кунги ҳолатини кўз ўнгига келтираркан, негадир қизарди. - Туғилган кунингда шарманда бўлишимга озгина қолди.

- Бекорчи гапни айтибсан. Ҳеч ким сезгани йўқ, - у шундай дея коньякни очиб, рюмкаларга қуйди. - Менинг қизимга ҳам сенинг куёвингга ўхшаган ажойиб, мартабали йигит учрасин. Қани, олдик.

Малоҳат ичидан зил кетди. Лекин сир бой бермай, зўрма-зўраки жилмайди.

- Қизинг ажойиб, ақлли, пазанда. Илойим, бахтли бўлсин. Улар бир рюмкадан ичишгач, суҳбатлари қовушиб кетди. Луиза қип-қизил қовурилган гўшт билан картошкани товоққа солиб олиб келгач, яна бир рюмкадан олишди.

- Менга қара, - деди Луиза овқатдан кейин бир пиёладан чой ичишгач, Малоҳатга тикилиб. - Мана, ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзинг турасан. Қизинг куёвинг билан келиб, ҳаммаларинг бирга яшасаларинг бўлмайдими ?

Коньякнинг таъсирида кўнгли ёришиб, яйраб ўтирган Малоҳатнинг бу гапдан кейин яна юраги сиқилди. У бир муддат сукут сақлаб турди-да, Луизага юзланди.

- Қўйсанг-чи, шунақа гапларни. Яхшиси, яна озгина қуй.

- Нима? - дугонаси ростданми, дегандек бир лаҳза унга таажжуб билан тикилди-да, шошиб коньякни қўлига олди. - Жоним билан.

Малоҳат индамай рюмкани бўшатди. Сўнгра кўзларини бир лаҳза чирт юмиб тургач, аччиқ жилмайди.

- Кўпчилик менга ҳавас қилади. Масалан, сен ҳам.Ўзинг айтгансан, тўғрими?

- Бўлмасам-чи, - Луиза шундай дегач, кўнгли бир нохушликни сезгандек, унга хавотирлик билан тикилди. - Ахир нима учун ҳавас қилмай.

Ишинг тинч. Институтда ҳамма сени ҳурмат қилади. Куёвинг бўлса, кимсан фалончи, обкомда ишлайди ахир. Ниманг кам?

Луиза шундай дегач, бир муддат ўйланиб турди-да, сўзида давом этди:

- Лекин биласанми, ўша куни туғилган кунимда бизникида қолганингда "мен адо бўлган одамман, тирик мурдаман" деганингдан кейин, тўғриси, қўрқиб кетдим. Алламаҳалгача уйқум келмади. Нега ундай дединг?

Малоҳат Луизага паришон тикилди. Шу лаҳза ўткир ичимлик ўз кучини кўрсата бошлади. Боши хиёл айланиб, кўз олди бир оз хиралашаркан, ойлар давомида зардобга тўлиб кетган юрагини очгиси, дарддарини тўкиб солгиси келиб кетди.

- Тўғри, "адо бўлган одамман", деб айтганман, ростиям шу.

- Барибир тушунмадим, - Луиза унга синчковлик билан тикилди.

- Тушунмадингми? - Малоҳат истеҳзоли жилмайди. - Қаердан ҳам тушунардинг. Энди сенга очиғини гапирайми?

- Айт.

- Ўша сен ҳавас қилиб юрган куёвим яқингача ҳам менинг хуштorим бўлган.

- Нима?! - Луиза бақрайиб қолди. - Эсинг жойидами?! Рост гапиряпсанми? Ахир қандай қилиб?!

Малоҳатнниг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

- Мана шунақа... Эндиям менга ҳавас қиласанми?

- Вой ўлмасам, - Луиза бошини сарак-сарак қиларкан, кафти билан оғзини беркитди. - Бундоқ тузукроқ гапиргин-чи, нима бўлган ўзи?

- Ғуломқодирнинг бизникида ижарада турганлигидан хабаринг йўғ-а?

- Йўқ. Малоҳат юзларига оқиб тушаётган кўз ёшларини кафти билан артгач, бошига тушган

кўргуликларини йиғлаб-йиғлаб ҳикоя қилиб берди.

– Шунинг учун шамдек эриб адо бўлаётган экансан- да! - Луиза дугонасига ачиниш билан тикилди. - Лекин, гапнинг тўғриси, куёвинг аблаҳ йигит экан. Кўра-била туриб-а?

– Ўзимдаям айб бор, - Малоҳат чуқур хўрсинди. - Худо мени жазолади.

– Йўқ, катта айб куёвингда. Нима бўлгандаям, ўзини қўлга олиши керак эди. Бечора Шаҳодат. Агар қизиш билса...

– Худо кўрсатмасин, нималар деяпсан? - Малоҳатнинг ранги ўзгарди. - Энг яқин дугонам бўлганинг учун фақат сенга айтдим-да. Бу гап иккимизнинг ўртамизда қолсин. Агар...

– Эсинг жойидами? Мени ким деб ўйлаяпсан? Бу гапни дастурхон қилиб бўладими? Ўзинг ҳам бошқа ҳеч кимга оғиз оча кўрма.

У шундай дегач, коньякнинг қолганини ҳам рюмкаларга бўлди.

– Кел, шуни тугатиб қўя қолайлик. Нима бўлса бўлди. Орадан ярим соатча ўтгач, Малоҳатнинг боши гир айланиб, кўз олдини туман қоплай бошлади.

– Маст бўлиб қолдим, - у беўхшов кулди. - Ҳозир ўрнимдан турсам, йиқиламан. Уйга қандоқ кетаман энди.

– Ҳеч қаёққа кетмайсан, ҳозир ёстиқ олиб чиқиб бераман. Диванга озгина чўзилгин, ўтиб кетади.

...Орадан бирор соат ўтгач, дугонасиникидан қайтган Оля диванда енгил нафас олиб ухлаб ётган Малоҳатга кўзи тушиб, ҳайрон бўлди. Сўнгра бир оз кайфи борлиги юз-кўзларидан билиниб турган онасининг ташвишли чеҳрасига, стол устида турган бўш коньяк шишага қараб, қошларини чимирди.

– Нима бўлди, тинчликми?

– Ҳеч гап йўқ, - Луиза ўзини тутиб, жилмайишга ҳаракат қилди. - Малоҳатнинг юраги сиқилиб турган экан, сал кўпроқ ичиб қўйди. Қизим, илтимос, стол устини йиғиштириб, ошхонани тартибга келтириб қўй.

14

Шаҳобиддин Солиевич иккинчи қаватга кўтарилиб, чўнтагидан калитни олди-да, чапдаги хонадон эшигини очди. "Шуям ҳаёт бўлди-ю". У паришонхотирлик билан диванга ўтираркан, юраги сиқилди. "Ит ётиш, мирза туриш. Мана, хотинининг Бухорога кетганига ҳам яқинда бир ой бўлди. Ҳанузгача дараги йўқ. Охирги марта қачон телефон қилувди? Ҳа, бундан ўн кунча олдин, шанба куни эди. Энди кетаман деб турганда набираси шамоллаб қолганмиш."

Бундан роппа-роса ўн йил олдин ўрта мактабни тугатаётган ўғли Шерзод "дада, мен геолог бўламан", деганда рўйихушлик бермаганди. "Энди, ўғлим, геологлик ҳам ёмон касбмас, лекин сен ёлғиз фарзандимизсан, мен бу соҳа одамларини яхши биламан, юрасанми ҳали у ерда, ҳали бу ерда дарбадар бўлиб", – деб уни йўлидан қайтармоқчи бўлганди. Лекин қайсар ўғли икки оёғини бир этикка тиқиб, туриб олди. Мана, оқибати. Институтни битиргандан кейин йўлланма билан тўғри Қаршига жўнади. Ўша ерда ўзининг соҳасида ишлайдиган Барно исмли қиз билан танишиб, унга уйланди. Орадан бир йил ўтмай, қизчалик ҳам бўлишди. Икки йилдан буён эса Бухорода...

Шаҳобиддин Солиевич урушдан олдин ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юртини тамомлаган эди. Уруш бошланганда у мактабда ўқитувчилик қиларди. Тўғри, аввалига муаллимларни урушга олишмади. Лекин кейинчалик, минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг кузида унга ҳам чақирув

қоғози келди.

Бироқ Шаҳобиддинга узоқ жанг қилиш насиб этмади. Биринчи атакадаёқ оёғидан оғир яраланиб, госпиталга тушди. У ерда олти ой даволаниб, соғайиб оёққа турганда, бутун мамлакат бўйлаб уруш ғалаба билан тугаганлиги ҳақидаги хушхабар тарқалди.

Шаҳобиддин Солиевич она юртига қайтгач, даставвал шаҳар маданият бўлимида ишлади. Мана, қарийб ўн беш йилдирки, шаҳар марказий кутубхонаси директори.

Албатта, уни фариштадек бегуноҳ, покдомон деб бўлмасди. У улфатчилик, ўтиришларни хуш кўрар, айниқса аёллар билан бир даврада ўтириш унинг жону дили эди. Лекин кейинги пайтларда гап-сўз бўлиб қолишдан ўзини ниҳоятда эҳтиёт қилар, чунки ёши олтмишни қоралаб қолган, шу боис маломатга қолишни истамасди.

Лекин ўшанда Луизанинг туғилган кунида рўпарасига келиб ўтирган аёл – Малоҳатга кўзи тушди-ю, "келишган, дилбар аёл экан" деган фикр хаёлидан ўтди. Кейин Малоҳатнинг озгина коньяк ичганини кўриб, "енгилтакроқ аёлга ўхшайди", деган ўйга борди. Шу боис ўтириш тугаганда Малоҳатни уйигача кузатиб қўймоқчи, қўйнига секин қўл солиб кўрмоқчи бўлди. Лекин Луиза ишнинг белига тепиб, Малоҳатни уйида олиб қолди.

Орадан уч кун ўтгач, Шаҳобиддин Солиевич Луизага телефон қилиб, Малоҳатни суриштирди, телефон рақамини сўради. Луиза аввалига "Шаҳобиддин Солиевич, дугонам сиз ўйлаган аёлларданмас, телефон рақамини берсам, мендан қаттиқ хафа бўлади", деб илтимосини рад этди.

Шунда Шаҳобиддин "Луизахон, қўрқманг, мен Малоҳатни хафа қиладиган гап айтмайман. Қолаверса, ёлғиз аёл экан. Агар гапимиз гапимизга

тўғри келиб қолса, сизга яхши бир совға мендан", деб зўрға кўндирди. Арқонни узоқ ташлашга ўрганган Шаҳобиддин Солиевич Малоҳат билан телефонда гаплашганда ўзини самимий, босиқ тутди, ортиқча бир сўз демади.

***

...Мана, ўн кундирки, Малоҳат ўз ёғига ўзи қовурилади. "Шунақаям аҳмоқ бўламанми? Луизага сирни нега ошкор қилдим. Ҳаммаси ичкиликнинг касофати. Ўша куни менга нима бўлди ўзи? Шармандалик. Оля мен ҳақимда нима деб ўйлаганикин? Ҳамма айб ўзимда. Луиза мажбурлаб оғзимга қуйгани йўқ-ку".

Ўша куни у шомга яқин уйғонди. Кўзини очди-ю, аввалига қаерда ётибман, деган фикр миясига чақмоқдек урилди. Кейин Луиза билан ўтириб, бирга ичишгани ёдига тушди-ю, бирдан ҳушёр тортди. Қаддини ростлаб, диванга ўтирди. Стол устидаги дастурхон йиғиштирилган, меҳмонхонада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Шунда боши оғирлашиб, чанқаганлигини сезди. Секин ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа аланглади.

– Яхши дам олдингми? - шу пайт ётоқхонадан чиқиб келган Луиза унга қараб жилмайди. - Ўзим ҳам қотиб қопман. Гапнинг тўғриси, бугун кўпайиб кетди.

– Ичгани совуқроқ чойинг борми?

– Бор, бор. Мен ҳозир, - Луиза илдам ошхона томон ўтиб, зум ўтмай чойнак билан пиёла кўтариб чиқди.

– Ма, ичиб ол.

Пиёладаги чойни симириб, Малоҳат чуқур нафас олди.

– Бўпти, мен уйга қайтай. Ҳали замон қоронғи тушиб қолади.

– Бугун шу ерда қолақол.

– Йўқ, борай энди.

– Сал енгил тортдингми? Тузукмисан? Хавотир олмайми ?

– Ташвиш қилма, - Малоҳат зўрма-зўраки жилмайди. - Яхшиман. Хўп, хайр, эртагача.

...Кечки овқатдан кейин бир пиёла чой ичиб, диванга ёнбошлаган Малоҳат шуларни ўйларкан, негадир юраги сиқилди. Нима қилиш керак? Уй-иш, иш-уй. Бир хил ҳаёт. Кундузи ишда, кутубхонадалигида ҳарҳолда вақтнинг ўтганлигини сезмайди. Ҳовлига қадам босиши билан кўнглига ғашлик чўкади. Ёлғизлик, изтироб, пушаймонлик яна ўз исканжасига олади, жонини азоблайди.

Малоҳат гоҳида ўйлаб қолади. Агар Ғуломқодир билан ўрталарида ҳеч гап бўлмаганда, ёруғ юз билан қизига уйланганда ҳозир ҳаёти қандай кечарди? Унда бутунлай бошқача бўларди. Ҳозиргидек ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи ўтирмас, ҳаммалари бирга туришарди. Орадан бир-икки йил ўтмай набиралик бўларди. Яйраб-яшнаб ўтирарди. Жонини суғуриб оладиган бу азоб-уқубатлар йўқ эди.

"Барибир нимадир қилишим керак... Бу кетишда бир куни жинни бўлиб қоламан. Ўзимни чалғитмасам бўлмайди", деб хаёлидан ўтказди Малоҳат.

Шу пайт телефон қаттиқ жиринглаб қолди... "Алло, раҳмат, Худога шукур. Ўзингиз ҳам яхшимисиз? Билмадим, Шаҳобиддин ака, айтдимку, бирор кун кутубхонага ўтаман. Йўқ, мени ноқулай аҳволга солманг... Қандоқ бўларкин? Хўп, қани ўйлаб кўраман".

Малоҳат гўшакни жойига қўяркан, ичида кулди. "Нима бало, бу одам менга елимдек ёпишиб олдими? Тўғри, гап-сўзларидан босиқ, маданиятли одамга ўхшайди. Мана, Луизадан телефон рақамимни олгандан буён кунда-кунора қўнғироқ қилади. Ўтган куни телефон қилиб, "Малоҳатхон, илтимос, бир кўришайлик. Якшанба куни "Марҳабо" ресторанининг олдида, соат бешда кута-

ман, фақат йўқ деманг", деб Худонинг зорини қилди. Бугун яна ўша гап. Нима қилсамикин? Хўп, ана бордим, учрашдик ҳам дейлик. Ундан кейинчи? Таниш-билишлардан битта-яримтаси кўриб қолса, гап-сўз кўпаяди".

Малоҳат бир муддат ўйланиб тургач, қатъий қарорга келди. "Майли, бораман, нима, одамлар менга хўжайинми? Якшанба куни уйда диққинафас бўлиб ўтиришим керакми?".

...Малоҳат келишилган жойга ўн дақиқа кечикиб борди.

– Хайрият, - Шаҳобиддин Солиевичнинг унга кўзи тушиши билан чеҳрасига табассум югурди. – Келмасмикинсиз деб хавотирдайдим, раҳмат. Қани, юринг. Улар ресторанниng хилватроқ еридаги столлардан бирини эгаллашди. Кўп ўтмай етиб келган хизматчи аёл беш-ўн дақиқада стол устини тўлдириб ташлади.

– Шаҳобиддин ака, нима, банкет қилмоқчимисиз? - Малоҳат хижолатомуз жилмайди. - Икки кишига шунча оворагарчилик...

– Овораси борми? - Шаҳобиддин Солиевич кулди. - Тўй тўйдек бўлсин-да, - у шундай дегач, стол устига қўйилган коньякни олди.

– Мен учун бўлса, очманг, - Малоҳат астойдил илтимос қилди. - Шундай ўтирайлик.

– Нега энди, кўпмас, озгина.

– Мен умуман ичмайман. Ўша куни Луизанинг туғилган кунида ҳоли жонимга қўймади. Бўлмаса...

– Малоҳатхон, бир гап айтсам ишонасизми? - У шундай дегач коньякни очиб, рюмкаларга қуйди-да, аёлнинг кўзларига тикилди. - Бугун менинг ҳам туғилган куним.

– Ростданми? - Малоҳат ишонқирамади. - Мени ноқулай аҳволга солиб қўйдингиз. Агар билганимда...

– Қўй етаклаб келармидингиз, - Шаҳобиддин

Солиевич ўзининг ҳазилидан ўзи яйраб кулди. - Сўзимни ерда қолдирмай келганлигингизнинг ўзи катта совға. Қани, олдик. Бир нима денг.

Малоҳат тараддудланиб қолди. "Нима қиласан ўзингни бозорга солиб. Умуман ичмайман, эмиш. Ўн кун аввал Луизаникида маст бўлиб қолдинг-ку. Ҳозир ҳам тилингда айтаётганинг билан дилингда юз грамм ичиб, изтиробларингни унутгинг келиб турибди-ку".

– Илоҳим, юзга киринг. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, - Малоҳат рюмкани қўлига олди. - Фарзандларингизнинг бахтини, камолини кўринг.

– Раҳмат, сиз ҳам орзу-ниятларингизга етинг.

Орадан ярим соат ўтгач, хизматчи аёл кабоб келтириб қўйди.

– Малоҳатхон, энди мана шу кабоб билан яна биттадан оламиз. - Ичкилик таъсирида қулфи дили очилган Шаҳобиддин Солиевич коньякни қўлига олди. – Мана, сизга озгина, номигагина...

Ичкиликнинг таъсири билан ўзини эркинроқ сезаётган Малоҳат Шаҳобиддин Солиевичга зимдан қаради. Ёши олтмишга яқинлашган бўлса керак. Лекин ўзини яхши сақлаган. Сочлари сийраклашиб қолган бўлса ҳам юзида тириши йўқ.

Малоҳат уч-тўрт кун олдин Луиза билан телефонда гаплашганда Шаҳобиддин аканинг оиласи ҳақида сўрамоқчи бўлганди. Лекин "Бу одам билан нега қизиқиб қолибди", деб ўйламасин, дея фикридан қайтганди. У шуларни хаёлидан ўтказаркан, сўради:

– Шаҳобиддин ака, мен ҳақимда Луизадан сўраб, суриштирган бўлсангиз керак. Мен сиз ҳақингизда ҳеч нима билмайман.

– Тушундим, нима демоқчи бўлаётганингизни, - Шаҳобиддин Солиевич Малоҳатнинг кўзларига тикилди. – Битта-ю битта фарзандим – ўғлим бор. Геолог. Бухорода ишлайди. Оилали, нева-

рам ҳам бор. Энди, гапнинг тўғриси, хотинимни бор десам ҳам бўлади, йўқ десам ҳам.

– Тушунмадим? - Малоҳат ҳайрон бўлди.

– Бундай деяётганимнинг боиси, набиралик бўлганимиздан буён хотиннинг бир оёғи Бухорода. Мана, охирги марта кетганига ҳам икки ойдан ошди. Қўпол қилиб айтганда, ҳозирги аҳволим — "ит ётиш, мирза туриш".

"Бу одамга ҳам қийин экан". Малоҳат негадир Шаҳобиддин Солиевичга ачинди. "Ким табиб, бошидан ўтган табиб", дейишади. Ўзидан қиёс. Ёлғизлик азоби ёмон. У ҳар қалай аёл. Ҳовли, уй юмушлари билан ўзини овутади. Эркак кишига осонмас". У шуларни хаёлидан ўтказаркан, деразадан ташқарига қараб қўйгач, Шаҳобиддин Солиевичга юзланди.

– Қоронғи тушиб қолибди-ку. Зиёфат учун катта раҳмат. Турайлик энди.

– Майли, лекин битта шартим бор, - Шаҳобиддин Солиевич айёрона тикилди. - Фақат йўқ демайсиз.

– Қанақанги шарт? - Малоҳат кулди.

– Ҳозир тўғри бизнинг уйга борамиз. Мақтанчоқлик бўлса ҳам айтиб қўяй, ажойиб кутубхонам бор, кўрсатаман.

– Йўғ-е, нималар деяпсиз, - Малоҳат бош чайқади. - Бемаҳалда...

– Бу ердан бор-йўғи ўн дақиқалик йўл. Кўп вақтингизни олмайман. Илтимос, йўқ деманг. Кейин ўзим кузатиб қўяман.

– Китоб-ку жону дилим... - Малоҳат бўшашди. – Лекин қўни-қўшниларнинг кўзи тушса...

– Бу ёғидан хижолат бўлманг, - аёлнинг иккиланаётганлигини кўрган Шаҳобиддин Солиевич астойдил қисташга ўтди. - Қўшниларимнинг ҳаммаси рус, тўғри тушунишади.

– Хўп, майли, - Малоҳат муғамбирона жилмайди. - Лекин айтиб қўяй. Аввало, кўп ўтирмай-

ман. Ундан кейин, кутубхонангиздаги яхши китоблардан бир-иккитасини ўқишга бериб турасиз.

– Жоним билан, - Шаҳобиддин Солиевич ёш боладек қувониб кетди. Кутубхонамдаги хоҳлаган китобингизни олиб, бемалол фойдаланаверинг.

...Дарҳақиқат, улар ҳеч қанча юрмай, пишиқ ғиштдан қурилган тўрт қаватли бино олдида тўхташди.

– Мана, етиб ҳам келдик. Айтгандим-ку, узоқмас, деб. - Шаҳобиддин Солиевич Малоҳат ҳамроҳлигида иккинчи йўлакдан юқорига чиқгач, эшикни очиб, ичкарига таклиф қилди. - Кираверинг, тортинманг.

Малоҳат меҳмонхона вазифасини ўтовчи хонага ўтиб, тўрдаги диванга омонатгина ўтирди.

– Квартирамиз икки хоналик, китоблар мана бу чапдаги хонада, бир кўрасизми?

– Бўлмасам-чи, - Малоҳат ўрнидан чаққон турди.

– Вой-бу, зўр-ку, - хона тўридаги ойнаванд шкафга тартиб билан терилган китобларни кўриб, Малоҳатнинг кўзлари чарақлаб кетди. - Ҳақиқатан ҳам бой экансиз.

– Раҳмат мақтовингиз учун, - Шаҳобиддин Солиевичнинг чеҳраси янада ёришиб кетди. - Кутубхонам сизга ёққанидан ниҳоятда хурсандман. Энди сиз китобларни кўздан кечириб туринг. Мен ҳозир.

“Роса китоб йиққан экан-да, бу одам”. Хонада ёлғиз қолган Малоҳат шкаф эшигини оҳиста очди. “Рус классиклари, чет эл адабиёти, ўзбек адабиёти, шеърлар... ҳаммаси алоҳида қаватларда”.

- Китоблардан танладингизми?

Хонага кириб келган Шаҳобиддин Солиевич Малоҳатнинг хаёлини бўлди.

- Ҳа, мана бу иккитасини олдим.

- Бемалол. Бугундан эътиборан кутубхона

сизнинг ихтиёрингизда. Қани, юринг меҳмонхонага. Бир пиёладан чой ичамиз.

Хонага кирган Малоҳат столга тузалган дастурхонга кўзи тушди.

- Нима қиляпсиз, яна овора бўлиб. Ҳозиргина овқатландик-ку, бир пиёладан чой ичсак, бўлди. Кеч бўлиб қоляпти, мен қайтаман.

- Мен ҳеч нарсага уннаганим йўқ, борини қўйдим, - Шаҳобиддин Солиевич илтифот билан уни стулга таклиф қилди.

- Қани, марҳамат.

Малоҳат ўтиргач, дастурхонга кўз қирини ташлади: чиройли қилиб кесилган яхна гўшт, колбаса, салат, икки дона нон...

- Ие, ёддан кўтарилибди-ку, - Шаҳобиддин Солиевич ўзига ярашмаган чаққон ҳаракат билан ўрнидан туриб, шкафни очди-да, коньякни олиб стол устига қўйди. - Мана бу энг яхшисидан. Гапнинг тўғриси, кеча ишдан келиб шундан юз грамм ичганман. Озгина-озгина оламиз.

- Энди буниси ортиқча бўлди, - Малоҳат бош тебратди. - Маст бўлиб қолишимни хоҳлайсизми?

- Йўғ-е, эллик граммдан оламиз. Бугун озгина эркалик қилишга ҳаддимиз сиғди-да. Айтяпман-ку, кўпмас, мана, озгина.

Малоҳат рюмкага қуйилган коньякка тикилди. "Нима бўляпти? Нега бу ерга келиб ўтирибман. Нега шартта ўрнимдан туриб кетолмаяпман? Ё ўзим шуни истаяпманми? Нима қилиб бўлсаям ўзимни овутишни, чалғитишни хоҳлаяпманми? Рўпарамда ўтириб, илтифот кўрсатаётган, хушомад қилаётган бу одамнинг нияти ойдек равшан-ку. Яхшиси, шартта ўрнимдан туриб, уйга жўнаворсам-чи. Йуқ, обрўли бу одамга ҳурматсизлик бўлади".

Шу лаҳза Шайтони лаъин унга йўл-йўриқ кўрсата бошлади. "Нима бўпти, бошингда эринг бўлмаса. Уйда ўтираверсанг, ўз-ўзингни еб адо

қиласан. Ўткинчи дунё. Беш-ўн йилдан кейин сенга ким қарайди? Ўз ёғингга ўзинг қовурилиб юрганингдан нима фойда? Бўлар иш бўлди. Қизингнинг турмуши яхши. Бахтли ҳаёт кечиряпти. Бундан бу ёғига ўзингни ўйласангчи".

- Хаёл суриб қолдингиз, - Шаҳобиддин Солиевич унга кулиб қаради. - Бу бир кам дунё. Қани, шуни олайлик. Кейин мен сизга бир гап айтаман. - Биласизми, - улар рюмкани бўшатишгач, Шаҳобиддин Солиевич унинг кўзларига тикилди. - Ўша Луизанинг туғилган кунидан кейин сизни кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим.

- Яхши кўриб қолдингизми? - ичкиликнинг таъсирида вужудига олов югурган Малоҳатнинг шўхлиги тутди.

- Топдингиз, - аёлнинг ўтли нигоҳидан ўзини бир оз йўқотиб қўйган Шаҳобиддин Солиевич хижолатомуз кулди. - Нима, ҳақиқатан ҳам сизни бир кўришда ёқтириб қолдим, десам ишонмайсизми?

- Билмадим... Сиз билан бизнинг ёшимизда... Севги, ишқ... Тўғриси, эриш туюларкан.

- Муҳаббат ёш танламайди, - ўзини тутиб олган Шаҳобиддин Солиевич Малоҳатнинг қули устига кафтини қуйди.

- Ёлғиз аёлсиз. Сизниям гоҳи-гоҳида кимгадир суянгингиз, юрагингизни ёзгингиз келар ахир, шундай эмасми?

15

Пойтахтдан келган меҳмонларни кузатиб, хонасига қайтиб кирган Ғуломқодир Турдиевич оромкурсига ўтираркан, бошида оғриқ сезди. "Падарига лаънат бу комиссияларини. Бундоқ хотиржам ишлагани қўйишмайди. Биттасидан қутулсанг, ҳафта ўтмай яна биттаси. Кошки, бу келганларнинг техникумга бир тийинлик нафи бўлса? Ҳаммасининг дарди бир. Нима қилиб бўлса-да, кам-

чилик топишга ҳаракат қилади. Тирноқ остидан кир ахтаради. Пашшадан фил ясайди. Муроса-ю мадора қилишдан бошқа иложи йўқ. Каттасини ака, кичигини ука дейсан.

Лекин қуруқ қошиқ оғиз йиртади. "Ҳамма айтганларингиз тўғри, айб бизда, камчиликларни, албатта тузатамиз" дейиш билан барибир қутулмайсан. Тафтишчиларнинг раҳбари гап орасида "Яқинда қизалоқни узатамиз" ёки "Ўғилчани уйлаймиз" деган гапни қистириб ўтади. Демак, ҳаммаси равшан. Яхши отга бир қамчи... Қуруғидан узатиш керак.

Лекин Ғуломқодир Турдиевичнинг пул заводи йўқ. Ноилож. Яна йиғ-йиғ. Кейинги пайтларда комиссия деса, ўқитувчиларнинг қон босими ошадиган бўлиб қолди. Минг лаънат! Майли, яна икки йил сабр қилади, чидайди. Ундан кейин пенсия. Борига қаноат қилиб, қолган умрини осойишта ўтказади".

Ғуломқодир Турдиевич шуларни хаёлидан ўтказаркан, чойнакдаги совиб қолган чойдан пиёлага қуйди. "Ўтиб кетмайди шекилли". У тортмани очиб, бош оғриқ доридан биттасини оғзига солди-да, чойдан ҳўплади. Сўнгра бир муддат кўзини юмиб тургач, секин бошини кўтарди- да, деразадан ташқарига қаради. "Мана, ноябрь ойи ҳам охирлаб қолди. Бу ёғи қиш. Бугун якуни бўйи йилт этиб қуёш кўринмади. Ҳавонинг авзойи бузуқ, ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

Инсон умрини йилнинг тўрт фаслига қиёслаган файласуф ҳақиқатан ҳам донишманд экан. Мана, умрининг куз фасли ҳам ўтиб боряпти. Энди илгариги куч-ғайрат, шижоат йўқ. Яқинда чойхонадаги ўтиришда институтда адабиёт тарихидан дарс берадиган Тилаволди ёддан бир байт ўқиди. Бу мисралар Ғуломқодирга таъсир қилиб, ён дафтарчасига кўчириб олди:

Оқарди чун сочинг, ўз Огаҳий,
ўздин умидингким,
Хазон етган нишонидур,
қиров гар тушса боғ узра...

Дарҳақиқат, дов-дарахтларга қиров тушдими, демак, бу куз фаслидан, хазонрезгиликдан нишона. Инсон ҳам худди шундай. Белдан астасекин қувват кетиб, сочга оқ ораладими, бундан бу ёғига тайёргарлигингни кўравер. Умрнинг интиҳоси яқин.

Лекин Ғуломқодир Турдиевичнинг айни навқиронлик пайтлари Вилоят партия комитети аппаратида ишлаган йилларига тўғри келди. Ўйлаб қараса, умрининг йигирма беш йили, ҳозир вилоят ҳокимлиги деб аталмиш ўша муҳташам бинода ўтибди. У пайтларда давр, сиёсат бутунлай бошқача эди. Худди кечагидек ёдида. Обком аппаратида тўрт йил ишлагандан кейин бешинчи йили уни олий партия мактабига ўқишга юборишди. У ерни тамомлаб келгач, яна ўз вазифасида, ташкилий бўлимда инструктор бўлиб ишлай бошлади. Ниҳоят минг тўққиз юз етмиш бешинчи йилнинг кузида омад яна унга кулиб боқди. Соҳиб Султонович вилоят ижроия комитети раислигига кўтарилгач, унинг ўрнига, ташкилий ишлар бўлими мудири этиб Ғуломқодир тайинланди. Албатта, бу ниҳоятда масъулиятли, катта вазифа эди. Чунки раҳбарлик лавозимларига тайинланиши лозим бўлган кадрларнинг ҳужжатлари, аввало унинг қўлидан ўтарди. Ҳозир бундоқ мулоҳаза қилиб, ўйлаб кўрса, ўша пайтларда ҳарҳолда инсоф чегарасидан чиқмаган экан. Бўлмаса, унчамунча иш оғзининг ҳовурига битарди. Нафақат вилоятдаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, ҳатто райком, горком котиблари ҳам у билан ўйлаб муомала қилишарди.

Тўғри, Ғуломқодир Турдиевич ҳам фариштa

эмасди. Жойларда унинг ҳам ўз одамлари бор эди. Нозик пайтларда уларни ўз ҳимоясига олиб турар, сиздан угина, биздан бугина, деганларидек, обкомнинг масъул ходими паноҳида эмин-эркин ишлайдиган бу кишилар яхшиликни эсдан чиқаришмасди.

Уларнинг ичида ўзи туғилиб ўсган туманда савдо бўлими бошлиғи бўлиб ишлайдиган Туробжон унга ниҳоятда яқин эди. Туробжон асли у билан битта мактабда, параллел синфда ўқиган, ёшликдан сенсирашиб гаплашишарди. Ғуломқодирнинг онаси вафот этганда расм-русмлар билан боғлиқ харажатларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олди, маросимда бел боғлаб, ёнида турди.

Минг тўққиз юз саксонинчи йилнинг ноябрь ойи эди. Ғуломқодир дам олиш учун Ялтага йўлланма олди. Жўнашидан бир кун олдин, шомга яқин кутилмаганда эшик қўнғироғи чалинди. Очса, остонада иршайиб синфдош дўсти Туробжон турибди. Ёнида қоғоз қути кўтарган ҳайдовчиси.

- Тинчликми, қайси шамол учирди? - деди Ғуломқодир салом-аликдан кейин диванга ёнмаён ўтиришгач. - Ишларинг яхшими?

- Ишлар беш, ҳаммаси жойида, - Туробжон мамнун жилмайди. - Шундай ўзим. Иш билан келгандим, сени бир кўриб қўяй, дедим.

Шу пайт хонада пайдо бўлган Шаҳодат Туробжон билан илиқ саломлашгач, дарров дастурхон тузаб, уларга чой келтириб қўйди-да, унинг "Ҳожати йўқ, мен ҳозир тураман", дейишига қарамай, ошга уннаб кетди.

Икки дўст паловни еб, бир пиёладан чой ичишгач, Туробжон Ғуломқодирга маъноли тикилди.

- Бу, дам олгани кетаётганмишсан, ростми?

- Қаердан билдинг? - Ғуломқодир ҳайрон бўлди. Кейин ўтган ҳафта тоғасининг ўғли, Туробжоннинг қўлида "завмаг" бўлиб ишлайдиган Собиржон билан телефонда гаплашганлиги ёди-

га тушди. “Ҳа, ўша айтган”.

- Билдим-да, ўзинг бир оғиз телефон қилиб “отпуска” олдим, санаторияга кетаман, деб қўйсанг ҳам бўлади-ку.

- Мана, барибир эшитибсан-ку, - Ғуломқодир кулди.

- Хўп, бўлмаса бизга рухсат, - Туробжон фотиҳага қўл очди. - Яхши бориб келгин, оқ йўл, сафаринг бехатар бўлсин.

У шундай дея атаганини стол четига қўйди.

- Нима бу, эсинг жойидами? - Ғуломқодир жўрттага қовоғини уйди. - Пора беряпсанми? Ҳозир “мелиция”ни чақираман.

- Чақир, - Туробжон яйраб кулди. Кейин ошхона томонга қараб қўйгач, секин деди:

- Арзимаган нарса. Олмасанг, хафа бўламан. Ҳеч бўлмаса, бир йилда бир марта одамга ўхшаб дам олгин-да. Бўпти, уйдан илҳақ бўлма, хабардор бўлиб тураман.

Ғуломқодир Туробжонни кузатиб қўйгач, газетага ўроғлиқ пулни олиб санади. Икки минг сўм. Албатта, ўша пайтда бу катта пул эди.

Обкомда ишлаб юрган кезлари Ғуломқодир Турдиевич кўпгина ажабтовур воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган эди. Бир куни кутилмаганда “катта” чақириб қолди.

- Эртага Москвадан комиссия келяпти, - деди обком котиби қовоғини уюб. - Улар билан бирга бўласиз.

- Тинчликми? - Ғуломқодирнинг юрагига ғулғула тушди.

- Сафаралиевни биласиз-а?

- Райкомнинг биринчи котибини-ми?

– Ҳа, ўша. Бундан уч ой олдин район газетасининг муҳаррири Маматқулов билан айтишиб қолиб, мажбурлаб аризасини олган экан. Ўша одам “Правда”га ёзибди. Хуллас, текширгани келишяпти. Лекин Сафаралиев яхши кадр. Қишлоқ

хўжалигининг пири.

"Нима қилардинг журналист билан олишиб?" - Ғуломқодирнинг таъби хира бўлди. - "Оқибати яхши бўлмайди. Ҳали калтакнинг бир учи унга ҳам тегмаса гўрга эди".

Ғуломқодир эртаси куни меҳмонларни аэропортда кутиб олди. Текшириш якуни эса у ўйлагандан ҳам ёмон бўлди. Икки нафар комиссия иштирокида бўлиб ўтган обкомнинг очиқ бюро мажлисида Сафаралиев ишдан бўшатилди. Газета муҳаррири Маматқулов эса вазифасига тикланди.

Ўша воқеадан кейин орадан олти ой ўтди. Айни йиғим-терим мавсуми эди. Бир куни вилоят марказидан анча олисда бўлган туманларнинг бирида мажлис ўтказиш учун жўнаб кетаётган Сайфуддинов Ғуломқодирни ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олди. Улар бирор соатча яқин йўл босишгач, обком котиби кутилмаганда ҳайдовчига ўгирилиб, "кейинги светофордан ўнгга ҳайда", деб қолди. Ҳайдовчи тинчликми, дегандек бир қараб қўйгач, индамай бош ирғади. Улар бир оз юришгач, "катта" машинани тўхтатди.

- Менга қара, - деди ҳайдовчига ўгирилиб, - Сафаралиевни биласан-а? Қудрат акангни-чи, илгари шу ерда райком бўлган. Менимча, уйи шу атрофда бўлиши керак. Тушиб, секин суриштиргин-чи. Орадан беш-олти дақиқа ўтгач, қайтиб келиб рулга ўтирган ҳайдовчи хуш кайфият билан деди:

- Яқин экан, қассобдан сўрадим. "Юз метрча юриб, чапдаги кўчага бурилсаларинг, ўнгдаги иккинчи дарвоза" деди.

Айтилган жойга етиб келишгач, Сайфуддинов Ғуломқодирга ўгирилди:

– Юринг-чи.

"Катта"нинг мақсади нима ўзи?" Машинадан тушган Ғуломқодирнинг боши қотди. "Шунчаки

ҳол-аҳвол сўраб қўймоқчими? Йўқ, бу ерда бир гап бор".

Улар дарвозага яқинлашишлари билан унга туташ эшик очилиб, ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги оқ сариқдан келган, бош яланг бола пайдо бўлди.

– Қудратнинг ўғлимисан? - сўради Сайфуддинов дўриллаган товушда. - Даданг уйдами?

– Ҳа, - деди болакай. Сўнгра қаршисида турган салобатли одамга, беш-олти қадам наридаги "Волга"га бир-бир қараб қўйгач, кўзларини пирпиратди.

– Яхши, қани бошла.

Сайфуддинов ҳамроҳлигида ҳовлига қадам босган Ғуломқодирнинг кўзи ўрик тагидаги сўрида нимадир тикиб ўтирган аёлга тушди.

Аёл кутилмаган меҳмонларга кўзи тушиши билан қўлидагиларни бир четга қўйиб, шошиб ўрнидан қўзғалди. Сўнгра бир лаҳза каловланиб тик тургач, бирдан "катта"ни таниб қолди шекилли, иккала қўлини кўксига қўйганча, шоша-пиша уларга пешвоз чиқди.

– Ассалому алайкум, келинглар, келинглар. Ҳой, Зебо, бор кўрпача олиб чиқ. Шунда тўрдаги уй остонасида қаққайганича ҳайрон бўлиб турган ўн беш ёшлар чамасидаги қиз ғизиллаганича ичкарига кириб кетди.

– Келин, ҳожати йўқ, кўрпачага овора бўлманг, биз бир дақиқага кирдик, холос. Бу, Қудрат шу ердами?

– Уйдалар, - аёл қўрқув ваҳадик билан Сайфуддиновга қараб қўйди.

"Катта" бояқиш хотинни қўрқитиб юборганини сезди шекилли, чеҳрасини очиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди:

– Бола-чақалар ҳаммаси яхшими? Тинч-омон ўтирибсизларми ?

Сайфуддиновнинг хуш муомаласидан бир оз ўзига келган аёл яна қўлини кўксига қўйди.

- Худога шукур, ҳаммаси яхши.
- Қудрат кўринмайди. Қани ўзи?
- Шу ердалар, ҳалиги... - аёл ҳовли этагига бир қараб қўйгач, хижолатомуз жилмайди. - Новвойхонада эдилар.
- Новвойхонада?! - Сайфуддинов таажжуб билан тикилди. - Қаерда у новвойхона? Ҳовлидами?
- Ҳа, мен ҳозир чақираман.
- Шошманг, - "катта" уни тўхтатди. Сўнгра Ғуломқодирга юзланди. - Ўзимиз борамиз, қани юринг-чи.

Улар олдинма-кетин юриб ўн беш сотихча келадиган, ярмидан кўпи ўрикзор бўлган кенг ҳовлининг этагидаги сомон шувоқли чоғроқ уйга етиб келишди. Сайфуддинов эшикни секин очиб, ичкарига мўралади. Шунда "катта"нинг ёнида турган Ғуломқодирнинг кўзи чаққонлик билан зувала қилаётган ўн етти, ўн саккиз ёшлар чамасидаги қотмагина йигитчага тушди.

- Қани Қудрат? - деб сўради кўнгли нимадир сезган Сайфуддинов паст товушда.

Уларни кўриб тили калимага келмай қолган йигитча зувалани узатиш учун қўшни хонага очилган дарчага ишора қилди.

"Катта" ташқарига чиқиб, икки қадам наридаги эшикни очди. Ё, қудратингдан! Пешонасини рўмол билан танғиб олган Сафаралиев чўғдек қизариб, тандирдан нон узаётган эди.

- Ҳормасинлар!

"Новвой" бир лаҳза таажжуб ва ҳайрат билан "катта"га тикилиб қолди. Кейин тезда ўзини тутиб, табассум билан деди:

- Саломат бўлинглар. Беш-олтита нон қолди, узиб олай, ҳозир чиқаман. Сайфуддинов эшикни ташқаридан ёпгач, Ғуломқодирга қараб бошини сарак-сарак қилди.
- Юринг, ҳозир чиқади.

Уят ва хижолатдан ўзини қўйгани жой тополмай қолган хонадон соҳибаси уларни сўрига таклиф қилди. Сайфуддинов оёғини пастга осилтирган кўйи кўрпачага омонат ўтираркан, пешонасини тириштирди.

– Ё тавба. Тушимми, ўнгимми? Сафаралиев-а?! Шундай одам-а?! Ғуломқодир сассиз ўтирган "катта"га кўз қирини ташлади. Хотини новвойхонадалар, деганда ҳам Қудрат аканинг ўзи нон ёпаётганлиги кўнглининг кўчасига келмаган эди. Новвойликни қачон ўргана қолдийкин?!

Шу пайт новвойхонадан қўли бўшаб, уларнинг олдига келган Сафаралиев "катта"нинг рўпарасига ўтирди. Улар бир муддат бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди.

– Янги касблар муборак бўлсин, - сукунатни биринчи бўлиб Сайфуддинов бузди.

– Раҳмат, қуллуқ, - Сафаралиев шундай дегач, бир кулиб қўйди-да, сўзида давом этди. - Новвойчилик — бизга ота касб. Урушдан олдин, ёшлигимда бирга нон ёпганман.

У бир оз сукут сақлаб тургач, чуқур нафас олди-да, деди:

– Етти фарзандимиз бор. Уларни едириш, ичириш керак. Ҳа, энди, тирикчиликнинг айби борми?

– Ўша воқеадан кейин бирор кун олдимга ўтиб, мен билан маслаҳатлашсанг бўларди-ку.

Шунда Сафаралиев нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, лекин индамади.

– Хўп,майли, – деди Сайфуддинов ўрнидан қўзғоларкан. - Бугун жумами? Душанба куни эрталаб албатта ёнимга ўт, ўша ерда маслаҳатлашамиз, келишдикми?

Сафаралиев маъқул ишорасини қилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Қудрат ака бошқа бир туманнинг қолоқ бир хўжалигига раҳбар этиб тайинланди. Сафаралиев бу совхозни уч йилда вилоятдаги

энг илғор хўжаликлардан бирига айлантирди. Тўртинчи йили у ўша туманга райкомнинг биринчи котиби этиб тайинлашди. Сафаралиев у ерда пенсия ёшигача ишлаб, иззат-ҳурмат билан нафақага чиқди.

...Ғуломқодир Шаҳодатга уйланганидан кейин "Энди бутун умрим изтироб ўтида қовурилиш билан ўтар экан-да", деган ўйга бориб, юраги қаттиқ сиқилган эди. Лекин йиллар ўтган сайин вужудини куйдириб, унга азоб бериб келаётган аланга аста-секин пасая бошлади. Малоҳат билан бўлиб ўтган ишқий саргузаштлари гоҳи-гоҳида беихтиёр ёдига тушса-да, илгаригидек жонига азоб бермасди.

...Бир куни, хотинининг қистови билан шомга яқин қайнонасиникига боришди. Ўшанда Шаҳодат иккинчи фарзанди — Жамшидга ҳомиладор эди. Малоҳат уларни хуш кайфиятда, очиқ чеҳра билан кутиб олди.

- Келганларинг яхши бўлди, - деди у қизини бағрига босиб. Кейин набираси — беш ёшли Сарварни даст кўтариб, юзларидан ўпди. - Қани, юринглар меҳмонхонага.

Улар хонтахта атрофидан жой олиб, фотиҳа қилишгач, Малоҳат Ғуломқодирга кулиб қаради.

- Ишларингиз яхшими, куёв? Камнамосиз?..

- Ҳа, энди у ердаги шароитни ўзингиз ҳам яхши тушунасиз-ку. Кўпинча ишдан кейин ҳам қолиб кетишга тўғри келади.

Ғуломқодир шундай дегач, қайнонасига зимдан қараб қўйди. "Опа, бугун бошқачароқми? Тўғриси, уйлангандан бери биринчи марта мана шундай кутиб олиши. Қарашлари ҳам ғалатироқ. Гўё ўрталарида ҳеч нарса бўлмагандек. Студентлик йилларидаги Малоҳат опанинг ўзи... Йўғ-е, нималар деяпман... Тўхта-тўхта, менимча озгина ичганга ўхшайди. Ҳа, бир оз кайфи бор".

- Хўп, энди гап бундай, - Малоҳат Гулом-

қодирнинг хаёлидан нималар кечаётганини сезгандек, гап бошлади. - Бугун бир чўқимгина ош егим бор эди. Лекин ўзим бўлганим учун эриниб тургандим. Шаҳодат, сен дастурхон ёзиб, чой дамла. Мен овқатга уннайман.

...Палов мазали бўлибди. Ҳаммалари иштаҳа билан ейишди. Бир пиёладан чой ичишгач, набирасини ёнига олиб ўтирган Малоҳат Ғуломқодирга бир қараб қўйгач, секин гап бошлади.

- Сизларга анчадан буён бир гапни айтмоқчи бўлиб юргандим. Мана ҳозир мавриди келиб турибди. Лекин билмадим, нима деркинсизлар?

- Яхши гапми? - Шаҳодат онасининг кўзларига тикилди.

- Нима десамикин? Гапнинг қисқаси, Худо хоҳласа, кейинги фарзандинг ҳам ўғил бўлади. Сутдан чиқиб, тетапоя бўлиши билан менга берасан. Ўзим тарбиялаб, катта қилиб, ўзим уйлайман. Мана шу ҳовли-жой набирамга, маъқулми?

Кутилмаган бу таклифга нима деб жавоб беришни билмай қолган эр-хотин бир-бирларига қараб қолишди. Орага бир муддат сукунат чўкди. Шаҳодат қошларини чимириб турди-да, онасига муғамбирона жилмайиб деди:

- Агар кейингиси қиз бўлса-чи?

- Унда Сарварни берасан, - Малоҳат набирасининг бошини силади. - Қачонгача ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзим тураман.

- Яхши, мен розиман, - Ғуломқодир Малоҳатга кулиб қаради. - Энди турсак ҳам бўлар, кеч бўлиб қолди. Улар уйга етиб келишгач, Шаҳодат уйқусираб турган ўғилчасини каравотга ётқизиб, диванга — эрининг ёнига ўтирди.

- Бугун аям сал бошқачароқлар-ми?

- Қанақароқ? - Ғуломқодир ўзини овсарликка солди.

- Билмасам... назаримда...

- Айтаверинг, бирор нимани сездингизми?

- Мен билан кўришганларида ичкиликнинг ҳиди келгандек бўлди. Ё менга шундай туюлдимикин?

Ғуломқодир жавоб беришни истамади. Сабаби, Малоҳатнинг тўй-маросимларда, туғилган кунлардаги ўтиришларда ичаётганлигидан хабардор, тўғрироғи, бундан озгина хавотирга ҳам тушаётган эди. Лекин бу ҳақда хотинига индамас, "шўрлик аёл шу билан ўзини овутмоқчи, чалғитмоқчи шекилли", деган хаёлга бориб, виждони қийналарди.

Шу боис онасининг бир оз кайфи борлигини айтиб хотинини ташвишга қўйишни хоҳламади.

- Онамга умуман тушунолмай қолдим, - эридан садо чиқмагач, Шаҳодат гапини давом этди. - Тўйимиздан кейин оғизларини пойладим. "Қизим, институтнинг ётоқхонасида турманглар, мана, тайёр ҳовли, бирга яшайлик", демадилар.

- Ҳой, менга қара, яна нимага эски дийдиёни бошлаяпсан? - Ғуломқодирнинг зардаси қайнади. - Илгари ҳам сенга айтганман-ку, онанг чақиргани билан барибир бормаган бўлардим, деб. Мана, уйлик ҳам бўлдик. Айт-чи, ниманг кам?

- Йўқ, ҳаммаси яхши, - эрининг авзойи бузилганлигини кўриб, Шаҳодат дарров ён босди. - Аям ўзларини ўзлари қийнаяптилар, демоқчиманда. "Ая, уйимиз жуда яхши, иккинчи қаватда, уч хоналик, ҳамма шароити бор, биз билан тураверинг", деб Худонинг зорини қилганман. Йўқ, яқинларигаям йўлатмаганлар. Нима қилиш керак, ҳайронман.

- Бўлди, кўп хуноб бўлаверма, - Ғуломқодир зўрма-зўраки жилмайди. - Онанг айтгандек, ўғил туғиб берсанг, бир-икки яшар бўлганда олиб бориб берамиз. Ҳовли-жой – ҳаммаси неварамга, ўзим уйли-жойли қиламан, деяптилар-ку.

- Унгача ҳали анча бор, - Шаҳодат эрига ғамзали қараб қўйгач, ўрнидан туриб, ётоқхонага ки-

риб кетди.

Ғуломқодирнинг юраги сиқилди. "Шўрлик. Онасининг феъл-атвори бутунлай ўзгариб қолганлигини тушунмай гаранг. Ҳой, хотин, аянгнинг бошидан зар сочсанг ҳам, биз билан туришга ҳеч қачон рози бўлмайди, деган гапни айтиб бўладими?"

...Ғуломқодир Турдиевич оромкурсида ўтириб, яқин ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни кино лентасидек кўз ўнгига келтираркан, саксонинчи йил охирларидаги қалтис вазият яна ёдига тушди. Ўшанда зиёлилар, журналистларнинг оғзидан ошкоралик, демократия деган гаплар тушмай қолганди.

Болтиқбўйи республикаларида эса мустақилликни талаб қилиб чиққан намойишчиларнинг сафи кундан-кунга кенгая борди. Улардан илҳомланган ўзбекистонлик бир гуруҳ шоир-ёзувчилар ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилишини талаб қилиб чиқдилар. Ғуломқодир Турдиевич ўша йиллар мамлакат зиёлиларининг чиқишларини ошкора қўллаб-қувватламаган бўлса-да, лекин ич-ичидан уларга хайрихоҳ эди.

Чунки сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам руслаштириш сиёсати кучая бошлаган, ҳужжат ишлари деярли юз фоиз рус тилида юритиларди. Шаҳарда рус мактаблари сони йилдан-йилга ортиб борар, сиёсат шу зайлда давом этса кўпмас, эллик-олтмиш йилдан кейин ўзбек талабалари Навоий, Бобур, Муқимий асарларини таржимада ўқишларига тўғри келарди. Лекин зўравонликка асосланган шўролар давлати тўқсонинчи йилга бориб, ич-ичидан нураганлиги, емирилганлиги ошкор бўлиб қолди. Бутун дунёга қўрқув солиб турган Совет Иттифоқи деб аталмиш империя парчаланиб кетди. Кишандан озод бўлган Ўзбекистон ҳам биринчилар қатори ўз мустақиллигини эълон қилди.

Лекин чорак асрлик умрини шўролар сиё-

сатини, ғоясини тарғибот-ташвиқот қилишга бағишлаган Ғуломқодир Турдиевич аввалига бир оз саросимага тушиб қолди. "Энди нима бўлади? Парокандалик кучайиб, ҳокимият учун кураш авж олиб кетса-я. Унда оддий халқнинг ҳолига вой".

Бироқ у ўйлаган, хавфсираган нохушликлар рўй бермади. Кўп ўтмай, бутун мамлакат бўйлаб ислоҳотлар даври бошланди. Ишбилармон, тадбиркорларга кенг йўл очиб берилди. Ғуломқодир бу янги жабҳада ўз ўрнини топишга кучи етмаслигини сезди. Шоир айтганидек, "укажон, навбатинг етди чамаси, мен энди жангларга қандоқ ярайман?".

Ҳардамхаёллик билан қўли ишга бормай юрган кунларнинг бирида кутилмаганда, Олий партия мактабида ўқиб юрган кезлари қадрдон бўлиб қолган дўсти Умарали телефон қилиб қолди. Ғуломқодир у билан ўн дақиқача сўзлашгач, гўшакни қўяркан, ўйланиб қолди. У Умаралини мустақилликдан кейин вазирликда, каттагина лавозимда ишлаётгани ҳақида эшитганди. "Дарҳақиқат, ошиғи олчига ўхшайди. Димоғи ниҳоятда баланд. Пойтахтга йўлинг тушса, олдимга албатта ўтгин, деб астойдил гапирди. Дарвоқе, янаги ҳафта тошкентлик қудасиникида тўй. Ўғлини уйлантираяпти. Вақт топиб, бир учраб қўйса, ёмон бўлмайди".

...Дарҳақиқат, Умарали Ғуломқодирни қучоқ очиб қарши олди.

- Катта одам бўлиб кетибсан-ку, - деди Ғуломқодир у билан рўпара ўтиргач. - Қабулингга киргунча иккита чиғириқдан ўтдим. Зўрсан.

- Ҳа, энди, нон насиб шу ерда экан, - Умарали мамнун жилмайди. - Ўзинг қалайсан, ўзинг?

- Биз ҳам ишлаб турибмиз, - Ғуломқодир зўрма-зўраки жилмайди. - Илгари обком эди. Ҳозир вилоят ҳокимлигидаман. Юрибман, битта бўлимни тебратиб. - Менга қара, - дўсти унга

синчковлик билан тикилди. - Назаримда шаштинг сал пастроқ. Ишларинг жойидами ?

- Нима десам экан, - Ғуломқодир пешонасини тириштирди. - Тўғриси, ҳокимиятда ишлагим йўқ. Чарчадим. Ёш ҳам мана, олтмишга қараб кетяпти. - Ундай дема, ҳали бардамсан. Ҳозирдан эстафетани ёшларга бериб қўймаймиз, - Умарали шундай дегач, бир оз ўйланиб турди-да, сўзида давом этди. - Агар илмий унвонинг бўлганда институтнинг ректорлигини, ҳеч бўлмаса проректорлигини олиб берардим.

- Йўғ-е, нималар деяпсан, - Ғуломқодир бош чайқади. – Бизга сал пастроғи ҳам бўлаверади, оч қорним, тинч қулоғим.

- Шундай дегин, - Умарали қошларини керди. – Ҳақиқатан ҳам, ҳокимиятда ишлагинг йўқми? - Айтдим-ку, тўғриси, ишга бўйнимдан бойлагандек зўрға боряпман.

- Хўп, тушунарли. Бўлмаса, гап бундай. Техникумга ўтасанми? Директорликка...

- Техникумга? - Ғуломқодир пешонасини тириштирди. - Билмадим, эплармикинман?

- Уйга бориб, яхшилаб ўйлаб кўр, - у шундай дея соатига қараб қўйди. - Бирор ҳафтадан кейин яна телефонлашамиз, келишдикми?

Орадан бир ой ўтгач, Ғуломқодир дўстининг ёрдами билан техникум директорлигига ўтди. У янги жойда иш бошлаган дастлабки кунларда “бу ёғи қандоқ бўларкин, катта коллектив”, дея бир оз хавотирга тушган эди. Лекин ташвиши узоққа чўзилмади. Узоқ йиллар вилоят партия комитетида ишлаб орттирган тажрибаси қўл келди. “Бу ерга ўтганим яхши бўлди”, хаёлидан ўтказганди ўшанда. Мана, Шаҳодат ҳам яқин ўн йилдирки, мактаб директори. Иккаламиз эсон-омон пенсияга чиқиб олсак, қолган умримизни тинчгина, борига қаноат қилиб ўтказамиз. Болаларнинг ташвишидан бўлса, қутулганмиз.

Дарҳақиқат, Ғуломқодирнинг фарзандларидан кўнгли тўқ эди. Катта ўғли Сарвар ёшлигидан илмга чанқоқ бўлди. Тошкентдаги университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, институтга ишга таклиф қилишди. Институтда ишлаб юриб, аспирантурани ҳам тугатди. Худо хоҳласа, яқинда фан номзоди бўлади. Хотини Ферузахон ҳам ўзига мос. Мактабда ўқитувчи. Мўмин-қобилгина аёл.

Кейинги фарзанди Жамшидни икки ёш бўлиши билан қайнонаси Малоҳат ўз тарбиясига олди. Лекин Жамшид акасига ўхшамади. Ўрта мактабни амал-тақал битиргач, Ғуломқодир таниш-билишларнинг ёрдами билан уни Политехника институтига жойлаб қўйди.

Лекин ўғли у ерда ҳам ўқишни ёлчитмади. Агар Ғуломқодир обкомда, масъул лавозимда ишламаганда, Жамшид аллақачон институтдан ҳайдалиб кетарди. Шу боис у гоҳида "Ўғлимни қайнонамга бериб хато қилибман, талтайтириб юборибди. Агар кўз ўнгимда бўлганида, жиловини маҳкам ушлаган бўлардим", деб пушаймон чекканди. Бироқ Жамшид тўртинчи курсга ўтганда, кутилмаганда унга омад кулиб боқди. Тўғрироғи, одатдагидек шомга яқин ишга қайтган Ғуломқодирни хотини бошқачароқ қарши олди.

– Тинчликми? - сўради у уй кийимини кийиб, оромкурсига ўтираркан. - Бирор нима демоқчисан, шекилли. Нима гап?

– Тинчлик, - Шаҳодат сирли жилмайди. - Янгилик бор.

– Янгилик? Қанақа янгилик?

– Ўғлингиз Жамшид уйланармиш.

– Нима? Эсинг жойидами? - Ғуломқодир хотинига таажжуб билан тикилди. - Кимга?

– У қиз учинчи курсда ўқиркан. Исми Латофат.

– Ўғлинг миясини еб қўйганми? - Ғуломқодир

қовоғини уйди. - Йигирма бирга энди кирган бўлса. Бу йил ўқишни битирсин. Бир-икки йил ишласин. Ана ундан кейин...

- Гапингиз тўғри. Мен ҳам шундай дедим. Лекин у қизга совчилар келиб қўймаётганмиш, шунга...

- У қизни кўрдингми ўзи? - Ғуломқодир хотинининг гапини бўлди. - Ота-онаси ким? Қаерлик?

- Институтга бориб, қизни кўрдим. - Шаҳодат мамнун жилмайди. - Қўғирчоқдеккина. Ота-онасини ҳам суриштирдим. Шаҳарлик экан. Дадасини танисангиз керак. Қудрат ака Кабиржонов.

- Кабиржонов? - Ғуломқодир бирдан ҳушёр тортди. - Нефть базанинг директорими?

- Ҳа, ўша киши.

Ғуломқодир ўйланиб қолди. "Қудрат ака ниҳоятда обрўли одам. Шаҳардаги казо-казоларнинг биттаси. Лекин одамлар нима деркин? Ҳарҳолда обкомда ишлайди. Дўст бор, душман бор. Баъзи бир ғаламислар "Ғуломқодир Турдиевич билади, ким билан қуда бўлишни", деб гапни кўпайтирмасмикин?" У шуларни кўнглидан кечираркан:

- Ўғлингга бошқаси қуриб кетибдими? - деди норози оҳангда.

- Вой, нимага унақа дейсиз? - эрининг рўйихушлик бермаётганлигини кўрган Шаҳодат ҳайрон бўлди. - Мен декандан ҳам сўрадим. Бамаъни, одобли қиз, дейишди.

Ғуломқодирнинг боши қотди. "Бир ҳисобда-ку, Кабиржонов билан қуда бўлса, ёмон бўлмайди. Томири бақувват одам. Ҳа, энди ёшлар бир-бирига маъқул экан, нима ҳам дерди". У шуларни кўнглидан кечираркан:

- Бу ўғлинг, шундан бошқасига уйланмайман, деяптими? - деди ўсмоқчилаб.

- Ҳа-да, - эрининг ён бераётганлигини кўрган Шаҳодат шошиб қолди. - Латофатхон ҳам онасига

"мен ҳозир турмушга чиқмайман", деган баҳонани қилиб, келган совчиларни қайтараётганмиш.

- Ҳа, энди она-бола келишиб, ишни пиширибб ўпсизлар-ку, - деди Ғуломқодир кулиб. - Майли, тайёргарлигингни кўравер.

Хуллас, орадан бир ой ўтгач, тўй бўлди. Жамшид институтни битиргач, қайнотаси уни ўз қанотига олди. Ҳозир ўғлининг бир эмас, иккита хусусий "заправка"си бор. Тагида янги "Нексия". Яқинда бувисининг эски уйларини бутунлай бузиб ташлаб, данғиллама иморат солди. Ота-онасига оқибатли. Бир ҳафта - ўн кунда келиб, хабар олиб туради. Шаҳодатнинг "қўй, кераги йўқ, мана, дунёнинг бозорини қилиб келибсан", дейишига қарамай, пул ҳам ташлаб кетади.

Ғуломқодир иккинчи ўғли туғилгандан кейин "План тўлди, мана шу икковини тарбиялаб, ўқитиб, уйли-жойли қилиб олсак ҳам, катта гап" деб ўйлаганди. Лекин хотини "Худодан битта қиз сурайлик, қиз бола ота-онасига меҳрибон бўлади" деб қўймади. Ниятлари холис экан, учинчи фарзандлари қиз бўлди. Исмини Зироат қўйишди. Зироат катта акаси Сарварга ўхшаб, мактабни аълога битирди ва Тошкентдаги Тиббиёт институтига юқори балл билан кирди. Шаҳодат "Қизимни узоққа бермайман, шу ердан, шаҳардан қуда қиламиз" деган ниятда эди. Лекин тақдир экан. Зироат ўзидан икки курс юқорида ўқийдиган пойтахтлик йигит Ҳабибулло билан танишиб, Тошкентга келин бўлиб тушди.

Ғуломқодир саксонинчи йилларнинг охирларида ҳам орадан уч-тўрт йил ўтиб, давр, сиёсат бутунлай ўзгариб кетишини хаёлининг кўчасига ҳам келтирмаганди. Лекин савдогар халқи узоқни кўраркан. Бир куни уни йўқлаб келган ҳамқишлоқ дўсти Туробжон суҳбат орасида сўраб қолди:

- Менга қара, ер олиб, ҳовли-жой қилиш ниятинг ҳам борми? Ё умр бўйи мана шу каталакдек

уйда қолиб кетмоқчимисан?

- Иморат қуришнинг ўзи бўладими? - Ғуломқодир кулди. - Қолаверса, ўзинг тушунасан, ишим нозик.

- Бу гапларни бир четга қўя тур, - деди Туробжон жиддий оҳангда. - Замон нозиклашиб қолди. Худо билади, беш-олти йилдан кейин нима бўлади? Хўп, ўз номингга участка олгани қўрқсанг, қишлоқдаги жиян-пиянингни номига ол. Ҳозир қўлингни қаёққа узатсанг, етади. Танишбилишларинг ҳам кўп. Бу ёқда мана, биз турибмиз. Айтиб қўяй, маслаҳатимга кўн. Бир кун келиб мендан хурсанд бўласан, раҳмат дейсан ҳали.

Ғуломқодир ўйланиб қолди. "Бир ҳисобда Туробнинг гапида ҳам жон бор. Тўғри, ўтган йили кўп қаватли уйдаги квартирасини тўрт хоналикка алмаштирди. Бир-икки йилдан кейин Сарварни уйлайдиган бўлса ҳам жой етади. Лекин умр ўтиб боряпти, ер олиб, уй-жой қилиб қўйса, ёмон бўлмайди. Ахир дунёга устун бўлмайди-ку. Вақти-соати етиб омонатини топширса, домдан чиқаришадими ? "

Хуллас, Туробжоннинг маслаҳати туртки бўлиб, Ғуломқодир шаҳар четроғидан участка олди. Дарҳақиқат, яхши бўлган экан. Ҳозир кенггина ҳовлида ўғли Сарвар, келини, набиралари билан яйраб ўтирибди.

Ғуломқодир ўғли Сарварнинг феъл-атворига гоҳи тушунолмай қолади. Ёшлигида очиқёриққина эди. Институтга ишга тушиб, уйланганидан кейин одамовироқ бўлиб қолди. Укаси Жамшид эса бутунлай унинг акси. Шалдир-шулдир, бир қоп ёнғоқ. Лекин ишига пишиқ, тегирмонга тушса, бутун чиқадиганлар тоифасидан.

Сарварнинг институтда ишлаётганига ўн йилдан ошди. Иккита ўғли бор. Лекин ойлигидан орттириб, "Ая, мана буни олиб қўйинг, зарур бўлганда ишлатарсиз", деб бериб қўйган

жойи йўқ. Бир куни Ғуломқодир Сарвар билан суҳбатлашиб ўтириб, гап орасида сўраб қолди.

- Ҳайдарни танийсанми? Маҳалламизнинг бошида турадиган Камол қассобнинг ўғли.

- Бизнинг институтда ишлайдиган Ҳайдарми, физик.

- Ҳа, худди ўша. Ишга сен билан бир пайтда кирган.

- Нима бўпти? - Ҳеч нима. Тунов куни чойхонадан қайтаётсам, ёнимга янги "Нексия" келиб тўхтади. Қарасам, ўша. Эшигимиз тагига ташлаб қўйди. Уям сенга ўхшаган ўқитувчи.

- Тўғри, ўқитувчи, - отасининг нима демоқчи бўлаётганини тушунган Сарвар киноялиқулди. - Лекин менга ўхшаганмас.

- Бу нима деганинг? - Ғуломқодир ҳайрон бўлди.

- Бу деганим, Ҳайдар ғирт аблаҳ, ифлос одам. Унақаларни пешонасидан отиш керак.

- Эсинг жойидами? Сенга нима ёмонлик қилди у?

- Менга ёмонлик қилгани йўқ, қилолмайди ҳам. Лекин, мана сиз, ойлигимдан орттириб ўн миллионга янги машина олиб минишимга ишонасизми? Қирқ йилдаям ишонмайсиз, тўғрими? Ҳайдар студентларни қақшатиш, қарғишини олиш ҳисобига янги "Нексия" миниб юрибди. Зачёт, имтиҳон пайтларида гуруҳ "староста"лари ҳар битта талабадан неча мингдан йиғиб беришини сиз билмайсиз.

- Мана, сен билар экансан-ку, - Ғуломқодир ўғлига таажжуб билан тикилди. - Бошқалар ҳам эшитиб, сезиб юргандир? Нимага муҳокама қилиб, шармандасини чиқармайсизлар? Институтдан ҳайдамайсизлар ?

- Қизиқсиз-а, дада, - Сарвар бош тебратди. - Институтда Ҳайдарга ўхшаганлар биттамас-да. Қайси бирини муҳокама қилиб, қайси бирини

ҳайдайсиз?!

Сарвар бир муддат сукут сақлаб турди-да, секин сўзида давом этди:

- Энг ёмони, ўша таъмагир, порахўр ўқитувчи бугун пулни қуртдек санаб олади-да, эртасига талабаларга ҳалоллик, тўғрилик, диёнат ҳақида ваъз ўқийди. Шўрлик талаба юзига айтолмасаям, ичида "ҳе, ўл, башаранг қурсин, кеча "зачёт"ингга беш мингдан йиғиб бердик-ку, бугун яна бизга панду насиҳат қиласан" дейди.

- Ё тавба! - Ғуломқодир ўғлига таажжуб билан тикилди. - Лекин институтдагиларнинг ҳаммасиям Ҳайдарга ўхшамагандир ахир?!

- Инсофли, диёнатли ўқитувчилар бор, - Сарвар отасининг гапини тасдиқлади. - Лекин уларгаям қийин. Мана, ўзимдан қиёс. Мен дарсга кирадиган тарих факультетининг иккинчи курсида Шоҳида деган қиз бор. Дарсларга хоҳлаганда келади. Калласида ҳеч вақо йўқ. Имтиҳонимдан ўтолмади.

"Домла, келинг, шу қизнинг баҳосини қўйиб беринг", деб беш-олти ўқитувчи ўртага тушди. "Тайёргарлик кўриб, қайта топширсин, билса, марҳамат", деб кўнмадим. Охири яқинда ректоримизнинг ўзлари чақириб қолдилар.

Яна ўша гап. Мен "Домла, ҳеч бўлмаса учга яраша тайёргарлик кўриб келсин", десам, "Келинг, энди, баҳосини қўйиб беринг, дадаси нозикроқ жойда ишларкан, ўзингизга душман орттирманг", дедилар.

Ноилож қолдим. Энг алам қиладиган жойи, эртасига ўша гуруҳга дарсга кирсам, Шоҳида "Мана, барибир қўйиб бердинг-ку, қўлингдан нима келди?" дегандек, менга тиржайиб қараб турибди. Кейинги пайтларда ишдан кўнглим совиб кетяпти ўзи.

"Бунга ҳам қийин экан". Ғуломқодир ўғлига ачинди. "Наҳотки, ўқитувчилар шунақа айниб кет-

ган бўлса. Тўғри, у ўқиб юрган пайтларда ҳам порахўрлик бор эди. Фалончи фалон минг сўм билан институтга кирибди, деган гапларни гоҳ-гоҳида эшитарди. Лекин "зачёт", имтиҳонлар учун пул йиғиш деган нарса йўқ эди. Тавба...".

...Ғуломқодир Турдиевич дорининг таъсирими ёки яқин ўтмиш хотиралари сабабми, ҳарҳолда, бош оғриғини унутгандек бўлди. У девордаги осма соатга қараб қўйгач, соат учда йиғилиш ўтказиши кераклиги ёдига тушиб, қабулхонадаги котиба қизни чақириш учун қўнғироқ тугмасини босмоқчи бўлган ҳам эдики, бирдан телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтариб, "Алло" дейиши билан хотинининг йиғламсираган овози эшитилди.

- Аямни машина уриб кетибди.
- Нима?! Қачон?! Қаерда?! Касалхонадамисиз ? Ҳозир етиб бораман.

16

Малоҳат тушга яқин кўзини очди. У дастлаб қаерда эканлигини англолмади. "Нима бўлди менга ўзи? Қаердаман?". Бир муддат карахт ҳолда шифтга термилиб тургач, бўлиб ўтган мудҳиш воқеа бирдан ёдига тушди. Эрталаб набираси Жамшид ишга кетгач, қатиқ олиб келиш учун дўконга кетаётганди. Ҳардамхаёллик билан чорраҳани кесиб ўтаётган Малоҳатнинг қулоғига тўсатдан машина тормозининг юракни зирқиратувчи ғийқиллаган товуши эшитилди. Лекин у овоз келган томонга қарашга ҳам улгурмади...

Малоҳат қўлларини секин қимирлатди. "Хайрият, бутун". Кейин оёғини оҳиста букмоқчи бўлган эди, ўзига буйсунмади. "Мени бу ерга қачон олиб келишди экан? Худога шукур, ҳарҳолда эсим жойида, миям шикастланмаган". У бошини чапга

хиёл бурди. Шунда ўзидан бир-икки қадам наридаги курсида ўтирган ёшгина аёл - оппоқ халатли ҳамширага кўзи тушди.

- Холажон, ўзингизга келдингизми? - деди ҳамшира мулойимлик билан. - Мен ҳозир шифокорни чақираман. Орадан кўп ўтмай, хонага олтмиш ёшлар чамасидаги оқ халатли киши кирди.

- Опа, тузукмисиз? - у Малоҳатнинг пешонасига қўлини қўйди.

Малоҳат бошини хиёл қимирлатгач, сўради:

- Қаердаман? Қайси касалхонада ётибман?

- Шаҳар марказий шифохонасида - жонлантириш бўлимидасиз. Қаерда турасиз? Ўғил-қизлар борми?

Малоҳат қизи Шаҳодат ишлайдиган мактабнинг телефон рақамини айтди.

- Яхши, ҳозир хабар берамиз. Опа, сиз ўзингизни уринтирманг.

- Дўхтир, - деди Малоҳат кўзларидан дув-дув ёш тўкиб. - Менга нима қилган ўзи? Тузалиб кетаманми?

- Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасиз, - у шундай дегач, ҳамширага ўгирилди. - Сиз беморнинг ёнидан жилманг.Шифокор хонадан чиқиб кетгач, Малоҳатнинг юрагини ваҳима босди. "жонлантириш бўлимига олиб келишибди-да. Оёқларим қимирламаяпти, синганмикин? Э, Худойим, ёшим етмишдан ўтганда бу қандай кўргилик? Дўхтирга Жамшиднинг телефон рақамини ҳам берсам бўларкан. Энди нима бўлади? Оёққа туриб кетармикинман? Ёки... Йўғ-е, Худо кўрсатмасин...".

Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Малоҳат бир муддат кўзларини юмиб ётгач, яна секин очди.

"Етдим деганда йиқилдим", деганлари шу бўлса керак. Ўйлаб кўрса, умрининг кейинги йигирма беш йили алам, изтироб, пушаймонлик ўтида қовурилиш билан ўтибди. Агар на-

бираси Жамшидни ўз бағрига олиб, тарбиялаб вояга етказмаганда, у билан овунмаганда, аллақачон адойи тамом бўлган бўларди. Жамшид унга нафақат овунчоқ, ҳамдам бўлди, балки уни кўпгина гуноҳ ишлардан сақлаб ҳам қолди.

Худди кечагидек ёдида... Ресторандаги зиёфатдан кейин Шаҳобиддин аканинг уйида қолди... Тўғри, эртасига ўтиришдан кейин уйига кетмаганлигидан қаттиқ пушаймон бўлди. Лекин энди кеч, ғишт қолипдан кўчган эди. Ўшандан кейин Малоҳат Шаҳобиддин Солиевич билан гоҳи-гоҳида пинҳона учрашиб юрди. Лекин Жамшидни "ўғил" қилиб олгандан кейин у билан қайта учрашмасликка аҳд қилди. Тўғрироғи, "гуноҳим, касофатим болага урмасин яна", деб қўрқди, бутун меҳрини набирасига берди. Ҳар хил ўтириш, зиёфатлардан ҳам ўзини тортди.

Тўғри, қизи айтганидек, Малоҳат набирасини эркароқ ўстирди. Унча-мунча шўхликларини кечирди, кўп тергамади. Лекин у кимдандир "ҳусн ҳам ярим ризқ" деган гапни эшитганди. Рост экан. Жамшид отаси

Ғуломқодирга ўхшаб кўркам, келишган йигит бўлди. Мана, ҳозир кимсан, шаҳарда учтанинг биттаси бўлган Кабиржоновнинг куёви.

Жамшид яқинда уни қучоқлаб, "Бувижоним, мен сизни янаги йилга Ҳажга жўнатаман", деганди. Ўшанда Малоҳатнинг кўзларига ёш келди. "Илоҳим, умрингдан барака топ, ўша азиз, муқаддас жойларга бориш менга ҳам насиб қилармикин...", деб юраги орзиққанди.

Маккаи Мукаррамага қадам босса, Каъбага бош уриб, қилган гуноҳларига астойдил тавба қилиш ниятида эди. Наҳотки, бу фоний дунёдан афсус-надоматда, армон билан ўтиб кетса.

Малоҳатнинг кўзларидан сизиб чиқаётган қайноқ ёш томчилари ёстиққа томди. Шу лаҳза бирдан кўз ўнгида отаси, сўнгра муштипар она-

си гавдаланди. Кейин кўз очиб кўрган эри - Каримжоннинг сиймосини кўргандек бўлди. “Вой, Худойим-е”. Малоҳатнинг юрагини ваҳима босди. “Нимага кўзимга марҳумлар кўриняпти?”.

У бир-икки бор чуқур нафас оларкан, белида қаттиқ оғриқ сезди. “Ичимда бир нима узилиб кетганга ўхшайди”. Тишини тишига босиб, кўзларини юмган Малоҳат “аяжон” деган товушдан ҳушёр тортди. “Шаҳодат... Хайрият, келибди”. У ёшли кўзлари билан қизига термилди.

- Аяжон, - Шаҳодат Малоҳатнинг қўлларини ушларкан, унсиз йиғларди. - Бу фалокат сизга қаерда қараб турган экан?..

Малоҳат қизига бир муддат термилиб тургач:

- Мени кечир, қизим, - деди хаста товушда.

- Нимага унақа дейсиз, - Шаҳодат кафти билан кўз ёшларини артди. - Ҳали яхши бўлиб кетасиз.

- Мен Худонинг олдидаям, сени қаршингдаям катта гуноҳкорман. Парвардигор мени кечирадими, йўқми, ёлғиз ўзига аён. Лекин сен мени кечир, жоним қизим.

- Аяжон, мени қўрқитманг, - Шаҳодатнинг юраги зирқираб кетди. - Ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз. Шу пайт хонада пайдо бўлган врач уларнинг олдига келди.

- Бўлди, опани уринтириб қўйманг, - деди у Шаҳодатга ўгирилиб. - Ўзингиз биласиз, аслида беморнинг олдига киритиш мумкин эмас.

Шаҳодат касалхона ҳовлисига чиқгач, кўп ўтмай Ғуломқодир етиб келди.

- Тузукмилар? - у Шаҳодатнинг йиғидан қизарган кўзларига хавотирлик билан тикилди.

- Ётибдилар, ҳали шифокор билан гаплашганим йўқ.

- Мен ҳозир, - Ғуломқодир шошилганча ичкарига кириб кетди. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, қайтиб чиқиб Шаҳодатнинг олдига келди.

- Гаплашдингизми? Дўхтир нима деди?

- Оғир деяпти. Сон суяклари синибди. Буйраклари, жигарлари ҳам эзилганмиш. Эрталаб соат ўнларда олиб келишган экан. Операция қилишибди.

- Тузалиб кетармикинлар? - хотини Ғуломқодирга қўрқув билан тикилди.

- Врачлар "биз қўлимиздан келган ҳамма ёрдамни қилдик. Бу ёғи Худодан", дейишяпти.

Орадан бирор соат ўтгач, ҳовлида таниш врач кўринди. У атрофга аланглаб, кимнидир излаётганлигини кўрган эр-хотин шошиб унинг олдига боришди.

- Шу ердамидинглар, - деди у уларга кўзи тушиши билан ташвишли оҳангда. Сўнгра Ғуломқодирга гуноҳкорона қаради. - Худо сизларга сабр берсин. Опа ўн дақиқа олдин узилдилар.

Ғуломқодир карахт бўлиб қолди. Шаҳодат бир лаҳза тош қотгач, қўллари билан юзларини беркитиб, ҳўнграб юборди.

17

Бу йил куз яхши келди. Ноябрь ойи бўлишига қарамай, ҳаво илиқ. Ҳовлидаги икки туп хурмонинг барглари ҳали тўкилмаган. Эсаётган енгил шабада ҳам этни жунжиктирмайди.

Эрталабки нонуштадан кейин келини ва ўғли ишга, набиралар эса мактабга жўнади. Ғуломқодир Турдиевич яна ёлғиз қолди. У уйда бир оз ўтиргач, секин юриб, ҳовлига чиқди. Осмон тиниқ. Қаердандир қарғанинг қағиллаган овози эшитилди. Катта йўлдан тўхтовсиз ўтаётган машиналарнинг товуши қулоққа чалинади.

Ғуломқодир Турдиевич ҳовли ўртасида нима қилишни билмай, бир оз каловланиб турди. Кейин меҳмонхонага кириб, оромкурсига ястаниб ўтираркан, кечаги ўтиришдаги таъби хиралик -

Турсуналининг бефаросатлиги ёдига тушиб, кайфияти бузилди. У нафақага чиқгач, бир-икки ой гаранг бўлиб юрди. Кейин чойхонага чиқишни одат қилди. Маҳалла бошидаги анҳор бўйига қурилган бу маскан ҳамиша чойхўрлар билан гавжум. Ошхўрлар учун алоҳида хоналар бор. Чойхонанинг яна бир қулай томони шундаки, ош қилмоқчи бўлганлар овора бўлиб бозорга боришларига ҳожат йўқ. Ҳамма нарса шу ернинг ўзида муҳайё.

Ғуломқодир Турдиевич икки йилдан буён мана шу чойхонада гап ейди. Икки ҳафтада бир бўладиган бу ўтиришдаги жўраларининг кўпчилиги Ғуломқодир билан тенгдош. Улардан беш нафарини у узоқ йиллардан буён яхши танийди. Вилоят, шаҳар партия комитетларида масъул лавозимларда ишлаган кишилар. Қисқаси, Турсуналини ҳисобга олмаганда, улфатларнинг ҳаммаси мулоҳазали, маданиятли одамлар.

Турсунали ҳақида Ғуломқодир Турдиевич бундан ўн-ўн беш йил олдин, обкомда ишлаб юрган пайтларида эшитган эди. Ўша даврларда мактаб директори бўлган бу одам иғвогарлиги билан оғизга тушганди.

Айтишларича, Турсунали ҳайит кунлари саҳарда масжидга, қабристонларга бориб, намозга кирган раҳбар ходимлар устидан юқорига думалоқ хат жўнатаркан. Ўша пайтларда обком ходимларидан кимдир Турсунали Қулматович отаси ўлганда "дадам партия аъзоси бўлмасалар ҳам чин дилдан коммунист эдилар", деб жаноза ўқитмабди, деган эди. Мана шундай одам бир думалаб диндорга айланди-қолди. Соқол қўйиб, тўртта одам тўпланган жойда амри маъруф қиладиган бўлди. Аслида, дин илмидан мутлақо хабарсиз бўлган бу одам ўзини алломаи замон қилиб кўрсатишга тиришарди.

Ойда икки марта бўладиган ошхўрликда ҳам

ўтирганларга ақл бўлгиси келар, жума намозида имомдан эшитган гапларини дастурхон қилиб, ҳамманинг энсасини қотирарди. Яқинда Ҳажга бориб келгандан кейин эса унга яна Худо берди. Ҳаждан кейин ҳалимлик, хоксорликни одат қилиш ўрнига худди жаннатнинг калитини чўнтагига солиб келгандек, кибру ҳаво пайдо қилди.

Ғуломқодир худди Турсуналига ўхшаган ҳожини бир куни деҳқон бозорида ҳам учратганди. Мустақилликнинг учинчи йили эди ўшанда. Май ойининг охирлари, мева-сабзавотларнинг янгиси эндигина бозорга чиқаётган пайтлар. Сабзавот растасидан помидор, бодринг олган Ғуломқодир картошка олиш учун навбатда турган беш-олтита харидорнинг қаторида турган эди. Шу пайт узун оқ кўйлак устидан енгил камзул кийиб олган, эллик-эллик беш ёшлар чамасидаги киши уларнинг олдига виқор билан яқинлашди. Кейин навбатда турганларни четлаб ўтди-да, картошка сотаётган кексароқ деҳқоннинг тепасига келгач, калондимоғлик билан сўради:

- Картошкангизнинг килоси неча пул?

Сотувчи нархини айтди.

- Йўқ, бу қиммат, - бенавбат орага суқилган одам харидорларга беписанд қараб қўйди-да, яна деҳқонга юзланди. - Отахон, бизга арзонроқ бераверинг. Азиз жойларни – Байтуллоҳни кўриб келдик, савоб бўлади.

- Хўп бўлади, ҳожи ака, - шўрлик деҳқон довдираб қолди. Шоша-пиша картошкалардан йирик-йиригини челакка солиб, тарозига қўйди. - Мана, ҳожи ака, кўнгилдан чиқариб бераверсинлар.

"Ҳожи ака" кўздан узоқлашгач, харидорлардан баъзилари кулди, кимдир ҳожининг ортидан нафрат билан қараб қўйди. Ғуломқодирнинг ҳам таъби хира бўлди. "Қанақанги одам бу ўзи? Каъбани зиёрат қилиб келган бўлса, нима, осмон узилиб

ерга тушибдими? Худо билади, қанақанги йўл билан пул топиб, бориб келганикин? Ҳожилик мартабасига эришган одам мулойим, камсуқум, камтар бўлиши керакмасми? Балки, пешона териси, қадоқ қўли билан картошка етиштирган мана шу деҳқон ўша такаббур ҳожидан кўра Худога минг марта яқиндир. Қилаётган ибодатига, зиёратига бино қўяётган бу гумроҳ бандалар одамларнинг нафратига дучор бўлишаётганликларини наҳотки тушунишмаса?!"

Яқинда маҳалла қўмитаси йиғилишида ҳам шунга ўхшаш бир воқеа содир бўлди. Маҳалла фаоллари иштирокида бўлиб ўтаётган кенгаш охирлаб қолган эди. Кутилмаганда фаоллардан бири Эътиборхон ўрнидан туриб, мажлисни олиб бораётган маҳалла оқсоқолига чимирилиб деди:

- Умаржон, ука, мени кечирасиз. Намозим қазо бўлмасин, менга рухсат. У шундай дея оқсоқолнинг жавобини ҳам кутмасдан тарақ-туруқ этиб хонадан чиқиб кетди. Ўтирганлар мийиғида кулиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Боиси, йиғилганларнинг кўпчилиги Эътиборхоннинг кимлигини, ўтмишини яхши билишарди.

Шўролар даврида партия фаолларидан бўлган бу аёл узоқ йиллар шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори бўлиб ишлаганди. Эри билан ўша йиллари ажрашган, сабаби мактабда оддий ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Козимжон хотинини таксопарк директори Комилжон билан дон олишиб юрганлигини эшитиб, жавобини берганди. Мана, энди ўша собиқ директор "намозхон", "покдомон"лиги билан ҳаммага ақл бўлади. Қўйиб берса, шарму ҳаёдан, садоқатдан соатлаб ваъз ўқийди. Дарҳақиқат, халқ жуда топиб айтган. "Ўғри қариса сўфи, ғар қариса отин бўлади".

Балки, бундай кимсаларни маломат қилиш, одамгарчиликка ҳам, шариатга ҳам тўғри келмас.

Ўтмишдаги гуноҳларига астойдил тавба қилиб, ҳақ йўлига кирган бўлса, нур устига нур. Лекин гумроҳлик кўчасида адашиб, кейин тўғри йўлни топган бандaнинг боши эгик бўлади. Манманлик қилмайди, кибрга берилмайди. Бошқаларни билмади-ю, лекин Ғуломқодир Турсуналига ўхшаган эркакларнинг, Эътиборхон каби аёлларнинг эътиқодлари мустаҳкамлигига қирқ йилдаям ишонмайди. Худо кўрсатмасин-у, фалакнинг гардиши билан, бундан йигирма йил олдинги давр қайтиб келса, мана шу тоифадаги кимсалар бир айланиб, яна эски ҳолларига қайтадилар. Балки яшириб қўйган "партбилет"ларини жойидан олиб, "Мана, асраб қўйганмиз, нима қилайлик, замон шунақа бўлиб қолди, мажбур эдик", деб яна сувдан қуруқ чиқадилар.

Албатта, бутун қалби имон нури билан тўлган саодатманд инсонлар ҳам кўп. У Ҳабибуллони худди шундай покиза, чинакам имон-эътиқодли зотлардан деб билади. Ғуломқодир Ҳабибуллони биринчи марта бундан бир йилча олдин чойхонада учратган эди. Ўшанда, тахминан, ўзи билан тенгдош, очиқ чеҳрали, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу одам унинг эътиборини тортди. Ҳабибулло ҳамиша суҳбатдошларининг сўзларини одоб билан тинглаб, ўзи эса кам гапирар, бирор масала юзасидан унинг фикрини сўрашсагина мулойимлик билан ўз мулоҳазасини баён қиларди. Лекин унинг жавоблари доимо мантиқли, асосли бўларди. У саволга, кўпинча, ҳазрат Навоий байтларидан мисол келтириш билан жавоб қайтарар, гоҳида форсий байтларни ёддан айтиб, маъносини шарҳлаб, тушунтириб берарди.

Ғуломқодир асли тарихчи бўлгани билан ёшлигидан адабиётга, шеъриятга ихлоси баланд эди. Шу боис бир куни одатдаги чойхўрликдан кейин Ҳабибуллони қўярда-қўймай уйига таклиф қилди. Улар бир пиёла чой устида бир оз

суҳбатлашишгач, Ғуломқодир унинг оиласи, касби-кори билан қизиқди.

- Ўқитувчиман, яқин қирқ йил мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс берганман, - деди Ҳабибулло майин табассум билан. - Бир ўғил, икки қизимиз бор. Ҳаммаси уйли-жойли, ўзига тинч. Болаларнинг онаси билан мактабда бирга ишлаганмиз. Ҳозир иккаламиз ҳам нафақадамиз. Фарзандларни, набираларни дуо қилиб ўтирибмиз.

- Энди яна битта савол, лекин айбга буюрмайсиз, - суҳбатнинг қовушаётганини кўрган Ғуломқодир асосий муддаога ўтди. - Ўзим ҳам ёшлигимдан китобга ўч эдим. Мактабда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжондан ёд олган шеърларим ҳозир ҳам ёдимда. Лекин Навоий ғазалларига кўпам тишим ўтавермайди. Луғат ёрдамида ҳам мутолаа қилиб кўрдим. Барибир кўнглим тўлмади. Мана, сиз чойхонадаги суҳбатларда Навоий, Бобур, Жалолиддин Румийдан байтлар ўқиб, шарҳлаб, тушунтириб берганингизда ҳар сафар тан бераман, маза қиламан. Тўғри, сиз адабиётчисиз. Лекин тил ва адабиёт ўқитувчиларининг кўпини кўрганман. Гапнинг рости, уларнинг ичида мумтоз шеъриятни чуқур тушунадиганлари жуда кам. Сиз қандай қилиб бу даражага етгансиз?

Ҳабибулло бир муддат сукут сақлаб турди-да, майин табассум билан шундай деди:

- Мен бу борада, асосан отамдан таълим олганман, - у Ғуломқодирга бир қараб қўйгач, кулиб қўйди-да, сўзида давом этди. - Ҳайрон бўлаётгандирсиз. Лекин рости – шу. Мана, ўзингиз ҳам яхши биласиз, шўролар даврида биз Навоийдан ҳам даҳриёна фикрларни ахтардик, тополмасдан зўрма-зўракилик билан тиқиштирдик. Худди кечагидек ёдимда, олтмишинчи йиллар эди. Тўққизинчи синфда ўқирдим. Бир куни тақвимни варақлай туриб "Мутафаккирлар рўза

ҳақида" сарлавҳаси остида Алишер Навоийдан келтирилган бир сатрга кўзим тушиб қолди. Унда "Рўза бўлди-ю менга, ичмак, емак кам бўлмади" дейилган эди. Шу пайт хонага отам кириб қолдилар.

- Дада, - дедим худди муҳим бир кашфиёт очгандек. - Навоий бобомиз ҳам рўза тутмаган эканларда-а?

- Бу нима деганинг? - Отам менга ҳайрон бўлиб қарадилар. - Қаердан топдинг бу гапни?

- Мана, ўқинг, - мен шундай дея қўлимдаги тақвимни узатдим. У киши Навоий сатрига кўз югуртирдилар-да, мийиғларида кулиб қўйгач, менга юзландилар.

- Сен нотўғри тушунибсан. Асосий маъно байтнинг иккинчи мисрасида. Мана эшит: "Рўза бўлди-ю менга, ичмак, емак кам бўлмади. Ичмагим жуз қон, емак жуз ғуссаю ғам бўлмади". Бу ерда жуз – бошқа дегани, "қондан бошқа", жуз ғуссаю ғам эса "ғамдан бошқа", деган маънони билдиради. Қисқаси, шоир "моҳи рамазонда қоп ичиб ғам едим, яъни рўза кунлари бир йил мобайнида билиб-билмай қилган саҳв-хатоларимни ўйлаб, изтироб чекдим. Аллоҳга ибодат қилиб, тавба-тазарру этдим", демишлар.

Отам асли дурадгор уста эдилар. Ҳовлимиз этагида у кишининг хос ҳужралари бўларди. Ишдан бўш пайтларида бобомдан қолган эски китобларни мутолаа қиларди. Мен эслолмайман, лекин дадамнинг айтишларича, бобом Фахриддин шўролар ҳокимият тепасига келгунча мадрасада дарс берган эканлар. Отам бир куни менга, жойлари жаннатда бўлсин, "Бобонг дарё-и илм эдилар. Мен у кишидан беш-олти йил сабоқ олганман, холос. Отамдан ўрганганларим – дарёдан томчи", деган эдилар.

Мен ўқувчилигимдан адабиётни севардим. Ҳазрат Навоийнинг ўша бир байти сабаб бўлиб,

мумтоз адабиётимизни чуқур ўрганишга аҳд қилдим. Ҳар куни шомдан кейин дадамнинг ҳужраларига кириб, араб имлосидан сабоқ ола бошладим. Хат-саводим чиққандан кейин отам форс-тожик тилидан ҳам яхши хабардор эканликларини, китоб жавонларидан Навоий ғазалиётлари билан бирга, Ҳофиз, Бедил, Жомий, Румий асарлари ҳам борлигини кўрдим.

Хуллас, шеъриятга, адабиётга қизиққанлигим боис ўрта мактабни битириб, институтнинг филология факультетига ўқишга кирдим. Лекин тўғрисини айтганда, ўша мустабид тузум — шўролар даврида ҳам Навоий асарларининг асл моҳиятини англаб етадиган олимлар, адабиётшунослар бор эди. Лекин мумтоз адабиётимизнинг билимдонлари бўлган бу алломаларимиз ўтмишда яшаб, ижод этган барча фузало ва шуароларимиз, энг аввало, комил мусулмон бўлганликларини рўйирост айтолмас эдилар. Улар ёзиб қолдирган насрий ва назмий асарларнинг бирор мисраси ёки жумласи Қуръони карим, Ҳадиси шарифга зид бўлмаганлигини халққа етказишга қўрқардилар.

Ҳабибулло шундай дея соатга кўз югуртиргач, хижолатомуз жилмайди.

- Узр, аср вақти бўлиб қолибди, энди менга рухсат.

- Шу ерда ўқийверинг, бемалол, – Ғуломқодир шошиб ўрнидан турди-да, жойнамоз олиб, Ҳабибуллога узатди. У қўшни хонага ўтиб диванга ўтираркан, ўзини ноқулай сезди. Вужудини уят ва хижолат ҳисси чулғагандек бўлди.

"Қизиқ бўлди-ю! Ҳабибулло юзимга айтмасаям, ичида мен тўғримда ҳалиям намозга ўтмабди-да, деб ўйлайди. Бу одам ҳақиқатан ҳам билимдон, лекин камтар, камсуқум экан".

Тўғри, Ғуломқодир ўтган йили намозга бир ўтган эди. Жума кунлари масжидга ҳам қатнаб

юрди. Лекин кўп ўтмай ўзини ўзи алдаб юрганлигини сезди. Ўйлаб кўрса, қалбида мустаҳкам имон-эътиқод йўқ. Шундай бўлгач, эл кўзига, хўжакўрсинга қилинган ибодат мунофиқликнинг ўзи-ку. Яқинда ўғли Жамшид "Дада, бувимга ҳаж насиб қилмади. Янаги йилга аям ҳам пенсияга чиқадилар. Иккалаларингни ҳажга юбораман", деган эди. Хўп, у ерга борди ҳам дейлик. Ундан кейин-чи? Қалби шубҳа-гумондан фориғ бўлиб, безовта руҳи таскин топармикин? Байтуллоҳга борадиган одам аввал кўнгил ойнасини тозаламоғи шарт. Акс ҳолда, Турсуналига ўхшаб ҳожиликни мартаба, мансабга айлантириб олади. Оқибатда одамларнинг нафратига учрайди.

Бундан йигирма йилча олдин, обкомда ишлаб юрган кезлари нимага ишонган эди? Коммунизмгами? Йўқ, ўша пайтларда унда коммунистик эътиқод ҳам йўқ эди. Мана энди, умрининг интиҳоси яқинлашганда на у ёқлик, на бу ёқлик — аросатда. Лекин унга ўхшаган одамлар жамиятда оз дейсизми?

- Ассалому алайкум.

Хона эшиги очилиб, Ҳабибуллонинг пайдо бўлиши Ғуломқодирнинг хаёлини бўлди.

- Ва алайкум ассалом. Қани, юраверинг ичкарига. - Раҳмат, анча ўтириб қолдик, - Ҳабибулло қўлини кўксига қўйди. - Борай энди.

Ғуломқодир ўша куни Ҳабибуллони кузатиб қўйгач, уни давраларига қўшиб олишни ўйлаб қўйишди. Кеча гап навбати ўзига келганда Ҳабибуллонинг уйига қўнғироқ қилиб, астойдил меҳмонга таклиф қилди. Аввалига ўтириш кўнгилдагидек ўтаётган эди. Лекин паловдан кейин бир пиёладан чой ичишаётганда янги меҳмоннинг олдида ўзини кўрсатгиси келдими, Турсуналининг яна "доно"лиги тутди. У Макка, Мадина, Каъба ҳақида ўн марталаб айтган гапларини яна дастурхон қила бошлади.

- Албатта, улар мукдддас жойлар. Байтуллоҳ — улуғ зиёратгоҳ, - деди Ҳабибулло Турсунали гапдан тўхтагач. - Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавий"сидаги ҳикоятда Ҳаж сафарини ихтиёр қилган бир кишига пири комил шундай дейди: "Каъба Иброҳим алайҳиссаломнинг биносидир. Кўнгил эса Жалил ва Акбар бўлган Аллоҳнинг назаргоҳидир. Агар сенинг қалб кўзинг очиқ бўлса, кўнгил Каъбасини тавоф қил. Сен тупроқдан деб ўйлаган Каъбанинг асл маъноси - кўнгилдир".

- Ҳа, энди пайғамбаримиз "Киши ҳаж қилса, онасидан туғилгандек ҳамма гуноҳлардан пок бўлур", деганлар, тўғрими? - деди Турсунали яна билағонлик қилиб. - Ҳақ гап. Лекин ўша ҳадиси шарифда "Баданни фисққа ва тилни беҳуда сўзга олуда қилмаса" деган жойи ҳам бор. "Маснавий"даги ҳикоятда пири комил яна айтадиларки, "Агар Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилга озор етказсанг, кейин Каъбага пиёда борсанг ҳам, ундан олган савобинг ранж бўлган кўнгил гуноҳини ювa олмас". Ҳабибулло бир муддат сукут сақлаб турди-да, сўзида яна давом этди.

- Ислом оламининг алломаси, шоир ва мутафаккир Абду Абдуллоҳ Ансорийнинг шундай сатрлари бор:

Ҳақ йўлинда икки Каъба бўлмиш восил,
Бири Каъбаи сурат эса, бири Каъбаи дил.
Сен танла ва кўнгилларни зиёрат айла,
Минг Каъбадан ортиқроқ эрур бир дил.

- Зеро, ҳақ йўлида икки Каъба мавжуд. Бири Каъбаи сурат, яъни Маккадаги Байтуллоҳ, иккинчиси дил, кўнгил Каъбаси. Сен, аввало, кўнгилларни зиёрат айла. Бир дил Каъбаси минг-та сурат Каъбасидан афзал.

- Офарин, ниҳоятда ибратли гап экан, - дейишди даврадагилар. Гапжўралардан баъзилари Турсуналига "ана тушундингми, энг муҳим гап қаёқда экан", дегандек маъноли қараб қўйишди. Буни сезган Турсунали Ҳабибуллони мулзам қилиш ниятида қошларини кериб деди:

- Меҳмон, ўзлари намозга ўтганмилар?

Ҳабибулло шундагина рўпарасида ўтирган бу одам жоҳил, калтабин, гумроҳ бир кимса эканлигини тушунди. Лекин бир сўз демади. Бир жилмайиб, пиёладаги чойини ичди-да, қўлини кўксига қўйганча, кетишга чоғланди.

- Энди менга рухсат. Меҳмондорчилик учун ташаккур. Сизлар бемалол. Ғуломқодир Ҳабибуллони кузатиб келгач, без бўлиб ўтирган Турсуналига қараб ўзини тутиб туролмади.

- Қанақанги одамсиз ўзи? Шунақаям бемаъни савол бўладими? - Бирор нотўғри гап айтдимми? - деди Турсунали ўзини оқлаб. - Шунчаки сўрадим, қўйдим. - Менга қаранг, - деди Ғуломқодир зардаси қайнаб. - Гап-сўзларидан сезмадингизми қанақа одамлигини? Қани энди, Ҳабибуллодаги илм, зътиқод ва инсонийлик бизда ҳам бўлса. Кечирасиз-у, сиз масжидга борган раҳбарларнинг устидан юқорига хат жўнатиб юрган даврларингизда ҳам бу одам пинҳона ибодатини қилиб юрган. Турсуналининг бирдан ранги оқарди. Лаблари титраб, бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин тили айланмай қолди.

- Бўлди, бас. Қўйинглар, энди, - улфатларнинг жўрабошиси Салоҳиддин ўртага тушди. - Мана, ҳозиргина ҳалиги меҳмон дилозорликнинг катта гуноҳ эканлигини айтди. Вақт ҳам бўлиб қолди ўзи, турайлик. Қани, омин...

..Ғуломқодир оромкурсида ўтириб, шуларни хаёлидан ўтказаркан, Ҳабибуллони учратганда Турсуналининг бефаросатлиги учун ҳам ундан узр сўраб қўйишни дилига тугиб қўйди.

18

Раиса Илясовна хонадан чиқиб кетгач, Шаҳодатнинг боши қотди. “Ольгани нима қилсам бўлади?” Ўтган сафар, бундан бир ойча олдин ётиғи билан яхшилаб тушунтирганди. Ўшанда “мен шунчаки иш юзасидан кирган эдим. Бўпти, ўша домга иккинчи қадам босмайман”, деб ваъда берганди. Мана, Раиса Илясовна яна гап топиб келди. Кеча, дам олиш куни Ольганинг Жаҳонгир Қобилович яшайдиган квартирадан чиқиб кетаётганлигини кўрибди. Энг хунуги, ўша йўлакда турадиган юқори синф ўқувчилари Дилдора билан Нигоранинг ҳам унга кўзлари тушибди.

Шаҳодат рус тили ўқитувчиси Ольга Борисовна билан йигирма йилдан буён мактабда бирга ишлайди. Улар илгари ниҳоятда иноқ эдилар. Боиси Ольганинг онаси Луиза Малоҳат билан институт кутубхонасида узоқ йиллар бирга ишлашган. Улар яқин дугона бўлиб, борди-келди қилиб туришарди. Шаҳодат мактаб директори этиб тайинлангандан кейин орадан бир йил ўтгач, Ольгани илмий бўлим мудирлигига ўтказди. Хуллас, ўзидан беш ёш кичик, ёқимтойгина, хушчақчақ бу аёл билан опа-сингилдек эдилар. Лекин арзимаган бир нарса сабаб бўлиб, Ольга тўнини бутунлай тескари кийиб олди.

Саксонинчи йилнинг охирлари эди ўшанда. Бир куни тушдан кейин Шаҳодат кабинетда ёлғиз ўтирганди. Кутилмаганда эшик қия очилди.

- Мумкинми?

- Кир, киравер, - Шаҳодатнинг Ольгага кўзи тушиши билан чеҳраси ёришди. - Дарсинг тугадими? Ўтир.

Ольга Борисовна Шаҳодатга яқинроқ турган стулдан жой олгач, тараддудланиб қолди.

- Тинчликми? - унинг нимадир демоқчи бўлаётганлигини сезган Шаҳодат маъноли тикил-

ди.

- Сиздан битта илтимосим бор. Тўғриси, ёрдамингиз керак.

- Ёрдамим? - сўради Шаҳодат жилмайиб. - Қўлимдан келса, бажонидил, айтавер.

- Ўн иккинчи мактабнинг директори Нина Петровнани биласиз-а?

- Ҳа, яхши танийман.

- Ўша аёл яқинда пенсияга чиқаётганмиш.

- Тўғри, эшитдим.

- Хўжайинингиз Ғуломқодир Турдиевич облоно мудирига бир оғиз айтса, ўрнига...

- Тушундим, - Шаҳодат ўйланиб қолди. Тўғри, Ольга директорликни эплайди. Тажрибали, ташкилотчилиги ҳам бор. Лекин, у бунақанги масалада эридан бирор марта ҳам... Қандоқ бўларкин.

Шаҳодатнинг иккиланаётганлигини сезган Ольга астойдил ялинишга ўтди.

- Шаҳодат Каримжоновна, жон опа, сиздан илтимос. Хўжайинингизнинг бир оғиз гаплари. У киши кимсан, обкомда орготдел мудири. Шу иш амалга ошиб қолса, бир умр яхшилигингизни унутмайман.

- Хўп, хўп, - Шаҳодат кулди. - Айтиб кўраман, кўнглинг жойига тушдими?

- Раҳмат сизга, - Ольга ўрнидан тураркан, миннатдорчилик нигоҳи билан қараб кулди. Ўша куни кечки овқатдан кейин телевизор кўриб ўтиришганда, Шаҳодат эрига Ольга ҳақида секин гап очди.

- Менга қаранг, опой, - деди Ғуломқодир бирдан қовоғини уйиб. - Сиз бунақанги ишларга аралашманг. Ҳақиқатан ҳам тажрибали, муносиб кадр бўлса, "гороно"нинг ўзи ҳал қилаверади. Менинг аралашишим шарт эмас.

Эридан бундай қўпол жавобни кутмаган Шаҳодатнинг таъби хира бўлди. "Оббо, энди Ольгага нима дейман? Аслида, айтиб кўраман,

деб ваъда бермасам бўларкан. Умидвор қилиб қўйгандим. Бу кишининг гапларини айтсам, кўнгли оғрийди". Ольга ўшандан кейин Шаҳодатнинг оғзини уч кун пойлади. Тўртинчи куни уни ҳоли топиб, натижасини сўради.

- Биласанми, Ольга, - деди Шаҳодат хижолатомузлик билан. - Шу кунларда негадир хўжайиннинг кайфиятлари йўқроқ. Мавридини топиб айтолмадим. Балки "гороно" мудирининг ўзи сени мўлжаллаб юргандир. Агар сен ҳақингда сўрашса, мен юз фоиз...

- Майли, қўяверинг, - Ольга ингичка қошларини чимирди. - Озиб-ёзиб бир марта илтимос қилгандим, керакмас.

- Айтяпман-ку, агар... Лекин Ольга унинг гапини эшитишни ҳам хоҳламади, шартта бурилиб кетди. "Хафа бўлди". Шаҳодатнинг кўнглига ғашлик чўкди. "Қаттиқ ранжиди. Илтимос қилиб кўрдим, лекин гапнинг тўғриси, рўйихушлик бермади, қайтага мени ҳам қайириб ташлашди, деб ростини айтиб қўя қолганим яхшимиди.

Майли, беш-олти кун аразлаб, яна эсидан чиқариб юборар". Бироқ Ольга эсидан чиқариб юбормади. Аксинча, шу воқеадан кейин уларнинг ўрталаридаги опа-сингиллик ришталари бутунлай узилди.

У Шаҳодат билан иш юзасидан зарурат бўлгандагина сўзлашар, иложи борича у билан камроқ кўришишга ҳаракат қиларди. Бунинг устига кейинги пайтларда ўз вазифасини ҳам номигагина, қўл учида бажарадиган бўлиб қолди. Шаҳодат бир-икки марта яхши гап билан огоҳлантирди. Лекин Ольга ўзгармади. Шунда унинг ҳам ғаши келди. "Нима, мен арпасини хом ўрибманми? Андишанинг ҳам чегараси бор-да. Илмий бўлим мудирлигидан бўшатаман", деган қарорга ҳам келди. Лекин бир оз ўйлаб, бу фикридан қайтди. "Майли, бир йилдан кейин пенсияга чиқаман,

яна озгина сабр қилиб турай. Мендан кейин нима қилишса қилишар".

Шаҳодат шуларни ўйлаб сабр қилиб келаётганди. Бироқ Ольганинг яқиндан бери кўрсатаётган қилиғи ҳаммасидан ошиб тушди. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди. Тартибга чақириб, чорасини кўриб қўйиш керак.

Тўғри, Ольга Борисовнанинг оилавий ҳаётини текис деб бўлмасди. Ольга илгарилари автобазада механик бўлиб ишлайдиган эри Николайни мақтаб гапирарди. Лекин кейинчалик ораларига совуқчилик тушди. Сабаби, хўжайини ичкиликка берилиб кетди. Оқибатда, ишдан ҳам ҳайдалди. Бунинг устига қизлари ҳам эрдан ёлчимади. Каттаси Светанинг турмуши бузилиб, бирор йил уйда ўтиргач, Россияга – аммасиникига кетди. Кичиги Люба мана бир йилдирки, қўлида ёш боласи билан онасиникида.

Шаҳодат жисмоний тарбия ўқитувчиси Жаҳонгир Қобиловични ҳурмат қилиб келарди. Ҳазил-мутойибага ўч, хушчақчақ бу одам олтмишни қоралаётган бўлса-да, кўринишидан ёшга ўхшарди. Бундан уч йил аввал, эндигина фарзандларининг ҳаммасини уйли-жойли қилиб, уларнинг ҳузур-ҳаловатини кўраман деганда, турмуш ўртоғи саратон касаллигига чалиниб, вафот этганди. Домла хотинининг йили ўтгандан кейин ёшгина аёлга уйланиб, кўп қаватли уйда алоҳида яшай бошлади. Лекин яқинда, бундан уч-тўрт ой олдин ўқитувчилар Жаҳонгир Қобиловичнинг кейинги хотини бутунлай кетиб қолди, деган гапни топиб келишди. Бироқ Шаҳодат бу ҳақда домланинг ўзидан сўрашга истиҳола қилди-да, билмаганга олиб қўя қолди. Мана энди, ёши бир жойга бориб қолган, неваралик одам уялмай-нетмай Ольга билан дон олишиб юрибди. Одамнинг оласи ичида, деганлари шу экан-да.

Шаҳодат шуларни хаёлидан ўтказаркан, қабул-

хонада ўтирган қизни чақирди.

- Адиба, - деди у котиба унинг ҳузурига кириши билан. - Ольга Борисовнани топиб айт, менга бир учраб кетсин. Орадан бирор соат ўтгач, хона эшиги очилиб, Ольга пайдо бўлди.

Шаҳодат унга бир лаҳза тикилгач, ўзига яқинроқ турган стулга ишора қилди.

- Кел, ўтир. Шаҳодат аввалига гапни нимадан бошлашни билмай қолди. "Барибир бўйнига олмайди. Яна бирор баҳонани рўкач қилади" деб кўнглидан ўтказди.

- Менга қара, - деди Шаҳодат хаёлини тўплаб олгач, - ўтган сафар огоҳлантиргандим, лекин бўйнингга олмагандинг. Бу яна қанақанги қилиқ.

- Шаҳодат Каримжоновна, илтимос, менинг шахсий ҳаётимга аралашманг.

- Нима?! - Ольгадан бундай жавобни кутмаган Шаҳодат унга таажжуб билан тикилди. - Нима демоқчисан бу билан?!

- Айтяпман-ку, аралашманг, деб.

Шаҳодат бир муддат жим қолди. Кейин ўзини босиб олгач, насиҳатомуз деди:

- Менга қара, қадамингни ўйлаб бос. Аввало, нима бўлгандаям, оилалисан. Ундан кейин, бу ер завод ёки фабрика эмас. Бутун мактабга гап-сўз тарқалса, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг кўзига қандоқ қарайсан?

Ольга бир оз сукут сақлаб турди-да, кейин Шаҳодатга совуқ тикилди.

- Мен айтадиганимни айтдим. Бошқа гапингиз йўқми? Кетишга рухсатми? - У шундай деб ўрнидан турди. - Ўтир жойингга, - Шаҳодатнинг чинакамига жаҳли чиқди. - Шунча йил йиққан обрў-эътиборингни ўзинг бир пул қилмоқчимисан? Уятсиз, беномус!

- Нима дедингиз? - Ольганинг ранги оқариб, лаблари титради. Шу лаҳза бундан бир йилча олдин, Шаҳодат билан оралари бузилган пайтларда

онасининг айтган гаплари беихтиёр ёдига тушди. Ўшанда набирасининг туғилган куни баҳона Луиза коньяк ичган, бир оз кайфи бор эди.

- Менга қара, - деганди онаси Ольгага тасалли бериб. - Кўпам сиқилаверма. Тўғри, эрига бир оғиз айтиб, илтимос қилиб кўрса, осмон узилиб ерга тушмасди. Ким бўлиб кетибди ўзи? Мен сенга айтсам... Майли, кел қўй, бу гапларни.

- Нима демоқчисиз? - Ольга ҳушёр тортди. - Гапиринг. - Ўша сен илгари сиғиниб юрган Шаҳодат опанг... - Луиза бир лаҳза кўзларини сузиб, қизига тикилди-да, киноялиб жилмайди. - Ўша Шаҳодатнинг эри онасининг ўйнаши бўлган.

- Эсингиз жойидами? - Ольга онасига қўрқув ва ҳайрат билан тикилди. - Нима деб алжираяпсиз? Маст бўлиб қолдингизми?

- Тиш-ш... - Луиза бармоғини лабларига босди. - Бу гап шу ерда қолсин. Бировга чурқ этма.

Ольга бир муддат жим қолди. Кейин онасидан секин сўради:

- Сиз қаердан биласиз? Наҳотки рост бўлса?!

Луиза бир оз сукут сақлаб тургач, бундан узоқ йил аввал Малоҳат билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатни қизига гапириб берди. - Бечора Малоҳат хола, - Ольга бош чайқади. - Қандай тоқат қилишган экан-а? - Нимасини айтасан, - Луиза кўзига ёш олди. - Худо раҳмат қилсин, жуда яхши аёл эди. Лекин бутун умри изтиробда, азобда ўтди. ...Шаҳодатнинг гапидан кейин ойлар давомида юрагида гўпланиб юрган алами бирдан Ольганинг тилига кўчди.

- Гапингизни ўйлаб гапиринг. Ўзбекларда "Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ", деган мақол бор. - Нима демоқчисан бу билан? - Шаҳодатнинг ҳам ранги ўзгарди. - Очиқ гапиравер. Нима демоқчисан?

- Ҳеч нима, - Ольга тилини тишлади. - Бўпти, менинг вақтимни олманг. - Йўқ! - Шаҳодат ўрни-

дан туриб, унинг тепасига келди. - Бошладингми, охиригача айтасан, шарманда!

- Нима?! Шарманда? - Ольга ўрнидан туриб кетди. - Ким шарманда? Биласизми, - у ўзини ортиқ тутиб туролмади, - шарманда деб сизни айтса бўлади. Мен ҳали сизга ўхшаб онамнинг ўйнашига тегиб олганим йўқ! - А-а?

Ольга шартта эшикни очди-ю, бир зумда хонадан ғойиб бўлди. Шаҳодат бир муддат карахт бўлиб турди. Кейин секин жойига бориб ўтирди-да, бошини чангаллади. "Нима деди? Онамнинг ўйнашига! Ё мен нотўғри эшитдимми? Йўқ, худди шундай деди". Унинг кўз олди қоронғилашиб, бошида қаттиқ оғриқ сезди. "Ўзимни қўлга олишим керак. Қаердан олди бу гапни?".

У бошини чангаллаганича, қанча вақт ўтганини ҳам билмади. Кейин тўйлари арафасида бўлиб ўгган можаролар беихтиёр ёдига тушди.

Ўшанда онаси Ғуломқодир акани бирданига ёмон кўриб қолганди. Унга турмушга чиқишига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатган, ҳатто тўйдан кейин Фарғонада туришини ҳам истамаганди. Шаҳодат шуларни ўйларкан, ўша кунлари онасининг озиб, бир бурда бўлиб қолганлигини кўз ўнгига келтирди. "Наҳотки?! Йўқ, бўлиши мумкинмас. Ольга алам устида алжиради. Унда қаердан топди бу гапни?".

Қарама-қарши ўй-фикрлар гирдобида қолган Шаҳодатнинг қулоғи остида жонлантириш бўлимида ётган онасининг сўнгги сўзлари жаранглагандек бўлди. "Сенинг олдингда катта гуноҳкорман, мени кечир, жон қизим..."

Шаҳодат инграб юборди. "Наҳотки аям билан

эрим... Агар шу гап рост бўлса, унда Ғуломқодир ака... Бу ўта кетган аблаҳлик-ку?! Мен умр бўйи шундай одам билан яшадимми? Агар билганимда...” Унинг бошидаги оғриқ юрагига кўчди. Кейин ҳолсизланиб, бармоқлари увишаётганлигини сез-ди. “Тезроқ уйга етиб олишим керак. Ҳозир секин юриб, кўчага чиқаман-у, такси ушлайман. Э, Худойим-е, ишқилиб йўлда бир нима бўлиб қолмай”.

...Шаҳодат машинадан зўрға тушиб, кўча эшикни секин очди-да, ҳовлига беш-олти қадам қўйди. Лекин юришга ортиқ мадори қолмади. Чўк тушиб, нажот билан уй томонга қаради. Шу пайт ҳовлида пайдо бўлган Ғуломқодирга кўзи тушди-ю, боши гир айланиб, ёнбошига йиқилди.

- Шаҳодат! - Ғуломқодир невара келини Сабоҳат билан уни меҳмонхонага олиб кириб ётқизди. Сўнгра хотинига қўрқув билан тикилди. - Кўзингизни очинг, - у шундай дея келинига ўгирилди. - Бўлинг тез, дўхтир чақиринг.

Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, Шаҳодат кўзини очди. Шунда Ғуломқодир унга тикилиб турган хотинининг нигоҳидаги қаҳр, изтироб ифодасини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Шаҳодат лабларини қимирлатиб, нимадир дегандек бўлди. Лекин саросимага тушиб қолган Ғуломқодир ҳеч нимани англамади.

Шу пайт “Тез ёрдам” машинасида етиб келган врач унинг қон босимини ўлчаб кўрди-да, зудлик билан касалхонага олиб бориш кераклигини айтди. Лекин Шаҳодат жонлантириш бўлимида ҳам ўзига келмади. Саҳарга яқин жони узилди...

ХОТИМА

Умр дафтарини бир-бир варақлаб, хотиралар уммонига ғарқ бўлган Ғуломқодир отанинг кўз ўнгида яна Ҳалимахон гавдаланди. “Йўқ барибир тўғри келмайди. Анварнинг ёшгина қайнонаси билан бирга туриши яхши эмас. Айтаман, шу бугуноқ Сарварга айтаман. Неварасига хотини бориб қарасин. Ўртада шайтон бор”.

Шу пайт ҳовлидан кимнингдир кулгуси эшитилди. Кўп ўтмай, хона эшиги очилиб, Қўлида ўғилчаси Санжанрни кўтариб олган Анвар, унинг ортидан Ҳалимахон кириб келишди.

– Ассалому алайкум, бобогинам, – Анвар ўғилчасини диванга ўтқазиб, бувасини билан қучоқлашиб кўришаркан, одатдагидек ҳазил қилди. Қалайсиз, ўтирибсизми, қарилик гаштини суриб?

Ғуломқодир ота бир Анварга, бир самимий жилмайиб турган Халимахонга девонавор қаради. “Йўқ, миям айниб қолибди. Улар бунақанги номаъқулчилик қилишмайди. Нотўғри хаёлга борган ўзим аҳмоқман”.

Ота уларни ҳар сафаргидан бошқача, қандайдир ғалатироқ қарши олганлигидан ҳайрон бўлган куёв билан қайнона “тинчликми, отага бир гап бўлдими?”, дегандек бир-бирларига қараб қўйишди.

ОДАМКУШЛАР

(суд очерки)

Қабиҳ режа

Уйга одатдагидек хуфтонга яқин қайтган Иқбол машинани ҳовлисига олиб киргач, дарвозани беркитди. Хотини дастурхон ёзиб, олдига овқат куйди.

– Ҳозиргина Асқар ака келиб кетди, - деди Мавжудахон эрига чой қуйиб узатаркан.

- Чарчаб, ўлиб келганимда пешонамга шу гапни айтиб тақиллатишинг шартмиди, - деди эр зарда билан. - Иштаҳамни бўғдинг. Тур, машинада арақ бор, обке.

У арақни очиб пиёлага тўлдириб қуйди-да, бир сипқорди. Қовурмадан бир-икки қошиқ еган бўлди. Овқатланиб бўлгач, яримлаб қолган шишани дастурхон четига суриб қуйиб, чойдан ҳуплади. Бир оз енгил тортиб болишга ёнбошларкан, боши қотди. Асқар ака "мана, бугундан бошлаб машина ихтиёрингизда, келишиб олдик, ҳар ой эллик минг сўмдан берасиз. Икки йилдан кейин Жигулини номингизга ўтказиб бераман", деганди. Лекин 50 минг сўм айтмоққа осон экан. Дўппи айлангунча ой охир бўляпти. Бунинг устига, машинанинг чиқими ҳам эзиб қўйяпти. Жигулининг капитал таъмирлашга пули етмай қолганда, қайнотаси тўқсон мингга новвосини сотиб, пулини қўлига тутқазганди. Ишқилиб, сўраб қолмасин-да...

Иқбол арақдан пиёлага яна қуйиб ичгач, чўзилиб ёстиққа бош қўйди. Бир дақиқа кўзларини юмиб, ўйга толди. "Нима қилмоқ керак?" Шу лаҳза кўз ўнгида шайтон лаъин ҳозир бўлди-ю, унга қараб тиржайди. "Нима қилмоқ керак, дейсанми? Эҳ,

нодон банда, шуни ҳам билмайсанми?

Шаҳарда нима кўп, сенга ўхшаган киракаш йигитлар кўп. Шулардан биттасини асфалософилинга жўнатасан-у, машинасини эҳтиёт қисм тариқасида сотиб юборасан. Кўрибсанки, қарзлардан ҳам, ташвишдан ҳам қутуласан. Тамом вассалом!"

"Йўқ, бу тўғри келмайди", Иқбол бош чайқади. "Хўп, ўлдирдим ҳам дейлик. Лекин мурдани нима қиламан? Каналга ёки дарёга ташлагунимча, йўлда тасодифан мелиция тўхтатиб қолиши мумкин. Қолаверса, бегона машинани уйга миниб борсам, қўни-қўшнилар шубҳаланишади..."

"Бу гапинг тўғри, лекин ҳидини чиқармасликнинг антиқа бир йўли бор". Иблис шундай дея унга йўл-йўриқ кўрсата бошлади. "Яхшиси, киракаш йигитлардан бирини авраб, уйингга олиб келасан. Кеч кириши билан бир ёқлик қиласан-да, ҳовлингнинг бир четига кўмасан. Машина ўзингга қолади, майдалаб пуллайверасан. Йўқолган одамни ҳеч ким сенинг уйингдан ахтармайди".

"Мана бу бошқа гап". Иқбол бирдан ҳушёр тортди. "Қўни-қўшнилар машинаси билан уйимга кирган одамни киракаш ўртоқларидан бўлса керак, - деб ўйлашади. Бу маслаҳатинг чакки эмас. Лекин ишончли бир шерик бўлганда, иш осон кечарди". У бир оз ўйланиб тургач, чеҳраси ёришди. "Ие, Юнус-чи, яқинда кўришганда, нонвойчилик ҳам жонга тегди, мўмай пул топишнинг осонроқ йўлини излаш керак, деганди. Эртагаёқ олдига бораман".

Иқбол эрталаб барвақт ўрнидан туриб, Кичик Ганжиравон қишлоғига йўл олди.

- Пухта режа тузибсан, - деди пулсизликдан қийналиб юрган Юнусали унинг фикрини қувватлаб. - Қачон десанг, мен тайёр.

Орадан бир ҳафта ўтгач — 2000 йилнинг 20

июль куни Иқбол яна Юнусалини йўқлаб борди.

- Эрталаб уйга ўтгин, иш бор, - деди сирли оҳангда.

- Тинчликми?

– Ўтгин, деяпман-ку, уйда гаплашамиз...

Биринчи қурбон

Ёз чилласи. Иқбол шаҳарни бир икки айлангач, соат иккиларда Жигулисини "Чархий" универмаги рўпарасидаги тўхташ жойига қўйди. Сўнгра машиналарга кўз-қулоқ бўлиб турувчи йигитга: "Мен кечроқ келишим мумкин, қараб турарсиз", дея юз сўм бериб, шаҳарнинг марказий спорт ўйингоҳига олиб борадиган катта йўлдан пиёда кетди.

У қабиҳ режасини қандай амалга ошириш йўлларини ўйларкан, юрагини ваҳима босди. "Аҳд қилдимми, охирига етказаман, энди ортга қайтиш йўқ". Иқбол бурилишдаги ошхонага кириб, дадиллик учун юз грамм отиб олгач, қўрқув, иккиланиш чекинди. Шундан кейин катта йўл четидан яёв юриб, ғиштқўприкка яқинлашгач, олд ойнасига такси белгиси қўйиб олган қизил Жигули кўзига ўтдек кўриниб, қўл кўтарди.

– Янги бозорга ташлаб қўйинг, - деди Иқбол машинага ўтиргач, хотиржам оҳангда. Сўнгра йўл-йўлакай ҳайдовчини гапга солди.

- Қаерликсиз?

- Учқўприкдан, Яккамулла қишлоғидан.

– Исмингиз...

– Акмалжон.

- Бозорда таксист оғайниларим бор. Бирортаси билан ғиз этиб Бувайда туманига ўтиб келишим керак, - деди Иқбол ёлғондан.

- Ака, ўзим ҳам олиб бориб келавераман. - Унинг қабиҳ ниятидан бехабар содда

қишлоқлик йигит мижознинг мушкулини осон қилмоқчи бўлди.

- Бўлмаса, гап бундай, ука. Бувайдага етмай, шундоқ Палахон қишлоғига борамизу қайтамиз. Кейин мени уйга –Сой-Шилдирга ташлаб қўясиз. Қанча бўлади?

- Уч минг берасиз.

- Йўқ, иккиярим минг. Иқбол унда шубҳа уйғотмаслик учун савдолашган бўлди. - Уйда бирор соатлик ишим бор, битириб яна сиз билан қайтаман. Мени кутиб турганингиз учун алоҳида тўлайман. У Акмалжонни тузоғига илинтиргач, Палахон қишлоғи марказидаги дўконлардан бирига шунчаки кириб чиқди-да, ҳайдовчи билан Сой-Шилдирга йўл олди.

- Сиз ишингизни битириб чиқаверинг, мен машинада кутиб ўтираман, - деди ҳайдовчи дарвоза рўпарасидаги йўлак бошида тўхтаб.

- Йўғ-е, шундай иссиқда-я! Ҳозир дарвозани очаман. Машинани ичкарига олиб кираверинг. Сиз ҳам бирор соат дам олволасиз.

Акмалжон бир оз ўйланиб тургач, рози бўлди.

- Майли, бўлмаса машинани ўзингиз олиб киринг, ҳавосини олгансиз. Йўлак торроқ экан, яна туртиб олмай. Улар Жигулини ҳовлига олиб кириб, дарвозани беркитишгач, Иқбол йўлдан олган гўштни кўтариб ошхонага – хотинининг олдига кирди.

- Ташқарига жой қил. Ундан кейин бирор нима пишир, бўл тез.

— Ким у? - Мавжудахон ҳовлига олазарак қараб қўйгач, бетоқат эрига хавотирлик билан тикилди.

- Бегона. Кимлиги билан ишинг бўлмасин. Шу йигитни бир ёқлик қиламан. Қарздорлик ҳиқилдоғимга келди.

- Жинни бўп қопсиз, - дея хотинининг ранги оқарди. - Кўп валдирама, ғинг десанг, сени

ҳам ўлдириб, бирга кўмаман, тушундингми? Бўл тез, ташқарига жой қилиб, дарров овқатга унна.

- Ўзим ҳам киракашман, - деди Иқбол чойдан меҳмонга бир пиёла қуйиб узатаркан, хотиржам оҳангда гапиришга тиришиб. - Ҳозир машинам устахонада, - у шундай дея ичкари уйга кириб арақ олиб чиқди. - Ҳозир овқат ҳам бўлади. Унгача юзта-юзта отайлик.

- Раҳмат, ўзингиз бемалол, мен рулдаман, - Акмалжон узр айтди, Иқбол пиёлага тўлдириб қуйиб, бир кўтарди. Улар маставани ичиб бўлишгач, Акмалжон анча ўтириб қолганлигини айтиб кетишга рухсат сўради.

- Хўп, ҳозир бир минут, айтдиму бирга кетамиз деб, - Иқбол шундай дея ўрнидан туриб ичкари уйга, хотинининг олдига кирди.

- Менга қара, тайёр тур, чақиришим билан ғизиллаб чиқасан, тушундингми?

- Вой шўрим, - Мавжуда кўзларини катта-катта очиб қўллари билан оғзини бекитди. - Нима қилмоқчи бўлаётганингизни тушуняпсизми ўзи?

- Бўлди довдирама, гап тамом!

Иқбол шундай дея олдиндан тайёрлаб қўйган трос-сиртмоқни олиб чўнтагига солди. Сўнгра темир қувурни олди-да, "меҳмон"нинг орқа томонидан келиб унинг бошига зарб билан туширди. Акмалжон "уҳ" дея бошини чангаллаши билан тросни унинг бўйнидан ўтказиб, бор кучи билан бўға бошлади.

- Мавжуда! - деди у жон талвасасида типирчилаётган йигитни уй ичига судраб бораркан.

"Йўқ, боролмайман". Деразадан бу мудҳиш манзарани кузатиб турган хотиннинг юраги орқасига тортиб кетди.

- Бу ёққа кел деяпман, мегажин, - Акмални бўғиб турган Иқбол хотинига ўшқирди. - Анави қувурни олиб, сол бошига! Эрининг важоҳатидан

ўтакаси ёрилган Мавжуда беихтиёр қувурни олиб, йигитнинг бошига бир-икки туширгач, яна қочиб уйга кириб кетди.

"Тинчиди". Акмал бир-икки дақиқадан сўнг қимир этмай қолгач, Иқбол унинг бўйнидан сиртмоқни бўшатиб хотинини чақирди. Иккаласи жасаднинг қўл-оёғини чилвир билан боғлагач, қотил унинг чўнтакларини кавлади. Ундан бор-йўғи олти юз сум пул чиқди. Шундан кейин эр-хотин ҳовли орқасига чуқур кавлаб, жонсиз танани кўмишди-да, устига беш-олти боғ ғўзапоя ташлаб куйишди.

Эртаси куни барвақт унинг уйига келган Юнусали ҳовлида турган қизил Жигулига кўзи тушиб, Иқболга маъноли тикилди.

- Айтганимни қилдим, - деди Иқбол унинг кўзига тик қараб.

- Эгаси-чи? - деди Юнусали, "қаерга кўмдинг?" дейишга тили бормай.

- Шу ерда, уйнинг орқасидаги чуқурда. Бўлди, бу гапларни қўй, ишга ўтайлик.

Улар ўша куни машинани бўлакларга ажратишди. Кузовни дасткалла билан қирқиб ихчамлаштиргач, бир четга тахлаб, устига ғўзапоя ташлаб қўйишди.

- Энди гап бундай, - деди Иқбол ишни тугатганларидан сўнг. - Эртага мардикор бозоридан уч-тўртта одам олиб келиб, бассейн қилмоқчиман, деб ҳовлининг бир четини кавлатаман. Кузовни ўша ерга кўмамиз. Қолганини "Мастона" бозорига олиб бориб пуллаймиз. Сен мен билан бирга борасан. Эҳтиёт қисмларнинг ҳаммасини ёйиб қўйиш хатарли. Бир қисми машинамда туради. Сўраган одамга секин олиб бераверамиз.

Жиноятчи — қотиллар бир ойга қолмай, машинанинг эҳтиёт қисмларини сотиб тугатишди. Иқболнинг чўнтаги қаппайди. Лекин гоҳи-гоҳида,

айниқса, кечқурунлари юрагини қўрқув, ваҳима босарди. Шунда аракдан пиёлага қуйиб ичарди-да, қотиллигини хаёлидан чиқариб ташлашга уринарди.

Чустга сафар

15 сентябрь куни Иқбол, одатдагидек, барвақт уйғонди. У шошилмай нонушта қилгач, Қуқонга бориб бир оз айланди. Сўнгра ўйлаган режасини амалга ошириш учун шаҳар шоҳбекатидан автобусга ўтириб тўғри Чустга келди. У шаҳарни бир оз кезгач, деҳқон бозори яқинига келиб, жигарранг Жигулини қўл кўтариб тўхтатди. Ҳайдовчи билан минг сўмга келишиб, Попга ташлаб қўйишни илтимос қилди.

- Тошкентга Чустдан мева-чева олиб бориб тураман, - деди ўзини Аюбхон деб таништирган қирқ ёшлар чамасидаги йигит. - Гоҳи-гоҳида сизга ўхшаганларнинг ҳожатини ҳам чиқариб турамиз. Тирикчиликнинг айби йўқ.

- Гапингиз тўғри, - Иқбол шундай дегач, секин унинг қўйнига қўл солди. - Аслида Қўқонга кетяпман. Агар вақтингиз бўлса...

- Майли, келишсак, ташлаб қўяверaман.

- Қанча бўлади? — Саккиз минг.

- Етти минг бераман. Гап битта. Уйда бир-икки соат туриб, яна қайтамиз. Келишдикми?

Ҳайдовчи рози бўлгач, тўғри уйга келишди. Кемага тушганнинг жони бир, деганларидек, тақдирга тан берган Мавжуда уйга дастурхон ёзиб, чой дамлади.

- Меҳмондорчилигингиз учун раҳмат. Энди қайтайлик, қоронғи тушиб қолди, - деди меҳмон овқатланиб бўлиб, бир оз дам олгач.

- Майли, мен ҳозир. Иқбол шундай дея ўрнидан турди-да, дахлизга ўтиб сиртмоқ-тросни чўнтагига солди. Қайтиб келиб, дастурхонга

фотиҳа қилгач, Аюбхон ташқарига чиқмоқчи бўлиб эшик дастасини ушлаган ҳам эдики, орқасидан бўйнига ташланган сиртмоқ қаттиқ исканжага олди. "Болғани ол", деди Иқбол йигитни ерга ағдараркан хотинига.

"Ўлдирманг-лар", - деди Аюбхон қўли билан бўйнидаги тросни юлқиб олишга тиришаркан хириллаб. Лекин шу лаҳза бошига кетма-кет урилган болға зарбидан ҳушидан кетди...

Орадан ўн дақиқа ўтгач, қўш қотиллар яна бир чуқур кавлаб, жасадни кўмишди. Эртаси куни Юнусали билан машинани қисмларга ажратгач, кузовни бассейн учун, деб мардикорларга кавлатган чуқурга кўмишди.

Тишини ҳам суғуриб олишди

Биринчи ноябрь, кундуз соат ўн иккилар чамаси. Тушликни уйида Юнусали билан бирга қилаётган Иқбол яна юз граммдан олганларидан сўнг, мақсадга ўтди.

- Эртага тайёр бўлиб тур, "ов"га бирга чиқамиз, - у шундай дегач, бир оз ўйланиб турди-да, қўшимча қилди: - Бугун чуқурни кавлаб, тайёр қилиб қўйганимиз маъқул. Шошилиб қолмаймиз. Юнусали тасдиқ ишорасини қилди. Уйнинг орқасидаги хилват жойни кавлаб, тайёрлаб қўйишди. Эртаси куни эса режага кўра, иккаласи Фарғона шаҳрига йўл олдилар. Бу сафар қотиллар деҳқон бозори олдида тузоқларига фарғоналик йигит — Неъматиллони илинтиришди.

- Уйда бир-икки соатлик ишимиз бор, - деди саккиз минг сўмга келишгач Иқбол одатдагидек. - Фарғонага яна бирга қайтамиз.

Улар уйга етиб келиб, машинани ичкарига олиб кирдилар. Хонага дастурхон ёзилгач, Иқбол бир

шиша арақ келтириб қўйди. Орадан бир соатлар ўтиб, таом ҳам тайёр бўлди. Овқатланиб бўлишгач, Иқбол идиш-товоқларни йиғиштириш баҳонасида ошхонага ўтди-да, сиртмоқни чўнтагига солди.

Сўнгра Юнусалига имо қилиб бурчакда турган болғани кўрсатди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Неъматилло биринчи бўлиб ташқарига чиқмоқчи бўлган ҳам эдики, Иқбол трос-сиртмоқни унинг бўйнига ташлаб ерга ағдарди. Шуни кутиб турган Юнусали чаққонлик билан болғани олиб, ҳайдовчининг бошига 3–4 марта солди.

Неъматилло бир-икки типирчилаб, жим бўлиб қолганидан кейин хотини ёрдамида мурданинг қўл-оёғини боғладилар.

- Шошмай тур, - деди Иқбол жасадни тайёр чуқур олдига судраб келганларидан сўнг. - Тилла тишларига кўзим тушувди, отвёртка обке, - у Неъматиллонинг тўрт дона тилла тишларини ҳам суғуриб олиб, ўликни кўмиб, устига беш-олти дона тахта ташлаб қўйишди.

Қотиллар ўша куниёқ машинани эҳтиёт қисмларга ажратдилар. Тишларни эса эртаси куни тилла бозоридаги нотаниш бир аёлга 32 минг сўмга пуллашди...

Ухлатиб қўйиб...

Орадан кўп ўтмади. 25 ноябрь куни Иқбол машинасига Юнусалини ўтқазиб, "Чархий" деҳқон бозори рўпарасидаги уловларнинг тўхташ жойига келди. Қотиллар Жигулини ўша ерда қолдириб, ўзлари Қўқон деҳқон бозори томон йўл олишди. Бу сафар уларга "ВАЗ–2106" Жигули ҳайдовчиси — 24 ёшли қўқонлик Мадаминжон Неъматов рўбара бўлди.

- Сой-Шилдирга бориб келамиз, - деди

Иқбол машинага ўтириб олгач.

- Икки минг бўлади, - машина эгаси гапни қисқа қилди.

- Бир ярим минг сўм берамиз, розимисиз? Лекин айтиб қўяй, уйда икки соатча тўхтаймиз, ишимиз бор.

- Кутиб турган вақтимга алоҳида тўласангиз розиман, - деди ҳайдовчи очиқчасига.

- Бўпти, келишдик, фақат Чорсуда бир-икки минут тўхтаймиз, нон-пон олволишим керак.

Улар қишлоққа олиб борадиган кенг асфальт йўлга чиқишгач, қотиллар ҳайдовчида шубҳа уйғотмаслик учун ҳазил-ҳузул, аския қилиб кетишди.

- Мана, етиб ҳам келдик, - деди Иқбол йўлак бошида машинани тўхтатгач, - ҳозир дарвозани очаман. Ҳайдовчи Жигулини ҳовлига олиб киргач, учовлон уйга кирдилар. Кўп ўтмай, ўртага дастурхон ёзилди.

- Акалар менга узр, - деди Мадаминжон овқатдан олдин унга узатилган арақни қайтариб.

- Менга қаранг, - деди Иқбол пиёлани яна унга узатиб.

- Кун кеч бўлиб қолди. Бугунги ишингиз тамом. Бир-икки соатдан кейин бизни шундоқ шаҳарга ташлайсизу тўғри уйга кетаверасиз. Бўйдоқ бўлсангиз керак-а?

- Йўқ, уйланганман, иккита болам бор.

- Ие, ота ўғил экансиз-ку, қани олинг, қайтарманг. Иқбол билан Юнусали ҳазил-ҳузул қилиб, қистаб унга ҳам ичиришди. Овқатланиб бўлганларидан кейин Иқбол ошхонага — хотининг олдига чиқди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас эр-хотиннинг ёнига Юнусали кирди.

- Ичишга ҳали яхши ўрганмаган экан, ухлаб қолди, - деди кўзларини ўйнатиб. - Вақт ғанимат, тинчитиб қўя қолайлик.

- Майли, бир оз дамини олаверсин. Уйғониб ташқарига чиқаётганда, трос билан бўғаман.

– Жиннимисан? Нима қиласан туришини кутиб. Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул. У шундай дея ташқаридан кетмонни олиб келди-да, орқаси билан ухлаб ётган Мадаминнинг чаккасига қулоғи аралаш зарб билан туширди. Иқбол эса ҳушидан кетган ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солиб бўға бошлади. Йигит оёқ-қўлларини бир-икки енгил силкитгач, жимиб қолди.

- Буниси осон бўлди-ку, - деди Иқбол жонсиз тананинг бўйнидан тросни оларкан. - Қани, оёқ-қўлини боғлаб, тезда гумдон қилайлик.

Бу йигит синфдошим-ку...

2001 йилнинг январь ойи. Қиш чилласи. Мавжуда ошхонадан чиқиб, ичкари уйга кирган ҳам эдики, дарвоза очилиб, ҳовлида оқ рангли Жигули пайдо бўлди. Шунда унинг кўзи ҳайдовчи йигитга тушди-ю юраги "шув" этди. "Вой ўлмасам, наҳотки!".

Иқбол Юнусали билан ҳайдовчини ташқарида қолдириб, хотинининг олдига кирди.

- Ҳа, мунча рангинг оқариб кетибди, - деди саросимага тушиб қолган Мавжудага қараб.

- Кимни олиб келганингизни биласизми?

- Ким у? - эр хотинига хавотирлик билан тикилди.

- Синфдошим Мирзараҳмон-ку, уч кўприклик, Қуқонбой қишлоғидан. Иқбол бир муддат иккиланиб тургач, беўхшов тиржайди.

- Нима бўлибди, катта холангнинг ўғли эмас-ку! Бу ерга келган одам тирик чиқмайди. Бор, дастурхон ёз, овқат тайёрла.

Ҳаром луқма еб.ҳалкуми булғанган, аёллик, инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотиб, шайтон-

нинг урғочисига айланган қотил хотин синф-дошига сир бой бермади.

Мирзараҳмон билан илиқ сўрашиб, дастурхон ёзди. Ўша куни собиқ синфдошининг қонга беланган жасади ҳам девор тагидаги кавланган чуқурга бекафан кўмилди.

Лекин мурда чуқурда узоқ турмади. Февраль ойларининг охирларида ҳовлидан уйга кирган Иқбол "ўликни юзароқ кўмибмиз, шекилли, ҳиди чиқяпти, бирор йўлини топиш керак", дея кечқурун кавлаб олиб ёқди. Сўнгра кул аралаш суякларни қопга солиб, Сирдарёга олиб бориб ташлади.

Машинангизни "тузатиб" бераман

Биринчи март. Борликда баҳор нафаси. Чустга зарур юмуш билан келиб, ишини тезда битирган Саидикром хуш кайфият билан машинасининг рулини қишлоғига — Поп туманига бурди. Шу пайт бир йигит қўл кўтарганини кўриб, тўхтади.

- Ака, илтимос, Попга ташлаб қўёлмайсизми, хизмат ҳақингизни бераман, - деди "йўловчи" унинг олдига келиб.

- Майли, ўтиринг, ўзим ҳам ўша ёққа кетяпман. Йўловчи беш-олти дақиқа сукут сақлаб кетгач, секин эски дийдиёсини бошлади.

— Гапнинг тўғриси, Попдан Қўқонга кетишим керак. Марказдан такси бўлар.

- Ҳа, машина сероб.Ўзингиз қаерликсиз? - Саидикром йўловчининг кимлиги, касб-кори билан қизиқди.

- Сой-Шилдирдан, Қўқонга кираверишда

шунақа қишлоқ бор. Ўзим машина тузатаман. Шанба, якшанба кунлари "эҳтиёт қисмлар" бозорига ҳам чиқиб тураман.

- Машинамни устага бир кўрсатишим керак ўзи. Ҳеч қўл тегмаяпти.

— Сезилиб турибди, моторнинг овози "нето", -"йўловчи" шундоқ деб, тузоқнинг ипини секин торта бошлади, - ака, менга қаранг, агар вақтингиз бўлса мени уйга ташлаб қўйсангиз, хизмат ҳақингизни оласиз. Икки соатгина ҳовлимизда дам олиб турсангиз, машинангизнинг клапан, салнигини алмаштириб, тортиб бераман. Жигулингиз гижинглаган отдек бўлади.

Табибнинг оёқ остидан чиққанлигини кўриб, хурсанд бўлган Саидикром рози бўла қолди.

"Уста" мижозини уйга олиб киргач, хотинига одатдагидек, дастурхон ёзиб, овқат қилишни буюрди,

- Чой-пойга овора бўлманглар, - деди ҳайдовчи астойдил. - Аввал машинани тузатайлик, вақтим зиқроқ.

- Хўп майли, бўлмаса мен кийимимни алмаштириб чиқай. Уй эгаси шундай дея коржомасини кийиб, машина капотини очди. Лекин орадан уч соатча вақт ўтиб, кун ботай деганда ҳам ишнинг ниҳояси кўринмади. Шу пайт "оббо", деди "уста" жиғибийрон бўлгандек.

- Тинчликми? - деди унинг тепасига келган Саидикром.

- Сухариги отилиб қаергадир учиб тушди. Қоронғида топилармикин?

"Уста"нинг найрангидан бехабар ҳайдовчи "ҳозир" деди-ю, машина тагини, атрофини энкайиб қидира бошлади.

- Фойдаси йўқ. Қоронғида топиш қийин, - "уста" афсуслангандек бошини сарак-сарак қилди. - Энди гап бундай, ака. Бугун бизникида қолаверасиз. Эртага бирорта устахонадан сухарик олиб, машинангизни қиличдек қилиб бераман.

Хонадон соҳиби шундай дегач, меҳмоннинг ташвишли чеҳрасига бир лаҳза тикилди-да, ҳазил оҳангида гапини давом эттирди.

- Келинойимдан шунақанги қўрқасизми? Эртага ўзим уйларингга бораман. Мана, баҳонада ака-ука бўлиб қолдик.

"Уста" ҳазил-мутойиба билан ҳайдовчининг кўнглини кутаргач, ҳовлида юрган хотинига юзланди.

- Мавжу, ичкари уйга дастурхон ёз, овқатинг ҳам тайёр бўлгандир. Мезбон ва меҳмон юз граммдан ичиб, овқатланишгач, анчагина чақчақлашиб ўтиришди.

- Соат ҳам ўн икки бўлай деб қолибди, - деди Саидикром хижолат бўлиб. - Менга бир дона ёстиқ олиб чиқиб берсаларинг бўлди, шу ерда ётавераман.

Хонадон соҳиби ҳам "меҳмонхонага киринг", деб кўп қистамади.

Лекин ўша машъум кунда Поп туманининг Хўжаобод қишлоғида истиқомат қилувчи Саидикромхўжа Шарофиддинхўжаев абадий "уйқу"га кетди.

Қолган дарё йўлидаги қотиллик

Ўн учинчи май. Мавжуда кечки овқатдан кейин дастурхонни йиғиштириб, чой дамлади-да, эрининг олдига қўйди.

- Шошма, бу ёққа ўтир, - деди Иқбол ошхонага чиқмоқчи бўлган хотинига буйруқ оҳангида.

- Нима дейсиз?

- Эртага Тошкентга бирга борамиз.

- Юнусали-чи?

- У билан муросамиз қочди. Яхшиликни билмайдиган ифлос одам экан. Бир куни у билан ҳам ҳисоб-китоб қиламан. Хуллас, тушундинг-а?

- Қизчамизни нима қиламиз?

- Бирга олволамиз. Қайтанга яхши бўлади. Биров шубҳаланмайди. Қирқма милтиқ, трос, чилвир ипни сумкага солиб, устига болангнинг уст-бошларини ташлаб қўй.

...Тошкент. Соат кечки еттилар чамаси. Қўйлиқ бозори яқинидаги "Машиналар тўхташ жойи"дан ўн-ўн беш метр берида ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган қизчасини кўтариб олган Мавжуда бетоқат атрофга олазарак боқади. Шу пайт эри унинг олдига 35-40 ёшлар чамасидаги бир йигитни бошлаб келди.

- Сизлар анави сариқ Жигулида ўтириб турингланар, мен иккита одам топиб чиқай, - деди киракаш йигит. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, бояги ҳайдовчи машинага келиб ўтирди ва Иқболга юзланди:

- Яна озгина кутайлик, битта-яримта келиб қолар, - деди.

- Агар ўзимиз кетаверсак, қанча бўлади?

- Саккиз минг берсаларинг, кетаверардик, - деди ҳайдовчи бир оз уйланиб тургач.

- Олти минг, - Иқбол бир оз тортишган бўл-

ди. - Балки йўлдан ҳам одам чиқиб қолар.

- Майли, жўнайверамиз. Уйга ҳам эртароқ боришим керак.

...Йўлда киракаш йигит ўзини "бешариқликман, Бахмал қишлоғидан, исмим Рустамжон, учта фарзандим бор", деб таништирди. Улар тунги соат тўққизларда "туннел"дан ўтишгач, ҳайдовчини кузатиб келаётган Иқбол сўз қотди.

- Чарчабсиз-а?

- Ҳа, энди йўл азоби... дейишади-ку!

- Ҳайдовчилик гувоҳномам чўнтагимда, хўп десангиз, рулни беринг, озгина дам олволасиз.

- Майли, - деди Рустамжон машинасини йўл четига олиб.

Улар Чагали постидан ўтгандан кейин Иқбол "бу томондан яқинроқ", дея рулни Қипчоқ ўрмон хўжалиги томонга бурди. Бир оз юриб, Қолгандарё жамоа хўжалигига олиб борадиган йўлга чиқишди. Шунда эр-хотин кўз уриштириб олишгач, Мавжуда қизчасини тўсиб олиш баҳонасида машинани тўхтатди. Қулай фурсат келишини пойлаб кетаётган Иқбол орқадан қирқма милтиқни олди-да, мудраб ўтирган ҳайдовчининг чаккасига тиради.

Саросимага тушиб қолган Рустамжон беихтиёр милтиқни ўзидан итарди, ўқ хато кетди. Лекин ўзини йўқотмаган қотил йигитнинг бошига милтиқ қундоғи билан 3–4 марта уриб, уни ҳолсизлантирди.

Сўнгра хотини иккови машина эгасининг қўл-оёғини боғлаб орқа ўриндиққа ётқизишди. Шундан сўнг Иқбол хотини билан қизчасини ёнига ўтқазиб, рулни уйга — Сой-Шилдир томонга бурди. Ярим йўлда қонга бўялган Рустам ўзига келди.

- Ўлдирманглар мени, қуйиб юборинглар, - деди илтижо билан.

- Овозингни чиқарма, "ғинг" десанг, асфалософилинга жўнатаман, - машинани бошқариб бораётган Иқбол унга таҳдид қилди. - Бўпти, уйга борайлик, юз минг сўм олиб келиб бераман, дея тилхат ёзасан, кейин қўйвораман.

- Хўп, ёзиб бераман, ҳеч кимга айтмайман.

"Мени харип деб ўйлаяпсанми, аҳмоғинг йўқ". Иқбол ичида кулиб қўяркан, хаёлидан ўтказди. "Қўйворсам, ўша заҳотиёқ мелисани бошлаб келсанг керак".

Тунги ўн иккиларга яқин уйга етиб келишгач, Мавжуда машинадан тушиб, дарвозани очди.

- Менга қара, - деди Иқбол машинани ичкарига олиб киргач, Рустамга ўгирилиб. - Хотин ҳозир чойнакда сув олиб келади, бетингни ювиб оласан. Билиб қўй, бақирмоқчи бўлсанг, оғзингга латта тиқиб қўяман.

У шундай деб машинадан тушиб, орқа эшикни очди. Йигит чойнакда сув олиб келаётган хотинга кўзи тушиб, бошини ташқарига чиқарди. Шунда қотил унинг бўйнига трос-сиртмоқни солиб, қаттиқ бўғди-да, Мавжудага ўгирилди: "Дарвозага тиралган ломни олиб кел, сол бошига!.."

Сўнгги "ов"

Октябрь ойининг охирлари. Кеч соат олтилар чамаси. Олтиариқ деҳқон бозоридан сабзи, пиёз харид қилган Жўрабой машинасига ўтириб, бешолти юз метр юрган ҳам эдики, йўл четида турган бир йигит қўл кўтарди.

- Ака, қайси томонга, - сўради Жигули олдига келган бегона йигит.

- Риштонга.

- Кетволайлик, хотиним ҳам бор.

- Ўтиринглар.

- Асли Қўқонга кетяпмиз, - деди Иқбол секин

гап бошлаб. - Олтиариққа меҳмонга келган эдик, кечга қолдик.

"Йўловчилар" бир оз сукут сақлаб кетгач, Иқбол ҳайдовчидан сўради:

— Баллонларингизнинг биттасида манжети бор шекилли-а, лапанглаяпти.

- Гапингиз тўғри, янаги ҳафта Қўқонга бориб, иккита янги баллон олишим керак.

- Бўлмаса гап бундай ака, машинам бузуқ, барибир минмаяпман. Келишолсак, баллонларини ечиб бераман. Агар ҳозир вақтингиз бўлса бизни уйга ташлаб қўйинг. Хизмат ҳақингизни берамиз, баҳонада баллонларни ҳам кўрасиз.

- Мен киракаш эмасман, Риштондаги "Ёшлик" жамоа хўжалигида ирригатор бўлиб ишлайман. Майли, ҳожат учун ташлаб қўяман.

Хуллас, ҳайдовчи билан "йўловчи" тўрт минг сўмга келишиб, йўлда давом этишди.

- Йўлагингиз торроқ экан, - деди Жўрабой ака дарвоза рўпарасида тўхтагач.

- Тўғри, бир-икки кирмаган одам қийналади. Ҳозир ўзим олиб кираман. Иқбол Жигулини ҳовлига олиб киргач, дарвозани беркитди.

- Баллонлар мана шу, - у Жўрабой акани машина олдига олиб борди. Ҳайдовчи энкайиб уларни кўздан кечиргач, маъқул келди.

- Бўлади, қанча сўрайсиз?

— Иккаласига 35 минг сўм берасизми?

- Гапнинг тўғриси, 30 мингга берсангиз, оламан.

- Бўпти, келишдик.

- Бўлмаса, сиз баллонларни чиқариб қўйинг, мен эртага пулини бериб олиб кетаман.

- Ака, мана, иш пишди, қани энди уйга киринг, бир пиёла чой ичиб кетасиз.

Иқбол Жўрабой аканинг "йўқ, вақт кеч бўлиб қолди, қайтай", дейишига қарамай, қистаб қўйма-

ди. У меҳмонни уйга ўтказиб, ташқарига чиғдида, трос-сиртмоқнинг чўнтагида турганлигига ишонч ҳосил қилгач, учига қўрғошин қуйилган темир қувурни олди. Ўша куни Жўрабой ака одамкуш муртадларнинг саккизинчи қурбони бўлди...

"Отажоним, излайин қаерлардан..."

Бир ҳафта бўлди. Жўрабой аканинг фарзандлари, ака-укалари, қариндош-уруғларида ҳало-ват йўқ. Айниқса, Умиджон бир бурда бўлиб қолди. "Дадажонимга нима бўлдийкин?" Кунда ички ишлар бўлимига боради. Бир хил жавоб: "Қидиряпмиз".

Уйқусиз тунларнинг бирида унинг хаёлига "ярқ" этиб бир фикр келди. "Ҳа, "Мастона" бозорига бораман. Эртагаёқ".

Умиджон 3 ноябрь куни бозорга борди. У машинанинг эски эҳтиёт қисмлари сотиладиган растани айланиб юриб, таниш буферга кўзи тушдию юраги орқасига тортиб кетди. "Бизнинг машинаники, худди ўзи". Юраги гурсиллаб ураётган йигит амакиваччаси Зуҳриддинни айтиб келиб, бу ҳақда бозорда юрган ички ишлар бўлими ходимларига мурожаат қилишди. Орган ходимлари улар ҳамроҳлигида эҳтиёт қисмлар билан савдо қилаётган йигит олдига бордилар.

- Мана бу эшик дастаси, вакуум шланкалар, тормоз суюқлиги қуйиш бачоги, ҳаммаси бизнинг машинаники, ўзим устаман, - деди Умиджон юраги орзиқиб.

Ички ишлар бўлими ходимлари ўша заҳотиёқ эҳтиёт қисмларфуруш йигитни ички ишлар бўлимига олиб келишди. Ўша куниёқ Иқбол Усмоновнинг уйида, ҳовлисида текширув ўтказилди. Шунда газхона ичидан Жўрабой Одилов маши-

насига тегишли бўлган тасбеҳ топилди. Текшириш давомида девор тагидаги чуқурдан Жўрабой аканинг мурдаси топилди. Умиджоннинг фарёди ҳовлини зир титратди.

- Одамхўрлар! Ўлдираман ҳаммангни! - у орган ходимлари қўлидан юлқиниб чиқмоқчи бўлди. - Шунчаям хор бўлдингизми, дадажоним!

Орадан кўп ўтмай, гуруҳнинг бошқа аъзолари — Юнусали Раҳмонов ва Мавжуда Усмоновалар ҳам қамоққа олинди.

Ҳукм ўқилди

2002 йил 9 июль куни Фарғона вилояти Данғара тумани суди биносида жиноий ишлар бўйича Фарғона вилоят судининг очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди.

Суд ашаддий жиноятчи-қотиллар — Усмонов Иқбол Худойбердиевич ва Раҳмонов Юнусали Қодировичларни олий жазо — отувга ҳукм этди. Усмонова Мавжуда Баҳромовнани 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шу ўринда айрим фикр ва мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоизга ўхшайди.

Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида бегона машиналарни уйига олиб келиб, туни билан уларни қисмларга ажратган одамкушларнинг кирдикорларини наҳотки қўни-қўшнилар сезмаган бўлишса?!

Одамнинг ишонгиси келмайди. Ё сезган бўлишса ҳам, "кўрмадим дедим, қутулдим" қабилида иш тутишганмикин? Лекин шуниси аниқки, кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу қабиҳлик ҳаммамизни огоҳликка, ҳушёрликка чақиради.

МУНДАРИЖА

Қасос. 3
Йигит йиғламасин дунёда.....224
Дарди бедаво.....370
Одамкушлар (суд очерки).....523

НОСИР ЗОҲИД

ДАРДИ БЕДАВО

(қиссалар)

Муҳаррир: А.Аҳмедов
Дизайнер: М. Раҳмонов
Тех.муҳар: А. Ғуломов
Мусаҳҳиҳа: С.Бадалбоева

Нашриёт лицензияси: AI №239 04.07.2013

Теришга берилди 03.11.2017. Босишга 02.11.2018 рухсат этилди. Бичими 84x108 1/16. "Times New" гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 34,0. Нашр босма табоғи 34,0.
Адади 1000. Буюртма №40

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 28–уй.

НОСИР ЗОҲИД
(Носиржон Зоҳидов)

1954 йилнинг 10 апрелида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида таваллуд топган. 1975 йилда Қўқон Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Шундан кейин у туман, вилоят ва республика газеталарида фаолият кўрсатган. Носир Зоҳиднинг шеър ва ҳикоялари 1970 йилдан буён шаҳар, вилоят ва республика нашрларида чоп этиб келинади. Адибнинг ушбу тўпламига унинг турли йилларда ёзган қиссалари киритилган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ISBN 978-9943-5256-9-6
9 789943 525696